



ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОХИ
ТАЛАБАЛАРИ УЧУН
ҮҚУВ АДАБИЁТИ

Н. М. КАМОЛОВ • М. У. ҚҮЙЛИЕВ

ИЧКИ КАСАЛЛИКЛАР

*СССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
Үқув юртлари бош бошқармаси тиббиёт
олий билимгоҳларининг талабалари учун
үқув қўлланмаси сифатида руҳсат
этган*

Тошкент
Иёби Сино номидаги нашриёт
1991

Камолов Н. М. — Самарқанд тиббиёт олий билимгоҳи ички касалликлар кафедраси мудири, профессор. *Қўйлиев М. У.* — шу кафедра доценти.

Камолов Н. М., Қўйлиев М. У.

К 21 Ички касалликлар: Олий билимгоҳларининг талабалари учун ўқув қўлл. — Т.: Иби Сино номидаги нашр., 1991. — 440 б. — (Тиббиёт олий билимгоҳи талабалари учун. Ўқув адабиёти).

Асосий адабиёт: б. 435-437.

И. Автордомш.

Камалов Н. М., Куйлиев М. У. Внутренние болезни.

Қўлланма матнига ЎзССР соғлиқни сақлаш вазирлиги Н. А. Семашко номидаги тиббий реабилитация ва физиотерапия илмий-текшириш институтининг директори, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ички касалликлар кафедраси мудири, медицина фанлари доктори, проф. К. Й. Йўлдошев тақриз берган.

Мазкур ўқув қўлланмасида янги ўқув дастурида кўзда тутилган асосий нозологик бирликлар баён қилинган. Мавзулар ягона методик принцип бўйиче ёритилган.

Қўлланма тиббиёт олий билимгоҳларининг ҳамма факультетлари талабаларига мўлжалланган.

ББК 54.ИЯ73

K 410804000—042
354(04)—91 38—91

ISBN 5-638-00397-5

© Н. М. Камолов, М. У. Қўйлиев,
1991.

СҮЗ БОШИ

Ўзбек тилида яратилган ушбу ўқув қўлланмасида асосий нозологик бирликлар — мавзулар ички касалликлар бўйича ўқув дастурига (1984) мувофиқ равишда қамраб олишган ва талабаларнинг бу фани ўрганишларида катта амалий ёрдам беради. Шу маъсадда ҳар бир мавзу бўйича материаллар терапия фанининг ҳозирги талаблари ва ютуқларини ҳисобга олган ҳолда хронологик тартибда, изчиллик билан, ягона методик принцип бўйича баён этилди.

Қўлланмада тегишли боблар ва нозологик бирликлар бўйича барча зарур маълумотлар келтирилган, чунончи: муаммолар; мавзунинг долзарблиги; касаллик таърифи; қисқача статистик маълумотлар; жинс, ёш ва бошқаларнинг аҳамияти; касалликнинг классификацияси; этиологияси, патогенези ва патологик анатомияси; клиникаси; диагностикаси, дифференциал диагностикаси; кечиши вариантлари; асоратлари; даволаш усуслари; профилактикаси; диспансерлаши масалалари. Бундан ташқари, диагнозларнинг тахминий таърифи; мавзулар бўйича текширув учун саволлар; терапия ва физиотерапия бўйича амалий кўнижмалар таърифи; касаллик тарихининг тўлиқ схемаси ва бошқалар.

Мазкур қўлланмада пульмонология, кардиология, нефрология, гематология масалаларига доир нозологик бирликлар киритилиб, улар китобнинг мазмунини бойитади. Бундан ташқари, қўлланмада бирюзлирчи тўқима ва бўғимларнинг айрим касалликларини (систем қизил волчанка, 'ревматоид артрит, подагра ва б.) ўрганишга багишланган боб мавжуд.

Маълумки, талабаларнинг ўқув материалиини яхши ўзлаштириб олишлари ва амалий кўнижмалар ҳосил қилишлари учун ўқитиша кўргазмали маълумотлардан имкон борича кўпроқ фойдаланиш керак. Шуни пазарда тутиб, китобга талайтина ўқув жадваллари киритилди.

Қўлланма тиббиёт институтларида таълим олаётган бўлажак врачлар — талабаларгагина эмас, балки ёш терапевт ва муаллимларга сам маълум даражада паф келтиради, деб умид қиласиз.

Муаллифлар китобхонларнинг ушибу қўлланма мазмунига оид барча танқидий мулоҳазалари ва таклиф-истакларипи бажонидил қабул қиласизлар.

КИРИШ

Юқори малакали врач кадрларни тайёрлаш учун ўқув жараёнинг ҳамма шаклларини янада такомиллаштириш, жумладан уни қўллацмаларини яратиш зарур. Ҳозирги вақтда студентларнинг билим олиб ўрганиш фаолиятини фаоллаштиришнинг турли-туман шаклларини ўқув жараёнига сингдириб бориши, шунингдек уларда ижодий ташаббускорликни ривожлантириш бениҳоя мухим аҳамият касб этади. Бу вазифаларнинг ажralmas қисми — студентларнинг мустақил тайёргарлигини ташкил қилиш, амалга ошириши ва уларни тегишли ўқув адабиётлари билан таъминлаш ҳисобланади.

Мазкур ўқув қўлланмасида даволаш факультетининг юқори курсида ўқийдиган студентлар учун ички касалликлар бўйича ялги ўқув программасида (1984) кўзда тутилган асосий нозологик бирликлар изчиллик билан ёритилди, шунингдек холециститлар, В₁₂-етишмай-диган анемия, ўткир лейкоз каби бир қанча мавзулар киришилди.

Материални баён қилишга ягона методик принцип асос қилиб олинган. Ҳар бир боб умумий таърифдан, ҳар бир касалликнинг баённи эса касалликни аниқ таърифлаш, касаллик географиясининг, ёш, касб-кор ва шу қабиларнинг аҳамиятидан бошланади, сўнгра этиологияси, патогенези, патологик анатомияси, клиникаси, классификацияси, диагностикаси, дифференциал диагностикаси, кечиш вариантлари, асоратлари, даволаш методлари, профилактикаси ва диспансерлаш масалалари ҳозирги замон фали нуқтаи назаридан баён қилинади. Студентларнинг мустақил тайёргарлигида тафаккурни ривожлантириш мақсадида ҳар бир мавзу ниҳоясида контрол саволлар берилган. Қўлланмада касаллик клиник тарихининг тўлиқ схемаси келтирилган. Даво бўладиган парҳез овқатлар тўғрисида қисқача маълумотлар берилган.

Мазкур ўқув қўлланмасида студентлар олдига ҳар бир мавзу бўйича конкрет вазифалар қўйилади ва замонавий тушунчалар нуқтаи назаридан ихчам тарзда уларга жавоблар берилади. Материални ана шу шакл ва услубда баён қилиш студентнинг ички касалликларга доир турли хил қўлланмаларда ва кўп сонли монографияларда келтирилган ҳажми жихатидан улкан инфомацияни тез тушуниб олишига, шубҳасиз, имкон беради, машғулотларга мустақил тайёргарлик кўришини бирмунча осонлаштиради. Ўқув қўлланмаси даволаш факультети студентларига мўлжалланган бўлишига қарамай, у бошқа факультетларнинг студентларига ҳам, шунингдек интерн-терапевтларга ва ёш педагогларга ҳам ғоят фойдали бўлиши мумкин.

Муаллифлар китобхонларнинг ҳамма танқидий мулоҳазалари ни, хоҳип-истакларипи ва маслаҳатларини бажонидил қабул қиласидилар.

I БОБ

НАФАС ОРГАНЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Нафас системаси касалликлари аҳолининг касалланиш структурасида анчагина салмоқли ўринни эгаллайди. Халқаро касалликлар классификациясига биноап 400 дан зиёд касалликлар нафас органлари патологиясига тааллуқlidir. Сўнгти йилларда ўткир пневмония ва ўпка сили сингари илгари тарқалган касалликлар билан касалланиш ва ўлим бирмунча камайтирилди. Айни вақтда бутун дунёда ўкканинг хроник носпецифик касалликлари (хроник бронхит, хроник пневмония, ўпка эмфиземаси, бронхоэктатик касаллик, хроник ўпка абсцесси, бронхиал астма ва бошқ.) билан касалланиш, ногирон бўлиб қолиш ва ўлимнинг ўсиб бораётганлиги қайд қилипяпти.

Хроник носпецифик ўпка касалликлари Австрияда текширувдан ўtkazilgan одамларнинг 10 фоизида, Италияда 12 фоизида, Англияда эркакларнинг 17 ва аёлларнинг 8 фоизида аниқланган (Ахметов М. А., 1962). СССР да бу касалликлар сил ва нафас органларидаги ўсмаларга қараганда бир неча марта кўп учрайди. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида (Англия, Франция, ГДР ва бошқ.) уларнинг салмоги ўлимнинг бошقا сабаблари орасида 10—11 фоизни ташкил қилади.

Кўпгина мамлакатларда бронхиал астма билан касалланишининг сезиларли даражада ўсиши қайд қилинганди. АҚШ да у билан аҳолининг 1—3 фоизи, Англиянинг айрим районларида эса 10 фоизигача касалланган. СССР да бронхиал астма касалланиш структурасида 3—4-уринни эгаллайди. Айтидан, бронхиал астма билан касалланиш муайян даражада иқлим шароитларига боғлиқ бўлса керак: Ўрта Осиёда касалланиш даражаси юқори ва мамлакатимизнинг шимолий районларида писбатан паст (Чучалин А. Г., 1985).

Саноат корхоналарида хроник пневмония билан касалланиш ишчилар ва хизматчиларнинг 2,65 фоизида ва қишлоқ аҳолисининг 3,5 фоизида аниқланган (Молчанов Н. С., 1977).

В. И. Тишецкий маълумотларига кўра (1971) хроник пневмония хроник поспецифик ўпка касалликларининг умумий структурасида 33,2 фоизни, Н. Р. Палеев ва муаллифдошларининг маълумотлари бўйича (1985) эса 24,8—30,4 фоизни ташкил қилади. Бу ўринда ёш општаний сайин бу касалликка йўлиқиши ва унинг салмоги, айниқса эркаклар орасида ошиб боради.

Ўпкада йирингли касалликлар ривожлапшида беморларнинг турмуш ва меҳнат шароитлари, жинси ва ёши, заарлар одатлари борлиги муайян аҳамиятга эга бўлади. Масалан, биринчи жаҳон уруши даврида носспецифик ўпка касалликлари билан касалланиш структуррасида ўпка абсцесси 32,5 фойизни, иккинчи жаҳон уруши йилларида 18,6 фойизни ташкил қилган. Ўпкадаги йирингланиш касалликлари аёлларга нисбатан эркакларда 8 марта кўпроқ аниқланади (Колесников И. С., 1973), у чекадиган ва спиртли ичимликлар ичадиган эркакларда, ҳарорат тез-тез ўзгариб туриши муносабати билан вақти-вақтида совқотадиган жисмоний меҳнат билан шугулланадиган шахсларда (шофферлар, тракторчилар, мотористлар, иссиқ цехларда ишлайдиган ишчилар ва қишлоқ хўжалиги ишчилари) айниқса кўп учрайди. Ақлий меҳнат билан шугулланадиган шахслар ва ўқувчилар атиги 17,7 фойизни, ишлайдиган кишилар эса (ёки улгайгаш, инвалидликка чиққан) 18,2 фойизни ташкил қилган. Аксарият меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар (20—50 ёш) касаллападилар. Ўпкадаги йирингланиш касалликлари грипп эпидемияларидан кейин кўпаяди (гриппоз ўчоқли пневмония крупоз пневмонияга қараганда ўпка абсцесси билан бирмунча кўпроқ асоратланади).

Бронхитлар (айниқса хроник бронхитлар) билан касалланишнинг ўсишини бошқа сабаблар билан бир қаторда йил сайин чекувчилар сонининг кўпайиб бораётганлиги билан боғлайдилар. Хроник бронхитда касалланиш ҳам, ўлим ҳам одамнинг неча йил тамаки чекканлигига ва чекилган сигареталар миқдорига боғлиқ эканлиги аниқланган. Бронхитлар ривожлапшида атмосферанинг ифлосланиши, касбга алоқадор заарлар моддалар, ноқулай иқлимий омиллар, инфекция (бактериялар ва вируслар), нафас ва қон айланиш органларининг ўчоқли инфекциялари ва хроник касалликлари, эндоген ва экзоген омиллар, аллергия ва бошқаларнинг аҳамияти кам эмас.

Ушбу бобда хроник бронхит, ўткир пневмониялар (крупоз ва ўчоқли), хроник пневмония, ўпкадаги йирингли касалликлар (абсцесс ва гангrena) ва бронхиал астма ёритилади.

Ҳар бир касаллик бўйича материални баён қилиш баъзи бир хусусиятларга эга. Масалан, крупоз пневмонияга багишлиланган бўлимда касалликнинг асосий атилик формаларига таъриф берилади, ўчоқли пневмонияларни кўздан кечиришда айрим клиник формалари этиологиясига боғлиқ ҳолда муфассалроқ тасвирланган. Янги программада кўзда тутилмаган баъзи бир касалликларнинг муҳимлиги туфайли улар дифференциал диагностика бўлимида қисқача ёритилган.

БРОНХИТЛАР

Бронхит рўй-рост ифодаланган, беморнинг тинка-мадорини қуриладиган ва уни меҳнат қилиш лаёқатидан батамом маҳрум қиласидан бўлиши мумкин, бироқ баъзан у шу қадар яширип бошланадики, уни ихтисослашган стационар шароитларида қунит билан текширилган ҳолдагина аниқланади. Масалан, Голландияда текширувдан ўтказилган амалда соғлом одамлар ўртасида бронхитлар 24,7 фойиз,

Англияда — 38,2 фоиз, Чехословакияда — 37 фоиз кишиларда аниқланган.

Ватанимиздаги муаллифларнинг маълумотларига биноан бронхит билан касалланиш 1,5 дан 20 фоизгача ўзгариб туради, бунда хроник бронхит билан катта ёндаги аҳолипинг 3—8 фоизи ва бундан кўпроти касалланади. Аксарият болалар ва 50 ёшдан ошган шахслар касалланадилар, эркаклар аёлларга нисбатан 2—3 марта кўпроқ оғрийдилар. Бундан ташқари, хроник бронхит аксарият шаҳар аҳолисида, асосан чекувчилар орасида учрайди. Ундан юз берадиган леталлик ўпка ракидаги леталликка тенг (Тишевский В. И., Кардаш К., 1980), бунда у эркаклар орасида аёлларга нисбатан бирмунча юқори.

Бронхитларнинг қуйидаги турлари ֆарқ қилинади:

- ўткир ва хроник;
- бирламчи ва иккимачи;
- инфекцион (микроб ва вирусли), токсик, паразитар, физикаий, химиявий, механик, димланиш сабабли юз берадиган;
- диффуз ва ўчқали (сегментар);
- юза ва чуқур;
- трахеобронхит, бронхит ва бронхиолит;
- катарал-шилимшиқли, шилимшиқ-йирингли, чирик, фибриноз, геморрагик;
- енгил, ўртача оғирлиқдаги, оғир;
- асоратланган ва асоратланмаган.

ЎТКИР БРОНХИТ

Таърифи. Ўткир бронхит — бронхларнинг ўткир яллиғланиши. Бу нафас органларининг энг кўш учрайдиган қасаллиги ва хроник бронхитлардан ғарқли равишда асосан бемор организми совқотганда вирус ва бактериал инфекция натижасида ёки нафас системасига химиявий ва физиковий омилларнинг таъсирилтирувчи таъсири натижасида ривожланади.

Ўткир бронхитлар вирусли инфекцияларда (грипп, қизамиқ, дифтерия, кўкйўтал, аденоvируслар, РС-вируслар, орнитозлар ва бошқ.), бактериаллар таъсири остида (пневмококклар, стрептококклар, стафилококклар, Фридлендер табқаси ва инфлюэнзалар ва бошқ.), таркибида заарли газлар (хлор, аммиак, водород, азот оксидлари, сульфат ва сульфид ангидрид) концентрациялари юқори бўлган ҳаводан нафас олинганда, жанговар заҳарли моддалар (фосген, дифосген, хлор, иприт, люизит)дан заҳарланишида, ҳар хил чанг-ғуборлар нафасга олинганда (чанг-тўзондан бўладиган бронхитлар), физиковий омиллар таъсири остида (термик), ўпка ва бронхлар веноз қонга тўлиқ бўлганда (димланиш бронхитлари), эндоген интоксикацияларда (уремик бронхитлар), организмнинг аллергик ҳолатларида (аллергик бронхитлар) ва бошқаларда ривожланади.

Ўткир бронхит ривожланишига майиллик қиласидиган омиллар — организмнинг совқотиши, асабий зўриқиши, алкоголни суистеъмол

қилиш, турли-туман хроник ва экзоген интоксикациялар, чекиш, инфекция ўчоқлари (рипит, тонзиллит, сипуситлар ва бошқалар) борлиги, бронхиал деворлардаги алмашинув ва трофиқ бузилишлар, бронхларнинг мотор ва эвакуатор функциясининг бузилиши ва бошқалар ҳисобланади.

Ўткир бронхитнинг клиник манзараси организмнинг умумий интоксикацияси симптомларидан ва бронхларнинг ўзининг зарарланиш симптомларидан иборат (температуранинг кўтарилиши, эт жунжиқиши, умумий ҳолсизлик, мушаклар оғриши, тумов, товуш бўғилиши, томоқ қичишиши, қуруқ, кейинчалик балғамли йўтал, тўш орқасида қичишиш, йўталда кучаядиган қичишиш сезгиси). Ўпка томонидан бўладиган физикал ҳодисалардан энг характерларни аускультатив маълумотлар — қаттиқ везикуляр нафас, қуруқ тарқоқ ҳириллаган товушлар, бронхиолит ривожланганда эса яллигланган бронхларнинг калибри (ипгичка-йўғонлиги) ва улардаги яллиғланиш секретининг характеристига кўра товушсиз нам хириллашлар ёки ҳуштакли хириллашлар эшитилади. Этиологияси, организмнинг дастлабки ҳолати, жараёнинг тарқалганлик даражасига кўра нафас функцияси, юрак-томирлар системаси, қон системаси ва бошқалар томонидан турли-туман ўзгаришлар кузатилади.

Ўткир ҳодисалар одатда 1- ҳафта охирида ўтиб бўлади, 2- ҳафта охирида ва 3- ҳафта бошида бемор батамом согайиб қолади. Касаллик жараёни бронхларнинг энг майдада шохобчаларига тарқалган ҳолларда — бронхиолитда прогноз ёмонлашади.

Ўткир бронхитнинг хроник бронхитга ўтишига имкон берадиган энг кўп сабаблар қўйидагилар:

- макроорганизм реактивлигининг пасайиши ёки ўзгариши;
- бронхларнинг носпецифик таъсирловчилар (чекиш, алкоголь, совуқ ва чанг-тўзонли ҳаводан нафас олиш) дан ирритацияси;
- ўткир бронхитларда бронхларпинг чуқур нейрогуморал ва трофиқ бузилишлари;
- бронхлар дренаж функциясининг бузилиши;
- юқори нафас йўлларида хроник ўчоқлар борлиги;
- ўткир бронхитга етарлича даво қилмаслик.

Кўпинча ўткир бронхитнинг хроник бронхитга ўтиши қувватсизланиб қолган bemорларда (ноқулай шароит бўлганда), аксарият вирус этиологияли ўткир бронхитда, бронхлар чуқур заарланганда ва айниқса ўткир бронхит бронхиал ўтказувчаникнинг бузилиши билан кечганда кузатилади.

ХРОНИК БРОНХИТ

Таърифи. Хроник бронхит — бронхлар шиллиқ пардаси ва улар деворининг бирмунича чуқур қатламларининг диффуз яллиғланиши бўлиб, вақти-вақтида қўзиши ва узоқ муддат кечиши билан ажralиб туради. Бу анчагина кенг тарқалган касаллик. Жамланган статистика маълумотларига кўра (20 дан ортиқ мамлакат) хроник бронхит умумий касалланишлар сонидан 1,9 фоизни; Австрияда 12 дан ортиқ фоизни ташкил қиласди.

1-жадвалда Бутуниттифоқ терапевтлар жамияти президиуми тасдиқлаган (1973) хроник бронхитлар классификацияси келтирилган. Клиник маълумотлар ва назарий билимларга асосланиб, студент қўйидагиларни билиши керак.

1) тахминий диагноз қўйиши ва уни патологик жараённинг жойлашган ўрни (ўпка, плевра, кўкс оралиги, бронхиал шоҳ, кичик қон айланиси доирасидаги димланиш) ва характеристи (яллигли, ўсмасимон, функционал) нуқтаи назаридан асослаб бериши;

2) тахминий диагнозга асосан беморни текширишнинг асосланган планини тузиши (энг замонавий текширув методларини қўлланган ҳолда) ва бронх-ўпка системасининг бошқа касалликлари билан дифференциал диагноз ўтказиши;

3) диагнозни таърифлай олиши (кечишини, врачлик-меҳнат экспертизаси талабларини, қўшилиб келадиган касалликларни, касаллик босқичларини ва асоратларини ҳисобга олган ҳолда), этиопатогенетик терапияси, профилактикаси, прогнозни ва хроник бронхитли bemорларни меҳнатга лаёқатини аниқлаш планини тузиши.

Этиологияси ва патогенези. Этиологик омиллар кўп, бироқ улардан энг муҳимлари қўйидагилар:

— атмосферанинг ифлосланиши (заарли моддалар таъсири, ҳавода азот оксид ва сульфид гази концентрациясининг ўзгариши, тутун таъсири ва бошқ.);

— токсили моддалар, касб-корга алоқадор заарли моддалар, табиатан органик (пахта, ун чанг) ва ноорганик турли-туман чанг заррачалари (кўмир, кварц, цемент ва бошқ.) таъсири, шунингдек иссиқ цехларда юқори температура таъсири ва ҳоказо;

— тамаки чекиш. Тамаки тутуни кўп сонли таркибий қисмлар сақлади (пиридин асослари, аммиак, никотин ва бошқ.). Эпидемиологик текширувларда бронхит билан касаллаши частотаси билан чекиладиган сигареталар сони ўртасидаги боглиқлик аниқланган. Пассив чекишга (ўзи чекмаса-да чекувчи ёнида бўлганларга) ҳам катта аҳамият берилади: чекувчи одамлар оиласидаги хроник бронхит касаллиги чекмайдиган оила аъзолари ўртасидаги одамларга қараганда, айниқса болаларда кўпроқ топилади;

— микроб Флораси (стрептококк, стафилококк, диплококк, инфлюэнца таёқчаси, пневмококк ва бошқ.), вируслар (грипп, қизамиқ, кўйкўйтал ва бошқалар қўзгатадиган), юқори нафас органлари инфекцияларининг хроник ўчоқлари, бурун-ҳалқум касалликлари (ринит, гайморит, тонзиллит, ўтқир респиратор касалликлар ва бошқ.) роли;

— иқлимга (пам, совуқ, кескин континентал), Фонга (ўпка, юрак касалликлари, хроник буйрак етишмовчилиги ва нафас системаси ҳимоя механизmlарининг бузилиши билан ўтадиган бошқа ҳолатлар), эндоген омилларга («оиласидаги» бронхитлар, конституционал, ирсий мойиллик, бирламчи иммунитет ташқислиги бузилишлари ва бошқ.), мойил қиладиган (елвизак, совқотиш, ичкилик ичиши ва бошқ.), шунингдек аллергик омилларга (оқсил табиатли ва оқсилсиз аллергенлар таъсири) маълум даражада аҳамият берилади.

Хроник бронхитлар классификацияси

Этиологияси бүйича	Патогенези бүйича	Клиник-бронхологик ва морфологик таърифи	Босқичлари бүйича			Асоратлары бүйича
			I	II	III	
Вирусли	Яллиягланиш	Морфологик, функционал	Эндо-бронхит: обструкциясиз, обструкциялы	Мезобронхит: обструкциясиз, обструкциялы	Панбронхит обструкция билан	Асоратланмаган
Бактериал	Токсик					Асоратлари: а) астматик синдром; б) перихондрит (ұтқир пневмония хроник пневмонияга ўтиш эхтимоли бор); в) ўпка эмфиземаси (эмфизематоз бронхит)
Химиявий ва физикавий таъсирларда	Экссудатив-дистрофик: а) димланиш, б) мета-ко-ниотик	Рентгенологик (жумладан бронхография)	Пневмофиброз йүк	Пневмофиброз йүк ёки ифодаланған	Пневмофиброз, дистелектазлар, эмфизема	
Чангтүзөнли	Аллергик. Автоиммун Метацитик Арапаш	Бронхоскопик (тарқалғанлығы бүйича)	Қисман диффуз, бир — ёки иккитомнолама	Қисман диффуз, бир — ёки иккитомнолама	Аксарият диффуз, бир — ёки иккитомнолама	

Патогенези. Хроник бронхитнинг ривожланиши патогенези асосан қуйидагилар билан изоҳланади:

- носпецифик таъсирловчилар (чапг, чекиш, газлар, алкоголь ва бошқ.) таъсири;
- бронхлар деворининг инфекцион-аллергик заарланиши;
- бронхиал деворда нерв бошқарилишининг бузилиши;
- бронхлар дискинезияси ва бронхиал ўтказувчанликнинг бузилиши;
- доимо таъсир қилиб турадиган ўчоқли инфекциялар борлиги ва бошқалар.

Кўрсатиб ўтилган ва бошқа кўп сонли омиллар шиллиқ парда барьер функцияси ва иммун хоссаларининг пасайишига, томирлар ўтказувчанлигининг ошишига, бронхиал безлар секрецияси кучайишига, майда бронхларда секрет йиғилишига олиб келади, натижада микрофлора бронхлар деворига киради ва у ерда яллигланиш жараёни ривожланиши учун қулай шароитлар вужудга келади, кейинчилик шиллиқ парда ҳалок бўлади, атрофияга учрайди, биринтирувчи тўқима ривожланади, нервлар шикастланади ва ҳ. к.;

— бронхларнинг шакли ўзгариши, қийшайиши, обтурацияси ва чандиқли ўзгаришлар юз бериши, ўпка эмфиземаси манзараси пайдо бўлиши эҳтимол;

— патологик жараён юза бўлиши ёки ҳамма қатламларни зарарлантирадиган — бронхиолалар ва ўпка паренхимасини тўлиқ деструкция қиласидиган даражада чуқур бўлиши мумкин (пневмосклероз, пневмоник фокуслар) ва бошқ.;

Клиник манзараси. Клиник кўришиларининг рўй-рост юзага чиққанлиги ёки апиқлиги даставвал қўйидагиларга:

— жараённинг кечиш характеристига (латент, қўзиши, ремиссияси);
— тарқалганилиги, локализацияси ва бронхиал шохнинг зарарланиши даражасига (эндо-наибронхит, перибронхит);
— турли-туман асоратлар борлигига (пневмония, эмфизема, пневмосклероз, бронхоэктазлар);

— нафас (ўпка) ва ўпка-юрак етишмовчилиги борлигига;
— бронхиал ўтказувчаник ҳолатига;
— касаллик этиологиясига ва бошқаларга боғлиқ.

Хроник бронхитларнинг А. Н. Кокосов ва В. А. Герасин (1984) бўйича классификациясини келтирамиз:

A. Яллигланиш жараёни характеристи бўйича:

— катарал,
— йирингли.

B. Функционал характеристикаси хусусиятлари бўйича:

— обструктив,
— обструкциясиз.

B. Касаллик фазаси бўйича:

— қўзиш,
— ремиссия.

Асоратлари борлиги, нафас (ўпка) ва юрак етишмовчилигининг юзага чиққанлик даражаси ҳам кўрсатилади.

1. *Субъектив маълумотлар.* Бемор шикоятлари:

— аксарият эрталаблари кучаядиган қуруқ йўтал (касалликнинг бошида вақти-вақти билан), баъзан йирингли ёки шилимшиқ-йирингли балғам кўчиши билан ўтади. Йўтал балғам қийинлик билан кўчадиган азобли ёки балғам кўчмайдиган бўлиши мумкин;

— ҳаво етишмаслиги сезгиси, нафас қисиши ёки бўғилиш (айниқса аллергик, обструктив бронхитда);

— тана температураси кўтарилиши (жараён қўзиганда);

— қон туфлаш ёки балғамда қон ипир-ипирлари бўлиши мумкин (одатда геморрагик бронхитда ёки бронхоэктазлар бўлганда);

— юрак уриши, оёқларга шиш келиши, ўнг қовурғалар остида оғриқ бўлиши, диурез бузилиши ва бошқ. (ўпка-юрак қўшилганда);

— умумий ҳолсизлик, кўп терлаш, дарров ҷарчаб қолиш, турли хил мушак гуруҳларида йўтал билан боғлиқ бўлган оғриқлар, инжиқлик, яхши ухлай олмаслик, ориқлаб кетиш, иш қобилиятининг пасайиши ва бошқ.;

— касалликнинг ёки жараён қўзишининг тез-тез «шамоллаш», «грипп», совқотиши, тамаки чекиш ва ишқилик ичиши (қунт билан

анамнез йигилганды аниқланади), об-ҳаво шароитларининг ёмонлашиши ва хроник бронхит этиологиясида кўрсатилган бошқа сабаблар билан боғлиқлиги.

II. *Субъектив маълумотлар анализи* (бемор шикоятлари, хроник бронхит ривожланишига олиб келадиган ва мазкур қасаллик диагностикасида аҳамияти бўлган ҳамма омиллар ҳисобга олинган анамнез).

III. *Объектив маълумотлар*.

1. Умумий қўздан кечириш:

— умумий аҳволи, жараённинг оғир-енгиллигига боғлиқ ҳолда bemornining ўриндаги вазияти (ремиссия даврида ва қасалликнинг бошлангич босқичларида қоницарли, қўзиган чоғларида ўртача оғирлиқда, қасалликнинг асоратлар билан ўтадиган учинчи босқичида оғир);

— лаб, қулоқ солинчоги, юз, қўйл-оёқлар цианози, тери қопламишининг намлиги, кечиккан босқичларида — ифодаланган акроцианоз, камдан-кам ориқлаб кетиш;

— нафас қисиши (аксарият аралаш), бўгилиш юз бериши эҳтимол (бу обструктив бронхитда, аллергик келиб чиқадиган бронхитда кузатилади);

— қасалликнинг кечиккан босқичларида кўкрак қафаси шакли ўзарган, эмфизематоз, у нафас актида етарлича иштирок қилмайди, шунингдек кўкрак қафасининг эластиклиги, ригидлиги, нафас олиш актида қўшимча мушакларнинг иштироки пасайган, оёқларга шиши келган ва ўпка эмфиземаси, пневмосклероз, ўпка-юрак декомпенсациясининг бошқа кўринишлари (ўпка-юрак);

— жараён қўзиган даврда тана температурасининг субфебрил рақамларгача ва бундан юқорига кўтарилиши кузатилади.

2. Нафас системаси:

— қасаллик кечишининг латент, енгил ҳолларида ўпка томонидан патологик силжишлар бўлмаслиги мумкин, улар жараён қўзиган даврда, айниқса ўпка эмфиземаси ва хроник бронхитнинг бошқа асоратлари қўшилганда аниқланади;

— перкутор усулда: тиниқ ўпка товуши ёки қутичани урганда чиқадиган товуш билан алмашинадиган тўмтоқланиш участкалари, ўпка экскурсиясининг чекланиши, қуий чегарасининг пастга силжиниши;

— аускультатив усулда: қўзиш даврида қаттиқ нафас ёки аксарият нафас чиқарилиши узайган нафас, тарқоқ қуруқ (гижиллайдиган, ҳуштакли, шипиллайдиган), жараангиз нам (йирик-, ўрта- ва майда пуфакчали) хириллаган товушлар эшитилади, бунда охиргилари ўпканинг асосан орқа-пастки бўлимларида эшитилади.

Ўпкадаги кўрсатиб ўтилган физикал силжишлар доимий эмас ва қасалликнинг даврига (ремиссия, қўзиш), жараённинг жойлашган ўрни ва тарқалганлиги, заарланган бронхлар калибри, жараёнга ўпка тўқимасининг тортилиш даражасига кўра топилади.

3. Бошқа органлар:

— юрак томопидан бўладиган патологик ўзгаришлар узоқ мудд

датли гипертензия натижасида юрак етишмовчилиги (ўнг қоринчадаги) ривожланганда кузатилади — бу ўнг қоринча ва ўнг бўлма гипертрофияси ҳисобига юрак чегарасининг кенгайиши, ўпка артериаси тепасида II тон акценти (кичик қон айланиши доирасида қон димланиши), ҳанжарсимон ўсиқ асоси олдида систолик шовқин (уҷ тавақали клапапниңг нисбий етишмовчилиги), ЭКГ даги тегишли ўзгаришлар («Қўшимча текшириш методлари» бўлимида тасвирланган);

— жигар томонидан бўладиган ўзгаришлар ҳам юракнинг ўнг бўлимида димланиш ривожланганда (ўнг қоринча етишмовчилиги), катта қон айланиши доирасида топилади ва ўнг қовургалар остида ёқимсиз сезги ёки оғриқ бўлиши, жигарниңг катталашуви, унинг айrim функциялари бузилиши билан ўтади;

— буйраклар — диурез ўзгариши, оз-моз протеинурия, микрогематурия ва бошқ. («димланган буйрак»);

— меъдā-ичак бузилишлари (диспептик ҳодисалар ва бошқ.) хроник бронхитнинг ўпка ва ўпка-юрак етишмовчилиги (ўпка-юрак), катта қон айланиши доирасида димланиш билан оғирлашуви ёки қўшилиб келадиган касалликлар борлиги билан ҳам боғлиқ.

IV. Қўшимча текшириш методлари маълумотлари:

— периферик қонни текшириш: ўртача лейкоцитоз, нейтрофилез чанг силжиши билап, СОЭ ошиши, эозинофилия (астматик бронхитда), эритроцитоз ва гемоглобин даражаси ошиши (нафас етишмовчилиги оқибатида);

— биохимиявий силжишлар: диспротеинемия — альбуминлар миқдори камайиши, α_1 - ва α_2 глобулинлар ҳисобига глобулинлар даражаси ошиши (альбумин-глобулин коэффициенти пасайиши), чўйма реакцияларининг (тимол, сулема синамаси ва бошқ.) мусбат натижалари ва С-реактив оқсилга синамалар, дифениламин синамаси, ўпкага қарши антителоларнинг юқори титрлари, шунингдек липидлар, β -липопротеидлар миқдорининг пасайиши, лецитин-холестерин коэффициентининг орта бориши, α -липопротеидларнинг ошиши ва бошқалар;

— балғамии текшириш: у шилимшиқли, шилимшиқ-йирингли, баъзан қон аралашган ёки геморрагик, чириндили бўлиши мумкин, шилимшиқли ёки йирингли тиқиiplар, бронхларнинг пусха (из) лари топилади; реакцияси ишқорий, нейтрал ёки кислотали; микроскопия қилганда — кўп миқдорда нейтрофил лейкоцитлар, бронхиал эпителий ҳужайралари, макрофаглар, шунингдек эозинофиллар, Куршман спираллари, Шарко-Лейден кристаллари (астматик бронхитда) борлиги аниқланади;

— рентгенологик текшириш: касаллик бошланаётганда силжишлар кўпинча бўлмайди ёки ноаниқ ифодаланган; касалликнинг бирмунича кечиккаш босқичларида тўрсимион пневмосклероз белгилари, ўпка тасвирининг йирик катакли деформацияси, бронхлар деворининг қалин тортиши, ўпка майдонлари тиниқлигининг диффуз ошиши, эмфизематоз буллалар, диафрагманинг пастда туриши, юракнинг марказий жойлашуви, майда периферик томирлар калибрининг кич-

райиши — «калибр сакраши» симптоми (үпка гипертензияси бўлганда), ўпка артерияси конуси бўртиб чиқиши ва хроник бронхитнинг бошқа кўришилари, үпка эмфиземаси ва үпка-юрак аниқланади;

— электрокардиографик ўзгаришлар үпка-юрак етишмовчилиги ривожланиши билан боғлиқ (ўнг қоринча гипертрофияси, Р тишчаси баланд, ўткирлашган, электрик ўқ ўнгга силжиган, I усулда S тишчаси чуқур ва II ҳамда III усулларда R тишчалари баланд. Гис турами ўнг оёқчасида блокада белгилари, S — T интервалининг пасайиши, II ва III усулларда T тишчаси манфий);

— бронхография, бронхоскопия жараённинг тарқалганилиги, активлиги ва чуқурлигини аниқлаш учун, шунингдек биопсия материали ва микрофлорани олиш ва уларнинг антибиотикларга сезувчанлигини аниқлаш учун зарур;

— ташқи нафасни аниқлаш ёрдамида (спирография, пневмотахометрия) нафас етишмовчилиги борлиги ва унинг даражаси аниқланади, физикал ва рентгенологик методлар билан эса эмфизема ва пневмосклероз борлиги диагностика қилинади.

Хроник бронхит учун, айниқса у сурункали, кўпинча қайталашиб кечганда, касалликнинг кечиккан босқичларида ташқи нафас функциясининг ҳар хил даражада бузилишлари хос, үпканинг ҳаёттый сифимининг (ЎҲС), максимал вентиляцияси (ЎМВ), тезлашган ЎҲС нинг пасайиши кузатилади.

Хроник бронхитнинг кечиши. Хроник бронхитнинг клиник кечиши оғир-енгиллигига кўра уч даражага (енгил, ўртача оғирликдаги, оғир) бўлинади:

— енгил турида (I босқич, эндобронхит) эрталаблари одатдаги йўтал (қуруқ ёки шилимшиқ-балғамли) ва ўртача пухакчали нам хириллаган товушлар (қўзиш даврида), нафас қисиши ва ташқи нафас функциясининг бузилиши кузатилади — жисмоний ҳаракатда нафас частотаси минутига 26 мартағача, меҳнат қобилияти сақланаб қолган. Қўзиш даврида йўтал кучаяди, балғам ажралиши кўпаяди, температура, лейкоцитоз ошади ($12,0 \cdot 10^9$ л гача), үпка етишмовчилиги I даражали. 2—3 йилда 1 марта қўзиш юз беради;

— ўртача оғирликдаги турида (II босқичи) шилимшиқ-йирингли балғам ажраладиган доимий йўтал кузатилади; кўн терлаш, ташналиқ, нафас қисиши ва циапоз арзимаган жисмоний ҳаракат қилганда ҳам орта боради, товуш титраши ва бронхофония сустлашган, үпка товуши қутича товуши тусида, үпка экскурсияси чекланган, тарқоқ қуруқ, жарағдор, гижирлайдиган хириллашлар эши билади. Эритроцитоз, СОЭ ошиши (соатига 20 мм гача) кўрилади. Ташқи нафас функциясининг бузилиши үпка етишмовчилигининг II даражасига мувофиқ келади. Ремиссия даврида иш қобилияти чекланган. Куз ёки баҳор фаслида, ҳар йили ёки йилига бир неча марта қўзиб туради, клиник ва бошқа кўрсаткичлари бирмунча ифодаланган ва давомли;

— оғир даражасида (III босқичи, панбронхит) үпка ва юрак (ўнг қоринча) етишмовчилигининг ҳамма белгилари кузатилади —

Үпка-юрак үпка (нафас) етишмовчилигининг III даражасига муво-фиқ келади.

Хроник бронхит кечишининг оғир-енгиллик даражасини аниқлашда субъектив ва объектив маълумотлар, заарланишининг тарқалганлиги ва бронхиал шоҳнинг, умуман бронх-үпка системасининг нечоғлик заарланганлиги, юрак ва үпка етишмовчилиги бирлиги ва даражаси, лаборатория, биохимиявий, рентгенологик текширишлар томонидан силишилар, ташқи нафас функциясидаги ўзгаришлар, ўтказилаётган даволашнинг самарадорлиги ва бошқалар ҳисобга олинади.

Асоратлари. Хроник бронхит асоратлари: астматик синдром; бронхиал астма (инфекцион-аллергик формаси); хроник пневмония, ўткір пневмониялар; қон туфлаш, үпкадан қон оқиши, бронхоэктазлар; ракка айланиш (бронхоген рак); пневмоцлероз, үпка эмфиземаси; хроник үпка-юрак етишмовчилиги; нафас етишмовчилиги.

Диагностикаси. Хроник бронхит диагностикаси баъзан катта қиёйинчилик түгдиради, бу узоқ вақт (бир неча йиллаб) латент кечиши (айниқса бирмунча майда бронхлар заарланганда — дистал бронхит), қўзиш даврларининг аниқ ифодаланмаганлиги, шунингдек касалликнинг йўтал, балғам ажралиши ва нафас қисиши сингари етакчи симптомларининг суст юзага чиққанлигига боғлиқ.

Диагностикада касалликнинг пайдо бўлилигига олиб келган шароитларнинг мутлоқ ҳаммасини ҳисобга олиб, қўйидагиларга дикқат билан аҳамият бериш зарур.

— бронхитнинг энг минимал кўринишлари (тез-тез шамоллаб туриш, «гринпоз ҳолат», ўчоқли инфекциялар, вақти-вақти билан йўталиб туриш, жисмоний ҳаракат вақтида ҳарсиллаш, куз-қиши фаслида аҳволнинг дуруст бўлмаслиги, тамаки чекиш, ичкилик ичиш);

— меҳнат ва турмуш шароитлари;

— зарурат бўлганда лаборатория, рентгенологик ва бошқа инструментал текшириш методларини қўлланиш;

— қўзиш сабабини, патологик жараён даражаси ва чуқурлигини аниқлаш муҳим;

— хроник бронхит мустақил нозологик форма сифатида бронх-үпка системасининг бошқа патологияси устига келиб қўшилиши мумкинлигини унутмаслик лозим (масалан, хроник пневмонияга, бронхоэктатик касаллик, үпка эмфиземасига, айниқса катта ёш гуруҳидаги шахсларда).

Хроник бронхитни тўғри диагностика қилиш етарли даражада тўлиқ дифференциал диагностика ўтказиб, кейинчалик олинган маълумотларни бронх-үпка системасининг етакчи белгилари йўтал, балғам ажралиши ва нафас қисиши бўладиган касалликлари, хусусан бронхиал астма, үпка эмфиземаси ўткір бронхит билан; бронхоэктатик касаллик, хроник пневмония билан; рак ва үпка сили билан; саркоидоз, пневмокониозлар, үпка микозлари ва бошқалар билан анализ қилишга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Диагнознинг таҳминий таърифи: 1) хроник бронхит, пневмофіброз билан асоратланган II босқичи бронхоспазм билан; 2) хроник бронхит (токсик), ўпка әмфіземаси ва қон айланиши бузилиши (Н IIБ) билан асоратланган III босқичи.

Даволаш

1. Жараён қўзиган даврда касалхонага ётқизиш керак. Даволаш ўз вақтида, ҳар кимнинг ўзига хос (индивидуал) (этиологияси, астматик синдромни, касалликнинг ҳар хил асоратлари борлиги, бронх-ўпка ва юрак-томирлар системасининг функционал ҳолатини ҳисобга олган ҳолда) ва узлуксиз бўлиши керак.

2. Ўринда ётиш режимига риоя қилиш. Беморниг овқати муайян аҳамиятга эга. Витаминаларга бой, хом сабзавотлар, мевалар ва уларнинг шарбатлари, пиво ачитқиси киритилган парҳез овқатлар тавсия қилинади. Ўпка-юрак етишмовчилиги бўлганда оқсиллар, ёглар, ош тузи, суюқлик чегараланган ва калий ҳамда витаминалар миқдори оширилган 10-сонли парҳез тайинланади.

3. Антибактериал терапия:

— антибиотиклар (пенициллин, стрептомицин, таъсир доираси кенг антибиотиклар — тетрациклинылар, ампициллин, левомицетин ва б.) касаллик кечишининг оғир-енгиллитига боғлиқ ҳолда парентерал ёки аэрозоллар кўринишида тайинланади. Антибиотикларни ингичка катетер ёрдамида эндобронхиал йўл билан юборилганда энг яхши патижага эришилади (бу ташлаш методи ҳисобланади).

— таъсири қисқа (порсуульфазол, сульфадимезин) ва узайтирилган (сульфадиметоксин, сульфапиридазин, сульфален) сульфаниламидлар наҳорга овқатдан 30—40 минут олдин ва овқатдан камида 3—5 соат кейин тайинланади, сўнгра даволашда танаффуслар қилишга йўл қўймаслик ва актив яллигланиш босилгандан кейин 3—5 кунгача қабул қилиш керак;

— антибиотиклар узоқ вақт қўлланилганда замбуруғли асоратларни профилактика қилиш ва даволаш мақсадида нистатин ёки леворин тавсия қилинади. Нистатиннинг патрийли тузини аэрозол кўринишида юбориш мақсадга мувофиқ.

4. Бронхларнинг дренаж функциясини яхшилаш ёки тиклаш мақсадида қўйидагилар тавсия этилади:

— балтам кўчирадиган моддалар: термопсис дамламаси, дамламалар ва экстрактлар кўринишидаги алтей илдизи; мукалтии таблеткалари, 3% ли калий йодид эритмаси, интратрахеал ёки мушаклар орасига юбориладиган ферментлар (трипсин, химотрипсин ва б.), муколитиклар (ацетилцистеин эритмаси, бромгексин), ишқорий эритмалар ингаляцияси, кўп миқдорда иссиқ ичимлик, таркибида ишқор бўлган минерал сувлар;

— бронхолитиклар: эфедрин, новодрин, астмопент, алупент, солутал, атропин, эуфиллин, атровент, теофедрин, фенотерол (беротек). Айни вақтда антибиотиклар, бронхо- ва муколитиклар, аэроллар кўринишидаги балтам кўчирадиган воситалар қўлланилганда даволаш таъсирчанлиги бирмунча ошади.

5. Күрсатмалар бүйича (қаттиқ актив кечиши, тез-тез бронхоспазмлар бўлиши — астматик бронхит) қуидагиларни қўлланиш мақсадга мувофиқ;

— кортикостероидлар (преднизон, преднизолон, гидрокортизон) қисқа даво курси кўринишида ичишга ёки парентерал;

— иммун системани идора қиладиган воситалар: левамизол (декарис), продигиозан, пирогенал ва б.;

— десенбилизация қиладиган ва антигистамин препаратлар (кальций глюконат, ацетилсалацилат кислота, супрастин; ципольфен, димедрол, гепарин, лагохилус ва б.);

— шифобахш бронхоскопия: бронхларни Риггер, фурагин ёки сода эритмалари билан ювиш ва бронхиал шохга дори воситалар (антибиотиклар, гормонлар, ферментлар ва б.) юбориш;

— постурал дренаж ёпишқоқ йирингли балғам ажратадиган ва ўйталганда балғам ажратмайдиган беморларга тайинланади. Күнинг 2 марта — эрталаб ва кечқурун гавда вазиятини балғамниңг кўпроқ ажралиб чиқишига имкон берадиган қилиб ўзгартириб бажарилади (олдишдан бронхиолитик препарат ва балғам кўчирадиган воситалар, шунингдек катта миқдорда иссиқ чой — 400—500 мл қўлланилади);

— ўйталга қарши воситалар (ўйтал ҳимоя дренаж функцияни бажара олмаган ҳолларда): кодеин, дионин, ўйталга қарши морфиниз препаралар (либексин, балтикс).

6. Физиотерапевтик даволаш: коллюкс, кўкрак қафасини ультрабинафаша нурлар билан нурлантириш, ультратовуш, индуктотермия, УВЧ, Вермель бўйича йод электрофорези, нипабаргли ва хлорид ванналар, даволаш гимнастикаси, массаж ва б.

7. Санаторий-курортда даволаш (Қўримнинг жанубий соҳили, Кисловодск, Теберда, маҳаллий санаторийлар) монелик қиладиган кўрсатмалар (тез-тез бронхоспазм бўлиб туриши, жараённинг қўзиши, ўтика-юрак) бўлмаганда тавсия қилинади.

8. Беморлар устидан диспансер кузатувини иложи борича эрта бошлаш керак, бу тадбир актив жараённи даволашни батамом ниҳоясига етказиш, касаллик зўрайишининг, ҳар хил асоратларниң ва бошқа касалликлар қўшилиб келишининг олдини олиш учун зарур. Хроник бронхитли bemорларни ремиссия фазасида даволаш узлуксиз бўлиши керак. Даволаш гимнастикаси, балғам кўчирадиган воситалар, постурал дренаж, бронхолитиклар, умуман мустаҳкамлайдиган воситалар изчиллик билан тайинланади. Шунингдек касалликшинг қайталапишига қарши курслар: санаторий-курортда даволаш, физио- ва аэрозол терапия, массаж, эндобронхиал сапация, иммун модуляторлар ўтказилади. Хроник бронхитларниң қайталанишига қарши даволашнинг бир неча схемалари (комплекси) ишлаб чиқилган. В. В. Дубилей ва унинг муаллифдошлари (1980) жисмоний машқлар, дори-дармонлар билан даволаш ва чиниқтирадиган муолажалардан ташкил топган қайталанишга қарши комплекс даволашни тавсия қиласилар, О. И. Король ва О. В. Коровина эса (1978) стандарт стафилококк вакцинасини вакцинация қилиш ме-

тоди билан беморлар организмининг носпецифик резистентлигини — стимуляция (құшымча ёрдам) қилиш йўли билан қайталанишга қарши даволашни муваффақият билан амалга оширганлар. Ремиссия фазасида ўчоқли инфекцияларни даволаш тайинланади.

Хроник бронхит оғир кечганда (ўпка-юрак күриниши ривожланышидаги асорат билан) bemорлар меҳнатга лаёкатсиз бўлиб қоладилар ва инвалидликка чиқишига муҳтоҷ бўладилар.

Хроник бронхитни профилактика қилиш мақсадида қўйидаги ларни амалга ошириш:

- бронх-ўпка системасининг ўткир касалликлари, гриппнинг олдини олиш, хроник инфекция ўчоқларини санация қилиш ва б.;
- атмосферанинг ифлосланишига қарши кураш олиб бориш;
- чанг-тўзон, газлар ва ишлаб чиқаришдаги бошқа заарали моддаларнинг таъсирини камайтириш, корхоналарда ва қишлоқ жойларда профилактик кўриклар ўтказишини йўлга қўйиш ва изчиллик билан олиб бориш, организмни чиниқтириш, умумий гигиеник тадбирларга амал қилиш, чекишига, ичкиликтозликка қарни курашиш;
- нафас органларининг хроник кечадиган касалликларини ўз вақтида диагностика қилиш ва даволаш керак.

Контрол саволлар

1. Бронхларнинг дренаж функцияси, ўпка гемодинамикаси тўғрисида тушунча.
2. Касалликнинг этиологияси ва патогенезига (беморнинг заарали одатлари ва ишлаб чиқаришдаги заарли омиллар) ҳозирги фан нуқтаи назаридан қарашлар.
3. Хроник бронхитлар классификацияси.
4. Касалликнинг даврлари бўйича асосий клиник кўришишлар ва уларнинг кейинчалик авж олиши.
5. Қўшимча текшириш методларининг аҳамияти ва улардан олинадиган натижаларга танқидий баҳо бериси.
6. Даволаш тадбирлари плани (қўзиш ва ремиссия даврида).
7. Касаллик профилактикаси, bemорларни диспансерлаш ва реабилитация қилиш.

ЎТКИР ПНЕВМОНИЯЛАР

Таърифи. Ўткир пневмония — зотилжам (крупоз ва ўчоқли) — асосан ўпка альвеолалари, оралиқ тўқимаси ва томирлар системасининг (яъни ўпка тўқимасидаги ўткир яллигланиш жараёни) ўткир яллигланиш касаллигидир. У эркакларда аёллардагига нисбатан тахминан 1,5 марта кўп учрайди, ҳамма ёш гуруҳларида кузатида, бироқ болалар, ёши улгайган одамлар ва қариялар кўпроқ касалладилар (ўчоқли пневмониялар). Ўткир пневмония билан касалланиш ҳанузгача юқори бўлиб қолмоқда. Ўткир пневмониялар аҳолининг умумий касалланиши сонидан ўрта ҳисобда қарийб З фоизни ташкил қиласиди. Сульфаниламид препаратлар ва антибиотиклар топилмасдан олдин ўткир пневмониялардан ўлим анчагина

юқори — 30-йилларда — 24 фоизгача ва 40-йилларда — 12 фоизгача әди.

Хозирги вактда антибактериал воситаларнинг турлари қўп бўлишига ва касаллик писбатан енгилроқ кечишига қарамай, барнибир ўткир пневмониялардан ўлим ҳоллари учраб туради. Европада ўткир пневмониялардан энг юқори ўлим Англияда — 100 000 аҳолига 83,5 нафар одамда, Италияда — 39,4, ГФР да — 33,6 (1970), АҚШда эса — 30,8 (1969) ва Японияда — 26,8 пафар кишида кузатилган. Қўшилиб келадиган касалникларда пневмониядан ўлим бирмуича кўнаяди.

Сўнгги йилларда организмнинг реактивлиги ўзгарғанилиги муносабати билан бактериал флора ҳам ўзгарди (антибиотиклар ва сульфаниламидлар таъсири остида). Пневмококклар билан бирга стафилококклар, стрептококклар, энтерококк ва бошқалар устунилик қиласдиган ҳар хил микроб турлари аниқланади. Кўпроқ — 73—77 фоиз ҳолларда ўчоқли пневмония учрайди (Коровина А. А., 1976).

Ўткир пневмонияларнинг этиологияси ва патогенези масалаларига батафсил ўрганилган. Ўткир пневмониялар билан касалланган беморларда ажратилган граммусбат бактериялар орасида пневмококклар (*Str. pneumoniae*) 80—95 фоизни ташкил этади, бу серологик реакциялар натижалари билан тасдиқланади (Вишнякова Л. А., 1982; Походзей И. В. 1982); стафилококклар — 4—5 %, стрептококклар бундан ҳам кам. Ўткир пневмониялар этиологиясида вируслар (3,2—8,8 %), аксарият А, В грипп вируслари, аденоvируслар (ўчоқли пневмонияларда) салмоқли ўрин эгаллади. Бироқ кўпгина муаллифлар респиратор вирус инфекциясини мойил қиласдиган омил деб ҳисоблайдилар, пневмопиянинг кейинги ривожланишини эса эндоген (кўпроқ) ва экзоген бактериал инфекция билан boglайдилар. В. Н. Пушкирев (1982) ўткир пневмония билан касалланган bemорларнинг 44,2 фоизида касаллик вирус-бактериал этиологияли бўлганилигини аниқлаган.

2-жадвалда ўткир пневмонияларнинг О. В. Коровина (1978) таклиф этган замонавий классификацияси келтирилган.

2-жадвал

Ўткир пневмониялар классификацияси

Этиологияси бўйича	Патогенези бўйича	Клиник-морфологик белгилари бўйича	Кечиши бўйича
Бактериал (кўзгатувчисини кўрсатиш билан)	Бирламчи	Ҷрупоз	Ўткир кечадиган
Вирусли (кўзгатувчисини кўрсатиш билан)	Иккиламчи	Ўчоқли	Сурункали
Микоплазмали ва риккетсиоз (кўзгатувчисини кўрсатиш билан)			
Аллергик			
Химиявий ва физик омиллардан келиб чиқсан			
Аралаш			
Этиологияси аниқланмаган			

КРУПОЗ ПНЕВМОНИЯ

Таърифи. Крупоз пневмония ўпканинг бутун бўлаги (ёки унинг айрим сегментлари) заарланиши, цикл билан кечиши ва кўпинча жараёнга плевра тортилиши билан характерланадиган ўпка паренхимасининг ўтқир яллигланишидир. Крупоз пневмония билан касалланиш одатда баҳор ва кузда, яъни ҳаво температураси кескин ўзгариб турадиган даврда кўпаяди. Мойил қиласидаги омиллар — совқотиш, узоқ вақтгача оч қолиш, организмнинг иссиқлаб кетиши, асабий зўриқиши, тамаки чекиши, иччиликни сунистеъмол қилиш, касб-корга алоқадор заарали таъсиirlар, нафас йўлларининг ўтқир ва хроник касалликлари, кичик қоп айланиш доирасида димланиш ва бошқалардир.

Клиник маълумотлар ва назарий билимларни анализ қилиш асосида студент қўйидагиларни уddyалай олиши керак:

1) асосий жараённинг жойлашган ўрнини, тарқалғанлигини аниқлаши;

2) ўпкада патологик жараён характеристини (ўчоқли, крупоз) аниқлаши;

3) бемор шикоятлари, анамнез, касалликнинг клиник кўринишлари бўйича пневмония (ўчоқли, крупоз) характеристини (типини) олдиндан аниқлаши;

4) беморни текширишнинг асосланган планини тузиши;

5) қўйидаги маълумотлар асосида диагнозни аниқлаши ва батафсил таърифлаб бериши;

— касалликнинг асосий диагностик мезонларини, жараённинг босқичига кўра ўпка томонидан бўладиган физикал маълумотларни, унинг кечиши вариантларини билиш;

— касалликнинг айрим симптомлари ва синдромлари патогенезини билиш, қўшимча текширув методларига баҳо бериш;

— табиатан бошқа ўпка касалликлари билан дифференциал диагностикани моҳирлик билан ўтказиш;

6) асосий касаллик жараёни, қўшилиб келадиган касалликлар ва уларнинг асоратларини даволашнинг асосланган планини тузишини билиши керак.

Этиологияси. Энг муҳим этиологик омиллари қўйидагилар:

— ҳар хил инфекциялар (I ва II типлардаги пневмококклар, камроқ Фридлендер диплококклари, стрептококклар, стафилококклар, ичак таёқчasi, Пфейфер — Афанасьев таёқчasi ва б.). В. Н. Пушкарев маълумотларига кўра (1982) пневмококк крупоз пневмония билан касалланган bemорларнинг 88 фоизида топилган;

— организмнинг фон ҳолати, яъни bemор организмидаги крупоз пневмония бошланишидан олдинги ҳолати (кичик ва катта қон айлапиши доирасидаги димланиш ва ҳоказо), реактивликнинг ўзгариши ва микроорганизмнинг вирулентлиги;

— мойил қиласидаги омиллар, иқлим шароитлари, турмуш ва меҳнат шароитлари (совқотиш, жисмоний ва психик толиқиши, алкоголь ва чекишини сунистеъмол қилиш, химиявий моддалар таъсири,

нафас органлари ва қорин бўшлиғи органларининг яраланиши).

Крупоз пневмония патогенези қуйидагилар билан изоҳланади:

— инфекцион агент (қўзғатувчи) нинг макроорганизм билан ўзаро таъсири;

— инфекциянинг бронхоген, гематоген ва лимфоген йўллар бўйича тарқалиши;

— иммунитетнинг пасайиши, нерв системасининг трофик функцияси бузилиши, юқори нафас йўлларининг ҳолати;

— микробдан аллергия, организмнинг турли хил этиологик агентларга сенсибилизацияси (лимфоцитлар бласттрансформацияси, лейкоцитлар миграциясининг кечикиши, тери ичи синамалари, ўпкага қарши антителолар титрининг ошиши ва б.);

— бронхлар ва ўпканинг инфекцияга қарши ҳимоя қиладиган ҳужайра механизмиларишинг бузилиши ва ҳ. к.

Патологик анатомияси. Типик ҳолларда жараённинг кечишида тўрут босқич тафовут қилинади:

— қуишиш босқичи ўпка тўқимасида гиперемия ва шиш борлиги, альвеолаларда эритроцитлар, лейкоцитлар ва бошқалар аралашмаси бўлган сероз экссудат йигилиши, капиллярлар ўтказувчанилигининг бузилиши билан характерланади. Давомлилиги — 12 соатдан 3 суткагача;

— қизил жигарланиш босқичи: альвеолаларда шаклли элементлар (эритроцитлар устунлик қиласи) ва фибриногенга бой плазма оқсиллари суюқлиги мўл. Ўпка катталашган, жигар сингари зичлашган. Давомлилиги — 1—3 сутка;

— кул рағн жигарланиш босқичи: эритроцитлар диапедези тўхтайди. Экссудат фибринга, альвеоляр эпителий ҳужайраларига, лейкоцитларга бой. Заарланган бўлак аввалгидай зичлашган, катталашган, кесмада кул рангнамо — сариқ рангга эга. Давомлилиги — 2—6 кун;

— тузалиш босқичи касалликнинг 7-кунидан бошланади ва протеолитик ва аутолитик жараёнлар билан характерланади.

Босқичларнинг давомлилиги ҳар хил ва ўпка тўқимасининг зарарланиш даражасига, ўтказиладиган даво таъсирчанлигига, организм ҳолатига, жараённинг кечишига боғлиқ. Бироқ ҳозирги вақтда бундай циклли (bosқичли) кечишнинг ҳамиша ҳам кузатилавермаслиги аниқлаингац, ўпканинг заарланган қисмиди кўпинча яллиганиш жараённининг кўрсатиб ўтилган ҳамма босқичларининг бирга қўшилиб келиши ёки улардан бирининг устулиги кузатилади.

Клиник манзараси.

I. Субъектив маълумотлар. Шикоятлари:

— лоҳаслик, тинка-мадор қуриши, бош оғриғи (узоқ давом қиласи, лекин касалликнинг продромал даврида бошланади); нади);

— касалликнинг ўтирип бошланиши — беморлар ўз касаллигининг бошланиш соатини, ҳатто минутларини ёдларида тутишлари мумкин;

— қаттиқ эт жунжикиши совқотиш (аксарият бу касалликнинг бошлангич беттиси);

- гавда температурасининг юқори рақамларгача кўтарилиши (39—41°);
- кўкрак қафасидаги (зараарланган томонда) оғриқ, у нағас олиш, аксириш, йўталишда кучаяди, аксарият оғриқ елка, орқа, қорин бўшлиги ва бошқа соҳаларга ўтади;
- аввалига қуруқ ёки қийинлик билан ёнишдоқ, шишасимон балғам ажраладиган йўтал бўлади, 2- ва 3- суткаларга келиб, гемоглобин ва эритроцитлар парчаланиши оқибатида балғам зангсимон бўлиб қолади;
- ҳаво етишмаслик сезгиси, ҳарсиллаш;
- ўпка тўқимасининг заарланиши даражасига боғлиқ ҳолда интоксикия белгилари, баъзан қаттиқ бош оғриги, ғарақ-ғарақ терлаш, кўнгил айниши, қусиш, диспептик ҳодисалар, яхши ухлай олмаслик ва бошқ.;
- умумий шикоятлар ёки қўшилиб келган касалликлар бўлганда бошқа органлар ва системаларнинг заарланишига хос бўлган шикоятлар.

II. Субъектив маълумотлар анализи (бемор шикоятлари, анамнез — совқотиш, чарчашиб касалликнинг бошқа мойил қиласидаган омиллари билан боғлиқлик, ўпка системасининг заарланиши кўришишлари билан ўткир бошланиши ва б.).

III. Объектив маълумотлар.

1. Умумий кўздан кечириши:

- bemornining umumiy ax'voli akcariyat ofir yoki urtacha ofirlikda, aсосан ўпка тўқимасининг заарланиши daражасигa, интоксикия daражасигa, ёнга, kасалликning klinik formalariiga boғliq;
- bemornining ўринидagi vaziyati — akcariyat mажбурий: bemorlar kасал ёнбошини босиб ётадилар, aйникен жараёшta плевра tortilganда, para- ва metapnevmonik плевритларда ёки плевronnevmoniya ning ўзида;
- tинч турилганда нағас қисади, нағас юзаки, minutiga 35 — 45 martagacha tezlashgan;
- «буруп парракларининг кенгайиш» феномени кузатилади;
- рангпарлик, lab цианози, ёноқларнинг ўзига хос ялтироқ тусга кириши (зараарланган томонда);
- лаблар, буруп учida герпетик тошмалар;
- гавда температурасининг oшиши — доимий, температуранинг критик ва литик пасайиши;
- нағас олиш вақтида кўкрак қафасининг зараарланган соҳада орқада қолиши.

2. Нағас системаси. Асосий жараённинг klinik кўришишлари унинг босқичига боғлиқ;

- қуйилиш босқичи учун кўкрак қафасининг нағас актидан орқада қолишидан ташқари, перкутор текширувда — тўмтоқлашган тимпаник товуш, аускультатив текширувда — бошлангич (нозик) крепитация (crepitatio iñdux), товуш титраши ва бронхофониянинг бир оз кучайиши хос, плевранинг ишқаланиш шовқини бўлиши эҳтимол;

— қызил ва күл ранг жигарланиш босқичи учун (улар клиник жиҳатдан деярли фарқ қылмайды) крепитациянинг йўқолиши, бронхиал нафас пайдо бўлиши, товуш титраци ва бронхофониянинг рўй-рост кучайishi, мутлоқ ёки «сон» тўмтоқлиги хос;

— тузалиш босқичида мутлоқ тўмтоқлик заифлашади ёки ўпка товуши тўмтоқлашган—тимпаник бўлиб қолади, бронхофония ва товуш титраши илгаригидек кучайган ёки нормага қайтади, яна крепитация (crēpitatio redux) пайдо бўлади, бунда у бошлангичига нисбатан дағалроқ бўлади, температура ҳам пасаяди (критик ёки литик);

— ўпкадаги қўрсатиб ўтилган физикал ўзгаришлар крупоз пневмония асосан типик ва цикл билан кечгандан кузатилади, уларнинг бирга ва ҳар хил вариантларда қўшилиб келиши инкор қилинмайди.

3. Юрак-томирлар системаси (ўзгаришлар аввало миокарднинг инфекцион-токсик заарланиши, миокардит билан боғланган):

— рангларлик, тахикардия, гипотензия ва ўтқир томирлар етишмовчилигининг бошқа белгилари (аксарият коллапс ва б.);

— ўтқир юрак (аксарият чап қоринча) етишмовчилигининг кўринишлари: цианоз, акроцианоз, нафас қисиши (бўғилиш), бўйин веналарининг бўртиб чиқиши, ўнг қоринча дилатацияси (огир интоксикацияда эса — чап қоринчанинг ҳам), юрак учиди (қиличсимон ўсиқ асоси олдида ҳам) систолик шовқин, I тон сустлашиши, баъзан ўпка артерияси тепасида II тон акценти (ўпкадан гипертензия ривожланганда), жигар катталашуви (димланиш, интоксикация), оёқларга шиш келиши (катта қон айланиши доирасида димланиш) ва ҳ. к.;

— шунингдек юрак ритми ва ўтказувчанилиги бузилиши — экстрасистолия, титроқ аритмия, баъзан алътернилайдиган пульс ва бошқалар.

Бошқа органлар:

— жигар — крупоз пневмония оғир кечгандан склераларнинг субиктериклиги, тери қопламларининг сариқ рангга бўялиши пайдо бўлади, қон айланиши етишмовчилиги бўлмаган ҳолда жигар катталашуви, ўнг қовурғалар остида оғриқ, жигарда қатор функцияларнинг бузилиши ва токсик гепатитнинг бошқа кўринишлари (токсик формаси);

— меъда-ичак йўллари — иштаҳа пасайиши ёки бўлмаслиги, метеоризм, диспептик ҳодисалар, қусиши, ташниалик, тилнинг караш билан қопланганлиги, қориндаги ноаниқ оғриқлар (рефлектор ёки хуружсимон қаттиқ йўталда);

— буйраклар — олигурия, сийдикнинг юқори солишиштирма оғирлиги, протеинурия, микрогематурия (касаллик авж олган даврда, токсик формасида, асоратлар бергандада);

— нерв системаси — бош оғриги, сержаҳллик, уйқусизлик, алаҳлаш ҳолати, ўтқир психоз, кўзга ҳар хил нарсалар кўриниши ва қулоққа турли-туман товушлар эштилиши (галлюцинациялар), менингизм аломатлари.

IV. Лаборатория, рентгенологик ва бошқа қўшимча текшириш методларининг маълумотлари:

— умумий қон анализи: лейкоцитоз, нейтрофилли чапга силжиш билап, иисбий лимфопения, СОЭ иининг соатига 50–60 мм гача ошиши. Пневмониянинг оғир ҳолларида — нейтрофил силжиш миелоцитлар пайдо бўлиши билан, лейкоцитопения, нейтрофилларнинг токсик донадорлиги, эозинофилларнинг камайиши ёки йўқолиши ва б.;

— биохимиявий силжишлар: диспротеинемия—альбуминлар миқдорининг камайиши ва глобулинлар миқдорининг кўпайиши, гиперфибрилгенемия, қон протромбини, мукопротеинлар, сиал кислоталар, серомукоид, гентоглобулин миқдорининг ошиши, сулема ва тимол синамаларининг мусбат натижалари, С-реактив оқсил пайдо бўлиши ва б.;

— рентгенологик ўзгаришлар турли-туман ва касаллик босқичига боғлиқ; умуман ўпка тасвирининг кучайгаплиги характерли, қоронгилик ўчоқлари — гомоген, битта бўлак ёки айрим сегментлар доирасида, ўпка илдизи соясининг кенгайганлиги ва б.;

— электрокардиографик текшириш — ЭКГ даги ўзгариш миокардининг инфекцион-токсик заарланиши натижасида бўлиши мумкин, S—T интервали пасайиши, Т типчаси яссилашган ёки манфий, юрак мушагида дистрофик ва токсинли силжишларнинг бошқа аломатлари ҳам қайд қилинади.

Крупоз пневмония кечишининг айрим (атипик) варианлари ёки клиник формаларининг қисқача таърифи.

Марказий пневмония: патологик жараён ўпка бағрида, илдиз олди зонасида бўлади, физикал маълумотлар (перкуссия, аускультация) кам ахборот беради. Диагностикага субъектив маълумотларнинг (шикоятлар ва анамнез) мантиқий анализи, рентгенологик текшириш, шунингдек тахмин қилинган пневмонияга йўналтирилган даволаш (синама даволаш — ex juvantibus) ва бошқалар ёрдам беради.

Массив пневмония: ўз номидан қўриниб турганидек, патологик жараён ўпканинг каттагина қисмини қамраб олади, баъзи бир қўришиллари бўйича экссудатив плевритни эслатади, оғир кечиши, рўйрост интоксикация, ўпка ва юрак етишмовчилиги белгилари, бошқа органлар ва системаларнинг заарланиши билан ажралиб туради. Бронхларга фибриноз яллигланишнинг талайгина тарқалиши натижасида бронхлар бўшлиғида обтурация рўй бериб, ателектаз ривожланади (перкутор текширувда тўмтоқлик аниқланади, аускультатив белгилар эса йўқолади), қўкс оралиғи органларининг соглом томонига силжиши (экссудатив плевритдаги сингари) қайд қилинади.

Ўпка учи пневмонияси (юқори бўлаги пневмонияси) интоксикация, перв ва юрак-томирлар системалари томонидан сезиларли ўзгаришлар билан кечади. Жараён ўпка учларида жойлашганлиги ва уни текшириш қийинлигидан унга кечикиб диагноз қўйилади, беморлар яллигланиш табиатидаги ҳар хил касалликлар бўйича асосланмаган даво муолажаларини олиб юрадилар.

Ареактив (астеник пневмония): қарияларда, болаларда, қувватдан кетган одамларда, гипоареактив ҳолатлар фонида учрайди.

Бипобарин, бу хилдаги bemорларда касаллик құзғатувчи агент таъсирига тегишли реакция сүстлашган бўлади ёки бўлмайди. Касалликинг бошланиши, кечиши ва клиникаси кам юзага чиққан бўлади. Диагностикага құнт билан кўздан кечириш, кузатиш, ўпка томонидан бўладиган ўзгаришлар динамикаси, рентгенологик текшириш ва тахмин қилинган диагнозга биноан асосланган «синама» даволаш бирмунча ёрдам беради.

Адашиб юрадиган ёки миграция қиласынган пневмония: мазкур формасида касалликниң бошланиши, клиник кўришилари, рентгенологик ўзгаришлар крупоз пневмония симптомлари комплексини эслатади, бироқ патологик жараённинг жойлашган ўрни тузалиш босқичи тўлиқ тугалланмаганлиги сабабли вақти келиб ўзгаради, яъни жараён бир участкадан иккинчисига (бир бўлақдан иккинчи сига ёки бир ўпкадан иккинчисига) миграция қилиб (кўчиди) юради.

Крупоз пневмония кечишининг «абортив варианти» сўнгги форма ма яқин, бунда патологик жараён муайян босқичда узилади ёки жараённинг қайтиши рўй беради.

Патологик жараённинг босқичини ва оғир-енгиллигини аниқлаш даволаш планини тузишда, антибиотиклар дозасини белгилашда ва бошқа тадбирлар ўтказишида гоят мухим. Учта формаси: енгил, ўртача оғирлиқдаги ва оғир формалари тафовут қилишади.

Ўпкадан бўладиган ва ўпкадан ташқари асоратлар кузатилади.

Ўпка томонидан бўладиган асоратларга:

- ўпка абсцесси; ўпка гангренаси;
- пара- ва метапневмоник экссудатли плеврит;
- плевроперикардиал чандиқлар, адгезив плеврит;
- ўпка карнификацияси, пневмосклероз;
- сурункали, кейинчалик хроник пневмонияга ўтиши.

Ўпкадан ташқари асоратлар қўйидагилар:

- юрак етишмовчилиги (юрак астмаси, ўпка шиши, ўнг қоринча етишмовчилиги тегишли симптоматикаси билан);
- томир етишмовчилиги (аксарият коллапс);
- миокардит, эндокардит, перикардит;
- оёқ томирлари тромбофлебитлари ва б.;
- менингит, менингоэнцефалит;
- нефрит, гепатит, отит, артритлар.

Дифференциал диагностикаси. Антибактериал воситалар кенг қўлланилиши муносабати билан касалликниң кечипи бирмунча ўзгарди, жараённинг цикл билан ўтиши йўқоляпти, баъзан касаллик аста-секин бошланади, иситма даври бирмунча қисқа бўлиб қолди, яллигланиш жараёни битта ёки бир неча сегментлар билан чегараланиб қолади ва ҳ. к. Крупоз ва ўчоқли пневмониялар ўртасидаги тафовутларнинг йўқолиб бориши кузатиляпти, бу — биринчисининг клиник манзараси атипик бўлишигагина эмас, балки ўчоқли пневмониялар кечишининг ўзгаришига ҳам борлиқ.

Шунинг учун крупоз пневмониянинг диагностикаси анчагина қийинлашган. Дифференциал диагностикани тўғри ўтказиш учун bemорни құнт билан текшириш зарур. Крупоз пневмонияни ўчоқли

пневмония билан; специфик пневмония (үпка сили) билан; экссудатив плеврит билан; үпка инфаркти билан; үпка раки билан (парчаланиши билан); үпка эхинококози (йирингланиши) билан; үпка абсцесси билан (ёрилишгача бўлган даври); стенокардия ва миокард инфаркти билан (огриқ, температура кўтарилиши, СОЭ ошиши, лейкоцитоз, юрак, томирлар етишмовчилиги ва ҳ. к.); оғриқ иррадиация бўладиган (бошқа соҳага ўтадиган) плевропневмония ҳолларида қорин бўшлиги органларининг ўткир хирургик касалликлари билан; ўткир холецистит, ўткир панкреатит, ичақ тутилиб қолиши, буйрак ва жигар сапчиги ва бошқалар билан дифференциал диагностика қилиш зарур.

Диагнознинг тахминий таърифи: 1) чап үпка пастки бўлагининг крупоз пневмонияси, ўртacha оғирликда кечиши; 2) ўнг үпка юқори бўлагининг крупоз пневмонияси, оғир кечиши. Асоратлари: коллапс, НК_{II}А.

Даволаш ва профилактикаси «Ўчоқли пневмониялар» га қ.

ЎЧОҚЛИ ПНЕВМОНИЯЛАР

Таърифи. «Ўчоқли пневмония» атамаси — ийгма тушунча бўлиб, этиологияси ва патогенези бўйича ҳар хил бир қатор пневмонияларни бирлаштириб туради (уни бронхопневмония, бўлакча пневмонияси, катарал пневмония дейилади). Ўчоқли пневмония ҳам мустақил касаллик, ҳам бир қатор инфекцион касалликларининг асорати ҳисобланади, ўлканинг айrim участкалари (бўлакчалари ва бўлакча гуруҳлари) нинг майдга, одатда кўп сонли ўчоқлар кўринишида яллиғли заарланиши билан характерланади. Яллиғланиш ўчорининг катта-кичиклигига кўра майда ўчоқли, йирик ўчоқли ва туташ пневмониялар фарқ қилинади. Ўчоқли пневмония аксарият бошқа касалликларга қўшилиб келади ёки бирор касаллик вақтида (юрак пороклари, юрак декомпенсацияси, қандли диабет ва б.) вужудга келади, бу ҳол дифференциал диагностика ўтказишда ва мақсаддага мувофиқ даволашда принципиал аҳамиятга эга бўлади.

Касаллик сурункали кечадиган, пневмониядан кейин асоратларни бошдан кечирадиган беморлар сони тобора ошиб бораяпти. Нафас органларининг носпецифик касалликларидан меҳнатта лаёқатсизлик кунларидаги йўқотишлар юрак-томирлар системаси касалликларидаги худди шундай йўқотишлардан 2 баравар ва ҳазм органлари касалликлари, баҳтсиз ҳодисалар ва шикастланишлардаги йўқотишлардан 3 баравардан зиёд ошиди (Сильвестров В. П., 1981).

Ўчоқли пневмониялар — ўткир пневмонияларининг энг кўп учрайдиган формасидир. Сўнгги вақтларда касаллигининг клиник манзараси ўзгарган, физикал, лаборатория ва рентгенологик маълумотлари кам бўлган беморлар сони қўпайиб бораяпти.

Клиник маълумотлар ва назарий билимларга асосланиб студент қўйидагиларни билиши:

1) жараённинг қаерда жойлашганлигини ва унинг қандайлигини аниқлай олиши;

2) хро尼克 ўпка касаллуклари ва юрак етишмовчилиги борлигини (ўчоқли пневмониялар шулар заминида ривожланади), ўткир пневмониялар ва уларнинг асоратлари ривожланишида уларнинг патогенетик аҳамиятини аниқлаши;

3) тахмин қилинган диагнозга биноан текширишнинг асосланган планини тузиши;

4) қўйидагилар асосида узил-кесил диагпозити аниқлаши ва таърифлаб бериш:

— асосий жараённинг симптомлар комплексини, касалликнинг клиник формаларини билиш;

— қўшимча текшириш методларини анализ қилишини билиш;

— қўшилиб келадиган касаллукларни аниқлай олиш;

— дифференциал диагностикани асосли равишда ўтказишни билиш;

5) қўшилиб келадиган касаллуклар, асоратлар борлигини, жараённинг оғир-енгиллиги ва беморниң умумий аҳволини ҳисобга олгап ҳолда мақсадга мувофиқ, илмий асосланган даволашни ўтказиш керак.

Этиологияси ва патогенези. Ўчоқли пневмония ривожланишида қўйидаги омиллар муҳим аҳамиятга эга:

— инфекцион агентлар (бактериал: пневмоокклар, стафилококклар, ичак таёқаси ва бошқалар; вирусли, риккетсиоз, хламидоз, микоплазмали, микоз);

— бактериал флора орасида пневмоокклар устунлик қиласи (Пушкарев В. Н., 1982 — маълумотларига кўра 73 фоиз ҳолларда);

— химиявий ва физикавий омиллар;

— аралаш (инфекцион, химиявий ва физикавий омиллар бирга учраганда);

— турли хил касаллуклардан (ўткир респиратор касаллуклар, грини, қизамиқ, кўййутал, бир қанча органлар ва системалардаги ўйриниши ва яллигланиши жараёнлари) кейин ўчоқли пневмония ривожланади;

— органлар ва системалар касаллуклари, улар вақтида ўчоқли пневмония қўшилади (пневмосклероз, ўпка эмфиземаси, инсульт, операциядан кейинги ҳолат, юрак етишмовчилиги, қандли диабет, шунингдек кўкрак қафаси шикасти, куйишлар, қон оқиши ва ҳ. к.);

— инфекцион агентнинг тарқалиш ўйли — гематоген, бронхоген, лимфоген;

— макроорганизм ҳолати, унинг реактивлиги ва иммунологик хоссалари (ёш омилиниң аҳамияти — ёши улғайган ва кекса ёшдаги кишиларда, юрак етишмовчилиги борлиги).

Патологик анатомияси:

— патологик жараён жойлашган ўрни — аксарият бир ёки иккала ўпканинг пастки бўлаклари, орқа-пастки сегментлари, камроқ юқори бўлак сегментлари;

— ўпкалар кесмада мармарсимон (ола-була) кўринишга эга, қизил ёки кулранг-сариқ рангли, пневмоник ўчоқлари, баъзан тутош ўчоқлари бор;

— альвеолалари ўчоқли пневмониянинг клиник формалари, касаллик қўзгатувчиси ва шунга ўхшашларга боғлиқ ҳолда суюқ геморрагик, йирингли, чириқ, сероз экссудат билан тўлган бўлади.

Клиник маңзараси. Касалликнинг клиник кўринишлари турли туман, ўчоқли пневмония этиологиясига (инфекциялар, вирус, химиявий омиллар, ноинфекцион агентлар ва б.) боғлиқ. Касалликнинг бошланиши, кечиши, натижаси ва прогнози ҳар бир алоҳида ҳолда турлича бўлса-да, бироқ ўпкадаги физикал ўзгаришлар (перкутор, аускультатив) деярли бир хил, яъни касаллик (оқибат натижада) ўпка паренхимасининг заарланиш симптомокомплекси билан намоён бўлади. Баъзан ўчоқли пневмония клиникаси крупоз пневмония клиникасидан кам фарқ қиласи ёки мутлақо фарқ қилмайди, бу ўпка тўқимасининг заарланиш даражасига (ўчоқлари кўп ёки туташ), организм реактивлигига (ёш, чиниқдан организм) ва бошқаларга боғлиқ.

I. Субъектив маълумотлар:

— касалликнинг ўтқир бошланиши 70 фоиз ва бундан ортиқ ҳолларда кузатилади, касаллик аксарият аста-секин бошланади (масалан, грипп, «шамоллаш касалликлари», ангине, туфрук, абортлар, яраланишлар, операциялардан кейин ва ҳ. к.);

— газда температурасининг 38—39°C гача кўтарилиши ёки субфебрилитет;

— кўкрак қафасидаги аниқ бўлмаган оғриқлар, аксарият улар бошқа соҳага ўтмайди ва нафас акти билан боғлиқ бўлмайди, оғриқ жараёнга плевра тортилганда кучаяди;

— совқотиш, эт жунжикиши мумкин (45—50% ҳолларда);

— шилимшиқ-йирингли балғам ажратиладиган йўтал, у одатда суюқ, енгил кечади, қон аралашиб келиши мумкин (вирус этиологияли пневмонияларда, кичик қон айланиси доирасида димланиш бўлганда, апаэроп инфекцияларда);

— нафас қисиши пайдо бўлиши эҳтимол (ўпканинг заарланиш даражасига, жараённинг оғир-енгиллигига боғлиқ);

— ҳолсизлик, ланжлик, бош оғриги, терлаш, диспептик ҳодисалар;

— касалликнинг сабаби билан, қўшилиб келадиган касалликлар билан, пневмония ривожланадиган фон билан алоқадор шикоятлар ва б.

II. Субъектив маълумотлар анализи. (бемор шикоятлари, мазкур касаллик анамнези — бошланиши, қандай кўринишлари билан, нима билан даво қилинди, даволашдан наф қандай, шунгача bemорда қандай касалликлар бўлган ва б.; bemор ҳаёти — меҳнат, турмуш шароитлари, заарли одатлари, эпидемиологик шароитлар ва б.).

III. Объектив маълумотлар.

1. Умумий кўздан кечириш:

— bemorning umumiy aҳволи — аксарият ўртacha оғирликда, бироқ оғир бўлиши ҳам мумкин;

— тери қопламлари ва шиллиқ пардаларининг ҳолати: рангпарлик, лаб цианози;

— ҳар хил турдаги, лекин аксарият аралаш ғормадаги нафас қисиши (огир ҳолларда, аксарият ёши улғайтан одамларда, туташ пневмонияда ва ҳ. к.);

— гипертермияда температура эгри чизиги одатда потүғри, кеч-қурунлари күтарилады, субфебрилитет; гипоареактив ҳолатларда нормал температура реакцияси диагностикада ҳал қилувчи ҳисобланмайды (иситманинг давомлилиги — 3—5 кун);

— кўкрак қафасилинг нафас актидан орқада қолиши одатда уичалик ифодаланмаган;

— туташ ўчоқли пневмонияда крупоз пневмонияга хос бошқа объектив белгилар кузатилиши мумкин, билинарли интоксикация, герпетик тошмалар, юза тезлашган нафас, нафас етишмовчилигининг, эҳтимол юрак-томирлар етишмовчилигининг симитомлари.

2. Нафас системаси — майдага ўчоқли заарланишларда ўпкада физикал ўзгаришлар бўлмаслиги мумкин. Йирик ўчоқли ва туташ пневмонияларда перкутор товушнинг қисқарганлиги, товуш титраташининг (кучайиши) ва бронхофониянинг ўзгариши кузатилади, чегараланганди участкада жарангли нам майдага ва ўртача шуфакчали (ўпка тўқимасининг заарланганлигидан далолат берадиган), бальзан хириллашлар эши билади, бронхиал нафас эса гоят камдан-кам (туташ пневмонияда) аниқланади.

3. Юрак-томирлар системаси: тахикардия, тонларнинг бўғиқлашуви ёки эштийласлиги, нормо- ёки гипотензия, аксарият юрак ва томирлар (коллапс) етишмовчилиги ривожланади.

4. Клиникаси асосида ёки тегиши текшириш методлари ёрдамида қўшилиб келадиган касалликлар борлиги тасдиқланади.

IV. Лаборатория, рентгенологик ва бошқа текшириш методларининг маълумотлари:

— умумий қон анализи — нейтрофил лейкоцитоз $10,0 - 12,0 \cdot 10^3$ л гача (50—55% ҳолларда) ва бундан юқори, СОЭ ошиши (70—80% ҳолларда), огир ҳолларда — лейкоцитопения (6—8% ҳолларда), эозинофилопения;

— биохимиявий силжишлар: диспротеинемия альбуминлар миқдори камайиши, глобулинлар миқдори кўпайиши ҳисобига, гиперфибриногенемия, альбумин-глобулин коэффициенти пасайиши, чўкма реакцияларнинг мусбат натижалари, гиперферментемия бўлиши эҳтимол;

— рентгенологик текшириш: интенсивлиги ва катта-кичиклиги ҳар хил кўп сонли ўчоқлар, ўпка тасвирининг кучайиши, қоронгиланиш участкалари, перибронхиал ўзгаришлар, ўпка илдизларининг кенгайиши, рентгенологик манзара хилма-хиллиги билан ажралиб туради;

— зарурат бўлганда қўшимча (бирмунча батафсил) рентгенологик ва инструментал текшириш методларини қўлланиш тавсия қилинади.

Ўчоқли пневмония айрим клиник формаларининг (этнологиясига кўра) қисқача таърифи.

1. *Вирусли пневмония* пайдо бўлишини грипп эпидемияси билан

бөглайдилар ва уни аксарият аралаш флора (вируслар ва бактериялар) құзғатади. Грипп белгилари билан бир қаторда (кучли бош органи, күз ёшланиши, тумов, лоҳаслик, адінамия, мушакларда оргицлар ва б.) ўпка заарланиши симптомлар комплекси (йтгидиси), яъни пневмония құшилади. Гриппоз пневмония умумий интоксикацияның рүй-рост ифодаланғанлыги билан ажралиб туради (көп аралаш балғам ажраладиган йұтал, күнгил айниши, қусиши, лейкоцитопения, анэозинофилия, брадикардия, гипотензия ва б.). Ұлым билан патижалашыши мүмкін, бу айниқса геморрагик формаларыда (ўпка шишидан) рүй беради. Аксарият ўпка абсцесси билан асоратланади. Диагностикада эпидемик шароитни, грипп ва пневмония симптомлари борлигини ҳисобға олиш зарур.

2. *Стафилококки пневмония* ҳамма ўткір пневмония ҳолларыннан 10—15 фойзини ташкил қылади ва аксарият грипп эпидемиялари даврида, одамда стафилококк инфекциясы ўтоқлари бұлғандан рүйхатта олинади ёки касаллик юқори нафас йүллари инфекциясы фонида бошланади. Касалликнинг клиник күришиләри крупоз пневмония манзарасини әслатади, бироқ жараённинг кейинги кечиши полиморфизми билан фарқ қылади: даволаш кам кор қылади ёки кор қымайди, күничча абсцессланиши рүй беради, нафас ва юрак етишмовчилиги орта беради, пневмоторакс, йириптили перикардит, сепсис, ўпқадан қон оқиши, амилоидоз ва бошқалар билан асоратланади. Диагностикада жараённинг кечиши характеристини, интоксикация даражасини, бемор ақволининг оғир-енгиллигини ва, ниҳоят, стафилококк инфицированин тасдиқлайдыгап лаборатория маълумоттарини пазарда тутиш зарур.

3. *Гипостатик пневмония* бирор оғир касаллик фонида (операциядан кейин, юрак етишмовчилиги, шикастланиши ва бошқалар фонида) пайдо бўлади. Үша касаллик кичик қон айланиши доирасида димланиши ривожланишига, бронхиал системада озиқланиши ёмонлашувига олиб келиб, бу инфекцион агентнинг «жонланиши» га сабаб бўлади. Ўтоқли пневмонияның мазкур формаси гипостатик ҳолат фонида ривожланади ёки унга құшилиб келади ва шу муносабат билан касалликнинг клиник, лаборатория ва бошқа белгиларининг жуда камлиги билан ажралиб туради, баъзан симптомлар кечиши ёки патолого-анатомик топилма бўлиб қолиши мүмкин. Оғир bemorларнинг ақволи устидан қуант билан қузатиб бориши ва умумий ҳолати оз бўлса-да ўзгарғанда (нафас қисиши кучайиши, ақволининг тобора почорлашиб бориши, цианоз кучайиши, лейкоцитлар миқдорининг бироз кўпайиши, СОЭ орта бориши, гавда температурасининг озроқ кўтарилиши, нам хириллашларнинг пайдо бўлиши ёки кўпайиши ва б.) тегишли диагностик ва даво тадбирларини амалга ошириш зарур.

4. *Аспирацион пневмония* пайдо бўлиши бемор беҳуш ҳолатда бўлган вақтида (коматоз ҳолат, наркозда, ичкиликбозларда ва ҳ. к.) нафас йүлларига ёт моддалар тушиши (тасодифан тиш олдирилгандан, ЛОР-органлардаги операцияларда) билан боғлиқ. Турли-тумаи моддалар аспирацияси (тиқилиб қолиши) каттиқ йұтәл, бронх шил-

лиқ пардасининг шикастланиши, сўнгра инфекция тушиши ва яллиғлапиши жараёнининг ўпка паренхимасига ўтишига сабаб бўлади (тана температураси кўтарилади, пневмония симптомлари, лейкоцитоз, СОЭ ошганлиги аниқланади), кечиши ҳар хил, абсцес, ўпка гангренаси ва бошқалар билан асоратланиши эҳтимол.

5. *Операциядан кейин* (кўкрак қафаси, қорин бўшлиги соҳасида ва б.) қон ивиндилари аспирацияси, коллапс ва ўпка ателектази, тромбоэмболик жараёплар (инфаркт+пневмония) патижасида операциядан кейинги пневмония ривожланиши мумкин. Мазкур форма аспирацион ва гипостатик пневмонияга яқин. Унинг кечиши, айниқса ателектазлар, ўпка инфаркти бўлганда оғир, ифодаланган интоксикация, нафас ва юрак етишмовчилиги билан характерланади. Прогнози оғир.

6. *Эозинофил пневмонияга* паразитар касалликлар, бронхиал астмали ва бошқа аллергик касалликлар билан касалланган беморлар организмида ифодаланган аллергик мойиллик борлиги сабаб бўлиши мумкин. Бу ўпка тўқимасининг ўтирир аллергик ялигланиши бўлиб, экссудатда (балғамда) ҳам, периферик қонда ҳам кўп миқдорда эозинофиллар топилади. Касаллик симптоматиканинг камлиги билан ажralиб туради, рентгенологик текширишда ноаниқ контурли инфильтратив ўзгаришлар аниқланади. Динамик рентгенологик контрол ва этиопатогенетик терапия муҳим.

7. *Фридлендер пневмонияси* Фридлендер диплококклари томонидан қўзғатилиди, одатда 40 ёндан ошган шахслар касалланадилар, кўпинча ичкиликбозларда кузатилиди. Касаллик шиддатли ва оғир кечиши билан характерланади, сентик белгилар: юқори температура, эт жунжикиши, кучли ҳарсиллаш, цианоз, қуруқ ёки бағрам (баъзан қон аралашган ва куйган гўшт ҳидига эга) ажralадиган йўтал, пневмония учун хос ҳамма белгилар борлиги билан ўтади. Натижаси ва прогнози нисбатан оғир.

8. *Пневмониялар шунингдек орнитоз, пситтакоз ва Ку-иситмада* (пневмориккетсиоз) кузатилиди ва улар тегишли симптоматика билан характерланади. Диагностикада анамнез, касалликпинг кечиши, эпидемиологик шароитлар, касб-кор (паррандабоқарларда, ҳайвонот боғи ходимларида ва б.), пневмония ривожланадиган бир қатор ҳолларда аҳамиятта эга. Лаборатория методлари — серологик реакцияларга: комплементни боғлаш реакцияси, иммун зардоллар қўлланиб ўтказиладиган агглютинация реакциясига катта ўрин берилади.

Ўчоқли пневмонияларнинг асорати, кечиши, прогнози кўп омилларга: шикастланган ўпка тўқимаси даражаси ва характерига, интоксикация даражасига, этиологик жиҳатларга, бошқа органлар ва системаларнинг ҳолатига боғлиқ; пневмониянинг қандай касаллик фонида (юрак етишмовчилиги, оғир операциядан кейин ва б.); ривожлананига боғлиқ, ўз вақтида диагностика қилиш ва асосланган эрта даволашнинг аҳамияти ҳам муҳим.

Ўз вақтида диагностика қилиш ва даволашда, операциядан кейинги (айниқса ателектаз ёки инфаркт фонида) пневмониялар, вирусли ва Фридлендер пневмониясини истисно қилганда, ўчоқли пневмонияларнинг кечиши ва прогнози нисбатан яхши.

Ўчиқли пневмонияларнинг энг кўп учрайдиган асоратлари ўпка абсцесси ва гангренаси; хроник пневмонияга ўтиши; пневмосклероз; карнификация, бронхоэктазлар ҳосил бўлиши; плевритлар; ўткир пневмонияларда бўладиган бошқа органлар томонидан юз берадиган асоратлар саналади.

Дифференциал диагностикаси. Ўчиқли пневмонияни қўйидаги касалликлар: крупоз пневмония; хроник пневмониянинг қўзиши; специфик пневмония (сил, захм пневмонияси ва б.); плевритлар (қуруқ, экссудатив); ўпка абсцесси ва қисман крупоз пневмония билан дифференциал диагностика қилиш зарур.

Диагнознинг тахминий таърифи: 1) стрептококкли ўткир кечадиган ўчиқли пневмония; 2) вирусли (гриппоз) сурункали кечадиган ўчиқли пневмония.

Д а в о л а ш.

1. Беморларни касалхонага ётказиш.

2. Ўринда ётиш режимига риоя қилиш — жиҳомний ва психик осойишталик, парҳез режими (витаминларга бой овқат, бульон, мева шарбатлари, минерал сувлар).

3. Антибактериал терапия:

— антибиотиклар этиологияни, жараённинг оғир-енгиллигини ҳисобга олиб, 7—10 кун муддатга тайинланади, наф бермагандан олдин антибиотикларга сезувчанлик ва бошқаларни аниқлаб, ўрнига бошқа дориларни тайинлаш лозим. Пенициillin ва пенициллиннинг яримсинтетик препаратлари (ампициillin, ампиокс, карбенициillin), макролидлар (эритромицин, олеандомицин); тетрациклиналар (тетрацилин, морфоцилин, окситетрацилин, метацицин, доксицилин); аминогликозидлар (канамицин, гентамицин); резерв антибиотиклар (ристомицин, линкомицин, фузидин, цепорин); метициillin, оксациillin қўлланилади;

— антибиотиклар билан бирга таъсири қисқа (этазол, порсульфазол ва б.) ёки узайтирилган сульфаниламидлар (сульфапиридаzin, сульфадиметоксин, сульфамонометоксин) кенг қўлланилади;

— антибиотиклар ва сульфаниламидлар препаратларни кўтара олмаслик бўлганда нитрофуран унумлари (фурадонин, фуразолин, фуразолидон) ни муваффақият билан тайинлаш мумкин.

4. Оғир ҳолларда организмнинг иммун реактив хоссаларини ошириш мақсадида: аутогемотерапия, амиопептид, метилурацил, апаболик стероидлар, продигиозан, алоэ, плазмол, ФиБс ва бошқалар тайинланади:

— стафилобоккли пневмонияда: антистафилококк гамма-глобулин, гипериммун антистафилококк плазма;

— вирусли пневмонияларда: гриппга қарши гамма-глобулин, зардоб полиглобулин.

5. Кўрсатмалар бўйича қўйидагилар тайинланади:

— бронхолитиклар (эуфиллин, теофедрин, алупент, сальбутамол ва б.);

— муколитиклар (ацетилцистеин, бисольвон);

- балғам күчирувчилар (термопсис, алтей илдизи ва бошқалар);
- юрак дорилари; сайдик ҳайдовчи дорилар;
- томирларга кор қиладиган дорилар (камфора, кордиамин, кофеин, мезатон, адреналин);
- витаминаларта (В, С ва бошқа гуруұдаги) бой овқатлар қасалық болында — сут-үсімлики, кейинчалик әса юқори калориялы овқатлар (15- номерли пархез);
- умуман мустаҳкамлайдиган, симптоматик (юрак, томирлар ва бошқаларга кор қиладиган дорилар);

— десенсибилизация қиладиган дорилар, айниңса әозипофил пневмонияда (гормонал препаратлар, кальций хлорид, аскорбинат кислота ва б.);

— седатив дорилар — айниңса марказий нерв системаси күчли интоксикацияга учраганда.

6. Физиотерапевтик муолажалар, нафас гимнастикаси, даволаш физкультураси.

7. Диспансер күзатуви (меңнат қобилияты тиклангунча участка врачи күзатуви остида бўлади).

8. Санаторий-курортда даволаш.

Ўткир пневмонияларни профилактика қилиш мақсадида қуйидағиларни бажариш зарур:

- санитария-соғломлаштириш тадбирлари, физкультура, спорт машгулотлари, организмни чиниқтириши;
- ўчоқли пневмония ривожланадиган фондаги турли хил хроник ўпка касалликларини ўз вақтида даволаш;
- чекиш, спиртли ичимликлар ичишга қарши кураш;
- юрак-томирлар системаси касалликларини, айниңса ўпкада димланиш бўлган касалликларини ўз вақтида диагностика қилиш ва даволаш;
- ишлаб чиқаришдаги заарли моддаларга (чанг-тўзонлар, заарли газлар ва ҳ. к.) қарши курашиш.

Контроль саволлар

1. Ўткир пневмонияларнинг этиологияси ва патогенези, мойил қиладиган омилларнинг аҳамияти.
2. Ўткир пневмониялар классификацияси.
3. Крупоз пневмониянинг типик клиник формасининг кечиши ва диагностикаси.
4. Крупоз пневмония атипик клиник формаларининг диагностикаси.
5. Ўчоқли пневмонияларнинг клиник варианatlари (этологиясига кўра).
6. Ўчоқли пневмониянинг этиологиясига боғлиқ ҳолда дифференциал диагностикаси.
7. Ўткир пневмонияларнинг асоратлари.
8. Ўткир пневмонияларни даволаш.
9. Қўшилиб келадиган касалликлар ва асоратларни даволаш.

ҮПКА ЙИРИНГЛАНИШЛАРИ (ҮПКА АБСЦЕССИ ВА ГАНГРЕНАСИ)

Таърифи. Үпка йирингланишлари гуруҳига абсцесс ва гангрена киради. Үпканинг бу касалликлари антибиотиклар ва сульфаниламид препаратлар қўлланилишига қадар бирмушча кўп учрар ва оғир интоксикация билан ўтиб, аксарият летал патижга билан тугар эди. Статистик маълумотларга биноан ҳозирги вақтда үпка абсцесси ва гангренаси билан касалланиш бирмунча пасайтирилган.

Үпка абсцесслари ва гангренаси үпканинг инфекцион деструкцияси деган умумий ном билан бирлаштириладиган касалликлар гуруҳига киради ва патоген микроорганизмлар таъсири натижасида үпка паренхимасиниг жонсизланиши ва парчаланиши билан характерланадиган патологик жараён ҳисобланади (Путов Н. В. ва б., 1984).

Үпка абсцесси — үпка тўқималарининг йирингли эришидан иборат бўлиб, якка-якка ёки кўп сонли бўшлиқлар ҳосил қиласди. Улар чегараланган (гангрепадан фарқли равишда) бўлади ва кўпинча яллиғли инфильтрация (бирақтирувчи тўқима капсуласи) билан ўралган.

Үпка гангренаси — үпка тўқимасиниг жонсизланиши, чириб парчаланиши бўлиб, бадбўй балтам ажралиши билан ўтади. Унда үпка тўқимасиниг парчаланиши аниқ ажралиб турадиган чегараларга эга бўлмайди. Үпка йирингланиши билан касалланган беморлар орасида ўрта ёшдаги эркаклар кўпчиликни ташкил қиласдилар. Аёллар 6—8 марта камроқ касалланадилар. Бунинг боиси шундаки, эркаклар орасида кашандалар, ичкиликбозлар нисбатан кўп бўлади, улар бронхит билан кўпроқ оғрийдилар, эркакларининг касб-кори заарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсири билан кўпроқ борлиқ.

З-жадвалда үпка абсцесслари ва гангреналарининг СССР соглиқни сақлаш министрилигининг Бутуниттифоқ цульмонология илмий текшириш институти ишлаб чиқсан классификацияси келтирилган.

Клиник маълумотлар ва назарий билимларни анализ қилиш асосида студент қўйидагиларни билиши керак:

- 1) патологик жараён (абсцесс, гангрена) жойлашган ўринини ва характеристикини, касаллик босқичларини ва бошқаларни тахминан аниқлай олиш;
- 2) тахминий диагноздан келиб чиқиб, қўшимча текширишлар планини тузиши;
- 3) қўйидагиларга асосланиб узил-кесил диагноз қўйиши:
 - абсцесс ва гангренанинг асосий диагностик мезонларини билиш;
 - касалликпининг фазаси (босқичи), клиник кечиши характеристикини билиш;
- 4) касалликпиниг босқичига кўра мос келадиган даво тадбирлари тузиш.

Үпка абсцесслари ва гангреналари классификацияси

Патогенези	Клиник-анатомик таърифи	Кечиш характери	Асоратлари
Постсплевмоник Гематоген-эмбоблик	Периферик: массив эмпиема билан асоратланган, чегараланган эмпиема билан асоратланган, асоратланмаган	Ўтқир Хроник	Ўпкадан қон оқиши Тараапглапшган клапан пневмоторакси
Аспирацион Травматик Хроник пневмония оқибатида	2. Марказий: якка-якка, кўп сонли 3. Гангrena: эмпиемасиз, эмпиема билан		Пиопниевмоторакс Септикопиемия Иккиламчи бронхоэкто-злар Амилоидоз

Этиологияси ва патогенези. Үпка йирингланиши ривожланишида қўйидагилар муҳим аҳамиятга эга:

1) бактериал флора:

- стрептококклар, пневмококклар, стафилококклар, Фридлендер диплококклари, ичак таёқчали, инфлюэнца таёқчали ва б. (абсцессларда);

- анаэроб флора: спириллар, анаэроб стрептококклар, *B. suisformis*, *B. putrificans* ва б. (үпка гангренасида);

2) макроорганизм ҳолати: реактивлик, мойиллик;

3) қулайлик келтириб чиқарадиган омиллар:

- бронх-үпка системаси касалликлари, хроник инфекция ўчоқлари борлиги;

- совқотиши, чарчаш, ноқулай меҳнат ва турмуш шароитлари ва б.;

- майдо бронхларнинг тикилиб қолиши, ателектазлар пайдо бўлиши, үпка тўқимасида қон айланиши ва озиқланишинг бузилиши.

4. Патогенетик йирингланиш жараёнлари:

- пневмониялар билан (ўчоқли, крупоз пневмониядан кейин, парат-ва метапниевмоник абсцесслар) билан боғлиқ;

- аспирацион абсцесслар ва үпка гангренаси;

- гематоген-эмболик — айниқса операциялардан кейин, яраланишларда, йирингли ўчоқлардан, остеомиелитларда;

- бронхоэктузлар, хроник пневмония билан боғлиқ;

- жанговар заҳарловчи моддалар билан заҳарланишида пайдо бўлиши;

- иккиламчи инфекция қўшилиб травматик пайдо бўлиши мумкини.

Патологик анатомияси:

- йирингли якка-якка ва кўп сонли бўлиши мумкин;

- абсцессда: бўшлиқ бронх орқали ажраладиган йириш билан тўлган;

— хроник абсцессларда бўшлиқ грануляциялар билан тўлган, атроф тўқимада склеротик ўзгаришлар кузатилади, чегаралари аниқ;

— гангренада гунгурт-яшил чириган шикастланиш участка-лари аниқланади, бўшлиқларнинг аниқ чегараси йўқ;

— микроскопик текширишда: лейкоцитар инфильтрация, аль-веолляр тўсиқларнинг фибринга шимилиши, уларнинг бўртиб чиқиши ва архитектоникасининг йўқолиши.

Клиник манзараси.

I. Субъектив маълумотлар:

— аҳвол-кайфиятнинг аста-секин ёмонлашуви (масалан, пнев-монияга даво қилишдан кейин ва даволаш жараёнида) ёки ўткир бошланиши;

— эт жунжикиши, совқотиш, абсцесс ёрилгунча титратадиган эт жунжикиши;

— гавда температурасининг ошиши (бирипчи босқичида юқори, ёрилгандан кейин субфебрил);

— кўп терлаш, лоҳаслик, кескин беҳоллик;

— кўкракда аниқ бўлмаган оғриқлар;

— қуруқ йўтал ёки мўл («офиз тўлиб») йирингли балгам ажра-ладиган (абсцесс) йўтал, босқичига кўра бадбўй ҳидли (гангрена);

— нафас қисиши, бўғилиш сезгиси: ўпка ва ўткир ўпка-юрак етишмовчилиги аломатлари бўлиши мумкин;

— бўғимлардаги оғриқ (умумий интоксикация натижаси);

— организмнинг интоксикацияси учун хос шикоятлар: иштаҳа ёмонлиги, диспептик ҳодисалар, адипамия ва б.

II. Субъектив маълумотлар анализи.

III. Объектив маълумотлар.

1. Умумий кўздан кечириш:

— беморларнинг аҳволи — ўткир абсцессда одатда оғир, ўпка гангренасида — ниҳоятда оғир, абсцесс ёрилгандан кейин — қони-қарли;

— ўриндаги вазияти — мажбурий, пассив;

— рангпарлик, лаб цианози, юз солқиган;

— гипертермия (температура нотўғри, ремиттирловчи ёки ҳол-сизлантарирадиган, абсцесс ёрилгунча — доимий иситма);

— қўй бармоқлари «ногора таёқчалари» кўринишида ўзгарган, тирноқлари «соат ойнаси»га ўхшаб қолган (хроник абсцессларда);

— тиич турганида нафас қисиши, ўпка-юрак етишмовчилиги (акроцианоз) белгилари (оғир ҳолларда), оёқларга шиш келиши, гепатомегалия, аксарият талоқ катталашуви.

2. Нафас системаси:

— кўкрак қафасининг касал ярми нафас актида орқада қолади;

— пальпатор текширишида: товуш титратни сустлашган (тешил-гунча) ёки кучайтан (тешилгандан кейин ёки касалликнинг бошида);

— ўпкани перкутор текширишда: тўмтоқланиш ёки мутлақо тўмтоқлик, одатда ўпканинг пастки ярми ўзгармаган (хроник пнев-

мония фонида хроник абсцесслар, эмфизема бўлганда, ўпканинг пастки чегараси пастга силжиган);

— аускультатив текширишда: сустлашган ёки қаттиқ нафас (ёрилгунча), бронхиял ёки амфорик нафас (ёрилишдан кейин), қуруқ хириллашлар, юп сонли ҳар хил — ўрта- ва йирик пуфакчали хириллашлар (айниқса йириглик бўшалгандан кейин).

3. Юрак-томирлар системаси: гипотензия, тахикардия, юрак чегаралари кенгайиши, тоналаринг бўғиқлиги, бошқа нуқталарга берилмайдиган систолик шовқин, ўпка артерияси тепасида II тон акцепти ва юрак-томирлар системаси интоксикациясиниг бошқа белгилари бўлиши мумкин.

4. Бошқа органлар томонидан бўладиган ўзгаришлар тегишлича маҳсус текшириш методлари ёрдамида аниқланади.

IV. Лаборатория, рентгенологик ва бошқа текшириш методлари маълумотлари:

— периферик қондаги: ифодаланган лейкоцитоз $15,0 - 20,0 \cdot 10^9$ л ва бундан юқори гранулоцитар қатор ёш элементлар — миелоцитлар пайдо бўлишига қадар лейкоцитар формуланинг чапга силжиши билан; нейтрофилларнинг токсик донадорлиги, СОЭ ошиши ва б.;

— сийдикдаги: оғир интоксикацияда — протеинурия, микрогематурия, цилиндрурия ва б.;

— балғамдаги: балғам одатда икки-уч қаватли. Биринчи қатлами — кўпикли, иккинчиси — сариқ рангли, кўринишидан бир хил, учинчиси — ҳар хил увоқсимон элементдан иборат. Ўпка гангренасида балғам қон аралашган курранг-гунгурт рангли, некрозга учраган ўпка тўқимаси сабабли. Микроскопияда лейкоцитлар, детрит, ёғ кислоталарнинг кристаллари, Дитрих тиқинлари, эластик толалар (абсцесса), жуда хилма-хил микроб флораси (стафилококклар, диплококклар, камроқ — микрококклар, Фридлендер таёқ-часи, анаэроблар, грамманфий таёқчалар ва б.);

— биохимиявий силжишлар: диспротеинемия а₂- ва β- глобулинлар миқдори кўпайиши ҳисобига, гиперфибриногенемия, чўйма синамаларининг (сулемали, тимолли ва б.) мусбат натижалари, гиперферментемия бўлиши эҳтимол;

— рентгенологик маълумотлар касалликнинг даврлари ва фазаларига кўра ҳар хил: биринчисида (инфилтрация фазасида) — четлари ноаниқ қоронғиланган участка; иккинчисида (йириглик бўриши) — инфильтрация камайиши фонида суюқлик сатҳи аксарият горизонтал бўлган битта ёки кўп сонли бўшлиқлар аниқланади; учинчисида — бўшлиқ ўйқолиши (согайиш ҳолларида) ёки хроник абсцес белгилари (кистасимон бўшлиқлар, секвестрлар, плеврал битишималар борлиги);

— бронхоскопияда: шиллиқ парданинг кескин гиперемияси ва шинши, бронх бўшлиғи торайиши, унда йиригли тиқинлар, қон ивидиллари, грануляциялар борлиги.

Касалликнинг қечини. Ўпка йиригланиши кечишида иккита давр — биринчиси — абсцес ёрилгунча бўлган давр, иккинчиси — абсцес ёрилгандан кейинги давр фарқ қилинади. Айрим муаллиф-

лар касалликнинг учта фазасини қайд қиласидилар: инфильтратлаши, йиригликтининг бронх бўшлигига ёки плевра бўшлигига ёрилиши ва натижаси.

Биринчи давр (абсцесс ёрилгунча бўлган давр) оғир кечиши билан ажralиши туради. Бу даврда ўпка тўқимаси инфильтрацияланади ва 1—2 ҳафта мобайнида йириглик (абсцесс) шаклланади. Аввалига бемор оз-моз совқотади ёки эти жунжикади, ҳарорати юқори (ремиттирловчи, интермиттирловчи ёки доимий) бўлади, кўп терлайди, нафаси қисади, боши оғрийди, рўй-рост интоксикация аломатлари қайд қилинади, аҳволи оғир бўлади, диспептик ҳодисалар юз беради, аксарият юрак ва нафас етишмовчилиги белгилари кузатилади. Гиперлейкоцитоз ($15,0—20,0 \cdot 10^9/\text{л}$ ва бундан юқори) периферик қонда миелоцитлар пайдо бўлгунча чапга ифодаланган сиљиши билан, СОЭ нинг анча ошиши қайд қилинади.

Перкуссияда шикастланган зона устида оғриқ (Крюков — Зайдербрух симптоми) аниқланади, бу соҳадаги қовурғалар орасини стетоскоп билан босилганда йўтал рефлекси (Кисслинг симптоми) кучаяди — бу плевранинг яллиғланиш жараёнига тортилишининг илк белгисидир. Одатда, шилимшиқ-йиригли балғам ажralадиган йўтал, рентгенограммада — контурлари (четлари) поаниқ қороптиланиш участкаси бўлади.

Йириглик периферик жойлашганда перкуссия методи билан перкутор товушнинг тўмтоқлиги, аускультацияда — пафаснинг қаттиқ (аввалига) ёки бронхиал тусдалиги, майдо пухакчали нам ва қуруқ хириллашлар аниқланади. Абсцесс марказий жойлашганда физикал ҳодисалар одатда кам бўлади ёки мутлақо аниқланмайди.

Иккинчи давр йиригликтин бронхлар бўшлигига (аксарият) ёрилишидан бошланади. Аксарият абсцесс ёрилишидан олдин биринчи даврнинг асосий клиник белгилари кучаяди — бирмунча юқори температура кечқурунга бориб кескин кўтарилиди, йўтал ва оғриқ сезиглари кучаяди, натижада беморларнинг умумий аҳволи кескин ночорлашиб қолади (ўтиш фазаси).

Абсцесснинг бронхга ёрилиши йўтал кучайиши ва кўп миқдорда («оғиз тўлиб») йиригли балғам ажralиши билан ўтади — бу ёрилишининг асосий аломатидир. Сутка ичидаги ажralадиган балғам миқдори ошиши билан ($500—1000 \text{ мл гача}$) беморларнинг умумий аҳволи сезиларли даражада яхшиланади: температура пасаяди, интоксикация ҳодисалари аста-секин йўқолади, иштаҳа асли ҳолига келади, гематологик қўрсаткичлар нормага яқинлашади ва ҳ. к.

Айрим ҳолларда кучли йўталда ўпка ичидаги босим анчагина ошиши натижасида абсцесс плевра бўшлигига ёрилиб, плевропульмонал шок (пиопневмоторакс) ёки йириглик кўкс оралиги бўшлигига ёрилганда (камдан-кам) йиригли медиастенит ривожланиши мумкин.

Балғам миқдори ва унинг характеристи бўшлиқ ҳажмига, йиригликлар миқдорига, қўзғатувчисига ва абсцесс жойлашган соҳага боғлиқ.

Натижаси — согайиш, касалликнинг хроник босқичига ўтиш,

асосий касалликдан ёки (аксарият) турли-туман огир асоратлардан ўлим ҳисобланади.

Үпка гангренаси — гоят огир касаллик. Унииг клиникаси асосан ўткир абсцесс кечиншли эслатади, бирок ҳамма симптомлари бирмунча яқын оғодаланган. Балгам «офиз тўлиб» ажралади, бадбўй ҳидга эта, у тунгурт-шоколад рангли, суюқ, кўп миқдорда турли-туман, жумладап анаэроп микроблар сақлайди. Үпка гангренаси хавфли кечиши, прогнози ёмонлиги билан ажралиб туради.

Асоратлари: ўпкадан қон оқиши, пневмоторакс, пионпневмоторакс; сепсис (септикоиемия), бронхоэктазлар; ички органлар амилоидози (аксарият буйраклар амилоидози); метастатик йириングли ўзоқлар ҳосил бўлиши; нафас, үпка-юрак этишмовчилиги (ўпка-юрак); хроник асбцессга ўтиш; плевритлар, ўпка эмпиемаси ва бошқалар (йириングли медиастинит).

Дифференциал диагностикаси. Бронхоэктатик касаллик билан; бўлаклараро йириングли плеврит, халталангап эмпиема билан; ўткир пневмониялар ёки хроник пневмониянинг қўзиши билан; ўпка сили (айниқса каверноз хили) билан; ўпканинг йирингланиши билан ўтадиган паразит касалликлари (ўпка эхинококкози) билан; парчаланаётган ўпка раки ва бошқалар билан дифференциал диагноз ўтказиш зарур.

Да волаш:

— беморларни касалхонага жойлаштириш: ўринда ётиш режими, овқатланиш, уйқу режимига амал қилиш, bemорларни тегишлича парваришланиш, овқат оқсилларга, А, С, D ва В группа витаминларига бой бўлиши керак;

— дренажни тикланиш ва заарланиш ўчогидаги йирингни тугашиб: бронхиал шохни Карленс найчаси орқали ювиш, даво бронхоскопиялари қўлланиш (бронхоскоп орқали физиологик эритма, калий перманганат, фурагин эритмалари билан ювиш, бронхоскоп орқали бронхиал шохга протеолитик ферментлар, бронхолитиклар, антибиотиклар юбориш, трансторакал пункциялари, аэрозол терапия ва б.);

— антибактериал терапияни антибиотикларга сезувчанликни олдишдаш аниқлаб олгандан кейин ўтказилади: пенициллининг катта дозалари (суткасига 3—4—8 млн гача) ва бошқа антибиотиклар: стрептомицин, эрициклин, левомицетин, террамицин, сигмамицин, морфоцилин ва бошқалар; сульфаниламид препаратлар (порсульфазол, сульфадимезин ва таъсири узайтирилган бошқа сульфаниламидлар) қўлланилади;

— интоксикацияга қарши кураш: гемодез, полиглюкин, плазма, 5% ли глюкоза эритмаси, физиологик эритма қўйилади, кичик дозаларда инсулин тайинланади ва б.;

— абсцесс стафилоокк этиологияли бўлгандада: антистафилооккли ү-глобулини, антистафилооккли плазма, стафилооккли анатоксин;

— организмнинг ҳимоя кучларини ошириш учун умумал мустаҳкамлайдиган препаратлар, қон, плазма, оқсил препаратлари қуту-

ииш; анаболик гормонлар; В группа витаминалари, аскорбинат кислота; кальций хлорид;

- балгам күчирувчи дорилар, бронхолитиклар;
- кўрсатмалар бўйича — юрак дорилари, сийдик ҳайдовчи дорилар, томирларга таъсир қиласидаги прешаратлар;
- юқори калорияли, витаминаланган овқат (15-сонли парҳез);
- хирургик даволаш ўпкадан қон оққанда, ишонневмотораксда, ўпка эмпиемасида, хроник абсцессларда, шунингдек ўсмага шубҳа бўлгандга ўтказилади;
- диспансер кузатуви (хроник абсцессга ўтганда).

Профилактикаси: турли хил бронх-ўпка системаси касалликлари ни ўз вақтида даволаш, хроник инфекция ўчоқларини санация қилиш; шикастланиш, яраланиш, қаттиқ лат ейиш ҳолларида ўз вақтида тегишли ёрдам кўрсатиш, турли операциялардан кейин беморларни тўғри парвариш қилиш, антибиотикларни профилактик юбориш.

Контрол саволлар

1. Абсцесс ва гангrena этиологияси ва патогенези, қулайлик туғдирадиган омилларнинг аҳамияти, макроорганизмнинг ҳолати.
2. Касалликпинг даврларига боғлиқ ҳолда ўткир абсцесснинг клиникаси.
3. Ўпка гангренаси клиникаси.
4. Ўпкадаги йирингланиш касалликларининг диагностикаси (клиник-экспериментал методлар).
5. Қўшимча текшириш методларининг роли (қон, балгамни текшириш).
6. Ўпка йирингланишларини босқичларига биноан даволаш, бронхларни дренаж қилиш.
7. Ўпка йирингланишлари профилактикаси.

БРОНХИАЛ АСТМА

Таърифи. Бронхиал астма — бу мустақил хроник, қайталанадиган касаллик, унинг асосий ва доимий патогенетик механизми специфик иммунологик (сенсибилизация ва аллергия) ёки поспецифик механизмларга боғлиқ бўлган бронхларнинг ўзгарган реактивлиги ҳисобланади, асосий (доимий) клиник белгиси — бронхлар шиллиқ пардасининг бронхоспазми, гиперсекрецияси ва шиши оқибатида бўғилиш ҳуружи саналади (Федосеев Г. Б., 1982).

Бўғилиш ҳуружи бронх силлиқ мускулатурасининг спазми на-тижасида бронхиал ўтказувчанликнинг бузилишигагина эмас, балки перибронхиал жараён, ўпка эмфиземаси, айни вақтда кўпчилик ҳолларда турли босқичдаги хроник пневмония борлигига ҳам боғлиқ. Асримиз бошланишида ва ўртасида бронхиал астмага, одамлар бу касаллик билан оғриса-да, аммо ундан ўлим юз бермайдиган касаллик деб қаралар эди (Коган Б. Б., 1959). Бироқ сўнгги йилларда у билан касалланиш кўпая бошлади, касалликнинг кечиши

ҳам ўзгарди. Қасаллик бирмунча хавфли бўлиб қолди, аксарият хроник пневмониялар фонида, бронх-ўпка системасида чуқур деструктив ўзгаришлар билан ўтади. Шунинг учун летал натижа билан тугаш ҳоллари миқдори ҳам кўпайди.

Хроник поспецифик ўпка қасалликлари билан қасалланган беморларнинг умумий сонидан таҳминан 25 фоизида бронхиал астма (Полушкина А. Ф. ва б., 1978), шу қасалликлар сабабли ногирон деб тап олинган шахслардан эса 21,7 фоизида бронхиал астма учрайди (Лебедев О. В.).

Бронхиал астманинг Бутуниттифоқ симпозиуми қабул қилган ва СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг илмий кенгаши тасдиқлаган клиник классификацияни бронхиал астмани астма олди ҳолати ажратилган мустақил қасаллик сифатида кўздан кечиради, бунда ҳали бўғилиш хуружлари бўлмайди, лекин вазомотор ўзгаришлар ёки нафас йўллари шиллиқ пардасида, бронхоспазм ва аллергия элементлари бўлган ўпка тўқималарида яллиғи заарлашишлар бўлади.

Бронхиал астманинг А. Д. Адо ва П. К. Булатов (1969) ишлаб чиққан классификациясини Г. Б. Федосеев (1984) тўлдирган. Унда қасалликнинг ривожланиш босқичлари, формалари, патогенетик механизmlари, оғир-енгиллиги, кечиш фазалари ва бронхиал астманинг асоратлари акс эттирилган.

I. Бронхиал астманинг ривожланиш босқичлари:

1) астма олди ҳолати. Бу термин остида бронхиал астма пайдо бўлиши учун хавф тугдирадиган ҳолатлар тушунилади. Буларга ўткир ва хроник бронхит, қонда зозинофилия ва балғамда зозинофиллар миқдори ошган вазомотор ринит, эшакем, вазомотор шиш, мигренъ ва нейроремит билан бирга ўтадиган ҳамда патогенезнинг иммунологик ёки ноиммунологик механизmlарига боғлиқ бўлган бронхоспазм элементлари бўлган ўткир ва хроник пневмония киради;

2) клиник шаклланган бронхиал астма — бронхиал астманинг биринчи хуружи ёки статусидан кейин.

II. Бронхиал астманинг формалари:

- 1) иммунологик,
- 2) ноиммунологик.

III. Бронхиал астманинг патогенетик механизmlари:

1) атопик — аллергияловчи аллергенлар кўрсатилган ҳолда;

2) инфекцион-қарам — инфекцион агентлар ва инфекцион қарамлик характери кўрсатилган ҳолда, у атопик реакция стимуляцияси, инфекцион аллергия ва бронхларнинг бирламчи ўзгартган реактивлиги шаклланишда намоён бўлиши мумкин;

3) аутоиммун;

4) дисгормонал — функцияси ва дисгормонал ўзгаришлар характери ўзгартган эндокрин орган кўрсатилган ҳолда;

5) нерв-психик, нерв-психик ўзгаришларнинг вариантлари кўрсатилган ҳолда;

6) адренергик дисбаланс;

7) иммун, эндокрин ва нерв системаларининг ўзгарган реакциялари иштирокисиз шаклланадиган бронхларнинг бирламчи ўзгарган реактивлиги, у тутма бўлиши мумкин, химиявий, физикавий ва механик ирритантлар ва инфекцион агентлар таъсири остида намоён бўлиши мумкин ва жисмоний ҳаракатда, совуқ ҳаво, дори-дармонлар кабилар таъсирида бўғилиш хуружлари билан таърифланади.

Эслатма. Механизмларнинг ҳар хил комбинациялари бўлиши эҳтимол, бунда текшириш вақтига келиб механизмлардан бири асосий ҳисобланади. Беморда бронхиал астманинг битта патогенетик механизми бўлиши ҳам мумкин. Бронхиал астма ривожланиши жараёнида иккинчидан даражали механизмнинг алмашинуви юз бериши ҳам эҳтимол.

IV. Бронхиал астма кечишининг оғир-енгиллиги:

- 1) енгил кечиши,
- 2) ўртача оғирликда кечиши,
- 3) оғир кечиши.

V. Бронхиал астма кечиши фазалари:

- 1) қўзиш,
- 2) пасайиб борадиган қўзиш,
- 3) ремиссия.

VI. Асоратлари:

- 1) ўпка асоратлари: ўпка эмфиземаси, ўпка етишмовчилиги, ателектаз, пневмоторакс ва ҳ. к.;
- 2) ўпкадан ташқари: миокард дистрофияси, ўпка-юрақ, юрақ етишмовчилиги ва ҳ. к.

Клиник маълумотлар ва назарий билимларни анализ қилиш асосида студент қўйидагиларни билиши керак:

- 1) яллигланиш ўчоги жойлашган ўрнини ва патологик жараён характеристини (аллергик, инфекцион, функционал) аниқлаши;
- 2) аллерген (аллергенлар) турини, бронхиал астма хуружининг аллергенлар борлигига, яллигланиши жараёни қўзишига алоқадорлигини аниқлаши;

3) тахминий диагнозни тасдиқлаш ёки истисно қилиши учун қўшимча текшириш методлари планини тузиши;

4) қўйидагилар асосида батафсил диагнозни аниқлаши:

— касалликнинг асосий симптомлари ва синдромларини, бронхиал астманинг диагностик мезонлари ва астма хуружининг ўзини билиши;

— умуман бронхиал астма клиник кўринишлари патогенезини ва хусусан бўғилиш хуружларини билиши;

— аввало «бўғилиш» синдроми кузатиладиган юрак астмаси ва бошқа касалликлар билан тегишли дифференциал диагностика ўтказишни билиши;

5) хуруж вақтида ва хуруждан ташқари вақтда, касаллик асоратларида, қўшилиб келадиган касалликларда, хроник инфекция ўчоқларида bemorni даволашнинг тўла қимматли, асосланган планини тузса олиши керак.

Этиологияси. Бронхиал астма пайдо бўлишида қўйидагилар мұхим роль ўйнайди:

— организмнинг инфекцион табиатли аллергенларга сенсибилизацияси: юқори нафас йўлларида, бронх-ўпка системасида, аутоинфекциялар ва бошқаларда (касалликнинг инфекцион—аллергик формаси) хроник инфекция ўчоқлари борлиги;

— организмнинг ноинфекцион табиатли аллергенларга: хонадон, кутубхона чанги, ишлаб чиқариш чанги, жун, кўп сонли дори-дармонлар ва доривор ўсимликлар, ювадиган ва химиявий моддалар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқаларга (касалликнинг ноинфекцион—аллергик ёки атопик формаси) сенсибилизацияси;

— организмнинг конституционал хусусиятлари, реактивлиги ва ирсий мойиллиги;

— невроген омиллар — ҳис-ҳаяжонлар, қалла суюги-мия шикастлари, бурун тўсиги қийшайтганда, бурун полицида, холецистит ва бошқа ўчоқли инфекцияларда рефлектор таъсиrotлар.

Патогенез асосини организмнинг турли хил аллергенлар таъсирига, аллергик реакция шаклланишига, аутоантigenлар ва аутоаггилителолар ҳосил бўлишига, аутоиммун агрессия ривожланишига сенсибилизация жараёнлари ташкил қиласди.

Бронхиал астма патогенезида аллергик реакциянинг учта фазасини (Адо А. Д., 1972): иммунологик, патохимиявий, патофизиологик фазаларини тафовут қилиш расм бўлган.

Бўғилиш хуружи патогенези бронхлар силлиқ мускулатурасининг спазми (бронхоспазм назарияси) ва бронх секрети мўл ажратилиши (секретор назария), бронхлар шиллиқ пардаси безларининг бронхоконстриктори, вазодилататори ва секретор перви бўлган адашган нерв таъсири билан боғлиқ.

Патологик анатомияси:

— эмфизема, бронхлар обтурацияси, тотал бронхоспазм, ҳамма кўринишлари билан хроник пневмония (жараён қўшилиб келган ҳолларда), пневмоцлероз белгилари ва ҳ. к.;

— бронхлар суюқлигига эозинофиллар, лимфоцитлар, Куршман спираллари, Шарко — Лейден кристаллари қўп топилади;

— бронх деворларининг эозинофил инфильтрацияси, альвеоларнинг нотекис кенгайиши, улар деворларининг юпқа тортиши, юрак ўнг бўлимининг гипертрофияси.

Клиник манзараси.

I. Субъектив маълумотлар:

A. Бўғилиш синдроми:

— продромлар (аура): ўйтал, бурунда қичишиш, қитиқланиш сезгиси ва б.;

— бўғилиш тўсатдан, кўпчилик ҳолларда тунда бошланади;

— нафас олиш — айниқса пафас чиқариш қийинлашган бўғилиш;

— давомлилиги бир неча минутдан 1 соат, суткагача ва ортиқроқ (астма ҳолати);

— частотаси: суткасига бир неча марта, ойига 1—2 марта, йилига бир неча марта касаллик формасига боғлиқ ҳолда;

— хуруж вақтида беморнинг ўзини тутиши: қўрқув пайдо бўлиши, совук терлаш, қўзголиши;

— препаратлар таъсирчанлиги, теофедрин қабул қилишдан, адреналин, эфедрин юборилгандан (тери остига), эуфиллин (венага ёки мушак орасига), тери остига атропин юборилгандан ва бошқалардан кейин хуруж йўқолиши;

— хуруж балғам ажратиладиган йўтал билан тугалланади ёки нафас тўлиқ тикланади, иш қобилияти тикланади ёки яхшиланади.

Б. Хуруждан ташқари вақтда: хроник бронхит, хроник пневмония ёки турли хроник ўпка касалликлари учун хос субъектив кўринишлар (касалликнинг инфекцион—аллергик формасида), аллергик ҳолатнинг бошқа белгилари: әшакем, вазомотор ринит, экзема ва б. (атопик формасида).

В. Бошқа шикоятлари:

— жисмоний ҳаракатда нафас қисиши, юрак уриши;

— хуружлар ўртасидаги даврда bemорларнинг умумий аҳволи қўшилиб келадиган касалликлар ва асоратлар борлигига боғлиқ;

— ўпка-юрак ва нафас етишмовчилиги бўлганда оёқларга шиш келиши.

II. Субъектив маълумотлар анализи (бемор шикоятлари, анамнез — бўғилиш хуружи таърифи, дори воситаларининг таъсирчанлиги, хуруж, иш, касб-кор ҳарактери, меҳнат ва турмуш шароитлари, ЛОР-органлар касалликлари борлиги ёки бошқалар шуларга боғлиқ).

III. Объектив маълумотлар.

1. Умумий кўздан кечириши:

— хуруж вақтида ва хуруждан кейин bemорнинг умумий ҳолати (жараённинг оғир-енгиллигига боғлиқ ҳолда);

— бўғилиш хуружи вақтида bemорнинг ўриндаги вазияти — ортоносто;

— бўғилиш, юзнинг қўрқув босган, изтиробли қиёфаси;

— лаб, ёноқлар, бурун учи цианози, тери нам;

— нафасда қўшимча мушаклар иштироқи, нафас узоқдан, ҳуштакли бўлиб эшитилади, бўйин веналари бўртиб чиқсан;

— ўпка әмғиземаси белгилари (кўкрак қафаси инспиратор ҳолатда бўлади, ҳаракатчанлиги билинарли чекланган).

2. Нафас системаси:

— пальпатор текширишда: товуш титраши сустлашган, кўкрак қафаси ригидлиги;

— перкутор текширишда; иккала томондан қутича тусидаги ўпка товуши ёки қутича товупи аниқланади; ўпка чегараларининг пастга ва юқорига кенгайиши;

— аускультатив текширишда: сустлашган нафас фонида кўп сонли ҳуштакли (нафас чиқариш вақтида) қуруқ (дискант) хириллашлар эшитилади, яллигланиш ўчоқлари бўлганда эса нам хириллашлар ҳам эшитилади.

3. Юрак-томирлар системаси:

— хуруж вақтида: мутлақ тўмтоқлик йўқолиши, тонларнинг

бўғиқлиги, гипертензия, ўпка артерияси устида II тон акценти (ўпка гипертензияси) бўлиши мумкин, тахикардия;

— хуруждан ташқари вақтда: иккала қоринчалар ва ўнг бўлма гипертрофияси ҳисобига юракнинг кенгайиши, I тон сустлашиши ва қиличсимон ўсиқ асосида систолик шовқин (уч тавақали клапан нисбий етишмовчилиги натижасида) ва юрак етишмовчилиги, ёки тўғрироғи ўпка-юрак етишмовчилигининг бошқа кўринишлари (бу касалликнинг кечиккан босқичларида — ўпка-юрак).

4. Бронхиал системанинг бошқа касалликлари, қўшилиб қеладиган касалликлар клиникаси (биргаликда келганда).

IV. Умумий клиник, рентгенологик ва бошқа текшириш методлари маълумотлари:

— умумий қон анализи: эозинофилия, базофилия, хроник инфекция ўчоқлари бўлганда — лейкоцитоз нейтрофил чапга силжиш билан, СОЭ ошиши эҳтимол;

— умумий сайдик анализи: патологиясиз ёки гипоксия туғайли бўйрак қон айланishi системасида ошган босим оқибати ҳисобланган ўртача микротемпературия ва альбуминурия;

— балғамни текшириш: эозинофиллар, Куршман спираллари, Шарко—Лейден кристаллари;

— биохимиявий силжишлар: диспротеинемия, алкалоз, ацидоз ва б.;

— рентгенологик текшириш: мазкур ҳолдаги ўзгариш бронх-ўпка системасида бошқа патологиялар борлигига боғлиқ, хуруж вақтида эса ўткир эмфизема манзараси ва бошқалар аниқланади;

— электрокардиографик текшириш: юрак ўнг бўлимларининг ортиқча ишлаш белгилари (баланд ўткир учли Р тишчалар, S—T сегменти пасайиши, V₅—V₆ усуулларда чуқур тишчалар, Гис тутами ўнг оёқчаси блокадаси);

— бронхоскопик текшириш: турли даражадаги эндобронхит белгилари, инфекцион—аллергик астма ҳолларида эса — бронхлар бўшлигини обтурация қиласидиган шилимшиқ—йирингли тикинлар миқдори кўплити;

— ташқи нағас функциясини текшириш: хуруж авжидаги ЖЕЛ¹ пасайиши, қолдиқ ҳажм ва функционал қолдиқ сифимнинг анчагина ошиши, газлар аралашувчанлиги жараёнининг ёмонлашуви, бронхиал ўтказувчапликнинг ва пневмотахометрия кўрсаткичларининг рўй-рост бузилишлари ва бошқалар аниқланади.

Кечинчи. Бронхиал астманинг энг типик клиник белгиси — одатда, қисқа нағас олиш ва қийинлик билан давомли нағас чиқарип билан ўтадиган бўғилиш хуружидир. Хуружнинг ёзи ривожланишида уч давр тафовут қилинади:

— бирипчи давр — хуруждан бир неча минут, соатлар, баъзан эса кунлар олдин пайдо бўладиган даракчилар (аура) даври (бурун шиллиқ пардаси гиперсекрецияси, аксириш, йўталиш, сержаҳлик, бош оғриги, диспептик бузилишлар, тери қичишиши). Дарак-

¹ Ўпкапанинг ҳаётий сигими,

чилаарни яхши билиш хуружни профилактика қилиш учун мұхым амалий аҳамиятга әга;

— иккинчи давр — хуруж даври ёки авж олган давр: нафас қисишидан бошланади, сүнгра бронхиал астманиң ҳамма субъектив, обьектив ва лаборатория белгилари бўлган бўғилиш қўшилади (йўтал, қутича товуши, қуруқ хириллашлар, ўткир эмфизема белгилари, эозинофилия, Куршман спираллари, Шарко—Лейден кристаллари ва б.);

— учинчи давр — хуружнинг қайтиш даври. Бронхиал астма хуружининг классик кечиши билан бирга касалликнинг ўзгарган даражалари, яъни бронхиал астманиң айнигана хуружлари кузатилиб, улар қўпинча бронхит, бронхопневмония ниқоби остида ўтади.

Бундан ташқари, касалликнинг оғир-енгил кечипига боғлиқ ҳолда бронхиал астманиң уч формаси фарқ қилипади, бу беморларнинг меҳнатга қобилиятини аниқлашда катта аҳамиятга әга;

— енгил формаси — бўғилиш хуружлари камдан-кам ва қисқа муддатли бўлади, улар йилига қўпи билан 3—4 марта пайдо бўлади ва бир соатдан кўпга чўзилмайди: баъзан айнигана характеристерга әга. Бу хилдаги беморларда хроник бронхит, хроник пневмониянинг I босқичи бўлиши мумкин;

— ўртача оғирликдаги — хуружлар кўпроқ ва давомлироқ тутиб туради. Улар йилига 10 марта гача кузатилади, 1 дан 2—3 соатгача давом қиласди, адредалин, эуфиллинни парентерал юборишда босилади, хуруждан ташқари вақтда енгил нафас қисиши ёки астматик ҳолат сақланиб қолади. Айни вақтда хроник бронхит, хроник пневмониянинг II босқичи, пневмосклероз, ўпка эмфиземаси, турли даражадаги нафас етишмовчилиги, ташқи нафас функцияси кўрсаткичларининг бирмунча бузилиши қарор топиши мумкин;

— оғир формаси — тез-тез бўғилиш хуружлари тутиши кўрилади, улар оғир ўтади, қийинлик билан босилади. Хуруждан ташқари вақтда кайфият кам ўзгаради: одатда хроник пневмониянинг III босқичи, диффуз пневмосклероз, бронхоэктатик касаллик, пифодаланган ўпка эмфиземаси, нафас етишмовчилигининг II—III даражаси, қон айланини етишмовчилиги фонида кечади. Бронхиал астма оғир кечипининг алоҳида хили астматик ҳолат (*Status asthmaticus*) ҳисобланади — хуруж яқин соатлар ёки кунлар пичида босилмайди.

Бронхиал астма диагностикасида бўғилиш хуружларининг ривожланиши даврлариви (босқичларини), касалликнинг оғир-енгиллиги даражасини аниқлаш мұхым. Бронхиал астма клиник формаларини диагностика қилишининг принципиал-аҳамияти бор (асосланган терапия ўтказиши маъносида):

— атопик (аллергик) форма: бўғилиш хуружи поинфекцион табиатли аллерген билан (улар жуда кўп бўлади ва беморлар улар ҳақида билмасликлари мумкин) дуч келтанды пайдо бўлади. Бўтилишдан олдин, одатда, аура пайдо бўлади (мигренъ, эшакем, Квинке шинни ва б.). Мазкур формаси аскарият навқирон одамларда учрайди. Оз-моз балғам ажралади. Унда қўпинча эозинофиллар, Куршман спираллари, Шарко — Лейден кристаллари топилади;

— инфекцион-аллергик форма: бўғилиш хуружлари бошдан жечирилган ўткир респиратор касалликлар, бронхитлар ва пневмониялар фонида, аксарият йилнинг ноқулай даврида ривожланади. Бўғилиш хуружи аксарият аура (йўтал, қичишиш ва б.) дан бошланади, у давомли, ўртача ёки оғир даражада, терапияга бирмунча резистент. Хуруж мўл шишимшиқ-йирингли балғам ажралиши билан тугайди. Асосан ўрта ёш гуруҳига тааллуқли одамлар касалла надилар.

4-жадвалда бронхиал астма иккита формасининг дифференциал-диагностик мезонлари келтирилган. Бронхиал астмани бўғилиш, нафас қисиши, аввало юрак астмаси (чап қоринча етишмовчилиги) синдроми кузатиладиган жараёнлар ва касалликлардан дифференциация қилиш керак.

5-жадвалда эса бронхиал ва юрак астмасининг дифференциал-диагностик белгилари кўрсатилган.

4-жадвал

Бронхиал астма инфекцион-аллергик ва атопик формаларининг дифференциал-диагностик мезонлари

Клиник-анемнестик маълумотлар	Бронхиал астма формаси	
	инфекцион-аллергик	атопик (ноинфекцион-аллергик)
Анамнез	Нафас йўлларининг хроник яллиғаниш жараёнлари, шунингдек ўткир пневмония, грипп	Вазомотор ринит, эшак-ем, Квинке шиши, нейроремит ва бошқа аллергик кўришишлар
Тери синамалари	Кўпинча бактериал аллуренглар билан мусбат	Нобактериал аллуренглар билан мусбат
Овқатдан аллергия	Камдан-кам	Кўп учрайди
Касаллик қўзишининг ўсимликлар гуллаши билан алоқадорлиги	Бўлмайди	Характерли
Аура	Кам характерли	Кам учрайди
Балғамда эозинофиллар	Кўпинча бўлмайди	Ошган
Иммун глобулинлар мидори	Аксарият нормал	Таъсирчан
Специфик десенсибилизация	Кам таъсирчан	Бўлмайди, хуружлар кучайиши кузатилиши мумкин.
Антабактериал терапиядан наф	Кўпинча яхши	

5-жадвал

Бронхиал ва юрак астмасининг дифференциал-диагностик мезонлари

Клиник-анемнестик маълумотлар	Астма хуружлари	
	бронхиал астманини	юрак астмасини
Олдин келадиган касалликлар	Хроник бронх-ўпка касалликлари, вазомотор ринит, бошқа аллергик касалликлар	Ревматик юрак пороги, гипертония касаллиги, юракнинг ишемик касаллиги, хроник гломерулонефрит

5-жадвалниг давоми

Клиник-анемнестик маълумотлар	Астма хуружлари	
	бронхиал астманики	юрак астмасиники
Хуруж сабаблари	Нафас органларида яллигланиш жараёнининг кўзиши, аллерген билан дуч келиш, психоген омил, обҳаво омиллари	Жисмоний ва психик зўриқиши, ўтири миокард инфарктни
Хуруж характери	Экспиратор нафас қисиши	Асосан пафас олиш қийинлашган, ҳаво етишмайдиган бўлиши
Цианоз характери	Марказий	Ифодаланган акроцианоз
Аускультиватив маълумотлар	Тарқоқ мўл қуруқ ҳуштаклий ва гижирловчи хириллапшлар асосан нафас чиқаришда	Нам хириллапшлар асосан ўпканинг пастки бўлимларида
Пульс	Тез, тўлиқлиги кучсиз, тўғри ритмли	Кўпинча аритмик
Юракниг перкутор ўлчамлари Шишлар Жигар ўлчамлари Балғам	Кичрайган Бўлмайди Ўзгармаган Қуюқ, ёпишқоқ, қийинлик билан кам миқдорда кўчади	Катталашган Кўпинча бўлади Кўпинча катталашган Суюқ, кўшикли, баъзан пушти ранг, енгил кўчади
Даволашдан наф	Бронхолитиклардан	Қон олишдан, юрак гликозидлари, сийдик ҳайдайдиган моддалардан

Бронхиал астмани бронхиал системадаги хажмли жараёнлардан (трахея ва йирик бронхлар ўсмаси ва полипи ва б.); трахеянинг бирламчи амилоидози, трахея ва йирик бронхлар дискинезияси; дисгормонал бузилишлар (тиреотоксикоз, қалқонсимон безлар олдидаги без гипофункцияси, климакс); Хаммен—Рич синдроми; бронхоспазм синдроми кузатиладиган коллаген касалликлар (тугунчалии периартериит); нисбий ёки мутлақ буйрак етишмовчилиги кўринишлари бўлган буйрак хроник касалликлари; перв системасининг функционал бузилишлари (неврастения, истерия ва б.) билан дифференциация қилиш лозим.

Диагнозниг таҳминий таърифи:

1) бронхиал астма, инфекцион-аллергик формаси, I босқичи, ўртача оғирликда кечиши. Қўшилиб келадиган касаллик — хроник пневмониясинг I—II босқичи. Асоратлари — хроник ўпка етишмовчилигининг II дарражаси;

2) бронхиал астма, атопик формаси, I босқичи, енгил кечиши, енгил бўғилиш хуружлари;

3) бронхиал астма, инфекцион-аллергик формаси, II босқичи, тез-тез бўғилиш хуружлари билан астма ҳолатига ўтадиган оғир кечиши. Кўшилиб келадиган касаллик — хроник пневмония II—III босқичлари. Асоратлари — ўнка етишимовчилигининг III даражаси, НИИ А.

Да в о л а и:

1. Бўғилиш хуружини тўхтатиш:

— бронхоспазмолитик таъсири бўлган симпатомиметиклар (адреналин, эфедрин, астмопент, новодрип, эуспирац, изадрин, алупент, тербуталин ва б.);

— бошқа препаратлар: эуфиллин, аминофиллин, атропин, интал, теофедрин, антиастман, солутан ва б.);

— антигистамин воситалар: димедрол, пипольфен, тавегил, супрастин, диазолин ва б.;

— стероид гормонлар (преднизолон, гидрокортизон, триамцилон, полькортолон, дексаметазон, урбазон) хуружни тўхтатиш учун бошқа препаратлар самара бермаганда қўлланилади (аксарият астма ҳолатида);

— зарур бўлганда хуруж вақтида юрак дорилари (строфантин, коргликон ва б.) ва сийдик ҳайдовчи дорилар киритилади;

— даво тадбирлари комплексига: мўл ишқорий суюқлик, балғамни суюлтирадиган ва кўчишини яхшилайдиган воситалар (5% ликалний йодид эритмаси, 10% ли натрий йодид эритмаси венага 5—10 мл дан), ферментлар (химотрипсин, трипсин), муколитиклар (ацетилцистеин, бромгексин), шунингдек ўсимликларнинг дамлама ва қайнатмалари (қизилмия, зуптурум, арпабодиён, тошчўп) киради.

2. Астма ҳолатини йўқотиш:

— айни вақтда парентерал (60—100—150 мг) ва ичишга (40—80 мг) преднизолон (ёки тегишли миқдордаги бошқа глюокортикоидлар — триамцилон, дексаметазон ва б.) киритилиб, дозаси аста-секин қувватлаб турадиган дозагача пасайтирилади, зарурат бўлганда эса препаратнинг суткалик дозаси суткасига 1000 мг гача етказилади.

— ацидозга қарши кураш: томчилаб патрий бикарбонат, глюкоза, патрий йодид ва бошқа эритмалар венага юборилади;

— димланиш ҳодисалари бўлганда ва ўнка шиши ривожланиши хавфи бўлганда дегидратацион терапия (сийдик ҳайдовчи препаратлар) қўлланиш калий тузлари юбориш билан бирга олиб борилади;

— юрак воситалари;

— даволаш бронхоскопияси, бронхлар илиқ физиологик эритмаси билан ювилади;

— А. В. Вишневский бўйича вагосимпатик блокада;

— гипертония касаллиги қўшилиб келганда ёки гипертензия синдроми бўлганда ганглияларни блоклайдиган препаратлар: бензогексоний, диколин ва бошқалар тавсия этиллади;

— хирургик даволаш: гломэктомия (каротид синусни олиб ташлаш).

3. Умумий даволаш тадбирлари:

— атопик формасида — аллергенларни аниқлаш ва бартараф қилиш, специфик (ошиб борувчи дозаларда специфик аллерген юбориш) ва поспецифик десепсибилизация қиласынан терапия (поливакциналар, гистамин, гистаглобулин, алоэ препаратлари, диэнцефал соҳали рентгентерапия қилиш ва б.) ўтказилади;

— инфекцион-аллергик формасида — антибактериал терапия, бронх-ўпка системаси инфекциясининг ҳар хил яллиғланиш ўчоқларини даволаш ва б.;

— физиотерапевтик методлар: УВЧ, электрофорез, аэроздоллар кўринишидаги дори моддалар, даволаш физкультураси ва б.;

— рациондан аллергени бор деб шубҳа қилинган маҳсулотлар (сут, тухумлар, қулупнай ва б.) чиқарилган диетотерапия, 15-сонли диета;

— диспансер кузатуви;

— санаторий-курортда даволаш.

Глюкокортикоидлар узоқ вақтгача, системасиз (назоратсиз) ва дифференциация қилинмай (беморлар сезувчанлигини ҳисобга олмай) қўлланилганда оғир асорат — бронхиал астманинг кортико-қарам формаси вужудга келишини унутмаслик лозим, бу ўз навбатида bemорларнинг аксарият ногирон бўлиб қолишига ва ўлимига олиб келадиган оғир асоратлар юз беришига сабаб бўлади.

Кортико-қарамлар учта сабабга: касалликнинг ўз патофизиологияси (унипп оғир-енгиллигини белгилайдиган); глюкокортикоидларга ҳужайра сезувчанлиги ҳолатига; гипоталамус — гипофиз — буйрак усти безлари системасининг функционал ҳолатига боғлиқ деб ҳисоблайдилар (Чучалин А. Г. ва бошқ., 1985).

Профилактикаси: нафас системасининг ўткир яллиғланиш касалликларини ўз вақтида даволаш; хроник инфекция ўчоқларини даволаш ва санация қилиш, бурун шиллиқ пардаси полипларини олиб ташлаш; ҳар хил аллергик ҳолатларни ўз вақтида даволаш ва ҳ. к.; спорт, даволаш-нафас гимнастикаси машқлари, организмни чиниқтириш ва б.

Контрол саволлар

1. Бронхиал астма этиопатогенезига ҳозирги ғап нуқтаи назаридан қараш.

2. Касаллик клиник формаларининг диагностик мезонлари (инфекцион-аллергик ва атопик).

3. Нафас системасининг қўшилиб келадиган касалликлари, инфекция ўчоқлари, ҳар хил аллергик ҳолатларнинг аҳамияти.

4. Бронхиал астма оғир-енгиллиги даражасини диагностика қилиш.

5. Бўғилиш хуружини йўқотишга қаратилган даволаш тадбирлари.

6. Хуруждан ташқари вақтидаги даволаш тадбирлари.

7. Астма ҳолати клиникаси ва даволалы.

ХРОНИК ПНЕВМОНИЯ

Таърифи. Хроник пневмония — тузалмаган ўткир пневмония оқибатидир ва бронх-ўпка системасининг ҳамма структуравий элементларини заарлантитрадиган ва шу сабабли цатолого-анатомик субстрати ва клиникаси рўй-рост полиморфизм билан характерланаидиган хроник, локаллашган, қайталанишга мойил инфекцион этиологияли яллигланишдан иборат (Палеев Н. Р. ва бошқ., 1985).

Сўнгги вақтларда сурункали кечадиган хроник ва ўткир пневмония ҳоллари сони бирмунча ўси. Хроник носспецифик ўнка касалликлари структурасида хроник пневмониянинг салмоги 22—40,5 фоизни ташкил қиласди (Винников Г. В., 1978). Сўнгги 7—10 йил ичida Россия Федерациясининг айрим шаҳарларида хроник пневмонияли беморлар сони З баравар кўпайди. Хроник пневмония билан касалланган беморлар сони кўпайишнинг сабаби нимада? Афтидан, бунда такрорий гринп эпидемиялари, касалхонага кечикиб ётқизиш, беморларни даволаш муддатларини асоссиз қисқартириш ва ўткир пневмонияларни чала даволаш, аҳоли демографик таркибининг ўзгариши (кatta ёшдаги гуруҳлар салмогининг ошиши), бронх-ўпка системаси касалликларини диагностика қилишнинг яхшилашиши ва бошқа омиллар муайян роль ўйнайди.

Шунинг учун ҳозирги вақтда кўпчилик совет ва чет эл олимлари ўткир пневмониянинг хроник пневмония билан боғлиқлигини кўрсатиб ўтадилар. Катта ёшдаги одамлар орасида хроник пневмониядан олдин келадиган ўткир пневмониянинг учраши 32 дан 48,2 фоизгача ўзгариб туради. В. И. Стручков маълумотларига кўра хроник пневмония тузалмаган ўткир пневмонияли беморларнинг 94,2 фоизида, А. Н. Кокосов ва З. В. Булатова маълумотларига биноан (1976) беморларнинг 100 фоизида ривожланган. Бироқ СССР Соглиқни сақлаш министрлиги Бутупиттифоқ пульмонология илмий-текшириш институти ҳодимларининг маълумотларига кўра ўткир пневмонияларнинг хроник формага ўтиш частотаси 1—3 фоизидан ошмайди. Бунинг боиси шундаки, илгари хроник пневмонияга ўткир сурункали пневмониялар, унипг фонида пневмония ривожланган хроник бронхит ва пневмония инфильтрацияси исботланмаган хроник бронхит қўзишлари киритилган эди. Шунинг учун, агар 60-йилларда хроник пневмонияли беморлар пульмонология бўлимларидаги беморларнинг ярмидан қўпини ташкил қиласи бўлса, ҳозир эса бундай беморлар сони 3—4 фоиздан ошмайди (Путов Н. В., 1984).

В. П. Сильвестров (1974) ўткир пневмонияларнинг кечиш характеристи ва оқибатининг беморни госпитализация қилиши ва даволаш бошланиши муддатларига боғлиқлигини кўрсатиб ўтган. Чунопчи, беморлар дастлабки уч кун ичida госпитализация қилинганда хроник пневмония уларнинг 0,7 фоизида, 7-кундан кейин эса 24,7 фоизи-

да шаклланади. Даволаш дастлабки икки кунда бошланганда түлиқ согайиш 93,4 фоиз беморларда қайд қилинган, даволаш 5-куни ва бундан кейинроқ бошланганда 43,3 фоиз беморлар стационардан қолдик ҳодисалари билан чиқарилган.

Клиник маълумотлар ва назарий билимларни анализ қилиш асосида студент қўйидагиларни:

1) патологик жараённинг ўрни ва босқичини аниқлашни;

2) беморни текширишнинг батафсил планини тузишни;

3) қўйидагилар асосида диагнозни аниқлашни:

— касалликнинг етакчи белгиларини, жараён босқичини, нафас ва ўпка-юрак етишмовчилиги даражасини билиш;

— қўшимча текшириш методлари натижаларини анализ қилиш, жараён активлиги ёки ремиссиясини аниқлашни билиш;

— тўла қимматли дифференциал диагностика ўтказиш;

4) касалликлар босқичини, умуман бронх-ўпка системаси ҳолатини, юрак ва ўпка етишмовчилиги босқичларини, қўшилиб келадиган касалликлар ва асоратларни ҳисобга олган ҳолда асосланган этиопатогенетик ва симптоматик терапия ўтказишни билиши керак.

Этиологияси ва патогенези. Хроник пневмония ривожланишида қўйидагилар роль ўйнайди:

— ўткир пневмониялар (кечикиб госпитализация қилиш, тўла қимматли даволамаслик, даволашни эрта тўхтатиш, иккиламчи инфекция қўшилиши ва ўткир пневмониянинг хроник формага ўтишига имкон берадиган бошқа сабаблар);

— бактериал флора — стрептококклар, пневмоококклар, стафи-лококклар, ичақ таёқчаси, Фридлендер диплококклари, кўк йиринглатувчи таёқча, ҳар хил микроб турлари;

— юқори нафас йўллари, бронх-ўпка системаси касалликлари, инфекция ўчоқлари (бронхит, пневмосклероз, юқори нафас йўллари нинг тез-тез шамоллаб туриши, грипп, ўпка эмфиземаси, синуситлар ва б.), булар бронхлар дренаж функцияси бузилишига, вентиляцияси ёмонлашувига, ателектазлар пайдо бўлишига, кичик доира системасида қон айланиши бузилишига сабаб бўлади;

— имкон берадиган омиллар — совқотиш, чекиш, алкоголь, юқори нафас йўлларининг органик ва анорганик чанг билан узоқ вақт таъсирланиши, атмосферанинг ифлосланиши ва б.;

— бронхлар ва ўпканинг «ўз-ўзини тозалashi» га маълум механизmlарнинг бузилиши, организм реактивлиги ва ҳимоя кучларининг ўзгариши, аутопинфекция, атоагрессив ва иммунологик жараёнлар ривожланиши.

Патологик анатомияси. Касалликнинг патологик-анатомик манзараси хилма-хил ва ўпканинг заарланиш босқичи ҳамда даражасига боғлиқ;

— ўзгаришлар бронхиал шоҳда, ўпканинг оралиқ тўқимасида, паренхимасида, томир ва нерв системасида жойлашади;

— ўпка кичраяди, бирютирувчи тўқимаси ўсиб қалинлашуви натижасида зич бўлиб қолади — фиброз, пневмосклероз, эмфиземали участкалар;

— бронхит, бронхоэктазиялар, альвеолалараро түспіларнинг қалынлашуви, альвеола деворининг атрофияси, нерв толаларининг ҳалок бўлиши, майда артериолалар бўшлигининг анча кичрайиш манзараси кузатилади ва б.

Клиник манзараси. Хроник пневмониянинг клиник манзараси турли-туманлыги билан ажратиб туради ва касалликнинг босқичи ва фазасига (қўзиш, ремиссияси), ўпка, бронхларнинг заарланиши даражасига, нафас ва юрак етишмовчилиги даражасига, бронхоэтазлар, қўшилиб келадиган касалликлар борлигига боғлиқ.

I. Субъектив маълумотлар:

— йилнинг баҳор-қиши мавсумларида аҳволнинг ёмонлашуви, иқлим шароитларининг таъсир қилиши, тез-тез «шамоллаш»;

— кўкракда ноаниқ оғриқлар, айниқса плевра заарланганда, швартлар бўлганда;

— қуруқ йўтал, баъзан балғам кўчиши билан, йўтал эрталаблари кучаяди;

— тана температурасининг вақти-вақтида кўтарилиб туриши, айниқса кечқурун 38—40°C гача (жараён қўзиганда);

— ҳаво етишмаётгандек бўлиши; нафас қисиши (жисмоний ҳаракатда ёки тинч турганда), «бўғилиш» сезгиси бўлиши мумкин;

— юрак уриши (касалликнинг кечиккан босқичларида);

— айрим тупуклар кўринишида қон туфлаш ёки ўпкадан кўп қон оқиши (кўпинча бронхоэтазия ривожланганда);

— оёқларга шиш келиши, ўнг қовурғалар остида ёқимсиз сезги ва оғриқ, диурез бузилиши (ўпка-юрак етишмовчилиги белгилари);

— ланжлик, лоҳаслик, кўп терлаш, дискомфорт ҳолат, нафас қисиши ва йўтал сабабли яхши ухлай олмаслик, меҳнат қобилияти пасайиши ва йўқотилиши ва б.

II. Субъектив маълумотлар анализи. Беморнинг касалликка қадар, ўткир пневмония давридаги ва ундан кейинти ҳолатини, умумий аҳволи динамикасини, ўtkазилаётган даволаш таъсирчанинги, ўпка, юрак ва ўпка-юрак етишмовчилигининг бирин-кетин ривожланишини ҳисобга олган ҳолда анализ қилинади.

III. Объектив маълумотлар.

1. Умумий кўздан кечириш:

— bemornинг умумий ҳолати: касалликнинг бошланғич босқичида қониқарли, қўзиши вақтида ўртacha оғирлика, терминал босқичида оғир;

— ўриндаги вазияти актив, қўзиш даврида эса — пассив, мажбурий;

— рангпарлик; лаб, буруц, ёноқлар цианози; териси одатда нам; акроцианоз (касалликнинг охирги босқичларида);

— аксарият қўл бармоқлари «ногора чўплари» кўринишига кириб, ўзгаради, тирноқлар «соат ойнаси» га ўхшаб қолади;

— кўкрак қафаси шакли ўзгарган, эмфизематоз, заарланган томон ҳажми кичрайган, нафас актида яхши қатнашмайди;

— кўкрак қафаси қайишқоқлиги, ригидлигининг пасайганлиги, нафас актида қўшимча мушакларнинг қатнашиши аниқланади;

- нафас қисиши (инспиратор, экспиратор, аксарият аралаш);
- тана температурасининг вақти-вақтида ошиб туриши (жараён қўзиш даврида 38°C гача ва бундан юқори);
- ўпка ва ўпка-юрак етишмовчилиги белгилари касаллик босқичига ва нафас органлари ва қон айланиси органларининг қўшилиб келадиган касалликларига, хроник пневмония қўзишининг кечиши даражасига бевосита алоқадор бўлади.

2. Нафас системаси:

- перкутор текширишда: қутича товуши оҳангидан билан павбатлашадиган тўмтоқланиши ёки тўмтоқлик участкалари, ўпка пастки чегараларишининг қўйига силжиши, ўпка пастки қирралари экскурсиисининг чекланганлиги;

- аускультатив текширишда: нафас чиқариш узайган, нафас қаттиқ, айrim жойларда сустлашган ёки эшитилмайди, жараённинг жойлашган ўрни ва тарқалганлигига кўра — турли калибрдаги нам ва қуруқ хириллашлар, крепитация;

3. Юрак-томирлар системаси:

- тахикардия, гипотензия; пульс тезлашган; веноз босим ошган;

- уч тавақали клапанинг нисбий етишмовчилиги ривожланганда юрак чегарасининг ўнгга ва юқорига кенгайиши — I тон бўғиқлашуви ва қиличсимон ўсиқ асосида ва юрак учидаги систолик шовхин, II тоннинг ўпка артериясида кучайиши;

- касалликнинг кечиккан босқичларидаги ўпка-юрак (асосан ўнг юринча) етишмовчилиги белгилари, кейинчалик умумий юрак етишмовчилиги ривожланади.

- 4. Касаллик оғирлашиб кетган ҳолларда жигар, буйраклар, меъда-ичак йўллари ва бошқалар томонидан патологик ўзгаришлар аниқланади ва б.

IV. Лаборатория, рентгенологик, инструментал ва бошқа текшириши методлари маълумотлари:

- сайдикда: протеинурия, микрогематурия ва ўчоқли нефрит, «димланган буйрак» нинг бошқа белгилари бўлиши эҳтимол;

- периферик қонда — доимий бўлмаган лейкоцитоз нейтрофил силжиши билан, СОЭ ошиши, ўпка-юрак етишмовчилигига эритроцитоз, гемоглобин миқдори ошиши кузатилади;

- балгамда (миқдори, характеристи, қон шаклли элементлари, юиринг борлиги);

- биохимиявий ва иммунологик текшириш методлари — қон юқсил фракциялари нисбатларининг ўзгариши (альбуминлар миқдори камайиши, α_2 - ва β -глобулинлар миқдори ошиши), дифениламин синамасининг мусбат натижалари, альдолаза, ишқорий фосфатаза активлигига ошиши, сиал кислоталар, фибриноген миқдори кўпайиши;

- рентгенологик текшириши — ўпка тўқимаси инфильтрациясининг турли даражада ифодаланганлиги, ўчоқли, сегментар ва диффуз характеристидаги пневмосклероз манзараси, баъзан кўкс оралиги органларининг касал томонига силжиши билан, плевроКостал, плевроПланктон;

перикардиал, плевродафрагмал битишмалар, бўлаклараро швартлар борлиги;

— бронхографияда бронхиал шохнинг контурларниңг потекислиги кўринишида ўзгариши, бронхлар шакли ўзгариши ва кепгайиши, бронхоэктазлар кузатилади;

— эндоскопинда: локал катарал эндобронхит, аксарият аралаш эндбронхит;

— томографияда (радиоизотоп ва бошқа методлар) сил билан, хавфли ўсмалар билан дифференциал диагностика учун зарур қимматли маълумотлар олинади.

Хроник пневмония босқичларининг қисқача таърифи:

— I босқичи — ўпка яллигланишининг чўзилиб, 8 ҳафтадан ошиб кетиши, шунишгдек жойлашган ўрни битта бўлгани ҳолда тақорий пневмониялар билан асоратланган хроник бронхитлар;

— II босқичи ўпкада яллигланиш жараёнишининг иисбатан тез-тез қўзиб туриши, пневмосклероз, бронхоэктазлар ва эмфизема билан характерланади. Жараён чегараланган (сегментар) ёки тарқалган (гарчи буни айрим муаллифлар инкор қиласалар-да) бўлиши мумкин;

— III босқичи хроник пневмониянинг тез-тез қайталаниши ва диффуз бронхит, ифодаланган пневмосклероз ва бронхоэктазлар, компенсацияланган ёки декомпенсацияланган ўпка-юрак етишмовчилиги ривожлапиши билан боғлиқ бўлган барқарор симптомларининг клиник манзараси уступлик қилиши билан намоён бўлади.

— Н. Р. Палеев ва муаллифдошлари (1985) хроник пневмония қўйидаги иккита асосий формада кечади, деб ҳисоблайдилар:

— бронхоэктазлари бўлмаган хроник пневмония (58,4%), бунда асосан ўчоқли пневмосклероз, локал деформацияловчи бронхит кўринишидаги ўзгаришлар уступлик қиласиди;

— бронхоэктазлари бўлган хроник пневмония ёки хроник пневмониянинг бронхоэктатик формаси (41,6%).

Хроник пневмония қўзиши оғир-енгиллиги даражасининг қисқача таърифи:

— хроник пневмония қўзишининг енгил формаси айнигтан клиник симптоматика (субъектив, объектив ва лаборатория нуқтai назаридан) билан характерланади. Интоксикация ифодаланмаган. Гематологик ва биохимиявий маълумотлар оз. Температура реакцияси бўлиши мумкин;

— ўртача оғирлиқдаги қўзиш аниқ шикоятлар билан характерланади ва билинарли клиник кўринишлар, гематологик ва биохимиявий силжишлар, ўпкада физикал ўзгаришлар, нафас функциясининг бузилиши билан ўтади.

— қўзишининг оғир кечиши учун ифодаланган клиник симптоматика, талайгина интоксикация, астения, адинамия, юқори температура, лейкоцитоз, бронх-ўпка системасининг чуқур заарланишлари, бир қатор ҳолларда абсцесслар, ателектазлар ҳосил бўлиши хос.

Нафас етишмовчилигининг қисқача таърифи. Нафас етишмовчилигининг учта даражаси фарқ қилинади (Фогельсон Л. И., 1961):

— I даражасида: субъектив (йўтал, нафас қисиши ва б.) ва объектив белгилари ўртacha жисмоний ҳаракат таъсири остида пайдо бўлади. Тинч турилганда нафас олишлар сони минутига кўпич билан 22—24 марта, ўканинг ҳаётий сигими (ЖЕЛ) пасаяди ва ўканинг максимал вентиляцияси (МВЛ) кераклигидан 70—80 фойзгача, шунингдек жадаллашган нафас чиқариш тезлиги секундига 75 фойзгача бўлади;

— II даражасида: субъектив (нафас қисиши, чарчаш, йўтал) ва объектив симптомлар арзимаган жисмоний ҳаракат қилиш таъсири остида пайдо бўлади. Диффуз цианоз, акроцианоз, бўйин мушаклари гипертрофияси кузатилади; тинч турганда нафас олишлар сони минутига 27—28 марта гача бўлади, ЖЕЛ ва МВЛ кераклигидан 50—55 фойзгача, жадаллашган ЖЕЛ 60 фойзгача пасаяди;

— нафас етишмовчилигининг III даражасида: субъектив ва объектив белгилар тинч ҳолатда ҳам бўлади. Нафас қисиши, акроцианоз, бўйин мушаклари гипертрофияси, тўш ости соҳасида пульсация, ёёқларга шиш келган; нафас олишлар сони тинч турганда минутига 30—35 марта. ЖЕЛ 50 фойздан паст, жадаллашган ЖЕЛ — 50—55 фойз ва б.

Асогатлари: ўпка-юрак; ракка айланиш, ўпкандан қон оқиши; миокард дистрофияси, иккиласми гипохром анемия; ички органлар амилоидози, буйраклар амилоидози; тромбоэмболик жараёнлар (инфарктлар).

Хроник пневмонияларни дифференциал диагностика қилишда бемор шикоятлари, анамнези, объектив, умумий клиник, рентгенологик, инструментал ва бошқа текшириш методлари маълумотларини, ҳар хил патологик силжишлар динамикасини ҳисобга олиш лозим.

Ўткир пневмониялар (айниқса ўчоқли, ҳар хил этиологияли) билан; узоққа чўзилган ўткир пневмониялар билан; абсцесс ҳосил қиладиган пневмониялар билан; хроник бронхитлар билан; ўпка раки билан; ўпка сили (айниқса милиар сил) билан; микоз пневмониялар, кандидозлар (узоқ вақтгача антибиотиклар ва стероид гормонал препаратлар билан даволанган оғир ётган bemорларда пайдо бўлади) билан; коллаген касалликлардаги ўпка заарланиши (коллагенозлар) билан; Хаммен-Рич синдроми (тарқалган интерстициал ўпка фибрози билан характерланадиган ўзига хос касаллик) билан; ўпка саркоидози ва әхинококкози билан; ўканинг касб-корга алоқадор касалликлари билан дифференциал диагностика ўтказиш лозим.

Диагнознинг таҳминий таърифи: 1) хроник пневмониянинг I босқичи ремиссия фазасида. Чегараланган ўнг томонлама пастки бўллагидаги пневмосклероз; 2) хроник пневмониянинг II босқичи ўртacha оғирликдаги кўзиш фазасида. Хроник бронхит, ўнг ўпка ўрта бўлгада жойлашган ўчоқли пневмосклероз, бронхоэктазлар борлиги билан. Ўпка-юрак етишмовчилигининг II босқичи.

Профилактикаси. Касаллик профилактикаси ўткир пневмония-

лар ва хроник бронхитларни профилактика қилиш, уларни ўз вактида ва тўғри даволашдан иборат бўлади.

Д а в о л а ш

А. Жараён қўзиган даврда:

— беморларни госпитализация қилиш, касалхона режимига риоя қилиш;

— етарлича дозировка қилинган антибактериал терапия, микробларнинг антибиотикларга сезувчалиги олдиндан аниqlанади (Ўтқир пневмонияларни даволашга қаралсин). Даволаш узоққа чўзиладиган бўлиши керак. Хроник пневмонияда антибиотиклар дозаси ўтқир туридан юқори бўлиши керак. Антибиотикларни бир вақтнинг ўзида интратрахеал ва эндбронхиал, шунингдек аэрозоллар кўринишида юбориш бирмунча таъсирчан бўлади;

— бронхиал дренажни яхшилаш, бронхиал обструкцияга қарши курашиб учун эуфиллин, эфедрин, беротек, бисальвон, шунингдек балгам кўчирадиган воситалар — ипекакуана, термопсис ва бошқалар қўлланилади;

— кўрсатмалар бўлганда: юрак, томир дорилари, сийдик ҳайдовчи дорилар; жараён узоқ кечганда, оғир қўзиганда даволаш комплексига гормонал препаратлар: преднизон, преднизолон, триамцинолон, дексаметазон ва бошқалар оптимал дозаларда тайинланади;

— аутогемотерапия, анаболик стероидлар, алоэ, ФиБС, гамма-любулин;

— десепсибилизация қиладиган воситалар: кальций хлорид, аскорбинат кислота, лагохилус, гепарин.

Б. Ремиссия даврида:

— диспансер кузатуви, ишга жойлаштириш;

— физиотерапевтик муолажалар;

— хроник инфекция ўчоқларига даво қилиш;

— шифо овқатлар (15-сонли парҳез);

— санаторий-курортда даволаш;

— жараён қўзишига қарши профилактик тадбирлар.

Контрол саволлар

1. Касаллик этиопатогенезига ҳозирги фан нуқтаи назаридан қарашлар.

2. Хроник пневмониянинг диагностик мезонлари.

3. Хроник пневмония босқичлари ва нағас этишмовчилиги даражасининг таърифи, қўшилиб келадиган инфекцияларнинг аҳамияти.

4. Қўшимча текшириш методларининг хроник пневмонияни диагностика қилишдаги аҳамияти.

5. Хроник пневмонияда даволаш тадбирлари плани (қўшилиб келадиган касалликлар ва асоратларни ҳисобга олган ҳолда касаллик босқичлари бўйича).

ПЛЕВРИТЛАР

Таърифи. Плеврит — плеврал варақлар яллигланиши бўлиб, плеврал бўшлиққа эксусдацияси (чиқиши) билан ўтади.

Маълумки, иккала ўпка ташқи томондан висцерал плевра, у билан кўкрак қафасининг ички юзасини қоплаб турган париетал плевра, кўкс оралигининг бир қисми ва диафрагманинг юқори сатҳи орасида эса берк бўшлиқ — плевра бўшлиғи бўлиб, патологик ҳолатларда бу ерда суюқлик тўпланади.

Плевритлар кўп касалликларда, интоксикацияларда пайдо бўлади, асосан — 90% гача ҳолларда специфик (сил) этиологияли бўлади ёки, одатда, ўпкадаги, камроқ — плевра бўшлиғига яқин жойлашган бошқа органлар ва тўқималардаги патологик жараёйларниң асорати ҳисобланади, ёки умумий (систем) касалликлар кўринишидан иборат бўлади. Улар ҳар қандай ёшда, бироқ кўпинча 16 дан 40 ёшгача навқирон кишиларда учрайди; эркаклар аёлларга қарангандай кўпроқ касалланадилар.

Классификацияси. Табиатан инфекцион плевритлар қўзғатувчи тури бўйича, ноинфекцион ёки асептик плевритлар эса касаллик характеристери бўйича (травматик, ревматик ва б.) бўлинади. Эксудат характеристига кўра фибриноз, сероз-фибриноз, сероз, геморрагик, йирингли, чиррган, эозинофилли, холестеринли, хилез, сохта хилез плевритлар бўлади.

Кечиш фазаси ва хусусиятларига кўра ўткир, ўртacha ўткир ва хроник бўлиши мумкин. Плевра бўшлиғига тарқалганлигига кўра плевритлар диффуз (тотал) ёки чекланган (халтачасимон) бўлиши мумкин. Сўнгги тури жойлашувига биноан учки, девор олди (парокостал), суяқ-диафрагмал, диафрагмал (базал), парамедиастинал ва бўлаклараро (интерлобар) турларга бўлинади.

Анамнез, объектив маълумотлар билан танишган студент назарий билимлари асосида қўйидагиларни билиши керак:

1) патологик жараён жойини, характеристини (ўпка, плевра, перикард, яллиғли, дистрофик ва б.) аниқлаши;

2) пульмонология соҳасидаги билимларга асосланиб, текширишнинг асосланган плани масалаларига тўғри ёндошиши;

3) қўйидагилар асосида батафсил диагнозни аниқлаши ва шакллантириши:

— касалликнинг асосий субъектив, объектив, лаборатория, рентгенологик кўрсаткичларини билиш;

— касаллик этиологияси, кечиши, касал органнинг заарланиши даражаси, плевра суюқлиги характеристини аниқлаши;

— тўла қимматли дифференциал диагностика, асосланган терапия ўтказиш, касталлик прогнози ва нима билан яқунлашини аниқлаш.

Этиологияси. Плевритлар асосан инфекцион ва нонинфекцион ёки асептик, камроқ аллергик пайдо бўладиган бошқа касалликларниң асорати сифатида вужудга келади:

— кўпчилик ҳолларда кўп сонли бактериал (пневмококк, стреп-

тококк, стафилококк), вирусли инфекциялар; сил таёқчаси этиологик момент ҳисобланади; бруцелләз; иң терлама ва тошмали терлама, захм, эхинококкоз ва шу кабиларга учраган беморларда плевритлар бирмунча кам күзатылади;

— асептик ёки ноинфекцион плевритлар хавфли ўсмаларда, лимфагранулематоз, шикастлар, плевра ичига қон қуйилганда, ўпка инфарктида, бириктирувчи түқиманинг систем касалликларида (ревматизм, систем қызил волчанка), қон яратилиш системаси, буйраклар, жигар ва бошқа касалликлари бўлган беморларда шаклланаиди.

Патогенези:

1) тарқалиши ёки плевра заарланиши, плевра бўшлигига инфекция тушиши инфекциянинг гематоген ва лимфоген йўллар билан бевосита таъсири натижасида рўй беради;

2) плеврал экссудацияга олиб келадиган қатор шикастлайдиган омилларнинг аҳамияти (токсинлар таъсири, ўтказувчанлиги ошган томирларнинг шикастланиши; турли этиологияли васкулитлар; лимфа ҳосил бўлиши бузилиши);

3) макроорганизм ҳолати; плевра томонидан гиперергик реакцияда организм сенсибилизациясининг аҳамияти, мойил қиладиган омиллар аҳамияти ва ҳ. к.

4) плевра бўшлигига нормада оз миқдорда сероз суюқлик бўлади. Суюқликнинг ортиқча тўпланиши плеврадаги яллиғли жараён (экссудация) ёки гидростатик ва онкотик кучлар таъсири билан боғлиқ (транссудация). Бунда кўп омиллар қатнашадиган плевра экссудатининг ҳосил бўлиш сабаблари ва патогенезини билиш муҳим аҳамиятга эга (Монсеев В. С., 1987).

ПЛЕВРА БЎШЛИГИДА ЭКССУДАТ ҲОСИЛ БЎЛИШ САБАБЛАРИ

Транссудат

Юрак етишмовчилиги

Иккала қон айданиш доирасида димланиш; экссудат асосан ўнг томонда.

Жигар циррози
Нефротик синдром

Асцит, экссудат асосан ўнгда, гипопротеинемия.

Кўпинча асцит, анасарка, гипопротеинемия.

Эксудат

Сил

Кўпинча ўпка паренхимаси заарланимагани ҳолда экссудат асосан бир томонлама.

Пневмония

Бошланиши — кўкрак қафасида оғриқ ўпканнинг икки томонламиа рентгенологик ва бошқа заарланиши белгилари.

Бронхоген рак

Кўпинча — қон туфлаш, қайталаниш характеристида.

Метастатик рак

Икки томонлама заарланиши, ўпка паренхимасида ўзгаришлар белгилари.

Лимфома, лимфогранулематоз

Кўпинча медиастинал лимфа тугунлари ва ўпка паренхимаси заарланиши.

Ўпка инфаркти

Кўкрак қафасида характерли оғриқ, экссудат кам, асосан эритроцитлар сақлайди.

Шикаст	Характерли анамнез: геморрагик экссудат
Ревматизм	Күпинча кардит билан перикардит белгилари.
Панкреатит	Экссудат асосан чапда, қоринда оғриқ, қонда амилаза миқдори ошган
Мезотелиома	Асбестоз фонида ривожланади, экссудат узоқ вақтгача қолади.

КАМДАН-КАМ (ҚУРУҚ ПЛЕВРИТ, ПЛЕВРА БИТИШМАЛАРИ БҮЛИШИ МУМКИН)

Ревматоид артрит	Бүгімлар заарланиши, перикардит
Тугуның шериартрит, склеродермия	Заарланишнинг системлиги характерлери
Замбуруғылы инфекция	Хроник ўпка жараёни, ўпка әмпилемаси бўлиши эҳтимол
Гипотиреоз	Клиникаси. Экссудатда оқсил миқдори кўп эмас.

Клиник манзараси. Плеврит клиникаси этиологик омилга, заарланиш характерига (қуруқ, экссудатли), кечинишида (ўткир, ўртacha ўткир, хроник), асоратлар бирлигига (әмпилема) ва бошқаларга боғлиқ.

I. Субъектив маълумотлар:

1. Кўкрак қафасининг у ёки бу ярмида оғриқ синдроми (асосан қуруқ — фиброз плеврит учун хос), оғриқ нафас олиши чўйқисида, йўталда, қарама-қарши томонга әгилишда кучаяди ва касал ёнбошини босиб ётганда камаяди. Камдан-кам ҳолларда оғриқ бўлмайди, оғриқ синдроми борлиги экссудатли плеврит учун хос эмас ёки ёнбоша оғирлик қузатилади.

2. Эт жунжикиши, тана температураси кўтарилиши, кўп терлаш, қуруқ йўтал, нафас қисиши, юрак уриши.

3. Умумий шикоятлар: беҳоллик, лоҳаслик, иштаҳа ёмонлиги, бўғимларда, мушакларда оғриқ, кайғият ёмонлиги.

4. Асосий жараёнга хос шикоятлар (сили, пневмония, ревматизм, жигар циррози, ўпка раки, юрак етишмовчилиги).

II. Ушбу касалликдаги шикоятлар, анамнез ва бемор ҳаёти анамнези.

III. Объектив маълумотлар:

1. Умумий кўздан кечириш:

— умумий аҳвол турлича (қуруқ плевритда қониқарли, экссудатли плеврит қўшилганда ўртача оғирликда ёки оғир);

— тери қопламлари оқарган, лаб цианози бўлиши мумкин, нафас қисиши;

— гипертермия $39-40^{\circ}$ гача, аксарият субфебрил ёки нормал, кўп терлаш;

— кўкрак қафасининг нафас актида орқада қолиши, кўкрак қафаси у ёки бу ярмининг кўтарилиб чиқиши (экссудатли плевритда).

2. Нафас системаси. Қуруқ плеврит учун, кўкрак қафасининг орқада қолишидан ташқари, экскурсиясининг чекланиши, тезлашган ёки юза нафас, оғриқ синдроми бўлган беморнинг мажбураран ёнбоши билан ётиши қузатилади, ўпкада заарланган соҳа устида плевранинг ишқаланиш товуши эшитилади (қор ёки янги чарм

тичирлашини эслатадиган товуш стетоскоп билан босиш туфайли, айниңса нафас чүккисида кучаяди).

— келиб чиқиши турлича, айниңса сил этиологиялы экссудатлы плеврит учуп қуийдагилар хос:

— күкрак қафасининг зааралган томони нафас актида орқада қолади, қовургаларо бўшлиқлар текислашади, товуш титраши ва бронхофония кескин заифлашган;

— перкутор-мутлақ тўмтоқлик («сон товуши»).

Тўмтоқликнинг умуртқа поғонасидан бошланган юқори чегараси қурак ва орқа қўлтиқ чизиқлари орасида юқори даражага чиқади, бу ердан у олдинги қўлтиқ ва парастернал чизиқлар йўналиши бўйлаб яна пасаяди (бу чизиқ муаллифи поми билан Эллис—Дамуазо чизиги номини олган).

Бу чизиқнинг юқорига кўтариладиган қисми ичкарисидан тимпанник оҳангли ўнка товушининг бир оз тўмтоқлашуви кузатилади, холос. Бу чегаралари умуртқа поғонаси. Эллис—Дамуазо чизигининг юқорига кўтариладиган қисми ва умуртқа поғонасини Эллис—Дамуазо чизигининг энг юқори пуктаси билан туташтириб турадиган Гарлянд учбурчаги дейилади.

Умуртқа поғонасининг соглом томони бўйлаб тўмтоқлик соҳаси (Раухфус—Грокко учбурчаги) аниқланади. Кўрсатиб ўтилган чизиқ, учбурчаклар одатда озод плева суюқлиги 400—500 мл дан ошганда аниқланади, халтачали плевритда эса, одатда, Эллис—Дамуазо чизиги ҳам, Гарлянд, Раухфус—Грокко учбурчаклари ҳам аниқланмайди;

—аускультацияда — нафас кескин сустлашган ёки умуман эшитилмайди ёки камдан-кам ҳолларда ҳаво ташувчаникнинг қамайиши ва суюқлик босиб турган ўпканинг зичлашуви туфайли бронхиал оҳанг аниқланади.

3. Юрак-томирлар системаси: плевра бўшлигига суюқлик йигилиши кўкес оралиги органларининг сурилишига олиб келади. Чап плеврал бўшлиқда суюқлик кўп бўлганда юрак нисбий тўмтоқлигининг ўнг чегараси ўнгга сурилади ва ўнг ўмров чизигигача етиши мумкин; гипотония, бальзан оз-моз гипертония; тахикардия; тоилар бўгилиги ёки эшитилмаслиги, ўнка артерияси устида II тон акценти.

4. Меъда-ичак йўллари: патологик ўзгаришлар бўлмаслиги мумкин ёки диспептик ҳодисалар, меъда суюқлиги кислоталигигининг камайиши, меъда ости бези ташқи секретор функциясининг пасайиши, гепатомегалия ва бошқалар кузатилади.

5. Бошқа органлар ва системалар томонидан ўзгаришлар асосий жараёнга bogлиқ ва тегишли текшириш методлари ёрдамида аниқланади.

VI. Қўшимча текшириш методларидан олинган маълумотлар:

— периферик қонда: этиологиясига кўра. Ҳар хил ўзгаришлар — лейкоцитоз, нейтрофилез чапга силжиш билан, СОЭ тезлашиши, аксарият эозинофилия (зотилжамда ва б.), лимфопения, эозинофилол

пения, моноцитоз, СОЭ ошиши (сил), қызил қон тапачалари, НВ ўзгарышлари ва бошқа анемияга хос белгилар (хавфли ўсма ва б.);

— сийикда: аксарият оз-моз протеинурия, микрогематурия;

— биохимиявий ва иммунологик силжишлар ҳар хил ва этиологиясига ҳамда оғир-енгиллигига, боғлиқ;

— рентгенологик манзара: ўпка майдони пастки бўлимларида қийшиқ жойлашган юқори чегара ва кўкс оралигининг «соглом» томонга сурилиши билан қоронгилашиш, швартлар, қовургалараро торайиш борлиги аниқланади. Суюқлик чиқарилгандан кейин, беморни турли вазиятларда текширганда қимматли рентгенологик натижалар олиш мумкин, булар асосий касаллик табиатини, халтали плевритлар борлигини аниқлашга имкон беради;

— плеврал пункция катта диагностик ва даволаш аҳамиятига эга. У суюқликнинг қандайлигини: транссудат, экссудатлигини аниқлашга ёрдам беради (б-жадвал);

Б-жадвал

Плеврал суюқликнинг дифференциал-диагностик мезонлари

Белгилари	Экссудат	Транссудат	Хилоторакс
Симметриклик	Бир томонлама	Аксарият иккى томонлама	Бир томонлама
Ривольт синамаси	Мусбат	Манфий 2,5 г/л дан кам	
Оқсил	30 г/л ва кўпроқ	1015 дан кам	
Зичлиги	1015 дан кўп	кам	
Рангги	Тўқ сариқ, қаҳрабо ранг	Очиқ сариқ	Сутдек оқ
Тиниқлиги	Лойқа	Тиниқ	Тиниқмас
Характери	Сероз, геморрагик, йирингли	Сероз	
Ферментлар	Амилаза ошган (панкреатит)		
Цитологияси	Полиморф ядроли нейтрофиллар (зотилжам)		Еғ томчилари
	Лимфоцитлар (сил)		
	Ўсма ҳужайралар (ўсма)		
	Березовский, Штернберг ҳужайралари (лимфогрануломатоз)		
	а Е-ҳужайралар (СКВ)		
	Актиномицетлар друзалари (актиномикоз)		

— ЭКГ даги ўзгаришлар жараённинг оғир-енгиллигига, асосий касалликка, интоксикация борлигига боғлиқ. ЭКГ да тегишли ўзгаришлар бўладиган миокардит қўшилиб келиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Кўп ҳолларда плевритли bemорларда миокардда диффуз ўзгариш белгилари аниқланади.

— торакоскопия муайян аҳамиятга эга, бироқ ультратовуш би-

лан текшириш ва бошқалар ҳам зарур, бу асосий касалликни ҳам, унинг асоратларини ҳам аниқлаш имконини беради.

Кечиши, натижаси ва асоратлари. Асосий жараённинг кечишига ва оғир-епгиллигига, плевритларнинг клиник формаларига боғлиқ.

— қуруқ ва халтали плевритларнинг кечиши одатда яхши, сил этиологияли экссудатли плеврити ва йирингли плеврити бор беморларда бирмунча оғир кечади ёки сурункали ўтади;

— натижаси: батамом согайиш ёки кўкрак қафасининг шакли ўзгариши, ҳаракатининг чекланиши, турли асоратлар қўшилиб келиши билан битишма (шварт) лар ҳосил қилиши;

— асорати: плевра эмпиемаси, бронхоплеврал оқмалар, ўпкаюрак етишмовчилиги, сепсис ва асосий касалликка хос бошқа белгилар.

Диагностикаси ва дифференциал диагностикаси

Касаллик диагностикаси юқорида баён қилинган далиллардан изборат бўлади ва бунда плевритларнинг турли клиник формаларини аниқлаш муҳим:

1. Плевра эмпиемаси. Касалликда плевра бўшилигига йиғлади, иситма, эт жунжикиши, кўп терлари, оғир интоксикация, юқори лейкоцитоз чапга силяшиб билан ўтади, аксарият миелоцитлар пайдо бўлади, камқоцлик орта боради, СОЭ соатига 40—60 ва бундан ҳам тезлашади, кўпинча асоратлар беради (бронхоплеврал оқма, септик ҳолат). Узил-кесил диагноз плеврал суюқликни текшириш натижалари (йиринг), торакоцентез асосида аниқланади.

2. Халтача бўлиб ўралган плевритлар:

— бўлаклараро плеврит: оғриқсиз кечади, ҳарорат аксарият субфебрил, тўмтоқланиш — плеврал ёриқ йўли бўйлаб тасмасимон, рентгенда эса контурлари симметрик тўғри линзасимон шаклдаги кўланка аниқланади;

— костал плеврит жойлашувига кўра тўмтоқланиш ёки тўмтоқ товуш борлиги, нафас сусайиши, яллигланиш белгилари (нейтропил силяшиб, СОЭ тезлашиши), девор олдида гомоген қоронтиланиш борлиги (аксари пастки ёнбоп бўлимларида ва қўлтиқ соҳасида) билан характерланади;

— диафрагма усти плеврити кўкрак қафасининг пастки ярмида ва қорин соҳасида пафас акти билан боғлиқ оғриқ синдроми борлиги, физикал силяшиблар (тўмтоқланиш, пафас сусайиши), рентгенологик манзара (ярим овал ёки учбурчак соялар, улар кенг асоси билан диафрагма гумбазига қўшилиб туради) асосида аниқланади;

— медиастинал плеврит — оғриқ тўш соҳасида, баъзан курақда жойлашади, тоҳида кўкс оралигига босилиш симптомлари (цианоз, юз керикиши, дисфагия), орқа мушаклари ригидлиги, кучли йўтал қузатилади. Рентгенологик текшириувда — ўпка илдизи сояси билан қўшилиб кетадиган, одатда учбурчак шаклидаги соя қайд қилинади.

3. Экссудатли плеврит диагностикаси синчиликаб анамнез йигиши, объектив матъумотлар, беморни қўшимча текшириш методларини

анализ қилиш асосида қўлга киритилади. Этиологияси турлича экссудатли плевритларнинг дифференциал-диагностик мезонлари 7-жадвалда келтирилган.

4. Плевритли беморлар диагностикасида муваффақиятга әришиш кўкрак қафасида оғриқ, плевра бўшлиғида суюқлик, ўпкада физикал ва бошқа ўзгаришлар билан ўтадиган касалликлар билан дифференциал диагностикани қунт билан ўтказилишига боғлиқ.

— қуруқ плеврит. Қуруқ плевритнинг етакчи симптоми оғриқ синдроми бўлгани учун кўкракда оғриқ кузатиладиган касалликларни (ЮИК, миозит, қовургалар перистити, қовургалараро невралгия, остеохондроз, бўйин ва кўкрак радикулити ва б.) истисно қилиш керак;

— экссудатли плеврит. Бунда экссудатли плеврит пайдо бўлишига сабаб бўладиган касалликларни (зотилжам, сил, ўнка абсцесси, эхинококки; кичик қон айланиш доирасида диммалиш; ўпка ва кўкс оралиги ўсмалари; лимфогранулематоз; мезотелиона; лимфосаркома; диафрагма ости абсцесси ва б.) истисно қилиш лозим.

Диагнозларни тахминий таърифлаш

Диагнозни таърифлашда иккита вариантга йўл қўйилади:

1) диагноз плевритдан бошланади; 2) диагноз асосий касалликдан бошланади, плеврит эса асоратларда кўрсатилади (Маколкин В. И., Овчаренко С. И., 1987).

1. Чап ўпка пастки бўлаги крупоз пневмонияси, оғир кечиши. Асоратлари: чапда метапневмоник экссудатли плеврит, хроник кечиши. Коллапс. Ўтириш қон қоринча етишмовчилиги Н и «А».

2. Ўпка бронхоген раки парчаланиш билан. Асорати: ўнг томонлама экссудатли плеврит. Ўпкада қон оқиши. Ўтириш постгеморрагик камқонлик. Коллапс.

3. Ўнг томонлама экссудатли плеврит. Қўшилиб келган касалликлар: ревматизм, III даража активликда. Қайталама ревмокардит, митрал клапан етишмовчилиги, полиартрит, васкулит, кардит, Н и даражаси.

4. Фиброз-каверноз ўпка сили. Асорати: ўнг томонлама экссудатли сил плеврити. Қон туфлаш.

Даволаш ва профилактикаси. Бу саволларга жуда қисқа жавоб қайтариш мумкин, чунки плевритнинг деярли ҳамма формалари турли касалликлар ва касаллик ҳолатларининг асорати ҳисобланади:

— кўрсатмалар бўйича ихтисослашган касалхоналарга ётқизиш мақсадга мувофиқ: доимий режим, гигиеник тадбирлар; суюқлик ичишини чегаралаш.

— асосий жараённи: зотилжам, сил, ўпка инфаркти, бирюктирувчи тўқиманинг систем касалликларини тутатишга қаратилган даволаш тадбирлари (антибиотиклар, силга қарши препаратлар, кортикоидлар);

— анальгетиклар, яллигланишга қарши ва десенсибилизация

Этиологияси ҳар хил экссудати плевраларининг дифференциал-диагностик мезонлари

Касалик симптомлари	Сил плеврити	Паралневмоник плеврит	Утика инфарктида плеврит	Утика ракида плеврит	Ревматик плеврит	Волчанка плеврити	Плевра мегатомосаси
Интоксикация Иситма	Ифодаланган	Ифодаланган	Ифодаланган	Ифодаланган	Одатда ифодаланмаган	Ургача ифодаланмаган даланган	Ифодаланмаган
Йутал	Эксудат күпайиб бориш даврида доимий	Эксудат күпайиб бориш даврида такир опади	Эксудат күпайиб бориш Фогерда такир опади	Нотўғри харакати булиши	Аксарият субфебрил харорат	Ремиттирловчи	Бўлиши мумкин
Ўлқа-юрек етиммовилии борлиги	Кўпинча	Балгамли, бальзан	Балгамли, озорок	Азобли ўттал	Бўлмайди	Кўпинча бўлмайди	Кўпинча майди
Рентгенологик маълумоттар	Микдорлаш	Микдорда учрадиди	Микдорда учдаланган	Гўчинча	Бўлмайди	Ушпанинг ўзи	Кўпинча
Эксудат характери	Сероз-фибриноз	Сероз-фибриноз, бальзан	Сероз-фибриноз, йиринли	Микдорни тати-на билан ту-гайди	Эксудат микдорни оз, инфаркт сояси бўйло бўлиннича утбур-чак шаклида Геморрагик, йиринти на ти-на билан ту-гайди	Эксудат микдорни оз, инфаркт сояси бўйло бўлиннича утбур-чак шаклида Геморрагик, йиринти на ти-на билан ту-гайди	Эксудат микдорни оз, инфаркт сояси бўйло бўлиннича утбур-чак шаклида Геморрагик, йиринти на ти-на билан ту-гайди

қыладиган препаратлар: амидопирин (суткасига 2 г), ацетилсализилат кислота (суткасига 4 г гача), бутадион (суткасига 0,6 г гача), анальгин, аскербинат кислота (5% ли эритмаси 2—4 мл дан мушак, венага), кальций хлорид (10% ли эритмаси 5—10 мл дан венага ёки 1 ош қошиқдан кунига 3 марта), гормонал препаратлар (преднизолон, гидрокортизон) кенг құлланилади; шунингдек керак бўлса, балғам кўчирувчи дорилар (термопсис), йўтал таблеткалари (дионин, кодеин) ҳам қўлланилади;

— кўрсатмалар бўлганда (секин сўрилиш, плеврал бўшлицида суюқлик кўп тўпланиб кўкс оралғи органлари — юрак сурилганда) нафас қисиши, интоксикацияни камайтириш, қўшини органлар учун техник тўсиқни бартараф этиш мақсадида плеврал пункция ўтказиш, суюқликни чиқариш ва плеврал бўшлиққа керакли антибиотик (пенициллин, оксациллин, ампициллин, гидрокортизон) юбориш мақсадга мувофиқ;

— умумий қувватлантирувчи (В группа витаминлари, С, глюкоза, оқсил препаратлари), дезинтоксикацион (гемодез, 5% ли глюкоза эритмаси, инсулин), симптоматик (юрак, сийдик ҳайдовчи) препаратлар, биостимуляторлар (алоз, гумизоль). Экссудат сўрилган сайни нафас гимнастикаси, массаж ва бошқа физик методлар, монелик қыладиган ҳоллар бўлмаганда — санаторий-курортда даволаш кенг қўлланилади;

— профилактикаси: бу сабабчи омилларни ўз вақтида ва тўлиқ даволаш, санитария-гигиеник тадбирлар, спорт билан шугулланиш, организмни чиниқтириш.

Контрол саволлар

1. Плевритлар этиологияси ва патогенези, органлар ва системалар касалликларининг аҳамияти.
2. Плевритлар классификацияси.
3. Экссудатли плеврит ва халта бўлиб ўралган плевритлар клиникаси ва диагностикаси.
4. Плеврал суюқликнинг дифференциал-диагностик мезонлари.
5. Экссудатли плевритларнинг этиологиясига кўра дифференциал-диагностик мезонлари.
6. Плеврал пункция: мақсади, ўтказиш техникаси.
7. Даво тадбирлари ўтказишда терапевт тактикаси.
8. Этиологияси турлича бўлган плевритларнинг кечиши, натижаси, прогнози ва асоратлари.

ЎПКА-ЮРАК (COR PULMONALE)

Таърифи. Ўпка-юрак (УЮ) — синдром ёки касаллик ҳолати бўлиб, юрак ўнг бўлимларининг ўта толиқиши ва гипертрофияси билан характерланади, бу ўпканинг қатор хроник носпецифик касалликларида, ўпка артерияси тромбоэмболиясида, бирламчи гипертензияда ва бошқаларда кигчик доира томирлари қаршилигининг ошиши (гипертензия) билан бөглиқ бўлади. «Ўпка-юрак» деган

номнинг ўзиёқ жараён моҳиятини маълум даражада очиб беради. ЎЮ иккиласмчи касаллик ҳисобланади, ўлканинг хроник носспецифик касалликлари, томирлар системасининг касб-корга оид касаллиги, кифосколиоз ва бошқа сабаблар натижасида ривожланади.

Бу кўп сонли омиллар бир-бири билан қўшилиб, кичик доира гипертензиясига олиб келади, ўнг қоринчага қўшимча вазифани бајаришни юклайди, оқибат-натижада юракнинг ўнг бўлими гипертрофиясига олиб келади.

Ҳозирги вақтда амалий медицинада Б. Е. Вотчал таклиф қилган (1964) классификациядан фойдаланилади. У қуйидаги бир неча белгилар билан классификация қилишни таклиф этади: кечиш характеристи, компенсация ҳолати, патогенези ва клиник кечиш хусусиятлари (8-жадвал).

8-жадвал

Ўпка-юрак классификацияси (Б. Е. Вотчалдан)

Кечиш характеристи	Компенсация ҳолати	Асосий патогенези	Клиникаси
Ўтириш ўпка-юрак (бир неча соат ичida ривожланади).	Декомпенсацияланган	Васкуляр Бронх-ўпкан	Ўпка артериясининг массив тромбоэмболияси. Клапани пневмоторакс, пневмомедиатинум. Бронхиал астма, сурункали хуружи, астма статуси. Катта майдони зарарлаган зотилжам, суюқлиги кўп экссудатли плеврит
Ўртача ўтириш ўпка-юрак (бир неча ҳафта, ойларда ривожланади)	Компенсацияланган Компенсацияланмаган	Васкуляр Бронх-ўпкан Торакодиафрагмал	Ўпка артерияси системасида такрорий майда тромбозмобилиялар. Бронхиал астманинг такрорий сурункали хуружлари. Ўлканинг рак лимфангиити. Марказий ва периферик келиб чиқсан хроник гиповентиляция (ботулизм, полиомиелит, миастения). Бронхлар ва ўпкада ҳар хил этиологияли обструктив жараёнлар (хроник бронхит, бронхиал астма, ўпка эмфиземаси, эмфиземали диффуз пневмосклероз). Реструктив жараёнлар — фиброз ва гранулематозлар, ўпка поликистози.
Хроник ўпка-юрак (бир неча йил ичida ривожланади)	Компенсацияланган Ўнг қоринча типи бўйича декомпенсацияланган	Васкуляр Бронх-ўпкан Торакодиафрагмал	Ўмуртқа поғонаси ва кўкрак қафаси зарарланиши ва шакли бузилиши. Плеврал битишмалар. Ёғ босим (Пиквик синдроми)

Классификациядан кўриниб турганидек, клиник манзаранинг ривожланиш суръати бўйича ўтириш ўпка-юрак (бир неча соат, кун ичida ривожланади). Ўртача ўтириш ўпка-юрак (бир неча ҳафта, ойда ривожланади) ва хроник ўпка-юрак (10 ва бундан кўп йил ичida) фарқ қилинади.

Ўтириш ўпка-юрак кўпинча (қарийб 90% ҳолларда) ўпка эмбо-

лиясида ёки кўкрак ичи босими тўсатдан кўтаришганда; ўртача ўт-кир тури — рак лимфангити, торакодиафрагмал заарланишларда аниқланади. Хроник ўпка-юрак 80% ҳолларда бронх-ўпка аппарати заарланганда пайдо бўлади; васкуляр ва торакодиафрагмал формалари 20% ҳолларда ривожланади (В. И. Маколкин, С. И. Овчаренко, 1987).

С. Г. Моисеев (1969) ўткир ўпка-юракнинг қуийдаги клиник формаларини фарқ қиласди:

— респиратор формаси, бунда нафас бузилади, ҳаво етишмаётгандек бўлади, нафас ҳаракатлари кескин тезлашади;

— церебрал формаси, мия аноксияси натижасида ривожланади ва бош оғриши, бош айланиши, энцефалопатия, ҳушдан кетиш, оёқ-қўлларнинг тортишиб қолиши билан ўтади;

— ангиноз формаси — стенокардия учун хос шикоятлар биринчи ўринга чиқади;

— коллатоид формаси — тери қопламлари кескин оқаради. Лабциапози, акроцианоз, тахикардия, ипсимон пульс, гипотония, совук тер чиқиши, оёқ-қўллар совқотиши билан ўтади;

— абдоминал формаси — бемор асосан қориндаги қаттиқ оғриқдан, ич дам бўлиши, қайт қилиш, баъзан қон аралаш қайт қилишдан нолийди.

Йигилган маълумотлардан фойдаланиб ва назарий билимларга асосланиб, студент bemorni кузатишда қуийдагиларни ҳал қила олиши лозим:

1. Асосий жараённинг қаердалигини (ўпка, плевра, перикард, кўкса оралиги, умуртқа поғонаси) аниқлаши;

2. Патологик жараён характеристини (яллиғли, ўсма, дистрофик) аниқлаши;

3. Тахминий диагнозга суюниб асосий жараён ва унинг асоратларини ҳисобга олган ҳолда текширишнинг асосланган планини тузиши;

4. Мавжуд классификацияга биноан узил-кесил диагнозни аниқлаши ва баён қилиши;

— ўпка-юрак симптомокомплекси, кечиш характеристи, компенсация ҳолатини билиши;

— қўшимча текшириш методлари (рентгенологик, ЭКГ, функционал синамалар ва б.) натижаларини анализ қила олиши;

— дифференциал диагностикага асосланиб ёндошиши.

5. Жараённинг кечиши, оғир-енгиллиги ва бошقا органлар ҳамда системалар ҳолатини ҳисобга олган ҳолда тўла сифатли даволашни таъминлаш керак.

ХРОНИК ЎПКА-ЮРАК ЭТИОПАТОГЕНЕЗИ

Хроник ўпка-юрак қўргина касалликлар (бронх-ўпка системаси, томирлар аппарати, хавфли ўсмалар) оқибати ҳисобланади:

— бронх-ўпка системасининг инфекцион-яллиғли, аллергик, касбкорга оид, ўсмасимон касаллигининг аҳамияти (сил, хроник зотил-

жам, бронхиал астма, хроник бронхит, йириңгли касалликлар, коллагенозлар, пневмокониозлар, ўсма жараёнлари, ўпка әмфиземаси, турли этиологиялы пневмосклерозлар);

— хроник ўпка-юрак келиб чиқишида ўпка томирлари ҳолати (ўпка артерияси бирламчи склерози, артериитлар, тромбоэмболик жараёнлар), шунингдек күкрак қафаси экспурсиясини бузадиган касалликлар (ёғ босиш, плеврал фиброз, полиомиелит, кифосколиоз, күкрак қафаси деформацияси) муайян ўрин тутади.

Этиологик омилларни күздан кеширишда ўпка-юракнинг аксарият қандай касалликларда пайдо бўлиши ҳақидаги масала ўртага қўйилади. Бу ўринда Denolin ډлган маълумотлар ғоят қизиқарли. Унинг кузатувида 617 бемор бўлган. Улардан ўпка әмфиземаси 393 ҳолларда, ўпка сили — 71, бронхоэкстазлар — 39, бронхиал астма — 26, силикоз — 25, кўп сонли эмболия — 10, диффуз фиброз — 10, рак — 7, кифосколиоз — 5, бирламчи ўпка артерияси склерози битта ҳолда хроник ўпка-юрак ривожлапишига сабаб бўлган.

Хроник ўпка-юрак этишмовчилиги патогенези кичик қон айланниши доирасида гипертония ривожланиши билан изоҳланади. У обструктив ва рестриктив ҳарактердаги кўрсатиб ўтилган кўп сонли омиллар таъсири натижасида пайдо бўлади.

Бу сабабчи омилларниң доимий таъсири остида кўкрак ичидаги босим ошади, ўпка шунглари бўйлаб қон оқими кучаяди, альвеоляр гипоксия пайдо бўлади, бу артериал гипоксемияга, гипоксияга, гиперкарбияга, охир оқибатда кичик қон айланниш доирасидаги гипертонияга олиб келади; сўнгги ҳол юракнинг ўнг бўлими (ўнг қоринча) учун доимий оғирлик вужудга келтиради ва ўнг қоринча гипертрофиясига сабаб бўлиб, ўнг қоринча этишмовчилиги ривожланади (қон оқими секинлашуви, айланниб юрган қон ҳажми ошиши, минутлик ҳажм камайиши, қоринча бўшлиги органларида димланиш ҳодисалари, гепатомегалия ва б.). Кейинчалик хроник ўпка-юрак этишмовчилиги ривожланишида полицитемия, қон ёпишқоқлиги ошиши, миокардда, хусусан юракнинг ўнг бўлимларида дистрофик ўзгаришларнинг аҳамияти кам эмас.

Клиник манзараси. Касаллик клиникаси асосий касаллик характеристига, унинг активлигига боғлиқ, кечишига (ўткир, ўртача ўткир, хроник), компенсация фазасига (компенсацияланган, декомпенсацияланган), нафас ва юрак этишмовчилиги даражасига алоқадор бўлади.

I. Субъектив маълумотлар: компенсация фазасида — асосий жараёнга хос шикоятлар (хроник зотилжам, бронхит, бронхиал астма ва б.), хусусан жисмоний ҳаракатда нафас қисиши, вақти-вақтида юрак уриши, қуруқ ёки оз-моз балғам кўчадиган йўтал;

— декомпенсация фазасида: нафас қисиши (бўғилиш синдроми камдан-кам), бу жисмоний ҳаракатда кучаяди, юрак уриши, баъзан юрак соҳасида ортиқча иш билан боғлиқ бўлмаган ва нитроглицерин билан босилмайдиган оғриқлар; балғам кўчадиган йўтал, иш қобилияти пасайиши ёки йўқолиши, бош оғриги, умумий беҳоллик ва нафас, ўпка ҳамда юрак этишмовчилигига хос бошқа шикоятлар.

II. Субъектив маълумотларни қуит билан анализ қилиш.

III. Объектив маълумотлар.

1. Умумий кўздан кечириш:

- умумий ҳолат, бемор вазияти, ҳар хил (компенсация фазасида — қоницарли, декомпенсация фазасида — ўртacha оғирликда ва оғир, мажбурий);

— рангпарлик, цианоз, акроцианоз, бўйин веналари бўртиб чиқиши, эпигастрал пульсация; оёқларда пастозлик ва шиш, уларнинг совқотиши, кўпинча бармоқларнинг «ногора чўпи» кўринишида, бармоқларнинг «соат стрелкаси» кўринишида ўзгариши;

— кўкрак қафаси шакли бузилган, эмфизематоз, эластиклиги камайган, кўкрак қафаси ригидлиги;

— нафас қисиши (экспиратор, инспиратор, аксарият аралаш);

— тана ҳарорати нормал ёки субфебрил (этиологиясига боғлиқ);

— ўпка, нафас, ўпка-юрак етишмовчилиги, асосий касаллик, жараёнга тортилган органлар ва системаларнинг бошқа белгилари.

2. Органлар ва системалар томонидан патологик ўзгаришлар:

— нафас системаси (перкутор товуш қисқариши, нафас сустлашган, қуруқ, нам хириллаган товушлар ва асосий жараённинг бошқа белгилари);

— юрак-томирлар системаси: тахикардия, камроқ — аритмия, ўнг қоринчча ва бўлма гипертрофияси; уч тавақали клапан нисбий етишмовчилиги симптомлари (I тон сусайиши ва қиличсимон ўсиқ олдида систолик шовқин борлиги) ва ўпка артерияси клапаплари етишмовчилиги (диастолик шовқин), чандан иккинчи қовурғалар олдида II тон акценти, гипотония ёки гипертония ва юрак-ўнг қоринчча етишмовчилигининг бошқа маълумотлари;

— меъда-ичак йўлларида (яралар ҳосил бўлиши, диспептик ҳодисалар, ориқлаш бўлиши мумкин); жигарда (ўнг қовурғалар остида оғриқ, гематомегалия, камроқ — унинг турли функциялари бузилиши); буйракларда (олигурия, «димланган» буйрак белгилари — оз-моз протеинурия, микрогематурия ва б.); нерв системасида (уйқу ёмонлиги ёки уйқучанлик, бош оғриги, бош айланиши, инжиқлик, тушлар кўриш, бошда шовқин ва б.).

Айрим органлар ва системалар томонидан юз берадиган патология асосан доимий гипоксемия, гиперкапния, асосий жараён ва унинг асоратлари таъсири, юракка оид, аниқроғи — ўнг қоринчча етишмовчилиги қўшилиши билан боғлиқ.

3. Лаборатория, инструментал ва бошқа текшириш методларидан олинган маълумотлар:

— умумий қон анализи — агар ўпка-юрак етишмовчилиги ялиғли характердаги касалликлар натижасида (қўзиганда) ривожланса, лейкоцитоз, нейтрофилез, чапга силжиши билан, СОЭ тезлашуви, хроник ўпка-юрак учун эса, айниқса декомпенсация фазасида эритроцитоз, гемоглобин миқдори ошиши, СОЭ камайиши, полицитемия, қон ёпишқоқлиги ошиши қабилар хос;

— умумий сийдик анализи — олигурия, протеинурия, микрогематурия, баъзан цилиндрурия, «димланган» буйрак кўрсаткичлари. Бу

үзгаришлар ҳам асосий жараён характери ва ўнг қоринча етишмовчилеги борлиги билан боғлиқ;

— биохимиявий силжишлар — диспротеинемия глобулинлар, хусусан альфа ва гамма фракциялари ошиши билан, фибриногенемия, С-реактив оқсил миқдори, айрим ферментлар ошиши, нейтрофиллар ишқор фосфатазаси активлиги кучайиши;

— рентгенологик маълумотлар — диффуз қоронгилашиш, диафрагманинг паст вазиятда туриши, ўнг қоринча гипертрофияси, ўпка артерияси кенгайиши ва конусининг бўртиб чиқиши;

— функционал синамалар ва гемодинамикани текшириш: қоп оқиш тезлиги секинлашади, веноз босим ошган, артериал қоннинг кислород билан тўйиниши пасайган, ўпканинг ҳаётий сигими ($\dot{V} \dot{C}$), максимал ўпка вентиляцияси ($MV\dot{V}$) ва тез нафас чиқариш тезлиги ҳам пасаяди;

— ЭКГ — ўнг қоринча, сўнгра ўнг бўлма гипертрофияси белгилари, ўнг қоринчанинг ортиқча ишлаши, ЭКГ ўнг типи, юрак ритми ва ўтқазувчанлиги бузилиши — Гис тутами ўнг оёқасининг потўлиқ ёки тўлиқ блокадаси, экстрасистолия ва б.;

— текширишнинг замонавий методлари (рентген кимография, электр кимография, фонокардиография, ўнг қоринчада ва ўпка артериясида босимни катетер ёрдамида ўлчаш ва б.) қимматли натижалар беради.

Диагностикаси. Ўпка-юрак диагнози ҳамма ҳолларда бемор шикоятлари, апамнези, объектив маълумотлар ва клиник-лаборатория-инструментал текширишлар натижаларига асосан қўйилади. Асосий касаллик, нафас етишмовчилеги клиникаси биринчи ўринда турганда ўпка-юрак компенсацияси даврида диагностика қилиши анчагина қийинлашган бўлади. Ўпка-юрак диагностикасида, хусусан хроник ўпка-юракда жараён сабабчиси характерини ва жойлашган ўрнини, кечиш характерини (ўтқир ўпка-юрак, хроник ўпка-юрак) ва компенсация фазаси ҳолатини (компенсацияланган, декомпенсацияланган) аниқлаш ғоят муҳим.

Асосий этиологик омил тегишли текшириш методлари асосида, ўпка-юраклинг кечиши ва компенсация фазаси — клиник ва бошقا белгилар йиғиндиси бўйича аниқланади.

Ўпка-юракли bemорларда юрак етишмовчилегига баҳо берин учун Б. Б. Коган ва П. М. Зловечевский (1964) 0, I, II ва III босқичларга бўлинадиган классификацияни таклиф этадилар.

— 0 босқич — ўпка-юрак билан оғриган bemорлар узоқ вақтгача тўлиқ компенсация ҳолатида қолишлари мумкин;

— I босқичи — жигарнинг бир оз катталашганлиги аниқланади;

II босқичида жигар ўлчамлари анчагина катталашади, периферик шишлар пайдо бўлади;

— III босқичида рўй-рост ифодаланган гепатомегалия, анасарка, акроцианоз, олигурия, дистрофик ҳодисалар.

Ўпка-юраклинг III босқичини диагностика қилишда муайян қийинчиликлар вужудга келади, чунки шишлар, цианоз, олигурия ва бошқалар юракнинг турли-туман асли касалликлари натижасида

(юрак ишемик касаллиги, юрак камчиликлари ва б.) бўлиши ҳам мумкин.

Бу ҳолда диагноз қўйидаги ишончли белтиларга асосан қўйилади:

— анамнеэда хроник бронхит борлиги;

— ўпканинг объектив аниқланган диффуз заарланиши (эмфизема, пневмосклероз) борлиги;

— ўпка артерияси конуси кенгайғанлиги, ўнг қоринча гипертрофияси ва дилатацияси борлиги, ўнг қоринча ортиқча куч билан ишлаши;

— ўнг қоринча типи бўйича қон айланиши етишмовчилиги ривожланиши;

— юрак етишмовчилиги ривожланишида бошқа сабаблар (кардиосклероз, миокардит, юрак пороклари, гипертония касаллиги ва б.) бўлмаслиги;

— лаборатория-функционал-инструментал текшириш методлари ёрдамида олинган ишончли натижалар.

Умуман ўпка-юрак диагностикасида, хусусан хроник ўпка-юрак диагностикасида зўриқиб ишлаётган ўнг қоринча (ўпка-юрак) ва зўриқиб ишлаётган чап қоринча ўртасида дифференциал диагностика ўtkазишнинг жуда катта амалий аҳамияти бор (9-жадвал).

9-жадвал

Зўриқиб ишлаётган ўнг қоринча (ўпка-юрак) ва зўриқиб ишлаётган чап қоринча ўртасидаги дифференциал-диагностик кўрсаткичлар

Текшириш кўрсаткичлари	Зўриқиб ишлаётган ўнг қоринча (ЎЮ)	Зўриқиб ишлаётган чап қоринча
Асосий касаллик	Ўпка ёки ўпка томирлари касалликлари, кейинчалик ўпка гипертонияси билан	Артериал гипертония, юрак ишемия касаллиги, миокардит, юрак пороклари ва чап қоринча миокарди ҳолатига татсир қиласига бошқа касалликлар Чап қоринчага Ўпка артерияси иккинчи тони кучайган, митрал клапан етишмовчилиги белгилари
Гипертрофия Юрак аускультацияси	Ўнг қоринчага тегишли Уч тавақали клапан ва ўпка артерияси клапанларининг нисбий етишмовчилиги	Ўпканинг қуий бўлимларида нам хириллаш товушлари
Ўпка	«Товуш чиқмайдиган» ёки эмфизема ҳодисалари диффуз бронхиал хириллаш товушлари	Ўртача
Цианоз	Юқори дараражаси—акроцианоз (лекин ҳамма ҳолларда эмас)	Ифодаланган, ортоноз
Нафас қисиши	Субъектив кам сезилади, ортоноэ йўқ	Кам ифодаланган
Полицитемия	Ифодаланган (гематокрит 50% дан юқори)	

Текшириш күрсаткышлары	Зүриқиб ишлаётган чап ва ўнг қоринча (ҮЮ)	Зүриқиб ишлаётган чап қоринча
Юрак томонидан рентгенологик маълумотлар Ўпка майдонлариning рентгенологик манзараси	Юрак ўртача катталашган, ўпка конфигурацияси Диффуз ўзгарышлар, бироқ кўпинча ўпка майдонлари айниқса периферия бўйлаб ёруг, диафрагма кўпинча паст турди, суюқликлар камдан-кам Кўпинча ўнг типи Димланган жигар, димланган буйрак, шиплар (ўнг қоринчанинг гипоксемик зарарланиши негизида иккиласми, шунингдек чап қоринча етишмовчилиги) Жуда бузилган (ЎҲС, ЎМС ва б.). Кислородга тўйиниш мумкин эмас ёки жуда секинлашган	Юрак катталашган, митрал-аортал ёки миопатик конфигурация Ўпка майдонлари айниқса пастки бўлимларида бекилиб қолган, батъян димланиш транссудати бор (айниқса ўнг томонда) Кўпинча чап типи Димланган ўпка (шунингдек иккиласми ва ўнг қоринча вўриқиб ишлаши сабабли ўнг қоринча етишмовчилиги)
Ўпка функционал сиамалари Оксиметрия	Ўзайган (аввало «қўл-ўпка» вақти) Нормал ва пасайган	Ўзармаган ёки ўртача бузилган Кислородга тўйиниш деярли бузилмаган (бир минут ичida соф кислород нафасга олдирилганда тўйиниш 100 %) Ўзайган
Қон оқими вақти Катта доирадаги артериал босим		Кўпинча ошган

Ўткир ўпка-юракниң қисқача таърифи ва унинг клиник формалари юқорида берилган.

Диагнознинг тахминий таърифи:

- Бронхиал астма, инфекцион-аллергик формаси, II босқичи тез-тез бўғилиш хуружлари билан астма ҳолатига ўтадиган оғир кечиши. Қўшилиб келган касаллик — хроник декомпенсацияланган тонзиллит. Асоратлари — хроник ўпка-юрак II босқичдаги декомпенсация босқичида. Ўпка етишмовчилигининг II—III босқичи.
- Ўнг томонлама оғир крупоз зотилжам қўшилиб келган касаллик — ўткир аппендицит сабабли операциядан кейинги ҳолат. Асорати — ўткир ўпка-юрак, ўпка етишмовчилигининг III босқичи.

Даволаш ва профилактикаси

Ўпка-юракни даволаш комплекс бўлиши керак.

1. Касалхонага ётказиш иккита ҳолда:

- асосий жараён қўзиган (активланган) компенсация босқичида;
- декомпенсация босқичида ва бошқа кўрсатмалар бўлганда амалга оширилади.

2. Асосий касалликқа актив даво қилиш (хроник зотилжам, бронхит, силикоз ва б.). Бунда антибиотиклар, сульфаниламидлар ва бошқалар тайинланади («Нафас органдары касалліклари» деган I бобдаги тегишли мавзуларга қаранг).

3. Патогенетик ва симптоматик терапия:

— бронхолитиклар ва спазмолитиклар (эуфиллин таблеткалари 0,15 г дан кунига 3 марта ёки 2,4% эритмаси 5—10 мл дан венага, 12% ёки 24% ли эритмаси 2 мл дан мушакларга юборилади); бромгексин, мүколтин, бисольвен.

— балгам күчирүвчиляр (калий йодид, термоцис, ипекакуана);

— кортикоステроидлар антибактериал терапия билан бирга (уларни интратрахеал юборилганда әнг яхши натижага әришилади); антигистамин препаратлари;

— эуфиллин, ганглиоблокаторлар, раувольфия препаратлари, салуретиклар тайинлаш ўпка артериясида босым пасайышига имкон беради;

— хроник ўпка-юракнинг айниң II—III босқичларида юрак гликозидлари (строфантин, коргликон, диоксин ва б.), сийдик ҳайдовчилар (вероширон 0,1—0,2 г дан кунига 3—4 марта, диакарб 0,125—0,25 г кунига бир марта, фуросемид 0,04—0,08 г кунига бир марта, гипотиазид 50—100 мг дан кунига бир марта ва б.) кеңг қўлланилади;

— кўрсатмалар бўйича ва монелик қиласиган ҳоллар бўлмагандан антикоагулянтлар (гепарин, пелентан ва б.) қўлланилади, қон олинади (ифодаланган полицитемияда, эритроцитозда);

— оксигенотерапия, ўпканинг сунъий вентиляцияси.

4. Физиотерацевтик методлар ва даволаш физкультураси хроник ўпка жараёнини ҳисобга олган ҳолда (УВЧ, электрофорез, дори моддаларини аэрозол кўринишидан юбориш, нафас гимнастикаси комплекси, массаж ва б.).

— диспансер кузатуви асосий жараён активланиши, ўпка-юрак авж олишининг олдини олиш, бошқа инфекциялар ва касалликлар қўшилмаслиги учун ўтказилади.

— санаторий-курортда даволаш (Кримнинг жанубий қирғоги, Кисловодск, Таберда, маҳаллий санаторийлар — Оқтош ва б.) ўпка-юракнинг компенсация фазасидаги беморларга асосий жараён қўзимаганда тайинланади.

5. Ўпка-юрак профилактикаси бир неча йўналишлар бўйича ўтказилади:

— экологик шароитни яхшилаш ва регионларда ифлосланишга қарши кураш бўйича санитария-гигиена тадбирлари;

— турли инфекция ўчоқларининг олдини олиш ёки уларни ўз вақтида даволаш;

— бронх-ўпка системаси ўткир ва хроник касалликларининг олдини олиш ва актив, яхши даволаш.

Контрол саволлар

1. Ўпқа-юрак этиологиясига замонавий қараашлар.
2. Ўпқа гипертензияси ва ўнг қоринча этишмовчилиги патогенези.
3. Ўпқа-юракнинг Вотчал бўйича классификацияси.
4. Кечиш характери ва компенсация ҳолати бўйича хроник ўпқа-юракни диагностика қилиш.
5. Ўпқа-юрак касаллигига учраган беморларда юрак этишмовчилиги — босқичларни диагностика қилиш.
6. Ўпқа-юрак касаллиги бўлган bemорларни даволаш тадбирлари плани ва принциплари; профилактикаси.

II БОБ

ҚОН АЙЛАНИШ ОРГАНЛАРИ ҚАСАЛЛИКЛАРИ

Юрак-томуирлар системаси патологияси — медицинанинг энг актуал муаммоларидан бири ҳисобланади. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида юрак-томуирлар қасалликлари аҳолининг қасаллашиш структурасида биринчи ўринни әгаллайди ва одамларниң ногирон бўлиб қолиши ва барвақт ўлимининг энг кўп сабабчиси бўлиб хизмат қиласди. Охириги 3—4 ўн йиллардада жаҳоннинг ҳамма мамлакатларида қасалланишининг статистик жиҳатдан ҳақиқатан ҳам ўсаётгандиги қайд қилингти. Юрак-томуирлар системаси қасалликлари сабабини замонавий одам ҳаётининг мураккаб шароитларидан, унинг асабий тараанглашуидан, кишиларниң мураккаб шароитларидан, ишлаб чиқариш ва бир жойдан иккинчи жойга боришнинг тезлашган суръатларидан, кишиларниң овқатланиш хусусиятларидан, турли-туман хабарларниң бекиёс даражада тобора кўпайиб бораётгандигидан излаш керак.

Юрак-томуирлар системасининг кўптина қасалликлари кишилар ўлимининг энг кўп сабабларидан бири ҳисобланади. Статистикага кўра, АҚШ да катта ёшдаги аҳолининг деярли 25 фоизи юрак-томуирлар қасалликлари билан оғрийди ва ҳар йили улардан 1 миллион киши нобуд бўлади (бу қасалликлар келтирадиган моддий зарар йилига 40 миллиард долларни ташкил этади). 20-йилларда АҚШ да атеросклероз билан унинг асоратларидан беморларниң 20 фоизи нобуд бўлгани ҳолда ҳозирги вақтда 70 фоизидан кўпроғи нобуд бўлаяпти.

Совет Иттифоқида юрак-томуирлар системаси қасалликлари билан қасалланган беморларни диагностика қилиш, даволашни ташкил этиш, профилактикаси ва реабилитация қилишининг изчил системаси вуҷудга келтирилганд. Юрак-томуирлар хирургияси ва қон айланини органларини бевосита физиологик текшириш методларини қўлланиши туфайли бу қасалликларни диагностика қилиш ва даволаш муаммолари жиддий ўзгаришларга учради. Стационарларда ихтисослашган кардиологик бўлимлар, поликлиникаларда кабинетлар, облости ва республика кардиологик диспансерлари, тез ёрдам қошида кардиологик бригадалар, кардиологик санаторийлар ташкил қилинганд. Беморларни реабилитация қилиш системаси ишлаб чиқилганд. Ишни шу тариқа ташкил қилиш системаси ва кардиологик беморларга ёрдам кўрсатиш ВОЗ¹ томонидан энг илғор ва мукаммал деб топилганд.

¹ Всемирная организация здравоохранения — жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти.

РЕВМАТИЗМ

Таърифи. Ҳозирги вақтда ревматизмни бириктирувчи тўқиманинг — асосан юрак-томирлар системасининг систем яллиғланиб зарарланиши билан ўтадиган инфекцион-аллергик касаллик сифатида кўздан кечирилади. Асосан хроник, қайталаниб кечади, касалланиш асосан болалик ёшида кўп бўлади, бироқ касаллик ёш улгайгандага ҳам учраб туради.

Ревматизм ҳар хил номлар билан маълум: «ревматизм» (совет муаллифлари), «ревматик иситма» (англо-саксон муаллифлари), «ўтқир бўгим ревматизми» (француз тадқиқотчилари), шунингдек чин ревматизм, Буйо касаллиги, Сокольский—Буйо касаллиги ва бошқалар шулар қаторига киради.

Ҳозирги вақтда ревматизм — турли иқлимий-географик минтақаларда, жумладан тропик ва иссиқ мамлакатларда кенг тарқалган касалликлардан биридир. Африкада ревматизм мўътадил иқлимли ривожланган мамлакатларда қай даражада учраса, шунча учрайди (Африка, Осиё ва Марказий Америкада кузатиладиган кардиопатияларнинг 20—50 фоизи ревматик келиб чиққан).

Самарқанд медицина институтида ўтказилган илмий текширишлар (Мирзоян Н. А. ва б., 1965—1886) гарчи ревматизм билан касалланиш ҳамма жойда бир хил бўлса-да, иссиқ иқлим шароитларида Россиянинг ўрта ва шимолий минтақасига қараганда активлиги минимал даражада, касаллик сусткашлик билан кечадиган, ревматизмнинг латент формаси билан касалланган беморлар устунлик қилишини кўрсатди. Бинобарин, иссиқ иқлим шароитида беморлар тиббий ёрдамга кечикиб, касалликнинг улгайиб кетган, асоратлари мавжуд формалари (ҳар хил юрак пороклари, юрак декомпенсацияси ва ҳ. к.) билан мурожаат қиладилар. Ревматизм коллаген касалликлар қаторига киради ва инфекцион-аллергик касаллик, ҳозирги вақтда эса клиник-иммунологик муаммо сифатида ҳам кўздан кечириялти (Нестеров А. И., 1973).

Биохимия, биофизика соҳасидаги ютуқлар, янги текшириш методлари — радиоизотоп техника, цито- ва гистохимиявий методлар пайдо бўлиши, электрон микроскопия, рентген структур анализи, иммунологик ва бошқа методлар ревматизмга қарши курашда жиддий муваффақиятларни қўлга киритиш имконини берди. СССР да ревматизм билан касалланишининг бирмунча пасайланлиги кенг аҳоли оммасининг моддий-майший турмуш шароитларининг яхшиланганини, бинобарин, иммунологик активлик, организм чидамишининг ошиши, стрептококкли инфекцияга қарши жадал кураш олиб бориши, бирламчи ва иккиласми профилактикани кенг қўламда ўтказиш, ревматизмга қарши курашда ташкилий тадбирларни такомиллаштириш (поликлиникаларда ва стационарларнинг бўлимларида кардиоревматологик кабинетлар ташкил қилиш) га боғлиқ.

Бирок, жаҳоннинг иқтисодий ривожланган мамлакатларида ревматик иситма билан касалланиш кескин пасайиб боришига қарамай, у ривожланаётган мамлакатларда юқорилигича қолмоқда. Бунинг устига А гуруҳига мансуб стрептококк аҳоли ўртасида айланиб юрак экан, ревматик иситманинг йўқолиб кетишига уччалик ишониб бўлмайди (Ротта Ж., 1986). Шунинг учун ЖСТ соғлиқни сақлаш Жаҳон ассамблеяси кенгашида қабул қилинган резолюцияда юрак-томирлар касалликлари, айниқса (юракнинг ишемик касаллиги ва гипертония касаллиги билан бирга) ревматик иситма ва ревматик юрак порокларини профилактика қилиш зарурлигига алоҳида аҳамият берилади.

Клиник маълумотлар ва назарий билимларни анализ қилиш асосида студент қўйидагиларни билиши керак:

1) касаллик фазасини (актив, активмас) ва патологик жараённинг жойлашган ўрнини (қайси орган ёки қайси система — юрак, нерв системаси, бўтимлар, жигар ва ҳ. к. касалланган) тахминан аниқлаши;

2) патологик жараён бирламчи ёки қайталама эканлигини аниқлаши;

3) беморни текширишнинг тегишли планини тузиш;

4) қўйидагилар асосида батафсил диагнозни таърифлаб бериши:

— касалликнинг асосий симптомлари, синдромларини, диагностик мезонларини билиш ва уларни ажратади олиш;

— актив ревматизмни активмасидан диагностик мезонлари бўйича дифференциация қилишни билиш;

— ревматизмнинг юракдан ташқари кўринишларини билиш;

— касалликнинг кечиши характерини ва клиник формаларини билиш;

— жараённинг активлик даражаси, қўшилиб келадиган касалликларни ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда тегишли этиопатогенетик ва бошқа даволаш тадбирларини моҳирлик билан тайинлаш;

— ревматизм прогнозини, даволаш таъсирчанлигини ва профилактикасини аниқлаши.

Этиологияси. Ревматизм ривожланишида қўйидагилар муҳим аҳамиятга эга:

— инфекция, аллергия (инфекцион-аллергик назария);

— стрептококк инфекцияси (А гуруҳидаги β-гемолитик стрептококк, шу масалани исботлайдиган далиллар);

— ирсий-конституционал (табиий ва стрептококка қарши иммунитет пасайиши, стрептококка сезувчанлик);

— мойил қиласидиган омиллар (тапқи муҳит омиллари, совқотиш, чарчашиб ва б.);

— ўчоқли инфекциялар (тез-тез ангина, хроник тонзиллит, тиш кариеси, синуситлар ва бошқалар бўлиб туриши);

— касб-кор, турар жой шароитлари, жинс, ёш, эпидемиологик шароитлар.

Ревматизм патогенези бирмунча мураккаб. Стрептококк учта асосий йўналишда таъсир кўрсатиб, қўйидагиларга сабаб бўлади:

- адаптацион системаларни токсик-рефлектор заарлантариади;
- бириктирувчи түқимани токсик заарлантариади;
- ретигуло-эндотелиал система ва эндокардга специфик антиген таъсири кўрсатади.

Хозиргина айтиб ўтилганлар қуйидаги ҳодисаларга олиб келади:

- иммунологик, түқима ва томир реактивлиги қайта қурилишига, бириктирувчи түқиманинг систем заарланиб, инфекцион-аллергик яллиғланиш жараёни пайдо бўлишига, специфик антителолар ҳосил бўлишига, секинлашган типдаги аллергик реакция шакллашишига;
- атоантигенлар ва атоантителолар ҳосил бўлишига, атоиммун агрессия ҳосил бўлишига;
- бириктирувчи түқиманинг тўрт босқичидан ёки фазалардан иборат тегишли патоморфологик ўзгаришларига (Талалаев В. Т., Струков А. И., Скворцов М. А., Грицман Н. Н., Aschoff): I — мукOID бўкиш; II — асосий модданинг фибринOID айниши ва некрози; III — Ашофф—Талалаев гранулемаси ҳосил бўлиши; IV — склероз — бириктирувчи түқиманинг ўсиб қалинлашуви.

Клиник манзараси. Ревматизм клиник кўринишларининг юзага чиққанлик даражаси касаллик фазасига (актив, активмас), жараённинг активлик даражасига, юрак пороклари борлигига, қон айланиси бузилиши босқичига ва бошқаларга алоқадор бўлади. 10-жадвалда ревматизмнинг А. И. Нестеров бўйича классификацияси келтирилган.

10-жадвал

Ревматизмнинг ишчи классификацияси ва номенклатураси

Касаллик фазаси	Заарланишининг клиник-анатомик таърифи			Қон айланиси ҳолати
	юракда	бошқа системалар ва органдарда	кечиш характеристи	
Активлиги I, II, III даражали	1. Бирламчи ревмокардит клапанлар пороги йўқ	Полиартрит сеозитлар (плеврит, перитонит, абдоминал синдром). Хорея, энцефалит, менингоэнцефалит церебрал ваккулит, нервпсихик бузилишлар	Ўткир ўртача ўткир Сурункали	H ₀ — қон айланиси етишмовчилиги йўқ
	2. Қайталама ревмокардит клапанлар (қай бир) пороги билан	Ваккулитлар, нефрит, гепатит, пневмония, тери зарланиши, ирит, иридоциклит, тиреоидит	Тўхтовсиз қайталанадиган Латент	I ₁ — I даражали етишмовчиллик II — II даражали етишмовчиллик
	3. Ревматизм юракда аниқ ўзгаришларсиз			

Касаллик фазаси	Заарланишнинг клиник-анатомик таърифи			Кон айланиш ҳолати
	Юракда юракда	Бошқа система- лар ва орган- ларда	Кечиши характеристи	
Актив мас	1. Ревматик миокардио- склероз 2. Юрак поро- ги (қандай)	Юракдан таш- қари бошдан кечирилган за- арланишлар- нинг оқибат- лари ва қол- дик ҳодисалар- и		H _{II} – III да- ражали етиш- мовчилик

I. Субъектив маълумотлар. Шикоятлари:

— нафас қисиши: характеристи (нафас олиш, нафас чиқариш қийинлашган, аралаш), қандай ҳолларда (типч тургандга, жисмоний ҳаракат билан боғлиқ, тез юришда, бўғилиш сезгиси ва б.). Буларнинг ҳаммаси миокарднинг заарланиш даражасига, юрак пороклари борлигига, қон айланishi бузилиши даражасига, ҳар хил асрорлар ёки организмнинг бошқа органлари ва системалари заарланишига боғлиқ;

— юрак уриши: доимий ёки жисмоний ҳаракат, ҳис-ҳаяжон, эмоция билан боғлиқ. Юрак уриши патогенези (юрак патологияси, церебрал, эндокрин бузилишлар ва б.).

— юрак соҳасида оғриқ: оғриқлар характеристи, давомлилиги, тарқалиши. Оғриқ синдромининг дифференциал диагностикаси (қовурғалараро невралгия, плеврал қатламланишлар, атеросклероз, стенокардия, миокард инфаркти, ваксулит ва б.);

— бўғимлардаги оғриқлар: оғриқларнинг характеристи, жойлашуви, шишиб чиқиш, қизариш, температура, оғриқларнинг кўчиб юриши, ҳаракат чекланиши;

— тери қопламлари ва кўриниб турадиган шиллиқ пардаларнинг ўзгариши (ревматик тугунлар, эритемалар ва ҳ. к.);

— тана температураси: температура эгри чизиги характеристи:

— бурун қонашига, қориндаги оғриққа, терлашга, иш қобилияти пасайишига, дармонсизлик, сержаҳлликка ва бошқаларга умумий шикоятлар;

— юрак етишмовчилигига, бўғилишга, яхши ухлай олмасликка, йўталга, қон туфлашга, ўнг қовурғалар остида оғриққа, баданга шиш келишига, диурез бузилишига ва бошқаларга (юрак етишмовчилиги ривожланганда) шикоятлар.

— ревматизмнинг юракдан ташқари кўринишларига хос шикоятлар.

Кўрсатиб ўтилган субъектив маълумотларнинг патогенези ва патофизиологик асослари, асосий жараённи аниқлашпа, умуман диагностикада уларнинг аҳамияти.

II. Субъектив маълумотлар анализи (мазкур касаллик анам-

нези — ўчоқли инфекция, совқотиши, шамоллаш билан алоқаси, касалликнинг бошланиши ва кечиши ва б.; ҳаёт анамнези — турмуш, меҳнат шароитлари, бошдан кечирилган касалликлар ва б.; бемор шикоятлари).

III. Объектив маълумотлар.

1. Кўздан кечириш: bemorniing ўриндаги вазияти (актив, бироқ полиартритлар бўлганида ва юрак етишмовчилиги ривожланганда мажбурий), нафас қисиши, bemorniing кўриниши, рангпарлик ёки акроциапоз, петехиялар, ревматик тугунлар, эритема, шишлар борлиги.

2. Бўғим синдроми: шишинқираш, қизиллик, температуранинг маҳаллий кўтарилиши, пальпация қилганида оғриқ, функционал бузилишлар, деформациялар, заарланишларнинг симметриклиги ва кўчиб юриши, даволанишга тез мойил бўлади.

3. Юрак заарланиши: юрак учи турткисининг, юрак чегараларининг ўзгариши, юракнинг бирор шорогига хос «мушук хуриллаши», систолик ва диастолик шовқин ва бошқа маълумотлар. Йулыс, артериал босим ўзгариши, аритмия борлиги, перикард ишқаланиши шовқиши (касаллик фазасига ва юрак клапан аппарати томонидан бўладиган асоратлар борлигига боғлиқ).

4. Ревматизмнинг юракдан ташқари кўринишлари:

— ўпка заарланиши — ревматик пневмония, қуруқ ёки экссудатли плеврит, ўпка инфаркти, димланиш бронхити, ўпка артериал склерози;

— сероз пардалар (перикардит, перитонит, плеврит, менингит ва ҳ. к.), меъда-ичак йўллари, қон яратилиш системаси (анемия, лейкоцитоз, нейтрофилез, СОЭ ошиши, биохимиявий ва иммунологик ўзгаришлар) заарланиши;

— жигар заарланиши — упинг катталашуви, оғриши, турли функцияларининг бузилиши ва ревматик гепатитдан далолат берадиган бошқа маълумотлар;

— буйрак заарланиши — протеинурия, микро-макрогематурия, цилиндрурея ва ўчоқли ёки диффуз гломерулонефрит, буйраклар инфарктининг бошқа белгилари;

— нерв системаси заарланиши — хорея, менингит, энцефалит, сержаҳллик, уйқу бузилиши, психик бузилишлар, ваксулитлар, томирлар тромбозлари;

— эндокрин система заарланиши: қалқонсимон без заарланиши — гипотиреоз; буйрак усти безлари заарланиши — гипотония, адинамия, гипогенитализм, инфантлилизм ҳодисалари; меъда ости бези инсуляр аппарати патологияси.

VII. Лаборатория ва бошқа маҳсус текшириш методлари маълумотлари.

— қон умумий анализи — СОЭ ошиши, нейтрофилез, лейкоцитоз, эозинофилия, гемоглобин ва эритроцитлар миқдорининг камайиши;

— биохимиявий ва иммунологик текширишлар — диспротеинемия (альбуминлар даражаси камайиши, альфа- ва гамма-глобулинлар миқдори ошиши), С-реактив оқсил пайдо бўлиши, чўйма синамалари

(мусбат), гиперфибриногенемия, мукопротеинлар, глюкопротеинлар, дифениламин, антигидролизин, антистрептолизин-О, антифибринолизин, гепаринни чўқтирувчи фракция, сиал кислоталар, серомукоидлар, тирозин миқдори ошиши, антикардиал антителолар ва лимфоцитлар бласт трансформацияси пайдо бўлиши;

— умумий сийдик анализи — солиштирма оғирлиги, сийдик синдроми;

— ЭКГ маълумотлари — тахикардия ва атриовентрикуляр ўтказувчанинг бузилиши, РQ интервали кенгайиши, титроқ аритмия, экстрасистолия, Т тишчанинг яссиланиши ва манфийлиги;

— ФКГ маълумотлари — тонлар, айниқса I тон сустлашиши, систолик ва диастолик шовқин, акцентлар борлиги ва уларнинг динамикаси (юракнинг зааралганлилариниң даражасига ва юрак пороклари борлигига боғлиқ);

— рентгенологик текшириш маълумотлари — юрак катталашуви, миокард қисқариш қобилиятининг пасайиши, пульсация, ўпка тасвири кучайиши (юракнинг зааралганлилариниң даражасига боғлиқ);

— капиллярлар ўтказувчанинг ошиши (мусбат Нестеров синамаси), капилляроскопия ва ретинофотография маълумотлари.

Диагностикаси. Диагностиканинг муваффақиятли чиқиши кўпгина омилларга, хусусан қўйидагиларга:

- 1) мазкур масалали назарий жиҳатдан чуқур билишга;
- 2) беморни таҳлил қилишда олинган натижаларни тегишили анализ қилишга;
- 3) Кисел — Жонс — Нестеров диагностик мезонларини билишга боғлиқ.

Ревматизм активлигининг диагностик мезонлари (А. И. Нестеров бўйича)

I. Асосий қўринишлари:

- а) кардит (эндомиокардит, перикардит);
- б) полиартрит;
- в) хорея;
- г) ревматик тери ости тугунлари;
- д) аинуляр эритема;

е) ревматик анамнез (касалликнинг стрептококкли бурун-ҳалқум инфекцияси билан боғлиқлиги, эпидемиологик омилнинг оила, мактаб, корхонадаги роли);

ж) синов даволаш.

II. Кўншымча белгилар:

A. Умумий белгилар:

- тана температураси кўтарилиши;
- адинамия, тез чарчаш, нижиқлик, беҳоллик;
- тери қонламларининг рангпарлиги, кўн терлаш;
- бурун қонапши, абдоминал оғриқлар.

B. Махсус белгилари, асосан лаборатория кўрсаткичлари:

1. Лейкоцитоз.

2. Диспротеинемия:

- а) СОЭ ошиши,
- б) гиперфибриногенемия;
- в) С-реактив оқсил (СРБ) пайдо бўлиши;
- г) альфа₁- ва гамма-глобулинлар даражаси ошиши;
- д) зардоб мукопротеидлари, глюкопротеинлар, глюкопротеидлар миқдори кўпайиши.

3. Патологик, иммунологик кўрсаткичлар (антистрептолизин-0, антистрептогиалуронидаза, антистрептокиназа титрлари ошиши).

4. Қон томир капиллярлари ўтказувчанинг ошиши (Лендис, Нестеров, Казначеевнинг мусбат синамалари).

5. Алоҳида зардоб глобулинлари пайдо бўлиши (Сачков В. Н., 1961).

Ревматик жараён активлиги даражасининг мезонлари (Нестеров А. И. бўйича).

1. Максимал активликдаги ревматизм: активлиги III даражали (сионими: ўтқир, аниқ ревматизм).

А. Клиник синдром:

а) панкардит;

б) ўтқир диффуз миокардит;

в) ўртacha ўтқир ревмокардит, ўтқир полиартрит, плеврит, пневмония, гепатит симптомлари билан бирга;

г) ревматик полиартрит.

Б. Рентгенологик текшириш маълумотлари: юракнинг тобора катталашиб борили ва антиревматик даволаш таъсири остида қайта ривожланадиган миокард қисқариш қобилиятининг наасиши.

В. ЭКГ ва ФКГ: ЭКГ да аниқ динамик ўзгаришлар (PQ интервали узайиши, экстрасистолия, диссоциация интерференция билан, титроқ аритмия); ФКГ — юрак тонларининг динамик ўзгаришлари, шовқинлар, акцентлар (юрак пороклари — алоҳида, қўшилиб келган, комбинацияланган пороклари борлигига боғлиқ).

Г. Қон системаси кўрсаткичларидаги ўзгаришлар: нейтрофил лейкоцитоз $10,0\cdot10^9/\text{л}$ ва бундан юқори; СОЭ — соатига $30\text{--}40$ мм, С-реактив оксил «+++» ёки «++++», фибриноген — $0,8\text{--}1\%$, альфа₂-глобулинлар — $12\text{--}14\%$ дан юқори, серомукоид — $0,8\text{--}2\%$, дифениламин $0,350\text{--}0,500$ бирлик.

Д. Серологик кўрсаткичлар: антистрептолизин-0, антистрептогиалуронидаза, антистрептокиназа титрлари нормадан юқори (8—5 марта).

Е. Капиллярлар ўтказувчалиги ошишининг II—III даражаси.

II. Ўртacha активликдаги ревматизм: активлиги II даражада (сионими: ўрта ўтқир, ишончи ревматизм).

А. Клиник синдром:

а) ўртacha ўтқир ревмокардит;

б) ўртacha ўтқир ёки хроник ревмокардит ўртacha ўтқир полиартрит, плеврит, ревматик хорея, ирит, тери ости ревматик тугунчалари, ҳалқасимон эритема билан бирга.

Б. Рентгенологик текшириш маълумотлари: юрак ўлчамлари катталашуви ва юрак конфигурацияси ўзгаришлари, плевроперикардиал битишмалар.

В. ЭКГ ва ФКГ: ЭКГ да динамик ўзгаришлар (PQ интервали узайиши, юрак тонларининг бошқа динамик ўзгаришлари, шовқинлари ва уларнинг динамикаси).

Г. Қон системаси кўрсаткичларидаги ўзгаришлар: нейтрофил лейкоцитоз $8,0\cdot10^9/\text{л}\text{--}10,0\cdot10^9/\text{л}$ атрофика, СОЭ — соатига $20\text{--}30$ мм, С-реактив оксил «+» — «++», α_2 -глобулин — $11,5\text{--}16\%$, γ -глобулин — $22\text{--}25\%$, дифениламин — $0,250\text{--}0,300$ бирлик, серомукоид — $0,3\text{--}0,8$.

Д. Серология кўрсаткичлар: антистрептолизин-0, антистрептогиалуронидаза, антистрептокиназа титрлари ошиши (1,5—2 марта баравар).

Е. Капиллярлар ўтказувчалиги; унинг II даражасигача ошиши.

III. Активлиги минимал ревматизм: активлигининг I даражаси (сионими: хроник, сурункали, узлуксиз-қайталанувчан, латент, шубҳали ревматизм).

А. Клиник синдром:

а) хроник, сурункали, узлуксиз-қайталанувчан, латент ревмокардит, одатда, даволашга ёмоп берилади;

б) хроник ревмокардит, ревматик хорея, энцефалит, ваккулит, ирит, тери ости ревматик тугунчалари, ҳалқасимон эритема, тузалиши қийин артralгиялар.

Б. Рентгенологик текшириш маълумотлари касалликтининг клиник-анатомик

Формасига боғлиқ ҳолда ҳар хил: бирламчи ёки қайталама ревмокардит, юрак шороги манзараси ва ҳ. к.

В. ЭКГ ва ФКГ: ЭКГ ва ФКГ даги динамик ўзгаришлар касалликнинг клиник-анатомик манзарасига боғлиқ ҳолда ғоят турли-туман.

Г. Қон системаси кўрсаткичларидағи ўзгаришлар: кам сонли ва ноаник, уларнинг даволаш жараёнидаги динамикаси, гамма-глобулинлар, серомукоидлар миқдори кўпайиши мумкин; дифениламин-форманинг юқори чегараси атрофида, СОЭ оз-моз ошган ёки пасайған (қон айланиши етишмовчилигига).

Д. Серологик кўрсаткичлар: нормал ёки бир оз ошган, бу — беморнинг иммунологик реактивлиги билан ҳам ва ўқоқли стрептококкли инфекция борлиги ёки йўқлиги билан ҳам белгиланади. Даволаш жараёнидаги кўрсаткичларнинг динамикаси муҳим.

Е. Капиллярлар ўтказувчанлигининг I—II даражада атрофида ошиши (капиллярлар ўтказувчанлиги кўрсаткичини пасайтирадиган шипслар бўлмаганда).

4) қуидаги касалликлар билан мақсадга йўналтирилган дифференциал диагностика ўтказиш:

— коллагенозлар (ревматоид артрит, систем қизил волчанка, систем склеродермия);

— сурункали септик эндокардит (эндокардитлар);

— миокарднинг яллигланиш касалликлари — инфекцион-аллергик миокардит. Абрамов—Фидлер идиопатик миокардити, дори миокардити, гриппоз миокардитлар ва б.;

— яллигланиш билан ўтмайдиган касалликлар — ҳар хил этиологияли миокардиодистрофия, тиреотоксикоз, диэнцефал синдром, туғма ўзгаришлар (пороклар ва юрак, аортанинг бошқа турдаги аномалиялари);

— перикард касалликлари — циевмонияда, сил, миокард инфарктида, турли коллагенозлар, аллергозлар, идиопатик миокардитларда перикард заарланиши;

— тож томирлар заарланиши — тугунчали периартериит, аллергик ваккулитлар, тож томирлар атеросклерози, захмда томирлар заарланиши;

— бўғим касалликлари — ревматоид артрит, бўғимлар ва сужакларнинг модда алмасишуви — дистрофик ўзгаришлар;

— меъда-ичак йўлларидағи хроник яллигланиш жараёнларида тонзиллоген, сил интоксикацияси, интоксикация (холециститлар, гижжа инвазиялари ва б.) билан;

— нейтроциркуляр дистония билан;

5) ревмокардитнинг асосий симптомларини билиш — юрак соҳасида оғриқ, юрак уриши, тахикардия, I тоннинг бўғиқлашшуви, систолик ва диастолик шовқин борлиги, перикардит симптомлари, юрак катталашшуви, экстрасистолия, тугун ритми, қон айланиши етишмовчилиги симптомлари;

6) Кисель-Жонснинг катта (артрит, кардит, хорея, тери остидағи апоневроз тугунчалари, аннуляр эритема) ва кичик (тана температураси кўтарилиши, артralгия, РQ интервали узайиши, СОЭ ошиши, С-реактив оқсил пайдо бўлиши) мезонларини билиш ва б.

Диагнознинг тахминий таърифи: 1) ревматизм, актив фазаси, активликинг III даражаси, бирламчи ревмокардит, ифодаланган

кардит, кечиши ўртача ўткир, митрал клапан етишмовчилиги. Күшилиб келгай касаллик — хроник декомпенсацияланган тонзиллит; 2) ревматизм, актив фазаси, активликнинг II даражаси, қайталама ревмокардит, ўртача кардит, кечиши ўртача ўткир митрал клапан етишмовчилиги. Ўчоқли нефрит. Күшилиб келган касаллик — хроник холецистит. Асоратлари — Н₁; 3) ревматизм, актив мас фазаси, митрал юрак пороги степоз устунылиги билан. Асоратлари — Н_{II}, титроқ аритмия.

Даволаш. Умумий плани: стационар, санаторий-курорт ва диспансер босқичлари.

Стационарда даволаш:

I. Этиологик даволаш: инфекция ўчоқларини йўқотиш, асосий инфекция — касаллик қўзгатувчисига қарши кураш.

II. Патогенетик терапия — десенсибилизация қиладиган ва яллигланишга қарши препаратлар қўлланиш:

1) салицилат кислота унумлари (ацетилсалацилат кислота, салициламид, кверсалин);

2) пироголон қатори унумлари (амидопирин, анальгин, бутадион, реопирин, пирабутол ва б.);

3) ҳар хил химиявий гурухлардаги постероид, яллигланишга қарши препаратлар (индолметацин, мефанамат кислота, бруфен);

4) глюкокортикоид препаратлар (преднизолон, триамцинолон, кортизон, дексаметазон ва б.) қуйидаги касалликларда ишлаплади:

— активлиги максимал (III) даражадаги ревматизмда, айниқса бирламчи ревмокардитда;

— қон айланиши бузилиши оғир босқичдаги қайталама ревмокардитда;

— ифодаланган кардит (панкардитда) да, полисерозит, пневмония кабиларда;

— жараёш давомли, узлуксиз-қайталаниб кечганда ва одатдаги антиревматик препаратлар билан даволаш наф бермагандা;

— атоинфекцияни бартараф этиш ва яллигланиш (аксарият) табиатидаги иккиламчи касалликлар қўшилишига йўл қўймаслик мақсадида параллел равишда антибиотиклар тайинланади;

— гормонал препаратлар фақат стационар шароитларида тайинланади;

5) хинолин унумлари — делагил, резохин, хлорохин, иммун де-прессантлар, антилимфоцитар зардблар. Гепарин, лагохилус қўлланиши.

III. Симптоматик, умуман мустаҳкамлайдиган даволаиш восита-лари, умумий гигиеник тадбирлар системаси. Огриқ қолдирадиган, юрак дорилари, сийдик ҳайдовчи дорилар, антикоагулянтлар (кўрсатмалар бўйича), аскорбинат кислота, В группа витаминалари, анаболик гормонлар, гемотрансфузия ва асосий жараёнга тортилган айrim органлар ва системалар функциясини яхшилашга қаратилган бошқа даволаш тадбирлари.

Санаторий-курортда даволаш:

- беморларни санаторий-курортларда даволашга кўрсатмалар ва монелик қиласидаги ҳоллар, йил фасллари, касаллик фазалари;
- курорт омиллари, bemorlarning яшаш жойларидағи курортлар;
- асосий курортлар (Кисловодск, Белокуриха, Сочи, Цхалтубо, Мацеста, Къримнинг Жанубий соҳили) қон айланиши бузилишлари борлигига ва босқичига кўра.

Профилактикаси. Ревматизм мос тадбирлардан фойдаланилган тақдирда профилактикаси таъсирчан касалликлар гуруҳига кири-тилади. Уни профилактика қилишининг икки тури тафовут қилинади:

— бирламчи профилактика — ревматизмнинг олдини олиш — бу ревматизм ривожланишининг олдини олишга (йўл қўймасликка) йўналтирилган тадбирлар; социал-соғломлаштирадиган тадбирлар, аҳолининг санитария-гигиеник маданияти савиясини ошириш, индивидуал профилактика чоралари — ўчоқли (стрептококкли) инфекцияларни санация қилиш ва ҳ. к.

— иккиласмчи профилактика — ревматизм қайталанишининг олдини олиш, оптимал ўтказиш муддатлари — баҳор ва кузда, медикаментоз ва йил бўйи профилактика қилиш (бициллин билан);

— ревматизм ва юрак этишмовчилиги қайталанишини профилактика қилиш учун айрим группалардаги bemorларни планли регоспитализация қилишининг аҳамияти (касалликнинг ёмон кечиши, юрак декомпенсацияси).

Контрол саволлар

1. Ревматизмни ўрганиш тарихи, «ревматизм» тушунчасини таърифлаш.

2. Касалликнинг тарқалиши тўғрисида таълимот, ёш ва жинс, иқлим шароитлари, турмуш ва меҳнат шароитларининг роли, ўчоқли инфекцияларнинг аҳамияти, нерв системаси ҳолати.

3. Ревматизм этиологияси ва патогенези тўғрисида замонавий назариялар.

4. «Ревматик жараён активлиги» тушунчаси ва уни аниқлаш методлари.

5. Ревматизм активлиги даражасининг мезонлари.

6. Гормонал воситалар қўлланилганда юз берадиган асоратлар ва уларнинг олдини олиш чоралари.

7. Ревматизмни юракдан ташқари кўринишлари диагностикаси.

8. Ревматизмни актив фазасида даволаш.

9. Бирламчи ва иккиласмчи профилактикасининг аҳамияти.

ЭНДОКАРДИТЛАР

Таърифи. Эндокардит — юрак ички пардасининг аксарият яллиғланиш характеристидаги заарланишидир. «Эндокардит» атамасини биринчи марта 1834 йилда француз врачи Буйо киритган, у касалликнинг иккита: хавфсиз ва хавфли формаларини фарқ қилган.

Г. Ф. Лапг таклиф қилган классификацияга биноан (1935 йилда

терапевтларнинг XII съездиде қабул қилинган) эндокардитлар қуидаги турларга бўлиниади: ўткир септик, ўртача ўткир септик, ревматик, оралиқ (ревматик ва септик эндокардитлар ўртасидаги), стафило-, пневмо- ва гонококк эндокардитлар ва этиологияси номаълум эндокардитлар. Кейинчалик эндокардитларнинг япги классификацияси қабул қилинган эди, бунга мувофиқ улар уч группага бўлишган:

1. Септик (бактериал):

- а) ўткир;
- б) ўртача ўткир — сурункали;

2. Ревматик:

- а) ўткир бирламчи;

б) қайталама;

в) латент;

г) даво қилинган (чандиқли);

3. Турли этиологияли эндокардитлар:

а) захмли;

б) сил; бруцеллёзи;

в) травматик (операциядан кейинги);

г) ревматоид артритдаги ва бошқа коллагенозлардаги эндокардитлар;

д) миокард инфарктидаги ва б.

Ҳозирги вақтда аксарият ревматик эндокардитлар учрайди, септик эндокардитлар эса тахминан 5—15% ҳолларда рўйхатга олинади.

ЎРТАЧА ЎТКИР (СУРУНКАЛИ) СЕПТИК ЭНДОКАРДИТ

Таърифи. Ўртача ўткир септик эндокардит — кўпгина органлар ва системаларнинг, айниқса эндокард, юрак клапан аппаратининг заарлапиши билан ўтадиган ўзига хос хроник касаллик. «Сурункали (ўртача ўткир) септик эндокардит» атамасини биринчи марта А. А. Остроумов ва А. П. Ланговой 1884 йилда клиник амалиётга киритишган ва улар бу касалликнинг мустақиллигини асосслаб беришган. Ўртача ўткир септик эндокардитда аортал клапан 82,5% ҳолларда, митрал клапан — 60% ҳолларда, уч тавақали клапан — 3%, митрал ва аортал клапан бир вақтда 42% ҳолларда заарланади.

Касаллик 6—75 ёшдаги кишиларда, аксарият 21—40 ёшда учрайди, касалланишнинг кўтарилиши 12—16 ёшда кузатилади, эрекклар аёлларга (40%) қараганда кўпроқ (60%) касалланадилар.

Статистик маълумотлар ва кузатувларнинг кўрсатишича, сурункали септик эндокардит билан касалланиш биринчи жаҳон уруши (1914—1918) ва иккинчи жаҳон уруши (1939—1945) даврида кўпайган, 1921 йилдан бошлаб ва 1948—1950 йилларда ўртача ўткир септик эндокардит билан касаллапиш кескин камайган, бу афтидан, организм қаршилигини ошиши, кучли антибиотикларни кенг қўлланиш, бу оғир касаллик ва ўчоқли инфекция билан курашиш нинг яхши йўлга қўйилгацлиги билан изоҳланади.

Ҳозирги вақтда сурункали септик эндокардит ва ревматизм ўр-

тасидаги ўзаро мұносабат түгрисидеги масала мұраккаблигича ва үзіл-кесіл ҳал қилинмаганича қолаялти. Бунинг сабаби шундаки, бу касалликлар учун клапан аппарати заарланиб юрак пороги ривожланиши, үчоқли инфекцияның иштироки хос. Улар сенсибилизацияланған организмда вужудға келади — носпептифик аллергик реакциялар, аутоиммун жараёнлар рүй беради. Ўртача ўтқир септик эндокардит түфма юрак пороклари фонида камдан-кам ва аксарынг турлы этиологиялы орттирилған юрак пороклари фонида (ревматизм, атеросклероз, захм, шикастланиш, комиссуротомиядан кейин) ривожланады. Бирок, ватапимиз ва хорижий тадқиқтчиларниң күпчилиги фикрича, касалликнинг маҳсус формаси мавжуд — бирламчи сурункали септик эндокардит ўзгармаган клапанлар фонида ривожланады.

Клиник маълумотлар ва назарий билимларни анализ қилиш асосида студент қўйидагиларни удалай олиши:

- 1) яллигланиш жараёнининг асосий жойипи (эндокард, миокард, жигар, буйраклар ва ҳ. к.) ва унинг характеристини (бирламчи ёки иккиласмачи) аниқлай олиши;
- 2) эндокардинг дастлабки ҳолатини, яъни эндокард ва клапан аппаратининг ўртача ўтқир септик эндокардит ривожланишига қадар ҳолатипи аниқлаши (бирламчи ўртача ўтқир септик эндокардитда эндокард бус-бутунлиги одатда бузилмаган, иккиласмчисида одатда бузилған — юрак пороклари);

3) бошқа органлар ва системаларниң заарланғанлитини (юрак клапан аппарати, жигар, тэлок, буйраклар ва б.) ҳисобга олган ҳолда текширишининг асосланған планини тузиши;

- 4) билимлар асосида диагнозни аниқлаши ва уни таърифлаб берishi:

— касалликнинг етакчи симптомлари ва синдромларини, қўшимча текшириш методларидан олинган маълумотларни;

— касалликнинг кечиш вариантларини, бошқа органлар ва системалар ҳолатини, асоратларни (кўпинча тромбоэмболик асоратларни);

5) жараённинг оғир-енгиллиги, касалликнинг кечиши, заарланған бошқа органлар ва системаларниң функционал имкониятларини ҳисобга олиб, асосланған даволаш тадбирлари планини тузиши;

6) санаторий-курортда даволаш ўтказиш имконияти, прогнози ва беморнинг меҳнат қобилиятини аниқлай олиши керак.

Этиологияси. Ўртача ўтқир септик эндокардит ривожланишида қўйидагилар муҳим аҳамиятга эга:

- ногемолитик яшиллантити्रувчи стрептококк;
- бошқа бактериялар, жумладан гемолитик стрептококк, стафилококк, пневмококк ва б. Макроорганизм реактивлиги ва микроборни патогенлігидаги ўзгаришлар;
- сурункали септик эндокардит ривожланадиган фон: бирламчи ёки иккиласмачи эндокардит (ҳар хил этиологиялы түфма ва орттирилған пороклар борлиги ва б.);

— бўлиб ўтган ҳар хил хирургик операциялар, қўшилиб кела-

диган касаллуклар, инфекция ўчоқлари (тонзиллит, отит, синуситлар, аднексит ва ҳ. к.).

Патогенези:

- инфекциянинг бирламчи ўчоги роли: тез-тез агина, ўткир респиратор касаллуклар, хроник тонзиллит, синуситлар, пневмонияларга учраш, холецистит ва бошқа инфекция ўчоқлари (аксарият стрептококкли);
- организм ўзгарган реактивлигидинг аҳамияти (иккиласмачи ўртacha ўткир септик эндокардитда);
- иккиласмачи септик ўчоқ, инфекциянинг гематоген тарқалиши;
- умумий ва тўқима иммунитети ўзгаришининг аҳамияти, организм табиий чидамиининг пасайиши (бўлиб ўтган урушлар даврида касалланишиниг ўсиш сабаблари);
- имкон берадиган (эксоген ва эндоген) омилларининг роли: бошдан кечирилган касаллуклар, интоксикациялар, шикастлар, психик ва жисмоний чарчаш, тез-тез аборт қилдириши ва б.;
- касалликнинг патогенетик фазалари: инфекцион-токсин, инфекцион-аллергик ва дистрофик.

Патологик анатомияси:

- эндокард, юрак клапан аппарати заарланиши (тромбоэмболитик, полипоз қатламланиш-қўшилишлар, полипоз-ярали, сўгалсимон-ярали эндокардит, клашанлар деформацияси ва б.);
- миокард заарланишлари (дистрофик, некротик ва яллиғли ўзгаришлар, айрим жойларида миокардиосклероз ҳодисалари);
- перикард ва томирлар заарланиши;
- бошқа органлар ва системалар томонидап (жигар, буйраклар, талоқ ва б.) тегишли ўзгаришлар (касаллик асоратлари бўлганда).

Клиник маизараси.

I. Субъектив маълумотлар ғоят хилма-хил ва тромбозлар, эмболиялар жойлашган ўрнига, юрак пороклари борлигига, юрак декомпенсацияси босқичига боғлиқ;

- иситма (температура эгри чизиғи характеристи: доимий, гектик, ремиттирловчи, «шам» кўринишнинг юқори температураси билан ўтиши ёки температуранинг пасайиши — терлаш билан;
- тери ёки шиллиқ пардаларшинг ўзгариши (сарғимтири тусли рангпарлик);
- баданинг турли қисмларидаги оғриқлар: бўғимлар, суюкларда, бел соҳасида (буйрак инфаркти), қоринда (ичактутқич артеријалари эмболияси), юрак, болдири мушаклари, қўл ва оёқларда (тож томирлар ва периферик томирлар эмболияси ва б.);
- терлаш, беҳоллик, тез чарчаб қолиш, бош оғриши, бош айланниши, уйқусизлик (ёки уйқучанлик), иштаҳа йўқолиши, меҳнат қобилияти пасайишидан шикоятлар (интоксикация даражасига боғлиқ);
- бирор турдаги юрак пороги, актив ревматизм, юрак декомпенсациясига хос шикоятлар (босқичига боғлиқ ҳолда).

II. Кўрсатиб ўтилган субъектив маълумотлар патогенези ва па-

тоғизиологик асослари. Бемор шикоятларига, анамнезига баҳо бериш, асосий жарайнни аниқлашда уларнинг аҳамияти.

III. Объектив маълумотлар.

1. Кўйдан кечириш:

— bemорнинг тўшақдаги вазияти актив, бироқ оғир интоксикация ёки юрак декомпенсациясида пассив ёки мажбурий;

— тери қопламлари ва кўриниб турадиган шиллиқ пардаларнинг ўзгариши (саргишамо рангпарлик — «сутли кофе» ранги, петехиялар — майда геморрагиялар, Лукин—Либмен симтоми, Ослер тугунчалари борлиги);

— кўй ва оёқлар тирноқ бўғимларининг ўзгариши — бармоқлар «ногора чўплари», тирноқлар — «соат ойналари» кўринишида (касаллик узоқ вақт кечганда).

— бўғимлар, суяқлардаги ўзгариш — оғриқ, периостит ходисалари, суяқ устки пардасида қон қўйилишлар ёки эмболиялар;

2. Юрак заарланиши:

— эндокард зааррланганда — юрак соҳасида оғриқ, тегишлича кечадиган юрак пороклари, коронаритлар борлиги;

— миокард зааррланганда — юрак бўлимлари гипертрофияси, тахикардия, тоналарнинг бўғиқлиги, юрак етишмовчилиги, аритмиялар ва ўчоқли, диффуз миокардит, миокардиосклероз, юрак порогининг бошқа белгилари;

— перикард зааррланганда — ишқаланиши шовқини ва заарланишининг бошқа белгилари;

— чап-ўнг қоринча ёки тотал юрак етишмовчилиги кўринишлари;

— томирлар зааррланниши, булар артериялар, веналар ва капиллярларда тромблар ҳосил бўлишида намоён бўлади (баданинг турли қисмларида тўсадан оғриқ пайдо бўлиши, перикард, плевра ва қорин пардаси ишқаланиши шовқини, қон туфлаш, гематурия, геморрагия, Кончаловский — Румпель—Лееде мусбат симтоми, «чимчилаш» симтомлари борлиги, Битторф — Тушинский синамаси ва б.).

3. Тромбоэмболик ва септик асоратлар натижасида бошқа органлар ва системаларнинг заарланиши:

— нерв системаси зааррланниши — гемипарез, гемиплегия, афазия, атаксия, менингит, энцефалит, полиневрит.

— буйраклар зааррланниши — альбуминурия, микро-макрогематурия, цилиндрурея ва ўчоқли ёки диффуз гломерулонефрит, амилоидоз ва буйрак инфарктининг бошқа белгилари, буйрак етишмовчилиги (кечиккан босқичларида);

— жигар зааррланниши — унинг катталашуви, сариқлик ва гепатит, жигар инфарктининг бошқа симтомлари;

— талоқ зааррланниши — унинг катталашуви, инфаркти ва фибрози, баъзан унинг йирипглаши, ички қон оқиши;

— меъда-ичак йўллари зааррланниши — оғриқлар, диспептик ҳодисалар, иштаҳа ёмонлиги, ичактутқич томирлари тромбози бўлиши мумкин;

— қон яратилиши органлари зааррланниши (гипо- ёки нормохром анемия, аксарият гемолитик анемия).

IV. Лаборатория ва бошқа текшириш методлари маълумотлари:

— умумий қон анализи — анемия, аксарият лейкоцитопения, камроқ лейкоцитоз нейтрофил чапга силжиш билан, тромбоцитопения, анэозинофилия ёки эозинопения, моноцитоз, СОЭ ошиши, гистоцитлар пайдо бўлиши;

— биохимиявий ва иммунологик силжишлар — диспротеинемия, гипоальбуминемия, гипергаммаглобулинемия (альбумин-глобулин коэффициенти пасайиши), коллоид реакциялар — тимол, суллема, формол, Вельтман, Вассерман ва бошқа реакцияларнинг мусбат натижалари, антигигиалуронидаза миқдори ошиши, антистрептолизин-О нинг ноаниқ ўзгариши ва б.;

— қон экмаси натижалари (бактериялар — кўпроқ яшиллатувчи стрептококк ва б.);

— ЭКГ ва ФКГ маълумотлари — тоналарниң пасайиши, шовқинлар, акцентлар борлиги, ритм бузилиши — экстрасистолия, титроқ аритмия, ҳар хил даражадаги блокадалар, ишемия, гипоксия (порок тури ва эндомиокардийнинг заарланиши даражасига кўра);

— рентгенологик текшириш маълумотлари юрак порогининг турига ва миокард заарланишининг даражасига кўра.

Ўткир ва ўртача ўткир септик эндокардитнинг қисқача таърифи

Ўткир септик эндокардит (одатда сепсиснинг юзага чиқиши) ҳамма эндокардитларнинг 1 фойизгача қисмини ташкил қиласди. Аксарият операциялар, абортлардан кейин, организмда йирингли ўтоқлар бўлганда пайдо бўлади ва гемолитик ва яшиллатувчи стрептококк, стафилококк, камроқ бошқа бактериялар (ичак таёқчаси, энтерококклар) томонидан қўзғатилади.

Касалликнинг клиник белгилари умумий сепсис симптомокомплексини эслатади: аҳвол оғир, эт жунжикади, тана температураси юқори, терлаш, юрак чегаралари кенгайиши, митрал, аортал ва трикуспидал клапанларниң заарланиш аломатлари, гипотензия, тромбоэмболия белгилари, петехиал тошмалар, талоқ, жигар катталашуви, гематурия, йирингли перикардит ва плеврит белгилари; авж олиб борадиган анемия манзараси, лейкоцитоз билан нейтрофилли силжиш борлиги, СОЭ ошиши.

Ўткир септик эндокардит қечишининг бир неча вариантлари тафовут қилинади: псевдотифоз, септикоиемик, тифсимон ва б. Прогноз нисбатан оғир ва кўп жиҳатдан асосий жараёнга, касаллик қечишига ва ўз-ўзидан равшанки, рационал давонинг ўз вақтида бошланишига боғлиқ. Ҳозирги вақтда кучли антибиотиклар мавжудлиги ва қўлланилиши муносабати билан прогноз бирмунча ўзгарди ва нисбатан яхши бўлиб қолди. Турли-туман пороклар шаклланиши (аксарият аортал етишмовчилик), юрак декомпенсацияси ва тромбоэмболик асоратлар ривожланиши эҳтимол.

Даволаш умуман сепсисдаги каби — микробнинг антибиотикларга сезувчанлигига боғлиқ ҳолда антибиотикларнинг катта дозалари, дезинтоксикацион терапия, десенсибилизация қиласидиган, умуман

құвватлантирадиган препаратлар, юрак мушаклари метаболизмини яхшилайдиган дорилар, күрсатмалар бўлганда: юрак дорилари, сийдик ҳайдовчи, томир дорилари ва бошқалар; сабаб бўлган омилни, иириングли инфекция ўчоқларини ва бошқаларни даволаш.

Ўртача ўткир (сурункали) септик эндокардитинг кечиши: ўткир ёки хавфли, ўртача ўткир, хроник ва хроник қайталанадиган.

Асоратлари: ҳаётий муҳим органлар томонидан тромбоэмболик ҳодисалар; юрак-томирлар ва буйрак етишмовчилиги, паренхиматоз органлар (жигар, талоқ, буйраклар, ўпка ва б.) нинг септик заараланиши, қон оқиши, анемия.

Диагностикаси. Касалликнинг кўпчилик ҳолларда тромбоэмболик асоратларга боғлиқ бўлган турли-туман кўринишлари туфайли мазкур касаллик диагностикаси (айниқса бирламчи сурункали септик эндокардитда) катта қийинчиликлар туғдиради. Диагностиканинг муваффақиятли чиқиши қуидагиларга:

- мазкур масалани назарий жиҳатдан етарлича тушуниш;
- беморни таҳлил қилаётганда олинган маълумотларни тегишлича анализ ва синтез қилиш;
- касалликнинг асосий диагностик мезонларини билиш;
- айрим касалликлар: актив ревматик жараён, миокардитлар, катта коллагенозлар; этиологияси турлича юрак пороклари (аксарият митрал, аортал ва ҳ. к.); диффуз токсик буқоқ; атеросклеротик кардиосклероз; аорта атеросклерози, буйраклар, жигар касалликлари; беззак, бруцеллёз, туберкулёз, ўткир инфекцион касалликлар (грипп, терлама, пневмония, ўткир септик эндокардит); қон касалликлари (лейкозлар, геморрагик диатезлар ва б.) билан тўғри дифференциал диагностика ўтказишга боғлиқ.

Диагнознинг тахминий таърифи:

1) бирламчи сурункали септик эндокардит, диффуз миокардит, диффуз гломерулонефрит. Қўшилиб келган касаллик — хроник де-компенсацияланган тоңзиллит. Асоратлари — Н_{IIA}.

2) сурункали септик эндокардит (иккиласмчи). Митрал юрак пороги стеноз устунилиги билан, коронарит. Асоратлари — Н_{IIA}. Титроқ аритмия.

3) сурункали септик эндокардит (иккиласмчи). Комбинацияланган митрал-аортал юрак пороги (етишмовчилик устун бўлган митрал порок ва аорта клапанлари етишмовчилиги). Қўшилиб келган касаллик — тиш кариеси. Асоратлари — Н_{IIB}, пневмония, экстрасистолия.

Даволаш комплекс, специфик ва индивидуаллаштирилган бўлиши керак:

— индивидуаллаштирилган у ёки бу препаратларни танлашда, уларни дозаларга тақсимлашда bemorlarning umumiy aҳволига, ҳаётий муҳим органлар ва системаларнинг функционал ҳолатига, касаллик фазасига, кечиш босқичлари ва вариантларига, қўзғатувчининг тури ва антибиотикларга чидамига асосланиб иш кўриш лозим;

— агар қўлланиладиган препарат специфик (шу қўзғатувчига

қарши) таъсирга эга бўлса, bemor қонида препаратнинг доимий концентрациясини таъминлайдиган етарлича дозада бўлса, агар даволаш бактериологик ва клиник соғайиш юз бергунча узоқ вақт ўтказилса, специфик даволаш эрта бошланганда (жиддий асоратлар ривожланишига қадар) муваффиқиятли тугаси мумкин;

— даволаш комплексига антибактериал, яллигланишга қарши, десенсибилизация қиласидиган, дезинтоксикацион, кардиотоник, метаболик, антианемик, умумий қувват берадиган воситалар, хирургик методлар киради.

1. Антибактериал ва яллигланишга қарши даволаш антибиотиклар ва сульфаниламид препаратлар билан олиб борилади. Антибиотиклар қуйидаги: пенициллин+стрептомицин, метациклин+ампициллин ёки оксациллин+цефорин ва ҳ. к. комбинацияларда қўлланилади. Уларниң дозасини ипдивидуал белгиланади. Ўртacha ўткир септик эндокардитнинг узоқ муддат (5—7 йилгача) тез-тез қўзишлар ва ремиссиялар билан кечишини ҳисобга олиб, катта дозаларда ва узоқ даврта (камида 45 кун) тайинланади. Антибиотикларнинг суткалик дозаси 2—3 млн дан 10 млн ТБ гача ва бундан юқори: канамицин (1,5 г), метициллин (8—12 г), оксациллин (4—6 г), ампициллин (12 г гача) цефорин (4—6 г), гентамицин (240 г гача). Шунингдек пенициллин, левомицетин, террамицин, тетрациклин, биомицин, рифампицин, ампиокс, стрептомицин+колимицин (брүцеллёз этиологияяда), левомицетин+стрептомицин (агар ичак таёқчиаси қўзғатган бўлса) тайинланади.

Антибиотикларнинг глюокортикоидлар, стафилококк анатоксини (стафилококк этиологияяда), узоқ таъсир қиласидиган сульфаниламидлар билан комбинацияси хам тавсия қилинади.

2. Яллигланишга қарши воситалар сифатида салицилатлар, амидопирин, бутадион, индометацин, бруфен ва бошқалар қўлланилади.

3. Десенсибилизация қиласидиган ва яллигланишга қарши препаратлар сифатида глюокортикоидлар — преднизолон, триамцинолон, урбазон, дексаметазон ва бошқалар тайинланади.

4. Ўзоқли инфекцияга қарши кураш.

5. Умуман қувватга киритадиган ва дезинтоксикацион терапия организм чидамини оширишга, заарланган органлар функциясини яхшилашга қаратилган: оқсили суюқликлар, плазма, қоп қўйиш, В, С, Й ва бошқа группаларга тааллуқли витаминалар.

6. Зарурат бўлганда юрак дорилари, сийдик ҳайдовчи воситалар, қон яратилишини рағбатлантирувчилар, томирлар деворини мустахкамловчи дорилар қўлланилади.

7. Овқати — 15-номерли парҳез, юрак етишмовчилиги ривожланганда — 10-номерли парҳез, буйрак етишмовчилигида — 7-номерли парҳез.

8. Хирургик даволаш методлари (кўрсатмалар бўйича).

Сульфаниламидлар ва антибиотиклар пайдо бўлгунга қадар ўртacha ўткир септик эндокардитда прогноз умид қилиб бўлмайдиган эди. Ҳозирги вақтда ҳам у касалликнинг оғирлиги сабабли, айниқса

қўшилиб келадиган, аксарият эса комбинацияланган юрак пороклари шаклланганда ва оғир тромбоэмболик асоратлар ривожланганда жиддийлигича қолмоқда. Септик эндокардитларда леталлик, В. Х. Василенко маълумотларига кўра (1983), ҳанузгача 20 фойздан ошади. Даволашнинг кўп муддат ўтгандан кейинги натижаларини текшириш (етарли даражада кучли антибиотиклар ва гормонал препаратлар билан) беморларнинг 1/3 қисмидагина соғайиш юз беришини, 1/3 қисм беморлар юрак етишмовчилиги ва ҳар хил тромбоэмболик асоратлардан ўлишини, 1/3 қисми эса ўртача ўткир септик эндокардитнинг қолдиқ ҳодисалари билан оғишини кўрсатди (бирга келган ва комбинацияланган юрак пороклари ва ҳаётий муҳим органлар томирларида эмболиялар).

Профилактикаси: социал-соғломлаштириш тадбирлари (аҳолининг санитария-гигиеник маданияти даражасини ошириш, спорт билан шуғулланиш, организмни чиниқтириш ва б.), ҳар хил инфекция ўчоқларини ўз вақтида даволаш, юрак порокларига олиб келадиган ревматизм ва бошқа касалликларнинг олдини олиш, тутма юрак порокларини ўз вақтида хирургик даволаш (маълумки, ўртача ўткир септик эндокардит асосан орттирилган ва тутма юрак пороклари фонида ривожланади); ревматизмнинг қайталанишига қарши ўз вақтида даво тадбирлари кўриш.

Контрол саволлар

1. Этиологияси ва патогенезини ўрганишнинг ҳозирги замондаги аҳволи.
2. Ревматизм ва ўртача ўткир септик эндокардитнинг ўзаро муносабати тўғрисидаги замонавий маълумотлар.
3. Эндокардитда фон ҳолатининг аҳамияти, ўчоқли инфекцияларнинг аҳамияти.
4. Ўртача ўткир септик эндокардитнинг таърифи.
5. Етакчи симптомлари ва синдромлари бўйича асосий жараёпни диагностика қилиши.
6. Сурункали септик эндокардитда юракнинг заарланиш хусусиятлари.
7. Бошқа (паренхиматоз) органлар ва системаларнинг заарланиш хусусиятлари, уларнинг диагностикаси.
8. Септик эндокардитнинг лаборатория диагностикаси.
9. Шу касалликдан тузалиб кетиш мезонлари.
10. Ўртача ўткир септик эндокардит прогнози.

МИОКАРДИТЛАР

Таърифи. Миокарднинг нокоронаролен касалликларининг катта гуруҳини ташкил этадиган миокардитлар юрак мушагининг яллиғланиш характердаги заарланишлари бўлиб, улар бевосита инфекция, протозой ва паразитар инвазиялар, химиявий ва физик таъсирлар билан алоқадор бўлади, шунингдек аксарият аллергик ва атоиммун касалликлар фонида вужудга келади. «Миокардит» терминини 1837 йилда Sobernhein таклиф қилган эди.

Умуман юрак мушагининг заарланишига доир турли масалаларга, хусусан миокардитларга Stoces (1854), Virchow (1954), С. С. Абрамов (1897), П. Н. Юренев (1967), В. Я. Максимов (1979), Я. Л. Рапопорт (1960, 1968), М. М. Теодори (1962), А. А. Кедров (1963), Н. Р. Палеев автордошлари билан кўп аҳамият берганлар. Бироқ бу муаммоларнинг кўп жиҳатлари етарлича ўрганилмай қолаяпти. В. Х. Василенко фикрича (1960), «ҳар бир инфекцион касаллик уни қайси қўзгатувчи (микроб, вирус ва б.) келтириб чиқарганидан қатъи назар, миокардит билан асоратланиши мумкин».

Core ва Saphir (1947) йирик стационарларда даволанган 68000 нафар беморлар орасида миокардитли беморлар 0,02% ни ташкил этганлигини хабар қиласди. Alexandre (1966) маълумотларига кўра миокардитлар ҳамма юрак касалликларининг 2,4% ни, В. А. Максимов (1970) бўйича терапевтик касалликларнинг 1,2—1,3% ни ташкил этади.

Chapelle, Rossman (1954) маълумотлари бўйича, инфекциялардан ўлган шахсларда миокардит 3,3—7,8% ҳолларда аниқланади; Л. В. Иевлева кузатувларига кўра (1975) поревматик миокардитлар юрак-томирлар касалликларидан ўлганларнинг 4—9% да, Medau (1972) маълумотларига кўра аутопсияларнинг умумий сонидан 3—10% ни ташкил этади. В. Сумароков ва В. С. Моисеев (1978) кузатувларига биноан миокардитнинг морфологик белгилари юрак патологиясининг олдиндан келадиган клиник белгилари сиз тасодифий сабаблардан ўлган одамларнинг деярли 3% да топилган.

Кардиология соҳасида энг янги текшириш методлари жорий қилиниши муносабати билан миокардитлар диагностикаси бирмунча яхшиланди. Статистика маълумотларига кўра ҳозирги вақтда миокардит билан касалланишининг муайян ўсиши қузатиляпти, шу билан бирга қўргина тадқиқотчиларнинг фикрича, бу ҳол инфекцион-аллергик, аллергик ва бошқа миокардитлар ҳисобига юз бераяпти. Аллергик келиб чиқадиган миокардит билан касалланишининг ўсиши айrim препаратларни (антибиотиклар, оқсил препаратлари ва б.) кепг ва асоссиз қўлланиш, қишлоқ хўжалигига экинларга ҳар хил заҳарли химикатлар билан ишлов беришда гигиена нормаларига амал қилмаслик, актив иммунлаш ва тез-тез реиммунлаш, саноатнинг жадал ривожланиб бориши, урбанизация, регионда экологик шароитнилг ёмонлашиши билан бөғлиқ.

Қўйида Н. Р. Палеевнилг ўз муаллифдошлари билан таклиф қилган миокардитлар класификациясини (1982) келтирамиз.

Миокардитлар класификацияси

Этиологик таърифи	Патогенетик variantлар
Вирусли (грипп, Консаки, ЕCHO вируслари, полиомиелит ва б.)	Инфекцион ва инфекцион токсик
Инфекцион (дифтерия, скарлатина, сил, ич терлама ва б.)	

Этиологик таърифи	Патогенетик вариантлар
Спирохетоз (захм, лептосириоз, қайталама терлама) Риккетсиоз (тошмали терлама, Кү иситмаси) Паразитар (токсоплазмоз, Чагас касаллиги, трихинеллез) Замбуругли (актиномикоз, кандидоз, кокцидиомикоз, аспергиллез ва б.) Инфекцион-аллергик Идиопатик Дори-дармонга оид Зардобга оид Нутритив	Аллергик (иммунологик)
Бириктирувчи тўқималарниң систем касалликларида Бровхикал астмада Лайелл синдромида Гуднасчерь синдромида Кўйишга оид Трансплантацион Тиреотоксик Уремик Алкоголга оид	Токсик-аллергик
Патогенетик фазаси	
Инфекцион-токсик Иммун аллергик Дистрофик Миокардиосклеротик	
Морфологик таърифи	
Альтератив (дистрофик-некробиотик) Экссудатив-пролифератив (интерстициал): а) дистрофик; б) язлиғи-инфилтратив; в) аралаш; г) васкуляр	
Тарқалганлиги	
Ўчоқли, диффуз	
Кечини	
Ўткир, абортив, қайталанувчи, яширин кечадиган, хроник.	
Клиник варианлари	
Кам симптомли, соxта коронар, декомпенсацияланган, аритмик, соxта клапанли, тромбоэмболик, аралаш.	

Кўрсатиб ўтилган мавзуу бўйича студент қўйидаги масалаларни ҳал қила олиши керак:

1. Патологик жараён жойлашган соxани (юрак, плевра ва б.) аниқлаш.

2. Патологик жараён табиатини (яллиғли, томир, функционал ва б.) ва унинг моҳиятини аниқлаш.

3. Таҳлил қилинаётган беморни тегишлича текшириш ва олингандан маълумотларни мантиқан анализ қилиш.

4. Таҳлил қилинаётган bemорда қуидагиларни ҳисобга олиб диагнозни аниқлаш ва уни батафсил түгри таърифлаб бериш:

— миокардитларнинг етакчи симптомлари, синдромлари, диагностик «мезонларини» билиш ва уларни ажрата олиш;

— миокард этиологияси, кечини варианatlари (ўткир, хроник ва б.), заарланиш даражаси (ўчоқли, диффуз), юрак декомпенсацияси борлиги ва унинг босқичлари;

— миокардитни юрак-томирлар системасининг бошқа касалликларидан унинг клиник, биохимиявий ва бошқа белгиларига биноан ажрата билиш;

— илмий асосланган даво тадбирларини тайинлаш, прогнозни аниқлаш, меҳнат экспертизаси ўтказиш ва б.

Мавзу бўйича асосий фикрларни ёритишда студентларга бериладиган зарур саволлар рўйхати.

Этиологияси

1. Олимларнинг миокардитлар этиопатогенезига доир ҳозирги қарашлари.

2. Турли-туман инфекциялар, вируснинг ўрни (сепсис, скарлатина, менингит, броун-ўнка системаси, бурун-ҳалқум касалликлари).

3. Спирохетоз, риккетсиоз, паразитар, замбуругли ва бошқа касалликларнинг аҳамияти.

4. Мойил қиласидаган омиллар (ташқи муҳит, экологик шароит, совқотиц, чарчашиб ва аутонинфекция «жонланишига», хроник инфекция ўчоқлари қўзишига сабаб бўладиган бошқа омиллар) аҳамияти.

5. Денатурланган ёки ёт оқсиллар каби ноинфекцион омиллар, дори воситалари, токсинли моддалар, аллергик омиллар таъсирининг аҳамияти.

Патогенези ва патологик анатомияси

1. Организмнинг инфекцион ва поинфекцион табиатли турли оқсил маҳсулотларига сенсибилизацияси.

2. Иммунологик, тўқима ва томир реактивлигининг қайта қурилиши, инфекцион-аллергик, токсик-аллергик жараён вужудга келиши, специфик антителолар ҳосил бўлиши, секинлашган типдаги аллергик реакция шаклланиши.

3. Аутоантителолар ва аутоантителолар ҳосил бўлиши, аутоиммун агрессия, чуқур иммунологик силжишлар ривожланиши.

4. Томирлар ўтказувчалиги бузилиши.

5. Миокард паренхиматоз ва интерстициал тўқимасида тегишли (жараён этиологиясига кўра) морфологик ўзгаришлар:

— томирларга тегиб турган юрак мушаги бирютирувчи тўқи-

- миокард толаларининг дегенератив ўзгаришлари (мукOID бўкин), мумсимон айниши, ҳужайра инфильтрацияси;
- яллигли-инфилтратив, дистрофик (миолиз) ва чандиқли ўзгаришлар (миокардиосклероз) ва б.

Клиник маңзараси

Касалликнинг клиник белгилари ғоят турли-туман ва этиологик омилларга, жараённинг кечиши варианtlарига, юрак декомпенсацияси босқичига бевосита боғлиқ. Ушбу кичик бўлимда касаллик клиникасини этиологик моментга кўра ёритамиз, яъни умуман миокардитларнинг ўзига хос белгиларини келтирамиз.

I. Субъектив маълумотлар*

1. Юрак соҳасида оғриқ:

— оғриқ синдроми характери ва кучи (сурункали, симиллайдиган, санчийдиган, босадиган характерга эга, аксарият доимий, валидол, шитроглицерин қабул қилганда босилмайди, кўпинча салбий эмоцияга, сутка вақтига боғлиқ бўлмайди, баъзан жисмоний ҳаракатда кучаяди, одатда тарқалмайди.

2. Нафас қисиши: бўлмайди, жисмоний ҳаракатда, тинч турганда ёки «бўғилиш» типи бўйича пайдо бўлади (миокард диффуз заарланганда, юрак етишмовчилиги бўлганда).

3. Юрак уриши, юрак ишида ўзгаришлар, юрак ритми ва ўтказувчанлиги бузилишининг бошқа белгилари.

4. Тана температураси субфебрил рақамларгача ошиши, тез чарчаш, иш қобилияти пасайиши, дискомфортлик сезгиси, кўп терлаш, бош оғриги, бош айланishi, мушакларда, бўғимларда оғриқ ва патологик жараён этиологияси, даражаси ва юзага чиққанлигига, бошқа органлар ва системаларнинг ҳолатига боғлиқ бошқа белгилар юз бериши мумкин.

II. Олингани субъектив маълумотларни мантиқан мұхокама қилиши анамнезни пухта анализ қилиши (шамоллаш, «грипп», совқотиши, дори ичиши, қоқшолга қарши зардоб юбориш, заҳарли химикатлар билан ишлов бериш билан алоқаси).

III. Объектив маълумотлар

1. Умуман кўздан кечириш: жараённинг оғир-енгиллигига кўра беморнинг умумий ҳолати ва вазияти ҳар хил, тери қопламлари рангиарлiği, кўп терлаш, цианоз, нафас қисиши, оёқларга шиши келиши ва аллергик ҳолатнинг бошқа белтилари (аллергик келиб чиққан миокардитда).

2. Юрак-томирлар системаси

- юрак соҳаси (одатда нормадан силжишлар йўқ);
- юрак учидаги туртки ўзгармайди ёки чацга — пастга силжиған;

— юрак нисбий тўмтоқлиги чегараси: чацга, эҳтимол юқорига ва ўнгга гипертрофия (юрак диффуз заарланганда, идиопатик миокардитда ва б.);

— юрак тонлари ўзгариши, юрак ритми ва ўтказувчанлиги бузилиши (тонларнинг иккига бўлиниши, парчаланиши, I тои сусайиши, ўтказмайдиган — «мушак» систолик шовқини, экстрасистолия, баъзан титроқ аритмия, пароксизмал тахикардия, ўтказувчанликнинг ҳар хил дараражада бузилиши, маятниксимон ритм аниқланади);

— пульс: одатда тўлиқлиги кам, тахи- ёки брадикардия ва б.;

— артериал босим; гипотония, томир етишмовчилигига мойиллик хос (хушдан кетиш, коллапс).

3. Бошқа органлар ва системалар, хусусан ўпка томонидан патологик силжишлар (перкутор товуш қисқариши, димланишдан пам хириллаган товушлар, балғамли, эҳтимол қон туфлаш билан ўтадиган йўтал); миокард оғир заарланиган ҳолларда жигарда (ўлчамлари катталаниши, ўнг қовургалар остида оғриқ); меъда-ичак йўлида (диспептик ҳодисалар, қоринда ёқимсиз сезги, қорин бўшилигда озод суюқлик борлиги); буйракларда олигурия, протеинурия, микрогематурия каби бошқа патологик силжишлар кузатилади.

IV. Лаборатория, биохимиявий ва инструментал текшириш маълумотлари:

— периферик қоп: ўзгаришлар минимал ва этиологиясига боғлиқ, хусусан лейкоцитоз, эозинофилия, лимфоцитоз ёки лимфоцитопения, СОЭ тезлашуви, ўртача камқонлик, нейтрофиллар шикастланиши кўрсаткичлари, лейкоцитлар ферментатив активлиги ўзгариши кузатилади;

— сийдикда ўзгаришлар аксари кузатилмайди, ўнг қоринча етишмовчилиги бўлганда «димланган» буйрак белгилари (оз-моз протеинурия, микрогематурия);

— биохимиявий ва иммунологик силжишлар касалликнинг айрим клиник формалари учун хос (диспротеинемия альфа ва гамма-глобулинлар ошиши билан, фибриногенемия, ДФА, сиал кислоталар, серомукоид, АСГ, АСЛ-0 миқдори ўртача ошиши, давомли дисферментемия — айниқса лакто дегидрогеназа ва улар изоферментлари, трансаминаза активлиги ўзгариши, гипергистаминемия, кипин системаси активланиши, қон зардобида антикардиал антителолар борлиги: мусбат бласттрансформация реакцияси, розетка ҳосил қилиш реакцияси пасайиши ва б.);

— электрокардиографик текшириши. У диагностиканинг ижебатан ишончли методи ҳисобланади. Мутахассисларнинг кузатувлари ва адабий манбалар кўрсатишича, миокардитларда ЭКГ маълумотлар ғоят турли-туман ва жараённинг дараражаси ва оғир-енгиллигига, юрак ўтказувчи системасининг заарланишига, бипобарии, заарланиши ўчаги жойлашган соҳага боғлиқ. Айрим ҳолларда ЭКГ даги ўзгаришлар миокардитнинг бирдан-бир белгиси ҳисобланади, бироқ фақат ЭКГ маълумотларига асосланни миокард табиатини фарқ қилиш мүмкун бўлади. Ҳар қандай сабабдан келиб чиққан миокардитлар ЭКГ да S—T нинг пастга силжиши, Т тишча инверсияси, QRS комплексининг тишчали бўлиши, R тишча вольтажи пасайиши кўринишидаги ўзгаришлар, ритм бузилишининг ҳар хил кўрсаткичлари (автоматизм функцияси бузилиши, экстрасистолия, титроқ арит-

мия, пароксизмал тахикардия) билан ўтиши мумкин. Атриовентикуляр үтказувчанликнинг пасайиши ($P-Q$ интервали узайиши) бирмунча характерли ҳисобланади. Вольф — Паркинсон — Уайт синдроми тики бўйича нотулиқ ёки тўлиқ кўндаланг блокада пайдо бўлиши идиопатик миокардит учун хос. Гис дастаси ва улар тармоқлари блокадаси кузатилади, камдан-кам ҳолларда эса ЭКГ миокард инфаркти маңзарасини эслатади;

— фонокардиографик текшириш (юрак тонларининг турли-туман ўзгаришлари, I тоннинг бирмунча характерли ҳолатлари — унинг пасайиши, аксари юрак учида систолик шовқин борлиги);

— рентгенологик текшириш (юракнинг аксари чап қоринча ҳисобига «митрал конфигурация» тики бўйича кўндалигига кенгайиши, ўпкада димланиш ҳодисалари, ўпка илдизи кенгайиши ва б.);

— юрак рентгенокимографияси, марказий гемодинамикани радиоизотоп метод ёрдамида аниқлаш, эхокардиография каби замонавий инструментал методлар бирмунча қимматли натижалар беради. Текширишининг кўрсатиб ўтилган методлари миокарднинг қисқариш функцияси ҳақида хулоса чиқариш, юрак етишмовчилигининг ilk (яширин) формаларини аниқлаш, миокардитни юракнинг бошқа қасалликларидан (юрак пороклари, кардиомиопатиялар ва б.) ажратта олишга ёрдам беради.

Турли этиологияли миокардитларнинг қисқача таърифи

1. *Инфекцион-аллергик миокардит.* Қасалликнинг бошқа формаларига қараганда кўпроқ учрайди, кўп ҳолларда ўчоқли ва хавғисиз характерга эга. Қасалликнинг ривожланиши турли инфекциялар билан боғлиқ.

Н. Р. Палеев билан ҳаммуаллифлари маълумотларига кўра (1982) миокардит бевосита инфекция даврида 45,1% беморларда, 2 ҳафта ўтгач — 37,3%, 2 ва бундан кўпроқ ўтгандан кейин 5,5% беморларда кузатилади. Қасаллик клиникаси у ёки бу инфекция белгилари билан бирга бизга маълум бўлган симптомокомплекслар ва юрак заарланишига, аниқроғи инфекцион-аллергик миокардитга хос белгилар билан юзага чиқади.

2. *Идиопатик миокардит.* Бу формасининг этиологияси ва патогенези охиригача аниқланмай қолаяпти, бироқ ҳозирги вақтда унинг Я. Л. Раунорт таърифлаб берган аллергик келиб чиқишини эътироф қиласидаги тарафдорлари кўп.

Диагностикаси қийин, инфекцион-аллергик миокардитга қараганда 4—5 марта кам учрайди.

Идиопатик миокардит клиник белгиларининг полиморфлиги (асистолик, аритмик, тромбоэмболик, сохта коронар, сохта клапанли, аралаш вариантлари), миокарднинг чуқур ва диффуз заарланилиги, оғир кечиши, тез орада юрак етишмовчилиги ривожланиши, сезиларли лаборатория, биохимиявий ва иммунологик силжишлар, терапияяга резистентлик, прогнознинг ёмонлиги билан ажralиб туради.

3. Тиреотоксик миокардит. Ушбу ҳолда, клиник тиреотоксикоз клиникаси билан бирга (күз чақчайиши, буқоқ, тахикардия ва б.), миокардит ва юрак етишмовчилиги учун хос симптомлар бўлади. Диагностикада қунт билан йигилган анамнез, касалликнинг кечиши, асосий алмашинувни текшириш, қалқонсимон безни текширишинг радиоизотоп методи, углевод алмашинувининг бузилиши ёрдам беради.

4. Септик миокардит. Антибиотиклар билан даволаш даврига қадар септик миокардит ҳамма кузатувларнинг деярли 50% гача қисмини ташкил этарди, ҳозирги вақтда эса кам — 4,5% рўйхатга олинади (М. И. Теодори ва С. Н. Мирочицкий, 1974) ёки ҳамма миокардитларнинг 1,5% ни ташкил қиласиди (В. А. Михайлов, 1979). Касалликнинг бу формаси учун сурункали барқарор тахикардия (пульс минутига 120—180 гача), юрак қисқаришларининг тапа температурасига мувоғиқ келмаслиги, камроқ брадикардияга хосdir. ЭКГ нинг турли-туман ўзгаришлари, чап- ва ўнг қоринча етишмовчилиги белгилари ва миокардитнинг бошқа белгилари кузатилади. Диагностикада врачнинг кузатувчанлиги, анамнез, асосий жараённинг кечиши, беморни қўшимча текширишлар, олиб борилган терапиянинг таъсиричанлиги ёрдам беради.

5. Вирусли миокардитлар. Улар миокарднинг заарланиши даражаси бўйича ўчоқли, бироқ аксарият диффуз бўлиши мумкин. Касаллик гриппоз ҳолат даврида ёки тез орада гриппдан кейин пайдо бўлиши мумкин ва грипп белгилари билан бирга интоксикация, гипо-адинамия, тахибрадикардия, гипотония, плевра ва перикардда ишқаланиш шовқини ва умуман миокардитларнинг бошқа белгилари билан характерланади.

ЭКГ маълумотлари, тегишли региондаги эпидемиологик шароит ҳисобга олинган қунт билан йигилган анамнез муайян диагностик аҳамиятга эга бўлади. Н. Р. Палеев мәълумотларига кўра (1982) Р ва Т тишчалари ўзгариши транзитор характерга эга, ST сегменти силжиши ва Р—Q ва Q—T интерваллари узайиши ҳамма беморларнинг деярли ярмида, пароксизмал тахикардия — тахминан 40% да, айrim ҳоллардагина титроқ аритмия, тўлиқ атриовентрикуляр блокада кабилар кузатилади.

6. Миокардит қатор касалликларда ва касаллик ҳолатларида (буйрак етишмовчилиги, дифтерия, захм, ич терлама, сил, рикетсиозлар ва б.) кузатилади. Миокардитлар коллагенозларнинг турли формалари бўлган беморларда кўп учрайди.

Ўзининг кечиши, клиник ва бошқа белгиларига кўра коллаген касалликлардаги миокардитлар инфекцион-аллергик, аниқроги аллергик миокардитдаги шундай касалликни эслатади, бироқ улар сурункали, хроник кечиши, яхши даво қилинмаслиги ёки умуман даво қилинмаслиги билан ажralиб туради.

Диагностикаси. Қийин масала. Миокардитлар диагностикаси, агар уларнинг кечиши (ўткир, абортив, қайталанувчан, яширин кечадиган, хроник), клиник вариантлари (кам симптомли, соxта коронар, аритмик, соxта клапанли, аралаш) ва бошқалари ҳисобга

олинадиган бўлса, катта қийинчилик туғдиради ва шунинг учун ҳатто замоавий ихтисослашган стационарлар шароитларида диагностик хатоларга йўл қўйилаётганилиги бежиз эмас.

Юқорида айтилганлардан маълум бўладики, миокардитлар ҳар хил этиологияга, клиник белгиларга эга, улардаги ЭКГ ўзгаришлар тояят турли-тумац, бир хил эмас, носспецифиқ, касалликнинг патогномоник симптомлари ва синдромлари бўлмаслиги билан ажralиб туради. В. А. Максимов (1979) катта клиник материалда иоревматик миокардити бор беморларда айrim симптомларнинг нечоғлик учрашини ўрганди, бунда энг кўп кардиалгиялар (80,0%), сўнгра беҳоллик, тез чарчаш (56,3%), нафас қисиши (50,7%), юрак уриши, юрак ишида ўзгаришлар (39,1%), кўп терлаш (15,1%), бош оғриги ва бош айланиши (10,3%), артравтизм ва шишлар (3,8 ва 3,2%) қайд қилинган. Ўзига хос диагностик триада: кардиомегалия, аритмиялар ва юрак етишмовчилиги белгилари пайдо бўлишидан фойдаланиш мумкин.

В. А. Насонова, И. А. Бронзов (1978) маълумотларига кўра миокардитлар, хусусан инфекцион-аллергик миокардит учун:

- а) касалликнинг ўткир ёки ўртacha ўткир бошланиши;
- б) кардиал характердаги шикоятлар бўлмаслиги;
- в) артрит ва ифодаланган артравтизм;
- г) касалликнинг юқори яллигланиш активлигининг лаборатория кўрсаткичлари;
- д) яллигланишга қарши даволаш таъсири остида тез мусбат динамика характерли эмас.

Дифференциал диагностиканни клиник белгилари миокардитлар симптомокомплексини эслатадиган касалликлар билан ўтказиш лозим. Бинобарин, қуйидаги касалликлар: миокардиопатиялар (алкоголли, стероид, климактерик-дисгормонал, тозиллоген), бирламчи ревмокардит, юрак пороги бўлмаган қайталама ревмокардит, атеросклероз, юрак ишемик касаллиги, нейроциркулятор дистония, миокардиодистрофия, гемахроматоз ва юрак ўсмалари борлигини истисно қилиш ёки тасдиқлаш зарур.

Диагнозни таҳминий таърифлаш

1. Инфекцион-аллергик миокардит, қайталаниб кечадиган хроник декомпенсацияланган тонзиллит. Хроник бронхитпинг Н_I босқичи.
2. Идиопатик миокардит, ўткир кечиши. Н_{II}. Чап қоринча етишмовчилиги, ўпка шиши.

Даволаш. Миокардитларни даволаш жараён этиологияси, кечиши, миокардининг заарланиш даражаси, қон айланиши етишмовчилиги борлигини ҳисобга олиб борилади, у комплекс бўлиши, имкон борича, эрта бошланиши, етарлича актив бўлиши керак.

1. Беморларни кўрсатмалар бўйича касалхонага ётқизиш, парҳез, гигиеник ва ҳаракат режимига риоя қилиш, жараённинг оғир-енгиллигига кўра ўринда ётиш режими 2 дан 5 ҳафтагача ва бундан кўпроқ муддатга тайинланади.

2. Этиологик омилни тугатишга қаратилган даво тадбирлари (инфекция, грипп, сил, ич терлама, дифтерия, захм ва б.).

3. Яллигланишга қарши комплекс даволаш:

- антибиотиклар билан даволаш етарли дозаларда микробларнинг антибиотикларга сезувчаплигини, касаллик этиологиясини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади;
- салицилат кислота ва пиразолон қатор унұмлари (ацетилсалицилат кислота, салициламид, амидопирин, бутадион ва б.);
- айрим органик кислоталарнинг унұмлари: индометацин, бруфен, напроксен, вольтарен;
- хинолин препаратлар (делагил, резохин);
- иммун депрессантлар, глюокортикоидлар (преднизолон, триамсинолон) касалликнинг оғир ҳолларида тайинланади;
- антикининлар (пирмидин, контрикал), антигистамин препаратлар (димедрол, дипразин).

4. Симптоматик, умуман мустақкамлайдиган даволаш. Қатъий күрсатмалар бўлганда юрак дорилари, сийдик ҳайдовчилар, антикоагулянтлар, АТФ, кокарбоксилаза, В, С группа витаминалари, анаболик гормонлар қўлланиш.

5. Реабилитация. Санаторий-курортда даволаш.

6. Диспансер кузатуви. Унинг мақсади:

- бутунлай соғайиб кетилгунча, меҳнат қобилияти тиклангунча даволашни давом эттириш;
 - иккиласынчалик инфекция, турли асоратлар (миокардиосклероз, юрак етишмовчилиги ва б.) қўшилиб келишининг олдини олиш.
- Профилактикаси.** У юқорида баён қилинган маълумотлардан («Этиологияси» га қ.), хусусан қуйидагилардан келиб чиқади:
- турли хроник инфекция ўчоқларининг олдини олиш ва ўз вақтида санация қилиш;
 - организмни чиниқтириш, умумий тигиеник тадбирлар.

Контрол саволлар

1. Юрак мушагининг заарланиши ҳақида умумий маълумот.
2. Миокардитлар этиопатогенезига замонавий қараашлар.
3. Миокардитлар классификацияси ва унинг моҳияти.
4. Миокардитда гемодинамика бузилишлари патогенези.
5. Миокардитлар клиник кечишининг умумий қонуниятлари ва унинг этиологияга боғлиқлиги.
6. Электрокардиографик ўзгаришлар ва уларнинг диагностик қиммати.
7. Даво тадбирларининг принципи, плани ва комплекслиги.

ОРГАНИЗМДА БОЛЕЗНИЛРИ

Таърифи. Юрак пороги — унинг клапан аппаратининг органик заарланишидир.

Юрак пороклари. 0,5—1 % аҳоли ўртасида учрайди (Бакулев А. Н., 1958) ёки юрак органик касалликларининг қарийиб 20—25 % ини ташкил қиласиди (Йонаш В., 1960). В. В. Давидовскийнинг секцион маълумотлари бўйича улар 4,1 (1923—1927) — 5,6 % (1940) ҳолларда, Н. Н. Аничков бўйича (1935) — 3,5%, И. Н. Риб-

кин бўйича (1947) — 7,2%, Б. Н. Соколов бўйича (1963) — 10,7% ва И. А. Кассирский бўйича (1964) — 8,3% ҳолларда учраган.

Тұғма ва орттирилган юрак пороклари фарқ қилинади. Орттирилган юрак пороклари турли ёш группаларида, лекин болалар, йигитлар ва навқирон ҳамда ўрта ёшдаги шахсларда тошилади.

Ҳозирги вақтда юрак порокларни диагностика қилиш (айниқса эрта диагностика), даволаш (жумладан хирургик) ва профилактика қилиш, bemорларни ўз вақтида ишга жойлаштириш, уларни диспансерлаш бирмунча яхшиланган. Ҳозирги босқичда диагностика мақсадида қўйидаги текшириш методлари қўлланилади: электрокимография, электрокардиография, фонокардиография, эхокардиография, юрак бўлимлари ва иирик томирларни манометрия билан катетеризация қилиш ва қоннинг газ таркибини текшириш: вентрикулография (контраст текшириш методи) ва б.

Орттирилган юрак пороклари жойлашувига кўра митрал, аортал, трикуспидал, пульмонал турларга бўлинади.

Бундан ташқари, қўйидаги пороклар фарқ қилинади:

а) алоҳида — оддий (ёки «соф») порок — бунда орттирилган порок турларидан бири тушунилади:

- митрал клапан етишмовчилиги;
- аорта оғзи стенози ва ҳ. к.;

б) қўшилиб келган порок — ҳам клапан, ҳам унинг тегишли тешиги бирга заарланади:

- қўшилиб келган митрал порок — митрал порок етишмовчилиги ва митрал (чап атриовентрикуляр) тешик торайиши;
- қўшилиб келган аортал порок — аорта оғзининг торайиши ва аортал клапан етишмовчилиги ва ҳ. к.;

в) комбинацияланган — иккита ва бундан ортиқ клапанлар ва тешикларнинг бир вақтда заарланиши:

- комбинацияланган митрал-аортал порок — қўшилиб келган митрал+аорта клапанлари етишмовчилиги ёки қўшилиб келган аортал+митрал клапан етишмовчилиги;

- комбинацияланган аортал-митрал-трикуспидал порок ва ҳ. к.

Ҳозирги вақтда Н. М. Мухарлямов, Г. И. Кассирский ва В. В. Соловьев (1978) таклиф қиласан класификацияни тобора кўпчилик олимлар маъқулламоқдалар, бунда муаллифлар орттирилган юрак порокларини номлаш учун келиб чиқиши, анатомик ва функционал хусусиятлари, порокнинг юзага чиқиши даражаси ва эҳтимол тутилган асосий асоратларини назарда тутган ҳолда ягона терминологияни белгилашга ҳаракат қиласанлар.

Митрал клапан пороклари:

- 1) митрал клапан етишмовчилиги;
- 2) митрал стеноз;
- 3) митрал порок етишмовчиликнинг устунылиги билан;
- 4) митрал порок стенознинг устунылиги билан;
- 5) етишмовчилик ёки стеноз устунылиги аниқ бўлмаган митрал порок.

Аортал клапан пороклари:

- 1) аортал клапан етишмовчилиги,
- 2) аорта оғзи стенози,
- 3) етишмовчилик устун бўлган аортал порок,
- 4) стеноз устун бўлган аортал порок,
- 5) етишмовчилик ёки стеноз устунлиги аниқ бўлмаган аортал порок.

Трикуспидал клапан пороклари:

- 1) трикуспидал клапан етишмовчилиги,
- 2) трикуспидал стеноз,
- 3) етишмовчилик устун бўлган трикуспидал порок,
- 4) стеноз устун бўлган трикуспидал порок,
- 5) етишмовчилик ёки стеноз устунлиги аниқ бўлмаган трикуспидал порок.

Ўпка артерияси клапани пороги: ўпка артерияси клапани **етишмовчилиги**.

Комбинацияланган порокларда порокнинг у ёки бу тури устунлигига боғлиқ ҳолда диагнозда қўпроқ юзага чиққан порок биринчи ўринда туриши керак. Масалан, «митрал-аортал порок — митрал стеноз, аортал клапан етишмовчилиги» ёки «аортал-митрал порок — аорта оғзи стенози, митрал клапан етишмовчилиги» ва ҳ. к.

Қўрсатиб ўтилган классификацияга биноан диагнозда ҳар бир порок турининг юзага чиққанлик даражаси албатта қўрсатилади. Муаллифлар клапан етишмовчилигига ҳам, тешикларнинг стенозларида ҳам юзага чиққанликнинг учта даражасини фарқ қиласидилар: оз (I), ўртача (II), кескин (III) даражалар.

Порокнинг юзага чиққанлик даражаси клиник маълумотлар (кўздан кечириш, пальпация, перкуссия, аускультация ва б.), инструментал (ЭКГ, ФКГ, эхокардиография, ангиокардиография, рентгенография ва б.) ва функционал текшириш методлари маълумотлари асосида белгиланади. Масалан, I даражали митрал стеноз; II даражали митрал клапан етишмовчилиги; III даражали стеноз устун бўлган аортал порок ва ҳ. к.

Бундан ташқари, диагнознинг бош қисмида порок сабаби туриши керак: «ревматизм, актив фазаси I даражали активлиги, қайталама ревмокардит, стеноз устун бўлган митрал порок» ва ҳ. к. Захм, атеросклероз ва шикастланиш бундан мустасно, буларда асосий касалликнинг батафсил диагнозидан кейин: «аорта клапанининг захмдан етишмовчилиги»; «митрал клапанинг атеросклеротик етишмовчилиги», «митрал клапанинг травматик етишмовчилиги» ва ҳ. к. деб ёзиш керак. Ўз-ўзидан маълумки, диагнозни ёзишда қон айланиси бузилиши босқичлари Н. Д. Стражеско, В. Х. Василенко, Г. Ф. Лангнинг ҳаммага маълум классификацияси бўйича берилади.

Орттирилган юрак пороклари этиологиясида қўйидагилар етакчи ўрин әгаллайди:

— юракнинг ревматик заарланиши (айниқса болалик, йигитлик ва навқирон ёшда);

— юрак ва аорта клапан аппарати, коронар томирларнинг кейинчалик атеросклеротик кардиосклероз ривожланадиган атеросклеротик заарланиши (асосан ёши улгайган, кекса ёшдаги ва узоқ умр кўрадиган кишиларда);

— эндокард ва аортанинг захмдан заарланиши (аксарият катта ёшда);

— бактериал (септик — ўткир ва ўртача ўткир) эндокардитлар, ҳар хил этиологияли эндокардитлар;

— юракнинг (эндокарднинг) турли коллагенозларда (ревматоид артрит, систем қизил волчанка, систем склеродермия, дерматомиозит ва б.) заарланиши;

— юракнинг (клапан аппаратининг) травматик заарланишлари;

— юрак пороклари сабабли ўтказилган хирургик операциядан кейин степознинг такрор шаклланиши (рестеноз).

Порокларнинг айрим турларида кўрсатиб ўтилган этиологик омилларнинг салмоги ва ортирилган юрак порокларининг умумий сонида уларнинг учраш даражаси тегишли бўлимларда ёритилади.

МИТРАЛ ЮРАК ПОРОКЛАРИ

Митрал стеноздаги анатомик ўзгаришлар биринчи марта Въессен (1715), митрал етишмовчиликда эса Сенак (1749) томонидан тасвирланган. Митрал клапан пороклари рус ва совет олимлари томонидан бирмунча батафсил ўрганилган. Митрал пороклар ҳам алоҳида, ҳам бошқа ортирилган ҳамда туғма юрак пороклари билан биргаликда учрайди.

Клиник маълумотлар ва назарий билимларни анализ қилиш асосида студент қўйидагиларни билиши керак:

1) митрал клапан пороги турини — клапан етишмовчилиги ёки митрал тешик торайиши ёки уларнинг бирга учраши ёки унинг бошқа юрак пороклари билан бирга учрашини аниқлаш;

2) асосий жараённи (ревматизм, атеросклероз, бактериал эндокардитлар ва ҳ. к.), унинг характеристини, кечишини (актив ревматик жараён ва ҳ. к.) аниқлаш;

3) беморни текширишнинг асосланган планини тузиш;

4) қўйидагилар асосида узил-кесил диагноз қўйиш ва таърифлап:

— у ёки бу порок турининг (стеноз ёки етишмовчилик) диагностик мезонларини билиш;

— органик шовқинларни функционал келиб чиққан шундай шовқинлар билан дифференциация қилишини билиш;

— бошқа ортирилган, шунингдек туғма юрак пороклари билан дифференциация қилишини билиш;

— юрак ичи гемодинамикаси бузилишлари патогенезини билиш;

— ўпка гипертензияси юзага чиққанлиги даражасини билиш;

— порокнинг юзага чиққанлиги даражасини (оз, ўртача, кескин даражада) билиш;

— қон айланиши етишмовчилиги босқичини билиш (Н. Д. Стражеско, В. Х. Василенко классификацияси бўйича);

5) даволаш тадбирлари планини тузиш.

ИККИ ТАВАҚАЛИ (МИТРАЛ) КЛАПАН ЕТИШМОВЧИЛИГИ

Митрал клапан етишмовчилиги юрак пороги бор беморларнинг 70 фоиздан кўпроғида ҳам алоҳида (соф) кўринишда, ҳам (аксарият) митрал стеноз билан бирга (митрал порок) ёки бошқа клапанлар ва тешиклар (аксарият аортал) пороклари билан бирга учрайди. Аутопсия маълумотлари бўйича митрал клапанинг алоҳида кўринишдаги етишмовчилиги ҳамма юрак порокларининг атиги 2 фоизини (Рибкин И. Н., 1969) ва ҳамма митрал порокларнинг 5,5 фоизини ташкил қилган (Bailey, 1955).

Пайдо бўлиш механизмига кўра митрал клапан етишмовчилиги уч турга: функционал (мушак), нисбий, органик турларга бўлинади.

Митрал клапанинг функционал етишмовчилиги дистрофик ўзгаришлар натижаси сифатида мушак аппарати функциясининг бузилишилари (мушак етишмовчилиги) оқибатида ривожланади.

Митрал клапанинг нисбий етишмовчилиги чап қоринча бўшлиғи кенгайиши, чап атриовентрикуляр тешик ֆиброз ҳалқасининг ва доира мушакларининг чўэилиши натижасида ривожланади, бунинг оқибатида анатомик жиҳатдан ўзгармаган клапан (чап қоринча систоласи вақтида) митрал тешикни ёпа олмайди: гипертония касаллиги, симптоматик гипертензиялар, аорта коарктацияси, аортал пороклар, диффуз миокардит, атеросклеротик кардиосклероз ва б.;

Мазкур бўлимда митрал порокнинг органик заарланиши (органик етишмовчилиги), яъни унинг анатомик нуқсони — клапан аппаратининг деформацияси, бужмайиши ва бошқа органик ўзгаришлари (доира мушаклар, пай иплари, трабекуляр мушаклар ва ҳ. к.) тўғрисида маълумотлар баён қилинади.

Этиологияси. Бу порок ривожланишига қуйидагилар:

— ревматизм (асосан эндокард заарланиши билан ўтадиган ревмокардит — клапан тавақалари, трабекуляр мушаклар ва пай ипларининг полипоз-ярали, сўгалсимон склерози, ֆибрози ва деформацияси) — 75 фоиздан ортиқ ҳолларда;

— сурункали (ўртacha ўткир) септик эндокардит, ўткир септик эндокардит, этиологияси ҳар хил эндокардитлар;

— атеросклероз, кардиосклероз (атеросклерознинг III босқичида икки тавақали клапан бужмайиши, деформацияси);

— кўкрак қафаси шикастланиши клапан аппарати заарланиши билан;

— клапанинг (унинг эндокардининг) захмли заарланиши;

— клапанинг катта коллагенозларда заарланиши муҳим роль ўйнайди.

Патогенези

1. Юрак ичи гемодинамикаси бузилишилари патогенези — систола вақтида қон чап қоринчадан фақат аортага эмас, балки митрал клапанинг етарлича ёпилмаган тешиги орқали чап бўлмага ҳам маълум миқдорда қайта тушади (регургитация).

2. Компенсация патогенези митрал клапан деформацияси дара-жасига (ревмокардитнинг неча марта қайталанишига), бошқа пороклар билан қўшилиб келганига, асосий жараён характеристига, чап бўлма ва чап қоринча ҳолатига (мускулатурасига), қўшумча компенсатор механизmlарга (бошқа пороклар қўшилиб келган касалликлар борлигига, беморнинг қасб-корига ва ҳ.к.) боғлиқ.

3. Декомпенсация патогенези — қон регургитацияси 15—20 мл ҳажмга етганда гемодинамика бузилади, чап бўлма диастолик ҳажми қўшайди, бўлма ичи босими ошиди, чап бўлма дилатацияси ва гипертрофия вужудга келади. Чап бўлмада қон ҳажмининг ошиши диастолик ҳажмни ва чап қоринчада босимни оширади, бу унинг компенсатор гипертрофияси ва дилатациясига олиб келади, кейинчалик кичик, кейинроқ эса катта қон айланishi доирасида димланиш қўшилади.

Митрал клапан етишмовчилиги компенсацияси ва касаллик ке-чишининг оғир-енгиллиги клапан нуқсони даражасига, чап қоринчадан чап бўлмага қоннинг қайта оқиш ҳажмига (регургитация) ва миокарднинг ҳолатига (хусусан чап қоринча мускулатураси) боғлиқ.

Митрал клапан етишмовчилиги компенсацияси қўйидагиларга боғлиқ:

— чап бўлма: диастола даврида бўлмадаги қон ҳажми чап қоринчадан қайтган қон ва ўпка веналаридан оқиб келадиган қон ҳисобига кўпаяди, бу эса бўлмада босимнинг ошишига, унинг диастолик ҳажми кўпайишига олиб келади, бу унинг кенгайиши ва гипертрофиясини келтириб чиқаради, булар эса унинг кучлироқ қисқаришига ва бўлмадан қоринчага келадиган қон оқими кўпайишига имкон беради;

— чап қоринча: қон массаси кўпайиши ва чап бўлма тўлиқ бўшалиши туфайли чап қоринчада (унинг дилатацияси ва гипертрофияси) диастолик ҳажм ва босим орта боради, бу эса қоринчанинг кучлироқ қисқаришига ва аортага етарли миқдорда қон отилишига имкон беради. Бинобарин, чап қоринча систолик ҳажмининг кўпайиши — митрал клапан етишмовчилигига асосий компенсатор механизmdir;

— ўпка ва ўнг юрак: чап бўлмадаги ва унга қўйиладиган ўпка веналарида ошган босим рефлекс тарзда ўпка артериолаларида спазм (Китаев рефлекси) келтириб чиқаради, бу гўё ҳимоя рефлекси, яъни чап бўлманинг тўлиб кетишига тўсқинлик қиладиган омил ҳисобланади.

Кейинчалик анчагина кенгайиши натижасида чап бўлма тўлиқ бўшалиш қобилиятини йўқотади ва кичик қон айланиш доирасида димланиш рўй беради — систолада ўпка артериясида (ўпка гипертензияси) босим кўтарилади ва ўнг қоринча бирмунча юқори босим остида ишлаб аста-секин кенгаяди ва гипертрофияланади, уч тавақали клапанда нисбий етишмовчилик ривожланади ва кичик қон айланиш доирасидаги димланиш катта қон айланиш доирасига ўтади (жигар катталашуви, оёқларга шиш келиши, веналар димланган

қондан бўртиб чиқади, акроцианоз бўлади ва ҳ. к.). Шундай қилиб, аввалига чап қоринча типи бўйича юрак етишмовчилиги ривожланади, сўнгра ўнг қоринча етишмовчилиги қўшилади (яъни аста-секин тотал юрак етишмовчилиги ривожланади).

Клиник манзараси

I. Субъектив маълумотлар касалликнинг босқичига боғлиқ:

- порок компенсацияси даврида беморлар шикоят қилмайдилар;
- жисмоний ҳаракатда ёки тинч турганда юрак уриши;
- нафас қисиши, ўпка гипертензияси ривожланганда ҳаво етишмаслиги (бўғилиш сезгиси);
- юрак соҳасида ёқимсиз сезгилар ёки оғриқлар;
- йўтал (қуруқ ёки балғам билан).

Бу шикоятлар аввало юрак етишмовчилиги қўшилиши билан боғлиқ, қон айланиси етишмовчилигининг бошқа кўришишлари кузатилиши ҳам мумкин (шишлар, жигар катталашуви, ўнг қовурғалар остида симиллаган, санчиқли, босадиган оғриқлар — глиссон капсуласи чўзилишидан); умумий характердаги ва касаллик сабабига алоқадор шикоятлар (ревмокардит, септик эндокардитлар ва б.).

II. Субъектив маълумотлар анализи (бемор шикоятлари, касаллик анамнези ва б.).

III. Объектив маълумотлар. Улар қуийдагиларга боғлиқ:

- асосий касаллик клиник кўринишларининг юзага чиққанлигига (яъни порок сабабига);
- мазкур порок турининг юзага чиққанлик даражасига (етишмовчилиги, стенози ёки уларнинг бирга учраши);
- порокнинг ривожланиш босқичига;
- порок кечишини қийинлаштирадиган бошқа сабабларга (асосий касалликнинг тез-тез қўзиб туриши, қўшилиб келган касалликлар, асоратлар ва ҳ. к.).

1. Кўздан кечириш:

- порок компенсацияси даврида беморнинг ташқи (умумий) кўриниши ҳам, юрак соҳаси ҳам ўзгармаган;
- порок декомпенсацияси даврида — аввалига лабларда енгил цианоз, бўйин веналарининг оз-моз бўртиб чиқиши, юрак учидаги туртки кучайган ва бир оз чапга силжиган, кейинчалик — акроцианоз, юрак учидаги туртки аниқ кўриниб турди ва билинарли чапга (кучайган ва туташ) силжиган (агар порок болалиқдан бўлса, камдан-кам юрак соҳасининг бўртиб чиққанлиги кўриниб туради).

2. Пальпация:

- болаларда ва катта ёшдаги ориқ одамларда компенсация даврида бирмунча кучайган ва оз-моз чапга силжиган юрак уни турткиси осонликча пайпаслаб кўрилади;
- декомпенсация даврида митрал етишмовчиликнинг юзага чиққанлик даражасига кўра бешинчи-еттинчи қовурғалар орасида кучайган юқорига кўтариладиган юрак уни турткиси, тўш суягидан чапда (чап қоринчанинг кескин гипертрофияси белгиси) ёки иккинчи-тўртинчи қовурғалар орасида (ўнг қоринча гипертрофияси ва

ўпка артерияси равоги кенгайиши), камроқ — түш суюгидан ўнг томонда (чап бўлманинг кескин гипертрофияси) пульсация аниқланади;

— жуда камдан-кам ҳолларда юзага чиққан ўпка гипертензиясида юрак учida систолик титраш (чап бўлманинг кескин кенгайиши) ва эпигастрал соҳада пульсация (дилатацияланган ва гипертрофияланган ўнг қоринчанинг жадал қисқариши ҳисобига) ушлаб кўрилади.

3. Перкуссия:

— порок компенсацияси даврида юрак чегаралари билинارли ўзгармаган, гарчи оз-моз чапга силжиш бўлса-да, перкутор уларни пайқаш қийин;

— порок декомпенсацияси даврида юрак нисбий тўймтоқлиги чегаралари пайдар-пай аввалига чапга (чап қоринча дилатацияси ва ва гипертрофияси ҳисобига), сўнгра юқорига (чап бўлма делитацияси ва гипертрофияси ҳисобига) силжийди;

— митрал клапан етишмовчилиги кескин даражада юзага чиққанда (Мухарлямов Н. М. ва б., 1978) ёки митрал етишмовчиликнинг учинчи даврида (Маколкин, В. И., 1986) юрак чегарасининг ўнгга ҳам кескин ошиб, юракнинг энига кенгайиши ва умуман юрак етишмовчилиги белгиларининг ривожланиши қайд қилинади.

Шундай қилиб юрак чегарасининг пайдар-пай кўпайиши клапан нуқсони авж олишига ва ҳам юрак ичи, ҳам умумий гемодинамиканинг бузилиш босқичи билан алоқадор бўлади.

4. Аускультация беморнинг ётган, ўтирган ва дозали нагруззка билан ва нагрузкасиз тик турган вазиятда, нафас олиш ва чиқариш вақтида ўтказилади:

— порок компенсацияси даврида юрак учida I тоннинг сусайиши (бўғиқлашиши), систолик шовқин эшитилади. У бемор горизонтал вазиятда бўлганда яхшироқ эшитилади (порок компенсацияси босқичида митрал клапан етишмовчилигининг амалда бирдан-бир объектив белгиси);

— декомпенсация даврида — I тоннинг кескин бўғиқлашуви (клапанлар тўлиқ ёпилмайди), юрак учida чап қўлтиққа ўтувчи дағал (арралайдиган, пуфлайдиган, ғичирлайдиган) систолик шовқин (қонининг чап қоринчадан чап бўлмага қайта оқиши), ўпка артериясида (чапдан иккинчи қовурғалар ораси) босим ошибши ва унинг кенгайиши натижаси сифатида II тон (акцент) нинг кучайиши;

— клапан етишмовчилигининг кескин юзага чиққан даврида ёки митрал етишмовчиликнинг учинчи даврида I тон сустлашган ёки йўқолади, ўпка артериясида II тоннинг иккига бўлиниши (ёки парчаланиши), юрак учida аксарият III тон эшитилади (чап қоринча деворларининг чап бўлмадан келаётган катта қон массасидан жадал тебраниши), юрак учидаги систолик шовқин янада дағал ва давомли (пансистолик), у бемор чап ёнбоши билан ётганида ва нафас чиқариш фазасида яхши эшитилади, чап қўлтиққа ўтади (у ҳатто орқа томондан ҳам эшитилади);

— касаллик улгайиб кетган ҳолларда порокнинг кечиккан белгилари пайдо бўлади: ханжарсимон тешик асосида систолик шовқин эшитилади (уч тавақали клапан нисбий етишмовчилиги), юрак учидаги I тон йўқолади, цианоз ва нафас қисиши камаяди, жигарда димланиш ҳодисалари (унинг оғриши ва катталашуви) ривожланади, оёқларда шишлар пайдо бўлади — бинобарин кичик қон айланиш доирасидаги димланиш ҳодисалари катта доирага ўтади;

— бошқа органлар ва системалар томонидан порок декомпенсацияси билан, порокни келтириб чиқарган асосий жараён билан, миокарднинг функционал ҳолати билан боғлиқ бўлган объектив маълумотлар ва ҳ. к.

Клапан нуқсонининг клиник кўринишлари ва катта-кичиклиги даражасига кўра Г. Ф. Ланг (1958) митрал етишмовчиликтин тўрт клиник даражасини, Н. М. Мухарлямов, Г. И. Кассирский, В. В. Соловьев (1978) замонавий клиник-экспериментал маълумотларга асосланиб, уч даражасини фарқ қиласидар.

Биринчи (арзимаган) даражасида:

— юрак чегаралари озгина ($0,5-1$ см) чапга кенгайган;

— дагал бўлмаган, ўтмайдиган систолик шовқин;

— ЭКГ да — QRS комплекси тишчалари амплитудасининг кўпайиши;

— эхограммада — чап бўлма олдинги-орқа ўлчамиининг оз-моз (5 см гача) кўпайиши ва қоринчалараро тўсиқ қисқариш амплитудасининг оз-моз кўпайиши.

Иккинчи (ўрта) даражасида:

— юрак чегаралари чапга ($1-2$ см) юқорига ва ўнгга ($0,5$ см га) кенгайган;

— систолик шовқин амплитудаси ўртача, олдинги қўлтиқ чизигига ўтади, баъзан — III тон ўртача ифодаланган;

— ЭКГ да — Р митрал тишча, QRS комплекси тишчалари амплитудаси кўпайиши;

— эхокардиограммада — чап бўлма олдинги-орқа ўлчамиининг анчагина катталашуви (7 см дан қўпга), қоринчалараро тўсиқ қисқариш амплитудасининг бирмунича кўпайиши, ўшг қоринча бўшлиғи аниқланади.

В. И. Маколкин (1986) митрал етишмовчилиги кечишида уч даврни фарқ қиласидар:

— биринчи давр — чап қоринча ва чап бўлманинг жадал ишлапши ҳисобига порок компенсацияси. Бирмунча давомли бу даврда порокнинг ҳеч қандай алломатлари бўлмайди, қон айланиши бузилиши симптомлари ҳам бўлмайди;

— иккинчи давр — юракнинг чап бўлимлари (қоринча ва бўлмаси) қисқариш функциясининг пасайиши натижаси сифатида пассив ўпка (веноз) гипертензияси ривожланаш даври: кичик қон айланиш доирасида димланиш ҳодисалари (доимий ҳарсиллаш, ўттал, баъзан туғлаш ва юрак астмаси хуружлари). У нисбатан узоққа чўзилмайди;

— учинчи давр — ўнг қоринча етишмовчилиги даври — катта


қон айланиши доирасида димланишнинг ҳамма симптомлари пайдо бўлади.

IV. Лаборатория, инструментал ва бошқа қўшимча текшириш методлари маълумотлари:

— асосий касалликка ва порокнинг шу турига боғлиқ қон, сийдик анализи, биохимиявий ва иммунологик текшириш кўрсаткичлари;

— рентгенограммада — чап бўлма ва чап қоринча (кейин ўнг қоринчанинг ҳам) катталашуви, юрак белининг текислашганлиги — «митрал» қўриниш, ретрокардиал бўшлиқнинг торайиши ва б.;

— ЭКГ да — электр ўқининг чапга оғиши, Р тишча амплитудаси кўпайиши, кенгайиши, баъзан I ва II усуулларда Р тишчасининг иккига бўлиниши («P-mitrale»), S—T интервалининг пастга силжиши, Т тишчаси ўзгариши (пасайиши, текисланиши, манфий) (1-расм).



1-расм. Митрал клапанда етишмовчилиги бўлган бемор электрокардиограммаси (ЭКГ).

Иккала бўлма гипертрофияси: Р тишча энлик, I ва II стандарт усуулларда иккига бўлинган, R_{V1} тишча иккни фазали, манфий фазаси катталашган. Чап қоринча гипертрофияси: R_I — S_{III}. R_{V1} баланд тишча, S_{II} чуқур тишча, R_{V5—6} амплитудаси кўпайиши.

— ФКГ да I тон кичикроқ паст амплитудали тебранишлар қўришишида қайд қилинади, систолик шовқин ва б.;

— ритм бузилгандага эхокардиограмма, электрохимограмма, кардиомонометрия, векторкардиограмма, апекскардиограмма, сғигмограмма кўрсаткичлари ва б.

ЧАП БЎЛМА-ҚОРИНЧА (АТРИОВЕНТРИКУЛЯР) ТЕШИКНИНГ ТОРАЙИШИ (МИТРАЛ СТЕНОЗ)

Чап атриовентрикуляр оғиз стенози «соғ» ҳолда ҳам, бошқа юрак пороклари билан (аксарият митрал клапан етишмовчилиги билан) биргаликда ҳам учрайди. Хальхабернинг тахминий ҳисобкитобларига қараганда (Василенко В. X., 1983) 100 000 нафар

кишига 500—800 митрал стенози бор беморлар түгри келади. И. Н. Рибкин (1959) маълумотларига биноан «митрал» тешикнинг «соф» стенози ҳамма секцияларнинг 0,5 фоизида қайд қилинади. Бу тешикнинг орттирилган стенози деярли ҳамавақт ревматик этиодогияли бўлади. Соф стеноз деган ном олган касаллик кўпроқ (75—84%) аёлларда учрайди, у асосан 15—40 ёшларда диагностика қилинади. 60 фоиздан кўпроқ ҳолларда керакли анамнез «йўқлиги» (айниқса аёллар ўртасида) қайд қилинади, бу ревмокардитнинг лалент кечишидир. Кардиохирургларнинг маълумотларига кўра «соф» стеноз бирга учрайдиган митрал юрак пороклари сабабли операция қилинган беморларнинг 44,6 (Куприянов П. А., 1960) — 65,6 фоизида (Baile, 1955) аниқланган.

Этиологияси. Митрал степоз ривожланишида қуйидагилар:

- ревматизм (ревматик эндокардит);
- атеросклероз, клапан ва унинг тешигининг атеросклеротик бужмайиши;
- тугма нуқсонлар, ревматик митрал стенознинг ўсиб етилмаган овал дарча билан бирга учраши (Лютамбаше синдроми);
- септик эндокардитлар;
- эндокардинг коллагенозлардан заарланиши;
- комиссуротомиядан кейинги рестеноз муҳим роль ўйнайди.

Патогенези.

Юрак ичидаги гемодинамика бузилиши патогенези — юрак ичи гемодинамикаси бузилганда етакчи момент чап бўлманинг тўсиқ борлиги — митрал тешик торайиши сабабли бўшалишининг қийинлашиши ҳисобланади. Чап атриовентрикуляр тешик майдонининг 2 мартадан кўпроқ камайиши билинарли бузилишга сабаб бўлиши мумкин, торайиш эса баъзан 0,5—1 см² гача бўлади (соғлом кишиларда тешик майдони 4—6 см², айлана узунлиги — 9—11 см ни ташкил қиласи);

— компенсация патогенези тешикнинг тарайиши даражасига, асосий жараённинг кечишига, миокард, чап бўлма, ўнг қоринча ҳолатига, компенсатор-мослашув механизмларига (Китаев рефлекси ва б.) боғлиқ;

— декомпенсациянинг ривожланиши патогенези — чап бўлма бўшалишининг қийинлашуви натижасида бўлма ичидаги босим кўтарилиди, чап бўлма гипертрофияси ривожланади, бу ўнга веналарида, капиллярларидаги босимнинг ошишига, ўнг қоринчанинг зўриқиб ишленишига, ўнг қоринча етишмовчилигига олиб келади (ёки у қўшилади). Декомпенсация митрал етишмовчиликдагига қарагандага тезроқ ривожланади, чунки у асосан чап бўлма ва ўнг қоринча ҳолати билан боғлиқ.

Клиник манзараси.

I. Субъектив маълумотлар. Шикоятлари:

- жисмоний ҳаракатда, тинч турганда юрак уриши;
- юришда, тинч турганда нафас қисиши;
- айниқса тунлари, бемор горизонтал ҳолатда ётганда кучаядиган ўткир ҳаво етишмаслиги (бўғилиш сезгиси);

— юрак соҳасида оғриқ (ревматик коронарит, нерв-рефлектор ке-либ чиқадиган, катталашган чап бўлманинг тож артериясига таъсири);

— балгам ажраладиган йўтал, қон туфлаш;

— юрак декомпенсацияси, асосий жараён, тромбоэмболик асо-ратлар билан боғлиқ шикоятлар.

II. Субъектив маълумотлар анализи.

III. Объектив маълумотлар.

1. Умумий кўздан кечириши:

— беморнинг умумий аҳволи стеноз даражасига, миокард функ-ционал ҳолатига, гемодинамика бузилиши даражасига ва ҳ. к. га боғлиқ.

— ўриндаги вазияти — актив, мажбуран, қаддини баланд қўйиб ўтириш;

— семиз-ориқлиги, умумий ривожланганлиги, «инфантализм», дистрофик ўзгаришлар;

— гавда тузилиши — хроник кислород танқислиги натижасида гавда тузилиши ўзгариши: нозик, ингичка, астеник — «*habitus gracilis*».

— лаб, бурун учи ва қулоқ юмшоги цианози, акроцианоз;

— ёноқларнинг цианоз-пушти рангга кириши — «митрал қиёфа» характерли;

— пульс — ритмик ёки титроқ аритмия, экстрасистолия ва б. типи бўйича аритмик, тахикардия — компенсатор механизмлардан бири, Бейнбриж рефлекси, баъзан пульс кичик, юмшоқ, тўлиқлиги ҳар хил, Савельев—Попов симптоми.

— артериал босим — касалликнинг улғайиб кетган ҳолларида максимал босимнинг бир оз пасайиши, минимали ошиши, шунга мувофиқ ҳолда пульс босимининг камайиши кузатилади.

2. Юрак-томирлар системаси:

— юрак «букрилиги» (порок ёшлидан шаклланганда);

— диастолик (пресистолик) титраш ёки «мушук хуриллаши»;

— юрак чегарасининг чап бўлма ҳисобига юқорига ва ўнг қо-рипча, сўнгра ўнг бўлма ҳисобига ўнгга кенгайиши;

— юрак учida I тон кучайган, қаттиқ, қарсилладиган;

— ўпка артериясида II тон акценти (кичик қон айланиш доира-сида гипертензия белгиси, ўнг қоринча стишмовчилиги қўшилганда акцент йўқолади ёки сусаяди);

— ўпка артериясида II тоннинг иккига бўлиниши ёки ажра-лиши кузатилади, уч ҳадли ритм — «бедана ритми» пайдо бўлади;

— юрак учida митрал клапан очилишининг қўшимча тони, у қалилашган клапанинг очилиши вақтида тўсатдан таранглашувига боғлиқ; у II тондан кейин намоён бўлади;

— юрак қисқаришлари ритми (мароми) бузилиши (аксарият титроқ аритмия, экстрасистолия ва юрак ритми ва ўтказувчанилиги бузилишининг бошқа белгилари);

— юрак учida диастолик — протодиастолитик, мезадиастолитик ёки пресистолик (ўтмайдиган) шовқин (қон чап бўлмадан ўтётганда уюрма ҳаракатлар товуши) чап қоринча диастоласи вақтида бе-

мор чап ёнбоши билан ётганда яхши эштилади; мазкур порок митрал клапан етишмовчилиги билан бирга келганда — систолик шовқин ҳам эштилади;

— баъзан ўпка артерияси тепасида юмшоқ (пуфловчи) диастолик шовқин — Грехем—Стилл шовқини эштилади (ўпка артерияси клапанларининг ифодаланган ўпка гипертензияси натижасида пайдо бўладиган нисбий етишмовчилиги белгиси).

— ўпкада — қаттиқ нафас, «димланиб қолган» яхши эштилмайдиган нам хириллаган товушлар;

— юрақнинг чап чегараси бўйлаб крепитация ёки майда пуфакчали нам хириллаган товушлар эштилади, булар кескин катталашган чап бўлманинг ўпка тўқимасини босишига асосланган (ўпкага таалуқли С. И. Боткин белгиси);

— пульс-митрал тешикда анчагина стеноз бўлганда кичик ва юмшоқ;

— билак артерияларида пульснинг ҳар хил тўлиқлиги (чап билак артериясида пульснинг камайиши — унинг катталашган чап бўлма томонидан босилиши) — Попов белгиси;

— пульс танқислиги — юрак қисқаришлари частотасининг пульс тўлқинлари сонига номувофиқлиги;

— артериал босим — порок декомпенсацияси даврида максимал ва пульс босимининг бир оз пасайиши кузатилади ва, аксинча, порок декомпенсацияси (ўнг қоринча) даврида веноз босим ошади.

3. Юрак декомпенсацияси ҳар хил дараҷасининг клиникаси, асосий патологик жараён (касаллик) нинг клиник кўринишлари, юрак порогининг мазкур тури шунинг натижасида ривожланган, шунингдек касаллик асоратлари, қўшилиб келган касалликлар клиникаси (шишлар, жигар катталашуви, асцит, гидроторакс, веноз босим ошиши, сийдик синдроми — «димланган буйрак», дистрофик силжишлар ва б.).

IV. Лаборатория, инструментал ва бошقا маҳсус текшириш методлари маълумотлари:


— периферик қон кўрсаткичларининг ўзгариши, касаллик этиологиясига кўра биохимиявий ва иммунологик реакциялар кўрсаткичлари ўзгариши (ревмокардит, атеросклероз ва б.);

— рентгенологик текширишлар — митрал конфигурация — юрак «белининг текислашганлиги», юрак контурлари ўнгга силжиган, ўпка тасвирининг кучайиши;

— ЭКГ да — I ва II стандарт усуулларда Р тишчаларнинг кенгайиши ва парчаланиши, электр ўқининг ўнгга оғиши, юрак ритми ва ўзгарувчанлигининг белгилари кўринади (2-расм);

— ФКГ да — I тоннинг юқори тебранишлари, I тон билан қўшилиб кетган пресистолик шовқин, ўтказувчанликнинг бузилиши, бўлмаларнинг титраши;

— эхокардиограмма, векторокардиограмма, апекскардиограмма, флебограмма, сғигмограмма, электрокимограмма, эзофагокардиограмма, кардиоманометрия кўрсаткичларининг тегипили ўзгаришлари.



2-расм. Чап атриовентрикуляр тешик стенози бўлган бемор электрокардиограммаси (ЭКГ).

Чап бўлма гипертрофиясининг аниқ белгилари: P_{I-II} тишчанинг 0,12" гача кенгайши, P_{V_1} икки фазали тишча. Ўнг қоринча гипертрофияси белгилари: R_{III} баланд тишча, S_1 чуқур тишча. R_{V_1} баланд тишча, $S_{V_5-V_6}$ чуқур тишча.

Клиник инструментал маълумотлар асосида Н. М. Мухарлямов муаллифдошлари билан (1978) митрал стеноз юзага чиқишининг уч даражасини фарқ қиласдилар:

- кам юзага чиқсан стеноз (I);
- ўртача юзага чиқсан стеноз (II);
- кескин юзага чиқсан стеноз (III).

Митрал стеноз кечишида қон айланиси бузилишининг ривожланнишида В. И. Маколкин (1986) уч босқични ажратади.

— I — чап бўлма ҳисобига порок компенсацияси даври — клиник жиҳатдан порок намоён бўлмайди, аускультатив маълумотлар асосида одатда тасодифан диагностика қилинади;

— II — ўнг қоринча ҳисобига порок компенсацияси даври — ҳамма ўзига хос гемодинамик бузилишлар ва клиник белгилар билан ўпка гипертензияси ривожланади;

— III — ўнг қоринча етишмовчилиги даври — димланиш ҳодисалари кичик қон айланиси доирасидан катта доирага ўтади (хроник ўнг қоринча етишмовчилиги ва ўпка гипертензияси клиникаси).

Митрал стенозда қатор клиник формалар фарқ қилинади:

— афоник (эшилтилмайдиган) формаси — бу форма юрак митрал тешиги торайиши ва етишмовчилигининг оғир даражасида кузатилса-да, порокнинг аускультатив белгилари аниқланмайди. Диагноз касалликнинг клиник симптомлари, ўпка гипертензияси ва инструментал текшириши методлари асосида аниқланади;

— митрал стеноз атриомегалия билан — кўпинча аёлларда учрайди, ревматик миокардит оқибати сифатида диффуз фиброз ва чап бўлма деворларининг юнга тортиши, шунингдек чап бўлмада босимнинг ошиши ва титроқ аритмия кузатилади;

— митрал стеноз артериал гипертензия билан (клиникасида унинг симптомлари устунлик қиласы — патогенетик жиҳатдан уларни буйракда қон айланиши етишмаслиги, яъни буйрак қон оқими нинг пасайиши билан боғлайдилар, комиссуротомиядан кейин гипертензиянинг йўқолиши буни тасдиқлайдиган далил ҳисобланади);

— митрал стеноз симпатикотония билан — юрак нерв-мушак аппаратининг ошган қўзгалувчанлиги — юрак уриши, тахикардия, пароксизмал тахикардия хуружлари ва гипертиреоз манзарасини эслатадиган вазомотор бузилишининг қатор бошқа белгилари билан характерланади;

— митрал стенознинг шишли формаси — унга ўнг қоринча етишмовчилиги белгилари бўлмаган, чап бўлма уччалик катталашмаган тез-тез хуружлар хос (Василенко В.Х., 1983);

— митрал стеноз катта юрак ва титроқ аритмия билан — порокнинг терминал фазасида кузатилади, оғир, қисқа вақт кечади.

Касаллик клиникасида қон туфлаш ва қон оқиши, оғриқ синдроми кабилар устунлик қиласидиган бошқа клиник формалари ҳам мавжуд.

Митрал порокларнинг кечиши ва прогнози митрал клапан деформацияси ва чап атриовентрикуляр тешикнинг торайиш дарајасига, асосий (ревматик) ва бошқа жараёнларнинг кечишига, асосий қасалликлар ва юрак декомпенсацияси бошланғич босқичларини ўз вақтида даволашга, шунингдек бошқа омилларга боғлиқ.

Порок компенсацияси даврида кечиши ва прогнози озми-қўпми дуруст. Улар беморнинг турмуш ва меҳнат шароитларига ва кўрилган даво-профилактика чораларнинг йиғинидисига боғлиқ. Митрал стенозда компенсация даври митрал етишмовчиликка қараганда қисқа (декомпенсация тезроқ юз беради).

Стенозда ёки стеноз устунлик қиласидиган қўшилиб келган митрал порокда декомпенсация даврида кечиш ва прогноз уччалик яхши эмас, бироқ митрал порокларда декомпенсация даврида аортал пороклардагига қараганда (декомпенсация юз бериши билан беморларнинг умр кўриши кескин қисқаради) ҳар қалай яхшироқ бўлади (беморлар узоқроқ яшайдилар).

Митрал порокларда асоратлар тромбоэмболия ва юрак декомпенсацияси билан боғлиқ:

— қон туфлаш, ўпкадан қон оқиши, ўнка инфаркти, миокард инфаркти;

— бош мия томирлари тромбози — фалажликлар, кўз хиралашуви ёки кўрмай қолиш, эпитешнинг бузилиши ва б.;

— талоқ, ичаклар, оёқ-қўллар томирлари тромбози;

— бўлманинг шарсимон тромби — артериал босимнинг кескин пасайиши, тахикардия, ипсимон пульс, қоринчалар титраши, тўсатдан ўлим юз бериши;

— ўткир ўнка шиши;

— трофик яралар, гангрена;

— чап қоринча етишмовчилиги — юрак астмаси хуружлари;

- юрак ритми бузилишининг ҳар хил турлари — титроқ (аксари) аритмия, экстрасистолия, пароксизмал тахикардия ва б.;
- «кардиал» жигар циррози, бир қанча ички органларда цирроз ва дистрофик ўзгаришлар;
- кўкс оралиғи органлари босилишининг (катталашган чап бўйма билан) клиник кўринишлари — анизория, афония (Ортнер симптоми), дисфагия ва б.;
- плевритлар, пневмониялар.

Диагностикаси. Яққол симптоматикали типик ҳолларида (юрак ўлчамлари, I тон ўзгариши, юрак учидаги систолик ёки диастолик шовқин, «митрал қиёфа», юракнинг митрал конфигурацияси) митрал порокларни диагностика қилиш қийинчилик тудғирмайди. Бунда анамнез, ЭКГ, ФКГ маълумотлари ва бошқа клиник инструментал маълумотларни ҳисобга олиш, юрак шовқинларини дифференциация қила билиш (эшитиш нуқталари ва уларнинг ўтказувчанлиги) керак.

Митрал порокларни туғма пороклар, аорта оғзи стенози, аортал клапан етишмовчилиги, аортал порокдаги митрализация, трикуспидал пороклар (стеноз ва етишмовчилик), ўпка артерияси пороклари, икки таваққали клапанинг нисбий етишмовчилиги билан дифференциация қилиш зарур (юрак учидаги функционал систолик шовқин миокардитларда, миокардиодистрофияда, этиологияси ҳар хил «гипертензияларда» эшитилади; у доимий әмас, бошқа нуқталарга ўтмайди, вертикал вазиятда, жисмоний ҳаракат вақтида йўқолади).

Ҳамма туғма, шунингдек орттирилган порокларда шовқин (системик, диастолик) патогномик симптомларини қайд қилиб ўтиш лозим; унинг қаерда, қайси нуқтада эшитишишининг аҳамияти бор. Бу маълумотлар асосида юрак порокларини дифференциация қилиш мумкин, баъзан шовқинларни динамикасида эшитишнинг ҳам аҳамияти кам әмас (масалан, актив ревматик жараён, ифодаланган кардитда шовқинлар сустлашади, даволаш жараённан ёки унинг охираша дағал, ўтказувчан бўлиб қолади).

Митрал юрак порокларида диагнозни тахминий таърифлаш:

1) ревматизм, актив фазаси, қайталама ревмокардит, I даражада активликда, кечиши ўртача ўткир, митрал клапан етишмовчилигининг I даражаси, Н_о. Кўшилиб келган касаллик — хроник субкомпенсацияланган тонзиллит;

2) ревматизм, актив фазаси, II даражада активликда, қайталама ревмокардит, кардит ўртача ифодаланган, кечиши узлуксиз такоррланувчан, митрал юрак пороги II даражадаги степоз устунлиги билан. Кўшилиб келган касаллик — хроник холецистит. Асоратлари — Н_{II}, титроқ аритмия;

3) ревматизм, ноактив фазаси, митрал юрак пороги, III даражадаги клапан етишмовчилиги устунлиги билан. Кўшилиб келган касаллик — хроник атрофик фарингит. Асоратлари — Н_{III};

4) юрак ишемик касаллиги: атеросклероз, II даври, III босқичи, коронарокаудиосклероз, аорта склерози. Асоратлари — митрал клапан етишмовчилигининг II даражаси, Н_{III}.

Даволаш

1. Этиологик — сабабини даволаш (кўп нарса шунга боғлиқ, чунки ҳар гал ревматизм қайталаниши жараённи оғирлаштиради, янги пороклар қўшилади, яъни алоҳида пороклар қўшилган, комбинацияланган бўлиб қолади): ревматизм, атеросклероз, захм, эндо-кардитлар ва порокларнинг бошқа сабабларига даво қилиш.

2. Даволаш тадбирлари юрак етишмовчилигининг олдини олиш ва улгайшига йўл қўймасликка қаратилган («Юрак етишмовчилиги» га к.).

3. Симптоматик, умуман қувват берадиган терапия, диспансер кузатуви, санаторий-курортда даволаш (кўрсатмалар бўлганда).

4. Хирургик даволаш. Бу масалани ҳал қилиш учун кардиологлар — терапевт (ёки педиатр) ва хирурглар операцияга кўрсатмалар ва монелик қиласидаган ҳоллар, операциядан олдинги тайёргарлик масалалари (ҳар бир беморнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда), хирургик аралашув ҳажми, операциядан кейин эҳтимол тутилган асоратлар ва улар билан кураш чоралари, хирургик давонинг кейин юз берадиган кутиладиган натижаларини биргаликда муҳокама ва ҳал қилишлари керак.

Мазкур порок профилактикаси унинг сабабини профилактика қилишдан ташкил топади; порокни ўз вақтида аниқлаш (профилактик текшириш) ва олдини олиш чоралари, ўз вақтида даволаш, диспансеризация, иккиласмчи инфекциялар қўшилишининг олдини олиш, ревматизмнинг бирламчи ва иккиласмчи профилактикаси.

Контрол саволлар

1. Митрал пороклар этиологияси.

2. Шовқинлар ҳосил бўлиши, тоналар ўзгариши, акцентлар пайдо бўлиши, юрак чегаралари ўзгариши патогенези.

3. Систолик ва диастолик шовқинларнинг органик ёки функционал келиб чиқишини дифференциал диагностика қилиш.

4. Митрал клапан етишмовчилигининг диагностик мезонлари.

5. Митрал стенознинг диагностик мезонлари.

6. Митрал пороклар диагностикаси (улар бирга қўшилиб келганда).

7. Митрал порокларда хирургик даволашга кўрсатмалар.

ҚЎШИЛИБ КЕЛГАН МИТРАЛ ЮРАК ПОРОГИ (МИТРАЛ КАСАЛЛИК)

Таърифи. Бу чап бўлма-қоринча (митрал) тешик торайиши ва икки тавақали (митрал) клапан етишмовчилигининг қўшилиб келишидир. Ревматик этиологияли пороклар энг кўп бирга келади, аввалига митрал клапан етишмовчилиги шаклланади, кейинроқ эса митрал стеноз қўшилади. Бунда етишмовчилик ҳам, стеноз ҳам кейинчалик аста-секин улрага боради.

Қўшилиб келган митрал порок уч вариандта учрайди:

— етишмовчилик устун бўлган митрал порок;

- стеноз устун бўлган митрал порок;
- етишмовчилик ёки стеноз устунлиги аниқ бўлмаган митрал порок.

1. Анатомик ва функционал устунлиги бўлган, бинобарин, митрал клапан етишмовчилигининг клиник белгилари ифодаланган порокларнинг бирга учраши асосан клапан етишмовчилиги клиникинин эслатади. Одатда порок декомпенсацияси кейинроқ юз беради. Бунда митрал тешик майдони $1-2 \text{ см}^2$ атрофида ўзгариб турди, аускультатив усулда I тоннинг сустлашиши ва юрак учидага дағал систолик шовқин ва унинг қўлтиқ чуқурчасига ўтиши аниқланади, юрак учидаги туртки кучайган, чапга ва пастга силжиган. Перкуссияда, ЭКГ да ва рентгенда чап қоринча гипертрофияси (бирмунча ишончли белги), III тон аниқланади, ўпка гипертензияси симптомлари (яъни кичик қон айланиши доирасида димланиш ҳодисалари) ифодаланмаган, юрак чегаралари чапга ва юқорига кенгайган, катта қон айланиш доирасида димланиш ҳодисалари нисбатан кеч ривожланади.

2. Чап атриовентрикуляр тешик стенози устун бўлган митрал порок қўшилиб келган митрал порокларнинг энг кўп учрайдиган формасидир. Бунда тешик майдони 1 см^2 (баъзан $0,5 \text{ см}^2$) дан ошмайди, клиник белгиларининг ифодаланганлик даражаси ва касалликнинг кечиши алоҳида (соф) митрал стеноздаги кабидир: қарсилаган I тон, пресистолик ва систолик шовқинлар, ўпка артериясида II тон акценти; ўпка гипертензиясининг ҳамма симптомлари — акроцианоз, «митрал қиёфа», йўтал, қон туғлаш, қон оқиши, нафас қисиши, бўгилиш, юрак астмаси хуружлари (ўпка шиши), атриомегалия, гипертрофия ва ўнг қоринча дилатацияси, юрак ритми бузилишлари — бўлма экстрасистоласи, пароксизмал тахикардия, титроқ аритмия ($80-90\%$ беморларда) ифодаланган, кейинчалик катта қон айланиш доирасида димланиш ҳодисалари ривожланади: шишлар, жигар катталашуви (димланиш), бўйин веналари пульсацияси, эпигастрал пульсация, сероз бўшлиқларда суюқлик димланиши (асцит, гидроторакс, анасарка) ва ҳ.к. Рентгенологик ва ЭКГ да (иккала қоринча ва чап бўлма гипертрофияси ва дилатацияси билан бирга) ўнг бўлма гипертрофияси ҳам (cor bovinum) аниқланади. Порок авж олиб, тез-тез асоратлар юз бериши билан кечади.

3. Митрал порокнинг клапан етишмовчилиги ёки тешиклар стенози аниқ устун бўлмаган кечиш асосий (сабаби) касалликнинг (ревматизм, септик эндокардитлар ва ҳ.к.) оғир-енгиллигига, bemornining маиший ва меҳнат шароитларига ва бошқа бир қанча омилларга (қон айланиши бузилишини ўз вақтида даволаш, овқатланиш режимига риоя қилиш ва ҳ.к.) боғлиқ.

АОРТАЛ ЮРАК ПОРОКЛАРИ

Аортал пороклар орттирилган юрак пороклари орасида иккинчи ўринни эгаллайди ва кўпчилик ҳолларда ревматик этиологияли бўйинни эгаллайди.

лади. Улар алоҳида ёки қўшилиб келган (тeng ярим ҳолларда митрал пороклар билан) бўлиши мумкин. Аортал порок аксарият митрал пороқдан кейин ревматик жараённинг тез-тез қайталаниб туриши натижасида шаклланади. Алоҳида аортал пороклар қўпинча эркакларда учрайди.

Клиник маълумотлар ва назарий билимларга асосланиб, студент қўйидагиларни билиши:

- 1) юрак пороги жойлашган жойни ва порок турини аниқлаши;
- 2) асосий жараён ва унинг характеристики (яллиғли, дистрофик, склеротик ва ҳ. к.) аниқлаши;
- 3) беморни текширишнинг тегишли планини тузиши;
- 4) қўйидагилар асосида узил-кесил диагнозни таърифлаши:
 - асосий симптомлар, аускультатив маълумотлар ва мазкур порокнинг бошқа диагностик мезонларини билиши;
 - аортал порокларни бир-бири билан, митрал, трикусидал, шунингдек тугма пороклар билан дифференциация қилишни билиши;
 - юрак ичи гемодинамикаси бузилишлари, компенсация ва де-компенсация босқичларини билиши;
 - касаллик прогнозини аниқлай олиши, эҳтимол тутилган асоратлар, қўшилиб келган касалликларни аниқлаши.
 - касаллик этиологиясини, юрак етишмовчилиги босқичлари ва тури, асоратларини ҳисобга олган ҳолда даволаш тадбирлари планини тузиши керак.

АОРТА КЛАПАНЛАРИ ЕТИШМОВЧИЛИГИ

Аорта клапанлари етишмовчилигини биринчи марта Въессен 1715 йилда тасвирлаган, сўнгра уни Хожсон (1815), Корриган (1832), Дюразье (1861), С. П. Боткин ва бошқалар ўрганишган. Қатор муаллифларнинг фикрича, порокнинг бу тури аёлларга нисбатан эркакларда кўпроқ учрайди. Б. А. Черногубов бўйича (1950) — 10 марта, А. С. Берлянд бўйича (1948) — 3,6 марта, С. А. Колесников ва Г. Т. Голиков бўйича (1967) — 8 марта кўп учрайди.

Аортал клапаннинг нисбий ва органик етишмовчилиги фарқ қилинади: нисбий етишмовчилик одатда аортанинг юқорига кўтариладиган қисми кенгайганда ривожланади, бу давомли гипертензияда, аорта атеросклерозида, қатламланадиган аорта аневризмасида, ҳар хил этиологияли аортитларда бўлади; органик (ҳақиқий, клапан) етишмовчилик ҳамма пороклар орасида 14% ни, аксарият аорта оғзи стенози билан бирга учраганда 50—60% ни ташкил қиласи (Макодкин В. И., 1986).

Этиологияси. Аорта клапанлари етишмовчилиги ривожланишида қўйидагилар муҳим роль ўйнайди:

- ревматик эндокардит (полипоз-ярали, сўгалсимон) — қарийб 80% ҳолларда;
- септик эндокардитлар (аксари ўртача ўткир);

- захм (захм эндокардити, мезаортит, гуммоз-склеротик жара-ең);
- атеросклероз, аортал клапанларнинг атеросклеротик бужмайиши (жараённинг III босқичида ривожланади);
- қатламланадиган аорта аневризмаси;
- кўкрак қафаси шикасти (клапан узилиши билан);
- клапаннинг тугма етишмовчилиги (тўрсимон, дарчасимон ёки икки тавақали аорта клапани ва унинг тугма аномалиясининг бошқа турлари);
- биринчи ривожланиши систем касалликлари — коллаген нозлар (систем волчанка, ревматоид артрит, систем склеродермия, дерматомиозит ва б.);
- атеросклероз билан бирга учрайдиган гипертония касаллиги.

Сўнгти вақтларда мазкур порок ривожланишинг асосий этиологик омили ревматизм ҳисобланади, сабабчи омил сифатидаги захм эса охирги ўринни эгаллади (Совет Иттифоқида). Атеросклеротик аортал пороклар 15% ҳолларда (асосан ёш улгайганди ва қариллади) кузатилади, травматик пороклар урушлар, зилзилалар вақтида, транспорт ҳалокатларида ва бошқаларда учрайди.

Патогенези:

- *юрак ичи гемодинамикаси бузилишилар патогенези* — аорта яримой клапанларининг нотулиқ ёпилиши натижасида чап қоринча диастоласи вақтида қон чап қоринчага қисман орқага қайтади (регургитация). Регургитация баъзан зарбали ҳажмнинг 60% гача этиши мумкин;
- *компенсация патогенези* аорта клапанлари заарланиш дарражасига, бошқа пороклар билан бирга учрашига, этиологик жараён характеристига, энг муҳими чап қоринча мускулатураси ҳолатига боғлиқ;
- *декомпенсация патогенези* — чап қоринча давомли гиперфункцияси, унинг миокарди ортиқча ишлаши ва чарчаши — чап қоринчанинг миоген дилатацияси, миокард қисқариши қобилиятининг пасайиши, митрал клапаннинг нисбий етишмовчилиги (аортал порок митрализацияси), қон sistолик отилишинг пасайиши, чап қоринчада, шунингдек чап бўйламда диастолик босим ошиши, кичик, сўнгра катта қон айланиш доирасида димланиш ривожланиши;
- *компенсация ва декомпенсация қўшимча омилларининг патогенези* (тахикардия, периферик қаршилик ўзгариши, система қисқариши ва б.).

Клиник манзараси

I. Субъектив маълумотлар. Шикоятлари:

- юрак соҳасида вақти-вақтида оғриқ (тож томирлардан қон айланиши ёмонлашуви);
- юрак соҳасида ёқимсиз сезгилар, юракнинг нотекис уриши;
- бош айланиши, бош оғриги;
- ҳушдан кетишга мойиллик, бўйинда ва бошда пульсация сезгиси;

— тез чарчаб қолиши, иш қобиلىнти пасайиши (компенсация даврида беморларда шикоятлар бўлмаслиги мумкин);

— умумий юрак етишмовчилиги учун хос шикоятлар — нафас қисиши, бўғилиш сезгиси, уйқу ёмонлашуви, танага шиш келиши, қон туфлаш, ўнг қовурғалар остида ёқимсиз сезги.

II. Субъектив маълумотлар анализи (порокнинг захмли этиологиясида, шунингдек юрак етишмовчилигининг бошланғич белгилари ни аниқлаш учун батафспи анамнез айниқса зарур).

III. Объектив маълумотлар.

1. Умумий кўздан кечириши:

— тери қопламлари ва шиллиқ пардалар рангпарлиги (аксарият сарғиншамо тусда);

— ҳар хил артериялар, бўйиндаги артериялар пульсацияси — «каротид ўйини» (умумий уйқу артерияси);

— Мюссе симптоми (уйқу артерияси пульсацияси бошни синхрон қўмирлатиш билан), қорашибилар пульсацияси;

— сохта капилляр пульс (Квинке белгиси);

— Траубе қўшалоқ тони ва Дюроэзе қўшалоқ шовқини (периферик томирлар садоланиши — сон артериясиний эшитиб кўрилганда);

— артериал босим —sistолик босим нормал ёки аксарият ошган, диастолик босим эса пасайган ёки нуль, пульс босими ошган;

— пульс (катта, сакровчан, юқори).

2. Юрак-томирлар системаси:

— юрак бурилиги (аксарият порок болаликдан шаклланганда);

— юрак учидаги туртки қучайган, кўтариб берадиган, резистент, чаңга (олдинги қўлтиқ чизигигача), пастга (олтинчи ва еттинчи қовурғалар орасига силжиган);

— юрак гипертрофијаси чаң қоринча ҳисобига, сўнгра чаң бўлма ҳисобига юқорига, декомпенсация даврида эса ўнга ҳам гипертрофияланган, юрак ўлчамига кўра буқа юрагини эслатади (сог bovinum).

— II тон аорта тепасида ёки Боткин—Эрба нуқтасида сустлашган ёки йўқолади;

— аорта тепасида ёки Боткин нуқтасида дағал диастолик шовқин қон оқими бўйлаб пастга, чаң қоринчага ўтади;

— чаң қоринча бўшлиги кескин кенгайиши патижасида митрализация симптомлари (I тон сусайиши ва юрак учида систолик шовқин — митрал клапанининг нисбий етишмовчилиги).


3. Бошқа органлар ва системалар томонидан маълумотлар порок этиологиясига, юрак декомпенсацияси, касаллик асоратлари ва қўшилиб келадиган касалликлар бор-йўқлигига боғлиқ.

IV. Лаборатория, инструментал ва бошқа қўшимча текшириши методлари маълумотлари:

— периферик қон кўрсаткичлари, биохимиявий ва иммунологик текширишларнинг порок этиологиясига боғлиқ ҳолда ўзгариши (актив ревматик жараён, атеросклероз, ўртача ўтқир септик эндокардит ва б.);

— рентгенологик текшириш — чап қоринчанинг кескин катталашуви — юракнинг аортал конфигурацияси, юрак бели ифодаланган — «этик» ёки «ўтирган ўрдак» шаклида бўлиши;

— ЭКГ да — чап тип, чап қоринчанинг ортиқча ишлаш белгилари I ва II стандарт ҳамда чап кўкрак усусларида S—T сегменти пасайиши ва манфий T тишчаси, Гис тутами оёқчаси блокадаси шаклданиши мумкин (3-расм);



3-расм. Аорта клапани етишмовчилиги бўлган бемор электрокардиограммаси (ЭКГ).

R₁ тишча амплитудаси кўпайиши, S_{III} чуқур тишча, R_{V5-6} тишчанинг баланд амплитудаси, I-II ва V₅₋₆ усусларда S — T сегменти депрессияси, QV₆ кенгаймаган тишча.

— ФКГ да — юқсак частотали диастолик шовқин, II тон амплитудасининг пасайиши;

— ФКГ да баъзан систолик (Василенко В. Х., 1983, бўйича бирга келадиган) шовқин, аксарият иккинчи қовурғалар орасида ўнгда ёки Боткин нуқтасида ва юрак учидаги (аорта оғзи нисбий стенози) қайд қилинади;

— уйқу ва билак артерияси сғигмограммасида тез кўтарилиш, анакротанинг ўткирлашган чўққиси ва катакротанинг кичик дикротик тўлқин билан тез пасайиши аниқланади;

— аnekскардиограмма (юрак учидаги кардиограммаси) чап қоринча тараанглашуви билан бирга келадиган эрта юқори систолик тўлқин билан характерланади;

— векторқардиография чап қоринча гипертрофиясини аниқлашга имкон беради.

Аортал клапан етишмовчилиги диагностикасида ва унинг ифодаланганлик даражасини аниқлашда бу порок белгиларининг уч группаси келтирилган қўйидаги схемасидан фойдаланиш қулай (Маколкин В. И., 1986):

I. Клапан белгилари:

- 1) диастолик шовқин;
- 2) II тон сусайиши (йўқолиши).

II. Чап қоринча белгилари:

1) пастга ва чапга силжиган, кучайган, туташ юрак учи турткиси (компенсация босқичида ёки клапан нуқсони унчалик юзага чиқмаганда бу силжиш унчалик катта бўлмаслиги мумкин);

2) юрак нисбий тўмтоқлигининг чапга кенгайиши;

3) рентгеноконияда, эхокардиографияда чап қоринчанинг катталашуви;

4) ЭКГ да чап қоринча гипертрофияси синдроми.

III. Аортада диастолик босим пасайишига боғлиқ бўлган симптомлар (периферик симптомлар):

1) паст диастолик босим;

2) юрак соҳасида оғриқлар;

3) юқори, тез пульс;

4) периферик томирларда қўшалоқ Траубе тони ва қўшалоқ Дюрозье шовқини;

5) капилляр пульс.

Аортал клапан етишмовчилигига Н. М. Мухарлямов муаллиф дошлари билан (1978) порок ифодаланишининг учта даражасини — паст, ўртача ва кескин ифодаланган даражаларини фарқ қиласидар.

Кечиши асосий касалликнинг оғир-енгиллиги ва кечиш характери, клапандан шуқсоннинг ҳар хил ифодаланганлиги, миокард ҳолати, биринчи навбатда юракнинг энг кучли бўлиши (чап қоринча) ҳолатига боғлиқ, бу узоқ вақтгача мазкур порок компенсациясини таъминлаб туради. Бунда компенсация даври давомли (ўн йиллар), декомпенсация даври эса жуда қисқа (йиллар ва ҳатто ойлар).

Юрак етишмовчилиги одатда астма хуружлари билан чап қорипча типи бўйича ўтади, ўпкада гипертензия орта борган сайин эса юрак астмаси хуружлари тезлашади — ўлим юз бериши мумкин. Порок этиологияси муайян, баъзан эса ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади (тез-тез қайталаниб турадиган ревматизм, сурункали септик эндокардит, атеросклероз ва ҳ. к.). Баъзан юрак етишмовчилиги катта қон айланиш доирасида ҳамма димланиши белгилари билан ўнг қоринча типи бўйича ривожланади, кейинчалик умумий юрак етишмовчилиги ривожланади.

АОРТА ОҒЗИ СТЕНОЗИ

Аорта оғзи стенозини (анатомик) биринчи марта Рейер (1672) тасвирлаган, касаллик клиникасини Хожсон (1815), Ценкер (1831), С. П. Боткин, Трахтенберг, В. Х. Василенко (1983) ва бошқалар ўрганишган.

Ромберг маълумотларига кўра аорта оғзининг алоҳида стенози 2,53% ҳолларда, В. Х. Василенко клиникаси маълумотлари бўйича (1983) алоҳида ва бошқа ортирилган пороклар билан қўшилиб келганда аортал стеноз салмоғи 16% гача ҳолларда учрайди. Аорта клапанлари етишмовчилиги қўшилиб келган стеноз эркакларда ҳам,

аёлларда ҳам деярли баравар кузатилади, алоҳида стеноз эса эркакларда күпроқ (2,4:1) учрайди.

Б. П. Соколов бўйича (1963) орттирилган юрак пороклари сабабли аутопсияда аортал стеноз 23% ҳолларда топилган. Baileu (1983) маълумотларига кўра орттирилган юрак пороклари сабабли операция қилинганинг орасида аорта оғзи стенози bemorlarning 22,5% да аниқланган. Шунинг учун В. Х. Василенко (1983) «аорта оғзи стенози камдан-кам учрайдигина эмас, балки камдан-кам аниқланади», деб эътироф қилганида ҳақ эди. Бу порок, айниқса у аортал клапан етишмовчилиги ва митрал пороклар билан бирга учраганда қийинлик билан диагностика қилинади.

Этиологияси. Аортал стеноз ривожланишида қуйидагилар муҳим роль ўйнайди.

- ревматизм (бирламчи ревмокардит, қайталама — ҳамма ҳолларнинг қарийб 80% ида);
- атеросклероз (гарчи аксарият аорта клапанлари етишмовчилигига олиб келса-да — қарийб 8—10% ҳолларда);
- бактериал эндокардитлар (сурункали ва ўткир септик);
- захм (гарчи аорта клапанлари етишмовчилитига олиб келсада);
- тугма аномалия (клапан ости ва клапан усти торайиши).

Патогенези. Катта ёшдаги соғлом одамларда аорта оғзи майдониг 3 см² ни, айланаси эса — 7 см ни ташкил қиласи. Аортал тешикнинг озгина торайиши қон айланишининг билингали бузилишларини келтириб чиқармайди ва аортада қаттиқ систолик шовқин пайдо бўлишига олиб келади, холос. Тешик майдонининг 50% дан кўпга камайишигина гемодинамика бузилишига — чап қоринчадан катта қон айланиш доирасига (аортага) қон оқими камайишига олиб келади, гарчи Г. М. Соловьев (1963) тасдиқлашиб, тешик 75% га кичрайганда чап қоринчанинг минутлик ҳажми қамайиши юз беради, ва ўлчам ҳажмининг ҳатто 10—20% сақланиб қолиши ҳам bemorxayeti билан сифишиди.

1. *Юрак ичи гемодинамикаси бузилишларининг патогенези* — чап қоринча систоласи вақтида унинг бўшалиши ва, бинобарин, қоннинг чап қоринчадан аортага отилиши қийиплашади, чап қоринча бўшлигига босим ошади, қоннинг чап қоринчадан аортага ҳайдалиш даври узаяди, чап қоринчанинг компенсатор гипертрофияси ривожланади.

2. Кейинчалик, агар аорта оғзи торайиши авж олиб борса ва чап қоринчанинг бўшалиши учун тўсиқ янада ортиб борса, систола охирида қоннинг бир қисми унинг бўшлигига қолади, бўшлиқ кенгаяди ва «юрак қонуни» га билоа ошган қон ҳажмига кўра чап қоринча мускулатураси япада катта куч билан қисқариши билан жавоб беради. Чап қоринча дилатацияси ва гипертрофияси туфайли қон унинг систоласи вақтида яна аортага батамом ҳайдалади, яъни порок компенсацияси (юрак ичи гемодинамикаси) тикланади ва 20—30 йилгача ва бундан кўпроқ кузатилиши мумкин (Василенко В. Х., 1983).

3. *Порок декомпенсацияси* такрорий ревматик жараён (қайта-

лама ревмокардит), сепсис ёки бошқа сабаблар оқибатида миокардиодистрофия (инфекция, интоксикация) ёки кейинчалик авж олиб борадиган аорта оғзи стенози билан ўтадиган миокардиосклероз ривожланган тақдирда юз беради.

4. Порок декомпенсацияси кейинги ривожланишининг патогенези аорта клапандарни етишмовчилигидан қандай бўлса, шундай. Клиник манзараси

I. Субъектив маълумотлар. Шикоятлари:

— юрак соҳасидаги (беморларнинг 50% да) оғриқ стенокардиятипида (миокард ишемияси) ёки зирқираган ва санчиқли бўлиб, тарқалмайди, улар ҳаяжонланишида, жисмоний ҳаракатда кучаяди;

— аорта оғзи стенозида оғир ва ангиноз оғриқ хуружлари — bemorларнинг 1/3 қисмидаги кузатилади (Василенко В. X., Фельдман, С. Б., 1983).

— бош айланиши (беморларнинг 3/4 қисмидаги) ва ҳушдан кетишига мойиллик (мия ишемияси) аксарият тўсатдан ва қисқа вақт гандираклап («огиб кетиш») билан ўтади;

— бош оғриғи (ярмидан кўпроқ ҳолларда);

— нафас қисиши, порок декомпенсациясида — юрак астмаси хуружлари, аксарият тунги вақтда;

— ҳолсизлик, лоҳаслик, иш қобилияти пасайиши, кўз олди қонргилашуви;

— асосий касалликлар (ревматизм, эндокардит, захм, атеросклероз ва б.) ва асоратлар учун хос шикоятлар.

II. Субъектив маълумотлар анализи (бемор шикоятлари, касаллик анамнези ва б.);

III. Объектив маълумотлар.

1. Кўздан кечириш:

— тери қопламлари рангпарлиги, акроцианоз бўлиши мумкин (юзага чиқсан стенозда);

— юрак буқрилиги (аксарият ёшларда);

— настга ва чашга силжиган юрак ва юрак учи турткиси (порок компенсацияси даврида — чап қоринча дилатацияси ва гипертрофияси).

2. Юрак-томирлар системаси:

— юрак буқрилиги бўлиши мумкин;

— систолик титроқ ёки «мушук хириллаши» синдроми — иккичи қовургалараро ўнг томонда аорта тепасида;

— аорта тепасида II тон (ёки Боткин—Эрба нуқтасида) сусайтан;

— дағал систолик товуш эшитилади (аорта тепасида ёки V нуқтада), у бўйин томирларига (уйқу ва ўмров ости томирларига) ва кўкрак қафасининг бирмунча паридаги қисмларига — кураклараро соҳага ўтказилади;

— митрализация симптомлари (кейинроқ) — I тон сусайиши ва юрак учи тепасида систолик шовқин борлиги;

— пульс — брадикардия (порок компенсацияси омили), секин ва кичик;

— артериал босим — систолик (максимал) ва пульс босими пасайиши, минимал босим — нормал ёки бир оз ошган;


— порок этиологияси, юрак декомпенсацияси, касаллик асорати билан боғлиқ бўлган объектив маълумотлар;

VI. Лаборатория, инструментал ва бошқа қўшимча текшириш методлари маълумотлари:

— порок этиологияси ва бошқаларга биноан периферик қон кўрсаткичлари, биохимиявий ва иммунологик текширишлар кўрсаткичларидаги тегишли ўзгаришлар;

— рентгенограммада — аортал конфигурация ифодаланган «бел» билан.

— ЭКГ да — электр ўқининг чапга оғиши, чап қоринча гипертрофияси, кейинчалик эса чап бўлма ва чап қоринча гипертрофияси, аксарият Гис тутами чап оёқчасининг блокадаси, ҳар хил даражали атриовентрикуляр блокада аниқланади (4-расм):



4-расм. Аорта оғзи степози бўлган бемор электрокардиограммаси (ЭКГ).

Чап қоринча гипертрофияси белгилари: R I-II, V₅₋₆ баланд тишча, I-II ва V₅₋₆ усуулларда S-T интервалидаги ўзгаришлар — изоэлектрик чизиқдан пастга тушган.

— ФКГ да — ўнгда иккинчи қовурғалар орасида тўш олдида систола даврида типик ромбасимон шаклдаги систолик шовқин эшиллади;

— векторокардиографияда чап қоринча гипертрофияси аниқланади, бунда QRС қовузлоги йўналиши одатда ўзгармайди, бироқ у деформацияланади;

— ангиокардиографияда эгри чизиқнинг юқорига кўтариладиган тирсаги систола вақтида аста-секин кўтарилади ёки иккита дўйглик шаклига эга бўлади;

— кардиоманометрияда чап қоринчада систолик босимнинг ошгани (симоб стуни ҳисобида 200—300 мм тача), аортада эса пасайгани ёки норма атрофида қолгани аниқланади.

Аортал стеноз кечиши ва прогнози

1. Компенсация даврида кечиши ва прогнози — давомли кечади, прогноз яхши (аортал пороклар спортчиларда ва ҳатто спортнинг ҳар хил турлари бўйича рекордчиларда кузатилган).

2. Декомпенсация даврида кечиши ва прогнози — кечиши митрал порокларга қараганда давомли эмас, прогнози чап қоринча имкониятлари кескин пасайиб кетганда яхши эмас (ҳатто юрак гликозидлари қўлланиш ҳам кам ёки деярли наф бермайди).

3. Касалликнинг кечиши ва прогнози қўшилиб келадиган касалликларга, бирга келган инфекциялар ва, эпг муҳими, чап қоринча мушаклари ҳолатига боғлиқ.

4. Касалликнинг кечиши ва прогнози кўп жиҳатдан асосий жараёнга — касаллик этиологиясига боғлиқ:

— ревматик этиологияли аорта оғзи стенози ёш одамларда пайдо бўлади, аввалига узоқ йилларгача алоҳида фунционал бузилишлар кузатилмайди. Аортал клапанлар етишимовчилиги, митрал ва порокларниң бошқа турлари бирга учраганда кечиши авж оладиган бўлади (айшиқса чап қоринча декомпенсацияси юз бергандан кейин);

— аортал стенозниң атеросклеротик формаси навқиронлика, ёш улгайганда ва қарилик ёшида ривожланади, кечиши иисбатан яхши, касаллик клиникасида қўлинча аорта, тож томирлар ва бошқа артерияларниң атеросклеротик ўзгаришлари устунлик қиласди;

— септик эндокардитларда (ўртacha ўтқир септик) аортал стеноз аксарият митрал пороклар фонида (бирламчи сурункали септик эндокардитда эса — соғлом клапанлар фонида) ривожланади, авж олиб кечади;

— аорта клапанларининг оҳакланиши билан ўтадиган аортал стеноз аёлларга қараганда аксарият (4 баравар кўп) эркакларда учрайди, ревматик ёки атеросклеротик этиологияга эга бўлади, асоратлар билан ўтади;

— аорта оғзининг писбий стенози асосан систолик шовқин билан намоён бўлади, стенозниң периферик белгилари эса бўлмайди.

Бундан ташқари, аортал стеноз кечиши порокнинг юзага чиққанлик даражасига боғлиқ. Н. М. Мухарлямов ва муаллифдошлари (1978) аорта оғзи стенозниң учта даражасини фарқ қиласдилар:

— I — юрак чегарасининг чапга ва пастга 0,5—1 см га кенгайиши, кучайган юрак учи турткиси, ўнгда иккинчи қовурғалар орасида ромбсимон шаклдаги систолик шовқин (ФКГ да), QRS комплекси тишчаларининг алоҳида катталашуви, аортал клапан тавақалари очилиш даражасининг бир оз камайиши ва эхокардиограммада тавақаларининг оз-моз фибрози, чап қоринча девори қалинлигининг 1,2 см гача кўпайиши;

— II — юрак чегараларининг чапга ва пастга 2 см гача кенгайиши, кучайган туташ юрак учи турткиси, юрак соҳасида оғриқ пайдо бўлиши, ўнгда иккинчи қовурғалар орасида типик систолик шовқин (ФКГ да — ромбсимон шаклда), у юрак учига ва бўйин томирларига ўтади, II тон сусайган; ЭКГ да чап қоринча гипертрофияси бел-

ғилари; эхокардиограммада — аортал клапан тавақалари очилиш даражасининг ўртача ифодаланган камайиши, чап қоринча девори қалинлигининг 1,5 см гача ошиши;

— III — порокнинг типик субъектив ва объектив белгилари ривожланиши — юрак соҳасида тез-тез бўлиб турадиган оғриқлар, юрак чегаралариининг чапга ва пастга анчагина кенгайиши, юракнинг ҳамма нуқталарига, бўйин томирларига, ҳатто орқага ўтадиган дагал систолик шовқин, II тон сустлашиши, систолик титраш, эхокардиограммада — аортал клапан тавақалари очилиш даражасининг анчагина камайиши, чап қоринча (миокард) девори қалинлигининг 1,5 см дан ошганлиги; ЭКГ да — чап қоринчанинг юзага чиққан гипертрофияси. Б. П. Соколов (1967) бўйича аортал стеноз кечишида тўртта босқич фарқ қилинади:

— 0 — порок субъектив жиҳатдан намоён бўлмайди, беморларнинг меҳнат қобилияти сақланаб қолган;

— I — бошлангич клиник белгилар босқичи;

— II — касалликнинг клиник белгилари юзага чиққан босқичи;

— III — умумий юрак етишмовчилиги ривожланиши босқичи.

Аорта оғзи стенозининг кечиши шу билан характерланадики, порокнинг компенсация даври — давомли (бир неча ўн йилликлар), декомпенсация даври эса — қисқа (1—2 йил, бальзан бувдан ҳам кам). Одатда аввалига чап қоринча етишмовчилиги белгилари (кичик қон айланиш доирасида димланиш) ривожланади, сўнгра эса ўнг қоринча етишмовчилиги белгилари қўшилади, яъни умумий юрак етишмовчилиги ривожланади.

Аорта оғзи стенозини диагностика қилишда ва стенознинг ифодаланганига баҳо беришда В. И. Маколкин (1986) учта белгини аниқлашга асосланиш кераклигини тавсия этади: 1) клапанга тааллуқли:

— систолик шовқин;

— систолик титроқ;

— II тон сустлашиши;

— эхокардиограммада клапанлар ўзгариши;

2) чап қоринчага тааллуқли:

— кучайган юрак ўчи турткиси (декомпенсация босқичида чашға, пастга силжиган ва катта майдонни әгаллайдиган);

— нисбий тўмтоқликнинг чапга кенгайиши;

— рентгеноскопия, эхокардиографияда чап қоринча катталашуви;

— ЭКГ да чап қоринча гипертрофияси синдроми;

3) юракдан қон отилиши пасайишига боғлиқ симптомлар:

— ортиқча ҷарчаш;

— бош оғриғи, бош айланиши, кўнгил беҳузур бўлиши;

— паст систолик босим;

— кичик, секинлашган пульс.

Белгиларнинг биринчи группаси порокнинг ўзини диагностика қилишга ёрдам беради, иккинчи ва учинчи группаси эса стенознинг юзага чиққанлик даражасини ва юрак ичи гемодинамикаси бузилишининг оғир-енгиллигини аниқлашта имкон беради.

Асоратлари. Тез-тез юз берадиган асоратлари (агар уларни асоратлар қаторига киритиш мүмкін бўлса) — мия ишемияси, коронар етишмовчилик, тез-тез стенокардия хуружлари ва баъзан миокард инфаркти ривожланиши билан боғлиқ бўлган тез-тез бош айланини ва ҳушдан кетиш ҳолатлари.

Аорта оғзи стенозида тож томирларда қон айланини бузилишига қўйидагилар сабаб бўлади:

—аортада систолик босим пасайини натижасида коронар артерияларда босим пасайини;

— гипертрофияга учраган чаш қоринча миокардининг кучли қисқаришларида коронар артерия тармоқлари бўйича қон оқиши қийинлашуви;

— миокардинг кислородга эҳтиёжининг анча ошиши (нормага қараганда) (бир томондан, миокард оғирлиги ошган, иккинчи томондан эса миокардга тушадиган қон миқдори ҳатто нормадан кам).

Порок асоратларига тромбоэмболик асоратлар, иневмония кабиларни киритиш мүмкін.

БИРРАЛИКДА КЕЛГАН АОРТАЛ ЮРАК ПОРОГИ

Бу порок аорта клапани етишмовчилиги ва аортал степознинг бирга қўшилиб келишидан иборат бўлиб, асосан ревматик этиологияли, камроқ септик эндокардитлар, атеросклероз, эндокард ва аортанинг захмли заарланиши, тугма аорта оғзи стенози (ёки қоарктацияси) ёки аорта клапанлари етишмовчилигига ортирилган (аортаники) порокларнинг кейинги қўшилиб келишидан ташкил топади.

Қўшилиб келган аортал порок учта варианта учрайди: етишмовчилик устуслик қиласидаган аортал порок; стеноз устуслик қиласидаган аортал порок; аорта клапани етишмовчилиги ёки аорта оғзи стенози устуслиги аниқ бўлмаган аортал порок.

Юрак аортал пороклари орасида аксарият қўшилиб келган порок учрайди. Агар аортал клапан етишмовчилигига аорта оғзи стенози қўшилса, бу ҳолда кейинчалик касаллик клиникасида клапан етишмовчилиги клиник белгилари устуслик қиласи, ва аксинча.

Стеноз устуслик қиласидаган қўшилиб келган аортал юрак порогида касаллик писбатан оғир — тобора авж олиб кечади.

Етишмовчилик ёки стеноз устуслигини аниқлашда касаллик клиникаси, пульс характеристи, артериал босим ўзгариши, юрак тонлари ва шовқинлари характеристи ва қаерда эпитетилиши муҳим аҳамиятга эга.

Диагностикаси. Айтилганлардан аортал пороклар «типик» кечгандага турли-туман симптомлар ва синдромларга бой эканлиги қўриниб турибди (аортал рангпарлик, юракнинг чапга ва паастга аниқ гипертрофияси, систолик ёки диастолик шовқин, периферик симптомлар — томир симптомлари, юрак тонлари, артериал босим, пульс ва бошқалар ўзгариши). Диагностикада бу симптомлар ва синдромлар йигиндисини ҳисобга олиш, бунда асосий касалликинг (сабабининг) клиник белгиларига аҳамият бериш лозим.

Клиник маълумотлар ва назарий билимларга асосланиб, студент қўйидагиларни билиши керак:

1) қандай (митрал, аортал ва б.) юрак пороги борлигини аниқлаш; клапанлар ва тешикларининг эшитиш нуқталарини, юрак тонлари ва шовқинлари ўтказувчалигининг характеристикини яхши билиши;

2) агар қўшилиб келган порок бўлса, улардан қай бири устунлигини аниқлаш (юрак томонидан бўладиган ўзгаришлар характеристери, порокнинг бошқа клиник белгилари);

3) юрак ичида гемодинамиканинг бузилиши тўғрисида тахминий фикр билдириш;

4) умумий гемодинамика етишмовчилиги босқичларини аниқлаш;

5) порок этиологияси ҳақида апиқ тасаввурга эга бўлиш (даво-лаш тадбирлари тузишда ҳам, прогнозни аниқлашда ҳам аҳамиятга эга);

6) ревматик жараён қайталанганми-йўқми ва диагностика ва даволашнинг бошқа масалаларини аниқлаш;

7) юракнинг тұғма пороклари (қўшимча инструментал текшириш методларининг роли), чап атриовентрикуляр тешик степози (юрак учиди диастолик шовқин, бироқ у ўтувчан, аорта устида ҳам ёки Боткин—Эрба нуқтасида ҳам эштилиши мумкин, бунда шовқин кучининг аҳамияти) билан; қўшилиб келган ва комбинация қилинган пороклар (қўшилиб келган митрал + аортал клапанлар етишмовчилиги ёки бошқа вариантларда бирга учраши) билан; ҳар хил этиологияли миокардиодистрофия («анемик юрак», диффуз токсик булоқ, гипо-авитаминозлар ва ҳ. к.) билан; ўпка артерияси оғзи стенози, ўпка артерияси клапанлари етишмовчилиги билан; оғир тицертензия (Грехем—Стилл шовқини) билап бирламчи ўпка гипертензияси (мураккаб аускультатив манзара муносабати билан) билан; аорта клапанларининг функционал етишмовчилиги (аорта юқорига күтариладиган қисмининг аневризмаси, аорта коарктацияси ва ҳ. к.) билан дифференциал диагностика ўтказиш; турли коллагенозларда аорта клапанлари ёки тешикларидағи ўзгаришларни аниқлаш (ревматоид артрит, систем қизил волчанка, систем склеродермия), яъни диагностика қилиш қийин бўлган ҳојларда.

Аортал порокларда диагнознинг тахминий таърифи:

1) ревматизм, ноактив фазаси. Етишмовчилик II даражаси устунлик қиласан аортал юрак пороги, Н_о;

2) ревматизм, актив фазаси, II даражада активликда, қайталама ревмоқардит, кечиши ўртача ўтқир. Кардит минимал. Клапан етишмовчилиги устун бўлгац аортал юрак пороги, Н II;

3) ревматизм, актив фазаси, III даражада активликда. Қайталама ревмоқардит, кечиши ўтқир. Кардит ифодаланган. Митрал-аортал порок: III даражада етишмовчилик устун бўлгац митрал порок, аортал клапан етишмовчилиги II даражаси; асоратлари — титроқ аритмия, Н_{иб}; 4) ўртача ўтқир (сурункали) септик эндокардит. Аортал-митрал порок; аорта клапанлари етишмовчилигининг III даражаси, етишмовчиликнинг II даражаси устунлик қиласан митрал порок — Н_{иб}.

Даволаш

1. Этиологик (ревмокардит, сурункали септик эндокардит, атеросклероз ва б.).

2. Юрек этишмовчилигини даволаш — «Юрак этишмовчилиги» га қ.

3. Симптоматик ва умуман мустаҳкамлайдиган терапия, санаторий-курортда даволашга кўрсатмалар ва монелик қиладиган ҳоллар.

4. Хирургик даволаш (кўрсатмалар ва монелик қиладиган ҳоллар, асоратларни даволаш).

5. Диспансер кузатуви.

Профилактикаси: этиологик омиллар — сабаб бўладиган касалликларнинг олдини олиш; ўз вақтида диагпоз қўйиш ва унинг авж олишига қарши чоралар кўриш; интеркуррент инфекциялар (грипп, респиратор касалликлар, ангина ва б.) қўшилъшининг олдини олиш, касаллик асоратларига ўз вақтида даво қилиш.

Контрол саволлар

1. Аортал пороқлар этиологияси.

2. Юрек ичи гемодинамик бузилишлари патогенези.

3. Касаллик клиникаси, касалликнинг асосий симптомлари (уларнинг патогенези).

4. Касалликнинг етакчи белгилари бўйича дифференциал диагностика..

5. Порок компенсацияси даврида беморларни даволаш (этиологиясини ва гемодинамика бузилиши даражасини ҳисобга олган ҳолда).

ЮРАК РИТМИ ВА ЎТКАЗУВЧАНЛИГИНИНГ БУЗИЛИШИ — ЮРАК АРИТМИЯЛАРИ

Таърифи. «Юрак аритмиялари» деганда миокарднинг кўп қиррали функиялари ўзгариши, органик ва функционал характердаги турли-туман омиллар (касалликнинг) таъсири натижасида унинг аввало ритм билан ва бирип-кетин қисқариши тушунилади.

«Юрак аритмиялари» ҳозирги замон кардиологиясининг энг муҳим муаммоси ҳисобланади ва ҳозирги вақтда илгари даврлардагига қараганда кўпроқ диагностика қилинганди. Дарҳақиқат, адабий манбалар далолат беришича, юрак ритми ва ўтказувчанлигининг турли хил бузилишлари бирмунча кўп учрайди. Бу юрак патологияси бўлган беморлар (юракнинг ишемик касаллиги, гипертония касаллиги, миокардитлар, ўпка-юрак ва б.), бошқа органлар ва системаларнинг яллиғли, токсик-аллергик табиатли патологиясига учраган bemорлар сонининг ошишини замонавий диагностиканинг тубдан яхшиланиши, шунингдек юракнинг қатор функиялари бузилишлари (автоматизм, қўзғалувчанлик, ўтказувчанлик ва қисқарувчалик) билан изохланishi мумкин.

Бирор соглом юракнинг айрим қисқаришлари давомлилиги бўйича бир-бираидан кўпин билан 0,12 с га фарқ қиласди. Кўпчилик соглом одамларда юрак қисқаришлари темпи (суръати) 1 минутда 60 ва 100 ўртасида ўзгариб туради. Соглом одамларнинг тахминан 38 физизда у 60 дан паст ва 0,3 фойизида минутига 100 дан юқори бўлади.

Юрак аритмияси масалалари бўйича бир неча классификациялар тавсия этилган. А. С. Сметневнинг В. Г. Кукес билан ҳамкорликда ёзилган «Ички касалликлар» дарслигига (1982) юракнинг у ёки бу функцияси бузилишини ҳисобга олиб тузилган юрак аритмияси классификацияси келтирилган.

Хозирги вақтда амалий мақсадлар учун озми-кўпми соддалаштирилган классификациядан фойдаланиляпти. Аритмияларнинг бу классификациясини ВОЗ эксперталари ва халқаро кардиологлар жамиятининг ишчи гурӯҳи (1978) ишлаб чиқкан. Бу классификацияда энг кўп тарқалган аритмиялар: экстрасистолия, пароксизмал тахи-

11-жадвал

Аритмиялар классификацияси

Автоматизм бузилиши	Функцияси	Қўзгалувчанлик бузилиши	Функ- цияси	Ўтказувчанлик бузилиши
Синус тахикардияси Синус брадикардияси Синус аритмияси Атриовентрикуляр (тутун) ритм Диссоциация интерференция билан		Экстрасистолия: Синус Бўлма қўзгалувчанлиги Атриовентрикуляр қоринча Пароксизмал тахикардия		Синоаурикуляр блокада Бўлма ичи блокадаси
Идиовентрикуляр ритм Синус тугуни заифлиги				Атриовентрикуляр блокада: нотўлиқ тўлиқ Бўлма-қоринча дастаси, Гис дастаси оёқчалари, тармоқлари ва охирги шохобчалирининг қоринча ичи блокадаси қўзгалувчанлик ва ўтказувчанлик функцияси бузилиши Бўлмалар титраши Бўлмалар дириллаши Қорипчалар дириллаши ва титратни
Қисқарувчанлик функцияси бузилиши Альтернировчи пульс				

кардия, титроқ аритмия, атриовентрикуляр блокаданинг клиник манзараси, диагностикаси ва даволаш принциплари кўздан кечирилади.

Субъектив ва объектив маълумотларни ўрганиш асосида, аритмия ва униш этиологияси масалаларига доир ўз назарий билимларига таяниб, студент қўйидаги масалаларни ҳал қилишини билиши керак:

1. Аритмиялар табиатини ва турларини аниқлаш;
2. Сабаб бўлган омилни ҳисобга олган ҳолда текширишнинг асослашган планини тузиш;

3. Қүйидагиларга асосланиб узил-кесил ва батағсил текшириш планинни түзиш:

— аритмиялар симптоматикаси ва ЭКГ маълумотларини билиш;

— асосий касалликлар ўртасида ва юракнинг турли функциялари бузилиши ёки аритмияларнинг турларига боғлиқ ҳолда дифференциал диагностика ўтказишни билиш.

4. Аритмияларнинг турли белгилари, миокард, органлар ва системалар ҳолатини ҳисобга олган ҳолда жараёшининг асосий сабабчицини асосланган даволаш; натижаси, прогнози, асоратлари ва бошқаларни анықлаш.

Этиологияси ва патогенези

Этиологик омиллар ғоят турли-туман:

— юрак аритмиялари пайдо бўлишида юрак-томирлар система-сиинг органик (тож томирлар атеросклерози, миокард инфаркти умуман, ишемия касаллиги, миокардитлар, туфма ва ортирилган юрак пороклари, ревмокардит, ҳар хил этиологияли юрак заарланиши, миокардиопатиялар), функционал характердаги (юрак неврози, нейроциркулятор дистония ва б.) касалликлари биринчи ўринда туради;

— эндоген (моддалар алмашинуви ҳолати, гуморал регуляция бузилиши, кислота-ишқор мувозанати ўзгариши), эндокрин бузилишлар (тиреотоксикоз, қандли диабет ва б.); физик (шикарст, гипови гипертермия, ниҳоятда чарчаган юрак) ва химиявий омиллар (чекиш, алкоголь, гиёхвандлик, токсомания); доривор воситалар (строфантин, коргликон, адонис, дигиталис, сийдик ҳайдовчи дорилар ва б.) муайян аҳамиятга эга;

— сўнгги вақтларда аллергик омиллар катта ўрин тутади, этиологияси аниқланмаган аритмиялар ҳам учрайди — булар «идиопатик» келиб чиқдан аритмиялар дейилади.

Аритмиялар патогенези мураккаб. Аритмиялар патогенези негизида иккита электр физиологик механизм: 1) эктопик автоматизм ва 2) қўзголиши тўлқинларининг айланма циркуляцияси ётади (В. И. Маколкин, С. И. Овчаренко, 1987).

Аритмиялар юрак автоматизми ва ўтказувчанилиги функцияларининг бир вақтнинг ўзида ёки бошқа-бошқа бузилишлари оқибатида пайдо бўлади, соглом юрақда синус тугуни максимал автоматизмга эга. Соглом юрақда юрак қисқаришларининг синусли ритми унинг автоматизми марказларининг нормал субординациясини сақлаб қолиши тўғрисида далолат беради, у турли патологик ҳолатларда ўзгаради ва аритмия ривожланишига олиб келади.

А. В. Виноградов фикрича (1987), улар рувожланишининг иккита дастлабки механизмини фарқ қилиш мумкин:

1. Локал заарланиш таъсирида ёки бошқа бирор сабабдан маҳаллий автоматизм қўзголиши тезлигининг синус тугунидаги қўзголиши темпи (суръати) дан ошиб кётадиган одатдаги вазифаси пасайсан марказларнинг тормозсизланиши.

2. Аритмиянинг иккинчи бирламчи механизми асосида юрақда импульслар секинлашиб ўтадиган ўчоқ ёки ўчоқлар ҳосил бўлиши.

билан бирга уларни ўтказишининг бир томонлама блокадаси ётади.

Аритмиянинг асосий вакилларини тасвирилашга киришишдан олдин юрак автоматизми функцияси бузилишларининг айрим формалари тўғрисида бирмунча тўхталиб ўтамиз. Автоматизм бузилиши натижасида синус аритмияси, синус тахикардияси ва брадикардияси пайдо бўлади:

— синус аритмиясида айрим қисқаришлар орасидаги фарқ 0,12 с дан ошади. Нафас олиш вақтида юрак қисқаришларининг тезлашуви ва нафас чиқариш вақтида уларнинг секундлашуви кузатиладиган *нафас аритмияси* ва юрак қисқаришлари темпи ўзгаришлари нафасга боғлиқ бўлмаган доимий аритмия фарқ қилинади;

— синус тахикардиясида юрак қисқаришлари темпи минутига 100 мартадан ошади. У чиниқдан одамларда минутига 190—200 мартагача, эмоционал ва жисмоний чарчашда минутига 100—150 мартага этиши мумкин;

— синус брадикардиясида юрак қисқаришлари темпи 1 минутда 60 дан кам бўлар экан. У соғлом одамларда уйқу, қусиш вақтида, миокард инфаркти бўлган беморларда ва баъзи бир инфекцион қасалликларда кузатилади.

Автоматизм функцияси бузилишларининг юқорида айтиб ўтилган турли хил шакллари клиник намоён бўлмай, балки қўшимча текширишлар йўли билан (ЭКГ ва б.) аниқланади.

Юрак аритмияси айрим шаклларининг қисқача таърифи

Маълумки, юрак аритмиялари юрак-томирлар системасининг турли хил қасалликларида ва бошقا патологик ҳолатларда пайдо бўлади; биобарин, аритмиялар клиникасини бир бутунича жараённинг асосий сабабчи клиникаси, юрак декомпенсацияси билан бирга кўздан кечириш зарур.

1. *Экстрасистолия*. Ў миокардит, миокард инфаркти бўлган беморларда; митрал стенозда, ўчиқли дистрофиялар, кардиосклерозда ва бошқаларда энг кўп кузатилади. Бўлма, бўлма-қориича (атриовентрикуляр) ва қорипча экстрасистоласи, намоён бўлишига қўра — аритмия ва аллоритмия фарқ қилинади. Аллоритмия дегаңда мунтазам такрорланадиган аритмия, хусусан ҳар бир иккинчи зарбда экстрасистола — бигеминия, ҳар бир учинчи зарбда тригеминия, ҳар бир тўртинчи зарбда квадригеминия пайдо бўлишини тушунмоқ керак. Бундан ташқари, эрта ва кечиккан экстрасистолалар фарқ қилинади.

1. Субъектив маълумотлар: шикоятлар бўлмайди ёки беморлар юрак соҳасида ёқимсиз сезги, юрак уриши, унинг нотекис уриши, юрак тўхтаб қолгандек сезги пайдо бўлиши ёки невротик характердаги шикоятлар (бош оғриши, инжиқлик, уйқу ёмонлиги ва б.), ёқимсиз сезгиларни қайд қиласидилар.

2. Объектив маълумотлар. Асосий қасаллик ва унинг асоратлари белгилари. Пульс аритмик, экстрасистолия типида. Пульс пайпаслаб қўрилганда юракниг экстрасистолик қисқариши аксарият умуман аниқланмайди, бу кичик зарб билан отилишга боғлиқ. Юрак

аускультациясида I тон кучайиши эҳтимол, аорта устидаги II тон пасайган ёки у йўқ. Артериал босим ҳар хил, аксари гипотония.

3. Экстрасистолия турига қўра ЭКГ ни текшириш:

— бўлма экстрасистолаларида Р тишча ўзгариши мумкин, QRS комплекси эса нормага мувофиқ келади;

— экстрасистолиянинг атриовентрикуляр формасида — қоринча комплекси нормал шаклда бўлади, Р тишчаси манғий, аксарият умуман аниқланмайди. Бу QRS комплекси билан мос келиш сабабли юз беради;

— қоринча экстрасистолаларида кенгайма (0,12 сдан ортиқ), QRS деформацияси бўлади, R тишчаси бўлмайди. Комплекс ўзгариши Гис дастаси оёқчаси блокадасидаги каби ЭКГ маълумотларини эслатади.

II. Пароксизмал тахикардия. Пароксизмал тахикардия (ПТ) — бу юрак ритмининг минутига 130 мартадан ортиқ, баъзан минутига 220 мартагача тўсатдан тезлашиши бўлиб, тўсатдан бошлиши ва шундай тез тўхташи билан характерланади. ПТ бошлиши бўйича суправентрикуляр (бўлма ва атриовентрикуляр) ва қоринча (ёки қоринча усти ва қоринча) турларига бўлинади. Экстрасистолияда аҳамияти бўлган моментлар пароксизмал тахикардияга ҳам бевосита тааллуқидир. Бироқ унинг қоринча формаси аксарият юракнинг ишемия касаллигида, миокард инфарктида, юракнинг оғир касалликларида, юракнинг гликозидлардан интоксикациясида, миокардитларда, юрак порокларида, юрак катетеризациясида ва коронарографиясида кузатилади.

1. Субъектив маълумотлар. Тўсатдан юракнинг ура бошлиши, баъзан юрак соҳасида стенокардия типи бўйича оғриқлар пайдо бўлиши, кескин беҳоллик, кўнгил айниши, қусиш, бош айланishi билан ўтади; хуруж тўсатдан мўл пешоб ажратиш, ичак перистальтикаси кучайиши, тата температураси ошиши билан якунланади.

2. Объектив маълумотлар. Асосий касаллик клиникаси. Камдан-кам ҳолларда пароксизмал тахикардия сабаби аниқланмай қолишини (юракнинг функционал касалликларида) ҳисобга олиш лозим. ПТ вақтида умумий аҳвол оғир, тери қопламлари рангпар, совуқ тер босади, қўрқув ва шок, ҳушдан кетиш ва колапснинг бошقا белгилари кузатилади; юрак декомпенсацияси ривожланиши ёки ошиши, ўнқа шиши, тонларнинг бўғиқлиги ва бошқа юрак патологиялари фонида авж олиб борадиган гипотония пайдо бўлиши истисно қилинмайди.

3. ЭКГ ни текшириш. У пароксизмал тахикардиянинг турига бўлини:

— қоринча усти пароксизмал тахикардияси учун Т тишча билан қўшилиб кетадиган ўзгарган Р тишча хос, қоринча комплекслари эса ўзгаришларсиз қолади, Гис дастаси оёқчаси блокадаси пайдо бўлиши эҳтимол;

— қоринча пароксизмал тахикардиясида QRS комплекси кенгайиши ва деформацияси хос, бунда қоринча комплекси формаси қоринча экстрасистолаларидаги ЭКГ ни эслатади.

III. Титроқ аритмия. Титроқ аритмия (ТА) бўлмалар титраши ва қалтираши кўришишида кузатилади; қоринчалар титраши ва қалтираши. Титроқ аритмия қуйидаги сабаблардан пайдо бўлади: юракнинг органик характерда заарланиши; инфекциялар; интоксикациялар; анестезиялар; юрак гликозидлари дозаси ошиб кетиши; калий танқислиги; жисмоний ва ақлий чарчаши; чекиш, алкоголни суистеъмол қилиши; этиологияси номаълум титроқ аритмиялар ҳам бўлади (титроқ аритмиянинг алоҳида формаси).

1. Субъектив маълумотлар. Турли-туман ва асосий жараённинг кечиши ва титроқ аритмия турига боғлиқ: юрак уриши, юракнинг нотекис уриши, бош оғриғи, бош айланиши, юрак соҳасида — тўш орқасида қисадиган оғриқлар, нафас қисиши, ўнг қовурғалар остида оғирлик ҳис қилиш, қалтираш, кўп терлаш, полиурия ва б. Айrim ҳолларда (бўлмаларнинг узоқ давом қиладиган титроқ хуружлари ва қоринчаларнинг қалтираш хуружлари) тўсатдан ҳушдан кетиш, талвасалар, шок ва бошқалар қайд қилинади.

2. Объектив маълумотлар, Беморларнинг аҳволи одатда ўртача оғирликда ёки оғир бўлади. Пульс аритмик, титроқ аритмия типида, минутига 150—200 мартагача етиши мумкин (тахисистолик формаси) ва нормал (нормосистолик формаси) ёки минутига 60 зарбдан кам (брadiаритмик формаси), одатда тўлиқлиги ва тараанглиги қучсиз бўлиши мумкин. Пульс танқислиги (юрак қисқаришилари сони ва пульс частотаси ўртасида фарқ бўлганда, юрак қисқаришида ҳамма тўлқинлар ҳам билак артериясига етиб бормаганда), артериал гипотонияга мойиллик хос. Нисбий юрак тўмтоқлиги чегараси этиологияга биноан кенгайган, юрак тонлари бўғиқлашган, бўғиқ, ўпка артерияси устида II тон акценти бўлади. Титроқ аритмия юрак декомпенсацияси пайдо бўлишига ёки авж олишига, тромб ҳосил бўлишига имкон берини туфайли кичик ва катта қон айланни доираларида димланиш белgilари ҳам кузатилиб, бизга маълум тромбоэмболик асоратлар вужудга келади.

3. ЭКГ маълумотлари: бўлмалар титраганда бўлма тўлқинлари сони минутига 400—700 мартагача етиши мумкин, ЭКГ да тишча бўлмайди. Унинг ўрнига бутун диастолани катта-кичиклиги ва давомлилиги турлича бўлган узлуксиз бирин-кетин келадиган тўлқинлар эгаллайди. Қоринча комплекслари хаотик (тартибсиз) жойлашган, баъзан R—R интерваллари жуда кенг чегараларда кузатилиди;

— бўлмалар қалтираганда — бўлма тишчалари юқорига кўтариладиган бирмунча тик ва пастга тушадиган бирмунча қия тиззаси билан узлуксиз бирин-кетип келади. Уларнинг давомлилиги одатда 0,18—0,20 с га тенг;

— қоринчалар қалтирашида — қоринча комплекси охирги қисми (QRS) кейингисининг бошлангич қисмига тушпиши натижасида диастолик пауза бўлмайди, QRS комплексини ҳам, унинг охирги қисмини ҳам аниқ ажратишга муваффақ бўлинмайди;

— қоринчалар титрашида — қоринча комплексининг ўзига хос тасвирлари йўқолади, шакли ва давомлилиги 0,04 с дан 0,14 с гача ўзгариб турадиган тўлқинлар пайдо бўлади.

IV. Юрак блокадаси. Юрак ўтказувчанлиги функцияси бузилиши натижасида пайдо бўлади. Қасалликлар ва патологик ҳолатлардан ташқари (этиологияси ва аритмиянинг бошқа турларига қаранг) юрак блокадалари (тўлиқ блокададан ташқари) юрагида сезиларли заарланиш бўлмаган шахсларда (учувчиларда, космонавтларда) учрайди, бу вегетатив иннервация бузилиши билан боғлиқ (А. В. Сумароков, В. С. Моисеев, 1986).

Патологик заарланиш ўчогининг жойлашувига кўра қўйидаги блокадалар фарқ қилишади: 1) синоаурикуляр, 2) бўлма ичи, 3) атриовентрикуляр, 4) қоринча ичи. Булар ўз навбатида Гис дастаси оёқчаси блокадаси, ўтказувчан система тармоқлари ва охирги шохбачалари блокадасига бўлинади. Бундан ташқари, атриовентрикуляр блокада ифодаланганлиги бўйича учта даражага (I, II, III) бўлинади. Бўлмадан келадиган ҳамма импульслар қоринчаларга одатдагидан камроқ тезлик билан етиб келса, атриовентрикуляр блокаданинг I даражаси тўғрисида ўйлап керак, II даражасида — бўлманинг айрим импульслари қоринчаларга етиб бормайди ва бўлма импульсларидан бири қоринчаларга етиб бормаганда бўлма қоринча ўтказувчанлиги бузилишининг III (тўлиқ) даражаси ҳақида сўз юритилади.

1. Субъектив маълумотлар: юрак блокадаси турига кўра (нотўлиқ, тўлиқ) бош оғриғи, бош айланиши, беҳоллик, қулоқда шовқин, юракнинг сийрак уриши, юрак соҳасида оғриқ (баъзан стеноокардия типи бўйича) бўлиши эҳтимол. Тўсатдан ҳушдан кетиш, цианоз, талвасалар, қусиш ва бошқалар (Морганьи—Адамс—Стокс хуружларида).

2. Объектив маълумотлар. Асосий қасаллик симптомлари ва синдромлари (кардиосклероз, интоксикация, миокардитлар ва б.). Тўгри ёки нотўгри ритмли брадикардия кузатилади; гемодиламик характердаги гипертония (ҳамавақт эмас), «замбараксимон» юрак ритмлари, юрак етишмовчилиги манзараси ва б.

3. ЭКГ маълумотлари:

— биринчи даражали бўлма-қоринча блокадаси 16 дан, 50 ёшгача бўлган амалий жиҳатдан соглом учувчилар составининг 0,5 фоизида топилади. Симптомсиз кечади. ЭКГ да — PQ интервалининг 0,21 с дан кўпроқ узайиши; баъзан Р тишчалари бундан олдинги комплекснинг Т тишчаси билан қўшилиб кетади;

— нотўлиқ атриовентрикуляр блокада (блокаданинг II даражаси). Бу формасида бўлма импульсларининг ҳамаси ҳам қоринчаларга ўтавермайди. айрим қоринча қисқаришлари тушиб қолади. Соглом кишиларда камдан-кам учрайди (амалда соглом 67000 эрекдан З нафарида). Нотўлиқ блокада (Венкебах ёки Мобиц типидаги) изчиллик билан ўтадиган юрак циклларида PQ интервали узайиши қайд қилинади ва кейинги циклда бўлма импульси қоринчаларга ўтмай қолади (уларнинг нисбатлари 5:4, 4:3, 3:2). Алоҳида Р тишча қайд қилинади, шундан кейин PQ интервали тўлиқ нормаллашувгача камаяди. Венкебах II даражали блокадаси PQ интервали

олдиндан ўзгармай, қоринчаларга аурикуляр импульс ўтиши мунтазам ийқолиши билан ўтади;

— тұлық атриовентрикуляр блокада (III даражали блокада), бунда бўлма импульслари частотаси, одатда, етарли даражада юқори, қоринчаларшки эса — 25—30—50, сийракроқ ва камроқ бўлади. Бўлма ва қоринча комплекслари бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда тўғри ритмда келади. Агар ўтказувчанлик бузилиши Гис дастаси тармоқланган жойдан юқорида пайдо бўлганда ЭКГ да қоринча комплекси шакли ўзгармаган бўлади. Блокаданинг III даражасида Морганьи—Адамс—Стокс хуружлари пайдо бўлиши айниқса хавфли, бунда прогноз кескин ёмонлашади ва талвасалар, нульс ийқолиши, артериал босим (асистолия натижасида), ритмнинг аста-секин тикланиши билан ўтади. Бундай беморлар меҳнатга лаёқатсиз, қон айлапиши етишмовчилиги авжига чиқиб боради, тромбоэмболик асоратлар пайдо бўлиши учун оптималь шароитлар вужудга келади.

Қоринча ичи ўтказувчанлиги бузилишларига бўлма-қоринча дастаси оёқчаларининг блокадаси ва шу даста майда тармоқларининг блокадаси киради. Айтиб ўтилган формалари аксарият юракнинг ишемия касаллигига, миокардитлар, кардиомиопатиялар, эндокардит, ўпка-юрак кабиларда кузатилади.

ЭКГ да QRS комплекси кенгайтан. Чап оёқча блокадасида R комплексининг энг катта тишчаси I усулда юқорига йўналган. S—T сегменти пастга силжиган. Т тишча кенгайтан ва манфий. Ўнг оёқча блокадасида QRS комплексининг энг катта тишчаси I усулда пастга йўналган, R тишча кичик, S тишча энлик, ясилашган ва тишчали, T тишча мусбат.

Гис дастаси периферик тармсқларининг блокадалари учун ҳамма усулларда тишчалар вольтажининг кичкиги хос. Комплекс кенгайтан ва тишчали. Т тишча кичрайгац, текислашган ёки манфий.

Диагностикаси. Тўғри диагностикага бемор шикоятларини, мазкур касаллик анамнезини, объектив маълумотлар ва қўшимча текшириш натижаларини қунт билан анализ қилиш йўли билан эришилади. Асосий мақсад: асосий жараён (касаллик) ни, унинг жойлашувини ва кечиц характерини аниқлаш; аритмияларининг клиник формаларини (турларини) аниқлашдан иборат. Юрак аритмиялари, асосан органлар ва системалар (аввало юрак) нинг органик касалликлари, бирмунча камроқ — функционал ҳолатлар оқибати натижасида пайдо бўлишини биламиз. Шунингдек аритмияларининг айрим турлари (синус аритмияси, брадикардия ва тахикардия; экстрапостолия; блокадалар ва б.) клиник жиҳатдан юзага чиқмаслиги, яъни беморларининг шикоятлар қилмасликлари ҳам маълум. Буларнинг жами қунт билан қўшимча текширув ўтказиш зарурлиги, бинобарин, беморни текшириш планини тузишда ўйлаб ёндошиш зарурлигини тақозо қиласиди. Текшириш планига: ҳамма ҳолларда ЭКГ (юрак-томирлар системаси ҳолатини бирмунча чуқур ўрганиш учун кўрсатмалар бўлганда фонокардиограмма, эхокардиографик текшириш), умум клиник, биохимиявий (оқсил спектри, протромбин, холестерин, ферментлар — АлТ ва АсТ ва бошқалар, қон ивучанли-

ти ва б.), иммунологик (АСГ, АСЛ-О, С-реактив протеин, ДФА, Тва В лимфоцитлар) ва этиологик омилни (юракнинг ишемия касаллиги, миокард инфаркти, миокардит, ревмокардит, эндокардит, юрак пороклари, эндокрин бузилишлар) диагностика қилиш учун бошқа кўлгина текширувлар киритилади. Асосий касалликни аниқлашга ўйлаб, жиддий ёндошиш лозим. Буцинг боиси шундаки, аритмиялар тақдиди, уларниг кечиши кўп жиҳатдан асосий жараённинг кечишига, сабаб бўлган омилни даволашга нечоғлик илмий жиҳатдан асосланиб ёндошишимизга боғлиқ.

Даволаш. Юрак аритмиясига даво қилиш асосий жараённинг кечиши, характеристи ва оғир-енгиллигини ва клиник формалари — аритмиялар турини ва бошқаларни ҳисобга олиб ўтказилади. Касалхонага ётқизиш кўрсатмалар бўйича юрак декомпенсациясини ҳисобга олиб, парҳез режими (10-ёки 15-стол), ўринда ётиш, сув режими (суюқликлар, туз, оқсилига, микроэлементларга бой овқат ва б.) га риоя қилиш.

Аритмияларни юрак турли функцияларининг бузилишларига кўра даволаш:

I. Экстрасистолия: сабабига кўра даволаш, ҳар кимнинг ўзига хос ёндошиш, седатив препаратлар (седуксен), кофе, ичкилиқ ичишдан воз кечиш. Аптиаритмик препаратлар қўлланишга катта ўрин берилади;

— қоринча усти экстрасистолияларида суткасига 120 мг дан верапамил (изоптин), суткасига 20—240 мг дан пропранолол, кунига 2—3 марта 0,2 г дан кордарон тавсия қилинади. Новокаинамид (0,25 г дан 2—4 марта), ритмодан (0,1 г дан 3 марта) камроқ қўлланилади;

— қоринча формасида — мекситил (0,2 г дан 3 марта), этмозин (200 мг дан 3 марта).

Ошигич ёрдам кўрсатиш учун — 5—10 мл дан 10% ли новокаинамид эритмаси мушак орасига ёки қутблайдиган аралашма: 200—300 мл 10% ли глюкоза эритмаси, 2—4 г калий хлорид, 8—20 ТБ инсулин юбориш.

II. Пароксизмал тахикардия:

— пароксизмал тахикардиянинг қоринча усти формасида каротид синусни массаж қилиш, кўз соққаларини босиш, қусиш рефлекси ўзгатиш баъзан ёрдам беради. Дори-дармонлардан ичишга верапамил (суткасига 120 мг), пропранолол 1 мг дан, жами 3—5 мг пропранол, дигоксин ёки строфантин (0,25—0,5 мг);

— пароксизмал тахикардиянинг қоринча формасида лидокайн, аймолин (2 мл 2,5% ли эритмаси изотопик эритмаси венага), новокаинпамид; наф бермаганда электр импульс терапиядан фойдаланилади. Пароксизмал тахикардия хуружи гипотония фонида бўлса — норадреналин (2—4 мл 0,2% ли эритмаси 500 мл 5% ли глюкоза эритмасида томчилаб венага). Такрорал пароксизмал тахикардия хуружининг олдини олиш учун — мекситил 0,2 г 3 марта ёки индерал 10—40 мг дан 3—4 марта; шунингдек кордарон, изоптин. Седатив воситалар (элениум, валериана, седуксен) кенг қўлланилади.

III. Титроқ аритмия: тахисистолия билан титроқ аритмия хуружини босищ учун 5—10 мл 10% ли новокайнамид эритмасини венага, 2 мл 2,5% ли изотоник эритмадаги аймалин эритмасини венага юбориш тавсия этилади: 10 мл 10% ли калий хлорид эритмаси ёки қутблайдиган эритмани томчилатиб юбориш. Шунингдек венага дигоксин, ичишга ёки венага индерал тавсия қилинади. Наф бўлмаганда — махсус аппарат — дефибриллятор ёрдамида электр импульс терапия. Хуруж тўхтатилгандан кейин аритмияга қарши қувватлаб турадиган терапия (ичишга 10—20 мг дан кунига 3 марта индерал 0,2 г дан 2—3 марта хинидин бисульфат билан бирга; хинидин ўрнига 0,25 г дан кунига 3 марта 10 кун делагил, кейинроқ кунига 0,25 г ёки 0,1 г дан кунига 4 марта ритмодан қўлланиш мумкин (А. В. Сумароков, В. С. Моисеев, 1986). Титроқ аритмияни даволашда дори воситаларидан энг таъсирчани хинидин. Бир марталик дозаси 0,2 г. Биринчи куни синов дозаси (0,2 г) берилади. Бемор дорини яхши қўтарганда даволашни босқичма-босқич ошиб борадиган суткалик дозаларда (масалан, 0,6—0,8—1,0—1,2—1,4 г) давом этириш керак. Суткалик дозани 2—2½ соатлик танаффуслар билан кун мобайнида бўлиб-бўлиб бериш лозим. Қоринчалар қалтираганда ва титраганда шошилинч реанимацион тадбирлар кўриш талаб этилади (юракнинг ёпиқ массажи, ўпканинг сунъий аппарат билан вентиляцияси, электр дефибрилляция ва б.).

IV. Юрак блокадаси. Даволаш блокаданинг ифодаланиш даражасига кўра олиб борилади:

— I-II даражали атриовентрикуляр блокадада асосий касалликни даволаш, седатив ва симптоматик терапия. Қуйидагилар кенг қўлланилади: атропин 1—2 мл дан 0,1% ли эритмаси тери остига, платифиллин — 1—2 мл дан 0,2% ли эритмаси тери остига; наф бермаганда — изадрин венага томчилаб, кўрсатмалар бўлганда — кортикостероидлар ва б.;

— тўлиқ атриовентрикуляр блокада (блокаданинг III даражаси), айниқса Морганьи—Адамс—Стокс хуружи ҳолларида шошилинч чоралар кўриш: изадрин, изопреналин 5—20 мл дан суткасига 4—8 марта; алупент 20 мг дан кунига 4—6 марта; атропин — 1—2 мг дан венага; юракнинг билвосита массажи; ўпканинг сунъий вентиляцияси, сўнгра 0,5 мл 0,1% ли адреналин эритмаси венага, кейин томчилаб, Морганьи—Адамс—Стокс хуружлари тез-тез бўлиб турганда юракни сунъий ҳайдовчи ёрдамида доимий электр стимуляцияси;

— қоринча ичи ўтказувчанлиги бузилганда: изупрел 0,005—0,01 г дан сублингвал ҳар 2—4 соатда, эуфиллин 0,15 г дан кунига 3 марта ва бошқа антиритмик воситалар. Бунда асосий жараён ҳисобга олиниши керак, албатта.

Кечиши, натижаси ва прогнози. Улар бир неча омилларга:

— асосий касаллик кечишига ва характеристига, уни таъсирчан даволашга;

— юрак аритмиялари кечиши ва турига, юрак турли функцияларининг бузилиш даражасига;

— даво тадбирларининг таъсирчанилигига, асослаб берилганига боғлиқ;

— кўп ҳолларда кечиши ва прогнози яхши (экстрасистолия, пароксизмал тахикардия, титроқ аритмия айрим формалари ва I ва II даражали блокада, бироқ қоринча экстрасистолаларида, пароксизмал тахикардия, титроқ аритмиянинг тез-тез бўладиган хуружларида, шунингдек тўлиқ кўндаланг блокадада прогноз ёмонлашади).

Профилактикаси:

1. Сабаб бўлган омиллар ривожланишининг олдини олиш ва улар авж олишига қарши чоралар кўриш.

2. Аритмия турли формаларининг авж олишининг олдини олиш.

3. Юрак декомпенсацияси пайдо бўлиши, огирашувининг олдини олиш; шу мақсадда беморлар асосий касаллик бўйича диспансерланади ва доимий кузатиб борилади.

Контрол саволлар:

1. Юрак аритмиялари этиопатогенези.

2. Юрак аритмиялари классификацияси.

3. Юрак қўзгалувчанлиги функцияси бузилганда (экстрасистолия, пароксизмал тахикардия) келиб чиқадиган аритмия клиникаси ва диагностикаси.

4. Титроқ аритмия клиникаси ва диагностикаси.

5. Юрак қўзгалувчалиги функциялари бузилишининг клиникаси ва диагностикаси.

6. ЭКГ диагностикаси ва титроқ аритмия, пароксизмал тахикардия, юракнинг атриовентрикуляр блокадаси таърифи.

7. Юрак аритмиясини даволашга ёндашувининг умумий принциплари.

ГИПЕРТОНИЯ КАСАЛЛИГИ

Таърифи. Гипертония касаллиги — асосан юрак-томирлар системаси патологияси, артериал босимнинг барқарор ва авж олиши, кейин эса орган-морфологик ўзгаришлар билан кечадиган мураккаб бирламчи-функционал нерв касаллигидир.

1876 йилда артериал босимни ўлчаш учун дастлабки приборлар (Баш, Потэн приборлари) пайдо бўлди, кейин Рива—Роччи (1890) усули жорий этилган. 1980 йилда Н. А. Коротков биринчи марта уни ўлчашининг аускультив методини (ҳам систолик, ҳам диастолик) тақлиф қилган.

Эпидемиологик текширишлар мақсадида ВОЗ экспериментал Комитети симоб устуцишининг 140/90 мм ни норма, симоб устуцишининг 140/95 мм ни — хавфли чегара ва симоб устуцишининг 160/95 мм дан юқорисини гипертензия деб ҳисоблашни таклиф қилди. Шу нормативларга асосланиб, АҚШ да артериал гипертензия 23 млн. одамда рўйхатга олинган (Stamber, 1976). Қон айлапиши органдар касалликларида меҳнат қобилиятини вақтингчалик ва барқарор йўқотиш ҳамма ҳолларининг қарийиб 30—35 фойзи гипертония касаллиги улушига тўғри келади. Бизнинг мамлакатимизда жуда кўп сонли

кишиларни ялпи тиббий күриклардан ўтказишда оллинган маълумотларга кўра гипертония касаллиги 5—10% ҳолларда аниқланган, бироқ катта ёш группаларида бу процент бирмунча ошади. Чунончи, СССР МФА Бутуниттифоқ кардиологик илмий марказининг маълумотларига кўра Москвадаги Сокольников ва Дзержинский районларининг эркак аҳолиси текширилганда 40—49 ёшда артериал босим симоб устуининг 160/95 мм ва бундан юқори раҳамга чиқиши 16,3% одамларда рўйхатга олинган (Александров А. А., Докучаева Е. В., 1977), А. М. Шишова (1978) маълумотлари бўйича 30,9% бўлган. Гипертония касаллиги («эссенциал гипертония») ватанимиз тадқиқотчиларининг маълумотларига биноан гипертония ҳолатларининг 70—80% гача ҳолларини ташкил этади (гипертензиянинг буйрак формаларига 15%, эндокрин ва бошқа формаларига 5% тўғри келади).

Баён қилинганлардан кўриниб турибиди, гипертония касаллиги ўрта, ёши улғайган ва кекса ёшга мансуб эркаклар группалари ва ақлий меҳнат кишилари орасида кўпроқ учрайди.

Хозирги вақтда гипертония касаллигининг ҳар бири иккита фазага бўлинадиган уч босқичи фарқ қилинадиган А. Л. Мясников классификациясидан фойдаланилади:

I босқичи: А фазаси — латент (гипертония олди),
Б фазаси — ўтувчан (транзитор).

II. босқичи: А фазаси — беқарор (лабил),
Б фазаси — барқарор (стабил).

III босқичи: А фазаси — компенсацияланган,
Б фазаси — декомпенсацияланган
кечиш варианatlари:

— кардиал (стенокардия, миокард инфаркти, кардиосклероз, қон айланиши етишмовчилиги билан);

— буйракка алоқадор (артериологиалиноз, буйрак артериолонекрози, нефрозосклероз);

— церебрал (мия қон айланиши динамик бузилишлари, инсульт);
— аралаш варианatlари.

Кечиши аста-секин авж оладиган (А) ва тез авж оладиган (Б) бўллади.

ВОЗ эксперталар комитети эссенциал гипертонияни қўйидаги босқичларга бўлишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди:

— I — юрак-томирлар системасида органик ўзгариш белгилари бўлмаган юқори артериал босим;

— II — бошқа органик заарланиши белгилари бўлмаган юқори артериал босим юрак гипертрофияси билан;

— III — гипертензия сабабли ички органларнинг органик заарланиш белгилари бўлган юқори артериал босим.

Бундан ташқари, гипертония касаллигининг беморларнинг рениннатрий профилини ўрганишга асосланган классификацияси маълум (Шхвацабая И. К., 1982). Касалликнинг гиперренин, норморенин, гипоренин формалари фарқ қилинади. Гиперренин гипертензия энг оғир кечади.

Клиник маълумотлар ва назарий билимларга асосланиб, студент қўйидагиларни билиши керак:

1) асосий жараённинг асосан жойлашган ўрнини, яъни ҳаётий муҳим органлар (бош мия, юрак, буйраклар) заараланишини аниqlаш;

2) тахминий диагнозга биноан асосланган текшириш планини тузиш;

3) қўйидагилар асосида диагнозни узил-кесил аниqlаш:

— «гипертоник синдром» патогенези ва унинг даврларини билиш;

— асосланган дифференциал диагностика ўтказиш, аввало симптоматик гипертензиялар ва бошқалар билан;

4) касаллик босқичи, касалликнинг кечиши, эҳтимол тутилган асоратлар ва қўшилиб келадиган касалликларни ҳисобга олиб, мақсадга мувоғиқ даволаш.

Этиологияси ва патогенези:

— касалликнинг И. П. Павлов таклиф қиласан, Г. Ф. Ланг асослаб берган невроген асоси (касаллик кўп сонли омиллар таъсири остида, психоэмоционал чарчаш, ортиқча ёки ноадекват ҳал этилмаган психоэмоционал қўзғолишлар таъсирида ривожланадиган ўзига хос томир-ҳаракат марказлари неврози сифатида қаралади);

— томирлар бошқарилиши олий марказларининг трофикаси, метаболизми ва дисфункцияси бузилишининг аҳамияти, мия ишемияси ва диэнцефал-гипоталамус структураларининг ёшга оид қайта қурилиши. Марказий нерв системаси метаболик-гипоксик заарланишларининг роли. Нерв системаси тишининг аҳамияти (гипертензия аксарият нерв жараёнлари кучли одамларда кузатилади);

— эндокрин системанинг роли (гипофиз, буйрак усти бези, вазопрессин, адреналин, кортикостероидлар ортиқча ишланиши);

— мойил қиласиган омиллар роли: ёш улгайланлиги, жисмоний фаолликнинг етарли эмаслиги, одатдаги заҳарланишлар (алкоголь, чекиши), овқатланиш хусусиятлари, илгари бошдан кечирилган буйрак, нерв ва эндокрин система касалликлари, аллергик ҳолатлар, модда алмашинуви касалликлари, ёғ босиши ва б.

Артериал босим ошиши патогенези икки йўл билан тушунтирилади:

— гемодинамик йўл — майда артериялар бўшлиғи бевосита торайиши натижасида;

— гуморал йўл — прессор таъсир қўрсатадиган биохимиявий маҳсулотлар (ренин ва б.) ажралиши, электролит гемостаз — на трий ва калий бузилиши.

Патологик анатомияси. Қўйидаги органларда ўзгаришлар юз беради:

— жараён жойлашган жойга қўра томирларда — интима липоидози, атеросклеротик пилакчалар, гиалиноз, некротик ўзгаришлар, томирлар торайиши, артериосклероз (касалликнинг босқичи ва фазасига, қўшилган ёки бирга келган атеросклероз босқичига қўра);

— бош мияда — томирлар заарланиши, қон қуиши, мия юмшашы, нерв ганглиоз ҳужайраларда атрофия үзгаришлар, аневритлар ва кўз туби томонидан үзгаришлар ва б.;

— юрак—гипертрофия, тож томирлар атеросклерози белгилари, кардиосклероз, чандиқли үзгаришлар ва б.;

— буйракларда — нефроангиосклероз, бирламчи-бужмайган буйрак белгилари, кўп сонли майдада қон қуишилар, каналчаларда дегенератив силжишлар ва б.

Клиник маизараси. Қасалликнинг клиник белгилари қасаллик босқичига, формасига, жараён кечишнинг оғир-енгиллигига ва бошқаларга боғлиқ.

1. Субъектив маълумотлар. Шикоятлари:

— бош оғриғи; бош айланиши;

— қулоқда шовқин, кўз олди жимирлаши;

— кўришнинг бузилиши, кўр бўлиб қолиш мумкин (тромбоэмболия асоратларида);

— юрак соҳасида ёқимсиз сезги ва оғриқ;

— нафас қисиши, «бўғилиш» синдроми бўлиши эҳтимол (чап қоринча етишмовчилигига);

— юрак уриши, нотекис ишланиши;

— инжиқлик, уйқусизлик, ҳамма нарсадан тумонсираш;

— умумий беҳоллик, иш қобилияти, хотира сусайини ва б.;

— қасалликнинг турли асоратларига, юрак декомпенсацияси, бирга келадиган қасалликлар учун хос шикоятлар.

II. Субъектив маълумотлар анализи («босим ошиши» шикоятлари, симитомлари, даволаш тадбирлари, ўтказиладиган терапия таъсирчанилиги, қасаллик нима билан боғлиқ: қасб-кор, яшаш жойи, меҳнат шароитлари, ишдаги ва оиласдаги шароит, зарарли одатлар, ирсият ва б.).

III. Объектив маълумотлар.

1. Артериал босим: босим максимал ёки систолик ошган, 160 дан 240 гача ва бундан юқори, минимал ёки диастолик босим симоб устуни ҳисобида 95 дан 140 мм гача ва бундан юқори. ,

2. Қатор органлар ва системалар, аввало юрак-томирлар системаси томонидан үзгаришлар қасалликнинг II босқичидан бошлаб аниқланади. I босқич учун асосан субъектив маълумотлар (функционал характердаги силжишлар) хос.

Юрак-томирлар системаси (кардиал формаси):

— артериал босим ошиши;

— пульс ритмик, аритмик, тараанг, тахикардия;

— юрак гипертрофияси чалга йўналган, томирлар дастаси кентайган;

— митрализация симптомлари — I тон сусайини ва юрак учидага систолик шовқин, аорта устида II тон акценти, қасалликнинг кечик-кап босқичларида баъзан митрал клапанинг органик характердаги етишмовчилиги шаклланади;

— тож томирлар (тож томирлар атеросклерози қўшилганда)

ва юрак етишмовчилиги белгилари (кардиосклероз натижасида);

Нерв системаси (церебрал формаси):

- артериал босим ошиши ва «онган босим» симптомлари;
- боц оғриғи, әшитувнинг пасайиши, қулоқларда шовқин, уйқу бузилиши ва б.;
- хотира пасайиши, күриш қобилияти ёмонлашуви;
- тез ўтадиган гемипарезлар, мия қон айланишининг динамик бузилишлари;
- исихозлар, алаҳлаш ҳолатлари, эпилептиформ тутқаноқлар;
- мияга қон қўйилиши, гемиплегия ва б.;
- кўз туби ўзгариши, тўр парда томирлари артериосклерози, томирлар эластиклигини йўқотади, уларнинг калибri бир хил эмас, мис ёки кумуш сим симптомлари, тўр парда томирлари артериосклерозига хос белги — торайиши сабабли уларнинг буралма шаклга кириши, артериовеноз чорраҳалар наидо бўлиши (I, II ва III даражали Салюс симптоми), тўр пардага қон қўйилганлиги, баъзан тўр парданинг кўчиши ва кўрув нерви атрофияси.

Буйрак формасида:

- артериал босим ошиши ғоят юқори кўрсаткичларга етади, барқарор туради, гипотензив препаратлар таъсири жуда кам бўлади, хавфли ўтиши билан ажralиб туради;
- сийдик синдроми (гематурия, протеинурия, цилиндрурия, солиштирма оғирлигининг аста-секин камайиши);
- кечиккан босқичларида: буйрак функцияси бузилиши — концентрацион хусусияти пасайиши, нефроангосклероз ёки бирламчи бужмайган буйрак натижаси сифатида азотемия ва буйрак етишмовчилигининг бошқа аломатлари.

Қолган органлар ва системалар (ўпка, жигар, меъда-ичак йўллари ва б.) томонидан ўзгаришлар одатда касалликнинг III босқичида, айниқса декомпенсация босқичида аниқланади.

IV. Лаборатория, рентгенологик ва бошқа текшириш методлари маълумотлари:

- периферик қон — патологиясиз ёки гемоглобин, эритроцитлар миқдори пасайиши ва анемиянинг бошқа белгилари бўлиши мумкин; эритроцитоз ва полиглобулия камроқ топилади;
- сийдик: солиштирма оғирлиги ўзгариши, Зимницкий синамаси, протеинурия, микрогематурия, баъзан цилиндрурия ва гипертония касаллигининг бошқа ренал формаси белгилари;
- функционал синамалар маълумотлари бўйича буйрак турли функцияларининг ўзгариши:
- биохимиявий сильжишлар кузатилмайди ёки кечиккан босқичларда аниқланади (альбуминлар миқдори камайиши ва глобулинлар миқдори ошиши, шунингдек бирламчи бужмайган буйрак ривожланганда қолдиқ азот, мочевина ва бошқалар ҳисобига гиперхолестеринемия, диспротеинемия);

— асосий алмашинув ошиши, қалқонсимон без функцияси кучайиши, гипергликемия ёки унга мойиллик, сув-туз алмашинуви кўрсаткичларининг ўзгариши мумкин;

— рентгенологик текшириш, чап қоринча гипертрофияси, аорта кенгайтган ва узунлашган, букилган;

— капилляроскопияда, спастик қисқарған артериал тирсакнинг буралғанлиги;

ЭКГ: аввалига силжишлар бўлмайди, кейинчалик электр ўқининг чапга оғиши, S — T интервали пасайиши, I ва II стандарт усулларда манфий тишча пайдо бўлиши кузатилади. QRS комплекси кенгайиши ва миокард дистрофияси, тож томирлар ва юрак етишмовчилигининг бошқа белгилари, юрак ритми ва ўтказувчанинг бузилишлари бўлиди мумкин.

Гипертоник криз таърифи. Гипертоник криз касалликнинг кескин, озми-қўпми вақтга чўзиладиган қўзиши бўлиб, артериал босимнинг анчагина, ўткир юзага келадиган ошиши, нерв-томирлар бузилишлари ва гуморал реакциялар билан характерланади. Гипертоник кризлар гипертония билан касаллаиган беморларнинг 8—34% ида кузатилади.

Клиник манзараси ва гемодинамик бузилишларга кўра кризларнинг иккита типи фарқ қилинади:

— биринчиси (қонга адреналин отилиб чиқиши билан бөглиқ бўлган) — бирмунча енгил ва қисқа муддатли гипертония касаллигининг илк босқичлари учун хос. Тўсатдан ривожланади, қаттиқ бош оғриғи, қўзгалишдан бошланади, оёқ-қўллар титраши, тахикардия, юрак соҳасида оғриқ, ҳарсиллаш, баъзан гипертермия, гипергликемия, артериал босимнинг кескин ошиши қайд қилинади. Давомлиги — бир неча минутдан бир неча соатгача;

иккинчи типи (қонга норадреналин отилиб чиқиши билан бөглиқ бўлган) — бирмунча оғир, аксарият гипертония касаллигининг кечиккан босқичларида кузатилади, аста-секин бошланади ва бирмунча давомли — бир неча соатдан 3—5 кунгача кечади. Беморларда церебрал бузилиш белгилари: кўнгил айниши, қайт қилиш, амнезиялар, гемипарезлар, эштиш, кўришнинг ёмонлашуви кабилар қайд қилинади. Юрак соҳасида оғриқ, бўғилиш хуружлари пайдо бўлади, артериал босим, айниқса диастолик босим кескин ошган, сакраш ритми, брадикардия бўлади. ЭКГ да S — T интервали пасайиши, Т тишчапинг манфийлиги ва юрак бўлимлари заарланишининг даражасига кўра кўрсаткичларининг бошқа ўзгаришлари кўринади.

Гипертония касаллигининг кечиши вариантлари ва босқичлари таърифи.

I. Секин авж олиб кечиши.

А. Гипертония касаллигининг I босқичи артериал босимнинг, аксарият психик зўриқиши ва эмоциялар таъсири остида доимий бўлмаган ва нисбатан юқори бўлмаган ошиши билан характерланади. Функционал характердаги шикоятлар. ЭКГ да ўзгаришлар йўқ. Кўз тубида — тўр парда томирлари аниқланмайди. Юрак ва буйраклар томонидан алоҳида патология аниқланмайди. I босқич давомлилиги узоқ муддат, баъзан 10—15 йилгача боради.

Б. Гипертония касаллигининг II босқичи касалликнинг клиник формаларида (кардиал, церебрал, буйрак ва аралаш) бөглиқ ёрқин

клиник белгилари билан характерланади. Артериал босим лабил ёки стабил бўлиши мумкин. ЭКГ да, кўз тубида аниқ ўзгаришлар.

В. Гипертония касаллигининг III босқичи юрак функциясининг аста-секин бузилиши (димланиш ҳодисалари, юрак астмаси, ритми бузилиши ва б.), буйрак (буйрак етишмовчилиги), бош мия (эс-хуш айниши, мия инсультлари ва б.) бузилиши билан ўтади. Кўз тубида рўй-рост ифодаланган ўзгаришлар.

II. Тез авж олиб кечадиган ёки «хавфли гипертония» ёш кишиларга хос: ўткир бошланиши, артериал босимнинг кескин кўтарилиши, юрак соҳасида ангиноз оғриқлар, юрак астмаси хуружлари, орқа мия суюқлиги босими ошиши, нейроретинопатия белгилари билан кўрув нерви сўрғичи шиши, қон қўйилиш ўчоқлари, буйраклар, юрак, мия функциясининг бузилиши билан ажralиб туради. Беморлар касалликнинг бошидан ҳисоблаганда 3—5 йил ўтгач: аксарият — уремия ва юрак етишмовчилигидан, камроқ — инсультдан вафот этадилар.

Асоратлари: ўткир ва хроник коронар етишмовчилик (стенокардия, миокард инфаркти); кардиосклероз, юрак етишмовчилиги (чап-ўнг қоринча етишмовчилиги ва тўлиқ етишмовчилик), юрак ритми ва ўтказувчалигининг оғир бузилишлари; мия инсульти; психозлар, психика бузилишининг ҳар хил турлари; бирламчи-бужмайган буйрак, буйрак етишмовчилиги — уремия; тўр парда кўчиши — кўр бўлиб қолиш ва б.

Прогнози: гипертония касаллигининг I ва II A босқичида яхши; кечиккан босқичларида у ёмонлашади; тез авж олиб кечишида ва касаллик асоратлари бўлганда ёмон ёки оғир бўлади.

Дифференциал диагностикаси. Қўйидаги симтоматик гипертензияларни истисно қилиш зарур:

— буйракка алоқадор: гломерулонефрит, пиелонефрит, систем васскулит, бош буйрак артериаларининг окклюзион заарланиши, буйракларнинг ривожланиш нуқсонлари;

— марказий нерв системасининг органик заарланишига алоқадор шикастлар, энцефалитлар, мия ўсмаларида;

— эндокрин патологиядан келиб чиқсан: буйрак усти безлари, гипофиз ўсмаларида, токсик буқоқ, климаксда;

— гемодинамик: аорта атеросклерози, аорта бўйни торайиши, аорта ва унинг тармоқлари панартерити, димланиш гипертензияси, полицитемия ва б.

Диагнознинг тахминий таърифи: 1) гипертония касаллиги, секин авж олиб кечиши, I босқичи; 2) гипертония касаллиги, секин авж олиб кечиши, II босқичи, асосан юрак заарланиши билан; 3) гипертония касаллиги, тез авж олиб кечиши, III босқичи, юрак ва мия заарланиши билан. Асоратлари — НІA, тинч тургандаги стенокардия, мия қон айланишининг динамик бузилиши; 4) гипертония касаллиги, тез авж олиб кечиши, III босқичи, аралаш формаси (юрак, мия, буйраклар заарланиши билан). Асоратлари — кардиосклероз, инсультнинг қолдиқ ҳодисалари, нефроангиосклероз, нейроретинопатия, НІB, хроник буйрак етишмовчилиги.

Даволаш

1. Беморларни қасалхонага ётқизиш (зарурат бўлганда).
2. Қасалхона режимига риоя қилиш (дам олиш, уйқу, руҳий ором ва б.).

3. Парҳез режимига риоя қилиши: холестеринга бой маҳсулотларни (ёғли гўшт, ёғ ва б.) чегаралаш, гўшти шўрва, қайла ва шўртаомлар ман қилинади. Овқат витаминлар (A, B, C, P), калий тузларига (диета № 15) бой бўлиши керак.

4. Гипотензив воситалар қўлланиш. Улар таъсир механизмига кўра шартли равишда учта группага бўлинниши мумкин:

— вегетатив нерв системаси симпатик қисми функциясини тормозлайдиган препаратлар — нейротроп моддалар: асосан марказий (альфаметилдон, катапресан, мономиноксидаза ингибиторлари) периферик таъсири бўлган симптоматик воситалар ва ганглиоблокаторлар: марказий ва периферик таъсир қиласидиган (раувольфия препаратлари, β-адреноблокаторлар);

— систем қон оқими артериолалар силлиқ мушакларига таъсир қиласидиган препаратлар (миотроп воситалар): дигазол, гидралазин, диазоксид, миноксидин, натрий нитропруссид ва б;

— ҳужайра ичидаги натрий ва сувни чиқаришни кучайтирадиган препаратлар (диуретиклар): тиазид препаратлар (гипотиазид, циклометиазид, оксодолин); калийни эҳтиётлайдиган препаратлар (альдактон, верошпирон, триамтерен); Генле қовузлоги диуретикилари (Фуросемид, бринальдикс, этакринат кислота).

5. Зарурат бўлганда юрак препаратлари (айниқса кардиал формасида ва асоратлар ривожланганда — чап қоринча (айниқса қон белгиларида ва ҳ. к.), сийдик ҳайдовчи воситалар (айниқса қон айланиши етишмовчилиги билан шишлир ривожланганда ва б.).

6. Коронар томирларни кенгайтирувчилар: нитроглицерин, сустак, эринит, тринитролонг, нитронг (таблеткалари ёки 2% ли мази), ломилан, натрий нитрит, интенкордин (интенсан), курантил, шунингдек ментол, валидол, корвалол.

7. Симптоматик терапия (анальгетиклар, витаминлар билан даволаш, зулук солиш, қон олиш, оёққа иссиқ ванналар ва бошқа даволаш тадбирлари).

8. Гипертоник кризларни даволаш масалалари алоҳида эътиборга лойиқ:

а) дори-дармонлар билан даволаш — оғир ва асоратланган формаларида артериал босимни зудлик билан тушириш мақсадида:

— ганглиоблокаторлар: пентамин — 0,2—0,5 мл дан (2 мл гача) 5% ли эритмаси мушак орасига ёки венага 20 мл физиологик эритмада ёки 5% ли глюкоза эритмасида, аста-секин, бензогексоний — 0,5—1 мл дан 2,5% ли эритмаси мушак орасига ёки тери остига (кунига 3—4 мартадан); имехин — бир йўла 0,5—0,7—10 мл дан 1% ли эритмаси 5—7—10 мл изотоник эритмада ёки 5% ли глюкоза эритмасида венага, аста-секин (томчилаб, аста-секин юбориш мумкин);

— альфá-адреноблокаторлар: тропафен — 0,5—1 мл дан 1—2% ли эритмаси тери остига ёки мушак орасига; пирроксан — 2—3 мл дан 1% ли эритмаси тери остига ёки мушак орасига; фентоламин — 0,5—0,1 г дан овқатдан кейин купиға 3—4 марта (3—4 ҳафта) ичишга;

— антигипертензив воситалар: клофелин (гемитон) — 0,5—1 мл (0,05—0,1 мг) дан 0,01% эритмаси мушак орасига ёки тери остига, тез вакт ичида таъсирга эришиш учун венага аста-секин (3—5 мин) юборилади; 0,5—1,5 мл дан 0,01% ли эритмаси 10—20 мл изотоник эритмада суюлтириллади; рауседил (резерпин) — 0,05—01 мг (0,0005—0,0001 г) кунига 2—3 марта ичишга (таблеткалар ва порошок); натрий нитропруссид — минутига 0,5—5 мкг/кг (одатда минутига 2,5—3,6 мкг/кг), артериал босимпи қуант билан кузатиб турган ҳолда (системик босим симоб устуни ҳисобида кўпи билан 100—110 мм гача тушиши керак). Венага 50 мг ни 1000 мл 5% ли глюкоза эритмасида суюлтириб юборилади;

— нейролептик воситалар: дроперидол — 2 мл дан 0,25% эритмаси венага 20 мл 5% ли глюкоза эритмасида;

— седатив воситалар: магний сульфат — 10—20 мл дан 20—25% ли эритмаси мушак орасига ёки венага, аста-секин бром, валериана препаратлари, корвалол;

— диуретик воситалар: фуросемид — 2—4 мл дан 1% ли эритмаси (0,02—0,04 г) мушак орасига ёки венага, ичишга 0,02—0,04 г дан кунига 2—3 марта;

— спазмолитик воситалар: дибазол — 3—4 мл дан 1% ли эритмаси ёки 6—8 мл 0,5% ли эритмаси венага ёки мушак орасига, ичишга 0,02—0,04 г кунига 2—3 марта, папаверин;

— симпатолитик воситалар: октадин (санотензин) — суткалик дозасини эрталаб бир марта 10—30 дан 60 мг гача ичишга тайинланади (таблеткалар ёки порошок 0,025—25 мг дан) ва б.;

— антикоагулянтлар зарурат бўлганда;

— бошқа дори-дармонлар ҳам тайинланади (диазоксид ёки гиперстат — 300 мл дан венага, 10—15 минут ўтгач тақрор юбориш ва ҳ.к.);

б) зарурат бўлганда юрак гликозидлари (коргликон, строфантин) тайинланади, қулоқ орқасига зулуклар солинади, болдирга горчичник қўйилади, оёққа иссиқ ванналар, қон олиш, шунингдек нерв-эмоционал ва жисмоний осойишталик тавсия қилинади.

9. Диспансерда кузатув, санаторий-курортда даволаш (Сочи, Щхалтубо, Кисловодск, Қrimning Жанубий қирғоги ва б.) ва физиотерапия.

Профилактикаси: меҳнат ва турмушнинг гигиеник шароитларини яратиш, тураржой-маиший шароитлар, соғломлаштириш тадбирларини яхшилаш; дам олиш, уйқуни яхши тамкил қилиш, корхонада, оиласда ўзаро яхши муносабатлар; гипертония касаллигининг илк формаларини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш.

Контрол саволлар

1. Касаллик этиологияси ва патогенезига ҳозирги ған нуқтai назаридан қарашлар.
2. Гипертония касаллигининг А. Л. Мясников ва ВОЗ бўйича классификацияси.
3. Гипертония касаллигининг босқичлари ва кечиш вариантлariга кўра касаллик клиникаси.
4. Гипертония касаллиги диагностикаси.
5. Ушбу касалликнинг этиопатогенетик терапияси.
6. Гипертония кризи клиникаси ва уни даволаш.
7. Энг хавфли асоратлари (миокард инфаркти, инсульт, уремия, кўр бўлиб қолиш ва ҳ. к.).

СИМПТОМАТИК АРТЕРИАЛ ГИПЕРТОНИЯЛАР

Таърифи. Симптоматик артериал гипертензиялар моҳиятини (таърифини) муаллифлар турлича баён қиладилар. Турли патологик жараёнлар натижасида бошқа касалликларнинг симптоми сифатида пайдо бўладиган артериал гипертониялар иккиламчи ёки симптоматик дейилади (А. С. Сметнев, В. Г. Кукес). В. И. Маколкин ва С. И. Овчаренко бошқа таъриф берадилар: «Симптоматик, ёки иккиламчи артериал гипертензиялар — артериал босимни идора қилишда қатнашадиган муайян касалликлар ва шикастланишлар билан сабаби жиҳатидан боғлиқ бўлган артериал босимнинг ошиш формалариdir».

Бу таърифларнинг мазмуни равшан, симптоматик гипертензиялар (СГ) органлар ва системаларнинг турли-туман патологиялари оқибати ва гипертония (эссенциал) касаллигидан фарқли ўлароқ фақат синдром ҳисобланади, лекин айрим ҳолларда СГ клиникаси биринчى ўринда бўлади ва врачнинг жуда синчиклаб эътибор беришини талаб қиласди.

Иккиламчи артериал гипертензиянинг 70 дан ортиқ варианtlари тасвириланган (А. В. Виноградов, 1980; Н. Р. Палеев, 1980).

Ҳозирги замон терапия фанининг асосий муаммоси гипертония касаллиги ва симптоматик гипертония масалаларини аниқ чегаралаш (дифференциал диагностика) ҳисобланади, бу беморларни энг янги замонавий методлар (ангиография, буйраклар биопсияси, буйрак усти безларини радионуклид визуализация қилиш ва б.) билан диагностика қилишни талаб этади. Бу вазифани кардиологик марказ шароитидагина амалга ошириш мумкин. Шу сабабли симптоматик гипертензиялар кўп ҳолларда аниқланмай қолади, бу гипертония касаллиги билан касалликни жиддий (сунъий) оширади; бинобарин, бунга йўл қўймаслик учун артериал гипертонияли bemorларнинг ҳаммаси текширилиши лозим.

СССР МФА нинг Бутуниттиғоқ илмий кардиологик марказида АГ нинг турли формалари билан касалланган 6000 дан зиёд bemorларни кузатиш натижаларига асосан текширишнинг икки босқичли системаси ишлаб чиқилган. Бу қуйидагиларга: 1) гипертония касаллиги ва симптоматик гипертония дифференциал диагностикасини

ўтказишига; 2) симптоматик гипертензияларнинг айрим формалари-ни ўрганишига; 3) симптоматик гипертензия характеристини аниқлаш-га; 4) даволашга дифференциал ёндошишни таъминлашга имкон беради.

Мураккаб диагностик методикалар қўлланиб узоқ муддат кузатиши (Г. Г. Арабидзе, 1982) гипертония касаллиги АГ бўлган ҳамма беморларнинг 65—75 фоизида, ваҳоланки симптоматик гипертензия 25—35 фоиз bemорларда аниқтанишини кўрсатди. Артериал гипертония касалликларининг умумий сонидан 3 фоиз ҳолларда унинг кечиши хавфли тус олади (бунда артериал босим симоб устуни ҳисобида 220/130 мм дан юқори ва оғир оқибатлар билан кечади). Сўнгра хавфли артериал гипертония синдроми, одатда, унинг симптоматик формаларида (ҳамма ҳолларнинг 13,7—30 фоизида) пайдо бўлади, гипертония касаллигига эса у атиги 0,19 фоиз ҳолларда кузатилиди.

Қўйида этиологик омилга асосланган иккиласмчи артериал гипертензияларнинг класификациясини келтирамиз (S. Julius бўйича, 1977, М. С. Кушаковский тўлдирган, 1982).

ИККИЛАМЧИ АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯЛАРНИНГ ЭТИОЛОГИК КЛАССИФИКАЦИЯСИ

А — Буйрак артериал гипертензиялари (12—15% — артериал гипертензиянинг ҳамма ҳолларига нисбатан гипертензия частотаси):

1. Реноаренхиматоз. Икки томонлама (9%): ўткир ва хроник гломерулонефрит, хроник пиелонефрит; подагра, гиперкальциемияда интерстициал нефрит; анальгезия қиладиган айрим моддалар қабул қилиш; тугунчали периартериит ва бошқа буйрак ичи артериитлари; систем қизил волчанка; склеродермия, амилоид бужмайган буйрак; Гордон синдроми; нур касаллигига буйрак; ўткир буйрак етишмовчилигига кейинги ҳолат.

Бир томонлама (3—4%): хроник пиелонефрит; гипоплазия ва буйракнинг бошқа туғма нуқсонлари; сийдик-тош касаллиги; обструктив уропатиялар, гидронефроз; нефронтоз; ренин ишлаб чиқаридиган ўсма; гипернефроид рак; плазмоцитома; нефробластома ва айрим бошқа ўсмалар; травматик периренал гематома; буйрак шикастлари; кўчириб ўтказилган буйрак касаллиги.

2. Реноваскуляр (вазоренал, 2—5%); буйрак артерияларининг фиброз-мушак дисплазияси, буйрак артериялари атеросклерози; носпектифик аортоартериит; буйрак артериялари тромбозлари ва эмболиялари; буйрак артерияларининг ташқаридан (ўсма, битишма, чандик, гематома) босилиши.

Б. Эндокрин (2—3%).

1. Буйрак усти безларига тегишли: бирламчи альдостеронизм (0,5—1%): буйрак усти безлари пўстлоги аденонаси, буйрак усти безлари пўстлогининг икки томонлама гиперплазияси; Иценко — Күшинг касаллиги ва синдроми (0,5%); буйрак усти бези туғма гиперплазияси: 11-β-гидроксиланиш танқислиги, 17-α-гидроксиланиш танқислиги; феохромоцитома (0,1—0,6%).

2. Гипофизар; акромегалия (0,1%);
3. Тиреоид: гипертиреоз (тиреотоксикоз), гипотиреоз;
4. Паратиреоид: гиперпаратиреоз.
5. Карциноз синдром.

В. Кардиоваскуляр (гемодинамик, ≈ 2%): атеросклероз ва аортанинг бошқа зичлашувлари; аорта коарктацияси; аорта клапанлари етишмовчилиги; тўлиқ атриовентрикуляр блокада; артериовеноз фистулалар: очиқ артериал йўл; туғма ва травматик аневризмалар, Педжет касаллиги (шаклни ўзгартирувчи остит); эссенциал гиперкинетик синдром; қон айланишининг димланиши етишмовчилиги; эритремия.

Г. Нейроген (≈ 0,6%): мия ўсмалари, кисталари ва шикастлари (Пенфилд диэнцефал синдроми); уйқу ва умуртқа артериялари торайганда мия айрим зоналарининг хроник ишемияси; энцефалит; бульбар полиомиелит; квадриплегия (гипертензив кризлар); хроник нафас ацидоzi (CO_2 тутилиб қолиши); ўткир порфирия.

Д. Ҳомиладорликнинг кечиккан токсикози.

Е. Экзоген:

1. Заҳарланишлар: қўргошин, таллий, кадмий ва б.;
2. Дорилар таъсири: преднизолон ва бошқа глюокортикоидлар; минералокортикоидлар; симпатик аминлар; МАО ингибиторлари эфедрин, тирамин билан ёки тираминга бой озиқ-овқат маҳсулотлари билан; қизилмия порошоги; контрацептив воситалар; индометацин эфедрин ёки фенилпропаноламин билан бирга.

Ж. Ҳар хил: «стресс» — Гайсбок синдроми; оғир куйиш ва б.

Мазкур классификация мазмунига қўра артериал гипертензия аксарият буйрак патологияси (буйракнинг ренопаренхиматоз ва реноваскуляр касалликлари), сўнгра эндокрин (2—3%) ва гемодинамик бузилишлар оқибати ҳисобланади, деган амалий хулоса чиқариш мумкин.

12-жадвал

Буйракларнинг турли касалликларида артериал гипертензиянинг учрани

Касаллик	Гипертензия учрани % ҳисобида
Ўткир диффуз гломерулонефрит	53—87
Хроник гломерулонефрит	60—70
Хроник икки томонлама пиелонефрит	50—78
Хроник бир томонлама пиелонефрит	32
Хроник интерстициал нефрит	20—25
Нефролитиаз (пиелонефрит билан бирга)	55
Буйрак гипоплазияси	25
Буйрак поликистози (пиелонефрит билан бирга)	55—75
Диабетик нефропатия	65—80
Подагрик нефропатия	35—50
Тугуныли периартрийт	80—90
Систем қизил волчанка	25
Систем склеродермия	20
Буйрак амилоидози	20—25
Буйрак ўсмалари	20—30
Буйрак сили	3—6
Буйрак шикастлари	6

Шу мақсадда қуйидаги 12-жадвалда буйракнинг турли касаллекларида артериал гипертензиянинг учрашига доир маълумотлар келтирилади, бу — врачга симптоматик гипертониянинг хақиқий сабабини аниқлашда муайян мўлжал бўлиб ҳисобланади.

Хозирги вақтда симптоматик гипертониянинг (СГ) бир нечеклассификациялари мавжуд. Уларнинг жамиини СГ нинг 4 асосий группаларини ажратиш бирлаштириб туради: 1) буйрак (нефроген); 2) эндокрин; 3) юрак ва иирик артериал томирлар касаллеклари туфайли бўладиган гипертензия (гемодинамик) ва 4) центроген. Г. Г. Арабидзе (1982) шунингдек биргаликда учрайдиган заарланишлардаги симптоматик гипертонияни ажратади.

12-жадвалдан буйрак патологияси бўлган беморларда артериал гипертензияга тугунчали периартриит, сўнгра ўткир диффуз гломерулонефрит, диабетик нефропатия, хроник икки томонлама пиелонефрит, хроник нефрит, буйрак поликистози ва бошқалар энг кўп сабаб бўлиши кўриниб туриди.

Ламинез, объектив кўздан кечириш ва артериал босимни кузатиб бориши, ўз назарий билимларига асосланиб, студент қуйидагиларни ҳал қилишини билиши керак:

1) қандай касаллик (тахминан) артериал босим ошишининг бопи сабабчиси, унинг жойлапшуви ва жараён характеристини аниқлаши;

2) тахминий диагнозга асосланиб текширишнинг илмий асосланган планини энг янги диагностика методларини қўлланиб тузиш;

3) қуйидагилар асосида узил-кесил батафсил диагноз қўйиш;

— асосий касаллик (буйрак, эндокрин система касаллеклари) симптомлари, синдромлари ва бошқа қўрсаткичларини билиш;

— симптоматик гипертензиялар диагностикаси мезонларини билиш;

— дифференциал диагностика ўтказишни, аввало гипертония касаллиги билан ўтказишни билиш;

4) характеристи ва этиологик омил кечинига кўра таъсирчан даволашни режалаштириш ва ўтказиш.

Этиологияси ва патогенези. Келтирилган классификациялардан симптоматик артериал гипертониялар турли буйрак (ўткир ва хроник нефрит, пиелонефрит, буйрак поликистози, буйрак томирлари заарлациши, ўсмалар, амилоидоз, тугунчали периартриит), эндокрин система (Иценко — Кушинг синдроми, феохромацитома, тиреотоксикоз ва б.) касаллеклари натижасида ривожланиши маълум бўлди. Шунингдек гемодинамик бузилишлар (юрак пороклари, аорта касаллеклари, қон айланиши етипмовчилиги ва б.), нейроген ҳомиладорларнинг кечиккан токсикози, экзоген омиллар муайян аҳамиятга эга.

Симптоматик гипертензиялар патогенези мураккаб ва ҳар бир конкрет ҳолда ҳар хил ва шунинг учун бу саволга аниқ жавоб бериш қийин. Улар касалликка асосий сабаб бўлган омилнинг ривожланиш характеристига ва хусусиятларига боғлиқ. Симптоматик

гипертензияларда артериал босим (АД) күтарилиши буйрак ишемияси, буйрак прессор агентлари активлиги ўсиши ва депрессор агентлари активлиги пасайини (буйрак касаллуклари натижасида) симптоматик гипертензия ҳолларида альдостерон, минерал кортикоидлар, катехоламиналар гиперпродукцияси билан боғлиқ; мия айрим зоналарининг хроник ишемияси, МНС нинг турли органик касаллукларида артериал босим марказий механизмининг идора қилиниши бузилиши (нейроген омиллар таъсiri) билан; қон айланиши ҳажми қўпайишни ва қон ёпишқоқлиги ошиши (гемодинамик бузилишлар) ва бошқалар билан.

Симптоматик гипертензия айрим клиник формаларининг этиологиясига боғлиқ ҳолда кечиши ва диагностикаси

1. Буйрак (нейроген) гипертензиялари. Улар буйракларнинг турли касаллукларида пайдо бўлади, буйрак гипертензиялари клиникаси эса жараён характеристига (паренхима, буйрак томирлар системаси заарланиши; дистрофик яллиғланиш, ривожланиш аномалияси сабабли келиб чиқиши) боғлиқ. Кўрсатиб ўтилган сабабга кўра субъектив ва объектив маълумотлар турлича.

Анамнездан артериал босим кўтарилигити ва унинг яллиғланиш характеристидаги бошдан кечирилган касаллик (ангина, ўтирик респиратор касаллуклар, «грипп», вотилжам, совқотип) тўғрисидаги маълумотлар билан алоқадорлиги, илгари дизурия, юз керикиши, сийдик ранги ўзгариши, бел соҳасидаги оғриқ кабиллар қайд қилинганлиги аниқланади. Бироқ, бундай анамнез ҳамиша кузатилавермайди. Артериал босим буйрак патологияси тўғрисида маълумотлар бўлмаганда ҳам кўтарилиши мумкин (нефрит, пиелонефритнинг секин кечадиган формалари, буйрак томирлари шикастланиши ва б.), бунда қўшимча текшириш ўтказиш зарур.

Келиб чиқиши буйракка алоқадор симптоматик гипертензия диагностикасида асосий жараён (буйрак касаллуклари) ни аниқлаш бош масала ҳисобланади. Қон босими ошиши билан сийдик синдроми бўлиши одатда нефрит, пиелонефрит, пиелоцистит ҳақида ўйланга хуқуқ беради; бу фикр қон босими ошиши билан бирга иситма, кам ифодаланган сийдик синдроми (бириктирувчи тўқиманинг систем касаллуклари, хусусан — тугунчали периarterиит), қорин бўшлиғида пайнасланадиган ўсма (буйрак ўスマлари, поликистози, гидронефроз) ва болқаларга ҳам тегишили.

Шубҳали ҳолларда қўшимча, шу жумладан текширишнинг бирмуича замонавий усуллари, чунончи: умумий қон анализи; сийдик чўкмасини Каковский—Аддис методи бўйича текшириш; сийдикни бактериологик текшириш, буйракларни, мочевина даражасини, қонда креатининни функционал текшириш; изотоп ренография; пиелография, урография; контрастangiография, буйракларни ультратовуш билан текшириш; буйракларнинг компьютер томографияси, буйрак биопсияси ва бошқалар ёрдам беради.

II. Эндокрин гипертензиялар.

1. Бирламчи альдостеронизм (Конн синдроми) — буйрак усти безлари пүстлогининг коптоқчали қатламида ортиқча ва идора қилинмайдиган альдостерон ҳосил бўлиши натижасида ривожланадиган клиник синдром.

Бу синдром учун алмашиниб турадиган, доимий бўлмаган, оёқларда яхши билинадиган мушак сустлиги, камдан-кам ҳолларда оёқ мушаклари фалажлиги, оёқларниң спазм ва контрактуралар кўрининишидаги тетания ҳодисалари (баъзан парестезия, полидепсия, полиурия, никтурия ва руҳий астепсия) ҳосдир. Артериал гипертензия деярли 100% ҳолларда учрайди, айрим кишиларда у 15—20 йил ва бундан ортиқ йилларгача сақланиб қолиши мумкин. Артериал босим симоб устуни ҳисобида 180/100—230/110 мм атрофида ўзгариб туради. Артериал босимнинг ошишига ва бирламчи альдестеронизмнинг бошқа белгиларига калий танқислиги ва ҳужайрадан ташқаридаги алкалоз асосий сабабчидир.

Конн синдроми негизида симптоматик гипертензия диагнозини тасдиқлаш мақсадида қатор қўшимча текшириш методларини ўтказиш зарур. Чунончи: сийдикда калий ва натрийнинг суткалик ажрагалиб чиқиниши текшириш; қон плазмасида калий ва натрий миқдорини аниқлаш; қон ишқорий резервини; қоп плазмасида реин дарражасини, суткалик сийдикда альдостерон дарражасини аниқлаш. Инструментал текшириш методлари: буйрак усти безларини радиоизотоп текшириш, компьютер томография, буйрак усти безларини селектив флебография қилиш, ретропневмоперитонеум билан буйрак усти безлари томографияси қимматли натижалар беради.

2. Иценко—Кушинг касаллиги ва синдроми. Иценко—Кушинг касаллиги асосида дўмбоқ остида кортикотроцин—рилизинг гормони ва гипофизда АКТГ ортиқча ишлаб чиқарилиши ётади, бу ўз навбатида буйрак усти безлари пўстлоги, айниқса унинг даста зонасининг йиқи томонлама диффуз гиперплазиясига ва ортиқча кортизол ҳосил бўлишига олиб келади.

Иценко—Кушинг синдроми, худди касаллиги каби, кортизол мўллиги сабабли вужудга келади. Иценко—Кушинг касаллиги ва синдроми одамларда 0,1% ҳолларда учрайди. Асосан аёл жинсига мансуб шахслар: балоғат ёшидаги қизлар, ҳомиладорлик давридаги аёллар, кўпинча туғруқдан, абортлардан кейин ёки климактерик даврда касалланадилар, у 20 дан 40 ёнгача энг кўп учрайди.

Клиникаси: ташқи кўринини ўзгариади, юз «ойсимон», бўйин, елкалар, қоринга ёғ йиғилиб семириш; тери қуруқ, «мармар» тусга киради, мушак атрофияси, уйқучанлик, бефарқлик, баъзан маниакал ёки парапоид ҳолатлар, депрессия кузатилади; эркакларда либидо ва потенция бузилади, аёлларда — аменорея, ҳомиладорлик жуда кам, соқол-мўйлов чиқади.

Бу ҳолат учун ҳос белгилар билан бирга беморларнинг 80—95 фоизида симоб устуни ҳисобида 180/110 мм атрофида ва бундан юқори артериал гипертензия аниқланади.

Иценко—Күшинг касаллиги прогнозининг ёмонлиги билан ажралиб туради, даво қилинмаган беморлар, одатда, 5—6 йилдан узоқ яшаб кета олмайдилар, бинобарин, эрта диагностика гоят муҳим. Диагностика анамнез, ўзига хос объектив маълумотлар ва айниқса қунт билан текширишга асосланиб амалга оширилади, бунда қўйидаги текшириши методлари ўтказиш тавсия этилади: суткалик сийдика 17-кетостероидлар ва 17-оксикортикостероидлар миқдорини аниқлаш; қонда 17 ва 11 оксикортикостероидлар секрецияси суткалик ритмини текшириш; турк эгарини обзор суратга олиш ва уни компьютер томография қилиш. Бошқа омилларни истисно қилиш учун зарур бўлганда диагностиканинг бошқа методлари ҳам қўлланилади.

3. Феохромоцитомалар. Феохромоцитомалар — катехоламинларни синтез қиладиган ва уларни турли миқдорларда, номуназам қонга ажратадиган буйрак усти безларининг мия қатлами ва буйрак усти бези ташқарисидаги хроммафин тўқима (параганлиома) нинг ўсмалар гуруҳидир. Ўсмалар ҳар қандай ёшдаги кишиларда, бироқ кўпроқ 40—50 ёшларда, эркакларда ва аёлларда бир хил учрайди, болаларда — ҳамма ҳолларининг 12 фойизида кузатилади. Симптоматик гипертензия ҳолларининг 0,6 фойизи феохромоцитомалар улушига тўғри келади. Артериал босим ошишига қонга катехоламилар ажралиб чиқиши бевосита сабабчи ҳисобланади.

Клиникаси. Касалликнинг етакчи белгиси артериал босим ошиши ҳисобланади. Касаллик нормал босим фонида криз (хуруж)лар билан характерланади. У тўсатдан бошланади, артериал босим шиддат билан оша боради ва жуда юқори рақамларга чиқини мумкин (системик — симоб устуни ҳисобида 280/300 гача, диастолик эса — 180/200 мм гача). Криз вақтида беморлар аҳволи кескин ёмонлашади, ўлимдан қўрқув сезгиси пайдо бўлади, рантпарлик, қўллар трепори, қаттиқ боли оғриғи, чаккаларда пульсация кузатилади, кўриш қобилияти ёмонлашади, эпнитув ва кўрув галлюцинациялари, стенокардия ҳодисаси бўлиши, кўнгил айниши, қусиши, ҳиқиҷоқ тутиши эҳтимол. Кейин юрак уриши, минутига 120—160 гача тахикардия, юрак ритми ва ўтказувчалигининг бузилиши хос. Феохромоцитоманинг бошқа белгиларига гипергликемия билан глюкозурия; плазмада озод ёғ кислоталар концентрация ошиши; пейтрофил лейкоцитоз; тана температурасининг 39—40°C гача кўтарилини киради.

Феохромоцитома кечинида артериал босим даражаси ва бошқа белгиларга боғлиқ ҳолда клиник кечинининг бир неча (аниқроги 5 та) варианти тафовут қилинади, узил-кесил диагноз эса қўшимча текширишлар йўли билан қўйилади. Уларга: катехоламилар ва ванилил — бодом кислотанинг криз фонида ва ундан ташқари вақтда сийдик билан суткалик экскрециясини аниқлаш, адреналин ва норадреналин экскрециясини алоҳида-алоҳида текшириш, гистаминли (привокация қиладиган) ва реджитинли (тўхтатадиган) тестлар ва бошқалар киради.

III. Кардиоваскуляр (гемодинамик) гипертензиялар.

Бошқа симптоматик гипертензиялардан фарқли равишида гемодинамик гипертензиялар патогенетик ёки бевосита юрак ва йирик томирлар касалликлари (атеросклероз, аорта коарктацияси, аорта клапанлари етишмовчилиги, тұлиқ атриовентрикуляр блокада, димланиш сабабли юз берган юрак етишмовчилиги ва б.) билан бөлгілік.

1. Атеросклеротик (склеротик гипертония).

Бу ҳолда нормал ва пасайған диастолик босимда (симоб устуни ҳисобида 95 мм дан паст) систолик босимнинг хроник ошиши (симоб устуни ҳисобида 160/190 мм ва бундан юқори) хос. Беморларда артериал босим горизонтал вазиятда симоб устуни ҳисобида 180/80, 195/70, 200/85, 220/90 мм ва ұқазо атрофида бўлади. Худди шу bemorларда вертикал вазиятда систолик босим симоб устуни ҳисобида 10—25 мм га пасаяди, диастолик босим кам ўзгаради. Пульс босими ҳамиша кўпроқ. Тўғри диагностикага умуман атеросклероз учун хос асосий клиник маълумотларни (ёш, жараённинг қаерда жойлашгани, босқичи ва б.) ҳисобга олган ҳолда эришилади.

2. Аорта клапанлари етишмовчилиги, бунда аорта клапанлари етишмовчилиги симптомлари билан бирга (юракнинг чапга ва паstra-гипертрофияси, ўн иккинчи қовурғалар орасида ўтадиган дагал диастолик шовқиپ, ўзига хос пульс, рангпарлик, ҳушдан кетишга мойиллик, рентгеноскоопияда «аортал конфигурация» ва б.) диастолик босим кескин пасайтапи ҳолда (симоб устуни ҳисобида 160/220 гача, батъзан 220 мм ва бундан юқори) аниқланади.

3. Тўлиқ атриовентрикуляр блокада. Тўлиқ атриовентрикуляр блокадали, юрак қисқаришлари кам (минутига 20—35) bemorларда систолик босимнинг ўртача ошиши (симоб устуни ҳисобида 150/160 мм) ва диастолик босимнинг пасайиши (симоб устуни ҳисобида 70—60 мм) кузатилади. Бироқ аксарият ангиноз оғриқ, нафас қисиши, энцефалопатия симптомлари, кўриш қобилияти ёмонлашуви кабилар пайдо бўлиб, артериал босимнинг кескин ошиши (системик босим 200—220 гача, диастолик босим симоб устуни ҳисобида 70—80—100 мм гача) қайд қилинади. Бу синдром негизида мия ёки буйрак қон оқимининг вақтингча секинлашиши, катехоламинлар ажralиб чиқинчи ётади.

4. Димланиш билан кечадиган юрак етишмовчилиги. Димланишдан бўладиган артериал гипертензия этиологияси ҳар хил юрак етишмовчилигига 4—4,5% ҳоллар атрофида аниқланади. Одатда Н_{II} дараҷасида артериал босим симоб устуни ҳисобида 155—185/95—100 мм гача, Н_{II} Б—III дараҷасида симоб устуни ҳисобида 160—180/90—115 мм гача етиши мумкин. Бошқа формаларидан фарқли равишида СГ (симптоматик гипертензия) димланиш артериал гипертензияси юрак етишмовчилигини даволаш таъсири остида нормаллашишга мойил бўлади. СГ нинг шу формасини диагностика қилишда юрак етишмовчилигининг клиник, лаборатория ва инструментал белгилари йиғиндиси ва унинг этиологияси ҳисобга олинади.

Биз симптоматик гипертензиянинг айрим клиник формалари устида тўхтадик, холос. Амалиётда унинг кўпгина бошқа формалари, масалан нейроген (артериал босим ошиши бош мия ва орқа мия касаллклари ва шикастлари билан боғлиқ), экзоген ва дорилардан бўладиган (захарланиш, интоксикация, айрим дори-дармонлар қабул қилиш) формалари мавжуд. Артериал босим ошиши кўпинча ҳомиладор аёлларда, ҳомиладорларнинг кечиккан токсикозида кўп учрайди, бу турли омиллар билан боғлиқ ва охиригача ўрганиб чиқилмagan. СГ нинг бу формасини диагностика қилишда қунт билан йигилган анамнез (бошдан кечирилган касаллклар, олдинги ҳомиладорлик ва туфруқларнинг қандай кечганлиги), йигилган маълумотларни мантиқан муҳокама қилиш ёрдам беради.

Симптоматик гипертензия (СГ) диагностикаси умуман СГнинг хусусан унинг клиник формаларининг клиник таърифи ва диагностикаси артериал босим ошишидан ташқари асосий жараённинг ўзига хос белгилари бўлмаганда бирмунча қийинчиликлар туғдидиради. Диагностик хато айрим объектив ва субъектив сабаблар туфайли содир бўлади. Бунинг сабаблари: этиологик омиллар ғоят турли-туман бўлади, асосий жараён турли хил (ёки моносимптом) кечади, ихтисослашган даволаш муассасалари кам, умумий профилдаги мавжуд стационарлар етарлича жиҳозланмаган, текшириш учун етарлича шароитлар йўқ, мутахассисларнинг назарий тайёргарлиги даражаси паст ва б. Врачда ҳар бир конкрет ҳолда касаллик омили ҳақида етарлича тушунча бўлганда, яъни у илмий асосланган қўшимча диагностика методларини билганда ва ўтказа олганда СГ нинг турли формаларига тўлиқ клиник таъриф бериш, диагностика ва дифференциал диагностика масалаларига тўғри ёндоши мумкин.

Иккиласми артериал гипертензиялар ёки симптоматик гипертония диагностикасида энг муҳими гипертония касаллигини истисно қилиш ёки тасдиқлаш ҳисобланади. Шу мақсадда қуидида 13-жадвални келтирамиз.

Давоси, прогнози ва профилактикаси

Даволаш ва бошқа тадбирлар, асосий патологик жараённинг характеристи (етиологик даво), гипертензив синдром динамикаси ва даражаси, органлар (юрак ва б.) ва системалар ҳолатига кўра бир неча йўналишлар бўйича олиб борилади.

I. Асосий касалликка даво қилиши (тегишли бўлимлар — нозологияни бирликлар мавзуларига қаранг).

1. Нефроген симптоматик гипертензиялар:

— яллиғланиш касаллклари — нефритлар, пиелонефритлар, пиелоциститлар (антибактериал терапия, десенсибилизация қилалиган, яллиғланишга қарши препаратлар);

— буйракнинг реноваскуляр касаллклари (асосан операция, камроқ—консерватив-симптоматик даволаш).

2. Эндокрин симптоматик гипертензиялар: Конн синдроми, Иценко—Күшинг касаллиги ва синдроми, феохромоцитома ва б.

(даволаш асосан—операция усулида — ўсмаларни олиб ташлаш, симптоматик терапия, рентген-радиотерапия билан, лазер билан даволаш ва б.).

3. Кардиоваскулятор (гемодинамик) гипертензиялар: юракнинг ишемик касаллиги, блокадаси, аортал клапанлар етишимовчилиги, қон айланнини етишимовчилиги ва б. (даволаш консерватив—антисклеротик, тож томирларни кенгайтирадиган препаратлар, юрак дорилари ва сийдик ҳайдовчилар, кўрсатмалар бўлганда, антикоагулянтлар ва антиаритмик препаратлар; юрак мушаги метаболизмини яхшилайдиган препаратлар — АТФ, кокарбоксилаза, рибоксин; айрим ҳолларда — юрак пороклари, аорта коаркциясида операция усули тавсия этилади).

4. Нейроген симптоматик гипертензиялар: даволаш консерватив — симптоматик (седатив воситалар, транквилизаторлар ва б.), айрим ҳолларда эса (ўсмалар, бош мия ва орқа мия шикастлари) операция усулида даволаш керак.

II. Симптоматик терапия. Ҳамма ҳолларда, симптоматик гипертензия этиологиясидан қатти назар, асосий жараёнин даволаш билан бирга турли гипотезив ва бошقا даво воситалари кенг қўлланилади.

Гипотензив препаратлар (кўрсатмалар бўйича).

— ганглиоблокаторлар: бензогексоний — 0,5—1 мл дан 2,5% ли эритмалари мушаклар орасига ёки терп остига; имехни; центамин — 0,2—0,5 мл дан (1—2 мл дан) 5% ли эритмаси мушаклар орасига ёки венага 20 мл физиологик эритма ёки 5% глюкоза эритмасида.

— антигипертензив воситалар: клофелин (гемитон) — 0,5—1 мл дан 0,01% эритмаси мушаклар орасига, терп остига, венага (тез таъсир олингани ҳолларда) изотоник эритма билан; резерпин — 0,05—0,1 мл дан кунига 2—3 марта ичини учун; натрий нитронпруссида — венага 50 мг ни 1000 мл 5% ли глюкоза эритмасида суюлтирилган ҳолда.

Кўрсатмалар бўйича таъсирни ва вазифаси ҳар хил бошқа препаратлар ҳам қўлланилади: нейролептик (дроперидол); седатив (магний сульфат, бром, валерпана препаратлари); диуретик (фуро-семид, гипотиазид); спазмолитик (дибазол, пизаверин); антикоагулянтлар; юрак гликозидлари; анальгетиклар; тож томирларни кенгайтирадиган воситалар (сустак, эринит, натрий нитрат, корвалол ва б.). Кўрсатмалар бўйича физиотерапевтик муолажалар, санаторий-курортда даволаш.

III. Диспансерда кузатув (асосий касаллик бўйича) жараён авж олиб кетишенинг, турли асоратларнинг олдини олини мақсадида амалга оширилади.

IV. Прогноз асосан асосий касалликнинг характеристи ва кечиши билан аниқланади. Симптоматик гипертензия диагностикаси ва сабаблари эрта зниқланганда, зарур даво тадбирлари ўз вақтида ўтказилганда прогноз бирмунча яхшиланади.

Гипертония касаллиги ва энг кўп тарқалган симптоматик гипертензияларниң дифференциал-диагностик белгилари (С. Г. Гогин ва бошқалар бўйича)

Клиник белгилари	Гипертония касаллиги	Симптоматик гипертониялар
Пациент ёши	Одатда 30—40 ёшдан оғган	Аксарият ёш ва йигитлик ёши
Касаллик шакланаётган даврдаги ташқи шароитлар	Ёмон: чарчап, салбий эмоциялар, келишимовчилик, етарлича ухламаслик	Камроқ аҳамиятга эга
Гипертоник синдромнинг қарор топиш хусусиятлари	Аста-секин, ташқи шароитларга боғлиқ ҳолда аксарият тақрор қўзишилар ва ремиссиялар билан	Тўхтовсиз, ортиб борадиган суръат билан
Бегетоневроз белгилари	Симптоматик доминанта типи бўйича	Бўлмайди
Шикоятлари	Эрталаблари бош оғриги ёки доимий бўлмаган бош айланishi, кўз олдида нарсалар учуб тургандек бўлиши, яхши ухлай олмаслик, тез чарчаш, кайфият ўзгариб туриши, баъзан юрак соҳасида оғриқ	Артериал босим барқарор бўлишига қарамай, узоқ вақтгача шикоятлар бўлмаслиги мумкин; буйрак касалликларида—бел соҳасида оғриқ, совқотиши, энг кўп терлаш
Гемодинамик тип	Аввалига гиперкинетик, асосан систолик босим ошиши, диастолик кўрсаткич бекарорлиги	Карши гипертензиянинг эрта шакланиши ва асосан диастолик босимнинг барқарор ошиши
Кризлар борлиги	Касалликнинг нисбатан эрта босқичларидаёқ типик	Эҳтимолдан йироқ (диэнцефал патология ва феохромацитомадаги пароксизмлардан фарқ қилинсин)
Констелляция ва юракдан ташқари синдромлар	Эрта атеросклероз, юрак ишемик касаллиги (ЭКГ ўзгариши), сийдикнинг минимал ўзгаришлари	Эндокрин, буйракка алоқадор, системъ яллиги касалликлар, маҳалий томир зарарлапши ёки нуқсони белгилари
Давонинг таъсирчанлиги	Юқори, гипертензияга қарши воситалар билангира эмас, балки эрта босқичларда шунингдек седатив воситалар билан ҳам	Артериал босимнинг бевосита гипертензияга қарши препаратлар қабул қилиш давридагина пасайиши, патогенетик давога резистентлик

V. Профилактикаси:

- симптоматик гипертонияга олиб келадиган этиологик касалликлар авж олишининг олдини олиш;
- асосий касалликни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш;
- артериал гипертонияли ҳамма беморларни диспансерлаш ва актив кузатиб бориш;
- санитария-гиgienик тадбирлар, ишлаш, ишга жойлаштириш учун шароитлар яратиш.

Контрол саволлар

1. Симптоматик гипертензия муаммолари.
2. Симптоматик гипертензия этиопатогенезига, полиэтиологик лигига замонавий қарашлар.
3. Симптоматик гипертензия классификацияси ва унинг моҳияти.
4. Симптоматик гипертонияларнинг этиологиясига боғлиқ ҳолда клиникаси ва диагностикаси.
5. Буйракка алоқадор артериал гипертензиялар: диагностика ва даволаш асослари.
6. Симптоматик гипертониялар диагностикаси ва уларни даволашга ёндошишда умумий принциплар.
7. Симптоматик гипертония прогнози ва профилактикаси.

НЕЙРОЦИРКУЛЯТОР ДИСТОНИЯ

Таърифи. Нейроциркулятор дистония (НЦД) — юрак-томирлар системаси функционал касалликлари группасидаги полиэтиологик касаллик бўлиб, хроник тўлқинсимон кечиш, поли-клиник белгилар билан характерланади, одатда яхши натижга ва прогноз билан туғайди.

НЦД «певроз» каби функционал касалликлар группасига киради. «Невроз» тушунчасини медицинага 1776 йилда Cullen киритган эди. Неврозлар деганда перв системасининг патологоанатомик асоси помаълум, яъни замонавий диагностика методлари билан очилдиган органик заарланишлари бўлмаган касалликлари тушунилган.

А. И. Струков ва Л. В. Контурский (1977) қайд қилишларича, замонавий биология ва медицина, айниқса молекуляр биология ва генетика соҳасида эришилган ютуқлар функционал касалликлар мавжудлигини ишонч билан инкор этишга ва ҳар қандай функция бузилишига монанд морфологик субстратлар тошишга имкон беради. Олдиндан айтадиган бўлсак шундай бўлаяпти ҳам. «Нейроциркулятор дистония» терминини биринчи марта 1948 йилда Н. Н. Савицкий таклиф қиласди. Қатор муаллифлар неврознинг, хусусан нейроциркулятор дистониянинг турли масалаларига доир ишлар бағишлайдилар, бироқ ҳанузгача улар охиригача ўрганилмаган, ноашиқликлар ва жумбоқлар кўй.

Бу масалаларга доир тўлиқ маълумотларни В. И. Маколкининг С. А. Аббакумов билан ҳамкорлиқда ёзилган монографиясидан (1985), замонавий маълумотлар билан бойитилган «Ички касалликлар» номли медицина олий ўқув юртлари учун чиқарилган ўқув қўлланмасидан (В. И. Маколкин ва С. И. Овчаренко, 1987) олиш мумкин.

Классификацияси. Кўпгина классификациялар таклиф этилган. Бир хизмат классификациялар асосига клиник принцип, иккинчилариға этиологик ва патогенетик принцип қўйилган. Масалан, В. Ф. Зе-

ленин 1965 йилда қуйидаги классификацияни таклиф қылган: 1) оғриқ синдроми бўлган юрак неврозлари, 2) гипердинамик синдром; 3) брадикардик — гипотонии синдром; 4) тахикардик синдром; 5) аритмик синдром; 6) нейроциркулятор астения; 7) климактерик цевроз ва бошқа вазомотор синдромлар: Рейно, «вақти-вақти билан пайдо бўладиган чўлоқлик», «эритромелалгия». Бу классификация фақат клиник принципга асосланган, бинобарин, касаллик мөхиятини тўлиқ очиб берга олмайди.

Сўнгги йилларда (В. И. Маколкин, С. А. Аббакумов, 1985) НЦД нинг ишчи клиник классификацияси таклиф этилган бўлиб, унда касалликнинг етакчи этиологик омиллари, асосий клиник синдромлари ва оғир-енгиллиги кўрсатилган (14-жадвал).

Бемор анамнези, объектив маълумотлар билан танишиш асосида студент ўз назарий билимларига таяниб, қуйидаги масалаларни ҳал қила олиши лозим:

1) патологик жараён характеристи ва унинг жойлашуви ҳақида тахминий фикрини билдириш (функционал ёки органик зарарлашиш, дистония, юрак ишемик касаллиги, миокардит, ревмокардит ва б.);

2) тахминий диагнозга биноан bemorni текширишнинг ўйланган планини тузиш;

3) қуйидагиларга асосланаб асосланган диагноз қўйиш:

— НЦД классификацияси, этиологияси, асосий синдромлари ва оғир-енгиллиги;

— аввало юракнинг органик касалликларидан (юрак ишемик касаллиги, миокардит, ревмокардит ва б.) мақсадга мувофиқ дифференциал диагностика ўтказишни билиш;

4) касалликнинг оғир-енгиллигига кўра монанд даво тадбирларини тузиш.

Этиопатогенези. Этиологик омиллар гоят турли-туман, улар системага солинмаган, уларнинг қай бири етакчи эканлиги ҳанузгача номаълум. Ҳамма этиологик омилларни шартли равишда 2 қисмга: 1) мойиллик қиладиган омиллар ва 2) келтириб чиқаралигиган омиллар группасига тақсимлаш мумкин:

— биринчи группага қуйидагиларни киритса бўлади: организмнинг ирсий-конституционал хусусиятлари; шахс хусусиятлари; поқулай социал-иқтисодий шароитлар; организмнинг гормонал қайта қурилиш даврлари;

— иккинчи группага психо-эмоционал, физик, химиявий, дисгормонал (хомиладорлик, аборт, ҳайз цикли бузилиши) омиллар, инфекция (ўткир респиратор касалликлар, тонзиллит, ўшканинг хроник касалликлари, сил ва б.) киради. Бундан маълум бўлишича, НЦД-полиэтнологик касаллик, бироқ НЦД келиб чиқишида бу омилларнинг салмоғи ҳар хил. Клиницистларнинг кузатувлари ўткир респиратор касалликлар 59% bemorларда НЦД ривожланишига сабаб бўлганлигини кўрсатди; хроник стресс (49%); чарчаш (41,4%); жисмоний зўриқиши (38%); ятрогения (35%); гормонал қайта қурилиш даврлари (27,7%); ўткир стресс (24,5%); опера-

**НЦД нинг ишчи клиник классификацияси (В. И. Маколкин,
С. А. Аббакумов бўйича, 1985)**

Этиологияси	Синдроми	Оғир-енгиллиги
Психоген (невроген) Инфекцион-токсик Дисгормонал Жисмоний зўриқиши	Кардипалгик Тахикардиа Гиперкинетик Астеник Астеноневротик Вегетотомирлар дистоияси (жумладан вегетатив кризлар билан)	Енгил Ўрта Оғир
Аралаш		
Эссенциал (конституционал-ирий) Физик ва қасб-корга оид омиллар	Респиратор бузилишлар Миокардиодистрофия	

ция, шикастлар (22,2%); турмуш шароитлари ўзгариши (7,7%).

Патогенези. НЦД мураккаб ва охиригача ўрганилмаган. Патогенези этиологик моментларниң доимий таъсири, юрак-томирлар системаси нейро-гормонал-метаболик идора қилинини бузилиши, гипоталамик структуралар заарланиши; симпатико-адренал ва холинергик системалар дисфункцияси, гомеостаз бузилиши билан боғлиқ. Гистамин-серотонин, калликреинкинин системалар, сув-электролит алмашинуви, углевод алмашинуви бузилиши шундан далолат беради.

Клиникаси.

I. *Субъектив маълумотлар.* Этиологиясига ва у ёки бу симптомлар ва синдромларниң устунилигига, қасалликнинг оғир-енгиллигига (енгил, ўртача оғирлиқда, оғир) боғлиқ. НЦД учун хос шикоятлар кўп сонли (батафсил маълумот учун 15-жадвалга қаранг).

II. *Объектив маълумотлар.*

1. Умумий кўздан кечириш: аҳволи қониқарли, беморнинг жуссаси аксарият нормал. Ҳамиша бўлмаса-да, тез-тез юзаки нафас олиши, хавотирлик, безовталик, қўллар тремори, адипамия, кафтларниң кўп терлаши, кучайган аралаш дермографизм (баъзан қизил), рангпарлик, юз қизариши ёки гиперемияси, сержаҳллик ва б.

2. Органларни кўздан кечириши:

— юрак-томирлар системаси: органик ўзгаришлар йўқ, юрак ўлчамлари нормада, тонлари сақланиб қолга (юрак асоси олдида систола даврида қўшимча тон бўлиши эҳтимол, аксарият тўш суюги чап қирғоғида 3—4 қовурғалар орасида систолик шовқин эшитилади); уйқу артерияларининг кучайган пульсацияси; пульс ва артериал босим бекарорлиги (тез кўтарилиши ва гипотензив воситалар қўллашмасдан нормага тушиши);

— бошқа органлар ва системалар томонидан одатда патологик ўзгаришлар аниқланмайды.

III. Күшириши методларидан олинган маълумотлар:

— периферик қон, сийдик томонидан нормадан четланишлар йўқ, қоннинг биохимиявий кўрсаткичлари ҳам нормага мос келади;

— рентгенологик текширувлар (юрак ўлчамлари одатда ўзгаришларсиз);

— ЭКГ текшириш: ўзгаришларсиз ёки автоматизм функцияси, супровентрикуляр экстрасистолиянинг бузилиш белтилари, қоринча комплекси охирги қисмининг Т тишча амплитудасининг пасайиши кўринишидаги ўзгаришлар ва б.;

— эхокардиографик текширишлар, ташқи нафас функциясини, симпатико-адренал система функцияси, марказий гемодинамика параметрларини текшириш муайян натижалар беради.

НЦД кечиши турлича (енгил, ўртача оғирликда ва оғир). Жарёйнинг оғир-енгиллигини аниқлашда субъектив белгилар, симптом ва синдромлар йиғиндиси ва уларнинг юзага чиққанлиги (оғриқ синдроми, вегетотомир кризлар, иш қобилияти, тахикардия, респиратор бузилишлар ва б.) ҳисобга олинади.

15-жадвал

Нейроциркулятор дистонияли беморларда айрим симптомларнинг учраши

Тар- тиб №	Субъектив маълумотлар (шикоятлар, симптомлар)	% ҳисобида
1.	Юрак соҳасида оғриқ	98
2.	Беҳоллик ва тез чарчаш	97
3.	Невротик бузилишлар (сержаҳллик, хавотирлик, безоватлик, кайфият пасайиши)	95
4.	Бош оғриғи	88
5.	Нафас бузилиши (нафас олишдан қониқмаслик, ҳаво етишмаслик сезгиси, чуқур нафас олишга эҳтиёж сезиш)	85
6.	Юрак уриши	83
7.	Қўл-оёқлар совқотиши, парестезияси	75
8.	Үйқу бузилиши	73
9.	Вегетотомир пароксизмлари	64
10.	Бош айланиши, кўз олди қоронфилашуви	62
11.	Ҳайз кўришдан олдинги синдром	59
12.	Қўйллар титраши, ич-ичидан қалтираш сезгиси	54
13.	Кардиофобия	54
14.	Совқотиши сезгиси	53
15.	Корипда оғриқ	50
16.	Бўйимларда оғриқ, миалгия, невралгия	50
17.	Тез юргандга нафас қисиши	44
18.	Эрталаблари юз, қовоқлар салқиши	44
19.	Юракнинг тўхтаб қолгандек секин уриши	42
20.	Кўнгил беҳузур бўлиши	35
21.	Бўйин ва боп томирлари пульсацияси сезгиси	33

Тартиб №	Субъектив маълумотлар (шикоятлар, симптомлар)	% ҳисобида
22.	Юз, бўйинда иссиқлаб кетиш сезгиси	31
23.	Жинсий охизлиқ	30
24.	Субфебрилитет	26
25.	Хушдан кетиш	18
26.	Дисмелорея	16

НЦД айрим «етакчи» синдромларининг қисқача клиник таърифи

Классификациядан маълумки, НЦД клиникасида кўп сонли симптомлар ва синдромлар кузатилади; объектив маълумотларни ҳисобга олиб, тегишли баҳо берилганда синдромлар муайян диагностик аҳамиятга эга.

1. Кардиалгик синдром. Муҳим ва кўп учрайдиган синдром. Оғриқ синдромининг юзага чиққанлиги ва унинг ҳарактери турли-туман:

— ёқимсизидан то «чидаб бўлмайдиган» сезгиларгача, баъзан оғриқ ўлим хавфи билан ўтади (симиллаган, санчийдиган, зирқи-раган, босадиган, кемираидиган оғриқ, қизиб кетиш сезгиси, баъзан у чап қўл, курак, бўйинга ўтади), турли соҳада жойлашади (бўлма олди соҳаси, юрак учи, тўш орқасида, чап куракда).

Оғриқ синдромининг ҳамма кўрсатиб ўтилган белгилари юрак-томуирлар системаси томонидан объектив органик четланишлар бўлмаганда кузатилади.

2. Респиратор (нафас бузилиши) синдром тезлашган юзаки нафас, тахипноэ, нафас «дискомфорт», нафас олиш қийинлашуви кабилар билан ҳарактерланади. Респиратор синдром эпизодик пайдо бўлади ва нафас системаси томонидан физикал ўзгаришлар билан ўтмайди.

3. Юрак уриши, аритмия ва бошқа айрим бузилишлар (таксикардия—тинч турганда юрак минутига 80—90 дан 130—150 мартача уради, юрак вақтинча тўхтаб қолгандек бўлади; камроқ — брадикардия; аксарият бўлма ва қоринча экстрасистолияси; антиаритмик воситалар наф бермаслиги ва б.).

4. Астеник синдром (бехоллик, ҷарчаш, «дискомфорт» ҳолат, хотира ва ироданинг пасайиши, яхши ухлай олмаслик, уйқудан қониқмаслик ва б.).

5. Вегетотомирлар дистонияси ва вегетотомирлар кризи синдроми. Бу синдром учун бош оғриги, оёқ-қўллар совқотиши; пульс, артериал ва веноз босим лабиллиги; тез-тез ҳушдан кетиш ҳолатлари; бўғимлар, оёқ-қўллар, суюкларда, мушакларда оғриқ; терморегуляция бузилиши — совуқ, иссиқни кўтара олмаслик; субфебрилитет; вегетотомир кризлар: қалтираш, эт жунижикиши, кўп терлаш, юрак соҳасида оғриқ, бош оғриги, гипертония ва б.

6. Невротик бузилишлар. Улар ипохондрия, депрессия, исте-

рик бузилишлар (беқарорлик, бир жойда ўтира олмаслик, хавотирланиб қараш; жонсараклик; сўзлашганда мантиқсизлик; намоийшкорона хатти-ҳаракат; истерик тутқаноқ; невростеник ва кардиофобик синдромлар ва б.) кўринишшида юзага чиқади.

Диагностикаси НЦД диагностикасига жиддий ва масъулият билан ёндошиш керак. Масъулият қўйидаги мулоҳазалар учун зарур:

1) НЦД полиэтиологик, охиригача ўрганилмаган касаллик, унда шончли, аниқ ёки патогномоник симптомлар ва синдромлар йўқ. 2) НЦД да объектив маълумотлар, симптомлар ва синдромлар кўп сонли, бинобарин, улар кўпгина органлар ва системаларнинг органик характердаги (стенокардия, юрак ишемик касаллиги, ревмокардит, миокардит, тиреотоксикоз ва б.) касалликларини эслатади; 3) нейроциркулятор дистонияли беморларда кузатиладигай бемор шикоятлари, симптомлари ёки синдромларига етарлича баҳо берилмагандаги ёки нотўғри баҳо берилганда тегишли оқибатлар билан тугайдиган қўйидаги жиддий диагностик хатоларга йўл қўйиш мумкин:

- беморга маънавий зиён етказиши;
- меҳнатга лаёқатсизлик кунлари миқдори, ногиронлик сони ошиши;
- бир томондан, давлатга, иккинчидан, қисмаи беморнинг ўзиға катта моддий зиён етказилиши;
- бирмунча жиддий касалликлар — органлар ва системаларнинг органик патологияси бўлган беморлар миқдорининг сунъий ошиши (юрак ишемик касаллиги, гипертония касаллиги, ревмокардит ва б.).

НЦД ни йигилган маълумотларга илмий асосланган баҳо бериш йўли билан тўғри диагностика қилинади. Бунда қўйидагиларга асосланилади: 1) бемор шикоятлари (юрак соҳасида ёқимсиз сезги ва оғриқ; нафас бузилишлари; юрак уриши; айниқса эрталабки соатларда беҳоллик ва бўшашиш; невротик симптомлар; бош оғриги; бош айланиши; оёқ-қўллар муздай ва нам ва б.), 2) апамнез маълумотлари (стресслар муносабати билан ёки гормонал қайта қуриш даврида симптомлар пайдо бўлиши ёки қўзипши; авж олишига мойиллиги бўлмагани ҳолда субъектив ҳодисаларнинг узоқ вақтгача мавжудлиги; психотерапия, игна билан даволаш, санаторий-курортда даволаш, седатив воситаларнинг таъсирчанлиги); 3) қўшимча текшириш методлари. 4) бошқа касалликларни истисно қилиш (атеросклероз, гипертония касаллиги, юрак ишемия касаллиги, ревмокардит, ревматик юрак нуқсонлари, поревматик миокардитлар — инфекцион-аллергик миокардит ва б.; миокардиопатиялар; тонзиллоген интоксикация; диффуз токсик буқоқ; тиреодитлар; бронхиал астма; бўғимларнинг касалликлари).

НЦД ва юқорида тасвирланган касалликлар ўртасида дифференциал диагностика уларнинг етакчи симптомлари ва синдромлари бўйича ўтказилади. НЦД диагностикасига «истисно қилиш» ёки «тасдиқлаш» принципи бўйича эришилади.

Диагнозни тахминий таърифлаш

1. Нейроциркулятор дистония ўртача оғирлікдаги тахикардия синдроми билан.

2. Хроник декомпенсацияланган тонзиллит қўзиш босқичида. Инфекцион-токсик этиологияли нейроциркулятор дистония, оғир даражадаги оғир бўлган астено-невротик синдром ҳодисалари билан.

Давоси. НЦД ии комплекс, плацли даволаш лозигм. Даво тадбирлари плани қўйидагиларни ўз ичига олади:

1) этиологик омилларни тугатиш; 2) авж олинига сабаб бўладиган омилларни тугатиш; 3) патогенетик терапия ва 4) асосий, айниқса кескин шфодаланган синдромларга қаратилган даволаш.

1. Патогенетик терапия. 2 ҳафтадан 5—6 ойгача тайинланадиган β-адреноблокаторлар кенг қўлланилади. β-адреноблокаторлар орасида обзидан ёки анаприлин, тразикор (20—40 мг дан кунига 2—3 марта) ёки корданум (50 мг дан кунига 3 марта) энг таъсиричан. Физиковий даволаш методлари (даволаш физкультураси, жисмоний тренировкалар, физиотерапия — гальванизация; новокаин ёки магний сульфат ишлатиладиган Шербак бўйича электрофорез ва б.); санаторий курортда даволаш (Қримниг Жанубий қирғоги, Кавказ, Кисловодск).

2. Симптоматик терапия. НЦД инг у ёки бу клиник белгиларини ҳисобга олиб ўтказилиди:

— кардиалгияларда (ўз-ўзини массаж; чалғитадиган воситалар — ҳантал, қалампирили пластир; изоптик (веранамил) 0,04—0,08 г дан кунига 3 марта 4—5 ҳафта мобайнида; қўшма даволаш — седатив воститаларни /β-адреноблокаторлар ёки изоптин билан; ветразин 5 мг дан кунига 3 марта;

— тахикардиал (гиперкинетик) синдромда: β-адреноблокаторлар — анаприлин, обзидан, тразикор; антиаритмик — кордарон, хинидин, новокаинамид ва б.;

— симптоадреинал кризларда: психотерапия; седуксен; феназепам; кризда 10 мг седуксен ёки дроперидолни парентерал юбориши, анальгин ёки барагин билан бирга қўлланинип яхни натижга беради; 40—80 мг обзидан, 10 мг седуксен, 40 томчи валокардин ва 1—2 таблетка барагинни бир вақтнинг ўзида (шуунингдек криз вақтида) қабул қилини тавсия этилади.

— астеник синдромда: β-адреноблокаторлар, В группа витаминлари, рибоксин, анаболик гормонлар, биоген стимуляторлар; кальций тузлари; стрихнин; женышень; пантокрин, АТФ ва б.;

— бошқа воситалар кўрсатмалар бўйича: белладонна ёки атропин препаратлари (беллоид, белласпон, беллатаминал, амизил); томир кенгайтируучилар — палаверин, но-шина, никотинат кислота; алмашинув жараёпларини яхлилайдиган препаратлар (глютаминат кислота 0,5 г дан 3 марта; аминалоп 0,25 г дан 3 марта; дебролизин 1 мл дан кунора, бир курсга 20—40 инъекция).

Профилактикаси: 1) санитария-гигиеник, согломлаштириш

тадбирлари, спорт, даволаш физкультураси билан шуғулланиш ва б.; 2) ўроқли инфекция билан кураш; 3) интоксикациялар, ортиқча психоэмоционал зўришиларнинг олдини олиш; 4) ичкилик, чекишдан юз ўгирин, оилада ҳам, меҳнат жамоасида ҳам нормал шароит яратиш.

Контрол саволлар:

1. «Невроз» тушунчаси, унинг моҳияти, муаммолари.
2. НЦД этиопатогенезига замонавий қараашлар.
- 3 НЦД классификацияси, унинг диагнозини таърифлаш принципи.
4. Касаллик айрим синдромларининг қисқача таърифи.
5. Диагностикаси: ёндошув принципи, дифференциал диагностика масалалари.
6. НЦД да даволаш тадбирлари плани.
7. Натижаси, прогнози, профилактикаси.

АТЕРОСКЛЕРОЗ

Таърифи. Атеросклероз — артерияларнинг хроник систем касаллиги, унинг негизини томирлар ички деворида липидлар ва кальций тузлари йигилиши, аниқроғи инфильтрацияси ташкил қилиб, у бириктирувчи тўқима ривожланишига ва, бинобарин, томирлар девори қаттиқлашувига ва улар бўшлигининг торайишига олиб келади. Оқибат натижада қон оқимининг бузилиши содир бўлади, яъни органнинг қон таъминоти ёмонлашиб, аввалига дистрофик, сўнгра некробиотик ва охирида склеротик жараёнлар ривожланади.

Бизнинг асримиз аввалида патологоанатомлар ва тажриба ўтказдиган олимларнинг кўп сонли асарларида атеросклероз ривожланишида холестериннинг роли ва патогенетик аҳамияти исботланган эди. Бу патологияни ўрганишда Н. Н. Аничков ва С.С. Халатовнинг (1912) иши муҳим аҳамиятга эга, унда эксперимент йўли билан холестерин атеросклерози модели олинган эди. Гарчи Н. Н. Аничков «холестериниз атеросклероз бўлиши мумкин эмас», — деган бўлсада, кейинроқ (1933) қуйидагича ёзган эди; «олинган маълумотларнинг ҳаммаси атеросклероз генезида қатнашадиган бир қанча омиллар ҳам умумий, ҳам маҳаллий аҳамиятга эга бўлган омиллар бўлиши мумкинлигини кўрсатади». 20-йиллардаёқ У. Ослер атеросклероз ривожланишида бир неча омиллар: нотинч ҳаёт тарзи + порационал овқатланиш + ирсиятнинг аҳамияти тўғрисидаги гипотезани айтган эди.

Маълум бўлишича, бу патологик жараён томирлар деворида липидлар йигилишидан бошланади ва шунга кўра атеросклерозга инфильтратив жараён сифатида қараш вужудга келди (Аничков Н. Н., 1912). Сўнгги вақтларда ҳам ватанимиз, ҳам хорижий олимларнинг илмий изланишлари туфайли атеросклероз тўғрисидаги тушунчани кенгайтирадиган янги маълумотлар олинди — унга полиэтиологик касаллик сифатида қаралади (Мясников А. Л.,

Давидовский И. В., Чазов Е. И., Струков А. И., Шхвацабая И. К., Климов А. И. ва б.). Атеросклероз ривожланишида нерв омили етакчи ҳисобланади, сүнгра эндокрин, метаболик, гемодинамик, томир, алиментар ва бошқа омилларга ҳам катта аҳамият берилади.

Атеросклероз — турли иқлимий-географик көнгликларда күп тарқалған касаллик. АҚШ соғлиқни сақлаш департаменти маълумотлари бўйича 1 555 000 ўлим ҳолларидан 843 410 таси юрак-томирлар системаси, касалликларига, улардан 425 800 таси тож томирлар склерозига, 179 110 таси — мия томирлар склерозига (White et al.) тўғри келади. Африка, Осиё мамлакатларида томирларнинг склеротик заараланиши Европа ва Америка мамлакатларидагига қараганда бирмунча кам учрайди.

Гипертония касаллиги, атеросклероз ва улар билан боғлиқ коронар етишмовчилик — миллионлаб кишиларнинг ёстигини қутиладиган ва қариб қолишни тезлаптирадиган учта касаллик ҳисобланади (Мясников А. Л., 1965).

Атеросклероз—фақат ёши қайтган ва кекса ёшдаги шахсларнинг эмас, балки ёшларнинг ҳам касаллигидир. Атеросклерознинг кескин ифодаланган формалари 40 ёшдан ошган беморларда кузатилади, Европа ва Американинг 11 та йирик шаҳарларининг йигма патологоанатомик маълумотларига кўра ҳамма секцион материалнинг 21,7—36,8% (ўрта ҳисобда 25%) ҳолларида кузатилади. У қишлоқ аҳолисига нисбатан йирик, саноат шаҳарлари аҳолиси ўртасида кўпроқ учрайди. Аёлларда эркакларга қараганда камроқ кузатилади.

16-жадвалда атеросклероз классификацияси келтирилган. Клиник маълумотлар ва назарий билимлар асосида студент қуидагиларни билиши керак:

- 1) патологик жараённинг асосан жойлашган ўринини аниқлаш;
- 2) атеросклерози бор деб тахмин қилинган беморни текширишнинг асосланган планини тузиш;
- 3) қуидагилар асосида батағсил диагнозни аниқлаш ва таърифлаш:

— касалликнинг асосий клиник белгиларини билиш ва уларни ажратса олиш;

— томирларнинг атеросклеротик заараланган жойини ва босқичини, у ёки бу заараланган орган функцияси ўзгарганлигини аниқлаш;

4) тегишли даво тадбирлари ўтказишнинг асосланган планини тузиш;

5) касаллик прогнози, оқибати, асоратлари, сапаторий-курортда даволашга кўрсатмалар ва монелик қиласидаган ҳолларни аниқлаш.

Этиологияси. Ҳозирги вақтда атеросклероз этиологияси ва патогенези мураккаб ва ҳал қилинмаган масала бўлиб қолмоқда. Унинг ривожланишида қуидагилар муҳим роль ўйнайди:

— алиментар омил — овқатланиш шароитлари, овқатда холес-

Атеросклероз классификацияси

Атеросклерознинг плато-генетик формаси	Касаллик даврлари ва босқичлари (орган ва тўқималардаги ўзгаришларга боғлиқ ҳолда томирлар атеросклерозининг ифодаланганлиги)	Атеросклерознинг асосий жойлашадиган ўрни
Вазомотор бузилишларнинг устуналиги билан	1. Боплангич, клиник давргача бўлган давр (липоидлар ва липроteinлар таркибида вазомотор бузилишлар бўлади) 2. Клиник давр: I босқич — ишемик (органда атеросклеротик ўзгарган томирдан қон таъминоти бузилиши натижасида унда дистрофия белгилари борлиги). II босқич — тромбонекротик (органда атеросклеротик ўзгарган томирлар тромбози натижасида инфаркт пайдо бўлиши) III босқич — склеротик (органда томирлар атеросклерози заманида чандиқли ўзгаришлар бўлади)	Атеросклероз жойлашган жой аниқланмайди
Метаболик бузилишлар устуналиги билан		

теринга ва тўйинган ёғ кислоталарига бой ҳайвонот ёги ва оқсиллари кўп миқдорда бўлган овқат истеъмол қилиш ва б.

— жисмоний активликнинг пастилиги — гиподинамия, кам ҳаракат ҳаёт тарзи, алкоголь ва чекпн каби заарали одатларнинг роли;

— нерв-эмоционал бузилишлар — эмоционал стресс, зўриқишнинг роли, касб-корнинг аҳамияти ва б.;

— эндокрин ва метаболик бузилишларнинг роли — атеросклероз ривожланадиган фон — ёғ босиш, подагра, гипотиреоз, қандли диабет кабиларнинг аҳамияти;

— ирсий-конституционал мойиллик.

Патогенези:

— нерв ва нерв-гуморал (жумладан гормонал) бузилишлар;

— липид ва липид-оқсил метаболизмининг ўзгариши, тўқималар ва органларда метаболизм бузилиши;

— ферментлар синтези бузилиши, фермент системаларнинг путурдан кетиши, қон ва тўқима липолитик активлиги пасайиши;

— томир девори ҳолати (томир омили), унинг ўтказувчанлиги бузилиши;

— мойил қиласидиган жиҳатлар (касаллик этиологиясига қаралсин).

А. Н. Климов атеросклерознинг ривожланиши механизмини тушунтирадиган концепцияларни таклиф қиласиди (17-жадвал).

Патологик анатомияси. Артериялар атеросклерози — хусусий,

бироқ артериялар склерозининг ўз тарқалиши ва клиник аҳамиятига кўра энг муҳим формаси (Мясников А. Л., 1965) бўлиб, у липид алмашинувининг бузилиши ва кўп органларда органик ўзгаришларга олиб келадиган асосан эластик типдаги артерияларнинг заарланиши билан характерланади. Қуйидаги ўзгаришлар кузатилади:

- жараённинг жойлашган ўрнига кўра иирик томирларда дистрофик, склеротик ўзгаришлар;
- атероматоз пилакчалар;
- деформация, томирлар эластиклиги пасайши, атероматоз яралар;
- тромбозлар, томирлар бўшлиғи торайиши ёки бекилиб қолиши, некроз ўчоқлари, кардиосклероз, бирламчи-бужмайган буйраклар белгилари.

Атеросклерознинг клиник манзараси турли-туман ва ноаниқ ва формасига — касаллик даврига (клиник белгиларигача бўлган давр, клиник давр), босқичига (ишемик, тромбонекротик, склеротик) ва жараённинг асосан қаердалигинга (тож томирлар, аорта, бош мия томирлари, буйраклар, ўпка атеросклерози ва ҳ. к.) боғлиқ.

I. Субъектив маълумотлар. Шикоятлари:

- юрак, кўйрак, тўш орқаси соҳасида оғриқ, баъзан стенокардия типи бўйича иррадиация билан;
- бошда оғриқ ва оғирлик сезиш, бош айланиши, қулоқда шовқин;
- оёқларда оғриқ ва мадорсизлик;
- қоринда ноаниқ оғриқ, қорин дам бўлиши;

17-жадвал

Атеросклероз ривожланишининг тушунтирадиган концепциялар (А. Н. Климовдан)

Концепция	Ўзгаришлар	Таъсир характеристи
Плазма концепцияси	Атероген липопротеидлар концентрациясининг кўпайиши (пре β - ва β -липопротеидлар). Артериал босим ва қон ивлих хусусиятининг ошиши	Артериал деворга липопротеидлар оқиб келишилинг ошиши. Тром ҳосил бўлиши
Томирлар эндогелийси	Инфекция, токсиналар ва бошқа моддалар таъсирида эндотелиял ҳужайраларнинг шикастланиб ва қисқариб, ҳужайралараро бўшлиқлар катталашувига олиб келиши	Артериал девор ўтказувчаплигининг ошиши
Интима	Интиманинг бўкиши ва гиперплазияси	Артериал девор ўтказувчанлигининг ошиши ва липопротеидлар тўхтатилиб қолиши

Концепция	Үзагарышлар	Таъсир характери
Эластик мембрана	Мембрана деструкцияси ва парчаланиши ҳамда узилиши	Ушанинг ўзи
Медия	Силлиқ мушак ҳужайралари пролиферацияси. Мушак ҳужайралари метаболизми пасайган	Липопротеидлар тўхталиб қолиши. Липопротеидлар ва липидлар метаболизми секинлашуви
Адвентиция	Лимфатик дренаж ва функцияси бузилиши. Семиз ҳужайралар миқдори камайиши	Липопротеидлар оқиб кетишинг пасайиши

- юрак уриши, юрганда ёки тинч турганда нафас қисиши;
- эшитиш, хотира, кўриш қобилияти сусайиши;
- уйқу бузилиши, тунслар кўриш;
- иш қобилияти пасайиши ва б.

II. *Субъектив маълумотлар анализи* (шикоятлари, ушбу касаллик ва бемор турмуши анамнези — асаб чарчаши, қаттиқ чарчаши, ёғ босиш кабилар билан боғлиқлиги).

III. Объектив маълумотлар.

1. Кўздан кечириш: bemornинг умумий аҳволи, ўриндаги вазијати касаллик босқичи ва асоратлар борлигига боғлиқ, bemорлар ёнига нисбатан катта кўринадилар, терисини ажин босган, қуруқ, атрофик, соchlari барвақт тўкилади ва оқаради, майда веналари кенгаяди, айрим артериялари эгри-бугри ва ушлаб кўрилганда қўлла қаттиқ уннайди, кўзларида ялтироқ жозиба пасайди, лабларда цианоз, тинч турганда нафас қисиши ва юрак декомпенсациясида шишлар бўлиши мумкин.

2. Тож томирлар атеросклерози хроник тож томирлар етишмовчилиги кўрининишида юзага чиқади: юрак соҳасида оғриқ, стенокардия, юрак уриши, нафас қисиши ва б.

3. Атеросклеротик кардиосклероз:

- тож томирлар етишмовчилиги;
- миокард қисқариш қобилиятынинг бузилиши — юрак етишмовчилиги (чап-ёки ўнг қоринча ёки тотал юрак етишмовчилиги);
- юрак ритми ва ўтказувчанини бузилиши (экстрасистолия, титроқ аритмия, турли даражалардаги юрак блокадаси ва б.).

4. Аорта атеросклерози:

- кўкрак атеросклерози: аорта катталашуви ва пульсацияси, аорта устида акцент ва систолик шовқин, у қўлни юқорига кўтаришда кучаяди — Сиротинин—Кукаверов симптоми, юрак чегараларининг чапга кенгайиши;

- қорин атеросклерози: қоринда ноаниқ оғриқлар, метеоризм, диспепсия, қорин аортаси зичлашуви ва пульсацияси, унинг устида систолик шовқин.

5. Бош мия томирлари атеросклерози: бош оғриши, бош айланиси, хотира сусайиши, ақли пастлик, құллар тремори, нутқ ва хатнинг, құз тубининг ўзгариши, тромбоэмболик асоратларнинг белгилари ва б.

6. Артериялар атеросклерози:

— буйраклар артериялари атеросклерози: буйракларнинг зарапланиш симптомлари: протеинурия, микрогематурия, баъзан цилиндрүрия, симптоматик гипертензия, нефроангиосклероз, буйрак декомпенсацияси белгилари;

— ичак тутқич артериялари атеросклерози: қорин дам бўлиши, поаниқ оғриқлар, ичакдан қон кетиши, ичак тутилиши белгилари ва б.

7. Оёқ томирлари атеросклерози, оёқ панжаси бармоқлари, болдир мушакларида оғриқ, сезувчанликнинг пасайиши, пульс йўқолиши, дамбадам оқсоқланиш симптоми, маҳаллий гипотермия, яралар ҳосил бўлиши ва б.

18-жадвалда тоқсимон артериялар атеросклерозида ривожлапишнинг даврлари ва босқичларига биноан патологоанатомик ўзгаришлар ва клиник белгилар келтирилган.

IV. Лаборатория, инструментал ва биохимиявий текшириш методларининг маълумотлари:

— умумий сайдик анализи — ўртача протеинурия, микрогематурия, камроқ цилиндрүрия, гипоизостенурия ва буйрак артериялари атеросклерозидаги бошқа белгилар;

— липид алмашинуви — гиперхолестеринемия, фосфолипидлар миқдори ошиши, фосфолипидлар ва холестерин, лецитин ва холестерин нисбатининг бузилиши ва б.;

— оқсил алмашинуви — умумий оқсил ва унинг фракциялари ҳолати — альфа-глобулинлар ҳисобига глобулинлар миқдори ошиши, альбуминлар даражаси камайиши, альбумин-глобулин коэффициенти пасайиши ва б.;

— протромбинга қон анализи — протромбин индекси ва вақти, протромбин миқдори ошиши тромб ҳосил бўлишига мойиллик келтириб чиқарадиган омил ҳисобланади;

— қоннинг ивиш системаси ва ивишга қарши системаси омилларини текшириш;

— текширишнинг инструментал методлари — реовазография, аортография, буйрак артериялари ангиографияси, коронарография ва б.;

— жараённинг жойлашган ўрнига кўра рентгенологик текшириш;

— тоҷ томирлар атеросклерозида ЭКГ да текшириш — кардиосклероз, гипоксия, миокарддаги ишемия, типчалар вольтажи пасайиши, Р—Q ва QRS интерваллари узайиши, ST сегменти силжиши, ҳар хил даражадаги блокада, экстрасистолия, титроқ аритмия.

**Тожсемон артериялар атеросклерозида патологоанатомик
үзгаришлар ва клиник белгилар**

Даврлари ва босқичлари	Патологоанатомик үзгаришлар	Клиник белгилари
Биринчи давр (яширин, клиник давргача бўлган давр)	—	Ангиоспазмлар. Липоидлар ва лифопротенелар тарқибидаги үзгаришлар
Иккинчи давр (клиник белгилари билан): I босқичи — ишемик	Миокард дистрофияси	Зўриқишиш стенокардияси. Электрокардиографик үзгаришлар (S—T ва T). Юрак етишмовчилиги I даражаси
II босқичи — тромбонекротик	Майда ўчоқли миокард некрозлар, ўтқир миокард инфаркти, сурункали миокард инфаркти	Яхши маълум
II босқичи — склеротик (фиброз)	Атеросклеротик кардиосклероз	Юрак етишмовчилиги I, II, III даражаси, титроқ аритмия, ўтказувчаликнинг бузилиши ва бошقا маълум симптомлар

Асоратлари: миокард инфаркти; кардиосклероз, ритм бузилиши, юрак етишмовчилиги; инсульт (ва унинг оқибатлари); психоз, шахс деградацияси: цефроангисклероз, буйрак етишмовчилиги; ичак инфаркти, қон кетиши, ичак тутилиб қолиши, оёқ бармоқлари жонсизланиб қолиши (гангрена) ва бошقا тромбоэмболик асоратлар.

Атеросклероз диагностикаси, айниқса унинг илк босқичларида, яъни касалликнинг клиник давргача бўлган даврида муайян қийинчилик туғдиради. Диагностикада муҳим вазифа — атеросклерознинг асосий жойлашув жойини аниқлаш (коронаросклероз, аорта ва унинг тармоқлари склерози, мия артериялари, оёқ томирлари склерози ва х. к.) ва шунга мувофиқ ҳолда органлардаги тегишли заарланишларнинг асосий клиник белгиларини дифференциал ўрганиш ва аниқлаш, хавф омилларини ва уларнинг бирга учрашини аниқлаш, липидлар ва улар фракцияси алмашинуви бузилиш даражасини ва барқарорлигини аниқлаш, лизид алмашинуви кўрсаткичларига атеросклероз билан боғлиқ бўлмаган бошقا омилларнинг таъсирини истисно қилиш керак. Инструментал текшириш методларининг кўрсаткичлари: рентгенография (артерия кальцинози), рентгенокимография (аорта пульсацияси амплитудаси пасайиши), ангиография (атеросклеротик окклюзиялар), ЭКГ, ФКГ маълумотлари ҳам катта диагностик аҳамиятга эга.

Атеросклерозни яхши диагностика қылышпен учун олинган субъектив, обьектив ва қүштіктери методларидан олинган маңыздыларни түрін клиник таұлайлы қилиш; касаллардың дифференциал-диагностик симптомлари ва синдромларының атеросклеротик жараённинг босқичи ва жойлашган ўрнига күра етарлы даражада билиши керак.

Атеросклерозни гипертония касаллары билан; вегетатив-томирлар дистонияси, келиб чиқыши ҳар хил миокардиодстрофиялар, тож томирларга алоқадор бўлмаган кардионатиялар, юракнинг ревматик заарланиши, тугунчали периартерий ва бошқа систем коллагенозлар, юрак ва йирик томирларнинг захмли заарланиши, климакс, базед касаллары, айрим буйрак касалларни билан дифференциация қилиш керак.

Давоси

1. Мехнатни түрги ташкил қилиш, спорт, физкультура машғулотлари, етарлича жисмоний активлик, организмни чиниқтириши ва б.

2. Чекишдан воз кечиш, алкоголь ичимликларни суисстерьмол қиласылар.

3. Уйқуни тартибга солиш, яхши дам олиш, онла ва ишхонада нормал психологияк шароит яратиш ва нерв системасига ижобий таъсир қиладиган бошқа чоралар кўриш.

4. Овқатланишини нормага келтирини (овқат рационада липопротеинларга, тўйинган ёғ кислоталарига бой маҳсулотларни чегаралаш).

5. Дори-дармонлар билан даволапи: атеросклерозни даволашда қўлланиладиган дори препаратлари асосан липид алмашпунувига таъсир этади:

- экзоген холестерин сўрилишини тормозлайдиган;
- эндоген холестерин синтезини пасайтирадиган;
- фосфолипидлар миқдорини оширадиган;
- тўйпнмаган ёғ кислоталари препаратлари ва таъсир механизми ҳар хил бошқа препаратлар;
- бета-ситостерин — суткасига 6—9 г дан 2—3 ой мобайнида танаффулар билан;
- холестерамин-квестран — суткасига 12—15 г дан;
- диоспонин — суткасига 300 мг дан, 10 кунлик курслар 45 кун мобайнида;
- цетамифен (фенексол) — суткасига 1,5 г дан 30—40 кун мобайнида;
- клофибрат (мисклерон, атромуид. С) — суткасига 1,5 г дан 2—3 ой мобайнида;
- линетол — 1 ош қошиқдан (овқатдан олдин) 1—2 ой мобайнида;
- арахиден — 10—20 томчидан суткасига 2 марта;
- атероид — 60 мг дан узоқ вақт мобайнида;

- йод препаратлари — 5—10 томчидан (5% ли эритмаси) бир стакан сутда бир ой мобайнида тақрор курслар билан;
- эстрогенлар — фолликуллин, эстрадиол;
- қалқонсимон без гормонлари (тиреоидин);
- метионин, холин ва б.;
- витаминлар — РР, В₁, В₆, В₁₂, В₁₅, Е, С;
- томир кенгайтирувчилар — нитранол, сустак, эринит, натрий нитрит, дифрил, папаверин ва б.;
- седатив дорилар (барбитуратлар);
- умуман мустаҳкамлайдиган, юрак дорилари, сийдик ҳайдовчи, симптоматик;
- антикоагулянтлар — гепарин ва б.

6. Хирургик даволаш методлари.

7. Зарурат бўлганда санаторий-курортда даволаш (Кисловодск, Қrimning Жанубий соҳили, Щалтубо, беморлар яшайдиган жайдаги курортлар).

8. Атеросклерозли беморларни диспансерлаш.

Профилактикаси: бирламчи — атеросклероз ривожланишига қарши кўриладиган чоралар; иккиласмачи — атеросклерознинг янада авж олишини тўхтатиш ва ҳар хил асоратларининг олдини олиш мақсадида ўтказилади.

Контрол саволлар

1. Атеросклероз этиопатогенези (ватанимиз ва совет олимларининг хизматлари).
2. Атеросклерознинг ривожланиш босқичлари ва жойлашган ўрни бўйича классификацияси.
3. Диагностик мезонлар.
4. Даволаш принциплари, липид алмашинувига таъсир қилалигидан препаратлар.
5. Антикоагулянтлар тайинлашга кўрсатмалар (тромбоэмболик асоратлар).
6. Атеросклероз асоратлари (мия, юрак, буйрак, оёқ-қўллар томонидан ва ҳ. к.).
7. Санаторий-курортда даволаш (турли асоратларига кўра кўрсатмалар).

ЮРАКНИНГ ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ

Таърифи. ВОЗ комитети маълумотларига биноан юракнинг ишемик касаллиги — тож артериялар системасидаги патологик жараёнлар натижасида миокардга қон етказилишининг камайиши ёки тўхтаб қолиниша боғлиқ бўлган юрак мушагининг ўтирир ёки хроник зарарланишидири. Асосий сабаби — тож томирлар атеросклерози (90% дан кўп ҳолларда), шунингдек нерв-эмоционал зўрициш ва стресс шароит натижасида тож артериялар ангиоспазмини қўзгатувчи омилларидир. Бу касаллик ривожланишига ташқи ва ички муҳитнинг турли-туман омиллари (хавф-хатар омиллари):

гиперхолестеринемия, артериал гипертензия, чекиш, камҳаракат ҳаёт тарзи, ёғ босиши сабаб бўлади.

Юракнинг ишемик касаллиги ривожланишига тож артериаларнинг стенозлайдиган атеросклерози (аксарият) натижасида таъсиричан қон томирлар қон айланиши билан миокарднинг кислородга эҳтиёжи ўртасидаги номувофиқлик асос бўлиб хизмат қиласди.

Клиник амалиётда юрак ишемик касаллигининг СССР МФА Бутуниттифоқ кардиология илмий маркази ВОЗ эксперслари таклифлари асосида (1983) ишлаб чиқсан классификациясидан фойдаланилади.

1. Тож томирлар касаллиги сабабли тўсатдан ўлим (юракнинг бирламчи тўхташи).

2. Стенокардия:

зўрициш стенокардияси: илк бор пайдо бўлган, барқарор, авж олиб борадиган,
спонтан (махсус) стенокардия.

3. Миокард инфаркти:

йирик ўчақли (трансмурал),
майда ўчақли.

4. Постинфаркт кардиосклероз.

5. Юрак ритми бузилишлари (формаси кўрсатилган ҳолда).

6. Юрак етишмовчилиги (формаси ва босқичи кўрсатилган ҳолда).

Юракнинг ишемик касаллиги асосан қуйидагилар заминида:

— тож томирлар атеросклерози (90% дан ортиқ ҳолларда стенокардия ва миокард инфаркти сабабчиси ҳисобланади);

— гипертония касаллиги;

— ўткир вазомотор криз (тож томирлар спазми), бу айниқса чекувчиларга тааллуқли («чекувчиларда нафас қисиши»);

— томир яллигланиши касалликлари (захм аортити, панартериит, облитерацияловчи эндартериит, тугунчали периартериит, ревматик коронарит), ишемик юрак касаллигининг 3% дан кўп бўлмаган ҳоллари шу касалликлар улушкига тўғри келади;

— эмболияларда тож томирлар қон айланишининг ўткир бузилишлари.

— нейрогуморал таъсиrlар — симпатик-адренал системанинг катехоламинлар чиқариш билан ўтадиган ортиқча активланиши;

— миокарднинг кислородни ортиқча сарфлаши сабабли юрак иши кучайишига олиб келадиган ҳар хил омиллар, булар тож томирлар етишмовчилиги авж олишига олиб келади (нерв-эмоционал ва жисмоний зўрициш, этиологияси ҳар хил тахикардия ва ҳ. к.);

— ҳар хил стресс шароитлар.

Кўрсатиб ўтилган сабаблар қўшилиб келганда ва бир неча хавф омиллари бирга учраганда юракнинг ишемик касаллиги билан касалланиши имконияти 2—3 марта ошади. Унинг хроник формаси кечиши стенокардия хуружлари билан характерланади.

СТЕНОКАРДИЯ

Таърифи. Стенокардия ёки кўкрак қисиши — юрак соҳасида, тўш орқасигда, ўтири, хуружсимон оғриқ билан намоён бўладиган, чап қўлга, бўйинга, кураклараро бўшилиққа ўтадиган клиник синдромдир. «Стенокардия» атамаси фақат ўтири тож томирлар етишмовчилигини ифодалаш учун, «кардиалгия» термини эса кўкрак қафасидаги келиб чиқиши жиҳатидан турлича (ўраб оладиган темиратки, қовургалараро невралгия, миозит, плеврит, кардиоспазм ва б.) оғриқ сезгиларини ифодалаш учун қўлланилади.

Стенокардия асосини юрак мушагининг кислородга эҳтиёжи билан тож томирлар қон айланишининг муайян вақт ичидаги бу эҳтиёжни қониқтириш имконияти ўртасидаги номувофиқлик ташжил қиласиди.

Стенокардия — юрак ишемик касаллигининг формаларидан бири, у касалликнинг бирдан-бир белгиси бўлиши мумкин ёки унинг бошқа формалари — кардиосклероз, постинфаркт миокардиосклероз, юракнинг хроник аневризмаси билан бирга учраши мумкин. Клиник маълумотлар ва назарий билимларга асосланниб, студент қўйидагиларни билиши керак:

- 1) коронар томирлар заарланиш характеристини (тахминан) белгилай олиши (яллиғли, дистрофик, склеротик);
- 2) тахминий диагнозга асосан беморни текширишнинг асосланган планини тузиши;
- 3) касалликнинг асосий диагностик мезонлари асосида батафсил диагнозни, стенокардиянинг кечиш вариантынни аниқлаши;
- 4) план асосида, асосланган даволаш олиб бориши;
- 5) касаллик асоратлари, прогнозини, санаторий-курортда даволашга қўрсатмаларни, меҳнат қобилиятини аниқлаши.

Этиологияси. Ишемия касаллиги ривожланишида қўйидагилар муҳим роль ўйнайди:

- органик заарланишлар (атеросклероз, ревматик, захмли ва бошқа этиологияли коронаритлар);
- тож томирлар қон айланиши идора этилишини бузадиган невроген омиллар (асабий зўриқиши, салбий ҳис-ҳаяжонлар, руҳий травма ва б.);
- ҳар хил ички органлар томонидан рефлектор таъсир (холециститлар, меъда ва ўп икки бармоқ ичакнинг яра касаллиги), (ўпка касалликлари, диэнцефал-эндокрин бузилишлар ва б.);
- степокардия ривожланадиган фон (артериал гипертензия, қандли диабет, ёғ босиш ва б.) ва имкон берадиган омиллар (чекиш, ичкилик ичиши ва б.);
- генетик мойиллик, жинс, ёш ва касб-корнинг аҳамияти.

Патогенези:

— тож томирларнинг органик ва функционал ўзгаришлари натижасида юрак мушагининг кислородга эҳтиёжи билан коронар қон айланиши имконияти ўртасидаги номувофиқлик (трофика бузилиши, миокард гипоксияси ва ишемияси);

- юрак—миокардниаг ортиқча ишлаши (функционал, ўта чарчаган юрак, «гипертония» ва б.);
- коллатерал қон айлапиши етишмовчилиги;
- қон ивиш ва ивишга қарши системаларнинг бузилиши;
- катехоламинларнинг гистотоксик эффекти ва б.

Клиник манзараси

I. Субъектив маълумотлар. Шикоятлари:

- 1) юрак соҳасида ва тўш орқасида оғриқлар хуружи:

- оғриқ характери ва кучи — сиқадиган, кесадиган, босадиган, кўкракда қисилиш сезгиси ёки қаттиқ оғриқ;
- оғриқ иррадиацияси (кўчиши) — чап елкага, кураклараро бўшлиққа, чап қўлга, камроқ — ўнг елкага, ўнг куракка, энсага, бармоқлар увишиб қолиши;
- хуруж частотаси — суткасига бир неча марта, ҳар куни, хуружларнинг камдан-кам бўлиши;
- пайдо бўлиш вақти — асосан тунги вақтда, тинч турганда, бемор ишга отланётган пайтда, иқлим шароптларининг таъсири ва б.;

- хуружларга ҳаво етишмаслиги сезгиси, ҳарсиллаш, юрак уриши ва бошқалар қўшилиб келиши мумкин;

2) хуружлар пайдо бўлишини бемор ҳаяжонланиш, нерв-психик зўриқиши, хавотирланиш, кўп овқат ейиш, кечки овқатни кўп ейиш, қорин дам бўлиши билан боғлади;

- 3) умумий шикоятлар:

- беморнинг хуруж вақтидаги хатти-ҳаракати (изтироблари, ўлим ваҳимаси, ҳаракатсиз туриши, оқариб кетиши ва б.);
- бош оғриғи, бош айланиши, кўнгил айниши, баъзан қусиши;
- валидол, питроглицерин, валериана, аччиқ чой, кофе кабилар ичилгандан кейин хуруж тўхтаси;

- мўл дидурез, хуруж тўхтагандан кейин батъзан иш қобилияти тикланиши, умуман кайфиятнинг яхшиланиши;

- 4) асосий касаллик учун хос шикоятлар (тож томирлар атеросклерози, кардиосклероз, гипертония касаллиги ва б.).

II. Субъектив маълумотлар анализи, бемор анамнези.

III. Объектив маълумотлар:

- умумий кўздан кечириши: беморнинг ахволи, ўриндаги вазияти, лаблар цианози, рангпарлик, тинч турганда нафас қисиши ва юрак етишмовчилиги бўлганда шишлар, шунингдек асосий жараён учун типик маълумотлар ва б.; стенокардия хуружи вақтида бемор ахволига баҳо берип;

- коронар (тож) томирлар атеросклерозининг унинг кечиши вариантилари, жараённинг жойлапшган ўрнига кўра клиник белгилари;

- юрак томонидан физикал ўзгаришлар — чап қоринча гипертрофияси, тонларнинг сусайиши, шовқинлар ва акцентлар пайдо бўлиши, хроник коронар етишмовчилик, шунингдек юрак, (чап-, ўнг қоринча ёки тотал) декомпенсацияси белгилари;

- артериал гипертензиянинг клиник белгилари: юрак томо-

нидан перкутор ва аускультатив силжишлар, артериал босимнинг кўтарилиши ва «ошган босим»нинг бошқа симптомлари.

IV. Лаборатория, инструментал ва биохимиавий текшириши методларининг маълумотлари:

— биохимиавий текширишлар: холестерин, фосфолипидлар, липопротеинлар, қон оқсия спектрининг, протромбин индекси ҳолати, қоннинг ивиш ва ивишга қарши системалари омиллари;

— юракни электрон-оптика асбоблар, рентгенокимография ва бошқалар ёрдамида рентгенологик текшириши;

— ЭКГ да: гипоксия, «ишемик» ўзгаришлар, хроник коронар етишмовчилик белгилари, ритм—кўзгалувчанлик, ўтказувчанлик функцияси бузилишлари; ЭКГ да ўзгаришлар бўлмаслиги беморда стенокардия борлигини истисно қилмайди;

— яширин хроник етишмовчиликни аниқлаш учун электрокардиографик нагрузкали синамалар (жисмоний ҳаракат билан синама қилиш, велоэрғометрда, бўлмаларнинг электр стимуляцияси ва б.);

— коронар етишмовчилик диагностикасида фармакологик синамалар; изопреналин, дипиридамол, эргометрин, калий хлорид, нитроглицерин ва бошқалар билан;

— коронар ангиография, радионуклид методлар (миокард ҳолати, миокардда анатомик ўзгаришлар борлиги);

— эхокардиография (юракнинг турли структуралари тўғрисида инфомрация олиш учун);

Стенокардиянинг клиник вариантлари

1. Зўриқиши стенокардияси — стенокардия хуружи жисмоний нагрузка сабабли, миокарднинг кислородга эҳтиёжи ошиши натижасида, тож томирлар спазми ёки уларнинг органик торайишида пайдо бўлади.

2. Тинч даврдаги стенокардия — юрак соҳасида ўткир оғриқ хуружлари ҳатто тинч турганда ҳам кузатилади, бу касалликнинг оғирроқ формага ўтганидан, беморда оғир стенозлайдиган коронар атеросклероз борлигидан далолат беради.

3. Стенокардиянинг алоҳида формаси — *Принцметал типидаги стенокардия*. Ўшбу ҳолда тинч турганда пайдо бўладиган ангиноз оғриқ хуружлари характеристи бўлиб, миокард субэпикардиал бўлимларининг электрокардиографик шикастланиш белгилари билан ўтади. Бу формаси ёмон прогностик аҳамиятга эга бўлади, кўпинча миокард инфаркти авж олишига, ритмнинг жиддий бузилишларига, летал оқибатларга олиб келади.

4. Кечишининг кўрсатиб ўтилган вариантларидан ташқари қуидагилар кузатилади:

а) *барқарор стенокардия* — хуружлари пайдо бўлганига камидан бир ой ва кўпроқ, баъзан бир неча йил бўлган бемордаги стенокардия. Барқарор стенокардия билан оғриган беморлар аҳволига баҳо бериш учун уларнинг жисмоний нагруззкани бажариш қобилиятига кўра тўртта функционал синфга ажратилади.

— I (яширин стенокардия) — одатдаги жисмоний нагрузка хуружаларга сабаб бўлмайди;

— II (стенокардиянинг енгил даражаси) — одатдаги активликнинг оз-моз чегараланиши;

III (ўртача оғирлиқдаги стенокардия) — жисмоний нагрузка нинг билинарли чегараланиши;

IV (оғир стенокардия) — бирор жисмоний нагруззкани стенокардия хуружларисиз бажариб бўлмаслиги;

б) бекарор стенокардия:

— биринчи марта пайдо бўлган стенокардия — хуруж пайдо бўлган вақт коронар томирлардаги функционал ёки чуқур органик ўзгаришлар фонида, тегишли клиник белгилари бўлган кардиосклероз фонида, камроқ «эски» миокард инфарктни фонида бир неча кун ёки бир ойгача муддатни ташкил қиласиди;

— авж олиб борадиган стенокардия — касаллик характери ўзгариши, зўриқиши стенокардияси хуружларига тинч тургандаги стенокардия қўшилиши, хуружларининг тез-тез бўлиб туриши, хуруж кучи ва давомлилигининг ошиши билан характерланади;

— хавф соладиган миокард инфарктни ҳолати — 30 минут ва кўпроқ давом қиласидиган хуружлар пайдо бўлиши, нитроглицериннинг наф бермаслиги, ЭКГ да ўзгаришлар.

5. Стенокардиянинг атипик белгилари — оғриқнинг атипик жойлашуви, чап қўйл мушагининг кучсизлиги, чап қоринча етишмовчилиги белгилари, аритмия хуружлари, оғриқлар билан бирга (юрак соҳасида, қоринда — кўпинча эпигастрал соҳада) кўнгил айниши, бош айланиши, кекириш, зарда қайнотиши, терлаш, кайф бузуклиги.

Стенокардиянинг типик формасини диагностика қилиш учалик қийинчлилик тутдирмайди, бироқ баъзан гоят мураккаб бўлади. Тўғри ва асосланган диагностика қилиш кўпгина омилларга боғлиқ:

— кечиш варианatlари, касалликнинг атипик белгилари тўғрисида етарлича тасаввурга эга бўлиш;

— клиник маълумотлар ва қўшимча текшириш методлари натижаларини тегишлича анализ қилиш;

— стенокардия хуружининг асосий диагностик мезонлари ва хуружларо давр клиникасини билиш;

— айрим касалликлар: миокард инфаркти, перикардитлар, аортал ва митрал юрак пороклари, ҳар хил этиологияли миокардитлар, тонзиллокардиал синдром, табиати ҳар хил миокардиопатиялар, вегетотомирлар дистонияси; ҳар хил этиологияли миокардиодистрофия; қалқонсимон без патологияси (гипер-гипотиреозлар) билан асосланган дифференциал диагностика ўтказиш.

Бундан ташқари, дифференциал диагностикани айрим покардиал касалликлар, яъни ҳар хил этиологияли «кардиалгиялар»: қовургалар патологияси, ўраб оладиган темиратки, миозитлар, плевритлар ва ўпка патологиялари, қизилўнгач спазмалари, кардиоспазмлар, диафрагма қизилўнгач тешигининг чурралари, калькулёс холеп-

цистит ва ички органларнинг бошқа касалликлари билан ўтказиш дозим.

Хозирги вақтда юрак ишемик касаллиги, хусусан стенокардия диагностикасида ва дифференциал диагностикасида текширишинг лаборатория-инструментал методлари катта (баъзан эса ҳал қилувчи) аҳамиятга эга:

- 1) липид алмашинуви кўрсаткичлари;
- 2) ЭКГ — S — Т интервали пасайиши ва Т тишчаси инверсияси, баъзан учи ўткирлашган баланд Т тишчалар пайдо бўлади;
- 3) нагрузкалар билан синамалар (Мастер синамаси, тредмил — югурувчан йўлча ёрдамида велоэргометрия).

Нагрузкалар билан синамалар қўйидаги ҳолларда қилинмайди: бошдан кечирилган миокард инфарктида; юрак соҳасида тез-тез оғриқ хуружлари (стенокардия) бўлиб турганда, гемодинамика бузилиши белгилари борлиги; юрак ритми бузилишининг ҳар хил турлари; гипертония касаллиги; аорта оғзи стенози; юрак аневризмаси.

Нагрузкали синама натижаларига ВОЗ таклиф этган мезонлар бўйича қўйидагича баҳо берилади.

- ушбу синамани ўтказишида стенокардия хуружи авж олиши;
- ЭКГ да ST сегменти 1—2 мм юқорига ёки пастга силжиши, манфий Т тишча пайдо бўлиши ва Р тишча вольтажи пасайиши;
- политоп қоринча экстрасистолияси ёки юрак ўтказувчалиги бузилишининг тез-тез юз бериб туриши;
- 4) коронар томирларнинг контраст ангиографияси қўйидаги беморларда ўтказилади:

- степокардия учун атипик оғриқлари бўлган (тинч турганда ва нагрузкада ЭКГ нормал бўлгани ҳолда) ва липид алмашинуви кўрсаткичлари бузилган кипиларда;
- коронар етишмовчиликнинг муайян клиник белгилари бўлгани ҳолда, бироқ ЭКГ да тинч турганда ҳам, жисмоний нагрузкадан кейин ҳам ноаниқ ўзгаришлар бўлганда;
- сабаби ноаниқ юрак ритми бузилишида;
- типик стенокардияси бор ёки илгари миокард инфарктини бошдан кечирган шахсларда хирургик даволаш методларини қўлланиш тўгрисидаги масалани ҳал қилиш учун;

5) миокардни сканираш — миокардда қон таъминоти ҳолатини артериал капилляр тўр (майда артериалар ва капиллярлар) дараҷасида визуал аниқлаш мақсадида ўтказилади. Шу метод ёрдамида ишемия бўлган қисмни, унинг катта-кичиклигини ва аниқ жойлашган жойини, шунингдек ишемиянинг ифодаланганлик дараҷасини аниқлашга эришилади;

6) юрак ритмининг электр стимуляцияси хроник коронар етишмовчиликни аниқлаш учун қўлланилади. Бунда bemорларда тахикацияни сунъий равишда қўзгатиб, ЭКГ кўрсаткичлари, умумий ва юрак ичи гемодинамикаси ҳолати, биохимиявий кўрсаткичлар ўрганилади.

Диагнознинг тахминий таърифи: 1) юракпилинг ишемик касаллиги: биринчи марта пайдо бўлган зўриқиши стенокардияси; 2) юрак-

нинг ишемик касаллиги: зўриқишиш стенокардияси, функционал I синф; 3) юракнинг ишемик касаллиги: зўриқишиш стенокардияси ва тинч турғандаги стенокардия, функционал IV синф.

Давоси

1. Умумий тадбирлар: ҳаёт тарзини нормага келтириш, меҳнат ва турмуш режимини тартибга солиш. Жисмоний ва психоэмоционал зўриқишиларни бартараф қилиш, чекишини ташлаш, парҳеззега риоя қилиш — ёғ босишнинг олдини олиш, оптимал жисмоний активлик, бемор билан врачпинг бир-бирини тушуниши, оила ва колективда нормал психологик шароит яратилиши.

2. Махсус терапия:

а) антиангинал воситалар:

— нитробирикмалар (амилнитрит, натрий нитрит, нитроглицерин, сустак, нитронг, эринит, нитранол ва б.);

— бета-адренорецепторларнинг блокаторлари (обзидан, тимолол, соталол, тразикор, альпренолол, атенолол, корданум, практолол, ацебуталол ва б.);

— кальций антагонистлари (нифедипин, верапамил ёки изоптин, дифрил ёки коронтин — фоли-кор);

— томир кенгайтирувчи препаратлар (курантил, параверин, но-шпа, эуфиллин, молсидомин);

б) антитиреоидлар (мерказолил), гиполипидемик воситалар, метаболик таъсири бор препаратлар — анаболик стероидлар (ретаболил, неробол), калий оротат, рибоксин, кокарбоксилаза, папантин, В группа витаминлари ва б.);

в) психофармакологик терапия: седатив воситалар (валериана, бромидтар, Павлов ва Бехтерев микстураси, корвалол, ноксирон, нитрозепам ва б.);

г) транквилизаторлар (андаксин, триоксазин, диазепам ёки седуксен, феназепам ва б.);

д) нейролептиклар (аминазин, левомепромазин, трифтазин, френолон ва б.).

3. Зарурат бўлганда юрак, сийдик ҳайдайдиган, антиаритмик ва бошқа воситалар.

4. Асосий касалликни даволашга қаратилған тадбирлар, симптоматик терапия.

5. Касалликнинг кечиш варианtlарини ҳисобга олган индивидуал ёндошиш, bemорни хуруж вақтида ва у бўлмагандаги даволаш.

6. Диспансер кузатуви.

7. Санаторий-курортда даволаш.

Профилактикаси: этиологик омилларни (атеросклероз, гипертония касаллиги ва б.) ва стенокардия пайдо бўлишига имкон берадиган бошқа омилларни бартараф этиш ва ўз вақтида даволаш; социал-соғломлаштирувчи тадбирлар (спорт, физкультура билан шуғулланиш, организмни чиниқтириш ва б.); чекишига, ичкиликтозликка, кўп овқат ейишга қарши кураш, ишхонада ҳам, оплада ҳам нормал психологик шароит яратиш ва б.

Контрол саволлар

1. Классификация.
2. Хуруж вақтида стенокардия клиники.
3. Стенокардиянинг дифференциал диагностикаси.
4. Даволашга дифференциал ёндашув.
5. Стенокардияли беморлар прогнози, уларни ишга жойлаштириш.

МИОКАРД ИНФАРКТИ

Таърифи. Миокард инфаркти — юрак ишемик касаллигининг энг кўп учрайдиган формаси ва миокарднинг кислородга, қонга эҳтиёжи билан уларнинг тож томирлар бўйлаб етказиб берилиши (тромбоз натижасида юрак мушаклари тури қисмларининг ишемик некрози) ўртасидаги ўткир номувофиқлик натижасида пайдо бўлади.

Миокард инфарктининг клиник белгилари батафсил тасвирланган даврдан кўп йиллар ўтган бўлса-да (Образцов В. П., Стражеско Н. Д., 1909), бу касалликнинг баъзи бир масалалари ҳанузгача узил-кесил ҳал қилинмаган. Shapiro ва муаллифдошлари (1969) бирламчи миокард инфаркти билан йил сайин касалланиш 35—64 ёшдаги эркакларда 1000 нафар кишига 5,2 ни ташкил қилган, аёлларда — 5 баравар кам бўлган. Н. А. Мазур маълумотлари га кўра (1975) Москвадаги районлардан бирида эркаклар (20—64 ёшдаги) орасида у 1000 аҳолига 2,87—3,08 ни ташкил этган. Миокард инфаркти билан касалланиш Хельсинки ва Лондонда энг юқори (эркаклар орасида 1000 аҳолига 5,9 ва 4,9).

Миокард инфарктидан ўлим юқори: адабиётлардаги маълумотларга биноан 18,5—40% ни ташкил қиласди. Кўп ҳолларда у касалликнинг дастлабки соатларида, яъни госпитализация қилишига қадар юз беради (Баубинене А. В., Мисюнине Н. Б., 1968, ВОЗ, 1970). Миокард инфаркти — жаҳоннинг саноати ривожланган кўпгина мамлакатлари аҳолиси ўртасидаги ўлимнинг асосий сабабчисидир. ВОЗ маълумотларига кўра 100 000 аҳолидан 404—467 киши 50—54 ёшда ўлади. АҚШ да миокард инфарктидан ҳар йили қарийб 1 млн одам касалланади ва тўсатдан ўлади. ВОЗ маълумотларига биноан 1955 йилдан 1964 йилгacha жаҳоннинг 23 мамлакатида 35—44 ёшдаги эркаклар орасида юракнинг ишемик касаллигидан ўлим 60% га, 45—64 ёшда 16—39% га кўпайган.

Эркакларда миокард инфаркти, айниқса навқирон ёшда аёлларга нисбатан кўп учрайди. Эркак ва аёл беморларнинг нисбати 41—50 ёшда 5,1:1; 51—60 ёшда 2:1 ни ташкил қиласди, кейинчалик эса аёллар ўртасида миокард инфаркти билан касалланишининг кўпайиши ҳисобига бу тағовут камаяди (Вихерт А. М., Матова Е. Е., 1966; Мазур Н. А., 1975).

Ҳозирги вақтда миокард инфаркти билан касалланган bemорларга малакали ёрдам кўрсатиш яхшиланган («Тез медицина ёрдами»

қошида махсус кардиологик бригада ва жадал кузатув палаталари ташкил қилинган, реанимацион бўлимлар очилган ва ҳ.к.).

Клиник маълумотлар ва назарий билимлар асосида студент қуидагиларни билиши керак:

1) патологик жараён характерини (склеротик, яллиғли, функциопал ва ҳ. к.) аниқлаш;

2) тахминий диагнозни тасдиқлаш учун текширишнинг асосланган планини тузиш;

3) касалликнинг диагностик мезонлари, типик ва атипик кечиши ва касалликнинг белгиларини, асоратланмаган ва асоратланган миокард инфарктини билиш асосида узил-кесил диагнозни аниқлаш;

4) миокард инфаркти бўлган беморни даволашнинг асосланган планини тузиш ва даволаш олиб бориш;

5) касаллик асоратларини, прогнозини аниқлаш, миокард инфаркти асоратларида юқори малакали ёрдам кўрсатиш ва уларнинг олдини олиш чораларини кўриш.

Этиологияси ва патогенези. Стенокардия пайдо бўлишида роль ўйнайдиган кўп сонли этиологик моментлар айни вақтда миокард инфарктига ҳам сабаб бўлади. Унинг патогенези стенокардия патогенезидан унчалик фарқ қиласайди. Фарқи шундаки, унда қон таъминоти ва кислородни миокарднинг маълум участкаларига етказилиши бутунлай тўхтайди. Бундан ташқари, агар стенокардияда миокардда фақат патофизиологик ва нозик биохимиявий ўзгаришлар рўй берса, миокард инфарктида патофизиологик, анатомик ва билиарли биохимиявий бузилишлар кузатилади.

Бундан ташқари, юрак ишемик касаллигининг ҳамма ҳолларида, илгари тасвирлангандан ташқари, қуидаги омиллар аҳамиятга эга:

— кўп сонли — 100 дан ортиқ хавф-хатарли омиллар борлиги;

— қон ивишига қарши системанинг бузилиши (гепарин миқдори камайиши ва қон фибринолитик активлиги сустлашиши);

этнологияси ҳар хил тромбоэмболик асоратлар;

— юрак ишемик касаллиги ривожланадиган фоннинг аҳамияти: қандли диабет, ёғ босиш, Вакез касаллиги (эритремия), сурункали септик эндокардит, тугунчали периартериит, облитерациялайдиган эндarterиит ва б.;

— касб-кор (юракнинг ишемик касаллиги аксарият ақлий меҳнат кишиларида кўпроқ пайдо бўлади), турар жойнинг (аксарият шаҳарликларда) аҳамияти;

— тож томирларнинг функционал характердаги узоқ муддатли спазми ва бошқа омиллар.

Патологик анатомияси:

— ишемия, мушак толалари дистрофияси ва уларнинг некрози;

— некрозга учраган тўқиманинг юмшаб қолипи (юрак мушаклари миомалляцияси);

— ўткир ва хроник аневризма белгилари, баъзан юрак ёрилиши ва тампонадаси билан;

— чандиқ, йирик ўчоқли кардиосклероз ҳосил бўлиши;

— перикардит, тромбоэндокардит белгилари (баъзан девор олдиш тромбоэндокардити белгилари).

Жараённинг жойлашишига кўра:

— чап қоринча (олдинги, орқа, ён девор, қоринчаларо тўсиқ), камроқ — ўнг қоринча инфаркти;

— олдинги тўсиқ, орқа тўсиқ, олдинги ёнбош, орқа ёнбоп инфаркти.

Заарланиш чуқурлиги ва даражасига кўра: субэндокардиал ва трансмурал миокард инфаркти.

Клиник манзараси.

I Субъектив маълумотлар:

1) оғриқ синдроми:

— оғриқ характеристи ва кучи — сиқадиган, босадиган, йиртадиган, кесадиган, тешадиган;

— оғриқларнинг жойлашуви — юрак соҳаси, тўш орқасида, кўкрак қафасининг олдинги юзаси, кўкракнинг пастки қисми, тўш ости соҳаси, чап қўл, елка;

— оғриқнинг берилиши — чап қўлга, иккала қўлга, пастки жагга, тўш ости соҳасига, оғриқнинг давомлилиги, тўлқинсимонлиги, кучайиши, пасайиши, бир неча соат, сутка ва кўпроқ;

— валидол, нитроглицерин ва бошқа воситаларнинг наф бермаслиги;

2) қуйидаги шикоятлар:

— ўлим ваҳимаси, қўзгалувчанлик, безовталиқ, инграш, баъзан қичқириши ва б.;

— бўгилиш, нафас қисиши, юрак уриши, бўшашин сезгиси;

— иситма (тана температурасининг 38°C гача кўтарплиши), терлаш ва касаллик формасига кўра ўткир томирлар ва юрак етишмовчилиги билан bogliq касалликнинг бошқа белгилари.

II. Субъектив маълумотлар анализи, бемор анамнези. Миокард инфарктининг атипик формаларида касалликнинг арзимаган белгиларига синчилаб эътибор бериш.

III. Объектив маълумотлар.

1. Умумий қўздан кечириши:

— bemornining umumiy ax'voli, es-xuishi; tiniq, shok, kolaps va b.;

— ўриндаги вазияти, чалқанча ётиши, қаддини баланд қилиб ўтириши, ортопноэ, безовталиқ, қўзгалувчалик, қўрқув: ҳаляжонланниш;

— раңгпарлик, цианоз — акроцианоз, кўп терлаш, бўгилиш, шишлар.

2. Юрак-томирлар системаси:

— пульс — ритмик, аритмик, брадикардия, тахикардия;

— arterial bosim — normal, odatda pasayidi;

— юракнинг чапга, ўнгга ва x. k. кенгайиши;

— tonlari pasayishi, uchida sistolik shovkin, kamroq Botkin nuqtasida presistolik sakrash shovkin, ritmi buziliishi — ekstrsistoliya, titroq aritmija;

— ўткір томирлар етишмовчилігі клиникаси; гипотензия, рапг-парлик, совуқ ёпишқоқ терлаш ва ҳұшдан кетишнинг бошқа аломатлари, коллапс, шок;

— чап қоринча (бүғилиш, қон туфлаш, ўпкада димланишдан хириллаш, шишлар, бүшлиқда суюқлик йигилиши, веноз босим ошиши ва б.) ва түлиқ юрак етишмовчилігі клиникаси.

3. Тож томирлар атеросклерози, кардиосклероз, гипертония касаллигі ва миокард инфарктігің сабаб бўладиган ва унга қўшилиб келадиган бошқа касалліклар клиникаси.

IV. Лаборатория, биохимиявий, инструментал ва бошқа қўшилиб текшириш методларининг маълумотлари:

— умумий қон анализи — лейкоцитоз, нейтрофилез лейкоцитар формуланинг чапга силжиши билан, камроқ — оғир ҳолларда лейкоцитопения, эозинофилопения, СОЭ ошиши;

— умумий сидик анализи — миокард инфарктининг этиологияси, асоратлари, юрак декомпенсацияси борлигига боғлиқ ҳолда текшиши ўзгаришлар;

— биохимиявий силжишлар: диспротеинемия, С-реактив протеин пайдо бўлиши, фибриноген, натрий, катехоламинлар миқдори ошиши, холестерин, лецитин, ивишга қарши омиллар миқдори ўзгариши, альдолаза, аспартат-ва аланинаминотрансфераза, де-Ритис коэффициенти, шунингдек креатинфосфокиназа, гамма-глутамилтранспептидаза, лактатдегидрогеназа, камроқ — ишқорий фосфатаза активлигининг ошиши;

— электрокардиографик текширишлар: ЭКГ даги ўзгаришлар миокард некрози жойлашган жойга, чуқурлигига ва кенглигига боғлиқ, ЭКГ даги некроз зонаси QRS комплексидаги ўзгаришлар кўринишида, шикастланиш зонаси — S — T интервали силжиши, ишемия зонаси — Т тишча ўзгаришлари кўринишида ифодаланади.

Миокард инфаркти учун ЭКГ да қўйидаги ўзгаришлар характерли.

R — тишча пасайиши;

— чуқур ва кенг Q тишча (0,04") пайдо бўлиши ёки QRS комплекси ҳосил бўлиши;

— S — T интервалининг ёйсимон кўтарилиши, у T тишча билан қўшилиб монофазали эгри чизиқ ҳосил қиласи, бу ҳол миокард инфарктининг ўткір босқичидан далолат беради; унинг ўртача ўткір босқичида коронар манғий T тишча пайдо бўлади; чуқур патологик Q тишча — бошдан кечирилган миокард инфарктининг барқарор белгиси. ЭКГ да I ва II стандарт усуулларда, а VL ва V_{2,3,4,5,6} кўяқрак усуулларда кўрсатиб ўтилган ўзгаришлар чап қоринча олдинги деворида миокард инфаркти борлигидан далолат беради, III-II стандарт усуулларда, аVF усуlda — пастки орқа диафрагмал миокард инфаркти борлиги ҳақида дарак беради. Кўрсатиб ўтилган силжишлар динамикаси, шунингдек ЭКГ даги дискордант ўзгаришлар тоят муҳим.

5—8-расмларда турли хил жойлашган миокард инфарктининг ЭКГ даги маълумотлари көлтирилган.

Радиоактив изотоплар ёрдамида текшириш («гамма-камералар») миокард инфарктини электрокардиографик диагностикаси үйин-лашган, қон зардоби ферментларини текшириш натижалари кам маълумот берадиган ҳолларда қўлланилади.

Миокард инфарктининг кечиши варианtlари

1. Классик ёки типик кечиши — *Status anginosus*.

2. Атипик кечиши:

— астматик варианти — ўткир чап қоринча етишмовчилиги типи бўйича кечади — юрак астмаси ва ўпка шиши тегишли симптоматика билан;

— абдоминал варианти: тўш ости, ўнг қовургалар ости соҳасида оғриқ, кўнгил айниши, қусищ, қорин дам бўлиши, қорин девори тараанг тортиши, баъзан меъда-ичак ўйли парези аломатлари ва қорин бўшлиги органлари ўткир хирургик патологиясининг бошқа симптомлари;

— аритмик варианти — оғриқ синдроми йўқлиги, юрак ритми-нинг ҳар хил бузилишлари — титроқ аритмия, экстрасистолия, турли даражадаги блокадалар борлиги;

— церебрал формаси — мияда қон айланиши бузилиши клиникаси, бемор психикаси бузилиши, психозлар, ҳушдан кетиш, инсульт, баъзан миокард инфаркти аритмик формаси билан бирга.

Бундан ташқари, унинг атипик формаларига қўйидаги ҳоллар киради:

— оғриқнинг гайриоддий жойлашуви (кўкрак қафасининг ўнг ярмида, орқада, умуртқа поғонасида, қўлда);

— стенокардия хуружлари кучайиши, хуружлар тезлиги, кучи-нинг ошиши, инфаркт олди ҳолати;


— кам симптомлар билан кечиши (умумий характердаги шикоятлар — ланжлик, кайфият ёмонлашуви, кўкракда аниқ бўлмаган оғриқлар, ўзини енгил ҳис қилмаслик).

Асоратлари: юрак ритми ва ўтказувчанилиги бузилиши — пароксизмал тахикардия, бўлмалар пирпираши, бўлмалар титраши, қоринчалар фибрилляцияси, асистолия; кардиоген шок; ўткир юрак етишмовчилиги; перикардит, тромбоэндокардит, юрак аневризмаси; юрак ёрилиши, тромбоэмболик асоратлар; меъда-ичак ўйлидаги ўткир эрозиялар ва яралар; меъда-ичаклар ўйлидан қон кетишлар; қовуқнинг ўткир атонияси; постинфаркт синдром (Дреслер синдроми); қон айланишининг хроник етишмовчилиги; психик ўзгаришлар ва психозлар; миокард инфарктининг сурункали кечиши, миокард инфарктининг қайталаниши.

Диагностикаси. Диагностикасида ва дифференциал диагностикасида миокард инфаркти кечишининг турли-туман варианtlари ҳақида унутмаслик лозим (атипик кечиши, хусусан оғриқнинг гайриоддий жойлашуви, оғриқсиз ва кам симптомли формалари). Унга оз бўлса-да шубҳа бўлганда текширишнинг тегишли қўшимча методларини қўлланиш, асоратларнинг олдини олиш учун зарур шароитлар яратиш зарур.


5-расм. Орқа-пастки миокард инфарктида бемор электрокардиограммасы, ўткир босқичи.

R тишча III стандарт усулда бўлмайди ва aVF усулда кучайган, Q_{III} , aVF патологик, чукур тишча. S — T интервали aVF усулда изоэлектрик чизик устидан монофаз эрги чизик типида кўтарилиб туради.



6-расм. Чап қоринча олдинги деворида миокард инфаркти бўлиб, юрак тўсиги соҳасини әгаллаган bemordаги электрокардиограмма, ўртача ўткир босқичи.

R тишча I стандарт усулда бўлмайди, aVL , V_{1-2} усулларда, $Q - S - I$ усулда, aVL ва V_{1-2} усулларда кучайган. $S - T$ интервали I, aVL , V_{1-2} усулларда изоэлектрик чизикка яқинлашади, T_1 , aVL , V_{1-2} гишча коронар.




Тўғри ва асосланган диагностика қўйидагиларга:

- студентнинг назарий тайёргарлигига;
- миокард инфарктининг кечиш вариантилари тўғрисида етарлича тасаввурга эга бўлишга; bemorni kuzatib boriшда олинган субъектив, объектив маълумотларни батафсил анализ қилиш, қўшимчча текшириш методлари натижаларига тўғри баҳо берипга;
- касалликнинг асосий диагностик мезониларини билишга;
- клиник белгилари миокард инфаркти манзарасини эслатадиган касалликлар билан, хусусан аортанинг қатламлападиган аневризмаси билан; ўпка артерияси тромбоэмболияси — ўпка инфаркти, ўткир перикардит, ўткир панкреатит, меъда ёки ўн икки бармоқ чиакнинг перфоратив яраси, ўткир холецистит, спонтан пневмомо-


7-расм. Чап қоринча орқа деворида чандиқланиш босқичидаги миокард инфаркти бўлган бемордаги электрокардиограмма.

R тишча II—III стандарт усулларда бўлмайди, aVF усулда кучайган, II ва III ва aVF усулларда чуқур ва энлик Q тишча — Q — S комплекси.



8-расм. Чап қоринча олдинги девори, жумладан чап қоринча чўққиси ва девори соҳасини әгаллаган чандиқланиш босқичидаги миокард инфаркти бўлган бемор электрокардиограммаси.

R тишча V_3 — V_6 усулларда бўлмайди. Q тишча V_3 — V_6 усулларда чуқур ва энлик, S — T интервали V_3 — V_6 усулларда изоэлектрик чизиқка яқинлашади, TV_3 — V_6 тишчанинг коронарга мойиллиги билан.



ракс, чап томонлама пневмония билан парапневмоник плеврит, ўт-кир озиқ-овқат инфекцияси, чап томонлама кўқрак радикулити, ўраб оладиган темиратки, кардиомиопатия (дисгормонал, идиопатик) билан; ҳар хил этиологияли миокардитлар ва бошқалар билан мақсадга мувоғиқ дифференциал диагностика ўтказишга боғлиқ.

Давоси

- Инфаркт олди ҳолатларини (стенокардия, хроник коронар этишмовчилик ва б.) ўз вақтида аниқлаш ва даволаш.
- Беморларни зудлик билан касалхонага ётқизиш.
- Ўринда қимиirlамай ётиш режими, психик ва жисмоний осой-

ишталиқ, пархөзга амал қилиш, беморларни тегишлича парвариш қилиш ва ҳ. к.

4. Асоратланмаган миокард инфарктини даволаш:

— огриқ синдромини бартараф этиш — промедол, омнопон, пантопон, папаверин, атропин, уларни нейролептик ва антигистамин препаратлар — дипразин, димедрол, аминазин, фентанил, дроперидол билан бирга ишлатши, оғир ҳолларда азот (11)-оксид ва кислород аралашмаси билан наркоз бериш, натрий оксибутират, фибринолизин билан гепарин юбориш; гексенал наркоз, орқа мия аnestезияси ва б.;

— антикоагулянтлар: дастлабки суткаларда бевосита таъсир қиладиган антикоагулянтлар (гепарин, фибриполизин), сўнгра билвосита таъсири бор хиллари (дикумарин, синкумар, фенилин, омепрофин ва б.) ;

— коронар томирларни кенгайтирадиган воситалар — нитратлар ва нитритлар (нитроглицерин таблетка ва томчи дори ҳолида, тринитролонг, сустак, нитронг, эринит, нитросорбат, натрий нитрит;

— миокард метаболизмини яхшилайдиган препаратлар — витаминлар, кокарбоксилаза, анаболик гормонлар, калий оротат, инозин (рибоксин), АТФ ва б.;

— ихтисослаштан муассасаларда;

— операция йўли билан даволаш — аортани коронар шунтлаш, тромбопи олиб ташлаш ва ҳ. к.;

— фибринолитик препаратлар — фиброполизин, стрептокиназа, стрептодеказа;

— ўтқир томир ва юрак етишмовчилиги, кардиоген шок билан кураш (строфантин, коргликон, кофеин, кордиамин, мезатон, норадреталин ва гепарин ва б.);

— юрак ритми ва ўтказувчанилиги ўтқир бузилингларини бартараф этиш (атропин, новокаинамид, хинидин, лидокаин, дифенин, индерал, аймалин, изопропилнорадреналин, этмозин, этацизин, аллапинин ва б.);

— оксигенотерапия, юрак гликозидлари, электр стимуляция.

5. Миокард инфарктининг ҳар хил асоратлари уларнинг турига кўра даволанади.

6. Реанимацион тадбирлар: юракнинг ёпиқ ва очиқ массажи, «огиздан оғизга» ёки «огиздан бурунга» усулида ўпканнинг сунъий вентиляцияси, электр дефибрилляция, метаболик ацидозга қарши кураш — 5% ли натрий тидрокарбонат юбориш, юрак пичига 1 мл 0,1% ли адреналин эритмаси юбориш ва б.

7. Миокард инфаркти бўлган bemorларни реабилитация қилиш, диспансер кузатуви.

Профилактикаси: миокард инфаркти пайдо бўлишининг этпологик сабабларнинг олдини олиш (атеросклероз, гипертония қасаллиги профилактикаси ва б.); миокард инфаркти ривожланишига сабаб бўладиган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш; диспансер кузатуви, инфаркт олди ҳолатларига ўз вақтида даво қилиш; социал-соғломлаштирадиган ва умумгигиеник тадбирлар.

Контрол саволлар

1. Миокард инфарктининг этиологияси ва тарқалғанлиги.
2. Миокард инфаркти патогенези.
3. Миокард инфарктининг атипик кечиш клиникаси.
4. Миокард инфарктини клиник варианtlарига кўра диагностика қилиш.
5. Миокард инфарктининг электрокардиографик таърифи.
6. Кардиоген шок, юрак астмаси ва ўпка шиншига даво қилиш.
7. Миокард инфаркти бўлган беморларни антикоагулянтлар билан даволаш принциплари.
8. Касаллик прогнозини аниқлаш.
9. Миокард инфаркти бўлган беморларни реабилитация қилиш.

ЮРАК ВА ТОМИРЛАР ЕТИШМОВЧИЛИГИ (ҚОН АЙЛАНИШИИ ЕТИШМОВЧИЛИГИ)

Озиқ моддаларнинг етказиб берилиши ва айрим органлар ўртасида метаболизм маҳсулотларнинг алмашинуви юрак фоалияти туфайли амалга оширилади. Организмнинг нормал ҳаёт фоалияти учун ҳужайралар ўртасида, ҳужайралараро муҳит ва қон ўртасида тўхтовсиз модда алмашинуви содир бўлиб туриши зарур. Юрак етишмовчилиги миокарднинг ортиқча ишланиши, авж олиб борадиган гипертрофия, юрак мушагининг дилатацияси ва ҳолсизланиб қолиши натижасида ривожланади. Юрак мушагининг ҳолдан тойиши кўп сонли омиллар (юрак пороклари, гипертония касаллиги; коронар етишмовчилик, атеросклероз; ревматизм, ўткир инфекциялар; ўпка, плевра, жигар касаллилари; анемик ҳолатлар; эндокрин системанинг ҳар хил патологияси ва б.) таъсири остида юз беради. Дастрлаб у ё чап бўлма ва ўпка веналарида (чап қоринча етишмовчилигида), ёки ўнг бўлмада ва қон айланишининг катта доираси веналарида (ўнг қоринча етишмовчилигида) гипертензия билан намоён бўлади. Бирмунча кейинроқ бу бузилишларга юракдан ташқари омиллар: органлардаги морфологик (дистрофиқ, кейинчалик склеротик) ўзгаришлар, кахексия ва бошқалар қўшилади.

Юрак-томирлар етишмовчилиги классификацияси. Маълумки, юрак-томирлар етишмовчилиги юрак ва томирлар етишмовчилигига бўлинади. Томир етишмовчилиги — ўткир (хушдан кетиши, коллапс, шок) ва хроник (одатда, хроник юрак етишмовчилиги билан бирга учрайди) турларга бўлинади. Юрак етишмовчилиги — ўткир (чап қоринча, ўнг қоринча, тотал) ва хроник (босқичларига кўра чап қоринча етишмовчилиги, ўнг қоринча етишмовчилиги устунлик қиласидиган ёки аксарият тотал) турларга бўлинади.

СССР терапевтларининг XII съездига (1935) Г. Ф. Ланг, В. Х. Василенко ва Н. Д. Стражеско таклиф қилган хроник қон айланиши етишмовчилиги классификацияси қабул қилинган эди, бунга асосан у уч босқичга бўлинади, иккинчи босқичи эса яна икки: I; IIА; IIБ; III даврга бўлинади. Кейинчалик бу классификация яна икки даврга ажратиш билан тўлдирилган: IA; IB; IIА; IIБ; IIIА; IIIБ

Юрак етишмовчилиги классификацияси (Мухарлямов Н. М., 1978)

Келиб чиқиши бўйича	Юрак цикли бўйича	Клиник вариантлари	Босқичлари бўйича
Босим ошиб кетиши	Систолик етишмовчилик	Асосан чап қорничага тегишли	I А даври Б даври
Ҳажм ошиб кетиши	Диастолик етишмовчилик	Асосан ўнг қоринчага тегишли	II А даври Б даври
Бирламчи-миокарциал (метаболик етишмовчилик)	Аралаш мовчилик	Тотал Гиперкинестик Коллатоид Синус ритми сақланган Брадикардитик	III А даври Б даври

(Комаров Ф. И., Ольбинская Л. И., 1978; Мухарлямов Н. М., 1978).

Нью-Йоркдаги кардиологлар ассоциациясида қабул қилинган хроник қон айланиши етишмовчилиги классификациясида тўртта функционал синф ажратилади:

- I унинг I босқичига мувофиқ келади;
- II — IIА;
- III — IIБ;
- IV — III босқичи.

Н. М. Мухарлямов (1978) таклиф этган классификацияда хроник қон айланишини етишмовчилигининг келиб чиқиши, юрак цикли, патологик жараёнининг кечиш вариантлари ва босқичлари ҳисобга олинган (19-жадвал).

I босқичнинг А даври — қон айланишининг клиник белгилардан олдинги хроник етишмовчилиги — беморларда шикоятлар бўлмайди, бироқ маҳсус текнигириш усууллари билан жисмоний нагрузка берилганда юрак ичи гемодинамикасининг айрим бузилишилари аниланади.

III босқичнинг А даври тинч турганда хроник қон айланиши етишмовчилигининг ифодаланган клиник белгилари билан харakterланади. Актив комплекс терания методи билан димланиш ҳодисаларини камайтиришига, клиник ҳолатни яхшилашига ва гемодинамикани бир оз барқарор қилишига муваффақ бўлиниади.

Одатда хроник юрак етишмовчилигига томирлар етишмовчилиги қўшилиб келади. Ўтқир томир етишмовчилиги шикастланиши, қон йўқотиш, суюқлик йўқотиш (плазморея), томирлар тонуси пасаийиги (интоксикация) натижасида ривожланади. Қайд қилиб ўтилган ҳамма этиологик омиллар айланиси юрадиган қон ҳажми ва артериал босим камайшишига, аввало бош миянинг қон таъми-

ноти ёмоплашувига ва шу сабабли юзага келадиган оқибатларга (шок, ҳушдан кетиш, колапс) олиб келади.

Клиник маълумотлар ва назарий билимларга асосланниб студент қўйидагиларни билиши керак:

1) этиологик омилларни, миокардпинг заарланиш ҳажми ва даражасини, қон айланиши етишмовчилиги босқичини аниқлаш;

2) лаборатория, инструментал ва бошқа қўшимча текшириш методларининг асосланган планини тузиш;

3) юрак декомпенсациясининг асосий диагностик мезонлари, қон айланиши етишмовчилигининг босқичи ва фазасини билиш асосида батафсил диагнозни аниқлаш;

4) аниқланган диагнозга биноан асосланган даво олиб бориши (юрак гликозидлари, сийдик ҳайдайдиган воситалар, овқатланиш режимини — парҳез, сув-туз режимини ташлаш) тартибга солиш;

5) юракнинг функционал имкониятлари, ҳар хил асоратларини (тромбоэмболик характердаги), касаллик прогнозини, санаторий-курортда даволашнинг мақсадга мувофиқлигини, беморларни ишга жойлаштиришини аниқлапш.

Этиологияси. Юрак-томирлар етишмовчилиги ривожланишида қўйидагилар муҳим роль йўнайди:

— юрак мушагининг ўта чарчаши (юрак пороклари, гипертония касаллиги, нефритлар ва б.);

— миокардда қон таъминоти бузилиши (қон томирлар атеросклерози, юракнинг ишемик касаллиги ва б.);

— юрак мушагида моддалар алмашинувини бузадиган нейроген ва метаболик силжишлар (диффуз токсик буқоқ, этиологияси ҳар хил анемиялар ва ҳ. к.);

— инфекцион ва токсик омиллар;

— қон айланиши органлари ҳолатини ёмонлаштирадиган қўшилиб келган патологик жараёнлар: ревматик жараён қайталаниши, миокард инфаркти қайталаниши, кардиосклероз ва бошқалар; бошқа касалликлар (масалан, гипертония касаллигига тож томирлар, аорта атеросклерози) қўшилиши; юрак касалликларига (атеросклероз, ревмокардит), бошқа системаларнинг касалликлари (ўпка касалликлари, анемиялар, инфекциялар ва б.) қўшилиши; ақлий ва жисмоний чарчаш, нерв-эмоционал зўриқишилар, ичқилик, тамакини суистеъмол қилишнинг зарари.

— ҳар хил шикастланишлар, қон оқиши, келиб чиқиши ҳар хил оғриқ синдроми, инфекцион касалликлар, интоксикация (ўткир томирлар етишмовчилигига).

Патогенези

1: «Петрограф етишмовчилик» назарияси, яъни заарланган ва чарчаган юрак мушаги керакли миқдордаги қон миқдорини веноз системадан артериал системага — ўнг қоринчадан ўпка артериясига ҳайдаш имкониятига эга бўлмайди.

2. «Юракдан қон отилиши етишмовчилиги» назарияси, яъни

қон системолик ва минутлик ҳажми камайиши натижасида органлар ва түқималарниң қон билан таъминланиши бузилади, чап қоринча тегишли миқдордаги қонни аортага ҳайдай олмайди.

3. Етакчи патогенетик механизмлар:

- миокард дистрофияси ва энергия алмашинуви бузилиши;
- юрак мушаги қисқариш хусусиятиниң пасайиши—кучсизлашиши;
- гемодинамиканинг, түқима метаболизмининг бузилиши;
- сув-туз баланси бузилиши, иккиласи гиперальдостеронизм ривожланиши.

4. Күп сонли омиллар таъсири остида айланиб юрадиган қон ҳажми камаяди, ҳәёттүй муҳим органларниң қон билан таъминланиши ёмонлашади, типотензия ривожлапади, чап қоринча системолик ва диастолик ҳажми камаяди.

Клиник манзараси. Ушбу ҳолатининг клиник белгилари кечишига (үткір, хроник), юрак етишмовчилеги типларига (чап қоринча, ўңт қоринча, тотал), қон айланиши етишмовчилеги босқичи (I—IIА—IБ—IІ), юрак декомпенсациясининг томирлар етишмовчилеги билан бирга учрашига болғын ҳолда турли-туман бўлади.

I. Субъектив маълумотлар. Шикоятлари:

- ўз аҳволи ёмонлашганини бемор юрак пороги, гипертония касаллиги ва юрак етишмовчилеги пайдо бўлишида этиологик омил ҳисобланган бошқа касалликлар билан боғлайди;
- юрак уриши, юрак тўхтаб-тўхтаб уриши;
- юрак соҳасида оғриқ (ҳар хил характерда ва ҳар хил кучда ва ҳар хил жойда);
- ҳаво етишмаслиги сезгиси, нағас қисиши, бўғилиш сезгиси;
- оёқларга ва гавданинг бошқа қисмларига шиш келиши;
- қон туфлап, ўпкадан қон оқини;
- ўнг қовурғалар остида ёқимсиз сезгилар ва оғриқ (жигарда қон димланиши);
- суткалик диурез камайиши, никтурия ва болиқа бузилишлар;
- асоратлари, айрим органлар ва системаларниң ҳолатига боғлиқ ҳолда умумий шикоятлар (улар юрак етишмовчилеги сабабли келиб чиққан).

II. Субъектив маълумотлар анализи (шикоятлари, ушбу касаллик ва бемор ҳаётти апампези).

III. Объектив маълумотлар.

1. Кўздан кечириш: _ беморининг умумий аҳволи ва ўринидаги вазияти—актив, қаддини баланд қилиб ўтириши, мажбурий ҳолати — қон айланишининг асосий сабаби, тури ва босқичига боғлиқ; тери қопламларининг қуруқлиги ва дистрофик ўзгаришлар, кейинчалик — циапоз, акроцианоз, танага шишлар келшиши, тана температураси нормал, катта шишларда — гипотермия, беморининг вазни аввалига қониқарли, сўнгги босқичларда — қоқ суюн бўлиб озиб кетишгача боради (дистрофик босқичи).

2. Юрак етишмовчилегининг типлари ва босқичи, томир етиш-

мовчилигининг клиник формалари (хушдан кетиш, коллапс, шок) ва кечишига (ўтирик хроник) кўра объектив маълумотлар:

а) чап қоринча етишмовчилиги — юрак етишмовчилигининг кўпроқ учрайдиган, бемор учун энг оғир формаси. Сабаблари — атеросклеротик кардиосклероз, гипертония касаллиги, нефритлар, аортал ва митрал юрак пороклари, юракниң ишемик касаллиги, миокард инфаркти ва ҳ. к.

Чап қоринча етишмовчилиги қўйидагилар билан намоёнч бўлади:

— кичик қон айланиш доирасида қон димланиш қолиши (ўшкада қон димланиши ва кичик доира веналари қонга тўлиб кетиши) — нафас қисиши, бўғилиш хуружи, аксарият тунда (юрак астмаси хуружи), ўнка ҳаётий сифими камайиши (кўкрак қафаси ҳаракатсизлиги сабабли), йўталиш, қон туфлаш (балгамда «юрак пороклари» ҳужайралари—қон пигменти сингидириб олган гистиоцитлар бўлади), беморининг ортониоэ ҳолати, аксарият гидроторакс, акроцианоз, ўшкада димланишдан хириллаш пайдо бўлади;

— юрак чегарасининг чаңга ва юқорига кенгайиши (чаң қоринча ва чаң бўлма ҳисобига), юрак учида систолик (баъзан диастолик ҳам) шовқи, I тон пасайиши, ўнка артериясида II тон акценти (ўшкада димланиши) ва ритм бузилишчининг ҳар хил турлари, пульс тезлашган, тўлиқлиги ва тараанглиги суст, систолик артериал босим аксарият пасайиб кетади, диастолик — ошади ёки норма атрофида қолади (периферик артериолалар тонуси ошган);

— ҳаётий муҳим органларда (мия, юрак, буйраклар ва б.) қон айланишининг етарли эмаслиги белгилари — бош айланиши, хушдан кетиш, Чейн—Стокс нафаси, талвасалар ва ҳ. к.

— этиологик омиллар симптоматикаси (яъни асосий касалликлар) билан;

б) ўнг қоринча етишмовчилиги аксарият нисбатан секин, чаң қоринча етишмовчилигидан кейин ривожланади, ўтирик етишмовчилик эса (ўтирик ўника-юрак) — ўнка артерияси ёки унинг йирик тармоқлари бекилиб қолганда, жадал ортиб борадиган гемопневмоторакеда ва ўнг қоринча инфарктида ривожланади. У асосан юрак чаң қоринчаси етишмовчилиги сабаби сифатида кўздан кечириладиган ҳамма касалликларда, шунингдек ўнка эмфиземаси, шиевмосклероз, экссудатив иленирлар, ўнка артерияси оғзининг торайинши, ўнка артерияси тармоқларининг облитерация қиласидаган эндартеритида ривожланади.

Ўнг қоринча етишмовчилиги қўйидагилар билан намоёни бўлади:

— катта қон айланиш доираси веналари ва органларида қон димланиши: веноз босим ошиши, бўртиб чиққап бўйин веналари (улар пульсация қиласиди), жигар катталашуви — қон димланган жигар, бир текис катталашган жигар пульсацияси (юрак қисқарипшига монаид), ўнг қозургалар остида оғриқ, оёқ панжаси, болдириларга, кейинроқ бутун танага шини келиши (апасарка) ва асцит, гидроторакс, гидронерикард ва ҳоказо, бошқа царенхиматоз органларда димланиш ҳодисалари (талоқдан ташқари, у қон димлани-

шидан катталашмайды, чунки гипоксемия ушинг қисқаришига олиб келади);

— юрак ўнг бўлмининг чап қоринча ва бўлма, ўпка артеряси қопуси ҳисобига катталашуви; пульс тезлашган, тўлиқлиги ва таранглиги суст; шовқинлар борлиги ва юрак тоналаришнинг ўзгариши асосий сабабга боғлик; ханжаресимон ўсиқ асосида эштиладиган системик шовқин уч тавақали клапандаги нисбий етишмовчилик билан изохланади, тоналар бўғиқланган;

— кичик қон айланиш допрасида қон таъминоти (артериал қон) етишмовчилиги белгилари. Катта қон айланиши допрасида димланиш ривожланасиб борган сайип кичик доирада димланиш камаяди, нафас қисиши, бўғилиш камаяди, ўпка артериисидаги II тоң акценти сустлашади (бу ўнг қоринча етишмовчилигиндан олдин чап қоринча етишмовчилиги бўлган тақдирда қузатилади).

— этиологик омиллар (яъни асосий касалниклар) симитоматикаси;

в) тотал юрак етишмовчилиги миокард заарланишининг оғир ҳолларида (диффуз миокардит, миокардиодистрофия) ривожланади ва чап-ва ўнг қоринча етишмовчилиги симитомлари ва синдромлари борлиги билан характерланади. Бууда аксарият ўнг қоринча етишмовчилиги белгилари устуник қилиб, кейин жадал ўпка индурацияси, жигарининг юрак циррози, кахексия ишиллари — қон айланиш етишмовчилигининг дистрофик (терминал) босқичи ривожланади (И. Д. Стражескодаи);

г) томирлар етишмовчилиги аксарият ўткир томир етишмовчилиги кўрининишида намоён бўлади:

— ҳушдан кетиш — унинг энг енгил формаси. Боз мия томирларининг қисқа муддатли рефлектор спазми натижасида ривожланади ва тери қонламларининг оқариб кетиши ва муздай бўлиб қолиши билан ўтади, беморининг аҳволи ёмонлашади, кўз олди хирадлашади, у одатда ҳушиши йўқотади ва йиқилиб тушади, пульси сийрак, тўлиқлиги ва таранглигига суст, нафас олишлар сони камаяди, босими пасайиб кетади. Ҳушдан кетиш ҳолатига психик изтироб (салбий ҳис-ҳаяжонлар), кўп қон оқиши, турли касалникларда (атеросклероз, гипертония касаллиги) мия томирларининг спазмга учраши, горизонтал ҳолатдан вертикал ҳолатга бирданнiga ўтиш, қонни кўрганда қўрқиш, дим ҳавода бўлиш кабилар сабаб бўлади. Ҳушсизлик ҳолатининг давомлилиги бир неча секунддан бир неча минутгача (камдан-кам). Беморни ётқизиш, бошини пастга қилиш ва оёқларини кўтариб кўйиш, юзига совуқ сув, нуркаш, напатир спирт ҳидлатиш керак ва ҳоказо. Кофени, камфона кам ишлатилади;

— коллапс — томир маркази нерв бошқарилишининг турли хил инфекцияларнинг токсинлари таъсири остида, гипертоник ҳолатларда, қуйиш, яраланишларда, операцияларда, қон оқишида, температуранинг критик пасайишида, асцитик суюқлик тез ҳайдалишида бузилиши натижасида томирлар тонаусининг кескин пасайишидир. Коллапс патогенези — қонининг жигарда, талоқда, тери ва тери

ости клетчаткасининг веноз тўрларида (яъни қон депоси органларида) тутилиб қолиши натижасида юракка оқиб келишининг тўсатдан камайини. Коллапс тери қопламларининг рангларлиги, совуқ ёнишқоқ тер чиқиши, ҳам веноз, ҳам артериал босимнинг пасайини, пульснинг тез уриши, инсимишлиги билан намоён бўлади, бемор ҳушини йўқотмайди;

— шок—ўткир томир (фақат томир эмас) этишмовчилигининг энг оғир формаси бўлиб, у оғир шикастланиши, психик истироблар ва интоксикациялардан кейин, кучни оғриқларда — миокард инфаркти, буйрак ва жигар санчиги, меъда ёки ўи икки бармоқ ичак ярасининг тешидлинида, оғир куйища, ўткир геморрагик панкреатитда, ичак тутилиб қолганда ривожланади. Цианоз туси бўлган раңгарлик кузатилади, тери совуқ тер билан қопланган, эс-ҳуш сақланиб қолган. Бемор ташналик, ҳаво этишмаслигидан шикоят қиласи, пульси тез уради, нафаси тезлашган, юза. Аввалига bemor қўзгалган ва нотинч (эретик фаза), бироқ кейинчалик бўшапади, атрофдаги воқеаларга лоқайд бўлади, юз қиёфаси ўткирлашган, лекин эс-ҳуш сақланиб қолган, сўнгра марказий нерв системаси фаолиятининг пасайиб жетиши билан боғлиқ руҳий тушкунлик — торпид фаза вужудга келади (бу Н. И. Пирогов бўйича травматик ступор).

Коллапс ва шокда томир препаратлари, юрак гликозидлари, седатив воситалар, тонусни кўтарувчи, дезинтоксикацион воситалар, оксигенотерапия, қон (зарурат бўйича) ва қон ўршини босувчи суюқлар қўйиш, оғриқ қолдирувчи дорилар ва бонцалар.

3. Бошқа органлар ва системалар томонидан бўладиган клиник белгилар:

— ўнқадан — перкутор таъзуши қисқарипши, қуйи бўлимларда, одатда иккала томондан нам хириллаган товушлар, балғам ажрападиган йўтал, қон туғлаши, ўпка шинши манзараси — юрак астмасининг оғир ҳолларида;

— жигардан — ушнат димлашши ва катталашуви, пальниация қулганда оғриқ, склерва тери қопламлари саргайинчи, жигар ҳар хил функцияларининг бузилиши (кечиккан босқичларда — юрак иирроғи);

— буйраклардан «димлаиган буйрак» синдроми — протеинурия, микрогематурия, камроқ цилиндрурини, олигурия, сийдикнинг солиштирма оғирлиги ошган;

— меъда-ичак йўлларидан — диспептик ҳодисалар, қерпидан аниқ бўлмаган оғриклар, корин катталашуви — асцит;

— қон яратилиш системасидан — эритроцитоз, гемоглобин миқдори ёниши, СОЭ секинлашуви ва х. к.

4. Моддалар алмашинувидаги ўзгаришлар: минерал алмашинувидаги, энергетик балансдаги силжиншлар, гормонал бузилишилар (буйрак усти безлари), оқсил баланси бузилишилари.

IV. Лаборатория, инструментал ва бошқа қўшимча текшириш методларининг маълумотлари:

— умумий қон анализи — юрак этишмовчилиги этиологияси,

қўшилиб келадиган касалликлар, типоксия даражасига кўра турли-
туман;

— умумий сийдик анализи — солинитирма оғирликининг ошиши,
микрогематурия, протеинурия, камроқ цилиндрурия («димланган
бўйрак»).

— биохимиявий текширишлар — диспротеинемия, дисфермен-
темия, жигар ҳар хил функцияларининг бузилишлари — билиру-
бинемия, альдолаза, аспартатаминотрансфераза ва аланинамино-
трансфераза активлиги ошиши, чўгумга реакцияларининг мусбат
натижалари; қонда калий ва натрий миқдори бузилиши, қон газ
таркибиning, оксидланиш-қайтарилиш жараёплариниг ўзгариши;

— гемодинамикани текшириш — бўяш ва радионизотоп метод-
лар. Юрак зарбали ва мишути ҳажмини, қон оқими тезлигини,
айланиб юрадиган қон ҳажмини, веноз босимни аниқлаш. Миокард
қисқариш хусусиятини, юрак етишмовчилиги типиги (чап қорин-
ча, ўнг қоринча етишмовчилигини) аниқлаш учун реокардиогра-
фия қўлланиш;

— электрокардиография — қон айланишини етишмовчилиги эти-
ологиясига боғлиқ ҳолда ўзига хос силжишлар (юрак ишемик
касаллиги, юрак пороклари, ревмокардит, дистрофик ўзгаришлар);

— рентгенологик текшириш — кичик қон айланиши донараси
системасидаги (ўпкадаги) ўзгаришлар, кардиомегалия ва б.

Юрак етишмовчилиги диагностикаси ушбу масаланинг назарий
жихатларини билишга; юрак етишмовчилиги ривожланишига
олиб келган етакчи этиологик омилларни аниқлаш, этиологик
моментлар ўртасидаги дифференциал диагностика, юрак ва томир
етишмовчилиги ривожланишининг патогенезини аниқлаш; масала-
нинг моҳиятини тушуниш, қон айланиши етишмовчилигининг
кечиши, типи ва босқичига кўра диагностик мезонларни билишга
боғлиқ.

Юрак етишмовчилигини қўйидаги ҳолатлардан фарқ қилиш
лозим:

— томир етишмовчилиги билан (шок, ҳушдан кетиш, коллапс)
— кўп ҳолларда беморнинг вазияти горизонтал, периферик вена-
лар пучайгац, тери қопламлари рангпар, тезлашган юза нафас,
веноз ва артериал босим пасайган, айланиб юрадиган қон миқдори
камайгац, ўпкада ва катта қон айланиши донарасида димланиш
ҳодисалари бўлмайди;

— хуружлар вактидаги бронхиял астма билан — юрак астма-
сидан фарқли равишда ўпканинг ўткир эмфиземаси белгилари,
беморларнинг ўзига хос вазияти, рангпарлик, совук тер, ҳуштакли
нафас эшитилиб туриши, ўпкада асосан қуруқ ҳириллаган товуш-
лар борлиги, юракда абсолют (мутлоқ) тўмтоқлик йўқолиши,
эозинофилия (қонда), балғамда Кўршман спираллари, Шарко—
Лейден кристаллари борлиги.

Қон айланишининг хро尼克 етишмовчилиги диагностикасида
унинг босқичини — қон айланиши етишмовчилигининг изчил ри-
вожланиб боришни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга:

— I босқичи (бошлангыч ёки яширип босқичи) — асосий касалликнинг обьектив белгиларига қатор субъектив сезгилар — умумий лоҳаслик, шикизлик, уйқу ёмонлашуви, юрак соҳасида ёқимсиз сезгилар қўшилади, юрак уриши ва ҳарсиллаш эса жисмоний ҳаракат қилганда қўшилади (баъзан ҳатто гапирганда, юрганда, зинадан кўтарилиганда), оз-моз цианоз бўлиши мумкин. Жигар катталашмаган, шишлар йўқ. Юрак томонидан обьектив ўзгаришлар асосий касалликка боғлиқ;

— II А стадияси — симптоматика асосий касалликка, гемодинамиканинг бузилиш характеристига боғлиқ. Димланиш ҳодисалари қон айланишининг асосал бирор доирасида (катта ёки кичик) кузатилади.

— агар юракнинг чап бўлими кўпроқ зааррланган бўлса, бу ҳолда беморларда кичик қон айланиш доирасида димланиш белгилари кузатилади — жисмоний ҳаракатда кучаядиган ҳарсиллаш ва нафас қисиши, аксарият (тунда) бўғилиш хуружлари, тез чарчаш, қуруқ йўтал, қоп туфлаш ҳам бўлиши мумкин; обьектив текширувда — тери қопламларининг рангпарлиги фонида ёноқларнинг цианоз тусли ялтираши қайд қилинади, акроцианоз, юрак ритми бузилишининг ҳар хил турлари (титроқ аритмия, экстрапостолия, синусли тахикардия) бўлиши мумкин, оёқ ва кўлларнинг бармоқлари қуруқ ва совуқ, жигар катталашмаган, шишлар йўқ.

— агар ўнг қоринча етишмовчилиги белгилари устунлик қиласидан бўлса, бу ҳолда беморларда катта қон айланиш доирасида димланиш белгилари кузатилади — ўнг қовургалар остида оғирликдан шикоят, ташпалик сезгиси, акроцианоз, кечга томон оёқларда шиш бўлиши, олигурия, никтурция; жигар катталашган, оғрийди, юзаси силлиқ, бўйин веналари бўртиб чиққап, Плеш симптоми (жигарни қўл билан босилганда ўнг томондаги бўйинтуруқ венанинг бўртиб чиқиши) мусбат, беморнинг ўринидаги вазияти актив, тинч турилганда нафас қисмайди, баъзан бир оз асцит бўлиши мумкин. Юрак ва ўпка томонидан бўладиган ўзгаришлар асосий касалликка (атеросклеротик коронаркардиосклероз, митрал, аортал ва бошқа пороклар, гипертония касаллиги, нефритлар, бронх-ўпка системасининг хроник касалликлари, анемиялар, эндокрин система, модда алмашинуви касалликлари ва бошқаларга) боғлиқ;

— II Б босқичи — юрак етишмовчилиги белгилари бирмунча ифодаланган, катта қон айланиш доирасида ҳам, кичик доирасида ҳам оғир гемодинамик бузилишлар кузатилади. Тинч турганда нафас қисиши ва юрак уриши кузатилади, олигурия ва никтурция бирмунча ифодаланган, ўнг қовургалар остида оғирлик сезилади, уйқусизлик, кескин лоҳаслик, анчагина шишлар — анасарка, асцит, гидроторакс бўлиши мумкин, титроқ аритмия (аксарият), жигар қўлга катталашган, зич консистенцияли бўлиб уппайди, кам оғрийди, юрак чегаралари чапга, юқорига ва ўнгга кепгайтган, ўпка да димланиш ҳодисалари, шунингдек чап қоринча ва ўнг қоринча етишмовчилиги белгилари, деярли ҳамма органлар ва системалар томонидан функционал ва органик ўзгаришлар топилади;

— III босқичи іккала қон айланиши доирасыда гемодинамикасынг япада бузилиши билан характерланады: тарқалғаш шишилар (аннің ифодаланған апасарка), асцит, гидроторакс, гидроперикард (бошқа сероз бүшіліктерде ҳам димланиш суюқлиги йиғилиши), ўпкада талайтына димланиш ҳодисалари (йұтал, баъзан қон арапаш балғам аралашмаси билан, наам хириллаш — қуи, орқа-ён томондаги бўлимларда), жигар — пастки чеккаси киндиқдан пастга тушади, қаттің оғрийди, метеоризм, ичаклар функцияси бузилиши (ич кетар ёки қабзият), модда алмашинуви бузилиши (қонда натрий ва калий миқдори камайған). Юрак чегаралари кенгайған (*sor bovinum*), юракда шовқинилар ва тоналар пасаяди, уч тавақали клапанинг ишшілігі ривожланади (бўртиб чиққан бўйин веналари пульсация құлади, эпигастрал пульсация — гипертрофияланған ўрга қоринча қысқариши, жигар пульсацияси қайд қилинади); дистрофик ўзгаришлар ривожланади — тери қуруқ, ушиниқсан рапгли, тери ости ёғ қатлами деярли бўлмайди, ишкі органдардаги дистрофик ўзгаришлар (Н. Д. Стражеско бўйича дистрофик босқич ёки В. Х. Василенко бўйича «шиш-дистрофик синдром») — улар тикланмайди.

Юрак декомпенсацияси бўлган беморларни даволаш асосий касалликни, қон айланиши ишшілігиги босқичини, бемор ахвопишинг оғир-енгиллик даражаси, органлар ва системаларнинг функцонал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда комплекс ва ҳар кимнинг ўзига яраша бўлиши керак.

1. Зарур бўлганда стационарда даволаш — ўринда ётиш режими ёки ётиб-туриш режими, жисмоний ва психик осойишталиқ, пархезга риоя қилиш — даво овқатлар (диета № 10,10 а): калория-линик, туз, суюқликларни чегаралаш; калий тузларига бой овқат, енгиллалтирувчи куплар.

2. Миокарднинг қисқариш қобилятини тиклаш ва кучайтириш; строфантин, коргликон, дигиталис, кордигит, изоланид, дигитоксий ва б.

3. Миокард трофикасини яхшилаш, гипоксия билан курап: кокарбоксилаза, АТФ, пананггин, оксигенотерапия ва б.

4. Сийдик ҳайдовчи препаратлар қўлланиш (дихлортиазид, фуросемид, стронполактон ва б.).

5. Диспротеинемия, дисферментемия, тўқима ацидоzi ва бошқаларни бартараф этиш учун аскорбин қислота, калий оротат, пананггин, тиамин бромид, пиридоксин гидрохлорид, кальций пангамат, шунингдек анаболик гормонлар (ретаболил, метандростенолон) тайинланади.

6. Юрак ритми ва ўтказувчанлигини яхшилашга қаратилган даво тадбирлари, тромбоэмболия асоратларининг олдини олиш ёки даволаш, седатив воситалар, симптоматик терапия.

7. Ўткир юрак ишшілігидеги асосий даволаш тадбирлари: миокард қисқариш қобилятини кучайтириш, айланыб юрган қон ҳажмани камайтириш, капиллярлар ўтказувчанлигини камайтириш, кичик доира томирларида гидростатик босимин пасайтириш, гипок-

сия билан курашиш, кислота-асос ҳолати бузилингларини түгрилаш.

8. Ўткир томир етишмовчилигига даволаш тадбирлари: сабабини бартараф қилиш, қон оқишини тұхтатиши, оғриқ синдромини йүқотиши, ўткир инфекцион касалликларни ўз вақтида даволаш, дезинтоксикацион терапия; гипотензия билан кураш, кофеин, камфора, кордиамин, мезатон, адреналин, оғир ҳолларда преднизолон, гидрокортизон инъекцияси.

Профилактикаси: асосий патологик жараённи ўз вақтида апиқлаш ва даволаш (юракнинг ишемик касаллиги, юрак пороклари, миокардитлар, гипертония касаллиги ва ҳ. к.); асосий жараёнга бошқа — юрак-томирлар системасы ҳолатини ёмонлаштирадиган құшымча омиллар (ревматизм қайталаниши, пневмония, инфекция ва б.) құшилишининг олдини олиш; қон айланиши етишмовчилигинге илк босқычларини ўз вақтида апиқлаш ва унинг авж олишининг олдини олиш чоралари; бемор ахволини, қон айланиши етишмовчилиги босқычини, юракнинг функционал имкониятини ва бошқаларни ҳисобга олиб меңнатта жойлаштириш; диспансер күзатуви, оптималь жисмоний ғаоллук, овқатланиши режимига, сув ва туз алмашинувига амал қилиш; қон айланиши етишмовчилигининг I—IIА босқычидә (санаторий-курортда даволаш; қон айланиши етишмовчилиги авж олишининг олдини олиш учун bemорларни ўз вақтида ва планлы такроран касалхонага ётқизини.

Контрол саволлар

1. Юрак етишмовчилиги (ўткир ва хроник) этиологиясын.
2. Миокард функциясы, юрак құсқариши механизмы (нормада).
3. Қон айланиши етишмовчилиги класификацияси (турлары ва босқычлары).
4. Қон айланиши етишмовчилиги диагностикасын унинг босқычига боғлиқ ҳолда.
5. Қон айланиши етишмовчилигини унинг босқычи (ва турига) күра даволаш.
6. Юрак гликозидлари ва сурғи воситалари құлланиладиган ва құлланиб бўлмайдиган ҳоллар.
7. Санаторий-курортда даволаш ҳоллари ва даволашга рухсат этилмайдиган ҳоллар.
8. Беморларни диспансеризация қилишининг аҳамияти.

III БОБ

ҲАЗМ ОРГАНЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Ҳазм органлари системаси патологияси аҳолининг умумий касалланишида салмоқли ўрин эгаллади. Шу билан бирга ҳазм органлари касалликлари қайталанишга ва қўзишига мойиллиги билан ажралиб турди. Шу сабабли одатда узоқ муддат кечади. Хроник гастрит, яра касаллиги билан касалланиш пасаймаяпти, хроник гепатит, жигар циррози, холецистит, панкреатит ҳамда меъда ва ичакларнинг ўスマлари эса тобора кўпайиб бораяпти.

Ҳазм органлари касалликлари — аҳоли ўртасида вақтичалик ёки узоқ вақт меҳнатга лаёқатлиликни йўқотишнинг нисбатан кўп утрайдиган, баъзан эса беморлар ўлимининг сабабчиси ҳисобланади (хавфли ўスマлар, меъда ва ўн икки бармоқ ичак касалликларининг оғир асоратлари, хроник касалликларнинг ўткир, хуружсимон кечадиган ва кейин пайдо бўладиган оқибатлари).

Ингирманчи асрнинг 50-йилларидан бошлаб гастроэнтерологияда фойдаланиладиган диагностика методлари бирмунча кенгайди, даволашнинг янги, бирмунча замонавий (консерватив ва хирургик) методлари яратилди, bemorларни босқичма-босқич (станционар—санаторий—поликлиника) даволаш, уларни диспансерлаш тақомиллаштирилди, меъда-ичак йўлларидағи касалликларни профилактика қилиш тегиши ўринга қўйилди.

Бизнинг мамлакатимизда эрта диагностикани хар томонлама тақомиллаштириш ва ҳазм системаси органлари билан касалланишга қарши бирмунча таъсирчан қураш олиб бориш учун барча имкониятлар мавжуд.

ГАСТРИТЛАР, МЕЪДА РАКИ

Таърифи. Гастрит — полиэтиологик касаллик бўлиб, меъда шиллиқ пардаси ва унинг бессимон аппаратида турли даражадаги патоморфологик (атрофик ёки гипертрофик) ва функционал ўзгаришлар пайдо қилибгина қолмай, балки патологик жараённинг аксарият меъданинг бошқа қатламларига (пардаларига) тарқалиши билан ҳам характерланади. Ўткир ва хроник гастрит фарқ қилинади. Хроник гастрит — клиник-анатомик тушунча бўлиб, унда морфологик ва функционал ўзгаришлар клиник белгилар билан, шунингдек меъданинг секретор ва мотор функцияси бузи-

лишлари билан бирга учрайди. Эркакларда аёлларга нисбатан күпроқ учрайди.

Эпидемиолог тадқиқотлар мейда-ичак йўллари касалликларининг кенг тарқалганлигидан далолат беради. Касалхонага жойлаштирилган беморларнинг ҳар ўнтақидан бири ҳазм органлари касалликлари билан оғриган бўлади. Ҳазм системаси касалликлари муносабати билан врачга мурожаат қилиш 100 аҳолига 59—75 ни, қатнаш сони эса 161—230,0 ни ташкил этади (Сафонов А. Г., 1979). Бу бир қатор сабабларга — аҳолининг умр кўриши узайини, стресс шароитлар, нотўғри овқатланиш, рафинланган (оқсилдан ҳоли қилинган) углеводлар истеъмол қилиш, заарли одатлар (чекиш, спиртли ичимликлар) ва бошқалар киради.

Хроник гастрит — жуда кенг тарқалган касаллик. Адабиётлардаги маълумотларга биноан у билан касалланиш 1000 аҳолига 25 тагача (2,5%) ташкил қиласди. Stein (1974) фикрича, хроник гастрит ер куррасидаги аҳолининг деярли ярмини касаллантиради. Ҳазм органлари касалликлари орасида у қарийб 35% ни, мейда касалликлари орасида эса 60—85% ни ташкил этади.

Бизнинг мамлакатимизда ҳар йили гастритнинг ҳар хил формалари бўлган қарийиб 900 000 бемор диспансер кузатуви остида бўлади (Сафонов А. Г., 1979). Баъзи бир корхоналарнинг шароитларида вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш билан ўтадиган хроник гастрит билан касалланиш 100 ишловчига 5,2 дан 9,7 гача ўзгариб туради. Шу касаллик сабабли вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотишнинг ўртacha давомлилиги 1977 йилда 10,9 кунни ташкил қиласди. Ҳанузгача кўпчилик тан олган клиник классификация йўқ. С. М. Рисс (1975) таклиф қиласган гастритлар классификацияси тўртта принципга асослашган:

I. Этиологик принцип:

1) экзоген гастритлар (овқатланиш режими ва ритми бузилиши, алкоголь ва никотинга ўчлик, термик, химиявий ва механик агентлар таъсири, касб-корга тааллуқли заарли омиллар таъсири);

2) эндоген гастритлар (вегетатив нерв системасида ва эндокрин органлардаги бузилишлар билан бօғлиқ нерв-рефлектор гастрит, гематоген, гипоксемик, аллергик гастрит).

II. Морфологик принцип:

1) юза гастрит;

2) атрофиясиз гастрит;

3) атрофик гастрит (ўртacha, ифодаланган, эпителийнинг қайта қурилиш ҳодисалари билан).

III. Меъданинг функционал ҳолати бўйича:

1) нормал секретор функцияли;

2) пасайтан секретор функцияли;

а) ўртacha; б) ифодаланган;

3) Ошган секретор функцияли.

IV. Хроник гастритнинг клиник кечиши қўйидагиларга бўлиниади:

- 1) қўзиш фазаси;
- 2) ремиссия фазаси;
- 3) нотўлиқ ремиссия фазаси.

Клиник маълумотлар ва назарий билимларга асосланиб студент қўйидагиларни билиши керак:

- 1) асосий жарабённи аниқлаш (касалликнинг мустақилигини, жойлашуви ва характеристики);
- 2) тахминий диагнозни тасдиқлаш учун текширишнинг асосланган планинги тузиш;
- 3) қўйидагиларга асосланиб батафсил диагнозни аниқлаш:
 - касалликнинг етакчи диагностик мезонлари, уларнинг патогенезини ва моҳиятини билиш;
 - қўшимча текшириш методлари натижаларига баҳо бера олиш;
 - клиник белгилари гастритни эслатадиган ёки гастрит белгилари уларда иккиласми бўлган касалликлар билан дифференциал диагностика ўтказишини билиш;
- 4) жарабённинг оғир-енгиллиги, беморнинг аҳволи (ориқ-семизлиги), бошқа органлар ва системалари, меъда секрецияси ҳолатини ҳисобга олган ҳолда даволашнинг тўлиқ планинги тузиш.

Этиологияси, патогенези ва патологик анатомияси

1. Хроник гастритнинг ўткир гастритдан, ҳар хил этиологияли гастроэнтеритлардан кейин ривожланиши (кечикеб ва тўла сифатли бўлмаган даволаш, парҳез режими бузилиши ҳолларида).

2. Хроник гастритларнинг полизиологик бўлиши:

- алиментар гастритлар: помутазам, одатда шошма-шошарлик билан овқатланиш, қуруқ овқатлар ейиш, ўткир зираворлар, соуслар, овқатни ҳуштаъм қиласидиган моддалар, чекиш, ичкилик ичиш ва бошқа экзоген омиллар;
- токсик гастритлар: дорилар таъсири, қатор химиявий моддалар ва заарли омилларнинг меъда шиллиқ пардасига таъсири (кўмир, металл, пахта чангি, ишқорлар, ёғ кислоталар буғлари ва б.);

— органлар ва системалар касалликларининг аҳамияти (эндотен омиллар): буйрак этишмовчилиги — уремия; подагра, ацетонемия ва хроник инфекциялар (сил, захм, тонзиллит ва б.);

— гипоксемик гастрит: қоп айланиши этишмовчилиги, ўпкаторак этишмовчилиги, келиб чиқиши ҳар хил ташқи пафас этишмовчилиги (юрак пороклари, хроник пневмония, ўтика эмфиземаси ва б.);

— «оилавий» гастритлар — ота-оналарида ёки оила аъзоларида ва яқин қариндошларда гастритлар борлиги.

3. Хроник гастрит ривожланишига сабаб бўладиган патогенетик шароитлар.

— меъда безли аппарати регенерацияси бузилиб, уни атрофик ўзгаришларга олиб келиши, индивидуал генотип хусусиятлари ва

иммунологик силжышлар, булар шиллиқ пардага ва Касл ички омилига антителолар ҳосил бўлишида намоён бўлади;

— антигенлар пайдо бўлиши (алиментар омиллар, дорилар, бактериал токсинлар таъсири натижасида пайдо бўлган) иммун компетент системада муайян нуқсонлар бўлганида ва меъда ички пардаси тўқима элементларига антителолар ишлагауда гиперсенсибилизацияга олиб келиши мумкин.

4. Морфологик ўзгаришлар эпителий тўқималарида дистрофик, атрофик ва дисрегенератор белгилари ва меъда шиллиқ пардасининг бириттирувчи элементларидан яллиғланиш реакцияси белгилари билан характерланади. Бу ўзгаришлар юза ёки чуқур бўлиши, ўчоқли ёки диффуз характерда бўлиши мумкин.

Клиник манзараси. Касалликнинг клиник белгилари касаллик формаларига, жараёнинг оғир-енгиллигига, меъда секретор функциясига қўшилиб, келадиган касалликларга боғлиқ.

I. Субъектив маълумотлар. Шикоятлари:

— тўш ости соҳасида оғриқ (характери — симиллаган, зирқираган), одатда овқат ейилгандан кейин ва оч қолганда пайдо бўлади, овқат ейилгандан кейин оғриқнинг енгиллашуви — ошган секрецияда, оғриқнинг тик турганда ёки юрганда қучайиши, гастроптоз борлигидан бўлади;

— тўш ости соҳасида ачишиш ва тўлиқлик ҳис қилиши;

— меъда секрециясининг ҳолатига кўра нордои ҳаво билан ёки палағда тухум ҳиди келадиган кекириш;

— қоринда босим ёки дам бўлиш сезгиси;

— иштаҳа бузилиши — сақланиб қолган, ошган, пасайган;

— кўнгил айниши, қусиш, ич бузилиб қотиб туриши (қабзият, ич кетар);

— яхши ухлай олмаслиқ, инжиқлик ва нерв системаси функционал бузилишининг бошқа белгилари, неврастениялар;

— беҳоллик, кайфият ёмонлиги, иш қобилияти пасайиб кетиши;

— бош оғриғи, бош айланиши, кескин ҳолсизлик, кўз олди қоронгиласуви ва гастроген анемия ёки касалликнинг бошқа асоратларига хос ҳар хил шикоятлар.

II. Субъектив маълумотлар анализи (беморларнинг шикоятлари ва касалликлар анампези).

III. Объектив маълумотлар:

— умумий ҳолат, гавда тузилиши, семиз-ориқлик жараёйларининг оғир-енгиллигига, касалликнинг клиник формаларига кўра ҳар хил (секреция ҳолати нормал, пасайган ёки ошган, шиллиқ парда ҳолати гипертрофик ёки атрофик).

— овқат ҳазми ва сўрилиши етишмовчилиги синдроми (дистрофик ўзгаришлар);

— гипополивитаминоз синдроми, турли витаминалар, аксарият В групна витаминалари ташқислиги белгилари (оиз бурчаклари бичилиши, терининг ортиқча пўст ташлаши, соchlарнинг барвақт тўкилиши, тирноқларнинг мўртлиги ва б.);

— дисэлектролит синдроми — асосан секретор етишмовчилиги

бүлгән гастритларда күзатылады: калий ионлари танқислиги (қонни биохимияның текширищда ва ЭКГ да аниқланады — S—T — интервалы пасайышы ва мусбат Т тиңчасы), кальций ионлари танқислиги (сүяк трабекулалари сүрилиші билан остеодистрофия симптомлари ва бириктирувчи тұқыманнанғ ўсіб қалынлашувы, алкалоз симптомлари билан юзага чиқады); темир танқислиги (одатда ашиқ ифодаланмаган темир танқислиги анемиясы билан ўтады);

— астенопевростеник синдром: вегетатив томирлар дистониясы симптомлари, оёқ-құлларының совқотиб туриши, гиптония, парестезиядан шикоятлар;

— полигландуляр эндокрин етишмовчилігі синдромы: ўртача бүйрак усти безлари-типофизлар етишмовчилігі белгилари, жиисий функция бузилишлари;

— қорин перкуссия ва аускультация қыллығанда олииган маълумотлар одатта жуда кам ва күтилгән натижә бермайды;

— қорин пальпация қыллығанда эпигастрал соҳада ўртача ёки оз-моз оғриқ аниқланады, хроник гастрит узоқ кечганды құлға бир оз катталашған ва оғрийдиган жигар уннайды (реактив гепатит).

IV. Зарур лаборатория, биохимияның ва инструментал текшириш методлари:

— меъда суюқлигиниң функционал текшириш (секрецияни нахорга аниқлашы, маълум вақт ичида секреция, кислоталик, пепсининг күчайишини аниқлаш, чўкмани микроскопик текпирини);

— гистамин ва инсулин билан синамалар (меъда секретор функцияси рўй-рост бузилганда);

— меъда чайинди сувлариниң цитологик текшириш ёки ракли айнишни истисно қилини учун бирмунча ишончлар биопсия методи);

— дуоденал зондлаш — ўт шуфаги ва ўт йўллари касалликларини истисно қилиш;

— копрологик текшириш: умумий анализы, яширип қонга (Грегерсен реакцияси), гижжа тухумларига ва б.;

— қонни биохимияның текшириш: умумий оқсил (гипопротеинемия) ва уннинг фракциялари, билирубин, холестерин, жигар функционал синамалари — реактив гепатитда;

— қон ферментлари, қон ва сийдик диастазасы, иккита нагрузка билан қанд әгри чизиқлари (панкреатитни истисно қилини учун);

— инструментал текширувлар: меъда-ичак йўли рентгеноскопияси ва рентгенографияси, фиброгастроскопия, лапароскопия ва б.

Хроник гастрит айрим клиник формаларининг қисқача таърифи

1. Меъда секрецияси нормал ёки ошган хроник гастрит ярада бўладиган оғриққа ўхшаш оғриқ, нордон кекириб зарда қайнапши, қабзиятлар билан характерланади. Аксарият навқирон ва ўрта

ёшда, асосан эркакларда учрайди. Меъда суюқлигини текшириш — кислоталик нормал ёки гиперацид ҳолат. Рентгеноскопия — бурмалар қалинлашуви, кучайган перистальтика, ўзгаришлар асосан пилорус ва ўп икки бармоқ ичакда жойлашади (гастродуоденит, пилородуоденит ҳодисалари билан).

2. Хроник атрофик гастрит секретор етишмовчилик билан: оғизда ёқимсиз маза, иштаха пасайиши, қуруқ қекириш, овқатдан кейин қорин қулдираши ва суюқлик қўйилгандек сезги пайдо бўлиши, аксарият ич кетар, ориқлаш, аста-секин анемия ривожланиши ва б. Рентгенологик — меъда шиллиқ пардаси бурмалари юшқалашган, айрим жойлари атрофияга учраган, меъда гипотонияси (гастроптоз). Эндоскопия ва мўлжалга олинган биопсияда: юза гастрит ёки меъда безларининг заарланиши ва уларнинг атрофияси билан бирга билинارли ўзгаришлар. Меъда суюқлигини текшириш — кислоталик пасайган ёки бўлмайди (меъда секретор функциясининг ўртача ёки ифодаланган пасайиши, ахилия ҳолати).

3. Геморрагик (эрозияли) гастрит: клиник жиҳатдан меъдадан қон оқиши, гипохром анемия, оғриқлар билан характерланади, меъда секрецияси сақланиб қолган, ошган ёки ўртacha пасайган. Эндоскопияда — кўп сенжли эрофиялар ва петехиялар, уларнинг қонашга жуда мойиллиги.

4. Ригид антрап гастрит. Камдан-кам учрайди. Оғриқлар (диспептик), гипосекреция ёки ахилия характерланади. Рентгеноскопия ва эндоскопияда: меъда антрап бўлимининг доирасимон торайини, аниқ ифодаланган яллигли-чандиқли жараёнлар, кўпинча хавфли ўсмага айланади.

5. Полипоз гастрит меъда шиллиқ пардасининг атрофияси ва дисрегенератор гиперплазияси, ахлоргидрия билан характерланади. Рентгенологик ва эндоскопик текширишлар ўюли билан диагностика қилинади.

6. Хроник гипертрофик гастрит. Бу касалликниң энг ноаниқ формаси. Schindler фикрича (1966), хроник гипертрофик гастритининг учта варианти мавжуд: интерстициал, пролифератив ва безли. Диагностикада аспирацион ва мўлжалга олинган биопсия ёрдам беради. Рентгенологик жиҳатдан шиллиқ парда бурмаларининг қалинлашуви, уларнинг нормал ҳолатга қараганда 2—3 баравар кенгайини, буралганлиги, юзасининг «донадорлиги» билан ажralиб туради. Кўрсатиб ўтилган вариантлардан гипертрофик безли гастрит кўпроқ учрайди, бунда меъда гиперсекрецияси ва «ярадагисимон» шикоятлар кузатилади.

Ўткир гастритнинг қисқача таърифи. Меъда шиллиқ пардасининг ўткир яллигланиши (куйиш ва бошқа ўзгаришлар) полиэтиологик касаллик ҳисобланади, у химиявий, термик, механик ва бактериал омиллар томонидан қўзғотилади. Ўткир гастритларда жараён шиллиқ пардасининг юза эпителийиси билан чегараланиб қолиши ёки бутун безли аппаратнинг бағри, интерстициал тўқима ва ҳатто мушак қатлами ва сероз пардага тарқалиши мумкин.

Бу этиологик омилларнинг характеристига, патогенлигига, таъсир йўлларига, патологик жараён ривожланишининг механизмига ва давомлилигига боғлиқ.

1. *Ўткир оддий гастрит*. Унинг ривожланишида экзоген (пала-партиш овқатланиш, овқат токсикоинфекциялари, дори-дармонлар, кўни овқат ейиш ва б.) ва эндоген (ўткир инфекциялар, модда ал-машинувининг жиддий бузилишлари, радиациядан заарланиш, азотемия ва б.) омиллар муҳим роль ўйнайди. Оғриқ симптомлари сабаб бўладиган омиллар таъсиридан 4—6 соат ўтгач пайдо бўлади ва кўнгил айниши, оғриқ, беҳоллик, бош айланиши, қусиш, ич кетар ва кейинчалик — сувсизланиш ва ўткир томирлар етишмовчилиги белгилари (рангнарлик, гипотензия, тахикардия), лейкоцитоз, аксарият буйракларнинг токсинли заарланиш белгилари билан шамоён бўлади.

2. *Ўткир коррозив гастрит*. Меъда шиллиқ пардасига кислоталар, ишқорлар, оеир металларнинг тузлари, юксак концентрацияли спирт ва бошқалар таъсири натижасида пайдо бўлади. Касаллик клиникаси заҳар табиатига, заарланиш даражасига боғлиқ ва токсипли модда ютиб юборилиши билан юзага чиқади. Беморлар оғзида, тўш орқасида ва элигастрал соҳада ачишадиган оғриқдан, азоб берадиган, баъзан қоп аралаш қусишдан шикоят қиласилар, лабда, оғиз, томоқ шиллиқ пардасига кўйиш аломатлари бўлади, товуш бўғилади, стридор нафас, корин пардаси таъсрланиши симптомлари бўлади, нейтрофилли лейкоцитоз, оғир ҳолларда эса ўткир томир етишмовчилиги белгилари — коллас (баъзан шок ҳолати) кузатилади.

3. *Флегмонали гастрит*. Камроқ учрайди, турли бактериал флора томонидан қўзғатилади ва ўткир бошланиши, эт жунжикиши, гипертермия, кескин адинамия, қорида оғриқ, кўнгил айниши, қусиш, гиперлейкоцитоз билан нейтрофилли силжини (токсик донадорлик билан), СОЭ ошиши ва яллигланишининг бошқа аломатлари билан характерланади. Прогнози хайрли эмас. Даволаш хирургик.

Меъда раки тўғрисида қисқача маълумотлар. Меъда раки ўсмаларнинг бошқа ҳамма органларида жойлашувининг умумий сонидан 40 фоизини ташкил қиласди. Ундан юқори ўлим қайд килинади ва деярли бутун дунёда меъда раки билан касалланишининг ошиб боришига мойиллик бор. У эркакларнинг 60 фоизида ва аёлларнинг 40 фоизида учрайди, катта ёшдаги одамларга қараганда ёшларда (30 ёшгача) камроқ учрайди, лекин кейинги ўйил ичида у кўпроқ ёшлар орасида кузатиляпти. Рак билан касалланишининг ўсиши ташки мухитга канцероген таъсири бор токсинли моддалар тушишининг кўпайиши ва маълум даражада касалланишин диагностика қилиши ва ҳисобга олишининг яхшиланганилиги билан изоҳланади.

Меъда раки меъда эпителийси ва умуман меъда шиллиқ пардасида бўлиб ўтган ўзгаришлар — рак олди касалликлари фонида (меъда полипи, ва яра касаллиги, хроник гастритлар, алкоголь

ичиш, дағал ва таъсирлантирадиган таомлар, чекиши; овқатланиш жусусиятлари, ирсий жиҳатдан мойиллик, аутоиммун жараёнлар ва ұоказо) ривожланади.

Хозирги замон статистика маълумотларига кўра меъда полипларининг малигнизацияси 30—50% ҳолларда, полипоз гастритнинг хавфли ўсмага айланиши эса 68%, меъда яра касаллиги (каллёз) нинг ракка айланиши 7—10% (ҳатто 20% гача) ҳолларда қайд қилинган. Меъда раки шилороантрал қисмда (60—70%), кичик эргиликда (10—15%), кардиал қисмда (10%) жойлашади.

Макроскопик жиҳатдан тўрт формаси: полипсимон ёки қўзиқорнисимон (экзофит ўсиши), ликопчастимон (секин ўсадиган экзофит), диффуз (инфильтратив), аралаш формалари тафовут қилинади.

Меъда ракини хроник гастритлар бўлимида тасвирилашнинг қўйидаги иккита сабаби бор: хроник гастритлар (меъда яраси ва полипи сингари) ягона жараённинг оралиқ босқичлари ҳисобланади; дифференциал диагностика мақсадида.

Хроник гастритнинг меъда раки бўлган беморларнинг 97% ғонзида учраши, гастритнинг хроник формалари билан касалланган беморларнинг меъда раки билан шу ёшдаги соғлом шахсларга қараганда З марта кўпроқ касалланишлари аниқланган. Бунда секреция етишмовчилиги билан ўтадиган хроник атрофик гастрит ракка айланишга энг кўп мойилdir (Рисс С. М., Масевич Ц. Г., 1975). 20-жадвалда меъда раки ва хроник анацид гастритнинг дифференциал-диагностик белгилари келтирилган.

Меъда раки диагностикасида қўйидаги омиларни ҳисобга олиш зарур: анамнез маълумотлари, эпигастрал соҳада оғриқ, «рак триадаси» («меъдада ғалати сезги», иштаҳа йўқлиги, ориқлаб кетиш); қайт қилиш; қон оқиши (қон аралаш қусиши ва қатронсимон ахлат); тана температураси кўтарилиши (қарийб 33% ҳолларда); «сабабсиз» диарея; орқада оғриқ (ўсма ўсиши), юрак соҳасида оғриқ (рефлектор); «кичик белгилар синдроми» (ёши улғайған одамда сабабсиз дармон қуриши, тез чарчаш, меҳнат қобилияти пасайиб кетиши, иштаҳа пасайиши ёки йўқолиши, тўшт, балиқдан юз ўгириш, «меъдада ғалати сезги» сезиш ҳодисалари; меъда иши бузилмагани ҳолда тобора ориқлаб кетиш; барқарор ва ошиб борадиган камқонлик; руҳий депрессия).

Бироқ фақат беморларнинг шикоятлари, анамнез ва касалликнинг клиник симптомларига асосланиб меъда раки диагнозини ҳамавақт ҳам аниқлаб бўлавермайди, чунки меъда раки бўлган беморларнинг учдан бир қисмida улар анамнезида меъда-ичак йўллари касалликлари (хусусан меъда касалликлари) бўлмайди. Қўшимча текширувлар ўтказиш: меъда суюқлигини, периферик қонни; Грегерсен синамаси; рентгенологик текширув; гастроскопия, гастрофіброскопия (зарур бўлганда — эзофагоскопия ҳам); гидрокамера ёрдамида, контраст фотонусхалар методи, радиоактив индикация методи билан); диагностик лапаротомия; текширувнинг биопсия ва цитологик методлари ва ұоказоларни ўтказиш лозим.

Меъда раки ва хроник анацид гастритнинг дифференциал-диагностик симптомлари

Симптомлари	Хроник анацид гастрит	Меъда раки
Шикоятлари	Иштаҳа ёмоилиги, палағда тухум ҳидли кекириши, овқатдан кейин энигастрал соҳада оғирлик сезгиси	Беҳоллик, гавда оғирлиги камайиши, иштаҳа ёмоилиги
Корин бўшлиги пальпацияси	Эпигастрияда тулаш оғрик борлиги	Эпигастрияда ўсма бўлиши мумкин
Меъда суюқлиги	Ахилия, шилимшиқда лейкоцитлар миқдори ошиши	Ахилия, атипик ҳужайралар
Қон: периферик қон биохимиявий кўрсаткичлар	Баъзан гипохром анемия Норма	Анемия. СОЭ ошиши. Гипертромбоцитоз Фибриноген даражаси ошиши. Гипопротеинемия (альбуминлар ҳисобига), трансаминаза миқдори ошиши
Рентгенологик текшириш маълумотлари	Меъда бурмалари атрофияси	Тўлиш нуқсони
Гастроскопия	Меъда бурмалари атрофияси	Рак
Биопсия	Структуравий қайта қурилиш, атрофия	Атипик ҳужайралар

Бундан ташқари, қоринни тўртта ҳолатда пальпация қилиши; жигар ва ўмров ости соҳаларини ушлаб кўриш; бармоқ билан ректал текшириш клиник текширишининг ажралмас таркибий қисмларидан ҳисобланади.

Меъда ракига асосан операция усули билан (радикал) давоқилинади, консерватив методлар эса батамом соғайиб кетиш имконини бермаса-да, бемор изтиробларини маълум даражада енгиллаштиради ва, шубҳасиз, уларнинг умрини узайтиришга ёрдам беради.

Асоратлари. Ўткир гастрикда — ўткир томирлар, әҳтимол юрак этишмовчилиги, хлоренеп кома; меъданинг ўткир перфорацияси (коррозив ва флегмоноз хилида); чандиқли ўзгаришлар (узоқ муддатдан кейин юз берадиган асоратлар); медиастинит, йирингли плеврит, тромбофлебит, жигар абсцесси, сепсис ва бопқалар (огир формаларида); хроник формага ўтиш.

Хроник гастритда — меъда ва ўп икки бармоқ ичакнинг ярақасаллиги, ракка айланиш, меъдадан қон оқиши, иккиламчи

(баъзан оғир) темир тапқислиги апемияси, ориқлаң кетиш, қаҳексия.

Дифференциал диагностикаси. Ўтқир ва хроник гастритларни меъда ва ўн иккى бармоқ ичакнинг яра қасаллиги, миокард инфарктининг абдоминал формаси, ўтқир ва хроник аппендицит, меъда раки, ўтқир ва хроник панкреатит ва холецистит (жумладан ўт-тош қасаллиги), ўт ҳалтачаси ва ўйллари дискинезияси, хроник энтероколитдан фарқ қилиш керак. Бундан ташқари, ўтқир гастритни диафрагма ости абсцесси, жигар абсцесси, қопқа вена тромбози ва «қориндаги ўтқир ҳолат»нинг бошқа турларидан дифференциация қилиш лозим.

Диагнозни таҳминий таърифлаш: 1) хроник экзоген юза гастрит қўзиши фазасида, секретор функцияниң этишмовчилиги билан; 2) хроник эрозияли антрап гастрит қўзиши фазасида, ошган секрецияли ва гипермоторикали; 3) хроник атрофик гастрит ремиссия фазасида, ўртача секретор этишмовчилик билан. Гипохром анемия.

Даволаш

1. Ўтқир гастритни даволаш:

- беморни қасалхонага жойлантириш, парҳез режимига риоя қилиш;
- меъдадан токсинли омиллар ва бошқа сабабчи омилларни ҳайдаш бўйича тадбирлар: 2%ли натрий бикарбонат ёки калий перманганат қўшилган қайнаган, илиқ сув билан ювиш, 30 г магний сульфат, активланган кўмир кабиларни бериш;
- венага томчилаб физиологик эритма, 5% глюкоза эритмаси, 10 мл 10% ли ош тузи эритмаси юбориш ва сувсизланишга қарпни кураш бўйича бошқа дезинтоксикацион терапия чораларини кўриш;
- зарур бўлганда томирлар этишмовчилигига ишлатиладиган препаратлар: кофеин, кордиамин, мезатон, адреналин, юрак дорилари — строфантин, коргликон, аллергияни йўқотувчи воситалар — кальций хлорид, димедрол, кальций глюконат; симптоматик терапия, умуман қувватга киритадиган воситалар (витаминалар, инсулин ва б.) киритиш;
- флегмоноз гастритда — операция ўйли билан даволаш ёки антибактериал препаратлар (антибиотиклар, сульфаниламид препаратлар) билан даво қилиш;
- колланс ёки шок бўлган тақдирда тегишли даволаш тадбирлари ўтказмлади.

2. Хроник гастритни даволаш bemor аҳволининг оғир-енгиллигига, қасалликнинг кечишига, меъда секрецияси аҳволига, қасалликнинг клиник формаларига биноан олиб борилади.

- қўзиганда қасалхонага жойлантириш;
- парҳез режимига қаттиқ амал қилиш (ўтқир ва ёғли таомлар, зираворлар, ичкилик, чекиш кабилар ман қилинади);
- бўлиб-бўлиб, кунига 5—6 марта овқатланиши, парҳез № 1а, 16 тайинланади, апацид ва гипацид ҳолатларда етарли миқдорда

оксиллар (110—115 г), ёглар (80—90 г), углеводлар ва витаминалар буюрилади;

— меъданинг секретор ва мотор-эвакуатор функцияси ошганда — атропин, спазмолитиклар, бензогексоний, викалин, метацил, пентоксил ва бошқалар тайинланади;

— антацид воситалар сифатида: алюминий гидроксид (4% ли суvdаги суспензия қўришишда 1—2 чой қоппиқдан кунига 4—6 марта); альмагель (1—2 чой қошиқдан кунига 4 марта — эрталаб, қуидузи, кечқурун овқатдан ярим соат олдин ва ухлап олдидан 3—4 ҳафта мобайнида); кальций карбонат 0,25—1 г дап кунига 2—3 марта, уни бемор бедорликда бўлган давр ичida ҳар соатда қабул қиласа ҳам бўлади; (Калинчев П. А., Береза Н. М., 1981) ва б.;

— секреция этишмовчилиги бўлган гастритларда кватерон, ганглерон, кавказ диоскореяси, зунтурум ва плантаглюцид шираси, РР, С, В₆, В₁₂ витамиnlари, меъда шираси, абомин, бетацид, панкреатин, қон, оқсил препаратлари, плазма қўйиш ва б.;

— меъда секретор функцияси ҳолатига мос келадиган минерал сувлар (боржом, ессентуки 4, 17, 20 ва б.) қўлланиш;

— санаторий-курортда даволаш (Ижевск, Жермуқ, Ессентуки, Железнноводск, Пятигорск, Феодосия ва б.);

— диспансер кузатуви.

Профилактикаси: тўғри овқатланиш, овқатланиш гигиенаси қоидаларига пухта амал қилиш: чекиш ва ичкилика ва бошқа заарли одатларга қарши курашиш; хроник инфекция ўчоқларини, ҳазм органларининг бошқа касалликларини ўз вақтида даволаш, касб-корга тааллуқли заарли омилларга қарши курашиш.

Контрол саволлар

1. Хроник гастритлар этиопатогенезига замонавий нуқтай назардан қарашиб, раколди ҳолатлари тўғрисида тушунча.

2. Ўткир гастритни диагностика қилиш ва даволаш (умумий ва этиотроп).

3. Хроник гастритнинг клиник, функционал ва морфологик формалари.

4. Хроник гастрит диагностикаси, уни яра касаллиги ва хавфли ўсмалар билан дифференциал диагностика қилиши.

5. Қўшимча текшириш методларининг аҳамияти.

6. Хроник гастритларни босқичма-босқич даволаш (стационар—санаторий-курортда даволаш—поликлиника—диспансерлам).

МЕЪДА ВА ЎН ИККИ БАРМОҚ ИЧАКНИНГ ЯРА КАСАЛЛИГИ

Таърифи. Яра касаллиги — турли-туман клиник манзара билан ва меъда ёки ўн иккى бармоқ ичак шиллиқ пардасида гастродуоденал зонадаги секретор-трофик жараёпларни тартибга солиб турдиган нерв ва гуморал механизмларнинг бузилиши натижасида яра ҳосил қилиш билан цикли кечадиган касалликдир.

Сўнгги ўн йил ичida Европа ва АҚШда аҳоли ўртасида яра

касаллиги билан оғриган беморлар сонининг бирмунча ошиши кузатилди. Америкалик муаллифларнинг маълумотларига кўра у эркакларда 8—10% ҳолларда учрайди. Жаҳон статистика маълумотлари бўйича агар ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги кўпроқ эркакларда учраса (1:3—4), меъданинг яра касаллигининг учраш даражаси иккала жинсга мансуб шахсларда деярли бир хил. Бизнинг мамлакатимизда йил сайин қарийб 900 000 бемор шу патология сабабли диспансер кузатуви остида туради. Касалланишининг ўсиб бораётганлигини урбанизация, помунтазам овқатланиш, ташқи муҳитнинг ифлосланиши ва тўқима гипоксияси ривожланиши билан боягайдилар. Касаллик ҳар қандай ёшда, бироқ аксарият 30—40 ёшда, аксарият ўсмирлик ва ҳатто кичик ёшда ҳам кузатилади. Кўпроқ шаҳар аҳолиси касалланади. Амалиёт ўн икки бармоқ ичакнинг яра касаллиги меъданинг яра касаллигига нисбатан кўпроқ аниқланишини (10:1) кўрсатади.

С. М. Рисс ва Ц. Г. Масевич (1975) ишлаб чиққап классификациянинг амалий аҳамияти катта, у гастродуоденал системанинг функционал ҳолати, касалликнинг кечишини ҳисобга олган морфологик принцип бўйича (патологик жараённинг жойлашуви) тузилган, касалликнинг алоҳида формалари ва асоратлари ажратилган.

Клиник маълумотлар ва назарий билимларга асосланиб студент қўйидагиларни билиши керак:

- 1) патологик жараённинг жойлашувини ва унинг характеристики (метъда, ўн икки бармоқ ичак, яра тури) аниқлай олиш;
- 2) тахминий диагнозга биноан беморни тўғри текшириш планни тузиш;

3) қўйидагилар асосида диагнозни аниқлаши:

- касалликнинг асосий симптомлари ва синдромларини, уларни патогенезини билиш;
- қўшимча (лаборатория-инструментал) текшириш методларини тўғри анализ қилиш ва жамланиш;

4) жараённинг оғир-енгиллиги, асоратлар бор-йўқлиги ва беморининг умумий ҳолатини ҳисобга олиб даво тадбирлари планини тўғри тузиш.

Этиологияси ва патогенези. Меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги ривожланишида қўйидагилар аҳамиятли:

- алIMENTар ва бошқа экзоген омиллар: овқатланиш режими ва характеристи бузилиши — дағал, ўтқир, жуда иссиқ (ёки, аксинча, доимо совуқ) овқатларни помунтазам ейиш, шошилиб ейиш, кўп овқат ейиш, чекиш, спиртли ичимликларни сунистеъмол қилиш;
- химиявий ва физик омиллар таъсири;
- яра касаллиги пайдо бўлишига доир механик, яллиғли, ментик, томир ва бошқа назариялар;
- руҳий-эмоционал омиллар (кучли нерв-психик кечинмалар, стресс ҳолатлар ва бошқалар. И. М. Сеченов ва И. П. Павловнинг

первиэм тўгрисидаги таълимоти, шунингдек биринчи марта И. П. Павлов аниқлаган бош мия катта яримшарлари пўстлогига таъсир қилингандаги меъда секрециясининг нерв фазаси);

К. М. Биков ва И. Т. Курцининг бош мия пўстлоги билан ички органлар (ҳазм системаси ҳам шунга киради) ўртасидаги функционал боғланишнинг бузилиши тўгрисидаги кортико-висцерал назариясини тўғри изоҳлаш. У меъданинг нерв бошқарилишининг мураккаб бузилишлари моҳиятини ва уларнинг яра касаллиги пайдо бўлишидаги аҳамиятини очиб беради. Бу пазарияга мувофиқ салбий ҳис-ҳаяжонлар таъсирида (нерв системасининг узоқ вақт зўрийини, ишхонада, оилада психологик шароитнинг ёмонлиги) ва ички органлардан келадиган турли натологик импульслар таъсирида бош мия пўстлогида қўзғолиш ва тормозланини жараёнлари ўртасидаги физиологик мувозанат бузилади. Бунинг оқибатида пўстлоқнинг нормал ишлаб турган ҳужайралари кучсизланиб қолади ва пўстлоқ билан пўстлоқ ости марказлари ўртасидаги ўзаро алоқа бузилади. Бунда гипоталамусда диммантан қўзғолиш учоги пайдо бўлиб, адашган нерв марказлари иши ва гастроуденал системасини асосий функциялари бузилади, бу — шиллиқ пардалар нуқсони авж олишига имкон беради. Бу йўлни схема тарзида қўйидагича тасвирилаш мумкин: бош мия пўстлоги — оралик мия — адашган нерв марказлари — адашган нерв — меъда (Рисс С. И., Рисс Е. С., 1975);

- гипофизар-буйрак усти безлари системаси, жинсий ва бошқа эндокрин безлар фаблиятидаги бузилишлар;
- ирсий ва конституционал омиллар;
- ташқи муҳит шароитлари ўзгариши;
- ҳазм гормонлари (гастрин, секретин) ва биоген аминлар (гистамин, серотонин);
- меъда ва ўн икки бармоқ ичак шиллиқ пардасидаги морфологик ўзгаришлар ва бошқа экзоген омиллар.

Патологик анатомияси:

- яра жойлашуви: пилорусда, ўн икки бармоқ ичакда, меъданинг кардиал қисмида, кичик ва катта эгрилигида ва меъда туби соҳасида;
- яра ўлчами — 1 дал 3 см гача, юмалоқ ёки овал шаклда;
- чандиқли ўзгаришлар, қўшни органлар билан битишмалар (перихолецистит, перидуоденит) ҳосил бўлади;
- анатомик жиҳатдан тузилишига кўра яра оддий, каллёз, тениб кирадиган (ёки непентрацияли), тешиб ўтган, яра-рак бўлади.

Клиник маизараси

I. Субъектив маълумотлар. Шикоятлари:

1) оғриқ:

- жойлашуви — тўш ости соҳасида ёки қориннинг юқори ўнг ярмида, туташ (қўзиганда);

— характери — симиллаган, түлғоқсымон, кемирадиган, ачишадиган, босадиган, санчадиган ва ҳоказо;

— пайдо бўлиш вақти — овқатдан 15—30 минут ўтгач (эрта оғриқлар), 1—3 соат ўтгач (кечиккан оғриқлар), тунги, оч қоринга пайдо бўладиган;

— оғриқ тарқалиши — юқорига ва чапга (яра юқорида жойлашганда), пилородуодеал яраларда — орқага, ўнг қовурғалар остига, ўнг курак остига ва ҳоказо;

— кучли оғриқларда беморнинг вазияти — қорини босиб ётиш, оёқлар қоринга тортилган;

— оғриқнинг енгиллашуви — овқатдан кейин, сода ичилгандан кейин, қусишдан кейин (баъзан сунъий қўзғатилган қусишидан кейин);

— давомлилиги — жараённинг оғир-енгиллигига, касаллик асрратлари бор-йўқлигига ва табиатига;

2) қусиши ва бошқа диспептик ҳодисалар: зарда бўлинш, кўнгил айниши, сўлак оқини, нордои, налагда тухум ҳиди келадиган, бадбўй ҳидли кекирик; иштаҳа йўқолмаган, ошган (оғриқ синдроми таъсири), оғриқ ва қусиш сабабли овқат ейишдан қўрқини, қабзиятлар (гиперсекреция), ич кетишлар (анацид ёки ахилия холати);

3) қон оқиниши — қон аралаш қусиши, кўп қон оқиниши — қон аралаш қусиши, ахжатнинг «қорайиб кетганилиги»;

4) синдромнинг йилнинг маълум мавсумида қўзиши: баҳорда, кузда, қишида, шунингдек овқат ейиш бузилганда, спиртли ичимликлар ичилганда, чекилганда.

II. Субъектив маълумотлар анализи (шикоятлар, ушбу касаллик ва бемор турмуши анамнези).

III. Объектив маълумотлар.

I. Умумий қўздан кечириш: bemорнинг кўриниши азоб-уқубатли, ҳорғин, рапгинарлик, ориқлаб кетиш, тери қонламларида дистрофик ўзаришлар, иккиламчи анемия белгилари, кўп терлаш, яққол юзага чиқсан дермографизм, касаллик қўзиганда температура реакцияси.

Органлар ва системалар бўйича қўздан кечириши:

— меъда-ичак йўли: тил караш билан қонлангап, пальпацияда эпигастрал соҳада ёки киндиқдан бироз юқорида ўнгда, яъни ўн икки бармоқ ичак проекциясида тўғри мушак чеккасида оғриқ, қатор bemорларда мушакларнинг тараанглиги (қўзишида ёки айрим асоратларда), эпигастрал соҳада (меъда устида) перкуссия қилинганда оғриқ — Мендель симптоми, кўпинча ўн икки бармоқ ичакнинг яра касаллигига кузатиладиган кўкрак ва бел умуртқалари танаси ва ўткир учлари сатҳида оғриқ пукталари камроқ кузатилади (Боас, Опенховский, Певзнер симптоми ва б.), D₅—D₉ сегментларига мувофиқ келадиган Захарын — Гед гиперестезия зоналари апиқланади;

— юрак-томирлар системаси — брадикардия, гипотензия, касалликнинг пилоростеноз, ифодаланган анемия билан асоратлан-

ған кечиккан босқыларыда әса миокардиодистрофия белгилари — тоналар бұғықтікі, дағал бұлмаган системалар шовқын аниқланады;

— бошқа органлар ва системалар томонидан бұладиган патология тегишили текнициш методлари ёрдамда аниқланады (улар касаллық босқычига ва асоратлар бор-йүқтілігін бағыттауда).

IV. Лаборатория, рентгенология және инструментал текшириш методлари маңылумотлары:

— умумий қон анализи: эритроцитоз (касаллық бошланишида, гиперсекрецияда), кейинчалик — эритроцитонемия, гемоглобин міндері насайиши, микроцитоз ва гастроген, хроник гипохром (постгеморрагик) анемияның (баъзап мақроциттар характердагы) бошқа белгилари;

— меъда суюқларынан анализи: аксарият гиперацид ҳолат, баъзан яра касаллығы секретор етишимовчилик билан ўтады;

— ахлат анализи: ахлаттың яшириң қонга текширишдан олдин (Грегерсен реакциясы) З күнгача гүштли таомлар истисно қилишиб, беморни тайёрлаш тавсия қилинады;

— рентгенология текшириш: «токча» симптоми, меъда ёки ўн шеки бармоқ ичакининг яра бұлған жойда барқарор деформацияси, бурмалар конвергенцияси симптоми, перистальтика кучайиши, наҳорғы гиперсекреция, «құрсатқыч бармоқ» симптоми ва б.

— гастрофиброскопия ярапи топиш, уннан үлчамларини, чандиқланиши даражасини, бошқа асоратлар бор-йүқтілігін апиқлаш имконини беради.

Яра касаллигинин кечиши ва клиник формалари

1. Касаллигинин кечиши яраниң қаерда жойлашгани, меъда секрецияси ҳолаты, bemорниң ёши, жинси, индивидуал хусусиятлари ва одатлари (тез оздат ейиши, қуруқ таомларга ўрганғапи, сипртли ичимніктар ичиши, чекиши) га бағыттау;

— касаллық одатда қайталаныш ва ремиссиялар билан хроник, цикл билан кечади;

— ўсмиirlардаги яралар қаттық оғриқ, юқори гиперсекреция ва тез-тез құзіб туриши билан ўтады;

— катта ёшдаги одамларда яра борлиги тез-тез ва мүл қон кетиши билан хавфли;

— яра асоратланғанда кечиши ёмоғлашади.

2. Яра касаллигинин клиник формалари: ұарбий даврдаги яра касаллиғи, ўсмиirlар, ёши улғайтан ва кекса ёшдаги шахслар, аёллардаги яра касаллиғи, пилорик капал яраси, каллөз яра, сұғондан таіпқаридаги ва қўп сопли яралар, меъда юқори бұлыми яраси, қўшилиб келадиган гастродуоденал яралар, асоратланған яралар.

Асоратлари: қон оқиши; пилорус торайиши (пилорестеноз), меъда құм соат қўринишшида; тешчилиши (кейин перитонит ривожляниши билап); қўшини органларга пепетрация (чегараланған перитонит); ракка айланыши; пострезекцион асоратлар (демпнинг-

синдром, гипогликемик синдром, постгастрорезекцион дистрофия, анастомознинг пептик яралари ва б.); анемия (аксарият гипохром); озиб кетиш, қоқ сүяқ бўлиб қолиши (кахексия). Бундан ташқари, бошқа асоратлар ҳам қайд қилинади: вегетатив томирлар дистонияси (тез-тез қўзин билан узоқ вақт кечганда), ичак дискинезияси, энтерит ва колит, ўт қопчаси дискинезияси, холецистик, реактив гепатит, реактив панкреатит ва б.

Дифференциал диагностикаси. Яра касаллигини гастритлар (ўт-кир ва хроник), меъда ва ичак раки, холециститлар, ўт-топи касаллиги, панкреатит, гепатит, симптоматик гастроудоденал яралар: «стресс яралари» катта кўламдаги куйишдан, марказий нерв системаси заарланиши, катта операциялар, айниқса юрак, йирик томирлардаги операциялардан кейин), ўпка, юрак-томирлар патологияси фонидаги симптоматик, қўшилиб келадиган, иккиласмачи яралар, жигар, ичак касалликлари: хроник панкреатити бор беморлардаги иккиласмачи яралар; хроник буйрак етишмовчилигининг терминал босқичида меъда-ичакдаги яралар; эндокрин, кексаликда учрайдиган, медикаментоз яралар билан дифференциаллаш лозим. Дифференциал диагностикада дипамикада қўнимчай текшириш методлари (рентгеноскопия, рентгенография, фиброгастроскопия, гастробиопсия, электрогастрография) бирмунча ёрдам беради.

Диагнознинг тахминий таърифи:

1) ўи икки бармоқ ичакнинг яра касаллиги (орқа деворида жойлашган) тез-тез қўзиб турадиган. Қўшилиб келган касаллик — секретор функцияси ошган хроник гастрит. Асорати — перидуodenит;

2) меъданинг яра касаллиги, субкардиал бўлимида жойлашган, авжланиб кечадиган. Асорати — меъдадан қон оқиши.

3) меъданинг яра касаллиги (кичик эргилик соҳасида жойлашган). Қўшилиб келган касаллик — хроник холецистит. Асорати — пилоростеноз, ҳолсизланиши.

Даволаш

1. Қўзиган даврда bemорларни касалхонага ётқизиш керак.

2. Пархез билан даволаш: пархез № 1а, 1б ва 1. Иккала рацондан хар бирини 10—14 кунга тайинланади.

3. Дори-дармонилар билан даволаш:

— транквилизаторлар ва седатив препаратлар: мепробамат, триоксазин, валериана дамламаси, поксирон, фенобарбитал;

— ишқорлар: натрий фосфат ва патрий цитрат, патрий сульфат, куйдирилган магнезия, кальций карбонат ва кальций фосфат, шунингдек алмагель, фосфолугель, викалин ва б.;

— холинолитиклар, спазмолитиклар (атропин, метацин, белладонна, платифиллин, ридоль, гастрон, гамон, папаверип, но-шпа);

— ганглиоблокатор препаратлар (бензогексоний, кватерон ва б.) холинолитик ва спазмолитик воситалардан наф бўлмагандага тайинланади;

— Шостаковский бальзами, облениха мойи, шиллик парда реңаратив жараёнларини яхшилаш учун эса: ликвиритон, ДОКСА, гастрофарм, оксиферрискорбон, метилурацил;

— биоген стимуляторлар: алоэ, ФиБс, шунингдек В, С, У группа витаминлари, яра касаллигининг суст кечадиган формаларида анаболик гормонлар (ретаболил, метандростенолон) тайинланади;

— метронидаз (трихопол), циметидин (тагамет), гипербарик оксигенация (барокамерада).

4. Яра касаллиги комплекс терапиясида физиотерапия муҳим ўрин тутади (балчиқ билан даволаш, диатермия, бром, новокаин электрофорези, гидротерапия).

5. Яра касаллиги асоратларини индивидуал даволаш (консерватив ёки операция қилиш йўли билан).

6. Санаторий-курортда даволаш (Дарасун, Ессентуки, Моршин ва б.).

7. Диспансер кузатуви, яра касаллигини даволашда унинг қайталанишига қарши қураш.

Профилактикаси: меҳнат, турмуш ва овқатланишда гигиеник нормаларга риоя қилиш, чекиш ва ичкилиқка қарши қураш; илгари кўрсатиб ўтилган этиологик омилларнинг олдини олиш; гастритларни ўз вақтида даволаш; қайталанишга қарши мавсумий (баҳор ва куз) профилактика.

Контрол саволлар

1. Яра касаллиги этиологиясига ҳозирги замон ғани пултаи назаридан қараш.

2. Яра касаллиги, айrim симптомлари ва синдромлари патогенези.

3. Яра касаллиги ва унинг асоратлари клиникаси.

4. Диагностиканинг инструментал усуслари.

5. Даволаш ва профилактикаси. Асоратларини даволаш.

6. Диспансерлаш мақсади ва вазифалари.

Хроник энтероколит ва ичак ўсмалари

Таърифи. Хроник энтерит — ингичка ичакнинг хроник яллигланиши, колит эса йўғон ичак яллиғланиши. Улар, айниқса колитлар ҳазм системасининг кўп учрайдиган патологиясидир. Шу билан бирга иссиқ иқлим шароитларида меъда-ичак йўллари касалликлари нисбатан кўп учрайди.

Ингичка ичакдаги яллигланиш жараёнларини йўғон ичакдаги шундай жараёнлардан қатъий чегаралаб қўйишга уриниш ҳамиша ўзини оқлайвермайди, чунки жараён хроник кечаетганда, унга ҳамма ичаклар озми-кўлми даражада албатта тортилади.

Хроник энтеритлар ва колитлар этиологияси ва патогенетик ривожланиши механизми бўйича ҳам, клиник белгилари бўйича ҳам турли-туман ва қўпинча классификациялар доирасига сизмайди.

Ичакнинг яллигланиш касалликларида беморлар даволаш муассасаларига энг кўп мурожаат қиласидилар ва натижада меҳ-

натга лаёқатлилик энг кўп йўқолади, қайталаниб кечадиган, хроник, оғир формалари эса аксарият беморларнинг иш қобилияти имкониятларини узоқ вақтгача пасайтиради ёки уларни меҳнатга батамом лаёқатсиз қилиб қўяди.

Хроник энтероколитларнинг ҳамма эътироф қиласидаган клиник классификацияси ҳануззача йўқ. Қўйида хроник энтероколитнинг Э. И. Отахонов таклиф қиласидаги классификациясини (1966) келтириамиз.

Этиологик принцип бўйича:

1. Келиб чиқиши алиментар энтероколит.
2. Келиб чиқиши инфекцион (дизентерия, тиф-паратифоз инфекция, сил ва б.) энтероколит.
3. Паразитар энтероколит (амёбиаз, лямблиоз, балантидиаз, тижжа инвазияси).
4. Экзо-ва эндоген токсик энтероколит (қўргошин, симоб, мишъяк, фосфор, кислоталар ва ишқорлар, салицилатлар, гориҷвет (гулизардак) ва бошқа дори препаратлари, уремия).
5. Аллергик энтероколит (автоиммunoагрессия ҳам шунга киради).
6. Боница органлар касалликларидаги энтероколит (секретор этишмовчилиги ифодаланган хроник гастрит, амилоидоз, диспанкреатизм ва ҳоказо).

Патологик жараённинг қайси жойда кўпроқ жойлашуви принципи бўйича:

- а) ичакнинг асосан ингичка ичак бўлимини эгаллаган энтероколит (36%);
- б) ичакнинг асосан йўғон ичак бўлимини эгаллаган энтероколит (64%);
- в) ичакни асосан сегментар заарланирадиган энтероколит.

Клиник кечиши бўйича:

1. Компенсацияланган босқич — ичак томонидан талайгина функционал бузилишлар бор, меҳнат қобилияти сақланиб қолган, озиқ-овқат моддаларининг сингиш жараёнлари ва умумий алмашинув бузилмаган, ичакда морфологик ўзгаришлар йўқ.

Касалликпинг қўзиш фазаси: енгил кечиши, ўртача оғирлиқда кечиши (камдан-кам).

Ремиссия фазаси.

2. Декомпенсацияланган босқич — меъда-ичак йўллари ва боница органлар томонидан юзага чиққан клиник белгилар бор, бунда унинг турли қисмларида сўрилиш ва модда алмашинуви жараёнлари бузилган, ичак пардасида дегенератив ва атрофик ўзгаришлар.

Касалликнинг қўзиш фазаси: енгил кечиши, ўртача оғирлиқда, оғир кечиши.

Ремиссия фазаси.

Боница органлар ва системалар томонидан иккиламчи бузилишлар бўлганда:

1. Асоратланмаган энтероколит.
2. Асоратланган энтероколит.

Ичакда овқат ҳазми бузилишлари, меъда ости бези, жигар, буйраклар, юрак-томирлар системаси, буйрак усти безлари функцияси, алмашинув жараёнларининг бузилиш даражаси бўйича, шунингдек ичак шиллиқ пардасидаги морфологик ўзгаришлар бўйича Ф. К. Меншиков (1978) хроник энтероколит кечинининг оғир-енгиллик даражасини уч босқичга бўлади: I — енгил; II — ўрта; III — оғир даражаси. Шу билан бирга клиник қозатувлар ва беморларни пухта текширувга асосланниб, муаллиф хроник энтероколит терминини асосни деб ҳисоблади, бироқ унга қўшимча қилиб энтерит ёки колит устулик қиласидан хроник энтероколит деб атанин тақлиф қиласди. Хроник энтероколит диагностикасида бемордан сўраб суриштиришга (шикоятлар йиғиш ва апамнезга) катта аҳамият берилади. Клиник маълумотлар ва назарий билимларга асосланиб студент қўйидагиларни билиши керак;

1) патологик жараённинг кўпроқ қаерда (меъда, ичак ва б.) жойлашгани ҳақида тахминий фикр билдириш;

2) патологик жараён табиатини (яллиғи, аллергик, ярали, ўсмасимон ва б.) аниқлаш;

3) гастроэнтерологиянинг замонавий ютуқларини ҳисобга олиб, беморни текширишнинг асосланган планинни тузиш;

4) узил-кесил дианозни аниқлаш ва тўғри таърифлаб бериш;

5) дифференциал диагностика масалаларига тўғри ёндошиш;

6) даволаш, профилактика ўтказиш, хроник энтероколитли беморлар прогнозини ва меҳнатга қобилиятини аниқлаш.

Этиологияси ва патогенези. Энтероколит келиб чиқишида қўйидаги қўйгина омиллар катта ўрин тутади:

— ичак инфекциялари — дизентерия, ич терлама, паратифлар, сальмонеллёз, ичакнинг кокк инфекцияси (стрептококк, стафилококк ва б.), кандидоз ва б.;

— хроник юқумли касалликлар (организмнинг умумий интоксикацияси) — сил, бурцеллёз, беззак, грипп, захм, ботулизм ва б.;

— ўчиқли инфекциялар — хроник тонзиллит, йирингли отит, хроник холецистит, бошқа органларнинг хроник йирингли касалликлари;

— антибиотиклар дозаси ошиб кетиши натижасида дисбактериоз;

— патоген замбурурглар, амёбиаз, лямблиоз, балантидиаз, гижжака инвазияси қўзгатувчилари;

— токсинли моддалар — қўроғшин, симоб, мишъяқ, бошқа химиявий моддалардан хроник заҳарланиш;

— дори моддалар (антибиотикларни узоқ вақт асосиз қўллашни, ич сурадиган клизмалар, шамчаларни ортиқча ишлатиш);

— овқатдан аллергия;

— ичакнинг туғма ва орттирилган эпзим танқис заарланишлари (пептидаза, фосфатаза, энтерокиназа, птиамин, пепсин, трипсин, липаза, амилаза, лактаза ва б.).

Бундан ташқари, энтероколитлар ривожланишида қўйидагиларга катта аҳамият берилади:

— овқатланиш мароми ва режимиининг ҳар хил бузилишлари, алиментар омиллар (овқатни номунтазам ейиш, уни шошилиб ейиш, кўп ейиш, бир хил, асосан углеводли овқатлар ейиш), ич-килика ружу қўйиш;

— бошқа қўшии органлар касалликлари — секреция этишмаслиги билан ўтадиган гастрит, меъда ости безининг ташқи секретор этишмовчилиги бўлган панкреатитлар, меъда касалликлари, айниқса унинг резекциясидан кейин функционал ва органик бузилишлари;

— иқлим ҳам (хусусан иссиқ иқлим) катта аҳамиятга эга, бу меъда-ичак йўли секретор функцияси сусайишига ва шу тариқа бижгиш диспенсияси авж олиб, кейинчалик ичакда яллиғли ўзгаришлар юзага келишига сабаб бўлади. Иссик иқлим шароитида юқори ташқи температура ва инсолияция таъсири остида меъда ва ичак ширасининг ажралиши ичакнинг ферментатив функцияси ва меъданинг қоп яратиш функцияси сустлашади, организмда B_{12} витамини концентрацияси камаяди. Шу билан бирга иштаҳа пасаяди, меъда ва ичаклар шиллиқ пардасининг турли касаллик қўзгатувчи омилларга чидами камайиб кетади;

— ёзда кўп миқдорда суюқлик ичии ҳазм ширалари суюқланшишига олиб келади, уларнинг бактерицидлик ва ферментатив активлигини пасайтиради (Отахонов Э. И., 1961; Харатъян А. М., 1972).

Касаллик патогенези асосан қуйидагилар билан изоҳланади:

— токсинали ва бошқа касаллик пайдо қилувчи моддаларниң бевосита ингичка ёки йўғон ичак деворига таъсири қилиши билан;

— иммунологик бузилиш билан — умумий аллергия фошида, озиқ-овқат моддалари гидролизи маҳсулотларига ёки бактериал ҳужайраларнинг парчаланиш маҳсулотларига нисбатан ўта сезгирлик пайдо бўлиши. Аллергик фон шунингдек ичакнинг эпителиал ҳужайралари парчалангапда ҳосил бўладиган антигенларнинг сенсибилизацияси ҳисобига пайдо бўлиши мумкин — «автоиммуногрессия»;

— ичак шиллиқ пардаси ҳимоя механизmlари бузилиши;

— ҳар хил токсинали, дори ва бошқа моддалар таъсири остида (антибиотиклар дозаси ошириб юборилганда) дисбактериоз ри-вожланиши.

Хроник энтероколитда, айниқса у узоқ вақт, қийинлик билан, қайталаниб кечганда модда алмашинуви, айниқса оқсил алмашинувининг чуқур бузилиши рўй бериши маълум. Оқсил моддаларнинг издан чиқиши ғоят муракаб ва кўптина омилларга бөғлиқ.

Патологик анатомияси:

— ичакда катарал-фолликуляр яллиғланиш, атрофик ёки гипертрофик жараёнларнинг белгилари;

— жараёнга лимфа томирлар ва ичак тутқич тугуллари қўшилиши билан ўтадиган йирингли, гангреноз, эрозия-ярали зарарланишлар камроқ кузатилади;

— оралиқ бириттирувчи тўқиманинг шиш ва инфильтратланган

лимфоид элементлар билан қўшилиб кетиш белгилари (баъзан полиплар шаклида бўлади);

— чандиқли ўзгаришлар.

Патологик жараённинг жойлашувига кўра колитлар тифлитга (кўричак заарланиши), трансверзит (кўндаланг чамбар ичак), сигмоидит (сигмасимон ичак), проктит (тўғри ичак), панколитга (йўтон ичакнинг бошидан охиригача яллигланиши) бўлинади. Патологик жараёнга ичак девори пардаларининг тортилиш дара-жасига кўра айрим муаллифлар шиллиқ парда колити ёки оддий колит, инфильтратив, ярали колитни фарқ қиласидилар.

Клиник манзараси. Энтероколитларнинг клиник белгилари тоят турли-туман ва касалликнинг этиологиясига, чуқурлигига ва қанча жойни әгаллаганига, патологик жараённинг асосан қаерда жойлашувига боғлиқ.

I. *Субъектив маълумотлар. Шикоятлари:*

— овқатдан кейин қоринда оғирлик ва тўлиб кетиш сезтиси;

— киндик атрофида, кўпроқ қориннинг пастки қисмида, ёнбош соҳаларида кучли бўлмаган, баъзан кучли зирқираган оғриқ. Оғриқнинг жойлашуви патологик жараён топилган жойга ва аксарият овқат ейишта, овқатланш характеристига боғлиқ;

— иштаҳа пасайиши ёки бўлмаслиги, камроқ ҳолларда кўнгил айниши, қусиши, оғизда аччиқ таъм бўлиши;

— қорин дам бўлиши, қулдираши, унда қуйилиш ва шишиб кетиш сезтиси;

— ич кетар кўринишида ич бузилиши (суюқ, баъзан шилимшиқ, йиринг аралаш ахлат), қабзият ёки қабзият билан ич кетишнинг алмашиниб туриши, ич келишига сохта истак (тенезма) пайдо бўлиши;

— ориқлаб кетиш, иш қобилияти пасайиб кетиши;

— умумий шикоятлар: таъсирчанлик, уйқу ёмонлиги, бош оғриғи, бош айланиши, кайфият бузуқлиги, кўп терлаш ва бошқа органлар томонидан қатор патологик ўзгаришлар.

II. *Субъектив маълумотлар анализи* (шикоятлар, ҳаёт ва турмуш шароитлари, овқатланишдаги одатлар).

III. *Объектив маълумотлар.*

1. Умумий кўздан кечириш:

— беморнинг умумий аҳволи касалликнинг оғир-енгиллигиги ва кечишига боғлиқ.

— бемор одатда озиб кетган (оғир ҳолларда гавда оғирлиги 15–20 кг га камайиб кетади), тери қопламлари рангпар;

— трофиқ бузилишлар белгилари: тери қуруқлиги, унинг юпқа тортиши, тирноқларининг мўрт бўлиб қолиши ва ёрилиши ёки қалинлашиши, тери гиперкератози, полигипоавитаминоз.

Энтерит клиникасида бир неча синдромлар бўлишини қайд қилиб ўтмоқ зарур:

— энтерал диспепсия синдроми (ичакда озиқ-овқат моддаларининг ҳазми ва сўрилиши бузилиши натижасида диспептик бузишишлардан шикоятлар);

— энтерит копрологик синдроми: ҳазм бўлмаган овқат зарралари бўлган, бироқ шилимшиқсиз, кўпинча бадбўй, газ пухакчалири бўлган бўтқасимон ич келади (суткасига 15—20 мартағача), полифекалия хос;

— сўрилиш етишмаслиги синдроми, бу бемор гавдаси оғирлигининг қахексиягача камайиши, ҳолсизлик, иш қобилияти пасайиши.

2. Органлар ва системалар бўйича кўздан кечириш:

— меъда-ичак йўли: глюссит ҳодисалари, милк қонаши, ангуляр стоматит, эзофагит, тилни караш қоплагани, метеоризм белгилари, киндик атрофида, йўгон ва кўричак соҳаси йўли бўйлаб оғриқ, сув чайқалиши шовқини (тез-тез қўзиб узоқ кечганда);

— жигар: реактив ёки иккиламчи гепатит оқибатида унинг катталашуви, жигар турли функцияларининг бузилиши мумкин;

— юрак-томирлар системаси: юрак чегаралари кенгайиши, юрак учидаги бошқа нуқталарга ўтмайдиган (анемик) систолик шовқин, брадикардияга, гипотензияга мойиллик, веноз босим пасайиши, ЭКГ да тегишли ўзгаришлар ва миокардиодистрофиянинг бошқа аломатлари;

— нерв системаси: сержажиллик, уйқу бузилиши, хотира сусайиши, маъюслик ҳолати, камдан-кам ҳолларда диэнцефал синдром белгилари;

— эндокрин системаси: касалликнинг узоқ вақт кечадиган, оғир ҳолларида қандсиз диабет ҳодисалари, ҳайз цикли бузилиши, климакснинг барвақт бошланиши, қалқонсимон ва қалқонсимон олди безлари ғункциясининг пасайиши, гипофизар етишмовчилик;

— бошқа органлар томонидан юз берадиган патологик ўзгаришлар тегишли текшириш методлари билан аниқланади.

IV. Лаборатория, рентгенологик ва бошқа қўшимча текшириш методлари маълумотлари:

— периферик қон — гипохром анемия, ўртача нейтрофил лейкоцитоз ва СОЭ ошиши, эозинофилия бўлиши мумкин;

— аллергик этиологиясида В₁₂-танқислиги анемияси белгилари камроқ кузатилади ёки анемия аралаш характерда бўлади;

— меъда суюқлиги — суб-ва анацид ҳолат типи бўйича секретор етишмовчилик кўрсаткичлари, ахиля;

— копрологик текширув: ахлат массаси ўзига хос сарғиш («тилла ранг») ёки «чиринди» кўринишига эга, яллиғли элементлари (шилимшиқ ва лейкоцитлар) кўп. Аксари йодофил флора, шунингдек эритроцитлар миқдорининг кўплиги аниқланади. Микроскопик текширишда хроник энтерит учун ҳазм бўлмаган овқат қолдиқлари (лиэнтерия), нейтрал ёғ томчилари (стеаторея), ёғ кислоталари ва эримайдиган совун кристаллари, мушак толалари (креаторея), ҳужайрадан ташқаридаги озод крахмал (амилорея) борлиги хос;

— биохимиявий силжишлар: гипопротеинемия, диспротеинемия, ёллар, витаминлар камайиши, сидеропения, сўрилишнинг пасайиши;

ши ва ахлат билан макро- ва микроэлементлар ажралишининг ошиши, ичакнинг фермент ажратиш функциясининг бузилиши:

— хроник энтеритнинг рентгенологик манзараси аксарият ингичка ичак бўйлаб барий аралашмасининг тез жойланиши кўрилади, кўпинча шиллиқ парданинг қалинлашган, шиштан бурмалари ёки уларнинг атрофияси кўриниб туради;

— йўғон ичакни рентгенологик текшириш (ирригоскопия) — перистальтикацинг тезлашуви ёки секиналашуви кўринишидаги функционал бузилиш, ичак деворининг тезлашган гаустрацияси, спастик қисқариши, атонияси. Оғир ҳолларда — ичак бўшлигининг чандиқли яллиғланиб торайипи;

— ректороманскоопия — морфологик ўзгаришлар даражасини батағсил ўрганиш, эрозиялар, полиплар ва яраларни аниқлаш имконини беради, шунингдек биопсия учун материал олиш, бактериологик текширишга (шилимшиқ, йиринг) керакли жойдан материал олиш мумкин.

Хроник энтероколитларнинг кечини варианлари. Энтероколитларнинг кечини сабаб бўлган омилга, қаерида жойлашувига ва ичакдаги анатомик ўзгаришларнинг чуқурлигига боғлиқ. Жараён аксарият ёзда парҳез бузилиши, бошқа инфекциялар, ҳар хил паразитлар ёки касб-корга тааллуқли зааралар моддалар қўшилиши сабабли ёки кўриниб турадиган сабабларсиз қўзийди.

Касалликнинг оғир-енгиллигига кўра учта даражаси фарқ қилинади:

— енгил даражаси — беморнинг умумий ҳолати ўзгармаган, ичак функцияси унчалик қаттиқ бузилмаган, оғриқ синдроми бўл-маслиги мумкин ёки кучсиз ифодаланган, кам қўзиб туради (йилига 2—3 марта), меҳнат қобилияти одатда сақланиб қолган;

— ўртача даражаси — умумий ҳолат, диспептик ҳодисалар ёмонлашган, ориқлаш ўртача, копрологик ва бошқа ўзгаришлар билинарли, оғриқ синдроми, тез-тез (йилига 4—5 марта) қўзиб туриши, астенизация ва б.;

— оғир даражаси — касалликнинг субъектив, объектив, копрологик ва бошқа белгилари кўпроқ юзага чиққан, қўзиб туриши кўпроқ ва давомлироқ (йилига 6—7 мартадан кўп), узоқ вақтгача ич кетиши (суткасига 6—8 марта ва бундан ортиқ), доимий кучайган оғриқ синдроми, оралиқ алмашинувининг чуқур бузилиши (оқсил, ёғ, углевод, витамин, минерал алмашинуви), тобора ориқлаб кетиш, бошқа органлар (меъда, жигар, меъда ости бези) заараланиши аниқланади, анемиянинг ҳар хил формалари, гипопротеинемик шишлар, бемор психикасининг астенизацияси ривожланади.

Асоратлари турли-туман, касалликнинг кечишига, энтероколит пайдо қилган сабабга, жараённинг қаерда жойлашганига, ичакнинг заараланиш даражасига, иқлим-географик шароитларга ва бошқаларга боғлиқ: қора ва буғдой нон, сут ва сут маҳсулотлари ёқмаслиги; дисахаридаза етишмовчилиги, ахлоргидрия, ахилия, темир,

мис, марганец, кальций, фосфор кабилар етишмаслиги, гипоальбуминемия, гипохолестеринемия; гипохром, гиперрегенатор анемия, макроцитар, гиперхром анемия бўлиши мумкин; полигиповитаминоз, гипотензия; эрозиялар, яралар, полипоз; малигнизация, қон оқиши, перивисцеритлар (периколит ва б.).

Камдан-кам ҳолларда қисман стенозланиш, қисман тутилиб қолиш, пенетрация, перфорация, мегаколон, полисигмалар, девор ичи абсцесслари кузатилади (Меньшиков Ф. К., 1978).

Ўзбекистон (эҳтимол, бутун Ўрта Осиё) шароитида хроник энтероколит энтерит синдромининг устунлик қилиши билан ўтади, у нисбатан тез оқсил-витамин етишмовчилигига, турли анемия ҳолатларига, меъда секретор функцияси пасайишига, иккиламчи гепатитга, органларда дистрофик ўзгаришларга олиб келади (Харатъян А. М., 1972).

Диагностикаси. Энтероколитларни тўғри диагностика қилишда муваффақиятга эришиш учун йиғилган анамнезни таҳлил қилиш, касалликнинг кечиши, босқичи, жойлашуви ва жараённинг этиологиясига ва етакчи симптомлари: қоринда оғриқ синдроми, диспептик ҳодисалар, ич кетар, қабзият ва қуидаги касалликлар билан дифференциал диагностика ўтказишга боғлиқ;

— носпептический яралы колит билан. Тўлқинсимон, узоқ кечиши ва оғриқ синдроми, нисбатан ёмон прогнози билан ажралиб турди. Қон аралаш шилемшиқли, йиринг ёки соф қон аралашган суюқ ич тез-тез кетиб турди, иситма, гемограммада силжишлар ва б. Жараён аксарият сигмасимон ва тўғри ичакда жойлашади. Эндоскопияда шиллиқ парда шиши, яллиғли гиперемияси, йирингли-геморрагик қатламлар, эрозия ва ярачалар, репарация ҳодисалари ва склероз аниқланади;

— ингичка ва йўғон ичак ўスマлари билан. Ингичка ичак ўスマлари (хавфли ва хавфсиз) камдан-кам учрайди, ичак тутилиши ёки қон кетиши билан юзага чиқади. Йўғон ичакнинг хавфсиз ўスマлари кам учрайди, хавфли ўスマлари эса нисбатан кўп кузатилади. Шу билан бирга йўғон ичак раки аксарият 40—60 ёшдаги эркакларда учрайди ва кўпинча тўғри ичакда (ичак ракининг 3/4 ҳолларида), камроқ кўричак ва сигмасимон ичакда, йўғон ичакнинг бошқа бўлимларида бундан ҳам кам учрайди. Ичак ўスマлари ўзига хос, авж олиб кечиши, даво чораларининг фойда бермаслиги ёки кам фойда бериши, прогнознинг ёмонлиги билан ажралиб турди. Ичак патологиясига хос симптомлари бўлган 30 ёшдаги ва бундан ошган беморларда ахлат характеристи ўзгарган, ичак диспепсияси, қорин қулдираши, сув қуйилиши ва қоринда бошқа ёқимсиз сезгишлар, энтероррагия бўлганда, айниқса будар тенезма, қорин резистентлиги, изоҳлаб бўлмайдиган анемия ёки анемия, қоринда тутиб-тутиб оғриш, дам бўлиши ва газ йиғилиши кузатилганда ўスマлар ҳақида ўйлаш керак. Ичак ўスマси қўшимча текширув методлари (ирригоскопия, ректороманоскопия, биопсия материалини, йиринг, шилимшиқни текшириш) билан тасдиқланади ёки истисно қилинади;

- ўткир энтероколит; бижғиш ва чириндили диспепсия билан;
- гастроген ич кетар (гипо-анацид ҳолат) билан;
- меъда ости бези касалликлари билан;
- ичак липодистрофияси (Уиппл касаллиги) билан;
- ичак сили; хроник дизентерия билан;
- Гиршпрунг касаллиги, ичак дивертикули билан;
- йўғон ичак дискинезияси, дуоденитлар билан;
- Қрон касаллиги (терминал илеит) билан;
- дисахаридоза-танқис энтеропатияси билан;
- глютен касаллиги, спру билан;
- ичак оқма яралари, ингичка ичак флегмонаси ва қорин бўшлиги органларининг бошқа хирургик патологияси билан;
- функционал характердаги қабзиятлар билан.

Диагнознинг таҳминий таърифи: 1) келиб чиқиши жиҳатдан паразитар (лямблиоз) хроник энтероколит қўзиши, ўртача оғирликда кечиши, компенсация фазасида; 2) ноаниқ этиологияли хроник энтероколит, кам қўзиши, ичак ҳаракати функциясининг ўртача бузилиши ва оғриқ синдроми билан, компенсация фазасида; 3) хроник постдизентерия энтероколити, тез-тез қўзиб туриши, ичак абсорбцион, фермент ҳосил қилиш функциясининг бузилишлари, темир тапқислиги анемииси билан, декомпенсация фазасида. Асоратлари: хроник панкреатит меъда ости бези ташқи секретор функциясининг бузилиши билан, озиг кетиши.

Д а в о л а ш

1. Касаллик қўзиган даврда bemорги касалхонага ётқизиш керак.

2. Парҳез билан даволашга катта аҳамият берилади, ёғли гўшт, дудлангац, тузланган маҳсулотлар, ёғ, ширинлик қўшилган пирог, кремли нирожний, йирик тортилган ундан ёнилган нон, алкоголь истеъмол қилиш тақиқланади, хом сабзавотлар, мевалар, дуккаклилар, винобоп мевалар, углеводлар, ёғлар чегараланади. Певзнер бўйича № 4, 4а, 4б, 4в парҳез овқатлар (диеталар) тайинланади.

СССР МФА Овқатланиши институти сўнгги ўн йил ичидаги касаллик қўзиган даврда қаттиқ чегаралангандаги ремиссия даврида кенгайтирилган парҳез овқатларни тавсия қилган (Меньшиков Ф. К., Рустамов Б. Р., 1978):

— энтероколит қўзигандаги bemорга тайинланадиган парҳе (кунлар бўйича тузилган):

Бир кунга 300 г оқ нон

Соат 8 да — гўштили паштет (60 г гўшт, 5 г мой), ээзилтириб пиширилган гуруччи бўтқа (150 мл дан сут ва сув, 5 г дан шакар, 50 г гуруч), чой билан қанд

Соат 11 да — ётсиз ээзилган творог (200 г), печда пиширилган олма (150 г) ва қанд (5 г).

Соат 15 да — думалоқланган қиймали бульон (75 г гўшт, қўқатлар ва мой 5 г дан), бугда пишган гўштили котлетлар (125 г гўшт, 5 г мой, 20 г нон),

картошка пюреси (150 г картошки, 5 г май, 50 мл сыв), желе (20 г қанд, узум шарбати 50 г, желатина 3 г).

Соат 17 да — чала пишган тухум, наъмматак дамламаси 200 мл.

Соат 19 да — манная ёрмали пудинг мевали қайла билан (100 мл сут, сметана, картошка уни, сариёг, 5 г дан, чоракта тухум, қанд 15 г, манная ёрмаси 50 г, олхўри 10 г). Қайнатилган балиқ (150 г судак, 5 г сариёг) ёки 2 дона тухум.

Соат 20 да — кисель (шакар 20 г, картошка уни 10 г, узум шарбати 20 мл);

— энтероколит қўзимаган даврда беморга тайинланадиган парҳез;

Бир кунга 300 г оқ ион, 40 г қанд, 10 г май.

Соат 8—9 да — икки дона тухум ва гўштдан тайёрланган оқсилли омлет, печда пиширилган (2 та тухум, гўшт 70 г, сут 50 мл, сметана 10 г, май 2 г), мания бўтқаси (манная ёрмаси 50 г, сут 75 мл, май ва қанддан 5 г дан), чой.

Соат 11—12 да — шўр бўлмаган пишлоқ (55 г).

Соат 14—15 да — товуқ бульонидаги угра (ун 40 г, боси пиёз 10 г, сабзи 25 г, қайнатилган товуқ — 250 г, сметана 15 г, май 10 г, уни 8 г, чоракта тухум), картошка пюреси (картошка 150 г, сут 50 мл, май 5 г), олма жеlesи (олмалар 50 г, қанд 20 г, желатина 3 г).

Соат 16—17 да — қотирилган ион ва ширич чой.

Соат 19—20 да — қайнатилган гўшт, сабзи пюреси билан (сабзи 150 г, сут 60 мл, гўшт 55 г, уни ва май 5 г дан), олмали пирог (ун 50 г, олмалар 75 г, май 10 г, шакар 20 г, сут 25 г, чоракта тухум, ачитти 4 г).

Соат 21—22 да — кисель (мева шарбати 50 л, шакар 20 г, картошка уни 10 г).

Унинг таркибида оқсиллар 123 г, ёғлар 87 г ва углеводлар 436 г.

— энтероколитли бемор учун углеводлари чегараланган парҳез (оқсиллар 136 г, ёғлар 109 г ва углеводлар 203 г). Бўлиб-бўлиб овқатланиш режими (кунига 6 марта).

— оқсил миқдори кўп парҳез (оқсиллар 144 г, ёғлар 110 г ва углеводлар 200 г). Бўлиб-бўлиб овқатланиш режими (кунига 6 марта).

3. Дори-дармонлар билан даволаш:

— антибактериал препаратлар (таъсир доираси кенг антибиотиклар, энтеросептол, интестопан, мексаформ, мексаза, дисбактериозни йўқотиш учун — колибактерин, бифидумбактерин, бификол ва б.);

— ҳазм ферментлари препаратлари (абомин, панзинорм, форте, фестал ва б.);

— битирадиган ва ўраб оладиган моддалар (висмут нитрат асос, кровохлебка илдизпояси ёки илдизи дамламаси, далачой ўти, ольха ғурралари дамламаси, баъзан холинолитиклар — белладонна, атропин, метацин билан);

— қорин дам бўлганда — активланган кўмир, ялпиз барги, мойчечак гуллари дамламаси ва б.;

— касалликнинг сўрилиш етишмовчилиги ҳодисалари билан ўтадиган оғир ҳолларида такроран гемотрансфузия, плазма, оқсилли препаратларни венага қуиши, анаболик стероидлар — метендростенолон, ретаболил ва б.;

— узоққа чўзиладиган қабзиятли хроник колитларда, спастик колитда клетчаткаси мўл овқат, холинолитиклар, миотроп спазмолитиклар, йўғон ичак атонияси ҳолларида эса — даволаш физ-

культураси, қорин массажи, сурги воситалар, даво микроклизмали-
ри тавсия қилинади;

— гипо-авитаминоз ҳодисаларида В₁, В₂, В₁₂, А, К витаминла-
ри, фолат кислота ёки комплекс витаминылди препаратлар — пан-
гексавит, декамевит, ундевит ва б.;

— касалликнинг паразитар этиологиясида — паразитларга
қарши тегишли воситалар;

— меъданинг секретор этишмовчилиги бўлган ичак дисбак-
териози бўлганда (ингичка ичақда микроблар жуда кўп йиғилиб
қолганда) — мексаформ, мексаза, витаминлар, оқсили овқатлар,
тиамин ва никотинат кислота парентерал, энтеросептол, интесто-
пан, бактрим эса ичишга берилади;

— тенезмаларда (ҳожатга сохта истак пайдо бўлиши) ва ку-
чайган перистальтикада — реасек (ломотил) 1 таблеткадан сут-
касига 2—3 марта;

— меъданинг секретор этишмовчилиги билан ўтадиган гастро-
ген этиологияни энтероколитларда 25 кун мобайнинда 1% ли
никотин кислота эритмасини 1 дан 5 мл гача ва айни вақтда 1 мл
дан 5% ли тиамин эритмасини мушак орасига тайинланади,
5—6 кунлик танаффусдан кейин никоверин (никотинат кислота
билан папаверин) 1 таблеткадан кунига 3 марта (28—30 кун),
сўнгра яна никотинат кислота билан тиамин тайинланади. Даволаш
курси — 3—6 ой (Меньшиков Ф. К., 1978).

4. Физиотерапевтик муолажалар: ярми спиртли компресслар,
парафин аппликациялари, ичакни минерал сув билан ювип, озо-
керит, диатермия, индуктермия, ичакни чайиш, балчиқ апплика-
циялари ва бошқалар, санаторий-курортда даволац (Ессентуки,
Железноводск, Друскининкай, Пятигорск, Боржоми ва б.).

5. Диспансер кузатуви. Поликлиника—санаторий—поликлиника
босқичида даволаш—соғломлаштириш тадбирларини пухта ташкил
қилиш зарур. Диспансер кузатувининг асосий мақсади — касал-
лик қўзишининг олдини олиш, ремиссия даври ва беморларнинг
мехнат фоалияти давомлилигини ошириш ҳисобланади.

Тадбирлар планига шунингдек қайталаниб қолишига қарши
даволаш ўтказишни киритиш мумкин, уни йилига 2 марта (баҳор
ва кузда) 3—4 ҳафта мобайнинда тайинланади. Ҳазм жараёнлари-
нинг ифодаланган бузилишларида уни профилакторий, стационар
шароитида ёки поликлиниканинг гастроэнтерологик кабинетида
ўтказган яхши.

Профилактикаси: ўткир юқумли ичак ва паразитар касаллик-
лар, ҳазм органларининг токсиндан заарланишлари ва бошқа
патологияларининг олдини олиш ва даволаш, жараённинг авж
олиши, қўзишлар ва асоратларнинг олдини олиш учун яхши даво
қилиш; тўғри режим ва сифатли овқатланишга ва бошқа умумги-
гиеник чораларга амал қилишдан иборат.

Контрол саволлар

1. Организмда ичак функциялари тўғрисида тушунча (ингичка ва йўғон ичакники алоҳида).
2. Хроник энтероколит этиологияси ва патогенези (иқлим шароитлари, паразитар инвазиялар, ичак инфекцияларининг аҳамияти).
3. Касаллик классификацияси.
4. Жарабённинг жойлашувига кўра касаллик кечишининг клиник варианatlари ва хусусиятлари.
5. Диагностик мезонлар, қўшимча (айниқса копрологик) текшириш методларининг аҳамияти.
6. Диагнозни таърифлаш.
7. Кечиш варианtlари ва жараённинг қаерда жойлашганига кўра даволаш.
8. Профилактикаси, диспансер кузатувидан мақсад, гастроэнтерологик ихтиосолигидаги қайси санаторийларни биласиз.

ХОЛЕЦИСТИТЛАР

Таърифи. Холецистит — ўт пуфаги яллигланиши. Бирламчи (инфекцион паразитар ва аллергик келиб чиққан) ва иккиласми ёки қўшилиб келадиган холециститлар фарқ қилинади.

Клиник кечишига кўра холециститлар ўткир ва хроник (тошиз ва калькулез) турларга бўлинади. Стационарларнинг маълумотларига қараганда ўт пуфаги касалликлари билан касалланган беморлар ҳамма терапевтик bemорларнинг 3,3% (Мясников А. Л., 1956), 12,19% (Губергриц А. Я., 1963), 2,8% (Шварц Л. С., 1960), 10,5% ини (Вольский М. Е., 1955) ташкил қилган. Тошлар бўладиган холециститлар кўпроқ учрайди. Тошларни симптомсиз ташувчанлик, Кер маълумотлари бўйича, 90% ҳолларда, замонавий текширувлар бўйича 34,7—58% ҳоллarda кузатилган (Kozol, Horch).

Хирурглар С. П. Федоров, А. Д. Очкун (1934) тошларни холециститли bemорларнинг 60—90% ида, терапевтлар С. М. Рисс (1958), С. Г. Димов (1960) — 5,8—18% ида топишган. Бунинг сабаби шундаки, терапевтик клиникаларга асосан касаллик енгил кечадиган bemорлар ётқизилади ва уларда холецистография ҳамиша ҳам ўтказилавермайди. Холециститлар (айниқса калькулөз) эркакларга қараганда аёлларда кўпроқ кузатилади (2:1 дан 4:1 гача).

Еш улгайган сайин ўт тошларини топиш кўпаяди: болаларда жуда кам, эркакларда 10% ва аёлларда 30% ҳолларда топилса, кексалик ёшида ҳар қайси иккинчи—учинчи bemор ўт тошларини ташувчи ҳисобланади. Холециститлар ва ўт-тош касаллиги шаҳар аҳолиси орасида ҳам, қишлоқ аҳолиси орасида ҳам деярли бир хил микдорда учрайди. Касаллик аксарият уй бекаларида, камроқ қишлоқ аёлларида, ишчилар ва хизматчиларда қайд қилинади.

Клиник маълумотлар ва назарий билимларга асосланиб студент қуйидагиларни уddyalай олиши керак:

- 1) патологик жараённинг жойлашувини (жигар, ўт пуфаги, ўт йўллари) ва характеристики аниқлаши;
 - 2) қўшимча текширувлар (лаборатория ва инструментал) планини тузиши;
 - 3) батафсил диагнозни қўйидагилар асосида аниқлаши:
 - холециститнинг етакчи симптомлари ва синдромларини, уларнинг патогенезини билиш;
 - қўшимча текширув методлари натижаларини жамлай олишини билиш; унинг етакчи белгилари бўйича бошқа касалликлар билан дифференциал диагностика қилишни билиш;
 - 4) асосланган даволаш планини тузиш.
- Этиологияси.** Холецистит ривожланишида қўйидагилар муҳим аҳамиятга эга:
- турли-туман бактериал флора (ичак таёқчasi, ич терлама ва паратифоз таёқча, энтерококклар, коккли флора — стрептококк, стафилококк ва б.);
 - айрим вируслар (хусусан гепатит вируси);
 - ўт димланиб қолиши, тошлар борлиги ва ўт пуфаги ҳамда ўт йўллари дискинезияси;
 - паразитар инвазия — биринчи навбатда лямблиялар. Улар бевосита ўт пуфагини яллиғлантирмаса-да, бироқ ўт пуфаги дискинезиясини келтириб чиқариши ва шу тариқа бошқа агентлар (микроблар) қўзғатадиган яллиғланишни қувватлаб туриши мумкин, деб ҳисобланади.
 - тегишли шароитлар бўлганда (яратилганда) юқорига кўтариладиган инфекция (ичак таёқчasi);
 - фон ҳолати (меъда, меъда ости бези, ичак, жигар касалликлари),
 - қўшимча, мойил қиласидаган омиллар: ички органларнинг пастга тушиши, тез-тез ҳомиладор бўлиш, кам ҳаракат ҳаёт тарзи, ёғ босиш, ўткир ва ёғлиқ овқат ейиш, кўп овқат ейиш, совқотиш ва ҳоказо;
 - эмоционал омиллар, эндокрин ва вегетатив бузилишлар, қўшини органлардан келадиган турли хил рефлекслар таъсири остида ўт йўллари тонусининг ва ҳаракат функциясининг бузилиши (натижада тез-тез спазмлар, ўт димланиши ва иккиламчи инфекция қўшилиши юзага келади).
- Патогенези.** Холециститларнинг ривожланиши патогенезида қўйидагилар муайян аҳамиятга эга:
- бактериал флоранинг кириш йўллари: юқорига кўтариладиган (эндоген йўл — ичакдан); гематоген (қон томирлар бўйлаб узоқдаги соҳалардан, йирингли ва бошқа инфекция ўчоқларидан: тонзиллит, отит, синуситлар, аднексит, хроник аппендицит, остеомиелитлар ва ҳ. к.); лимфоген (лимфатик йўллар бўйлаб қўшини органлардан);
 - яллиғланиш жараёни борлиги, нерв аппарати функцияси бузилиши ва ўт димланиши ҳодисалари, камҳаракат ҳаёт тарзи,

текиши, ичкилик ичиш, ёғли, қовурилган ва шўр овқат ейиш, тез-тез ҳомиладор бўлиш, семиришга мойиллик ва б.

Патологик анатомияси. Хроник қайталанадиган холециститнинг асоратланмаган ва асоратлар билан кечиши фарқ қилинади (Федоров, С. П., 1934):

— асоратланмаган кечиши — ўт қопчаси пардаси силлик, гиперемияланган, девори қалинлашган, зич (бироқ шиллик парда атрофияси кузатилади), мушак қавати қалинлашган, чандиқли ўзгаришлар, юмалоқ ҳужайрали ва лейкоцитар инфильтрация ва б.;

— асоратланган кечиши — флегмонали ўзгаришлар ўт пуфаги девори бағрида абсцесслар ҳосил бўлиши, лейкоцитар инфильтрация кўпайиши, абсцесс ёрилиши ва чуқур яралар ҳосил бўлиши эҳтимол, пуфак ичи инфекция тушган ўт суюқлиги ёки йиринг аралаш суюқлиқдан иборат.

Клиник манзараси

I. *Субъектив маълумотлар, Шикоятлари:* ўнг қовурғалар остида, камроқ ҳолларда тўш ости соҳасида оғриқ, ўнг қурак, ўмров, елка бўғими ва елкага, камроқ чап қовурғалар остига ўтади; симиллаган (соатлаб, суткалаб, ҳафталаб), тўлғоқсимон оғриқ; у ҳаяжонланишда, жисмоний ҳаракатда, силкинишда, совқотишда, ёғли ва ўткиртаомлар, тухум ейилганда, совуқ ва газли ичимликлар ичилгандан кейин кучаяди; баъзан тана температураси кўтарилиши, қайт қилиш, кўнгил айниши, кекириш, ич кетар билан ўтади.

— диспептик ҳодисалар: иштаҳа ёмонлиги, кекириш, ич бузилиши;

— жаҳлдорлик, уйқу ёмонлиги, баъзан юрак соҳасида оғриқ (рефлектор стенокардия), меҳнат қобилияти пасайиши (кўп қўзиплар сабабли).

II. *Субъектив маълумотлар анализи* (шикоятлар, шу касаллик ва бемор ҳаёти анамнези).

III. Объектив маълумотлар

I. Умумий кўздан кечириш:

— беморнинг умумий ҳолати: асоратланмаган холециститда — асосан қониқарли, асоратланганда эса — ёмонлашади;

— беморнинг вазияти — хуруж вақтида мажбурий, хуружлар бўймаганда актив;

— бемор оғирлиги — нормал ёки озиб кетган;

— тери қопламлари рангпар бўлиши мумкин (жараённинг оғир-енгиллигига, температура реакцияси борлигига, жигар ҳолатига боғлиқ);

— тери гиперестезияси зоналари борлиги характерли — ўнг қовурғалар остида Захаръин—Гед зоналари, ўнг қурак остида.

2. Органлар ва системалар бўйича кўздан кечириш:

а) ўт пуфаги (баъзан пальпация қилинади): оғриқли нуқталар борлиги характерли;

— пальпация қилинганда ўнг қовурғалар остида, ўт пуфаги нуқтасида кучи ҳар хил даражадаги оғриқ;

— ўт қопчаси соҳасидаги оғриқ нағас олиш чўққисида кучаяди (Кер симптоми);

— ўнг қовургалар ости соҳасини уриб кўрилганда, айниқса нағас олиш чўққисида, қорин тараанг қилинганда оғриқ (Лепене белгиси);

— қорин тараанг қилинганда ёки чуқур нағас олинганда врачнинг пальпация қилаётган қўли ўт пуфаги тубига тегади, бу кескин оғриққа сабаб бўлади (Мерфи симптоми);

— баъзан ўнг томондан қовурға равоги бўйлаб уриб кўрилганда оғриқ кузатилади (Греков—Ортнер симптоми);

— тўш-ўмров-сўргичсимон мушак оёқлари орасидаги диафрагмал перв босилганда оғриқ пайдо бўлади (Мюсси симптоми ёки френикус-симптом);

б) жигар: у катталашуви, айниқса жигарнинг ўт пуфагига яқин қисми катталашуви мумкин ва реактив гепатитнинг бошқа белгилари;

в) меъда: гипо- ёки анацид ҳолат, диспептик ҳодисалар, ич бузилиши ва б.;

г) меъда ости бези: ферментатив функция бузилиши, меъда ости бези заарланишининг клиник белгилари;

д) нерв системаси: жаҳлдорлик, уйқусизлик, кайфият ёмонлиги, гипохондрия;

е) эндокрин системаси — аёлларда дисменорея ёки аменорея кузатилади.

IV. Қўйишмча лаборатория ва инструментал текшириш маълумотлари:

— умумий қон анализи — жараён қўзиган даврда лейкоцитоз, нейтрофилез чапга силжиш билан, гипохром анемия, СОЭ ошиши белгилари бўлиши мумкин;

— дуоденал зондлаш — «В» порцияси концентранган, лойқа, унда шилимшиқ, лейкоцитлар мўл, экинда ҳар хил флора, аксарият ичак таёқчаси, кокклар, лямблия цисталари бўлиши мумкин;

— холецистографияда: билитраст ёки билигност ичилгандан ёки венага юборилгандан кейин тошлар, битишма жараёнлари, ўт пуфаги деформацияси (ҳамма вақт эмас) борлиги аниқланади;

— бошқа органлар ва системалар томонидан бўладиган ўзгаришлар тегишли текшириш методлари билан аниқланади.

Хроник холециститнинг кечиши:

— латент (яширин) кечиши — диспептик ҳодисалар, тана температурасининг субфебрилитет кўринишида вақти-вақтида ошиб туриши;

— йиринг — ярали кечиши — камроқ учрайди, кескин интоксикация билан оғир кечади, эт увишади, гипертремия, анемия, ҳолисзланиш билан ўтади, перитонит билан оғирлашиши мумкин.

Асоратлари: ангioxолит, жигар заарланиши (гепатит, жигар циррози), жигар абсцесси, панкреатит, ўт пуфаги ёрилиши, перитонит, сепсис, ўт йўли оқма яралари ва б.

Дифференциал диагностикаси. Хроник холециститни қўйидаги касалликлар билан дифференциал диагностика қилиш зарур:

— ўткир холецистит билан: унинг катарал, йирингли ва гангреноз формалари фарқ қилинади. Касаллик ўнг қовургалар остида хуружсимон қаттиқ оғриқлар бўлиши, оғриқнинг типик тарқалиши, эт жунжикиши, қусиши, метероизм, гиперлейкоцитоз, билирубинемия, уробилинурия билан ўтиши, склераларда субиктерицлик пайдо бўлади ёки тери қопламлари саргимтир тусга бўялади. Ўткир холециститнинг йиринг-флегмонали ва гангренали формаларида беморларнинг аҳволи кескин ёмонлашади, кескин интоксикация, тегишлли симптоматика билан сепсис белгилари бўлади. Ўткир холецистит хроник туридан ўзининг кечиши, ўткир бошланиши, беморлар умумий аҳволининг оғирлиги билан фарқ қиласди;

— ўт-тош касаллиги билан: у ўт ёки жигар санчиғи типи бўйича вақти-вақтида хуружсимон оғриқлар пайдо бўлиши билан ўтади. Симптоматикаси ўткир холециститдан ёки хроник (тоҳсиз) холециститдан унчалик фарқ қилмайди, бироқ ўт-тош касаллиги ўзига хос кечиб, механик сариқлик белгиларини эслатади (билирубинемия бевосита билирубин ҳисобига, билирубинурия, сийдикда оғриқ хуружлари билан боғлиқ уробилин бўлмаслиги, ахлатда—стеркобилин бўлмаслиги). Холецистография ўтказиш ва касаллик динамикаси устидан кузатиш диагностикага ёрдам беради;

— ўт пуфаги ва ўт йўллари дискинезияси билан: бундай ҳолат ўт пуфаги ва йўллари моторикасининг бирламчи (нейрогуморал регулятор механизmlар бузилиши) ёки бошқа касалликлар фонида висцеро-висцерал рефлекс типи бўйича бузилишлари натижасида пайдо бўлади. Дискинезия ички органларнинг функционал касалликлари гуруҳига киради ва аксарият аёлларда учрайди. Симптоматикаси хроник холециститдан деярли фарқ қилмайди. Ўнг қовургалар остида, ўт пуфаги нуқтасида оғриқ пайдо бўлиши унинг спазмга учраши, ҳаяжонланиш, руҳий кечипмалар билан боғлиқ ва баъзан юрак тўхтаб қолгандек сезги ёки юрак уриши, қўл-оёқларнинг увишиб қолиши, қўрқув, сийдик тутилиб қолиши билан ўтади; ҳайз кўриш бузилиши, гипо- ёки гипертриеоз камроқ кузатилади. Дискинезида склералар субиктерицлиги ва реактив белгилар—лейкоцитоз, гипертермия бўлмайди, седатив воситалар ичилгандаң кейин ёки дори-дармонлар ичилмаса ҳам беморларнинг аҳволи яхшиланади ва оғриқ синдроми камаяди;

- меъда ва ўн икки бармоқ ичакнинг яра касаллиги билан;
- меъда ости бези касалликлари (панкреатит ва б.) билан;
- сийдик-тош касаллиги (буйрак санчиғи) билан;
- ўткир ашенидицит билан;
- диафрагмал плеврит билан;
- миокард инфарктининг атипик формаси (*Status gacralgicus*) билан.

Диагнознинг тахминий таърифи: 1) хроник қайталанадиган холецистит қўзиши. Реактив гепатит. Қўшилиб келган касаллик — хроник тонзиллит; 2) хроник (калькулез) холецистит. Қўшилиб

келган касаллик — хроник анацид гастрит. Хроник гайморит; 3) ўт пуфаги дискинезияси. Аралаш тип бўйича вегето-томирлар дистонияси.

Даволаш

1. Ўткир холециститда ва хроник холецистит қўзиганда;
 - беморларни касалхонага ётқизиш;
 - парҳез режимига риоя қилиш (парҳез № 5 а, 4—6 марта овқат ейиш, минерал сувлар — Ессентуки № 4,17 ва б.;
 - антибактериал терапия — сульфаниламид препаратлар, антибиотиклар — пенициллин, ауреомицин, сигмамицин, левомицетин ва беморларнинг антибиотикларга сезигирлигига кўра бошқа хиллари;
 - зарурат бўлганда операция йўли билан даволаш (холециститнинг йиринг-флегмонали ва гангренали формаларида);
 - дуоденал зондлаш: тиубажжлар — 3—5 кунда бир марта зонд орқали 50 мл 25% ли магнезия сульфат әритмаси юбориш, унитортиб олиш (даволаш курси 8—10 марта ювиш); аксарият зондсиз зондлаш қўйланилади.
2. Холециститнинг ҳамма формаларида, вариантларида, шунингдек дискинезияларда ва ўт-тош касаллигида кўрсатмалар бўйича қўйидагилар тавсия қилинади:
 - оғриқ синдромини йўқотиш учун — атропин, платифиллин, но-шпа, бъязан промедол, омнопон, морфин ва бошқа оғриқ қолдидрагидиган ва спазмолитик препаратлар;
 - холеретиклар ва холекинетиклар: холензим, аллохол, холецин, хологон, доривор гиёҳлар (бўйзоч, маккажўхори попуги, ялпиз, наъматак), холелитин, олиметин, холагол ва б.
3. Умумий қувватлантирадиган дорилар:
 - В, С, К ва бошқа турархдаги витаминалар комплекси;
 - организмнинг ҳимоя кучларини ошириш учун; алоэ экстракти, метилурацил ва б.;
 - аллергиқ компонентлар бўлганда: димедрол, супрастин ва б.;
 - бемор ориқлаб кетган ҳолларда — оқсил препаратлари, плазма, глюкоза, инсулин, гамма-глобулин қўйиш ва б.

4. Тез-тез қўзиганда ва терапевтик (консерватив) даво методлари наф бермагандага операция қилишга тўғри келади (холецистэктомия, холецистостомия).

5. Физиотерапия — ўнг қовургалар ости соҳасига грелка, иссиқ буглаш, парафин апликацияси, диатермия, УВЧ, новокайн ва магнезия сульфат электрофорези.

6. Асоратларини даволаш ва симптоматик даволаш (бошқа органлар томонидан ўзгаришлар бўлганда).

7. Диспансер кузатуви.

8. Санаторий-курортда даволаш. Ессентуки, Железнодорск, Трускавец, Карлови Вари, маҳаллий қурортлар.

Профилактикаси: хроник инфекция ўчоқларини (тонзиллит, отит, кариоз типлар ва бошқа этиологик омиллар) ўз вақтида даволаш;

хроник асоратланмаган холециститни ўз вақтида этиопатогенетик даволаш; овқатланиш, уйқу, дам олиш режимига амал қилиш, зарарлы одатларнинг олдини олиш (ичкилик ичиш, ўткир ва ёғлиқ таомлар, чекиш каби); умумгигиеник, соғломлаштириш тадбирлари.

Контрол саволлар

1. Холециститлар этиопатогенезига ҳозирги замон ғани нуқтаи назаридан қараш.
2. Асоратланмаган хроник холециститнинг диагностик мезонлари.
3. Ўткир ва калькулез холециститлар диагностикаси.
4. Асоратланган холециститни даволаш тактикаси.
5. Хроник холециститларни даволаш тактикаси (қўзиш ва ремиссия даврида).
6. Ўткир холециститда ва ўт-тош касаллиги хуружларида терапевтинг тактикаси.
7. Профилактика чоралари (санитария тарғиботи — заарарли одатлар, овқатланиш режими тўғрисида ва ҳ. к.).

Хроник гепатит

Таърифи. Хроник гепатит — жигар паренхимаси, унинг мезенхимаси (стромаси) ва томирларининг хроник заарarlаниши бўлиб, морфологик ўзгаришлари жиҳатидан ҳам, клиник манзараси бўйича ҳам, ривожланиш хусусиятлари бўйича ҳам ғоят турли-туман касалликлар гуруҳидир. Бу группага турли морфологик формалари: диффуз ва ўчоқли, асосан гепатоцеллюляр ва мезенхимал, яллиғи ва дистрофик (дегенератив) формалари киритилган. Хроник гепатит — жигарнинг кенг тарқалган, ҳамиша ҳам аниқланавермайдиган ва рўйхатга олинавермайдиган хроник касаллиги, у ўткир вирусли гепатит билан бевосита алоқадор бўлганидан ва аксарият циррозга айланмай кўп йил кечишидан, ҳатто соғайиб кетиш мумкинлигидан катта аҳамиятга эга. Бу жигарнинг авж олиб борадиган ёки барқарор заарarlаниши, клиник жиҳатдан астеновегетатив диспешентик ёки холестатик синдром билан ифодаланади. Стандартланган номенклатура ва халқаро мезонларга биноан хроник гепатит — жигарда камида б ой давом қиласидиган яллиғланиш жараёни бўлиб, у жигар циррозига айланishi мумкин.

Унинг ривожланишига ўткир вирусли гепатит (асосий сабаби), токсинли, токсин-аллергик омиллар, ичкилик, меъда-ичак йўллари, ўт пуфаги каби касалликлар олиб келиши мумкин. X. X. Мансуров (1963) маълумотларига кўра ўткир вирусли гепатитдан кейин хроник гепатит ривожланиши 85 % ҳолларда, А. Ф. Блюгер (1981) маълумотларига кўра — 65 %, С. Д. Подимова (1984) — 62,5 % ҳолларда қайд қилинган. У А ҳам эмас, В ҳам эмас, гепатитлардан кейин энг кўп, камроқ — А ва В гепатитлардан кейин пайдо бўлади. Шу билан бирга хроник гепатит ўткир вирусли гепатитнинг енгил формалиридан кейин 27,3 % ҳолларда, оғир ва сариқликсиз билан ўтадиган

формаларидан кейин 52,3 ва 73% ҳолларда ривожланади. Турли мамлакатларнинг статистик маълумотларига кўра хроник вирусли гепатит ҳамма хроник гепатитларнинг 43,6—58 дан 73% гача қисми-ни ташкил қиласди. Хроник гепатит билан ҳар ҷандай ёшдаги, бироқ асосан ёш одамлар (50 ёшгача — 75%), аксарият эркаклар касалланадилар.

Жигарнинг хроник диффуз яллиғланиш касалликларини классификация қилиш принципларидан бири этиологик принцип ҳисобланади. Е. М. Тареев (1965, 1975), Г. Маждраков (1975), Sherlock (1980), А. Ф. Блюгер, Э. З. Крупников (1975) классификациялари шунга асосланган бўлиб, улар хроник гепатитларнинг иккита асосий типини фарқ қиласдилар: мустақил касаллик сифатидаги хроник гепатит ва бошқа патологик жараёнлар йўлдоши сифатидаги синдроми.

Хроник гепатит масаласида нозологик мустақилликка эга жигар касаллигининг биринчи типи марказий ўрин тутади. Жигар касалликларининг 1974 йилда (Ақапулько, Мексика) ва 1978 йилда (ВОЗ¹) қабул қилинган халқаро классификациясида хроник гепатитни бўлишда деонтология нуқтаи назаридан бирмунча маъқул «хроник актив гепатит» атамаси афзал деб топилган.

С. Д. Подимова (1984) хроник гепатитнинг қўйидаги классификациясини таклиф қиласди:

Этиологик классификация:

- 1) вирусли А; В; А ҳам эмас, В ҳам эмас),
- 2) токсик,
- 3) токсик-аллергик (дорилардан),
- 4) алкогольи,
- 5) носпецифик реактив гепатит,
- 6) иккиласми билиар гепатит жигардан ташқари холестазда.

Морфологик классификация:

- 1) агрессив,
- 2) персистирлайдиган,
- 3) холестатик.

Клиник:

- 1) асли хроник актив гепатит,
- 2) люпоид (автоиммун),
- 3) суст кечадиган (хавфсиз),
- 4) холестатик.

Жигарнинг функционал ҳолатига кўра:

- 1) компенсацияланган,
- 2) декомпенсацияланган.

Хроник актив гепатитнинг иккита клиник вариантини кўздан кечирамиз:

— асли хроник актив гепатит асосан жигар белгилари билан;

¹ ВОЗ — жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти.

— хроник актив гепатит ифодаланган жигардан ташқары (люпоид) белгилар билан.

Сүнгги вақтларда хроник гепатитнинг антиген (HBs Ag)-мусбат ва антиген (HBs AgA) - манғий вариантларини ўрганишга катта аҳамият берилапти. Бунда чегара варианти тұғрисидаги масала — хроник персистирлайдиган гепатит билан хроник актив гепатит ўртасидаги оралиқ звено алоҳида ўрин тутади.

Клиник маълумотлар ва назарий билимларга асосланыб студент құйидагиларни уddaлаши керак:

1) асосий масалани аниқлаш: хроник гепатит — асосий касаллик, құшилиб келган ёки асорат;

2) жигар касаллігінинг характеристикин аниқлаш (яллиғли, дистрофикал, токсик ва ҳ. к.);

3) этиологик омиллар ва жигар ҳолатини мушкуллашырадыған құшилиб келадыған касалліктерни ҳисобга олиб, беморни текширишнинг асосланған планини тузиш;

4) құйидагилар асосида батағсиял диагнозни аниқлаш:

— касаллікнинг етакчи клиник белгиларини билиш;

— касаллікнинг асосий синдромлари патогенезини билиш;

— хроник гепатитларни уларнинг этиологиясына күра дифференциация қилишни билиш;

— касаллик асоратлари, натижаси, клиник вариантын аниқлаш;

— касаллик этиологияси, кечиши, жигарнинг функционал имкониятларини ҳисобга олиб, даволаш тадбирлари планини тузиш.

Этиологияси. Этиологик принцип бүйіча хроник гепатитларнинг құйидаги асосий группаларини фарқ қилиш мүмкін:

— инфекцион хроник гепатитлар — вирусли гепатитда ва бошқа инфекцияларда ҳамда паразитар касалліктерде (сил, захм, бруцелләз, безгак, эхинококкоз, тифлар ва б.);

— модда алмашинуви бузилишидан бўладиган;

— токсик (оғир металларнинг тузлари, бензол, углеводородлар, дори препаратлари, ўсимлик заҳарлари ва б.);

— токсик-аллергик ёки носпецифик реактив иммунология гепатитлар (посттрансфузион, зардоб);

— этиологик омиллар ғоят кўп сонли, яъни құйидагилар хроник гепатитта олиб келиши мүмкін: коллаген касалліктер, ўртача ўтқир септик эндокардит, юқумли мононуклеоз, интоксикация (эндоген ва экзоген), ҳазм органларининг хроник касалліктери ва б.

Патогенези:

— турли-туман этиологик омилларнинг таъсир механизми;

— организм реактивлиги ўзгариши, реинфекция, интоксикация давомлилигининг аҳамияти;

— буйрак ҳужайралари шикастланишида гуморал ва ферментатив силжишларнинг аҳамияти;

— иммун ва аутоиммун жараёнларнинг таъсири.

Патологик анатомияси:

- макроскопик — жигар катталашган, капсуласи қалпн тортган, зич ёки зичроқ консистенцияли (касаллик босқичига кўра);
- микроскопик — жигар эпителиал тўқимасида дистрофик ўзгаришлар, жараён диффуз харakterга эга, жигарнинг нормал тасвири ўзгарган, жигар тўқимаси қайта қурилган, некроз ўчоқлари, гепатоцитларининг некротик ўзгаришлари, фиброз борлиги ва б.

Клиник манзараси

I. Субъектив маълумотлар. Шикоятлари:

- ўнг қовургалар остида, тўш ости соҳасида оғирлик сезгиси;
- ўнг қовургалар остида, тўш ости соҳасида оғриқ, баъзан қучли оғриқ;
- қорин дам бўлиши, овқатдан кейин кўнгил айниши, вақти-вақтида ич кетиб туриши;
- иштача ёмонлиги, ёғлиқ овқатни кўтара олмаслик;
- баданда вақти-вақтида сариқлик, қичишиш пайдо бўлиши;
- озиб кетиш, баъзан гавда температураси ошиши;
- гипoadинамия сезгиси, ҳолсизлик ва тез чарчаш, айниқса эрталабки соатларда;
- бурун қонаши, танага тошмалар тошиши;
- бошқа органлар ва системаларнинг шикастланиш белгилари, интоксикациялар, асосий касаллик симптомлари.

II. Субъектив маълумотлар анализи (шикоятлар, ҳаёт ва турбемор ҳаёти анампези).

III. Объектив маълумотлар.

1. Умумий кўздан кечириш:

- ўриндаги вазияти актив, беморнинг умумий кўриниши — касаллик қўзиганда кучаядиган оз-моз сариқлик билан рангпарлик;
- беморнинг аҳволи — қониқарли ёки қўзиганда ўртача оғирликда;
- дистрофик ўзгаришлар, қашишиш излари, геморрагик тошмалар, қонталашлар бўлиши мумкин;
- озиб кетиш (тез-тез қўзиш билан узоқ вақт кечганда);
- склералар субиктериклиги, аниқ-равшан сариқлик (ҳамиша эмас, қўзиганда, актив гепатитда пайдо бўлади);
- «томир юлдузчалари», «жигар кафтлари» феномени кузатилиди;
- тана температурасининг вақти-вақти билан кўтарилиб туриши актив гепатит (ёки унинг қўзиши) учун ёки қўшилиб келган холецистит қўзиши учун хос;
- юз салқиган бўлиши мумкин (ифодаланган дистрофик ўзгаришлар бўлганда);
- гепатосplenомегалияда қорин катталашуви.

2. Органлар ва системалар бўйича маълумотлар:

- жигар — ўнг қовургалар остида оғриқ аниқланади, жигар юзаси одатда силлиқ, у катталашган, зичроқ консистенцияли, жигарнинг турли функциялари бузилиши;
- талоқ — аксарият катталашган (37,5—60% ҳолларда);

— юрак — миокардистрофия белгилари, унинг катталашуви, I тон сусайиши, функционал системолик шовқин, тахикардия, брадикардия, гипотензия кузатилади;

— бошқа органлар ва системалар томонидан ўзгаришлар гепатит этиологиясига, қўшилиб келадиган касалликлар ва уларнинг асоратларига боғлиқ.

IV. Лаборатория, биохимиявий ва бошқа қўшимча текшириш методлари маълумотлари:

— периферик қондаги ўзгаришлар — лейкопения, лимфоцитоз, тигохром (баъзан макроцитар) анемия, СОЭ ошиши (қўзишда ёки қўшилиб келган яллигланиш касалликлари бўлганда);

— сийдик томонидан ўзгаришлар касаллик фазасига боғлиқ (қўзиш — билирубинурия);

— биохимиявий маълумотлар: биохимиявий кўрсаткичларнинг тозага чиққанлик даражаси жараён фазасига (қўзиш ёки ремиссия) активлигига боғлиқ, умуман альдолаза, АСТ ва АЛТ активлигининг ошиши, АСТ/АЛТ коэффициенти ва холинэстераза пасайиши, аргиназа активлиги, зардоб темири миқдори ошиши, диспротеинемия — альбуминлар миқдори камайиши, α_2 - ва γ -глобулинлар даражаси ошиши, чўкма реакцияларнинг мусбат натижалари, бромсульфалиенинг 5% дан кўп тутилиб қолиши, бевосита ва билвосита билирубин ҳисобига гишербилирубинемия, жигарнинг бошқа функциялари ҳам бузилиши мумкин; микокардиодистрофия учун электрокардиографик белгилар хос;

— лапароскопия маълумотлари — «каттакон оқ» ёки «каттакон ола-була», аксарият регенерат тугуилари бўлган жигар аниқланади;

— пункцион биопсия маълумотлари — жигарда ферментатив ва оқсил силжишлари, деструктив ва яллигланиш силжишлари;

— сканирлаш маълумотлари — жигар ўлчамлари, шикастланган тўқима қисмлари аниқланади.

Кечини. Иккита асосий клиник-морфологик вариант фарқ қилинади: — кам актив (активмас), хавфсиз, персистирлайдиган: симптомсиз кечади ёки оз-моз клиник, биохимиявий ва бошқа белгилари бўлади. Қўзиши — жараён бемор айби билан бўлади — парҳез режими бузилиши, кўп овқат ейиш, заарли одатлар (чекиш, алкоголь, ўткир кучли овқатлар);

— актив агрессив (актив, авж олиб борадиган, қайталанувчи) хроник гепатит ифодаланган субъектив, объектив ва биохимиявий силжишлар, жигар қатор функцияларининг бузилиши, сариқлик, билинарли интоксикация белгилари билан намоён бўлади.

Е. М. Тареев, И. Е. Тареева (1984) маълумотларига биноан актив хроник гепатит қайталанганда диспептик ва оғриқ синдроми 72% bemорларда, астеновегетатив синдром — 47%, катарал — 13,9%, қичиниш — 7,3%, сохта-ревматик синдром — 6,1% да, жигар катталашуви — 64,7%, сариқлик — 51,6%, талоқ катталашуви — 35,6%, иситма — 28,2% да, томир юлдузчалари — 5,7% bemорларда қайд қилинган.

С. Д. Подимова (1984) кузатуви натижаларига кўра асли актив

хроник гепатит учун қўзиш даврида астеновегетатив бузилишлар (100% беморларда), ориқлаб кетиш (91%), жигар соҳасида оғриқ (84%), диспентик ҳодисалар (79%), қонашга ортиқча мойиллик (56%), жигар ва талоқниш катталашуви (100 ва 54%), томир юлдузчалари (81%), «жигар кафтлари» (59%), склералар сариқлиги (57%), сариқлик (11%), терида қичишиш (16%), температура ошиши (16%), артралгия ва миалгия (14 ва 5%) хос.

Sheriok (1980) хроник актив гепатитда патологик жараён активлигининг қўйидаги клиник мезонларини фарқ қиласди: астения, қайталападиган сариқлик, гепатомегалия, ўртача спленомегалия, гипертрансфераземия, гиперглобулинемия. Жигар хроник заарлашишининг прогнатик жиҳатдан оғир кечишининг мезонлари бўлиб Хошимото тиреоидити, носпецифик яраги колит, склеродермия, LE-ҳужайралар мавжудлиги каби симптомли бузилишлар хизмат қилиши мумкин, айрим ҳолларда эса оғриқ берадиган абдоминал синдроми, мушак синдроми, қандли диабет синдроми ва бошқалар кузатилади. Бундан ташқари, диагностикада патологик жараён активлигининг морфологик мезонларини ҳам назарда тутиш лозим.

Касалликнинг асоратлари ва оқибати. Айрим ҳолларда хроник гепатит бошланишидан унинг летал натижа билан тугашига қадар атиги 1—2 йил ва ҳатто бундан кам фурсат ўтса, бошқа ҳолларда бир неча ўн йиллар керак бўлади.

Касалликнинг асоратлари: жигар етишмовчилиги, гепатаргия; бурундан, қизилўнгач, меъда ва ичак варикоз веналаридан қон кетиши, тромбоз, айниқса қопқа венасининг асосий қисмидан; грипп, пневмония, сепсис, сил ва бошқа юқумли касалликлар қўшилиб келиши; ориқлаб кетиш; жигар циррозига айланиши; ракка айланиши ва б.

Дифференциал диагностикаси. Этиологиясидан қатъи назар, кўпчилик ҳолларда хроник гепатит ўзига хос шикоятлар, анампез, жигарда физикал (ўлчамлари, консистенцияси ошиши) ва функционал ўзгаришлар билан юзага чиқади. Дифференциал диагностикани гепатомегалия, спленомегалия, геморрагия, сариқлик синдромлари бўлган ҳамма ҳолларда ва жигар заарланиши билан ўтадиган ҳамма касалликларда: хроник лейкозларда (миелоид ва лимфоид лейкоз); лимфогранулематоз, лимфосаркоматозда; жигар ва қорин бўшлиги органлари ракида; «димланган жигар»да (юрак декомпенсацияси натижаси); ҳар хил этиологияли полисерозитларда; қорин бўшлигида ўсмасимон тузилма ёки «конгломерат» бўлган ноаниқ ҳолларда; безгак, бруцеллэз, висцерал лейшмациоз ва ретикулоэндотелиал системанинг бошқа систем касалликларида ўтказиши керак.

Диагнознинг тахминий таърифи: 1) хроник персистирловчӣ гепатит (вирусли гепатитдан кейин); 2) этиологияси номаълум хроник актив гепатит. Қўшилиб келган касаллик — ўт чиқарувчи йўллар дискинезияси. Асорати — миокардиодистрофия, НПА; 3) хроник токсик гепатит (захарланиш оқибати). Асорати — иккиламчи гипохром анемия; 4) хроник холецистит, холангит. Қўшилиб

желган касаллик — ичак лямблиози. Асоратлари — реактив гепатит. Даволаш ва профилактикаси. «Жигар циррозлари» га қаралсин.

Контрол саволлар

1. Жигар функцияси (уларни текшириш методлари).
2. Нормада билирубин ҳосил бўлиш схемаси (жигар патологиясида аҳамияти).
3. Дифференциал-диагностик мезонлар (хроник гепатитларда уларнинг аҳамияти).
4. Хроник гепатит этиопатогенезига ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан қарашиб, классификацияси.
5. Хроник гепатит клиникаси (формалари бўйича).
6. Хроник гепатит диагностикаси, кечиши, асоратлари.

ЖИГАР ЦИРРОЗИ

Таърифи. Жигар циррози органнинг талайгина морфологик ўзгарышлари, унинг ҳамма структуралари — жигар ҳужайралари, ўт йўллари, томирлари, ретикулоэндотелий, бирюктирувчи тўқимаси, жигарнинг сероз қоплами заарланиши билан ўтади. Унинг пайдо бўлишида ва авж олишида паренхиманинг ўзгаришлари — жигар ҳужайраларининг некрози ёки деструкцияси, орган нормал тузилишининг жигар тўқимаси туғуллари — регенераторлари ҳисобига ва портал майдонларини бўлаклар маркази билан боғлаб турадиган бирюктирувчи тўқима тўсиқлари ривожланиши ҳисобига қайта қурилиши асосий аҳамиятга эга бўлади.

«Геморрагик чап томонлама плеврит билан аспит, жигарнинг органик заарланишидан» ўлган беморни Лаениек (1819) тасвирлаб берган вақтни циррозни ўрганиш даврининг бошланиши деб ҳисоблаш расм бўлган: уни ёриб кўрилганда гёё кўп сонли майда доначалардан ташкил топган ниҳоятда кичрайиб қолган ва сариқ-жигар-ранг-кўкимтир тусдаги одатдан ташқари зич жигар аниқланган.

Жигар циррози бирмунча кам учрайдиган касаллик ҳисобланган. Ҳозирги вақтда унинг анчагина тарқалганилиги аниқ бўлиб қолди. Циррозга олиб келадиган сабаблар жуда кўп. Хроник гепатит пайдо бўлишида аҳамиятли бўлган этиологик омиллар жигар циррозларига ҳам бевосита алоқадор. Гепатит ва жигар циррози келиб чиқишида вирусли гепатитнинг ўз ўрни бор. Вирусли гепатитнинг циррозга айланиши 0,5—6% ҳолларда, Хитойда бундан ҳам кўпроқ: циррозга — 20%, хроник гепатитга ўтиш — 60% ҳолларда қайд қилинади. Бу масалани ўрганишда ватанимиз (С. П. Боткин, А. Л. Мясников, Е. М. Тареев ва б.) ва чет эл олимлари (Hanot, Kinage ва б.) кўп иш қилдилар.

Гастроэнтерологларнинг Гаванада (1956) бўлиб ўтган конгрессига биноан жигар циррозлари морфологик ва клиник белгиларига кўра портал, постнекротик, билиар, аралаш турларга бўлинади.

Ҳозирги вақтда жигар циррозларининг янги Халқаро классификацияси (Акапулько, Мексика, 1974) қабул қилинган, унинг асоси - морфологик ва этиологик принциплар ташкил қилади, бу принциплар бир-бирини түлдириб туради (ВОЗ, 1978).

А. Морфологияси бўйича:

1) регенерация тугунлари диаметри кўпи билан 3 мм бўлган макронодулляр (йирик тугунли); микроскопияда кўпинча септалар кўринади;

2) регенерация тугунлари диаметри 3 ммдан кам бўлган микронодулляр (майдага тугунли);

3) аралаш.

Б. Этиологияси бўйича:

1) вирусли гепатит (адабиётларда бундай ҳолларда баъзан «постботкин жигар циррози» атамаси ишлатилади);

2) алкоголь;

3) модда алмашинуви бузилишлари (мис, темир);

4) ўт йўллари касалликлари (жигар ичи- ва жигардан ташқари- даги);

5) токсинлар ва дори воситалари;

6) Бадда—Киари синдроми (эндофлебит ёки жигар веналари босилиши, устки кавак вена ўсмалари);

7) аутоиммун бузилишлар;

8) алиментар сабаблар;

9) криптоген (келиб чиқиши номаълум) 40% гача ва бундаш кўпроқ. Бирламчи билиар жигар циррози ҳам шунга киради.

Клиник маълумотлар ва назарий билимларга асосланиб студент қўйидагиларни билиши керак:

1) асосий жараённи аниқлаш (бу жигарнинг асли касаллиги ёки унинг заарланиши қўшилиб келган бўлади);

2) патологик жараён характеристини (яллиғли, дистрофик, токсик, ўсма) аниқлаш;

3) беморни текширишнинг асосланган планини тузиш;

4) қўйидагилар асосида узил-кесил диагнозни аниқлаш ва таърифлаб бериш:

— касаллик клиник белгиларини билиш;

— айрим симптомлари, синдромлари патогенезини (асцит, геморрагия, сариқлик ва б.), жигарнинг функционал ҳолатларини билиш;

— асосий жараённи қўшилиб келадиган касалликлардан ажратади билиш;

— касаллик кечишини (актив ёки ноактив цирроз), прогнози ва асоратларини аниқлаш;

5) этиологияси, кечиши, асоратлари, организмнинг интоксикациясини, жигар ва бошқа органларнинг функционал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда bemorни даволашнинг планини тўтири тузиш.

Этиологияси. Жигар циррози ривожланишида қўйидагилар муҳим роль ўйнайди:

— вирусли гепатит, хроник гепатитлар, ўт пуфаги, ўт чиқарувчи йўллар касалликлари;

- ҳар хил инфекциялар — захм, безгак, сил, бруцеллөз, сурункали септик эндокардит, сепсис ва б.;
- паразитар касалликлар — описторхоз, эхинококкоз ва б.;
- оқсил-витамин (танқислиги) омили, алкоголь, жигарнинг ёғ дистрофияси (юрак етишмовчилиги, тиреотоксикоз, қандли диабет ва б.);
- химиявий омиллар — хлороформ, углерод (IV)-хлорид, фосфор ва хлороганик бирикмалар, дори-дармонлар.
- токсик-аллергик ва иммунологик омиллар, ирсият;
- номаълум этиологияли циррозлар;
- токсик агентлар, ўсимлик заҳарлари, замбуруғлар (Тареев Е. М., 1966; Ханин М. Н., 1968; Абдуллаев Н. Ҳ., 1968);
- хроник энтероколитларда ва бошқа инфекцияларда озиб кетиш (Мансуров Ҳ. Ҳ., 1963).

Патогенези:

- этиологик омилларниң узоқ вақт таъсир қилиши;
- бириктирувчи тўқиманинг ўсиб қалинлашуви, бўлаклар структураси ва томирлар системасининг диффуз қайта қурилиши;
- портал гипертензия, асцит синдроми патогенези: қопқа вена нинг жигар ичидаги тармоқлари бўшаб қолиши патижасида пайдо бўлади. Қон қопқа вена илдизларида, меъда, ичак, меъда ости бези, талоқ, қорин пардаси веналарида йигилади. Портал гипертензия коллатерал қон айланиши ривожланиб, қон оқимининг устки ва пастки кавак веналар системасига йўналишига олиб келади;
- иммун ва аутоиммун жараёнлар таъсири, антиген-автоантитело-автоиммун агрессорлар комплекслари ҳосил бўлиши;
- жигар паренхимаси қон таъминотининг кескин ёмонлашуви, бу ишемик некрозларга, цирроз кучайишига олиб келади.

Ҳамма ҳолларда жигарнинг бўлаксимон тузилиши бузилади, кейинчалик авж олиши тугун регенерацияси ва жигарнинг томир ўзани қайта қурилишига боғлиқ, булар жигар циррозининг ҳамма турлари учун умуумий жараёплар ҳисобланади. Цирроз жараёни (унинг авж олиши) ўзига хос занжирли реакция: некроз—регенерация — томир ўзани қайта қурилиши — паренхима ишемияси—некроз типи бўйича кечади (Смагин В. Г., 1975).

Патологоанатомик манзараси. Жигар циррозларининг клиник (аниқроғи морфологик) типлари (формалари) га боғлиқ:

- макроскопик: жигар анчагина зичлашган, юзаси нотекис эгри-бугри, катталашган (аксарият аввалига) ёки кичрайган;
- микроскопик: дистрофик ўзгаришлар, яллиғли майда ўчоқли инфильтрация, некроз, фиброз ўчоқлари, фибробластлар пролиферацияси кучайиши ва кўп сонли коллаген толалар ҳосил бўлиши.

Морфологик манзара учта асосий жараён: жигар ҳужайралари дистрофияси ва некрози, уларнинг тугунли регенерацияси, бириктирувчи тўқима ривожланиши билан ажralиб туради.

Постнекротик (вирусли гепатитдан кейин) жигар циррозининг клиник манзараси.

I. Субъектив маълумотлар деярли хроник гепатитдаги каби
(асцит пайдо бўлгунча):

- ўнг қовурғалар остида, эпигастрал соҳада огирик, тўлиб-кетганлик сезгиси;
- вақти-вақтида «жигар санчиғи» типи бўйича кучли оғриқ;
- қорин дам бўлиши, диспептик ҳодисалар;
- кейинроқ қорин катталашуви;
- иштаҳа ёмонлиги, ич кетар билан алмашинадиган қабзият;
- склералар, тери қопламларида вақти-вақтида сариқ бўялиш пайдо бўлиши;
- тобора ориқлаб кетиш, тана қичишиши;
- вақти-вақти билан тана температураси кўтарилиб туриши;
- беҳоллик, иш қобилияти пасайиши, аксарият бўгимлар ва мушакларда оғриқ;
- таъсиранчилик, уйқу ёмонлиги;
- асосий касаллик ёки интоксикация ва улар асоратлари учун хос шикоятлар.

II. Субъектив маълумотлар анализи (шикоятлари, анамнези: этиологик моментларни ҳисобга олган ҳолда).

III. Умумий кўздан кечириши:

- беморнинг аҳволи — қониқарли, ўртacha огирикда, асоратлар ривожланганда эса — оғир;
- беморнинг ўриндаги вазияти — актив, асцитда — мажбурий;
- тери қопламлари оқарган, геморрагик ҳодисалар;
- тери қопламларида чуқур дистрофик ўзгаришларнинг белгилари, қайишқоқлиги пасайиши, тирналган излар, иккиламчи инфекция қўшилиши мумкин;
- бемор одатда озган, ориқлаган (касалликнинг охирги босқицида);
- склералар субиктериклиги, тери қопламларининг сарғимтирангга бўялганлиги (доимий бўлмаган симптом);
- қорин катталашган, киндик бўртиб чиққан, асцит аниқланади;
- кўкрак ва қорин девори олдинги-ёнбош юзаси веналари кенгайган — медуза боши (*Medusae caput*);
- шиш синдроми кузатилади;
- тана температураси кўтарилиши ($37-38^{\circ}$ гача) — допмий симптом эмас — актив жараён жигар ҳужайралари парчаланиши ёки уларнинг тезлашган регенерацияси, жигар антитоксик функциясининг кескин пасайиши билан боғлиқ бўлганда кузатилади;
- айрим жойларда мушаклар атрофияси, суяклар ўзгариши мумкин — суяк синиши, гиповитаминос белгилари, периферик, ичактутқиҷ, паратрахеал, бронхиал лимфатик тугунларнинг катталашуви кузатилади.

Жигар циррози учун «жигар стигматлари» (белгилари) хос:

- томир юлдузчалари (ўргимчаклари) — уларнинг ўлчами тўғногич бошчасидан то 0,5—1 см гача бўлади, аксарияти гавданнинг юқори қисмида — бўйин, юз, елка, панжа, орқада, камроқ —

Бурун (буруп қонаши), оғиз, ҳалқум шиллиқ пардаларида ва ахён-аҳёнда гавданинг қуиі ярмида пайдо бўлади:

— «жигар кафтлари» (оёқ панжасида камроқ) — кафтлар эритемаси — кафтлар типиқ-қизил диффуз бўялган, кафтлар одатда илиқ;

— «қип-қизил лаблар ва ёноқ соҳасида эритема» — одатда лаблар қизил, ялтироқ, оғиз шиллиқ пардаси қизил, тил «жигарнамо», ялтироқ ва малина рангида;

— ксантоматоз (сарғиш-жигар ранг) пилакчалар — қовоқлар, жафтлар, кўкрак, орқада ксантелазмалар, тиззада ксантомалар;

— бармоқлар «ногора чўплари» кўринишида ўзгарган, тирноқлар оқарган;

— эркакларда гинекомастия, жинсий ожизлик ва мояклар атрофияси ва аёлларда аменорея, туғмаслик сингари эндокрин бузилишларнинг белгилари, касаллик гўдаклик ёшидан бошланган бўлса — инфантлизм.

2. Органлар ва системалар бўйича маълумотлар:

— жигар — касалликнинг бошида катталашуви, кейинчалик тичрайиши мумкин, портал гипертензия симптомлари — асцит, ифодаланган коллатераллар — «медуза боши» — аниқланади;

— кўп ҳолларда талоқ ҳам пальпация қилинади, у зич бўлади;

— юрак миокардиодистрофия симптомлари — тонларнинг бўғиқлиги, систолик шовқин, гипотензия, касалликнинг кечиккан босқичларида тегишли клиник белгилар билан ўтадиган юрак-томирлар этишмовчилиги ривожланади;

— ўпка — димланиш сабабли хириллаган товуш, йўтал, аксарият ўчоқли пневмоция қўшилиши;

— меъда ва ичаклар аҳволи — диспепсия ҳодисалари, гипоанацид ҳолат, ахилия;

— буйраклар аҳволи — оз-моз протеинурия, микрогематурия, олигурия, буйракларнинг функционал бузилишлари (ифодаланган дистрофик ўзгаришлар ривожланганда);

— нерв системасининг аҳволи — уйқу ёмонлиги, алоқ-чалоқ тушлар кўриш, қўл бармоқлари титраши, полиневритлар;

— қон ивиши системаси ўзгариши — томирлардаги ўзгаришлар (ўтказувчаникнинг бузилиши), қон ивишининг бузилиши ва димланиш ҳодисалари билан боғлиқ бўлган милклар, бурун, меъда-ичак, қизилўнгаётган қон оқиши;

— аллергия аломатлари — дори-дармонлар ва айрим маҳсулотлар ёқмаслиги, әшакем, аллергик дерматит, ринит (иккиламчи инфекция);

— эндокрин системаси — гипохром анемия (баъзан макроцитар), лейкоцитопения, тромбоцитопения, СОЭ ошиши ёки секинлашиши (касалликнинг фазасига боғлиқ).

IV. Лаборатория ва бошқа тикишириш методлари маълумотлари:

— периферик қон ва сидикдаги ўзгаришлар;

— биохимиявий маълумотлар: гипопротеинемия, гипоальбуминемия, гипер-алфа- ва гаммаглобулинемия, альбумин-глобулин

коэффициенти пасайиши; чўкма реакцияларнинг мусбат натижалари, аспартатаминотрансфераза, аланинаминотрансфераза, альдоза активлигининг, қонда билирубин миқдорицинг ошиши, холинэстераза активлиги пасайиши, Квик—Питель ва бромсульфалиен синамалари мусбатлиги, кўпинчл гипо- ёки (камдан-кам) гиперхолестеринемия, холестерин эфирлари, қон протромбины, фибриноген, антитромбин, проконвертин даражаси пасайиши, гепарин, қон аминокислоталари миқдори ошиши, гипокалиемия:

— ЭКГ да — миокардиодистрофия, паст вольтаж, гипоксия ҳодисалари, ишемия бўлиши мумкин;

— қизилўнгач, меъда веналари кенгайиши, жигар, талоқ ва қорин бўшлигидаги бошқа органлар томонидан ўзгаришлар лапароскопияда, пункцион биопсияда, сканирлашда, рентгенологик ва бошқа текшириш методларида аниқланади.

Жигар циррози кечиши:

— эрта—ўткир гепатитдан кейин шаклланади;

— кечиккан — аста-секин ривожланади, циррознинг клиник белтилари ўткир гепатитни бошдан кечиргандан кейин 5—15 йил ўтгач кузатилади;

— яширин кечиши — шаклланиб бўлган цирроз клиник жиҳатдан юзага чиқмайди. Бу ҳолда компенсатор имкониятлар, жигар паренхимасининг шикастланмай қолган қисмлари муҳим ўрин тулади, одатда аутопсия вақтида аниқланади;

— хроник гепатит узоқ вақт хавфсиз кечгандан кейин (кечишнинг алоҳида тури) жигар циррози шаклланиши.

Жигар циррози айрим клиник формаларининг таърифи

1. *Постнекротик жигар циррози* асосан ўткир вирусли гепатит бўлиб ўтгандан кейин, камроқ токсиқ гепатит оқибатида ривожланади. Қасаллик умуман олганда хавфли (нисбатан) кечиши билан фарқ қиласи — одатда ҳамма маълум клиник-лаборатория белгилари билан жигар етишмовчилиги кўпинча ва эрта ривожланади.

Адабиётларда люпоид гепатит номини олган гепатит постнекротик жигар циррозининг алоҳида тури сифатида ажратилади. Бу жигарнинг сариқлик, иситма, қоринда оғриқ, гепатоспленомегалия, қон оқувчалиги, юқори гипергаммаглобулинемия, ифодаланган эндокрин бузилишлар ва қатор органлар ва системаларнинг систем қизил волчанкани эслатадиган авж олиб борадиган касаллигидир. Артропатия, серозит, асцит, ярали колит, буйрак етишмовчилиги, қуёп нурларига ва айрим дориларга ортиқча сезгирилк ҳодисалари, ёғ босиш, аменорея, гениталий гипоплазияси, ойсимон юз, гормонал терапиянинг яхши наф бериши хос.

2. *Портал жигар циррози* — касаллик ривожланишида қатор омиллар: алкоголь, меъда-ичак бузилишлари, витаминалар ва липотроп моддалар сўрилишининг бузилиши аҳамиятга эга. Қасаллик клиникасида иккита давр фарқ қилинади: биринчиси учун умуман хроник гепатит симптомлари хос бўлса, иккинчи давр учун тегишли белгилари билан асцит шайдо бўлиши хос.

3. *Билиар жигар циррози*. Бу қасалликнинг ривожланиши ўт

шуғагида, жигар ичидағы ўт йўлларида яллиғли жараёнлар ва ўт суюқлигининг оқиб чиқишига механик түсиқ (топ, ўсма, гижжа инвазияси, chanдиқли ўзгаришлар каби) борлиги натижасида ўт суюқлиги стази (димланиб қолиши) билан боғлиқ. Беморлар анамнезида ўнг қовургалар остида тез-тез қаттиқ оғриқ пайдо бўлиб туриши, тез вақт ичида йўқолмайдиган сариқлик учрайди. Меъда ва ичак диспепсияси, жигарнинг анча катталашуви хос, кейинчалик портал гипертензия симптомлари, қон оқиши, коллатераллар, қўл тирноқлари ва бармоқлари ўзгариши кузатилади. Асцит кейинроқ пайдо бўлади. Кечиши давомли, 10 йилгача ва бундан кўпга чўзилади. Прогнози нисбатан яхши.

Гано типидаги бирламчи билиар жигар циррози камдан-кам учрайдиган касаллик ва асосан йигитлик, павқиран ёшда учрайди. Касаллик клиникасида иккита давр фарқ қилинади: биринчиси учун доимий бўлмаган, иккинчиси учун эса доимий сариқлик хос. Касаллик турткисимон (пароксизмлар билан) кечади. Касалликнинг биринчи даврида ҳар бир пароксизм (қўзиш) озми-кўпми даражадаги сариқлик, талоқ ва жигар катталашуви, тана температураси нинг бир оз кўтарилиши, диспептик ҳодисалар, умумий ҳолсизлик билан намоён бўлади. Касалликнинг иккинчи даврида сариқлик барқарор бўлиб қолади, жигар ва талоқ янада катталашади. Бундан ташқари, вақти-вақтида bemor ўт суюқлиги аралашиб қайт қиласади, айрим bemорларда бармоқлар «погора чўпи» га ўхшаб қолади, асцит, геморрагик диатез ҳодисалари ривожланиши эҳтимол.

Бирламчи билиар жигар циррозининг асосий белгиси сариқлик синдроми ҳисобланади. Бу патологияда сариқлик пайдо бўлишига иккита сабаб бор — механик ва гемолитик. Биринчиси ўт йўлларининг бириктирувчи тўқума билан босилишига, иккинчиси жигар ва талоқ ретикулоэндотелиал элементининг гиперплазиясига боғлиқ бўлади.

4. Жигар циррозининг аралаш формаси жараён этиологияси хусусидаги шубҳали ҳолларда диагностика қилинади. Хроник гепатитнинг клиник белгилари, кейинроқ жигар циррози белгилари билан характерланади.

Жигар циррозининг ҳамма формаларида жигарнинг оқсил ҳосил қилиш, углевод, антитоксик, фермент ажратиш, айриш ва бошқа функциялари озми-кўпми даражада бузилади.

Асоратлари: қон кетиши (меъда- ичакдан, геморроидал, қизилўнгач веналаридан); гепатаргия, томирлар тромбози; панкреатит, қандли диабет, юрак-томирлар етишмовчилиги; қахексия, суяклар синиши; ракка айланиш; иккиласмчи инфекция қўшилиши; ичак флегмонаси, сепсис, перитонит ва б.; меъданинг пептик яраси, пептик эзофагит, геморрагик гастрит.

Дифференциал диагностикаси. Айрим ҳолларда ўткир вирусли гепатитнинг сариқлик пайдо бўлмай кечиши, жигар циррозининг бошқа кўп сонли этиологик омиллари борлигидан диагностика қилиш мумкин эмас. Дифференциал диагностикада асосий белгилар — жи-

тарыңғатталашуви (бошланғич босқычларида), упинг функционал бузилишлари, қон кетиши, сариқлик, асцит ва б.

Жигар циррозини боя күрсатыб ўтилган симптомлар ва сипдромлар билан кечадиган: хроник лейкозлар, ўртача ўткир септиқ эндо-кардит, висцерал лейшманиоз билан; жигар раки ва эхинококкози, актиномикоз, абсцесс билан; ҳар хил этиологиялы хроник гепатит; жигар циррозининг латент (яширин) формаси; күп соңли ўchoқли жигар фибрози (Рандю—Ослернинг ирсий геморрагик телеангизтазияси ва б.); меланома, гемангиомада гепатомегалиялар билан; юракда қон димланишидан бўладиган жигар циррози, ҳар хил этиологиялы полисерозитлар билан дифференциация қилиш зарур.

Жигар цирролариининг дифференциал диагностикаси уларнинг этиологиясига кўра (сил, бруцелләв, токсик ва иммунологик циррозлар ва б.; «Этиологияси» бўлимига қаралсип) ўtkазиш лозим.

Хроник гепатит ва жигар циррозини даволаш. Терапиянинг таъсирчанлиги беморнинг интизомлилигига, унинг парҳезга риоя қилишига, жигар тўқимасининг шикастланганилик даражасига, касаллик босқычига, жараённинг кечишига (актив ёки активмас цирроз), бошқа органлар ва системаларнинг ҳолатига, жигар циррози этиологияси боғлиқ.

1. Специфик этиотроп даволаш, яъни асосий касалликни даволаш.

2. Патогенетик даволаш — гормонал препаратлар — преднизолон, дексаметазон ва иммунологик жараёнлар — антителолар ва атоантителолар ҳосил бўлишини сусайтирадиган, яллигланиш реакцияларини, фиброз тўқима ҳосил бўлишини камайтирадиган бошқа дори-дармонлар. Бу препаратларни тайинлашда индивидуал ёндошиш зарур. Стероид терапия қўлланиладиган ҳоллар:

— актив яллигланиш жараёни давом қилаётган хроник гепатитнинг бошланғич босқычлари;

— жигар ҳужайралари деструкцияси билан ферментларнинг активлиги, айниқса «люпоид» типидаги гепатит жигар ҳужайралари деструкцияси билан ўтадиган авж олиб борадиган актив (агрессив) гепатит ва жигар циррози;

— гиперспленизм ҳодисалари ва гемолитик анемия ҳодисалари билан ўтадиган цирроз;

— жигар ичи холестази, қичишишини камайтириш, атоиммун механизмларни йўқотиш мақсадида билиар цирроз билан кескин сариқлик;

— касаллик узоққа чўзилган ҳамма ҳолларда, бошқа даво тадбирлари наф бермаганда, кўрсатмалар бўйича гормонал воситалар билан бирга, айниқса актив хроник гепатитда, яллигланишга қарши иммун депрессив препаратлар, антиметаболик таъсири бор препаратлар (делагил, 6-меркаптурин, имуран, азатиоприн, левамизол, D-пеницилламид, интерферон, тестостерон, дианабол, ретаболил) тайинланади;

— айни вақтда липотроп моддалар — холин, липокайн, калий тузлари, антибиотиклар, оқсили препаратлар, плазма қўйиш, ан-

тианемин, сирепар, эссенциале, легалон, Лив—52 ва бошқалар таинланади.

3. Умуман қувватлантирадиган ва симптоматик воситалар — витаминлар В₁, В₆, В₁₂ С, викасол, глюкоза, инсулин, зарурат бўйгандан юрак дорилари ва сийдик ҳайдайдиган дорилар, ўт оқиб чиқшига ёрдам берадиган воситалар.

4. Парҳез билан даволаш — оқсил етарли миқдорда, туз, суюқликларни чегаралаш; витаминлари мўл овқат.

5. Диспансер кузатуви: жигар функцияси, юрак-томирлар, меъда-ичак йўли ҳолати устидан кузатиб бориши.

6. Санаторий-курортда даволаш, Жараён декомпенсацияси даврида санаторий-курортда даволаниш қатъян ман қилинади.

7. Хирургик даволаш методлари (кўрсатмалар бўйича ва зарур бўйгандан).

Хроник гепатит ва жигар циррози профилактикаси: ўткир гепатитли беморларни ўз вақтида ва тўла қимматли даволаш, ўткир гепатит бўйган беморларни диспансерлаш, уларнинг овқатланиши режимига риоя қилишлари — оқсил, витаминлар ва липотроп моддалари етарли миқдордаги тўла қимматли овқатлар ейиш; жигар циррозига ва актив гепатитга олиб келадиган бопқа касалликларни («Этиологияси» га қ.) ўз вақтида даволаш—жараён авж олишига йўл қўймаслик, санитария-оқартурв ва согломлаштириш тадбирлари (токсик ва химиявий моддалар, ўсимлик заҳарлари, замбуруглар хусусида).

Контрол саволлар

1. Жигар циррози тўғрисида, патологик жараённинг моҳияти тўғрисида тушунча.

2. Жигар цирролари ривожланишида ўткир ва хроник гепатит айrim формаларининг аҳамияти.

3. Хроник гепатитларнинг жигар циррозига ўтиш мезонлари тўғрисида, алкоголь ўрни, бошқа токсик моддалар ва аутоиммун жараёнларнинг ўрни.

4. Жигар цирроларининг ҳозирги замон классификацияси (1956, 1974) айrim клиник формаларининг таърифи.

5. Асосий клиник синдромлари ва ривожланиши патогенези.

6. Этиологияси, гормонал препаратларни қўлланишига кўрсатмаларга кўра босқичларига қараб даволаш тадбирлари.

7. Жигар цирроларини профилактика қилиш чоралари.

ХРОНИК ПАНКРЕАТИТ. МЕЪДА ОСТИ БЕЗИ ЎСМАЛАРИ

Таърифи. Хроник панкреатит — меъда ости безининг хроник яллиғланиши. З. Маржатка (1967) таърифи бўйича «панкреатит» атамаси билан меъда ости безининг иноспецифик ва ўсмага алоқадор бўлмаган касалликлари ифодаланади.

К. П. Вяжева (1972) маълумотларига кўра қорин бўшлиғи органларининг шошилинч патологияси билан касалхонага ётқизилган bemорлар орасида ўткир панкреатитли bemорлар 2% ни, Г. Н. Акжи-

титова (1974) бўйича у аппендицит, холециститдан кейин учинчи ўринни эгаллайди ва 11,8% ни ташкил қиласди. Хроник панкреатит кўпинча ўткир панкреатит натижаси ҳисобланади, бироқ амалиётда меъда ости безининг бирламчи хроник заарланиши ҳоллари учрайди. 50—70 % ҳолларда хроник панкреатитлар ҳазм органлари, айниқса ўт йўллари заарлапини билан боғлиқ (Губергриц А. Я., 1979). Хроник панкреатит диагностикаси ҳанузгача қийинчиликка сабаб бўлади ва шунга кўра адабиётларда упинг нечоғлик учраши тўғрисида бир-бирига қарама-қарши турли-туман маълумотлар келтирилади. Чунончи Edmonson 33500 жасад ёриб кўрилганда 0,18 % ҳолларда хроник панкреатитни аниқлаган; Е. Н. Прозоровский бўйича — 6,7 %. Одатда хроник панкреатит 30—50 ёшдаги эркаклар ва аёлларда (бирмунча кўпроқ) аниқланади, бироқ ёши бундан катта ёки бундан ёш одамларда пайдо бўлиши мумкин. Холецистэктомияни бошдан кечирган bemorlarning 30% да меъда ости бези заарланиши аниқланади (Маждраков Т., 1962).

Келиб чиқишига қараб хроник панкреатитлар икки группага бўлинади: бирламчи (яллиғланиш жараёни аввал бошдан меъда ости безида жойлашпади) ва иккиламчи (ҳазм йўлларининг бошқа касалликлари фонида ривожланади) группа.

Клиник маълумотлар ва назарий билимларга асосланаб, студент қўйидагиларни уddyalай олиши керак:

1) жараён асосан қаерда (меъда, ўт пуфаги, ичак, меъда ости бези) жойлашганини тахмин қилиш ва патологик жараён характеристики (яллиғли, ўсмасимон, овқат токсикоинфекцияси, аллергия) аниқлаш.

2) текширишнинг тўғри планини тузиш ва касалликнинг етакчи симптомлари ҳамда синдромларини ҳисобга олиб дифференциал диагностика ўтказиш;

3) асосланган клиник диагнозни таърифлап, даволаш, профилактика қилиш, прогнозни ва bemorlarning меҳнатга лаёқатлиигини аниқлаш.

Этиологияси. Хроник панкреатит ривожланишида қўйидагилар муҳим ўрин тутади:

- ўткир панкреатитнинг хроник формага ўтипи;
- гепатобилиар системанинг функционал ва органик заарланишлари — дискинезиялар, холециститлар, ўт-том касаллиги, холецистэктомиядан кейин умумий ўт йўли ва панкреатик йўлларнинг анатомик-физиологик ўзгаришлари, ўсмалар, гепатитлар ва жигар цирролари;

- меъда-ичак йўли касалликлари — гастритлар, меъда ва ўн икки бармоқ ичакнинг яра касаллиги, энтеритлар, колитлар ва б. Кўпинча меъда ости бези заарланишининг ҳазм органларининг бошқа касалликлари билан бирга учрапи фақат уларнинг анатомик ва функционал жиҳатдан яқинлиги, иннервация, қон айланишининг умумийлигига эмас, балки бу органларга таъсири қилган сабабчи омилларнинг биргаликда таъсири билан белгиланади;

- алкоголь таъсири — бевосита таъсири ёки алкотоль ичиши

сабабли мүл панкреатик секреция ажралиши, дуоденит ривожланиши билан боғлиқ. Хроник ичкиликбозларда бўладиган оқсил ва витамин етишмовчилигининг аҳамияти бор;

— инфекциялар (грипп, ангина, вирусли гепатит, сил ва б.); токсик моддалар (қўргошин, симоб, фосфор, мишъяқ ва б.);

— алментар бузилишлар (кўп овқатланиш ёки қиммати бўлмаган овқат), эндокрин, модда алмашинуви ва томир бузилишлари, қорин бўщлиги шикастлари, дори препаратлари таъсири;

— орган томирлар системасининг зарарланиши;

— аллергик омиллар таъсири (органнинг шикастланишига олиб келадиган аутоаггрессия жараёнларининг ривожланишида муайян ўрин тутадиган аутоантителолар пайдо бўлиши);

— генетик омиллар (адабиётларда «оилавий панкреатитлар» номини олган ҳоллар жуда кўп келтирилган).

Касаллик патогенези ва унинг оқибатлари қуйидагилар билан изоҳланади:

— механик тўсиқ ёки без паренхимаси аутолизини амалга оширадиган панкреатик ферментларнинг орган ичидаги активланиши сабабли келиб чиққан секрет димлапиши билан;

— юқорига кўтариладиган, гематоген ва лимфоген йўллар билан, ҳар хил инфекция тушиши билан;

— аутоген (аутоаггрессия) бузилишлари билан;

— биритиравчи тўқиманинг реактив ўсиб қалинлашуви, кейинчалик органнинг чандиқли бужмайиши ва склерозга учраши билан.

Патологик анатомияси. Жараён диффуз ва чегараланган характеристерда бўлиши мумкин:

— меъда ости бези одатда оч-кул ранг рангли, зич ва аксарият кичрайган;

— биритиравчи тўқиманинг ўсиб қалин тортиши, без тўқимасининг яллиғли-дегенератив, некротик ва атрофик ўзгаришлари кузатилади, айни вақтда органда регенерацияга учраган қисмлар бўлиши эҳтимол;

— органнинг нормал тузилиши бузилган, тузилиш тасвири ўзгарган, строма ва паренхиманинг яллиғли инфильтрацияси, без йўллари кенгайиши, кисталар ва кальцификатлар борлиги ва яллиғли жараён табиатига боғлиқ бошқа ўзтишишлар.

Хроник панкреатитнинг **клиник манзараси** унинг клиник формаларига, касалликнинг кечиши варианatlарига, органнинг зарарланиши даражасига боғлиқ.

I. Субъектив маълумотлар. Шикоятлари:

— эпигастрал соҳанинг юқори ярмида, айниқса қориннинг чап квадрантида, баъзан чап ёнбош соҳасида оғриқ. Аксарият коллапсгача олиб борадиган кучли оғриқ хуружлари ёки симиллаган, босадиган, санчиқсимон оғриқлар бўлади, улар доимий, парҳез бузилганда ва кечга томон кучаядиган бўлиши мумкин; улар бир неча соатлардан бир неча кунларгача давом қиласди; ўраб оловчи характеристера эга бўлади, орқага, юрак соҳасига, чап қуракка, чап елкага, баъзан эса пастга — чап ёнбош соҳасига ўтади (иррадиация);

— диспептик ҳодисалар — иштача ёмонлиги ёки бўлмаслиги, ёғлиқ овқатдан юз ўгириш, кўп сўлақ ажралиши, кекириш, кўнгил беҳузур бўлиши, қусиш, қорин дам бўлиши, қорин қулдираши, ич бузилиши — ич кетарга мойиллик;

— очлик, ташналил сезгиси, уйқу ёмонлиги, иш қобилияти паса-йиб кетиши ва бошқа астеник ҳодисалар;

— ўз касаллигининг (аҳвол ёмонлашганда) бошдан кечирган инфекция (грипп, ўткир респиратор касалликлар, пневмония, «сариқлик» ва б.), интоксикация, дори-дармонлар ичиш, мўл ўткир ва ёғлиқ овқат, алкоголь, кўп овқат ейиш билан алоқадорлиги.

II. *Субъектив маълумотлар анализи (шикоятлар, анамнез).*

III. *Объектив маълумотлар.*

1. Умумий кўздан кечириш:

— умумий аҳволи — қониқарли, ўртача оғирлиқда, оғир; бемор-шинг ўриндаги вазияти актив, пассив, оғриқ хуружлари вақтида — мажбурий (жараённинг оғир-енгиллигига боғлиқ);

— ориқ-семизлиги — нормал, ориқлаб кетган ва бошқа дистро-фик бузилишлар;

— қўриниши — ваҳимада, юз қиёфаси изтиробли (оғриқ хуруж-лари вақтида);

— касаллик қўзиган даврда тана температураси ошиши, склералар субикитериклиги, баъзан аниқ сариқлик пайдо бўлиши мумкин (ўт йўлларини меъда ости безининг бошчаси қисиб қўйган ҳол-ларда).

2. Қоринни пайпаслаб қўришда: эпигастрал соҳада, чап қовурғалар остида озми-кўпми ифодаланган оғриқ, меъда ости бези зич оғриқли тортма қўринишида пайпасланиши мумкин. Амалда бир не-ча оғриқли нуқталар борлиги аҳамиятли:

— меъда ости бези бошчаси яллигланганда Дежарден панкреатик нуқтасида оғриқ кузатилади (киндини ўнг қўлтиқ чуқурчasi билан бириткириб турадиган шартли чизиқ бўйича киндиндан тахминан 6 см масофада — меъда ости бези йўли ўн икки бармоқ ичакка қўйи-ладиган жой);

— қўрсатиб ўтилган чизиқ, қориннинг олдинги ўрта чизиги ва Дежарден нуқтасидан охирига туширилган перпендикуляр чизиқ орасида жойлашган Шоффарнинг бирмунча кенг холедохонпанкреа-тик зонасида;

— чап қовурға-умуртқа бурчагида жойлашган нуқтада оғриқ (Мейо—Робсон симптоми);

— чапдан 8—10 кўкрак сегментлари иннервацияси соҳасида тери сезувчанлигининг ошган зонаси (Кач симптоми).

— чап томонлама мусбат френикус-симптом, баъзан Гrottto, Воскресенский симптоми ва меъда ости безининг қориннинг олдинги деворига проекцияси соҳасида тери ости ёғ клетчаткасининг оз-моз атрофияси;

— жигарнинг бир оз катталашуви (реактив гепатит), ўнг қовурғалар остида оғриқ, унинг айрим функциялари бузилиши.

3. Бошқа органлар ва системалар томонидан патологик силжиш-

лар (дистрофик силжишлар) қўшимча текшириш методлари йўли билан аниқланади.

IV. Рентгенологик, лаборатория ва бошқа текшириш методларининг натижалари:

— периферик қон — гемоглобин, эритроцитлар миқдори камалиши ва анемиянинг бошқа белгилари; жараён активланган даврда — лейкоцитоз, нейтрофилез чапга силжиш билан, СОЭ ошиши, аллергик келиб чиқиши ҳолларида — эозинофилия;

— биохимиявий силжишлар — диастаза, трипсин, атоксилрестент липаза, трансаминаза, альдолаза активиги ошиши, диспротеинемия—глобулинлар миқдори ошини ҳисобига, гипергликемия, билирубинемия, гипонатриемия бўлиши эҳтимол. Улар доимий эмас ва жараён кечишининг оғир-енгиллигига, меъда ости безининг зарарланиш даражасига bogliq;

— ферментлар ажralиши ошиши, глюкозурия, билирубинурия (ўт оқиб чиқиши учун механик тўсиқ бўлган ҳолларда);

— дуоденал суюқлик — касалликнинг бошлангич даврида панкреатик ферментлар концентрацияси ва умумий шира ҳажми бироз ошган бўлиши мумкин, бироқ аксарият улар пасайган бўлади. Кўпинча липаза миқдори, камроқ—диастаза миқдори камаяди, астасекин панкреатик етишмовчилик ривожланади;

— панкреатик ферментатив етишмовчилик ҳазм бузилишига олиб келади (ич кетар, баъзан мўл ахлат ажralадиган профуз тури). Унда ҳазм бўлмаган овқат қолдиқлари топилади;

— рентгенологик текшириш аксарият ўн икки бармоқ ичак қувузлогининг меъда ости бези бошчасининг шиши сабабли кенгайган «тақа» кўринишида ёйилганини, меъданинг мотор функцияси бузилиши, унинг шакли ўзгариши, дуоденит, дуоденостаз, жигар-меъда ости ампуласи сфинктерининг етишмовчилигини аниқлайди.

Ҳозирги вақтда стеаторея ва олеин кислотани аниқлашга жиддий диагностик аҳамият берилади, ретроперитонеал пневмография ва томография, органни радиоизотоп сканирлаш, эхография, ангиография ва ретрографад панкреатохолангография қилинади. Улар ёрдамида меъда ости безидаги патоморфологик ўзгаришларнинг характеристери, оғир-енгиллиги ва тарқалганилиги тўғрисида, ўт йўли ва бош панкреатик йўллар ҳолати тўғрисида аниқ маълумот олиш мумкин.

Хроник панкреатит айрим клиник формаларининг қисқача таърифи

1. Хроник қайталанувчи панкреатит тез-тез қайталаниш (йилига бир неча ўн мартараб), жараённинг паренхима атрофиясига, орган склерози ривожланишига олиб келадиган авжланиши билан характерланади, қориннинг юқори ярмида кескин оғриқ хуружлари, одатда қусиш, диспептик ҳодисалар, тана температурасининг ошиши, СОЭ, қонда ва сийдикда диастаза миқдори ошиши ва бошқа ўзгаришлар билан характерланади.

2. Доимий оғриқли хроник панкреатит камроқ учрайди ва

интенсивлиги ва моҳияти турлича (симиллаган, бурайдиган, ўраб оладиган каби) доимий (ойларгача) оғриқ сеэгилари билан характерланади, оғриқлар аксарият қориннинг чап юқори ярмида, тўшости соҳасида, камроқ — ўнг қорвургалар остида, баъзан қориннинг пастки ҳисмидаги жойлашади. Температура реакцияси, периферик қон томонидан ўзгаришлар, биохимияни бузилишилар, қоңда, дуоденал суюқликда ва сийдикда ферментлар активлигини ошиши бўл-маслиги мумкин, улар доимий эмас.

3. Соҳта ўсмали формаси бундан олдинги формасидан ҳам кам кузатилади. Яллигланиш жараёни гепериластик ва диффуз характер олади, органинг кескин катталашувига, кейин безининг склероз натижасида кичрайишига олиб келади. Оғриқ синдроми, диспептик ҳодисалар, сариқлик хос (меъда ости безининг катталашуви умумий ўт йўлининг босилишига ва механик сариқлик ривожланишига сабаб бўлади). Оғриқ турлича: ўнг қорвургалар остида (яллигланиш жараёни меъда ости бези бошчаси билан чегараланиб қолганда), тўш ости ёки чап қовургалар соҳасида (орган ташаси ва думи касаллангандан) ёки қориннинг бутуни юқори ярми бўйлаб (туташ характер) жойлашган бўлади. Кўпчилик ҳолларда органни, баъзан ҳатто юзаси нотекис бўлганда ҳам пайнаслаб қўришга муваффақ бўлинади, бу ҳол бу формасини меъда ости бези раки ва кистасидан ажратиши қийинлаштиради.

4. Латент (яширип) формаси нисбатан кам (5% гача) аниқланади. Одатда олдидан бўладиган ўткир ҳодисаларсиз ривожланади ва хроник алкоголизм, ҳазм органларининг хроник касалликлари билан касалланган шахсларда кузатилиши мумкин. Қатор диспептик бузилишилар билан аста-секин бошлашади, сўнгра панкреатик етишмовчилик ривожланади, бу овқатнинг ҳазм бўлини ва сўрилиш жараёнларининг бузилишига, бемор гавда оғирлигининг тобора пасайиб кетишига сабаб бўлади. Айрим bemорларда қандли диабетсинг айрим белгилари кузатилади. Аксарият гиповитаминос, глоссит, стоматит, гипер- ва паракератоз белгилари, баъзан тетания хуружлари қайд қилинади.

5. Склерозлайдиган формаси турли-туман этиологик омиллар таъсири остида ривожланади ва унинг бундан олдинги формалари-ниг натижаси ҳисобланади. Ҳар хил кечади: бир хил bemорларда ташки ва ички секретор етишмовчилиги симптомлари устунилик қиласиди, бошқаларида эса аниқ юзага чиққан сариқлик кузатилади, у меъда ости бези бошчасининг склеротик жараёни ва умумий ўт йўли босилиши, сўнгра обтурацион сариқлик белгилари ривожланиши билан боялиқ. Озиб кетиш, дистрофик силжишилар, қандли диабет белгилари кузатилади. Меъда ости бези бошчаси ракини истисно қилиш учун пункцион биопсия, лапароскопия, панкреатография ва бошқалар ўтказилади.

Хроник панкреатитлар кечишининг уч варианти фарқ қилинади: енгил; ўртача оғирликдаги; оғир.

Асоратлари: модда алмашинуви жараёнларининг чуқур бузилишилари, қандли диабет, ориқлаб кетиш, ракка айланиш, меъда ости

бези кистаси ривожлапиши, органлар ва системаларда чуқур дистрофикалдайтын жағдайлар, жигарнинг ёғ дистрофияси, турли инфекциялар қўшилиши, безнинг абсцесса айланиши, тромбозлар, хусусан талоқ венаси тромбози ва б.

Хроник панкреатит диагностикаси катта қийинчилик тугдиради ва қатор омилларга: меъда ости безининг қорин пардаси остида чуқур жойлашуви (бу клиник текширишни қийинлаштиради), касаллик клиник кечишининг турли-туманлиги ва ишончли специфик диагностика методлари йўқлигига боғлиқ.

Хроник панкреатитни етакчи симптомлари ва синдромлари оғриқ, диспептик ҳодисалар, сариқлик бўлган касалликлардан фарқ қилиш лозим:

— ўткир панкреатит билан — ҳар хил ўтади. Ўртача оғриқ синдроми билан бирмунча енгил кечиши учрайди. Касаллик аксарият жадал, кучли оғриқлар билан бошланади, метеоризм, кўнгил бехузур бўлиши, қусиш, баъзан ичак тутилиши ҳодисалари, колланс ва шоқ манзараси билан ўтади. Температура реакцияси, диспептик ҳодисалар, эритроцитоз, лейкоцитоз, СОЭ ошиши, диастаза, липаза, трансаминаза активлиги ошиши, гипергликемия, механик сариқлик белгилари кузатилади. Ўткир панкреатит қорин бўшлиги органларининг ўткир хирургик патологияси тики бўйича ўтади ва шошилинч диагностик ва даволаш тадбирлари кўриши талаб этади;

- ўт-тош касаллиги; холециститлар билан;
- ўт ўйллари дискинезияси билан;
- ўн икки бармоқ ичакнинг яра касаллиги ва унинг асоратлари билан;
- ичак тутилиб қолиши, аппендицит, овқат интоксикацияси билан;
- қории аортаси аневризмаси, мезентериал томирлар тромбозлари билан;
- Функционал диспепсия билан;
- энтеритлар ва энтероколитлар, ичак сили билан;
- илдиз синдроми билан;
- миокард инфарктининг абдоминал формаси билан.

Меъда ости бези раки бирламчи ва иккиласи бўлади. Бирламчи рак без чиқарув ўйллари эпителийси ёки паренхимасидан, камроқ Лангерганс оролчаларидан ривожланади. Иккиласи раки — қўшни органлардан ўсиб чиқиши ёки ракнинг атрофдаги ва бошқа органлардан метастазланиши, аксарият (60%) без бошчаси соҳасида жойлашади. Меъда ости бези раки умумий рак ҳолларининг 1—7% ни ташкил қилади. Аксарият 50 ёшдан ошганларда, асосан эркак кишиларда кузатилади. Касалликка мойил қиладиган омиллар — хроник панкреатит, меъда ости бези кисталари ва шикастлари, ўт чиқарувчи ўйларнинг хроник касалликлари, алкоголизм, қандли диабет, оқсиллар миқдори бўйича тўла қимматли бўлмаган овқатланиши ва б.

Касалликнинг етакчи симптоми — оғриқ, баъзан у чидаб бўлмайдиган даражада қаттиқ (ўсманнинг қўёш чигалини босиб қўйипи) бўлади, бироқ жараён оғриқ синдромисиз ёки оз-моз оғриқ сезгиси

билин ўтадиган ҳоллар ҳам учрайди (бу жараённинг жойлашган соҳасига баглии). Меъда ости бези бошчаси раки «сариқлик» синдроми билан ўтади (тери қопламларининг интенсив бўялиши, гипербилирубинемия, билирубинемия, тери қичимаси, холемия геморрагик днатаез ҳодисалари билан, ахлат ахолик бўлиши, сийдикда уробилин йўқлиги ва б.). Шунингдек иштаҳа пасайиш ёки йўқолиши, ёглиқ овқатдан юз ўгириш, анемия, лейкоцитоз, СОЭ ошиши, панкреатик ферментатив етилмовчилик, гипоанацид ҳолат, креаторея, стеаторея, глюкозурия ва б. Диагностикада, дифференциал диагностикада жараён кечишига аҳамият берини лозим (бемор аҳволининг тобора ёмонлашуви, озиб кетини, ўтказилган давонинг наф бермаслиги, меъда ости бези раки учун хос лаборатория, биохимиявий ва бониқа чуқур силжишлар).

Диагнозининг тахминий таърифи: 1) хроник панкреатит қайталашувчан характерда қўзиш босқичида, меъда ости безининг ташқи секретор функцияси бузилиши билан ўртача оғриқ синдроми ва тапа вазнининг оз-моз камайини. Қўшилиб келган касаллик — хроник (калькулёз) холецистит; 2) хроник панкреатит тез-тез ва давомли қўзишлар билан, меъда ости бези функцияларининг талайгина бузилиши. Овқатлапишнинг аниқ-равшан бузилиши ва оғриқ синдроми. Қўшилиб келадиган касаллик — ўн икки бармоқ ичакининг яра касаллиги. Асоратлари — миокардиодистрофия, II₁.

Даволаи

1. Жараён қўзиган даврда bemории касалхонага ётқизиш керак.

2. Ўринда ётиш режими, меҳнат ва дам олиш режимига риоя қилиши.

3. Парҳез режими: алқоголь, маринадлар, қовурилган ва қучли таомлар, қуюқ бульонлар истисно қилинади, ёлар суткасига 80—50 г гача чегараланади. Беморга овқатларни бўлиб-бўлиб — кичикроқ порциялар билан 5—6 марта бериш керак, оқсиллар миқдори етарли бўлиши (суткасига 150 г гача), гўшт, балиқнинг ёғсиз навлари, творог, пишлоқ тавсия қилинади.

4. Дори-дармонлар билан даволаи:

— антифермент воситалар: гордоқс, контрикал, цалол, метаболик таъсири бор препаратлар (пентоксил, метилурацил), анаболик стероид гормонлар, липотроп препаратлар (метионин, липокайн);

— таъсир спектри кенг антибиотиклар;

— оғриқ синдромини йўқотиш — атропин, платифиллин, папаверин, анальгин ва амидопирип инъекцияларда, промедол, но-шпа, паранефрал блокада;

— ўрин босадиган, дезинтоксикацион, умуман мустаҳкамловчи терапия — панкреатин, абомин, холензим, витагепатопанкреатин, полизим-форте, котазим, витаминалар В₂, В₆, В₁₂, А, С, РР, оқсилли препаратлар, плазма, 5% ли глюкоза эритмаси, 0,9% ли физиологик эритма, гемодез қўйиш;

7. Диспансерда кузатиш меҳнат қобилиятини тиклаш, касаллик

— зарурат бўлганда гормонал препаратлар (преднизолон, триамцинолон ва б.), қандии пасайтирадиган воситалар (инсулин, сульфаниламидалар).

5. Хирургик даволаш методлари — капсуласнни кесиш, меъда ости бези дум қисми ва бошчасини резекция қилиш.

6. Физиотерапевтик ва санаторий-курортда даволаш — Боржоми, Ессентуки, Железноводск, Пятигорск, Карлови Вари ва гастроэнтэрологик касалликларга ихтисослашган маҳаллий санатёрийлар.

7. Диспансерда кузатиш меҳнат қобилиятини тиклаш, касаллик оғирлашувининг, унинг турли асоратларининг олдини олиш учун зарур.

Профилактикаси: ўткир панкреатит, ҳазм органларининг турли инфекциялари ва интоксикацияларини ўз вақтида ва етарлича даволаш: хроник асоратланмаган панкреатитни ўз вақтида этиопатогенетик даволаш, унинг қўзиши ва асоратларининг олдини олиш; овқатланиш режимига амал қилиш, зарарли одатларни тарқ этиш — ичкилиқ ичмаслик, кучли ва ёғлиқ таомлар емаслик, кўп овқат емаслик, умум гигиеник ва соғломлаштирувчи тадбирлар.

Контрол саволлар

1. Меъда ости безининг физиологик ва патофизиологик жиҳатлари, унинг ҳазм системасидаги аҳамияти.

2. Хроник панкреатит этиопатогенезининг ҳозирги аҳволи.

3. Хроник панкреатит клиникаси (асосий ёки қўшилиб келган касаллик сифатида).

4. Огриқ синдроми таърифи ва унинг диагностик аҳамияти.

5. Хроник панкреатитниг клиник формалари ва кечиши вариантилари.

6. Касалликнинг диагностик мезонлари, дифференциал диагностиканинг аҳамияти.

7. Қўшимча текшириши методларининг диагностикада аҳамияти, панкреатик етишмовчилик тўғрисида тушунча.

8. Даволашга замонавий ёндошиш.

9. Профилактика ва диспансер кузатуви қандай амалга оширилади.

10. Хирургик ва курортда даволашга кўрсатмалар ва монелик қиласидиган ҳоллар.

IV БОБ

БҮЙРАК КАСАЛЛИКЛАРИ

Инглиз врачи Р. Брайт 1827 йилда сийдикдаги оқсил билан умумий истиссю буйракларнинг диффуз касалликлариға алоқадорлигини анықлади. У бу касалликларнинг клиникасини ва буйраклардаги морфологик ўзгаришларни тасвирилаган. Фольгард ва Фар (1914) патогенетик ириципларга асосланиб, буйрак касалликларини учта гурӯхга бўлганлар: яллигланиш, дегенератив, томир-склеротик касалликлар.

Статистик маълумотларга асосан буйраклардаги асосий касалликларнинг (пефритлар ва нефрозлар) пасайишга мойиллиги кўринмаяпти. Буйраклар патологияси жуда турли-тумап: уларнинг ривожланиши шуқсонлари, буйракнинг инфекцион, замбуруғли ва иммун касалликлари, метаболик нефропатиялар, химиявий нурдан ва томирдан заарланишлари, сийдик-тош касаллиги, буйракнинг коллагенозларда ва турли эндоген ва экзоген интоксикацияларда заарланиши, буйрак кисталари ва ўсмалари, буйрак трансплантати касалликлари ва бошқа турдаги қатор касалликлари.

Буйрак касалликларининг кўп соили классификациялари мавжуд, бироқ улар доимо ўзгартириб турилади. Ҳозирги босқичда С. И. Рябов (1982) таклиф этган классификациядан фойдаланган маъқул деб ҳисоблаймиз, унда буйрак касалликларнинг келиб чиқишида иммун омилларнинг аҳамияти, метаболик ва генетик шарт-шароитлари ҳисобга олинади. Бу классификацияга кўра ҳамма буйрак касалликлари еттига асосий гурӯхга бўлинади:

I. Иммуни нефропатиялар:

- 1) гломерулонефритлар (идиопатик);
- 2) систем касалликларда буйраклар.

II. Буйракларнинг инфекцион-яллигланиши касалликлари:

- 1) пиелонефритлар;
- 2) папилляр нефроз;
- 3) апостематоз нефрит;
- 4) буйрак карбункули ва абсцесси;
- 5) буйрак сили;
- 6) буйрак захми;
- 7) буйрак миқозлари;
- 8) буйракнинг паразитар касалликлари;
- 9) буйракнинг оддий микроблардан заарланиши.

III. Метаболик нефропатия:

- 1) буйрак амилоидози;
- 2) диабетик цефронатия;
- 3) подаграда буйрак.

IV. Токсик нефропатиялар:

- 1) дори нефропатиялари;
- 2) буйраклар экзоген интоксикацияларда (заҳарланишларда);
- 3) радиацион нефропатия.

V. Иккиламчи нефропатиялар:

- 1) буйрак электролит алмашынуви бузилишларида;
- 2) буйрак қон айланиши етишмовчилигига;
- 3) интерстициал нефрит.

VI. Томир цефронатиялари:

- 1) хавфли гипертония;
- 2) ҳомиладорлар нефропатияси.

VII. Буйрак ва сийдик йўлларининг түгма касалликлари:

- 1) буйрак ва сийдик йўллари аномалиялари;
- 2) генетик нефропатиялар;
- 3) генетик тубулоатиялар;
- 4) генетик энзимопатиялар.

Мустақил фан сифатида нефрологиянинг ривожланишида энг янги диагностик ва бирмунча таъсирчан терапевтик методларни ишлаб чиқишининг ҳал қилувчи аҳамияти бор. Энг янги диагностика методларига буйраклар биопсияси (гистологик, гистохимиявий, электрон-микросконик текширишлар ва ҳаётлиқдаги морфологик диагностика), радиозотон ренография ва буйракни сканирлаш, серияли нефроangiография, компьютерли томография, экскретор урография, ультратовуш билан диагностика қилиш ва бошқалар киритилади. Бундан ташқари, буйрак ва сийдик йўлларининг кўнчилик қабул қиласиган лаборатория-рентгенологик ва клиник методлари қўлланилади.

ИММУН НЕФРОПАТИЯЛАР. ГЛОМЕРУЛОНЕФРИТЛАР (ИДИОПАТИК ТУРЛАРИ)

Таърифи. Диффуз гломерулонефрит — буйракларниң асосан контокча томирлари заарланаадиган кўп учрайдиган инфекцион-иммун аллергик касаллигидир. Маълумки, Брайт касаллиги номини олган «буйрак яллиғланиши» учта асосий симптом: шиш, гематурия, юракниң чап қоринчаси катталашуви (гипертензия оқибатида) билан характерланади.

Сўнгги йиллар статистикаси бўйича 10 000 аҳолига гломерулонефритлар — 13, циститлар — 64, сийдик-тош касаллиги — 18 ни ташкил қиласиди. (Рябов С. И., 1984). Гломерулонефритли беморлар терапевтик бўлимларга ётқизилган ҳамма bemорларнинг 1—2% ни ташкил этади, шу билан бирга касалланишнинг 1963 дан 1976 йилгача 10 000 кишига 11,2 дан 14, 8 гача ўстсанлиги қайд қилинди.

Ҳанузгача гломерулонефритларнинг ягона умум қабул қиласиган

классификацияси йўқлиги бу муаммога турлича ёндоппин ва мавжуд мезонларнинг етарлича эмаслигидан далолат беради. Гломерулонефритлар инфекция (аксарият стрептококкли) билан боғлиқ бўлади, систем касалликларда (коллагенозларда) ривожланиши ва келиб чиқиши ирсиятга алоқадор бўлиши мумкин. Ҳамма гломерулонефритлар учта катта гуруҳга бўлинади: идиопатик (бирламчи), систем (иккиламчи) ва тутма.

Нефрологиянинг турли масалаларини ўрганишга ватанимиз ва совет олимлари (Шумлянский А. М., Каковский А. Ф., Боткин С. Н., Зимницкий С. С., Тареев Е. М., Ланг Г. Ф., Мясников Я. Л.) муайян ҳисса қўшдилар.

ЎТКИР ДИФФУЗ ГЛОМЕРУЛОНЕФРИТ

Ўткир нефрит ҳар қандай ёшда ривожланиши мумкин, 40 ёнгагча бўлган беморлар 75—95% ни ташкил қиласидилар. Кейин ҳар 10 йилликдан кейин касалланиш кескин пасайиб боради ва турли муаллифларнинг фикрича, 60 ёшдан ошган беморлар кўпи билан 2—3% ни ташкил қиласидилар. У 3/4 ҳолларда фақат аутопсияда аниқланади. Ёшлиқда ва павқироп ёшда эркаклар ўткир нефрит билан аёлларга иисбатан кўпроқ (айрим маълумотларга кўра 2 баравар кўн) касалланадилар.

Эпидемиологик кузатувлар ўткир нефрит шимолда ва жанубда бир хил учрашини кўрсатди. Касалланиш мавсумийлик билан характерланади. Мўътадил ва совуқ иқлимли мамлакатларда у куз-қин даврида, иссиқ мамлакатларда ёз даврида кўпаяди. Ўткир нефрит клиникаси жуда кам бўлишини эслатиб ўтиш керак, у ҳамиша айниқса иссиқ иқлим шароитларида юзага чиқавермайди.

Клиник маълумотлар ва назарий билимларга асосланаб, студент қўйидагиларни билиши керак:

1) жараённинг тахминий жойлашувини (буйраклар ёки сийдик йўллари) аниқлаш;

2) патологик жараён характеристикини (яллигланиш, аномалияли — пуксонплар, тош ва б.) аниқлаш;

3) текниришнинг асосланган планини тузини;

4) узил-кесил диагноз қўйини ва уни қўйидагиларга асосланаб татрифлаш:

— касалликнинг асосий диагностик мезонларини (шини, гипертезия, сийдик синдроми) билиш;

— унинг етакчи симптомлари бўйича бошқа касалликлардан ажратадолиш;

— этиологияси ва патогенезини билиш;

— касалликнинг клиник вариантлари, асоратлари, прогнози ва натижасини билиш;

5) даволашнинг асосланган планини тузини ва б.

Фарингит, топзиллит ва бошқа ўчоқли (стрептококк) инфекциялардан кейин аксарият 10—12 кун ўтгач ривожланадиган постстрептококк ўткир гломерулонефрит кўпроқ ўрганилган. Бу муддат ичида

организмда антителолар ҳосил бўлиши рўй беради ва қўпинча аллергик нефрит жадал ривожланади. Қўзгатувчиси типи 12 группаси А бўлган бетагемолитик стрептококк (ўткир гломерулонефритда 60–80%), аксарият 1, 3, 4, 12 ва 49 типлардаги стрептококклар ҳисобланади.

Ўткир гломерулонефрит ривожланиши стрептококкларга қарши антителолар титришинг ошиши билан ўтади. Бундан ташқари, стрептококк буйрак тўқималари оқсилилари хоссасини ўзgartириб, уларни антиген қилиса керак, унинг адъювант таъсири ҳам бўлиши мумкин. Стрептококк антигени (М-протеин) ўз химиевий табиатига кўра гликопротеидларга киради. Контокча капиллярлари базал мембраннынинг ва стрептококк нефритоген штаммларининг антиген яқинлиги исботланган. М-протеиннинг бир қисми контокчаларда, бошقا қисми қон ўзанида айланаб юриб, антителолар ҳосил қиласди. Антиген—антитело реакциялари натижасида ҳосил бўладиган комплексларни контокча фильтри комплементни фиксациялаб тўхтатиб туради. Комплентни фиксация қилиб иммун комплекслар ҳосил бўлиши бевосита контокчаларда рўй бериши ҳам мумкин. Иммун комплекслар буйракни шикастластиради.

Кейинчалик депозитларнинг жойлашувидан қатъи пазар, комплемент С₃-фракцияси хемотаксик таъсири натижасида ядроли лейкоцитлар капилляр қовузлоқларда фиксацияланади, эндотелийни қўчиради ёки суради, базал мембрана билан жипс контактда бўлади. Лейкоцитларнинг лизосомал ферментлари базал мембранага таъсир этади ва уни шикастластиради.

Шундай қилиб, иммун комплексларнинг комплемент билан ўзаро таъсири нейтрофиллар жалб этадиган хемотаксик моддалар ажратилиши билан ўтади. Улар фагоцитланади, сўнгра емирилиб лизосомал ферментлар ажратади, бу ҳол базал мембрана шикастланишини қучайтиради. Айни вақтда қон ивиши системаси активлашади, натижада фибрин йигилиши рўй беради. Уни макрофаглар тортиб олиши мумкин, сўнгра улар эпитеиал ҳужайраларга айланади. Заарланиш ўчигида қолган тромбоцитлар контокчаларини заарланиши жараёнларини қучайтириб агрегацияга учрайди. Тромбоцитлар емирлигандан вазоактив аминлар—серотонин, гистамин ажralиб чиқиб, улар контоклар капиллярлари базал мембранасига патологик таъсир қиласди.

Этиологияси. Ўткир гломерулонефрит ривожланишида қўйидаги лар муҳим ўрин тутади:

- стрептококк инфекцияси (ангина, ўткир респиратор касалликлар, зотилжам, хроник инфекция ўзоқлари);
- стрептококклар қўзгатадиган тери касалликлари (пиодермия, импетиго, сарамас);
- бошقا инфекциялар (дифтерия, скарлатина, ич терлама ва тошмали терлама, бруцеллёз, ўртacha ўткир септик эндокардит, вирус этиологияли касалликлар, ревматизм, коллагенозлар, безгак, зотилжам, грипп);
- зардоб, вакцина нефрити пайдо бўлиши имконияти;

— мойнллик қиладиган омиллар (совқотиш, чарчаш, турмуш, ишдаги ноқулай шароитлар ва б.).

Патогенези:

— келиб чиқиши инфекцион ва иоинфекцион турли антигенларга организм сенсибилизациясининг аҳамияти;

— ўткир нефритнинг инфекцион-аллергик, иммун аллергик пайдо бўлиш назариясига оид далиллар;

— инфекция билан буйрак заарланишининг клиник симптомлари ўртасида продромал давр борлиги, яъни «инкубацион давр» борлигини иммунологик қайта қуриш вақти деб қараш керак. Бу давр 1—3 ҳафта давом этади, деб тахмин қиладилар.

Стрептококк инфекциясидан кейин ўткир нефрит ривожланиши механизмларининг бир нечтаси мавжуд бўлса керак деб тахмин қилинади:

— стрептококк токсисларининг буйракка бевосита таъсири;

— бошқа субстанцияларининг антиген хоссаларини кучайтирадиган келиб чиқиши жиҳатидан стрептококкли маҳсулотларнинг адъюванти таъсири, унга жавобан буйракка қарши автоантителолар ишлаб чиқарилади;

— қонда стрептококк антигенларга, шунингдек буйрак антигенларига антителолар (автоантителолар) ҳосил бўлиши, антиген+антитело комплекслари ҳосил қиласи;

— стрептококк антигенларнинг буйракларда қолиши ва уларда антиген—антитело реакциялари ривожланиши.

Ҳозирги вақтга келиб, гломерулонефрит ривожланишининг иккита етакчи механизми мавжудлиги исботлаб (экспериментда) берилди:

— иммун комплекс механизм (ўткир гломерулонефрит ривожланганда);

— антитело механизми (хроник тури ривожланганда).

Гломерулонефрит ривожланишида иммун комплекс механизми комплексининг моҳияти шундан иборатки, қонда ҳосил бўлиб айланниб юрадиган иммун комплекс антиген-антитело комплексент билан ўзаро алоқага киришиб ва контокчаларга ўрнашиб (эпителиал ҳужайралар устида контокча капиллярларицинг базал мембронаси ташкин сатҳида алоҳида парчалар кўришишида) буйракларни шикастлантиради. Гломерулонефрит ривожланишининг антитело механизми яосида контокчаларнинг ўз оқсиллари (антигенлари) билан сўйракниң экзоген антитело комплекслари билан шикастланшишига жавобан буйракка қарши автоантителолар ишланиши ётади. Бунда комплексент ва глобулинлар (антителолар) контокча капиллярлари базал мембронасининг бутун ички юзаси бўйлаб йиғилади.

Кейинчалик гломерулонефрит ривожланиш механизмида комплексент, коагуляция системалари, кинин системаси, тромбоцитлар, полинуклеарлар ва ивишининг қатор омиллари (III, IV, XII) актив қатнашади.

Патологик анатомияси:

— буйракнинг макроскопик ўзгаришлари кам ифодаланган;

— микроскопик — буйрак капиллярларининг яллигланиш белгилари, гиперемия ва контокчалар катталашуви (уларда экссудация ва пролиферация борлиги), буйрак пўстлоги инемияси ва б.;

— морфологик белгилари бўйича ўткир нефритнинг интракапилляр (яллигланиш ўзгаришлари асосан контокча капиллярларига бўлади) ва экстракапилляр (Шумлянский—Боумен капсуласи бўшлиғида) формасига бўлинади.

Клиник манзараси

I. Субъектив маълумотлар. Шикоятлар ва клиник белгилар гломерулонефритнинг кечиш вариантига боғлиқ. Касалликнинг биринчи кунларидан бошлаб, симиллаган, унчалик кучли бўлмаган оғриқ бўлиши мумкин, бироқ у баъзан кучли бўлади. Иш қобилиятининг пасайиб кетиши қайд қилинади, буни умумий лоҳаслик ва жараёнга айрим органлар ва системаларнинг тортилишини тасдиқлайдиган симптомлар борлиги билан боғлайдилар. Қўйидаги шикоятлар бўлади:

— шишлар (қовоқ, юз, оёқлар ва тананинг бошқа қисмлари шиши, аксарият улар эрталаб пайдо бўлади, ҳаракатчан, юмшоқ бўлади);

— бош оғриғи, бош айланиши, баъзан қулоқда шовқин ва юқори артериал ҳамда калла суяги ички босимишинг бошқа белгилари;

— тўш ости соҳасида оғриқ, кўнгил айниши, баъзан қайт қилиши, иштаҳа пасайиши;

— дизурия (олигурия, баъзан анурия), сийдик ранги ўзгариши (ҳамавақт әмас), камдан-кам тезлашган ва оғриқли сийиш (буйрак ичи гемодинамикаси бузилиши ёки сийдик йўлларига инфекция тушиши);

— ташниалик — ўткир босқичида 15—40% ҳолларда (аксарият марказий нерв системаси томонидан);

— тана температураси кўтарилиши (ҳамавақт әмас, касаллик бошланабётганда);

— нафас қисиши (қарийб беморларнинг ярмида қайд қилинади), баъзан бўгилиш (юрак етишмовчилиги ёки нефроген ўникашиши);

— юрак уриши (гиперволемия ва гипертензия билан боғлиқ — юрак етишмовчилиги);

— юрак ва бошқа органлар томонидан бўладиган ўзгаришлар билан боғлиқ умумий ҳарактердаги шикоятлар.

II. Субъектив маълумотлар анализи (шикоятлари, касаллик ва бемор ҳаёти анамнези).

III. Объектив маълумотлар.

1. Беморни кўздан кечириш:

— bemорнинг умумий аҳволи — ўртача оғирликда, юрак етишмовчилиги ва эклампсияда оғир;

— юз, қовоқлар шиши, айниқса эрталабки соатларда ва катта шишлар;

— тери қопламлари ва күриниб туралынан шиллиқ пардалар рангпарлиги (томирлар спазми, буйрак шишлари сабабли камқонлик);

2. Юрек-томирлар системаси:

— пульс — аксарият брадикардия, тахикардия, бу қон айлапиши етишмовчилиги билап болғылған;

— артериал босим ошған (70—90% ҳолларда): систолик симоб устуни ҳисобида 150—200 мм ва күпроқ, диастолик босим ҳам ошади;

— I тон сүстлашиши, аорта устида II тон акценти;

— нисбий митрал етишмовчилик (юрак учидан ўтмайдиган, қисқа систолик шовқун);

— юрак декомпенсацияси симптомлари (аксарият юрак астмаси хуружлари — ўткыр чаш қоринча етишмовчилиги).

3. Бошқа органдар ва системалар томонидан ўзгаришлар:

— күз тубида — артериаллар торайиши, веналар кенгайиши, томирлар спазми, нұқтасимон қон қүйилиши, күрув нерви сүргичи-нинг хира тортиши;

— ўпкада — қон туфлаш, гидроторакс, димланиш сабабли хириллаш бўлиши мумкин;

— ҳазм органлари — диспептик ҳодисалар, жигар катталашуви;

— нерв системасида — бош оғриғи, яхши ухлай олмаслик, кўптил айниши, қусиш, буйрак эклампсияси симптомлари бўлиши мумкин.

IV. Лаборатория, иммун биохимиявий ва бошқа қўшимча текшириш методлари маълумотлари.

— сийдиқдаги ўзгаришлар — солиширма оғирлиги юқори, макро-, микрогематурия, протеинурия 2—10% гача ва бундан юқори, лейкоцитуриядан ошиб кетадиган эритроцитурия (Каковский—Аддис методи бўйича), пиурия;

— буйрак функцияси ўзгариши — контокча фильтрацияси, буйракда плазма оқими фильтрацион функцияси камайиши, баъзан эрта ва барқарор гипостенурия кузатилади, кўпчилик ҳолларда азот ажратиш функцияси сақланиб қолган;

— қондаги ўзгаришлар — ўртача анемия, лейкоцитоз билап пейтрафилемез бўлиши мумкин, соғайиш даврида — лимфоцитоз, СОЭ нигга соатига 30—50 мм гача ошиши;

— биохимиявий силжишлар — қолдиқ азот миқдори асосан норма атрофида қолади, бироқ оз-моз ёки ўртача азотемия, ўртача гипопротеинемия, диспротеинемия (гипоальбуминемия, гиперальфа₂- ва гаммаглобулинемия), баъзан гиперхолестеринемия, ацидоз белгилари, гиперкалиемия бўлиши мумкин;

— иммунологик маълумотлар — стрептококкларга қарши антителолар — антистрептолизин-О, антиглуронидазанинг юқори титрлари; комплемент ва унинг фракциялари даражасининг пастлиги, қон зардобида буйрак аутоантителоларининг юқори титрлари;

— ЭКГ да — чаш қоринча гипертрофияси, ЭКГ чап типи — S — Т интервали сурилиши.

Ўткир гломерулонефрит асосий синдромларининг қисқача таърифи. 1. Шишлар — юзда (аксарият қовоқларда) жойлашади ва эрталаблари яхши кўринади. Улар касалликнинг эрта белгилари, фақат юзда эмас, балки бел соҳасида ва оёқларда бўлиши ҳам мумкин. Шишлар пайдо бўлиши қўйидаги омилларга боғлиқ:

— коптоқчалар заарланиши — коптоқча фильтрацияси пасайиши (дастлабки кунларда, кейинчалик у ошади), натрий фильтрацион заряди камайиши ва унинг реабсорбцияси ошиши;

— организмда суюқлик тутилиб қолиши — кўрсатиб ўтилган бузилишлар натижаси сифатида;

— айланиб юрадиган қон миқдори кўпайинши;

— гиперальдостеронизм ва бу гормонга тўқималар сезувчанлигининг ошиши.

— антидиуретик гормон секрецияси ошиши ва унга нефрон дистал бўлимлари сезувчанлигининг кучайиши, бу ҳол организмда суюқликнинг янада кўпроқ тутилиб қолишига олиб келади;

— капиллярлар деворлари ўтилганда сезувчанлигининг ошиши (гиалуронидаза системаси ўзгариши), бу қон суюқ қисмининг қон ўзанидан чиқишига имкон беради;

— суюқликнинг қайта тақсимланиши ва унинг говак клетчаткали жойларда йигилиши;

— нефротик синдром бўлганда — плазма онкотик босимининг пасайиши (гипоонкия).

Санаб ўтилган омиллар ўткир гломерулонефритли беморларда шишлар пайдо бўлишига ҳар хил даражада сабаб бўлади.

2. Гипертензия — кўпчилик bemорларда у ўртача ифодалашган. Энг юқори гипертензия (симоб стуни ҳисобида 200/100 дан юқори ёки 26,7/14,7 кПа) касалликнинг ривожланган фазасида апиқлапади, ўткир нефритнинг нефротик формасида эса артериал босимниг транзитор ошиши кўрилади. Гипертензия қўйидаги сабабларга кўра ривожланади, деб ҳисобланади;

— ренин генези, яъни буйрак томирлари спазми патижасида буйрак паренхимасида гипоксия ривожланади — ренин ажраглиши кучаяди;

— гемодипамик омиллар — айланиб юрган қон ҳажми ошиши;

— простагландинлар таъсири.

3. Гипертензия ва гиперволемия (айланиб юрган қон массаси кўпайинши) натижаси сифатида қўйидагилар юз беради:

— юрак катталашуви (кўпроқ чапга);

— тонлари бўғиқлиги ва учида систолик шовқни пайдо бўлиши, аорта ва ўпка артериясида II тон акценти бўлиши мумкин (ўпка гипертензиясида);

— чап қоринча етишмовчилиги (юрак астмаси хуружлари) ва ўпка шиши хуружлари;

— юрак ритми бузилишининг ҳар хил турлари (тахикардия, брадикардия, экстрасистолия, титроқ аритмия ва ҳ. к.).

4. Сийдик синдроми — асосан протеинурия, гематурия, цилиндрология ва суткалик сийдик миқдори ўзгаришида намоён бўлади;

— гематурия — макрогематурия 15 % ҳолларда қайд қилинади, микрогематурия эса касалликнинг асосий ва доимий симптоми — томир деворлари (қон томирлар) ўтказувчанигинанг ошиши патижаси ҳисобланади;

— протеинурия — томирлар ўтказувчанигининг бузилиши ва копточадар каниллярлари томир деворининг бузилиши патижаси — майдага дисперс азъуминилар, шунингдек глобулинлар ва фибриноген ажралади. Сийдик оқсил миқдори 1 дан 10 % гача ва бундан күпроқ (касаллик бошланишида) ва узоқ — 3—4 ой дан 1 йилгача кузатилиши мумкин;

— лейкоцитурия оз-моз, бироқ деярли ҳамиша бўлади. Эритроцитлар ва лейкоцитлар ҳисоб қилинганда (Каковский—Аддис, Нечипоренко методлари бўйича) ҳамавақт биринчиларишининг миқдоран устунлиги қайд қилинади;

— цилиндрурория — 75 % ҳолларда гиалини, донадор цилиндрлар (бальзан эпителiali) топилади.

Ўткир нефритнинг кечини, клиник формалари:

— циклли формаси — ўткир бошланиши, шикоятлар, анамнез, объектив маълумотлар, сийдик ўзгариши ва касалликнинг бошқа белгилари аниқ кўрипади;

— латент формаси — касаллик бошланиши номаълум, симптомлари кам, сийдик ўзгаришлари динамикаси устидан кузатиб бориш муҳим, чунки ўткир нефритнинг бу формаси кўпинча хроник формага ўтади;

— шиш, шиш-гипертоник формаси тегишли симптоматика билан;

— геморрагик формаси — бош оғриги, белда оғриқ, доимий макро-ёки микрогематурия, цилиндрурория.

Е. М. Тареев (1972) маълумотларига кўра ўткир нефритда айрим симптомлар ва уларнинг қўшилиб келиши қўйидаги рақамларда учрайди:

— гипертензия, шишлар, сийдик синдроми 72,7 % ҳолларда;

— гипертензия ва сийдик синдроми — 15,5 %;

— алоҳида сийдик синдроми — 5,4 %;

— шишлар ва сийдик синдроми — 4,6 %;

— сийдик синдроми бўлмаслиги — 1,8 % ҳолларда.

Ўткир гломерулонефритнинг учта клиник тури фарқ қилипади: моносимптом, тарқоқ, нефротик.

Ҳозирги вақтда касалликнинг тарқоқ формаси фақат 6 % беморларда, нефротик синдром — 8 % да аниқланади, ваҳоланки моносимптом тури 86 % ҳолларда аниқланади. Беморда симптомларнинг уч хили: шишлар, ошган артериал босими ва сийдик синдроми бўлган тақдирда ўткир гломерулонефритнинг ўткир формаси тўғрисида фикр юритса бўлади.

Беморда нефротик синдром бўлганда хроник гломерулонефрит қўзишини ҳамиша истисно қилини зарур, бироқ бундай қилиш қийин бўлади, чунки иккала ҳолда иммунологик кўрсаткичларнинг бир тирадаги динамикаси кузатилиши мумкин. Морфологик текширув ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Моносимптом формаси ғақат сийдикда ўзгаришлар борлиги билан характерланады, баъзан қисқа муддатга артериал босим кўтарилиши, юзда (кўзлар остида) оз-моз шишлар учраши мумкин. Бироқ бу белгилар ўткинчи бўлади ва, одатда, даво қилинмай йўқолади. Ўткир гломерулонефритнинг моносимптом формалари устунилк қилишини аксарият беморларнинг ўз-ўзини даволаши билан бўлайдилар.

Е. М. Тареев (1972) ўткир гломерулонефрит кечишида учта даврни фарқ қиласи: нефритдан олдинги давр, асли нефрит даври, охири даври, бу согайиш билан ёки хроник босқичга ўтиш билан тугаши мумкин.

Шундай қилиб, касаллик типик турда цикл билан кечиши, ҳамма симптомлар тез ошиб бориши, сўнгра улар навбат билан йўқолиши мумкин. Бундан ташқари, касаллик кечишининг циклли бўлмаган хилларини ҳам ажратиш мумкин, бундаж айrim симптомлар йўқолишида кўрсатиб ўтилган қонуният бўлмайди ва аҳволининг дастлабки яхшиланишидан кейин у қайтадан ёмонлашуви, патологик симптомларнинг ҳаммаси ёки бир қисми яна пайдо бўлиши мумкин. Бундай касаллик одатда ўткир бошланмайди.

Асоратлари:

— олигурия ёки анурия — агар 7—8 кун давом қиласа, бу прогностиниг ёмон белгиси ҳисобланади;

— баъзан ўткир бошланган ўткир гломерулонефрит ўртacha ўткир хавфли экстракапилляр нефрит типи бўйича кечиши мумкин, у жадал авж олиб кечади ва буйрак етишмовчилиги сабабли ўлим билан тугаши мумкин;

— юрак-томирлар етишмовчилиги — юрак астмаси, ўчка шиши;

— гипертоник энцефалопатия ёки буйрак эклампсияси — кучли бош оғриғи, тоник ва клоник талвасалар, тиљни тишлаб олиш, беихтиёр сийиб қўйиш ва ич келиши — булар артериал ва калла сугаги ичи босимининг кескин ошиши, бош мия шиши натижаси ҳисобланади.

Ўткир нефрит диагностикаси ўткир ҳолларда қийин эмас, бироқ касалликнинг кам симптомли ва ўзгариб кечадиган формаларида қийин. Ўчоқли нефрит, хроник гломерулонефрит қўзиши, юрак етишмовчилиги, сийдикда ўзгаришлар билан («димлашган буйрак»), токсик ва токсик-инфекцион буйрак, ўткир буйрак етишмовчилиги, ўткир амилоидоздан, буйракнинг ваккулитларда, коллагенозларда, ревматизмда, ўртacha ўткир сентик эндокардитда, ўткир пилонефритда ўзгаришидан ажратиш керак.

Диагнознинг тахминий таърифи: 1) ўткир диффуз гломерулонефрит, шишли формаси; 2) ўткир, диффуз гломерулонефрит, шиш-гипертоник формаси. Асорати: буйрак эклампсияси, Н₁.

Даволаш

1. Парҳез режими (7-парҳез, суюқлик, тузни чегаралаш, витаминлар, айниқса витамин С, кальций тузларига бой овқат; творог, сут, шарбатлар, қанд ва олма бериладиган кунлар ва ҳ. к.).

2. Маълум муддат давомида ўринда ётиш режимиға қаттиқ риоя қилиш (тегишли шароитлар яратиш, иссиқ ва қуруқ хона).

3. Дори-дармоилар билан даволаш:

— касалликнинг этиологик ва патогенетик омиллариға таъсир қилиш (антибактериал ва яллигланишга қарши даволаш ва контокчалардаги иммун патологик жараёнга таъсир қила оладиган воситалар).

— асоратларини симптоматик даволаш (юрак этишмовчилиги, ўпка шиши, энцефалопатия — бўйрак эклампсияси, гиперкалиемия, олигоанурия);

— антибактериал (антибиотикларни, айниқса яллигланиш касалликлари бўлганда, турли инфекцияларда етарли дозада тайинлаш);

— десенсибилизация қиласидан даволаш;

— гормонал (стериоид) препаратлар (преднизон, преднизолон, триамцинолон, гексаметазон ва б.) — нефрит формасида, касаллик узоқ кечганда, айниқса шин ва сийдик (гематурия) синдромлари бўлганда. Ўткир нефрит бошланишида уларни касалликнинг 3—4-ҳафтасидан артериал босим нормага яқинлашаётганда қўлланилади. Кортикостероид гормонлар зарурат бўлганда (кетмайдиган шишлар ёки сийдик синдроми) ва гипертензия синдроми бўлганда, бироқ гипотензив ва сийдик ҳайдайдиган препаратлар билан бирга тайинланади;

— гипотензив, сийдик ҳайдайдиган ва юрак воситалари кўрсатмалар бўлганда;

— бўйрак эклампсиясида: қон олиш, орқа мия пункцияси, 50 мл физиологик эритмада 2 г хлоралгидратли клизма, венага 10% ли магнезий сульфат эритмаси (100—150 мл), 40% ли глюкоза эритмаси (20—40 мл), ганглиоблокаторлар, сийдик ҳайдовчи дорилар, типич шароит ва ҳ. к.

— бўйрак этишмовчилиги, ўпка шишига қарши курап;

— диспансер кузатуви, санаторий-курортда даволаш, инфекция ўчоқларини санация қилиш.

Прогноз кечиши характерига, клиник формаларига, қўшилиб келадиган касалликлар ва асоратларга боғлиқ:

— летал патижа ўткир уремия, мияга қон қўйилиши, юрак (чап қоринча) этишмовчилиги, қўшилиб келган касалликлардан (зотилжам каби) юз бериши мумкин;

— хроник нефритга ўтиш (1/3 ҳолларда);

— согайиш.

Касаллик патижаси шунингдек беморларга ўз вақтида ва тўғри даво қилишига боғлиқ — улар касалхонага нечоғлик эрта ётқизилса, согайиш имконияти шунчалик кўп бўлади: дастлабки 10 кунда — 80 % да, 10—20-куни — 75 % да, бундан кеч ётқизилганда 40 % bemорларда. Шу билан бирга алоҳида синдромида хроник нефрит ривожланиши эҳтимоли айниқса кўп бўлади.

Профилактикаси: ўчоқли инфекцияга қарши курап (хроник тонзиллит, отит, Фарингит, ўткир респиратор касалликлар, грипп); хро-

ник инфекция ўчоқларыни санация қилиш; санитария-соғломлаштириш тадбирлари, организмы чиниқтириш, спорт, жисмоний тарбия билан шуғулланиш ва б.; ҳар қандай инфекция, айниқса ангинадан кейин сийдикни албатта анализ қилиш.

Контрол саволлар

1. Ўткир нефрит этиологияси.
2. Шиш синдроми, гипертензия, сийдик синдроми, эклампсия патогенези.
3. Ўткир нефритнинг клиник турлари (ва клиник босқичлари).
4. Диагностика ва дифференциал диагностика.
5. Гормонал препаратлар қўлланишга кўрсатмалар ва монелик қиласидиган ҳоллар.
6. Ўткир нефрит натижаси.
7. Санаторий-курортда даволашга кўрсатмалар ва монелик қиласидиган ҳоллар.

ХРОНИК ДИФФУЗ ГЛОМЕРУЛОНЭФРИТ

Таърифи. Хроник гломерулонефрит — узоқ вақт (бир йилдан ортиқ ва бир неча ўн йилларгача) кечадиган актив яллигланаадиган, одатда, инфекцион-аллергик, икки томонлама диффуз буйрак касаллиги, унинг контокчалар (нефронлар) ҳалок бўлишига, буйрак иши бузилишига, артериал гипертензия авж олишига, буйрак бужмайишига ва хроник буйрак етишмовчилигидан ўлимга олиб келадиган классик брайт касаллигига хос клиник белгилари бўлади (Тареев Е. М., 1972).

Хроник гломерулонефрит билан касалланиш кўпайиб боришга мойил касалликдир. Ҳамма тадқиқотчилар унинг 1:5 дан 1:10 гача кескин ошиб бораётганини қайд этадилар. Ҳозирги вақтда у тарқалиши бўйича буйрак касалликлари ўртасида 2—3-ўринни ва буйрак патологиясидан ўлим сабабчиси сифатида бирипчи ўринни эгаллади.

Агар ўткир гломерулонефритнинг асосий белгиси (аксарият сийдик синдроми) бир йилдан узоқ вақт давом қиласа, уни хроник турга ўтган деб ҳисобланади. Уни кўп ҳолларда бирданига аниқлаб бўлмайди.

Хроник гломерулонефрит — хроник буйрак етишмовчилигининг асосий сабабчиси.

Клиник маълумотлар ва назарий билимлар асосида студент қуидагиларни билиши керак:

- 1) буйракнинг бирламчи заарланганини аниқлаш;
- 2) патологик жараён характеристики (яллигланиш, дистрофик, ўсма, ривожланишдаги нуқсон ва б.) аниқлаш;
- 3) тахминий диагнозга биноан текширувнинг асосланган планини тузиш;
- 4) қуидагилар асосида диагнозни аниқлаш ва уни таърифлаш: — касалликнинг диагностик мезонларини билиш;

— касалликнинг клиник формалари, айрим симптомлари ва синдромлари патогенезини билиш;

— бошқа касалликлардан ажрата олиш;

— касаллик асоратлари, кечиши, патижаси ва прогнозни билиш.

Этиологияси ва патогенези:

— ўткир нефритнинг хроник турга ўтиши (ўткир нефритнинг бирламчи-яширин кечиши, уни ўз вақтида ва тўлиқ даволамаслик, хроник инфекция ўчоқлари борлиги, беморларнинг врач қўрсатмаларини бузиши);

— ўткир нефритнинг этиологик омиллари хроник нефритда ҳам сабабчи омил бўлиши мумкин;

— специфик (сил, захм, бруцеллёз ва б.) ва поспецифик (ўпка касаллклари, септик эндокардит ва б.) инфекциялари ва вируслар; коллаген касалликлар, систем васкулитларнинг аҳамияти;

— камдан-кам ҳолларда зардоб, дори-дармондан бўладиган нефритлар кузатилади;

— хроник нефрит патогенези ўткир нефритнидан узчалик фарқ қўлмайди (сенсибилизацияланган организмда пайдо бўлади, иккала касаллик асосида аутоиммун жараёнлар ётади). Нефритларда шиш синдроми ҳам гипопротеинемия (онкотик босим пасайиши), ҳам фильтрация камайиши ва реабсорбция, ошиши, гипофизнинг антидиуретик гормон ва буйрак усти безлари пўстлоғи гормони (альдостерон) ишлаб чиқариши кучайиши сабабли буйракларнинг патрий ва сувни ажратиши бузилиши патижасида пайдо бўлади.

Патологик анатомияси:

I. Субъектив маълумотлар хроник гломерулонефритнинг клиник формалари ва кечишига боғлиқ:

— тери қопламлари рангпарлиги, геморрагик тошмалар, моматалоқ, лаб цианози ва б. (юз салқиган) бўлиши мумкин;

— юзда, қовоқларда ва тананинг бошқа қисмларида шишлар;

— бел соҳасида оғриқ;

— диурез ўзгариши формаси ва босқичига боғлиқ (компенсация ёки декомпенсация);

— бош оғриғи, бош айланиши ва артериал босим ошишининг бошқа симптомлари;

— пафас қисиши, бўғилиш (юрак етишмовчилиги бўлгандан);

— юргаңда ва тиич турганда юрак уриши;

— иштаҳа ёмонлиги, кўнгил айниши, қусиши, ич кетар, оғизда аччиқ таъм, қоринда оғриқ ва буйрак етишмовчилигининг бошқа белгилари;

— кўз хирадашуви;

— озиб кетиш (касалликнинг охирги босқичларида).

II. Субъектив маълумотлар анализи (бемор шикоятлари ва анамез).

III. Объектив маълумотлар.

1. Умумий кўздан кечириш.

— беморнинг умумий аҳволи касалликнинг оғир-енгиллигига, босқичига ва формасига боғлиқ;

- беморининг ўриндаги вазияти аксарият актив, буйрак декомпенсацияси босқичида — пассив;
- тери қошламлари ўзгариши: рангпарлик, дистрофик жараёнлар — қуруқлик, қашиниш белгилари, «уремик упа» (терминал босқичида);
- юз, қовоқларда шиш, юз салқиган, баъзан бел соҳасида, оёқлар ва гавдада катта шишлар; плевра, перикард, қорин бўшлигига суюқлик йигилиши;
- пафас қисиши, баъзан тинч турганда ҳам, бўгилиш (чап қоринча етишмовчилиги, уремия).

2. Юрак-томирлар системаси:

- пульс таранг, одатда ритмли, брадикардия ёки тахикардия;
- артериал босим (айни вақтда максимал ва минимал босим ошади) симоб устуни ҳисобида $180/100 - 220/120 - 240/140$ мм ат-рофида;
- чап қоринча гипертрофияси;

I тои сусайиши ва юрак учидаги систолик (кўпинча) шовқин;

— юрак декомпенсацияси (аксарият чап қоринча) клиникаси.

3. Бошқа органлар ва системалар томонидан ўзгаришлар асосан буйрак етишмовчилиги — хроник азотемия (токсик зотижам, токсик гастрит, колит, перикардит ва б.) билан боғлиқ; кўз туби — артериаллар торайиши, баъзан кўзнинг тўр пардасига қон қўйилиши, тўр парда кўчиши, нейроретинит, кўр бўлиб қолиши.

IV. Лаборатория, биохимиявий ва бошқа қўшимча текшириш методлари маълумотлари.

— сайдикда ўзгаришлар — протеинурия, микрогематурия (аксарият), макрогематурия, лизинидлар, полиурия, гипоизостенурия Зимницкий синамаси маълумотлари бўйича;

— буйракларнинг функционал аҳволи — бузилишлар буйрак декомпенсацияси даврида кузатилади — фильтрацион функция пасайиши, каналчаларда реабсорбция ошиши, суткалик сайдик миқдори камайиши, мочевина, қолдиқ азот, индикан, креатин миқдори ошиши;

— периферик қонда ўзгаришлар — эритроцитлар, гемоглобин миқдори пасайиши, пойкилоцитоз, анизоцитоз ва нормо-гипохром (брайт) анемиясининг бошқа белгилари. Нормобластлар, таёқча ядролилар, метамиелоцитлар, ҳатто миелоцитлар (уремияда) ҳисобига нейтрофил лейкоцитоз чапга силжиш билан кам аниқланади; эозинофилия ёки ашэозинофилия, тромбоцитопения, СОЭ ошиши;

— биохимиявий ўзгаришлар — гипопротеинемия, диспротеинемия а- ва β-глобулинлар миқдори ошиши ҳисобига, гиперхолестеринемия, азотемия;

— иммунологик силжишлар (қўзиш даврида бирмунча иғодаланган);

— ЭКГ да — левограмма; Т тишчаси яссилашган ёки икки фазали, QRS комплекси кенгайган, ЭКГ даги ўзгаришлар юрак декомпенсацияси, азотемиянинг миокардга токсик таъсири, гипертензия билан боғлиқ;

— бошиңа органлар ва системалар томонидан ўзгаришлар тегишли текширишлар асосида анықланади.

Хроник гломерулонефриттинг клиник формалари:

— латент формаси — тегишли шикоятлар йўқ. Касаллик арте-риал гипертензиясиз ва шишларсиз яширин кечади. Сийдик синдроми кучсиз ифодаланган бўлини мумкин. Беморлар врачларга кеч мурожаат қиладилар, стационарга улар биринчи марта буйрак етишмовчилиги белгилари билан келтирилади;

— нефротик (шиш) формаси — узоқ вақт йўқолмайдиган (доимий) шишлар ва сийдик синдроми, ўзига хос анатомия;

— гипертония формаси — артериал гипертензия, юрак томонидан тегишли ўзгаришлар ва сийдик синдроми (буйрак эклампсияси, аксарият ёшларда);

— арадаш формаси (шиш-гипертоник) — анамнез, гипертоник синдром, ўзига хос шишлар ва сийдикда ўзгаришлар.

Е. М. Тареев (1972) у ёки бу синдромларнинг устунилик қилишига кўра хроник гломерулонефриттинг қуйидаги формаларини фарқ қилган: хавфли (ўртacha ўткир), латент, нефротик, гипертоник, арадаш, терминал.

Хроник гломерулонефриттинг кечиши:

— буйрак компенсацияси даври — азотемия белгилари бўлмайди, жараён яширин ёки кам белгилар билан кечиши мумкин;

— буйрак декомпенсацияси даври, у нисбий ёки абсолют бўлади («Буйрак етишмовчилиги» га к.).

Асоратлари:

— энг жиддий (хатарли) асорати — иккиласмчи-бужмайган буйрак, натижада хроник буйрак етишмовчилиги ривожланади (буйрак қатор функцияларининг бузилиши, изостепурия, гипостенурия, азотемик уремия — қонда қолдиқ азот миқдорининг 100—140—200 мм/л ва кўпроқ ошиши, резерв ишқорийлик пасайиши, ацидоз, азотемиянинг қатор органлар ва системалар функциясига токсик таъсири белгилари);

— юрак-томирлар етишмовчилиги (чап қоринча типи бўйича);

— кўр бўлиб қолиши;

— ҳар хил геморрагик асоратлар (томирлар заарланиши);

— сепсис, сарамас, зотилжам, йирингли инфекциялар, пиело-нефрит, уроренал инфекция қўшилиши;

— озиб кетиш (кахексия) ва б.

Дифференциал диагностикаси. Хроник гломерулонефриттинг кечиши, айниқса иссиқ иқлим шароитида ғоят турли-туман. Кўп ҳолларда симптомлари аниқ бўлганда (гипертензия, шиш, сийдик синдроми ва б.) уни диагностика қилиш осон. Афсуски, симптомлари кам ва сийдикдаги ўзгаришлар жуда оз бўлган (доимий эмас) формалари ҳам учраб туради. Шунинг учун бундай bemorлар врачларга мурожаат қилмайдилар, буйракдаги жараён эса давом қилади, иккиласмчи-бужмайган буйрак — азотемик уремиягача ривожланади. Бундай ҳолларда ўчоқли инфекциялар борлигига аҳамият бериш, сийдикдаги ўзгаришларни (вақти-вақти билан ўртacha протеинурия,

микрогематурия ва б.), артериал босим, СОЭ ни динамикада кузатиб бориши зарур.

Хроник гломерулонефритиниң ўткыр нефрит (бирламчи-хроник), хроник пиелонефрит, ўчоқли нефрит, гипертония касаллигининг буйрак формаси, буйрак амилоидози, нефроангииосклероз, диабетик гломерулосклероз, тұгма буйрак нүқсони (буйрак ва буйрак томирларининг ривожланиш нүқсони), юрак етишмөчилеги («димланған буйрак»), сыйдик-тоңи касаллиги, буйрак сили кабилардан фарқ қилиш керак.

Диагнозни таҳминий таърифлаш: 1) хроник гломерулонефрит, нефротик формаси, буйрак компенсациясы босқычы, №₀ 1 (ўшплиб келгандык — хроник декомпенсациялашған тоңзиллит); 2) хроник гломерулонефрит, шинш-гипертоник формаси, буйрак етишмөчилеги босқычы. Асортлары — уремия, зотилжам.

Даволаш. Хроник гломерулонефритни даволаш принциплари ўткыр нефритдаги каби:

- пархез билан даволаш (пархез № 7 а, 7 б, 7), сув-туз режимиға риоя қилиш;
- күрсатмалар бүйінча касалхонага ётқизиш, ўринде ётиш режимі, қуруқ иссиқұлық, совқотишдан әхтиёт бўлиш, жисмоний меҳнатни чегаралаш;
- инфекция ўчоқларини санация қилиш;
- антибактериал терапия;
- кортикостероидларни күрсатмалар бўлгандағына қўлланиш (гипертоник синдром бўлмаганды ёки кам ифодаланған бўлганда): преднизолон ёки преднизон (даво курсига 1500—2000 мг гача), триамцинолон (1200—1600 мг гача) ва б. Касалликнинг сўнгги босқичларида гормонал препаратлар ва иммун депрессантлар ишлатиш мумкин эмас;
- иммун депрессантлар (цитостатиклар): азатиоприн, циклофосфамид, хлорохин, резохин, делагил;
- дисенсибилизация қиласында яллигланишга қарши воситалар (индометацин, бутадион, димедрол, кальций препаратлари, левомицетин, гепарин, резохин, хлорохин);
- антилимфоцитар зардоб ва антилимфоцитар глобулин қўлланиш, плазма ва оқсил препаратлари (полиглюкин ва б.) қуийш;
- гипотензив препаратлар (допегит, альдомет, резерпин гипотиазид билан, гексоний, магнезия сульфат, альдактон, пентамин, натрий нитропруссид, диоксидин);
- гепарин хроник гломерулонефритининг аллергик ва яллигланиш белгиларига таъсир қиласы, протеинурияни пасайтиради, диспротеинемияни камайтиради, буйракниң фильтрацион функциясини яхшилайди;
- уремик интоксикацияга қарши қурашиш — дезинтоксикацион терапия;

— мўл суюқлик ичиш, меъда ва ичакларни ювиш, венага томчилаб 5% ли глюкоза эритмаси, 4—5% ли сода эритмаси, 10% ли натрий хлорид; аминазин, қон олиш, сыйдик ҳайдайдиган дорилар,

юрак дорилари, «сунъий буйрак» ёрдамида диализ, анаболик гормонлар — неробол, диацабол; буйракни күчириб ўтказиш;

— санаторий-курортда даволаш (Байрамали, Ялта, Трускавец, Ессентуки, Железноводск ва ҳ. к.);

— диспансерда кузатиш.

Профилактикаси: турли хил, аввало стрептококкли ўчоқли инфекцияларнинг олдини олиш, социал-соғломлаштириш тадбирлари ўтказиш; инфекция ўчоқларини санация қилиши; ўткир нефрит ва хроник нефритга сабаб бўладиган касалликларни ўз вақтида топиш ва даволази.

Контрол саволлар

1. Хроник гломерулонефрит этиопатогенези.
2. Хроник гломерулонефрит асосий синдромларнинг патогенези.
3. Касалликнинг клиник формалари ва уларнинг таърифи.
4. Хроник гломерулонефритнинг этиопатогенетик терапияси.
5. Гормонал терапияга кўрсатмалар, монеликлар ва асоратлари.
6. Азотемик уремияда даволаш («Буйрак этишмовчилиги га қ.»).
7. Хроник гломерулонефрит прогнози.

ХРОНИК ПИЕЛОНЕФРИТ

Таърифи. Хроник пиелонефрит (ХП) буйраклар интертубуляр оралиқ тўқимасининг хроник носиевибактериал яллигланиши бўлиб, жомчалар шиллиқ пардаси шикстланиши, кейинроқ қон томирлари ва буйрак паренхимасининг гематоген, лимфоген ёки уроген шикастланиши билан ўтади.

Хроник пиелонефрит буйракларнинг энг кўп учрайдиган касаллиги ва пафас системаси органлари инфекциясидан кейин одамда учраши жиҳатидан иккичи касаллик ҳисобланади (Н. А. Лопаткин, А. Л. Шабад, 1985).

Кўп соили адабиёт маълумотлари пиелонефрит билан аксарият 40 ёшгача аёллар (баъзан ҳомиладорлик даврида, тугруқдан кейин) касалланишини, ёши улгайган эркаклар эса аёлларга нисбатан кўпроқ касалланишини тасдиқлаб беради. Бироқ пиелонефрит ҳар қандай ёнда, ҳатто кўпинча болаларда, айниқса 2—3 ёнда, ўғил болаларга нисбатан кўпроқ қиз болаларда (анатомик хусусиятларига кўра) пайдо бўлиши мумкин. Бинобарин, биз аёлларда хроник пиелонефритнинг клиникаси, кечиши ва бошқа масалаларни бирмунча батағсил ўрганиб чиқишимиз зарур.

Статистик тадқиқотлар пиелонефритли беморлар орасида аёллар сони тобора ошиб бораётганини кўрсатади. Янги тутилган чақалоқлар орасида пиелонефрит ўғил болаларга нисбатан қиз болаларда иккичи баравар кўп аниқланган, Э. М. Силина бўйича (1973) бу нисбат 5:1 ии ташкил этади. Касс ва муаллифдошлари бўйича (1978) стационарларда пиелонефритли bemorлар орасида эса 1:8—10. Аёлларда пиелонефрит этиологияси, патогенези, кечиши, диагностикаси ва давоси жиҳатидан ўз хусусиятлари билан ажralиб туради.

Н. А. Лопаткин, А. Л. Шабад (1985) маълумотларига биноан ўткир пиелонефритли 518 нафар беморлар орасида 14—39 ёш груп-пасидаги аёллар 80 фоизни ва 40—80 ёшдаги аёллар 58 фоизни ташкил қилган. Пиелонефрит гестацион даврда бирмунча кўп кузатилади. Сўнгги йилларда ҳомиладор аёллардаги ўткир пиелонефрит фақат онада эмас, балки она қорнидаги болада ҳам хроник пиелонефрит ривожланишига олиб келиши мумкинлигини кўрсатди (Н. А. Лопаткин ва б., 1979).

М. М. Шехтман (1980) хроник пиелонефритда ҳомиладорлик ва тургуқлар кечишининг қатор хусусиятларини қайд қилади. Унда кўпинча ҳомиладорликниң вақтидан илгари тўхташи кузатилади, бунда у кечиккан муддатларда тўхтайди (16—24 ҳафтада). 9% ҳомиладор аёлларда чала бола туғиш, кўпичча кечиккан токсикозлар (44—80% гача ҳолларда) учрайди, 16% ҳоллар ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиб қўйишни талаб этади. Кўп ҳолларда аёлларда хроник пиелонефрит хатарли кечади. 40 ёшдан кейин аёлларда хроник пиелонефрит бундан ёпроқ даврга қараганда деярли 6 марта кўпроқ кузатилади. Бирламчи ёки асоратланмаган пиелонефрит ва иккиласми — асоратланмаган пиелонефрит фарқ қилинади. Кечиши бўйича ўткир пиелонефрит, хроник пиелонефритга ва унинг охирги босқичига (пиелонефритик бужмайган буйрак) бўлинади. Сўнгра пиелонефрит бир томонлама ва икки томонлама бўлиши мумкин.

Пиелонефрит буйракниң паренхиматоз яллигланиши сифатида бир неча формада бўлади (Зд. Виктор бўйича, 1968):

- 1) ўткир пиелонефрит (пиелит);
- 2) хроник пиелонефрит.

I. Бирламчи-хроник нефрит (агар сабабини аниқлаб бўлмаса).

II. Иккиласми-хроник пиелонефрит:

- а) калькулэз;
- б) ҳомиладорлар пиелонефрити;
- в) диабетик;
- г) аномалияли (ривожланиш нуқсонларида);
- д) бошқа (нейроплегия, простата гипертрофияси).

III. Интерстициал нефрит.

Клиник белгиларига кўра хроник пиелонефритни 4 формага бўлиш мумкин:

- 1) суст кечадиган пиелонефрит;

- 2) пиелонефрит гинертензия билан бирга;

3) пиелонефрит компенсацияланмаган (ёки компенсацияланмаган) буйрак етишмовчилиги билан;

- 4) пиелонефрит каналчалари етишмовчилиги билан.

Студент беморни кузатишда йигилтган инфомрация ва буйрак ҳамда сийдик чиқарув йўллари касалликлари бўйича назарий маълумотларга асосланиб, қўйидаги саволларга тўла-тўкис жавоб берниши лозим:

- 1) жараённинг қаерда жойлашгани ва характеристери тўғрисида тах-

миний фикр билдириши (буйрак, қорин пардаси орқасидаги бўшлиқ, умуртқа ногонаси; яллигли дистрофия ва б.);

2) тахминий диагнозга биноан ўзишинг ҳақлигини исботлапни учун қандай қўшимча текшириш методларини ўтказиши керак;

3) қандай касалликлар билан дифференциал диагностика ўтказиши;

4) тўғри диагнозни қандай тузиш ва таърифлаш ва бунишг учун нималарни билиш керак;

5) даво тадбирлари планинни қандай тузиш.

Этиологияси. Пиелонефрит пайдо бўлишида бир неча омилларнинг аҳамияти бор:

1) инфекциялар (ичак таёқчаси, вульгар протей, тилларанг стафилоокк, энтерококк, оқ стрептококк, гемолитик стрептококк ва б.). Бироқ кўпинча аралаш флора қатнашади;

2) сийдикнинг нормал оқиб тушишига механик тўсник бўладиган ва шу тарика аутоинфекция жонланишига ёки инфекция қўшилиб келишига йўл очадиган функционал ва органик жараёнлар (буйрак ва сийдик чиқарув ўйллари— сийдик йўли, қовуқдаги тошлар, ўсмалар; уретрит; сийдик йўли структуралари; қовуқ функцияси бузилиши; ҳомиладорлик, ёғ босиш; қўшни органлар ва системаларнинг ўсмалари ва б.);

3) айрим прецератларнишг токсик таъсирига (апальгетиклар, аптиревматик воситалар, фенацетин ва б.), касалликларга қандли диабет, жигар касалликлари ва б.) мойиллик туғдирувчи омилларга (совқотиши, поқулай об-ҳаво шароитларига) муайян аҳамият берилади;

4) бундан ташқари, хроник пиелонефритга етарлича даво қўлмаслик ва органларнинг яллиғли инфекцион характердаги қатор касалликларини ўз вақтида даволамаслик (энтерит, тез-тез антипа бўлиб туриш, зотижам, йирингли касалликлар) муайян аҳамиятга эга.

Патогенези. Буйракларга патоген микроорганизмлар учта йўл билан киради:

1) гематоген (организмда турли-туман инфекциялар — грипп, ўткир респиратор касалликлар, ангини, чипқон, ҳўппоз, зотижам, остеомиелит, сенсис, метроэндометрит, отит, фронтит кабилар бўлганда умумий қон оқими орқали);

2) уроген (микроблар ва биринчи галда ичак таёқчаси сийдик оқимига қарши тарқаладиган, сийдик йўли орқали юқорига кўтариладиган);

3) лимфоген йўл — инфекцияшнинг қўшни органлар касалликларида (ичак, чапоқ органлари касалликларида) лимфатик система орқали тарқалиши;

4) макроорганизмнинг қаршилик кўрсатиш ҳолати, турли сабаблар (инфекция, интоксикация, чарчашиб, юрак етишмовчилиги, гипо-авитаминоз, қандли диабет, подагра ва бошқалар) таъсири остида иммунобиологик реактивлиги пасайиб кетиши муайян аҳамиятга эга.

Патологик анатомияси:

— кечиши давомлилигига, заарланиш даражасига, склеротик

жараёнлар бор-йўқлигига боғлиқ ҳолда макроскопик маңзара турли-ча (иккала буйрак ёки битта буйрак ўлчами ва оғирлигининг нотекис камайиши, буйрак чандиқлари, эгри-бугрилиги, бужмайганлиги, жомчаларидан қобигига томон йўналишда патологик жараёнлар борлиги);

— микроскопик маңзара (жомчаларининг плазматик ҳужайра-лар, лимфоцитлардан инфильтрацияси ва склерози кўринишидаги яллигланиш белгилари; томирлар системаси ўзгариши — продуктив эндартериит, артериолосклероз, гиалиноз ҳодисалари; интерстициал тўқима инфильтрацияси, каналчаларда, айниқса коллоид цилиндрлар кўринишидаги ўзгаришлар, эпителий яссиланиши).

Хроник пиелонефритнинг клиник маңзараси

Хроник пиелонефрит кечишида унинг З та клиник формасини фарқ қилиш мумкин:

- 1) қайталапувчи форма;
- 2) латент хроник пиелонефрит;

3) пиелонефритик бужмайган буйраклар (ёки иккиласми буж-майган буйрак), бу хроник пиелонефрит оқибатидир; бинобарин хроник пиелонефрит клиникаси касалликнинг клиник формаларига, буйракларнинг заарлапиш даражасига, жараённинг оғир-енгилли-гига ва асоратлари бор-йўқлигига боғлиқ.

I. Субъектив маълумотлар хроник пиелонефритнинг клиник формалари кўра ҳар хил бўлади:

— сийдик чиқариш вақтида ачишиш ва оғриқ, бел соҳасида оғриқ (бир ёки иккала томонда), тана температураси ошиши, терлаш, эт жунникиши ёки аксарият қалтираш (улар қўзиши, қайталапиши ёки қайталанадиган формаси учун хос);

— беҳоллик, лоҳаслик, бош оғриги, бошқа симптомлар бўлмагани ҳолда тана температурасининг оз-моз ошиши (субфебрилит) касалликнинг аксарият латент формаси учун хос;

— артериал гипертония, сийдикда ўзгариш борлиги (амбулатор текширувда); анамнездан (қачонлардир буйрак «касалликларини» бошидан кечирган, ҳомиладорлик, совқотиши, ўткир респиратор касалликлар, грипп, зотилжам кабилар билан боғлиқлик).

Кузатувларнинг кўрсатишича, ошган температура ($37,2-37,6^{\circ}\text{C}$ дан юқори) одатда 25,6 %, субфебрил — 46,9 % ҳолларда аниқланади, беморларнинг 27,5 % да температура реакцияси бўлмайди; белда оғриқ bemorларнинг тахминан 51,6 %, бош оғриги 38,4 %, дизурик ҳодисалар — 33,0 % да қайд қилинади. Шундай қилиб, bemorларнинг 72,5 % да тана температураси кўтарилиши, 90 % да эса бош оғриги ва белда оғриқ кузатилиб, булар муҳим диагностик аҳамиятга эга.

II. Объектив маълумотлар:

1. Умумий кўздан кечириш: аҳвол турлича — қониқарли, ўртacha оғирлиқда ёки оғир (кечиккан босқичларида); аксарият тери қопламлари рапнгарлиги, юз салқиши, оёқларда пастозлик, дистрофик ҳодисалар, тана вазни камайиб кетиши, гипертермия (субфебрили-

тет ёки бундан юқори) ва б. 2. Оргаплар ва системалар бүйича күздан кечириш:

— юрак-томирлар системаси (пульс ритмли, бир оз таранг, тахи-брадикардия), артериал гипертония (нейфритда бўлганидан камроқ), «ошган босим» симптомлари ва одибатлари — чап қоринча ҳисобига юрак гипертрофияси, I тон сустлашиши ва юрак учидаги систолик шовқин, аорта устида II тон акценти;

— ўнкада (патологиясиз ёки гипертензия натижаси сифатида пастки бўлакка мос келадиган «димланиш» хуружлари, улар кейинчалик юрак чап қоринча етишмовчилиги ривожланишига олиб келади);

— буйракларда (Пастернацкий симптоми ҳамавақт мусбат эмас, сийдик синдроми);

— меъда-ичак йўлларида: патология йўқ ёки буйрак декомпенсацияси натижасида гастрит, энтерит, колит ҳодисалари;

— бошқа органлар томонидан одатда нормада объектив силжишлар йўқ ёки улар касалликнинг кечиккан босқичларида пайдо бўлади.

III. Қўшимча текшириш методларидан олингани маълумотлар:

— периферик қон: ўзғаришлар йўқ (латент формасида); лейкоцитоз, иштрофилез чапга силжиш билан, СОЭ тезлашиши ва б.

Зд. Кивтор маълумотлари бўйича (1968) СОЭ тезлашуви пиело-нефритли беморларнинг 3/4 қисмида, соатига 11—30 мм атрофида — 32,3% беморларда, соатига 31—60 мм 20,2%, соатига 61—100 мм 20,6%, соатига 100 мм дан юқори — 2,7% беморларда кузатилади; кечиккан босқичларида — анемия (эритроцитопения, гемоглобин пасайиши, гипохромия).

— циелонефрит учун сийдик синдроми хос, латент формасида унинг белгилари кам, қайталашидиган формасида ёки асоратланган циело-нефритда ифодаланган: оз-моз протеинурия, пиурия — лейкоцитурия, оз-моз гематурия, цилиндрлар бўлниши мумкин. Сийдик синдроми орасида ҳамма ҳолларда пиурия бирмунча ифодаланган бўлади. Маълумки, ҳар бир соглом одам бир суткада сийдик билан 1 млн лейкоцит (Аддис маълумотлари бўйича) ёки бир минут ичидаги 2500 лейкоцит (Амбурже методи бўйича) ажратади. Соглом одамларда лейкоцитлар тарқоқ ҳолда ва спра гуж-ғуж бўлиб учрамайди (микроскопи остида), беморларда эса улар групна-групна ҳолида, кўрув майдонида бир неча ўнлаб ва юзлаб тошилади, баъзан пиурия оддий кўз билан кўришади. Лейкоцитурия деярли 99,5% беморларда, оз-моз протеинурия 39,4% беморларда аниқланади, беморларнинг 9,6% да у бирмунча ифодаланган (суткасига 2 г дан ортиқ). Буйрак етишмовчилиги бўлганида: полиурия, пиктурия, гипоизостепурия, фильтрацион функция пасайиши, каналчаларда реабсорбция ошиши ва б.;

— биохимиявий силжишлар: диспротеинемия альбуминлар камайиши ҳисобига, глобулинлар миқдори ошиши, мусбат чўкма реакциялар натижалари, дисферментемия; қолдиқ азот, мочевина, қондаги креатинин миқдори ошган, фибриногенемия ва б.;

— замонавий рентенологик текшириш методлари қимматли на-тижалар беради; рентгенологик (экскретор урография, ёки яхписи — ретрография пиелография), текширишнинг радиоизотоп методлари, ультратовуш методлари. Кўрсатиб ўтилган методлар ёрдамида жара-ёнинг қаерда жойлашуви (бир — икки томонлама), зарарланиш да-ражаси, органнинг ўлчамлари, функционал имкониятлари ва пиело-нефрит тўғрисидаги бошقا маълумотлар аниқлапади. Бундан таш-қари, жараён активлигиси, макроорганизмнинг иммунологик статуси-ни аниқлаш учун энг нозик иммунологик методлар жорий қилипади.

Кечиши ва асоратлари. Маълумки, хроник пиелонефрит: оз симп-томатика билан (латент формаси), етарлича лаборатория ва клиник белгилар (қўзиш-қайталаниш, қайталанадиган формаси), ҳар хил кечади; бир ёки икки томонлама хроник пиелонефрит одатда узоқ (10—15—20 йил ва бундан ортиқ) кечади, хроник нефритга қара-ганда секин авж олиш ва актив даво қилинганда қайтиш имконияти билан характерланади. Битта буйрак шикастланганда одатда иккичи-чиси ўрнини тўлдириб туради, иккаласи шикастлапганда кечиши қийинлашади. Жараён ёмон кечганда буйраклар бужмайиб, хроник пиелонефрит ривожланади.

Асоратлари: иккиласи бужмайган буйрак — хроник буйрак етиш-мовчилиги; миокардит; миокардиодистрофия — юрак етишмовчили-ги; мия бузилишлари; васкулитлар; ўчақли инфекциялар қўшилиши (зотилжам, септик ҳолат ва бактериал келиб чиқадиган бошقا ка-салликлар).

Прогнози. Асоратланмаган пиелонефритда (латент формаси ва б.) прогноз одатда яхши. Хроник пиелонефритли беморларда икки то-монлама пиелонефритда, бошقا асоратлар қўшилганда, юрак деком-пенсациясида прогноз оғирлашади.

Диагностикаси. Хроник пиелонефрит диагнози bemor шикоятла-ри, анамнез, объектив маълумотлар, энг асосийси — қўшимча тек-шириш методларига асосланиб қўйилади (пиурия — лейкоцитурия, бактериурия, Каковский—Аддис, Нечипоренко синамалари натижалари, буйрак концентрацион функцияси, сийдик осмоллярлиги паса-йиши, амиак экскрецияси, водород ионлари концентрацияси бузилиши; урографиянинг мусбат натижалари, буйракларни сканирлари, диагностиканинг ультратовуш методи, иммунологик тестлар). Бундан ташқари, хроник пиелонефритнинг тўғри диагностикасига симптомлар комплекси хроник пиелонефритни эслатадиган қатор касалликлар билан пухта дифференциал диагностика ўтказиш йўли билан эришилади, уларга қўйидатилар киради:

— гестацион пиелонефрит (ГП). Гестацион пиелонефрит ҳоми-ладор, тугадиган ва туқсан аёлларда ривожланиши мумкин, одатда уни энтерококк, эшерихия, протей (грамманий флора) қўзгатади ва иситма, эт жунжикиши, белда оғриқ, дизурия, юқори интокси-кация, кескин гематологик силжишлар (нейтрофил гиперлейкоцитоз, аксарият лейкемоид реакция белгилари, гипохром анемия; диспро-теинемия), ифодаланган сийдик синдроми (лейкоцитурия, бакте-риурия ва б.) билан характерланади;

— ўткир пиелонефрит (ҮП). Ўткир пиелонефрит интерстициал, сероз ва ўирингли бўлиши мумкин, юқори иситма (доимий ва гектик), қақшатадиган эт жунжикиши, сўнгра тарақ-тарақ терлаш, артralгия, миалгия, бош оғриғи, кўнгил беҳузур бўлиши, қусиши каби қатор симптомлар билан ўтади. Ўткир пиелонефрит бўлган беморларда қатор маҳаллий симптомлар — белда оғриқ ва мушаклар тараанглашуви, олдинги қорин девори мушакларининг тараанглашуви, пайнаслаб кўрилганда қовургалар остида ва бел соҳасида оғриқ борлиги аниқланиади. Ўткир пиелонефрит хроник пиелонефритдан ифодалашган сийдик синдроми, гиперлейкоцитоз, вейтрофилларнинг токсик дошадорлиги, билишарли интоксикация кабилар билан ажralиб туради. Ўткир пиелонефрит ўз кечини бўйича септик ҳолат белгиларини эслатади, бу шонинлик диагностика қилиш ва даволашни талаб этади. Хроник пиелонефритининг бошига касалликлар билан дифференциал диагностикаси 21-жадвалда келтирилган:

— хроник пиелонефритни хроник гломерулонефрит билан (бунга дизурия, пиурия, бактериуря бўлмагани ҳолда ифодаланган протеинурия, гематурия, цилиндруря хос); интерстициал нефрит билан (дизурия, пиурия, бактериуря ва б. бўлмаслиги); гипертония касаллиги билан (артериал гипертония яллигланиши белгилари бўлмаган сийдик синдромидан устуслик қиласи, анамнез, салбий ҳисхаяжонлар, чарчашиб билан бөглиқлик) дифференциал диагностика қилиш керак. Бундан ташқари, туғма гипоплазия, буйраклар сили, ўсмалари, буйрак шикастлари, буйракнинг томир касалликларини истисано қилиш керак.

Айтилганлардан кўриниб турибдики, хроник пиелонефрит диагностикаси айниқса Ўрта Осиёнинг иссиқ иқлимли шароитларида қийиш бўлади, бу ерда кўргина буйрак касалликлари (яллигланиши характеридаги нефрит, пиелонефритлар) оз симптомлар билан ўтади. Бинобарии, кузатувларимиздан маълум бўлинничча, беморлар стациопарга касалникнинг оғир формаси билан, буйрак етишмовчилиги, аксарият уремия билан келтириладилар. Буларнинг жами умуман буйрак касалликлари, хусусан пиелонефрит — хроник пиелонефрит диагностикасига бирмувчча жиҳдий мупосабатда бўлишини тақозо қиласи, чунки хроник пиелонефритда патологик жараён даволаш масалаларига вижданан ёндошилганда бемалол тўхтатилади.

• Диагнознинг тахминий таърифи

1. Ўткир пиелонефрит, қўшилиб келгац: хроник декомпенсацияланган тонзиллит. Асоратлари: ўткир томир етишмовчилиги (коллансе). Септик ҳолат.

2. Хроник икки томонлама қайталаиадиган пиелонефрит хроник буйрак декомпенсация босқичида. Қўшилиб келган: хроник холецистит ремиссия босқичида. Асоратлари: Н₁₁ Б.

3. Хроник бир томонлама пиелонефрит, буйрак компенсация босқичида латент кечиши. Қўшилиб келган: хроник метроэндометрит, аднексит.

Давоси

1. Кўрсатмалар бўйича касалхонага ётқизиш (гестацион пиело-

Хроник ишкенефритин дифференциал диагностика

Касалылар Симптомлар	Хроник ишкенефрит	Хроник гломерулонефрит	Атеросклеротик нефросклероз	Бұйрак амилоидоз
Сийдик чикарув ішүллери патогониясы Дизурек ходисалар Гипертензия	Ішүп учрайди Кам учрайди Күн учрамайди Хос эмас, көніккан босқичларда учрайди Хос Күншінча учрайди Оз микдорда Сийдикда оксил Сийдикда глициндерлэр	Бүтмайди Камдан-кам учрайди Шунга хос Күншінча учрайди Учрамайди Көніккан босқичларда Оз микдорда Бүтмайди ёки оз бўлади	Бүтмайди Бўтмайди Хамшиша қайд қилинади Көніккан босқичларда учрайди Учрамайди Көніккан босқичларда Оз микдорда Бўтмайди ёки гиалини чильцилар кам	Бўтмайди Бўтмайди Бўтмайди Бўтмайди Бўтмайди Учрамайди Көніккан босқичларда Оз микдорда Бўтмайди — оз микдорда
Шиншар Иситма, лейкоцитоз Намкоңлик	Хос Күншінча учрайди Оз микдорда Бўтмайди	Күншінча учрайди Көніккан босқичларда Оз микдорда Гиалини Дилиндилар —	Кам учрайди Бўтмайди Бўтмайди Хамшиша қайд қилинади Көніккан босқичларда учрайди Учрамайди Көніккан босқичларда Оз микдорда Бўтмайди ёки гиалини чильцилар кам	Бўтмайди Бўтмайди Бўтмайди Бўтмайди Бўтмайди Учрамайди Көніккан босқичларда Оз микдорда Бўтмайди Норма атрофида Дөвмий микротематурия
Сийдиста лейкоцитар Сийдикда эритроциттар Бактериурия Сийдикда Штерн—Гей- мер, Мальбин хужайра- тари Бұйрак фильтрацион функцияси бузилини реабсорбция	Эритроцитлардан күп Микрори кам ошган Талайгин Антиглобулин Фагат көніккан босқич- ларда Пасайған	Доммий микротемату- рия Хос эмас Хос эмас Хос эмас Хос	Доммий микротемату- рия Хос эмас Хос эмас Хос эмас Хос	Айрым холларда күп Хос эмас Хос эмас Хос эмас Пасайған
Азотемия Пиелография	Көніккан босқичида се- кин гибоксигланиади Косацатар, жомчуларда- ги ўзагришлардың юзага чи- кварады	Фагат көніккан босқич- ларда Пасайған	Көніккан босқичида пасайған Ривожланади, зұта авж кин, тез авж олади	Фагат көніккан бос- қичларда Уртаса пасайған
			Ривожланади, зұта авж кин, тез авж олади	Ривожланади, зұта авж кин, тез авж олади Мумсимон, ёғли күй Мумсимон, ёғли күй
			Узагришлардың юзага чи- квармайды	Узагришлардың юзага чи- квармайды надиришлардың юзага чи- квармайды

пефрит, ўткир пиелонефрит, хроник пиелонефрит, айниңса ушинг қайталанадиган формасыда, пиелонефритга сәз бўлса-да шубҳа бўлган барча иоаниқ ҳолларда).

Пиелонефритни этиологик омилларни ҳисобга олган ҳолда комплекс, индивидуал даволаш керак.

2. Ўринда ётиш, парҳез, туз, гигиеник каби режимларга риоя қилиши.

3. Консерватив даволаши:

— антибактериал терапия: этиологиясига — инфекция турига боғлиқ ҳолда (22-жадвал) энг таъсириш антибиотиклар ташлаш;

— сульфаниламидлар: этазол, уросульфан кабилар 7—10 кун мобайнида; қўйша препаратлар — бисентол, бактрим, сеприн. Умуммустаҳкамлайдиган воситалар, витаминлар билан даволаш (В, С групна витаминалари, глюкоза, инсулин, гемодез ва б.).

Бирламчи хроник пиелонефритни даволашиниг ўз хусусиятлари бор.

О. Л. Тиктипский (1982) бирламчи пиелонефритда қўйидаги схема бўйича узоқ муддатли антибактериал терапияни тавсия этади: ажратиб олинган бактериал флюранинг сезувчалигига кўра ҳар ойнинг 1 ҳафтаси мобайнида бемор таъсири спектри кенг антибиотиклардан бирини (тетрациклины, левомицетин, яримсийтетин, пенициллины) ёки сульфаниламидлар (сульфадиметоксин, этазол), нитрофуранлар (фурадопин, фуразолидон, фурагин) олади; ҳар ойнинг қолган 3 ҳафтасида беморга ўсимлик днуретиклари ва антисентиклар (қирқбўғим, ўрнкарча, херниария, чучукмия, қайнин барглари), ҳафтасига 1 марта фурасемид ёки ургегит берилади. Комплекс терапияга метилурацил, пентоксил, продигиозан, антистафилококк гамма-глобулин, стафилококкил анатоксин, ҳар кварталда бир марта ретаболил ва нероболил юборилади. Даво бошланишидан бошлиб 4-ойда, 5-НОК (шитроксолин) билан ҳафталиқ даволаш курси ўтказилади, сийдикда грамманфий флора бўлганда эса одатдаги дозада невиграмон (пеграм) тайниланади. Сўнгги 4 ойда шу препаратлар билан даволашни худди шундай тартибда тақрорлапади ва 1,5—2 йилгача давом эттирилади;

— иккиласмчи хроник пиелонефритда асосий омил (буйрак-тош касаллиги, жомча-сийдик йўли оғзи обструкцияси, простата бези adenomasи, аёл жинсий аъзолари ўсмалари), шунингдек интеркуррент касалликлар (ҳар қандай соҳада жойлашган ўчоқли инфекциялар ва б.) билан кураш бўйича чоралар кўрилади. У хроник пиелонефритни тегишилича даволаш фонида ўтказилади;

— кўрсатмалар бўйича: гипотензив (дизабол, гипотиазид, раувольфия препаратлари, пентамин, клофелин ва б.), сийдик ҳайдайдиган (альдактон, фурасемид), юрак дорилари (строфантин, коргликон), седатив дорилар берилади;

— физиотерапевтик методлар: даволаш физкультураси; буйрак этишмовчилиги бўлмаганда ремиссия даврида санаторий-курортда даволаш (Трускавец, Боржоми, Саирме, Железноводск, Ессентуки, Байрамали). Биринчидан, пиелонефрит авж олишига имкон берган.

Инфекция-құзатувчи түрига күра антибактериал воситаларниң таъсирчанлигі

Құзатувчи	Антибактериал препараттар	
	Биринчи нағылдағы	Резерв
Әшерихиялар	Ампициллин, цефалоспорин, тетрациклин, гентамицин	Стрептомицин, канамицин, полимиксин, рифампицин, бисептол, неграм, нитрофуранлар, 5-НОК
Стафилококк	Метициллин, амициллин	Цефалоспорилар, ампициллин, ристомицин, линкомицин, нитрофуранлар, 5-НОК
Стрептококк	Бензилпенициллин	Цефалоспорилар, ампициллин, эритромицин, ристомицин, линкомицин, нитрофуранлар, 5-НОК
Протей	Ампициллин, цефалоспоринлар, гентамицин	Оксациллин, карбенициллин, аминогликозидлар, левомицетин, фурадонин, невиграмон, бисептол
Энтерококк	Ампициллин, тетрациклин	Эритромицин, ристомицин, нитрофуранлар, 5-НОК
Күк йиринглательчи таёқча Ичак таёқчаси	Карбенициллин, гентамицин	Полимиксинылар
Кандида туркумидаги замбуруелар	Невиграмон, фуразолидон, амициллин, бисептол	Канамицин
Номаълум	Нитроксолин, левориннинг на трийли тузи, уларни биргаликда тайинлаш	Декамин, леворин, амфоглюконат
	Нитроксолин, фуразолидон	Невиграмон, фурагин
	Гентамицин	

Иккинчидан, пиелонефрит кечишини оғырлаштырган бошқа касалықтар билан кураш бүйіча даволаш-согломлаштырыш табиirlари үтказиш, жараён авж олиши — асоратлар пайдо бўлишининг оддини олиш керак.

Профилактикаси. Пиелонефрит, хроник пиелонефритлар профилактикаси үткір пиелонефритлар, гестацион пиелонефритин ғаол ва сабот билан даволашдан иборат; инфекция ўчоқларини санация қилиши; ҳар қандай буйрак патологиясини ўз вақтида ва актив даволаш; макроорганизм чидамини, умумий реактивлигини ошириши; санитария-гиgienик табиirlар; ҳомиладорликнинг кечиши, туқсан аёллар, янги туғилған чақалоқлар ва болалар, айниқса қиз болалар аҳволи устидан педиатр-врачларниң қунт билан назорат олиб бориши.

Контрол саволлар

1. Пиелонефрит ривожланишида буйрак патологиясининг ахамияти.
2. Хроник пиелонефрит патогенези.
3. Гестацион пиелонефрит тушунчаси, диагностикаси.
4. Клиник формаларига күра хроник пиелонефритнинг кечиши.

5. Хроник пиелонефритниң диагностиқ мезонлари. Хроник пиелонефритда сийдик синдроми таърифи.

6. Дифференциал диагностикаси (гестацион, ўткир пиелопефрит, бошқа касалликлар билан).

7. Хроник пиелопефритда даво тадбирлари принципи ва плани.

8. Пиелонефритниң бирламчи ва иккиламчи профилактикаси.

МЕТАБОЛИК НЕФРОПАТИЯЛАР, БУЙРАКЛАР АМИЛОИДОЗИ

Таърифи. Буйрак амилоидози ёки дистрофияси — организмда модда алмашынуви жараёнлари бузилиши патижасида каналчаларниң дегенератив заарланиши билан ўтадиган систем касаллиги. Амилоидозда метаболизм бузилиши патижасида организм учун янги модда (амилоид) ҳосил бўлиб, у периретикуляр ёки коллаген тоналар атрофида йигилади, бу ҳол айрим ички органлар, жумладан буйраклар функциясининг издан чиқиши билан ўтади.

1848 йилда ёки Рокитанский буйраклар, жигар, талоқда таркиби помаълум, мумга ўхшаш модда йигилишини қайд қилган. Р. Вирхов эса бу моддани амилоид деб атаган. Kuhne ва Руднев «амилоид спрасини айтганда ўзгарган оқсил материяси эканлигини» исботлагашлар. И. П. Кравков (1897) бу оқсил билан хондроитинсульфат кислота бирикмаси деган фикрий таклиф қилган. Ҳозирги вақтда амилоид таркибига альбумин, глобулинлар, фибриноген, фибрин, комплемент, шунингдек липидлар, липопротеидлар ва айрим бошқа моддалар кириши маълум бўлди. Бинобарин, амилоиднинг химиявий таркиби мураккаб ва бир хил эмас.

Буйрак амилоидози — умумий амилоидознинг хусусий қўриниши, организмда оқсил алмашынуви бузилиши, тўқималарда зич гомоген модда амилоид ҳосил бўлишидир. И. В. Давидовский маълумотлари бўйича у Москва прозектураларида (1928—1932 йй.) ёрилган мурдаларнинг 0,2% да; А. А. Демин ва муаллифдошлари (1970) амилоидозни 1,4% ҳолларда аниқлашган. АҚШ да ва Европа мамлакатларида амилоидоз 0,5%, Японияда ёришнинг 0,1% ҳолларида аниқланади. Бундай катта тафовут аҳолининг овқатланиш хусусиятлари ва бошқа омиллар билан изоҳланади.

Бирламчи ва иккиламчи амилоидоз фарқ қилинади.

Амилоидознинг ҳамма эътироф қилган классификацияси бўлмаса-да, сўнгги йилларда Х. Хеллер (1966) таклиф этган классификация тобора эътироф қилинганини, бунга мувоғиқ амилоидознинг учгуруҳи фарқ қилинади.

— генетик ёки ирсий (тўртта формаси бор) — бу гуруҳининг пайдо бўлиши ирсий ферментопатия билан боғланади;

— орттирилган ёки иккиламчи (иккита форма) — энг кўп учрайдиган формаси;

— идиопатик ёки бирламчи (бешта форма).

Бирламчи амилоидоз билан асосан кекса ёшдаги кишилар касаллападилар. Амилоидоз йигилиши ёш улгайган сайин ошиб бориши аниқланган. Амилоид йигилиши (аксарият юракда) 60—70 ёшдаги

31,2% шахсларда, 70—80 ёнда — 43,2% ва 80—90 ёшдаги 80% шахсларда аниқланган. (Рябов С. И., 1982), Унинг кечишида тери, мушаклар, мия, юрак-томирлар системаси заарланиши күпроқ, ҳазм органлари заарланиши камроқ кузатилади. Организмнинг айrim системалари күпроқ заарланишига кўра бешта клиник хили фарқ қилинади:

- классик бирламчи (систем);
- нефропатик;
- пейропатик;
- кардиопатик;
- локал хили.

Бирламчи амилоидоз етук ёшдаги эркак ва аёлларда бир хилда учрайди. Касалликнинг бошлангич белгилари — авж олиб борадиган беҳоллик ва тез чарчаб қолиши, аксарият тана температураси кўтарилади, бемор озиб кетади, тери қонламлари қичишади, уртикар тошмалар тошади, камроқ — қаттиқ шишлар келади (врачлар склеродермия деб шубҳа қиласидар). Касалликнинг типик белгиси — тилнинг катталашиб кетганлиги (оғизга сифмайди), кўздан кечирилганда қизил ёки кўкимтир-қизил ёриқлар ва яралар билан қоплангац, нутқ бузилади, ютиш қийинлашади, сўлак оқади. Клиник хилларига боғлиқ ҳолда атзои бадаңда ҳаракатнинг чеклангалиги, ҳаракат қилганда қийналиш, парестезия, оёқ-қўллар бармоқ учларининг увишиб қолиши, жинсий ожизлик (агар касаллик ёшлиқдан бошланган бўлса), авж олиб борадиган юрак етишмовчилиги, тез-тез зотилжамга йўлиқиши кузатилади, жигар ва талоқ катталашуви мумкин, баъзап сариқлик бўлади. Кечиши одатда оғирлашиб бориб, беморлар юрак етишмовчилиги ошиб боришиндан нобуд бўладилар.

Ирсий амилоидознинг тўрт хили фарқ қилинади: абдоминал, торакал, бўғим ва иситмали хиллари. Улар орасида аксарият оғлавий Ўрта ер денгизи касаллиги (даврий касаллик) учрайди. Сабабсиз иситма чиқиши, қорин ва бўғимлардаги оғриқ одатда ўзича барта-раф бўлади. Амилоидоз генетик (ирсий) формаси авж олиб кечади, аксарият яҳудийлар, арманлар, араблар касалланадилар, шу билан бирга эркаклар ва аёлларда касаллик бир хилда учрайди.

Орттирилган (иккиламчи) амилоидоз бўлиб ўтган хроник инфекция — сил, йирингли касалликлар, захм, коллаген касалликлар (ревматоид артрит, систем қизил волчанка ва б.), остеомпелит фенида ривожланади. Иккиламчи (орттирилган) амилоидоз энг кўп учрайдиган формасидир. Клиник маълумотлар ва назарий билимларга асосласиб студент қўйидагиларни билиши керак:

- 1) амилоидозга олиб келган асосий патологик жараён характеристики аниқлаш;
- 2) асосий жараённинг қаерда жойлашганини аниқлаш (умумий амилоидоз, буйрак, ичак, талоқ, жигар, буйрак усти безлари, юрак, тери, мия амилоидози ва б.).
- 3) тахминий диагноз асосида bemorni текшириш планини тузиш;
- 4) қўйидагилар асосида узил-кесил даигнозни аниқлаш ва таърифлаш:

- касалликнинг етакчи клиник белгиларини билиш;
- умуман касаллик патогенезини, хусусан айрим симптомлари патогенезини билиш;
- дифференциал диагноз ўтказишни билиш;
- касалликнинг кечиши, матижаси, асоратларини билиш;
- 5) план тузиши ва асосланган этиопатогенетик (асосий касалликни даволаш), симптоматик терапия.

Этиологияси. Бўйракнинг иккиласми амилоидозида органлар ва системаларнинг хроник (аксарият йирингли) касалликлари этиологик омил бўлиб хизмат қилиши мумкин:

- пафас органларининг хроник йирингли касалликлари (бронхоэктатик касаллик, плевра эмпиемаси, ўнканнинг хроник абсцесси, инневмосклероз ва б.);
- ўпка, лимфатик тугуилар, сұяклар, бўғимлар спили;
- ҳар хил этнологияни остеомиелитлар;
- коллагенозлар (ревматоид артрит, систем қизил волчанка ва б.);
- хроник лейкозлар, лимфогрануломатоз, миелом касаллик;
- безгак, бруцеллёз, актиномикоз ва б.;
- хроник пиелонефрит;
- хроник ярали колит.

Патогенези. Амилоидоз ривожлапинида қўйидагилар муҳим ўрин тутади:

- бирламчи хроник ўчоқ;
- организм сенсибилизацияси, оқсил синтези айниши (диспротеинемия), дағал дисперс глобулинлар ва денатуратланган (аномал) оқсиллар (парапротеинлар) пайдо бўлиши;
- аутониммуп жараёнлар. Антигенлар антителолар билан томирлар деворларида йигилиб борадиган специфик комплекслар ҳосил қиласди.

Патологик анатомияси:

- макроскопик текширувда — бўйраклар катталашган — катта «ёғли бўйрак», консистенцияси зич, юзаси донадор, кесмада мумсимион, капсуласи осон кўчади;
- микроскопик текширувда — томир деворида амилоид йигилиши;
- иккиласми-бужмайган бўйрак ривожлапганда — орган кичрайган, каналчаларда дегенератив ўзгаришлар, улар атрофияга учрайди ва бирюзлирчи тўқима билан алмашинади, томирлар бўшлиги тораяди — бу бўйраклар ишемиясига, гипертензия ривожлашишига олиб келади.

Клиник маизараси

I. Субъектив маълумотлар турли-туман, улар фақат бўйрак амилоидози билан эмас, балки асосий жараёнининг клиник белгилари билан боғлиқ (сил, коллагенозлар, остеомиелитлар, бронхоэктатик касаллик, ўпка абсцесси ва бошқа органлар ва системаларнинг амилоидози):

- барқарор, катта шишлар, аксарият бутун тавада шиш;

- диурез бузилиши (олигурия, дизурия ва б.);
- бел соҳасида оғриқ;
- дармонсизлик, меҳнат қобилияти пасайиши;
- иштаҳа пасайиши ёки йўқлиги, диспептик ҳодисалар;
- пафас олишининг қийинлашуви;
- субъектив маълумотлар шунингдек асосий жараён билан ҳам боғлиқ, шунинг учун улар ҳар бир алоҳида ҳолда ҳар хил бўлади.

II. Субъектив маълумотлар анализи (асосий касалликдан, шунингдек буйрак амилоидозидан шикоятлар ва анамнези).

III. Объектив маълумотлар.

1. Умумий кўздан кечириш:

- беморниңг умумий аҳволи асосий касалликнинг оғир-енгиллиги ва буйрак амилоидози босқичига боғлиқ;
- беморниңг кўриниши, ўриндаги вазияти, овқати ҳам асосий касалликнинг кечиши ва оғир-енгиллиги ҳамда амилоидоз босқичига боғлиқ;
- катта-кичиклиги ва жойлашуви ҳар хил шишлар; гавда, бел соҳаси шишлари, қории илевра бўшлиқларида ҳамда перикард бўшлиғида суюқлик тўпланиши;
- тери қопламлари рангиарлиги, юз салқигашлиги ва шишганилиги.

2. Органлар ва системалар бўйича кўздан кечириш:

- юрак-томирлар системаси: кўпчилик ҳолларда амилоидоз учун гипертензия хос эмас, бироқ Б. В. Ковалева (1966), И. А. Ратнер ва шогирдлари (1970) маълумотларига кўра артериал гипертензия 12—20% беморларда учрайди. Юрак чап қоринчаси гипертрофияси, аорта устида II тоң акценти аниқланади;

— ҳазм органлари — диспенсия, қорип дам бўлиши сабабли ёқимсиз сезгилар, ич кетар ва б.;

— жигар, талоқ, лимфатик тугунлар катталашуви кузатилади (кўрсатиб ўтилган органлар амилоидозида ёки улар асосий жараён билан бўгланган).

IV. Лаборатория ва бошқа қўшимча текшириш методлари маълумотлари:

- периферик қон томонидан ўзгаришлар — шиншили формасида лейкоцитоз, ўртача анемия, СОЭ ошиши эҳтимол;
- сийдикдаги ўзгаришлар — протеинурия (альбуминурия) 10—13% гача, камдан-кам ҳолларда микрогематурия, лейкоцитурия кузатилади. Гиалинли ва мумсимон цилиндрлар бўлиши хос, сийдик солиштирма оғирлиги юқори (буйрак етилмовчилиги ҳали бопланмаганда), полиурия (шишлар қайтаётган даврда), пиктурия, кечиккан босқичларида буйрак функцияси пасайиши;

— биохимиявий силжишлар — гипопротеинемия (3—4% гача), диспротеинемия (альбуминлар миқдори камайиши, γ - ва α_2 -глобулинлар ҳисобига глобулинлар миқдори кўпайиши), сулема, тимол билан ва бошқа чўқма реакцияларнинг мусбат натижалари, гиперлипидемия, гиперхолестерилемия (600—800 мг%), фибриноген миқдори ошиши;

— бопиқа органлар ва системалар томонидан асосий жараёнга болғып патологик үзгаришлар, тегишили текнириш методлари билан аниқлашади;

Бенгольд мусбат сипамаси (венага 10 мл 1% ли конго қизили құйилғанда бир соат ўтгач 50% дан кам қисми тутилиб қолини патология саналади).

Бүйрак амилоидози кечини. Клиник белгиларининг ифодаланғанлығы ва бүйрак иккіламчы амилоидозининг кечини фақат асосий касалликка әмас, балки амилоидоз ривожланиши босқичига (фазасы) болғып. Бүйрак амилоидозининг С. И. Рябов бүйича (1982) клиник класификацияснни көлтирамиз.

<i>Босқичи</i>	<i>Фазасы</i>	<i>Кечини</i>
Бошланғыч Клиник белгилари	Протеинуриялы Нефротик	Аста-секин авж олиб борадиган
Терминал	Шип-протеинуриялы Гипертоник (жуда камдан-кам) Хроник бүйрак етиш- мовчилиги	Тез авж олиб борадиган Қайталанадиган

Бошланғыч босқичида (протеинуриялы — альбуминуриялы босқичида) бүйрак амилоидозининг құйидаги белгилари бўлади:

— асосий касаллик симптомларининг устунлиғи;

— доимий бўлмаган протеинурия, ҳар хил зўригини ва шамоллаш касалликларидан кейин кучаяди;

— бүйрак фувқияси бузилмаган, шиншлар йўқ, артериал босим ўзгармаган.

Ортирилган амилоидозининг иккинчи босқичи құйидаги типик симптомлар билан ўтади:

— шиншлар пайдо бўлади, аввал улар онда-сонда пайдо бўлади, сўнгра кўпайиб боради ва доимийга айланади;

— пайдо бўлиш моҳиятига кўра шиншлар гипопротеинемик (яъни гипоонкия натижасида) пайдо бўлади;

— шиншлар юз, гавдада жойлашади, кейинчалик улар кўнаяди, сероз бўшлиқларга суюқлик йигилади (асцит, гидроторакс, гидроперикардиум);

— юзда мимика йўқолади, у салқигац («нефротик қиёфа»);

— тери қопламлари рангпар;

— протеинурия доимий ва кўп бўлади (суткасига сийдик билан 20 г ва бундан ортиқ оқсил ажралади);

— микрогематурия, цилиндрурея (донадор, гиалинли, мумсимон), лейкоцитурия;

— қон биохимиявий тарқиби томонидан — гипопротеинемия (гипоальбуминемия ҳисобига), диспротеинемия, гиперлипидемия, гиперхолестеринемия;

— СОЭ ошиши, мусбат чўкма синамалар (тимол, сулема билан);

— диспептик ҳодисалардан ич кетар устувлик қиласи — ичак амилоидози натижаси;

- гиперфибринемия ва гиперкоагуляция тромбоэмболик асоратлар ривожланиши билан (аксарият бүйрак томирлари тромбози);
- жигар, талоқнинг катталашуви;
- доимий бўлмаган гипертензия (қарийб 20 % ҳолларда), баъзан тахикардия, юрак етишмовчилиги симптомлари бўлиши мумкин;
- диурез — олигурия, пиктурия;
- интеркуррент инфекциялар қўшилини.

Бўйрак амилоидозининг терминал босқичи клиник бўйрак етишмовчилиги (авж олиб борадиган уремия) билан характерланади:

- шишлар бирмунча камаяди, бироқ сақланиб қолади;
- диспептик ҳодисалар (кўнгил айниши, қусиши, иштаҳа ёмонлиги ва ҳ.к.), ич кетар; азоб берадиган ташниалик;
- азотемия билан бўйрак етишмовчилигининг ҳамма клиник белгилари орта боради («Бўйрак етишмовчилиги» га қ.).

- гипо-, изостенурия;
- артериал босим аксарият ошган;
- юрак (чап қоринча ёки ўнг қоринча) етишмовчилиги ҳодисалари;
- ортиб борадиган анемия — «брейт анемияси»;
- тез-тез ва оғир асоратлар юз бериши.

Асоратлари кўп жиҳатдан асосий касалликка, бошқа органлар ва системалар амилоидози даражаси билан белгиланади:

- эрта ёки кечми иккиласми-бужмайган бўйрак (бўйрак етишмовчилиги) ривожланаши — ўлим уремик комадан юз беради;
- юрак-томирлар етишмовчилиги: чап қоринча етишмовчилиги — гипертензия оқибатидан; ўнг қоринча етишмовчилиги — хроник ўпка касалликларидан, умумий бўлиши ҳам мумкин;
- кўпинча иккиласми инфекциялар қўшилиши — зотилжам, сарамасли яллигланиши, трофик яралар, оғир гипохром апемия ва б.

Диагностикаси ва дифференциал диагностикаси. Диагностикада қўйидагиларни ҳисбога олиш керак:

- апамнез — хроник (аксарият) йирингли касалликлар, хроник юқумли касалликлар (захм, сил, бруцелләз ва б.) борлиги;
- қон томонидан амилоидоз учун хос белгилар: гипопротеинемия, гиперхолестеринемия, гиперлипидемия, диспротеинемия, азотемия, СОЭ ошиши, апемия ва ҳ.к.;
- диагностик синамаларнинг мусбат натижалари: бўёқлар, конго қизили, метилен кўки, Эванс кўки билан синамалар, нуқтали биопсия усули (бўйрак амилоидозининг энг ишончли диагностика усули), шу усул бўйла тескинилганда тўгри ва сигмасимон ичак (75 % ҳолларда мусбат натижга), жигар (50 % да), милк (20 % да) ва б.;

— сийдик томонидан ўзига хос ўзгаришлар — олгоанурия, гипо-, изостенурия, цилиндруриния, пиктурия ва б.;

- ўртача, кўп, кўчиб юрадиган шишлар;
- бошқа органлар ва системалар томонидан амилоидоз белгилари борлиги: юрак-томирлар, меъда-ичак, ўпка ва б.

Буйрак амилоидозиши қүйидагилардан Фарқ қилиш лозим:

— умуман шиши синдромининг таркибий қисми бўлган нефротик синдром билан. Шиши синдроми фақат буйрак касалликларида (ўткир ва хроник нефрит, геморрагик нефрит, амилоидоз, пиелонефрит, нефроангисклероз, бошқа этиологияли буйрак заарланиши) эмас, балки қатор бошқа патологик ҳолатларда (гемодиамик миокард етишмовчилиги, жигар циррози, тромбофлебит, лимфа оқиб кетиши бузилиши, гормонал бузилишлар, аллергик ҳолатлар, узоқ вақт оч колиш ва қахексия ҳолатлари, турли яллижланни жараёнилари, биректирувчи тўқиманинг систем касалликлари, йирингли жараёнилар, ўртacha ўткир бактериал эндокардит, паразитар касалликлар ва б.) ҳам қузатилиши мумкин.

Патогенетик жиҳатдан гормонал силжишлар, ошгап гидростатик босим, насайған онкотик босим, электролитлар алманишуви бузилиши, капилляр деворининг ишикастланиши, лимфа оқини бузилиши, тўқима омили натижасида ривожланадиган шинилар Фарқ қилишиади. Нима сабабли иайдо бўлини номаълум шинилар ҳам бор. Бундан ташқари, шинилар патогенезизда дори-дармонлар (виесут, олтип, симоб преиаратлари, антибиотиклар, витаминалар) таъсири, генетик омиллар, иммунологик бузилишларининг ҳам аҳамияти бор.

Клиник жиҳатдан нефротик синдром шинилар, батъзан бўшлиқлар истисқоси билан аиасаркагача бориб етадиган катта шинилар (асцит, гидротораке, гидроцерикард), диспротеинемия (гипоальбуминемия, гиперальфа-2 ва гаммаглобулинемия), гипопротеинемия, претеинурия, гиперлипидемия қўнда холестерин, β-липопротеидлар, триглицеридлар миқдори ошиши билан, сув-туз ва электролит балансининг бузилиши белгилари, иккималчи гиперальдостеронизм, антидиуретик гормонининг ошгағ секрецияси билан характерланади.

Нефротик синдром шинилардан, аввало юракдан бўладиган шинилардан одатда катталиги, раңгнарлик, нормал маҳаллий температура (шини соҳасида), бемор умумий ахволининг исебати қониқарли бўлиши, мажбурий вазият бўлмаслиги (этиологиясига боғлиқ), тана вазиятига боғлиқ бўлмаслиги (улар фақат оёқларда эмас, балки юзда, асосан қовоқларда ҳам бўлади) билан характерланади.

Ушбу синдром ҳар хил кечади ва асосий касалликнинг кечинига ва оғир-енгиллигига боғлиқ. У келиб чиқини жиҳатидан ҳар хил инфекцион касалликлар (зотилжам, перитонит, сепсис, пиелонефрит, «сарамастга ўхшаш» тери эритемаси), томир тромбози, нефротик криз, циркулятор бузилишлар (гиповолемик коллапс) қўшилиб келиши билан оғирлашини мумкин.

Нефротик синдром диагностикаси субъектив, объектив, лаборатория ва бошқа қўшимча текшириши методларини батағсил, ҳар томоннама таҳлил қилиши ўёли билан амалга оширилади. Бунда асосланган этиопатогенетик терапия ўтказиш учун зарур этиологик омилни аниқлашининг муҳим аҳамияти бор;

— некронефроз билан: ўткир нефroz аксарият оғир металларнинг тузлари, органик ва анорганик кислоталар, заҳарли химикатлар, дори-дармонлар, айрим оғир ўтадиган инфекцион касалликлар

(вабо, дифтерия, лейтоснироз), мос келмаган қон қүйиш, шикастлар, қүйиш, сувсизланиш кабиларда найдо бўлади. Некронефроз патогенезида буйрак қон айланшишининг ўткир бузилини, аноксемия пайдо бўлиши ва буйрак нефроцининг токсик моддалардан шикастланиши етакчи белгилар ҳисобланади. Касаллик ўткир бошланади, олигоанурия белгилари, шок, сийдиқда ўзгаришлар — протеинурия 10 % гача ва бундан юқори, цилиндрурини, гематурия бўлади; кейинчалик ўткир буйрак етишмовчилиги манзараси — уремия (қусиши, апатия, гипотермия, сонороз ҳолат, кома, азотемия — 1000 мг % гача, гиперкалиемия, нерв, юрак-томирлар системаси томоцидан ўзгаришлар) ривожланади. Кўп ҳолларда ўз вақтида малакали ёрдам кўрсатилганда яхни кечади, батамом сорайиб кетиши мумкин. Касаллик прогнози ва патижаси асосий жараёнга, илтоксикация ва ҳайтий муҳим органлар шикастланишига, bemorlarغا эрта тегишли ёрдам кўрсатилишига боғлиқ.

Дифференциал диагностикада анамнез маълумотларини, касалликнинг қон қүйиш, инфекция билан алоқасини, кечини табиатини (ўткир бошланиши, буйрак етишмовчилиги ўткир ривожланиши ва б.) ҳисобга олиш керак;

- хроник нефритнинг ишили формаси;
- бирламчи-бужмайган буйрак билан;
- хроник юрак етишмовчилиги билан (асосан ўнг қоринча, тоатал) — III босқичи;
- аллергик келиб чиққан шишлар;
- «оқсипсиз шишлар», микседема билан;
- қандалли диабетда ва миелом касаллигига буйрак заарланиши билан;
- ишилар, протеинурия билан кечадиган ҳамма касалликлар билан.

Диагнознинг тахминий таърифи: 1) бронхоэктатик касаллик. Асоратлари — иккиласмчи буйрак амилоидози, шини-нефротик фазаси, аста-секип авж олиб кечиши. Ўпка-юрак етишмовчилиги II Б босқичи; 2) бирламчи амилоидоз, тез авж оладиган, протеинурия фазаси. Кардиомегалия. Юрак етишмовчилиги II А босқичи; 3) фиброз-каверноз ўпка сили инфильтрация ва касалликнинг кенг майдонда тарқалиши фазасида, иккала ўпка заарланиши, ВК+. Асорати — иккиласмчи амилоидоз, аста-секип авж олиб борадиган. Нефротик синдром. Хроник буйрак етишмовчилиги I Б босқичи, Нафас етишмовчилиги I даражаси.

Даволали

1. Буйрак амилоидози даволали:

- этиотрон даволали, яъни асосий касалликни (сил, ўпка абсцесси, остеомиелитлар, бронхоэктатик касаллик, захм, бруцеллэз ва б.) даволани;
- пархез билан даволани — витаминлар, оқсилларга бой овқатлар (1,5 г/кг);
- суюқлик ва тузларни катта шишлар келаётган даврда чегара-

лаш (5—6 гача), улар бўлмаган даврда эса суюқлик ва тузлар истеъмол қилиш чегараламайди (чунки шишлар натогенетик жиҳатдан электролит баланси бузилиши билан эмас, балки онкотик босим, яъни гипоонкия бузилиши билан бояглиқ);

— зарурат бўлганда — плазма (қон), оқсил препаратлари (альбумин), полиглюкин ва бомиқа қон ўрини босадиган суюқликлар қўйиш;

— эрта босқичларида — катта дозаларда жигар препаратлари 3—6 ой мобайнида;

— антибиотиклар, сульфаниламид препаратлар ва бомиқа специфик иренепаратлар асосий касалликларни даволаш, турли асоратларининг олдини олини, амилоидозни даволаш (боплангич босқичларида) учун қўлланилади;

— гипертензия ривожланганда (охирги босқичларида) гипотензив препаратлар, сийдик ҳайдовчи препараторлар эса зарурат бўйича қўлланилади;

— глюкокортикоидлар ва анаболик иренепаратлар, тиреоидин ва б.;

— иммун стимуляторлар (левамизол, делагил, продигиозин, пирогенал), амилоидоз авж олишини тутиб турадиган ва унинг қайтишига ёрдам берадиган натогенетик воситалар;

— санаторий-курортда даволаш касалликнинг боплангич босқичларида тавсия этилади;

— диспансер кузатуви.

2. Ўтқир нефроз — некропефроз даволаш:

— сабабига қарни даволаш: масалан симоб (сулема) дан заҳарланишида зиддижаҳар — унитиол антидотини (5 мл дан 5 % ли эритмаси мунак орасига суткасига 3—4 марта) юбориш фойдали;

— шокка қарши қураш (куйиш, тўқималар катта ҳажмда мажақланганда, мос келмайдиган қон қуйини) — наркотик ва седатив моддалар, қон ва унинг ўрини босадиган суюқликларни қуйини, томир иренепаратлари (кофеин, адреналин, норадреналин, мезатон ва ҳ. к.), юрак гликозидлари тавсия этилади;

— дезинтоксикацион даволаш;

— заҳарни ҳайданига қаратилган чоралар — меъда ва пчакларни ювинг (сифон клизма), алиштириб қон қуйини;

— перитонеадъ диализ ва гемодиализ «сунъий буйрак» апарати ёрдамида;

— зарур бўлганда буйракни кўчириб ўтказни.

Прогнози. Асосий касаллик эрта ва муваффақиятли даво қилишганда боплангич босқичида амилоидоз қайтиши мүмкин. Ўзим буйрак етимовчилиги, ўнка-юрак етимовчилиги, интеркуррент инфекциялардан юз беради.

Профилактикаси. Буйрак амилоидозида — амилоидоз авж олишига олиб келадиган асосий касалликларни олдини олини, уларни ўз вақтида даволаш; хроник инфекция ўчақларини тутатиш ва б.

Некропефроз профилактикаси — хроник ицфекциялар, ўтқир инфекцион касалликлар, ҳар хил шикастлар ва абортларининг оқибатларини ўз вақтида даволаш, қон груниаси, резус-фактор ва биологик

мос келувчанликни құнит билап аниқлаб фақат мос келадиган қон қүйиш, үткір зақарланишларнинг олдини олиш ва ҳ. к.

Контрол саволлар

1. Буйрак амилоидози ва нефротик синдром этиологияси (асосий касалликлар).
2. Буйрак амилоидози патогенези (хроник йирипгли жараёшпинг аҳамияти).
3. Буйрак амилоидози клиникаси ва диагностикаси.
4. Амилоидоз турли формалари ва хилларини ўзаро дифференциал диагностика қилиши.
5. Үткір нефроз (некронефроз) клиникаси.
6. Амилоидозларни даволаш принциплари (жумладаң замонавий даво методлари билап).
7. Некронефроз оқыбатлари.

БУЙРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ

Үткір ва хроник буйрак етишмовчилеги фарқ қилинади.

Үткір буйрак етишмовчилеги. Үткір буйрак етишмовчилитига олиб келадиган этиологик омиллар күп ва уларни қуидаги турларга бўлиб чиқиши мумкин:

- преренал: артериал босимнинг кескин пасайиб кетиши, акушерликдаги асоратлар, гемолиз ва миолиз, электролитлар йўқотиш, қўйиш, эндоген интоксикациялар;
- ренал ёки буйракка тааллуқли: нефротоксикоз, айрим дори препаратларнинг токсик-аллергик таъсири, инфекциялар ва б.;
- постренал: сийдик йўлларини беркитиб қўядиган жараёплар, буйрак асли касалликларнинг асоратлари.

Үткір буйрак етишмовчилеги патогенези узил-кесил аниқланмаган; бир неча назариялар: токсик, аллергик, гипоксия назарияси ёки агиоспастик назария илгари сурйлган. Охирги назариянинг тарафдорлари бу патологияда патологик ўзгаришларни буйрак артериаларига этиологик омилнинг бевосита ёки рефлектор таъсири оқибатида вужудга келадиган ишемия билан изоҳлайдилар, бу эса гистологик ва экспериментал текширишларда тасдиқланади (Питтель А. Я., Погорелко И. П., Аграненко В. А., Николаева М. В. ва б.).

Үткір буйрак етишмовчилегининг тўрт босқичи фарқ қилинади:

- бошлангич босқич — олигурия, белда оғриқ пайдо бўлиши, гемолиз шатижасида камдан-кам сийдикда қон бўлиши;
- иккинчи (олигурик) босқич — кескин олигурия ёки анурия, қатор органлар ва системалар, аввало марказий перв системасининг зарарланиш аломатлари;

— диуретик босқич — диурез тикланади, бу одатда касалликнинг 6—14-куни кузатилади ва гипокалиемия ривожланиши жиҳатдан хавфли;

— согайини босқичи — одатда 1 йилга чўзилади ва органлар ва системалар функцияси, хусусан эритропоэз, кислота-асос ҳолати,

сув-электролит балансининг тикланиши, буйракнинг шлак ажратилиш функцияси компенсацияси, артериал босимининг нормага келиши билан характерланади.

Ўтирир буйрак етишмовчилиги прогноз жиҳатдан хавфли, бироқ тегишли даво тадбирлари кўрилгандан қайтар жараён ҳисобланади.

Д а в о л а ш

— этиотрои: сабаб бўлган омилларга кўра (преренал, ренал ёки постренал) ўтказилади ва ҳар бир айрим ҳолда индивидуал ёндошиш зарур;

— симптоматик; ўринда ётиш режими, бадан териси, оғиз бўшлигини яхши парваришлаш, гигиеник вандалар, тери қонламларини сочиқ билан артиш, орқа ва думба терисини камфара сири табиати билан артиш; меъдани 2% ли ошхона содаси билан ювиш; тозалаш клизмаси; инфекциялар кўшилиб келишининг олдини олиш мақсадида антибиотиклар; спазмолитик воситалар — платифиллин, панаверин, эуфиллий юбориш; гиперкалиемия (ацидоz) га қарши кураш, глюкоза, натрий хлорид, кальций глюконат эритмаси, нархезга риоя қилиш, натрий бикарбонат эритмаси, анаболик гормонлар, кокарбоксилаза, В группа витаминалари, гипотензив, юрак дорилари, сийдик ҳайдовчи дорилар кўрсатмалар бўйича;

— махсус даволаш методлари: алиштириб қон қувиш, меъда ва ичакларни ювиш, перитонеал диализ — узлуксиз ёки узиқ-узиқ усууллар билан;

Хроник буйрак етишмовчилиги — бу буйрак контокча ва капалча функцияларининг аста-секин ва доимий оғирлашуви бўлиб, буйрак энди ўзишинг шормал ички муҳитини сақлаб тура олмайди. Хроник уремия, артериал гипертензия, сув-туз ва кислота-асос ҳолатидаги чуқур ўзгаришлар синдроми ҳал қилувчи ҳисобланади.

Хроник буйрак етишмовчилиги ҳам буйракдаги, ҳам буйракдан ташқари жараёнларда: хроник гломерулонефрит, ўртача ўтирир нефрит, хроник пиелонефрит, радиацион нефрит, сийдик-тош касаллиги, гидронефроз, ўсмалар, буйрак артериялари стенози, гипертония касаллиги, катта коллагенозлар, геморрагик васкулит, қандли диабет, амилоидоз, поликистоз ва бошқаларда ривожланади. Буйракнинг асли касалликлари, хусусан хроник гломерулонефрит ва пиелонефрит униш әнг кўп сабабчиси ҳисобланади. Хроник буйрак етишмовчилиги — айниқса ўшлар ўртасида ногирон бўлиб қолиш ва ўлим юз беришининг асосий сабабларида биридир. Масалан. Европада ундан йил сайн 100 000 аҳолидан 300 нафари побуд бўлади. РСФСР областларидан бирда 1 млн. аҳолидан 32 нафари ўлади (Ермоленко В. М., 1982).

М. Я. Ратнер ва муаллифдошлари (1977) хроник буйрак етишмовчилигини креатинин даражасига кўра аниқлашни таклиф этадилар ва 4 даражасини ажратадилар. Н. А. Лопаткин, И. Н. Кучинский (1975) яхшиси сийдик осмолярлиги бўйича аниқлап керак, дейдилар.

Е. М. Тареев (1972) хроник буйрак етишмовчилигининг иккита босқичини тафовут қилади:

— коптоқча фильтрацияси минутига 40 мл гача пасайғанда ҳали консерватив даволаш мүмкин (консерватив босқич); коптоқча фильтрацияси минутига 15 мл гача пасайғанда ўрийбосар терапия ёки буйрак ўтказиш зарур (терминал босқич).

Хроник буйрак етишмовчилиги буйрак паренхимасидаги қайтмас органик (структур) ўзгаришлар натижасида ривожланади, улар ишлаб турған ұжайралар миқдори камайишига, компенсатор имкониятлар тугашига ва қатор иммунологик бузилишларга, бинобарин, буйракнинг кўп сонли функциялари бузилишига олиб келади;

— буйракнинг сийдикини концентрлаш ва уни суюлтириш қобилияти пасаяди;

— каналчаларниң секретор функцияси пасаяди;

— ажратиш, қонни тозалаш ва гомеостатик функциялари пасаяди (қонда мочевина, қолдик азот, аммиак, урат кислота, аминокислоталар, креатин, гуанидин, фосфатлар ва сульфатлар тутилиб қолиши орта боради);

— қон яратиш функцияси пасаяди (эритропоэтии синтези бузилиши, томир ичи гемолизи, азотли шлакларнинг қон яратиш органдыга миселотоксик таъсири натижасида);

— прессор функцияя бузилади, бу реципремия ривожланишига, артериал босим ошишига сабаб бўлади.

Хроник буйрак етишмовчилиги учун ҳар хил симптомлар ва синдромлар: умумий беҳоллик, тез чарчаб қолиш, кўкрак, қоринда оғриқ, инштаҳа ёмошлиги, оғиз қуриши, бош оғриги, бош айланиши, ташпаллик, уйқу бузилиши, тери қичишиши, юрак уриши, инжиқлик, тери қонламлари ва шиллиқ пардаларнинг рангиарлиги ва қуруқлик, қашиниши излари, юз салқигаллиги, мушаклар учуб туриши, эс-хуш йўқолгани ҳолда талвасалар, мушак сустлиги хос.

Қатор органлар ва системаларниң заарланиши симптомлари:

— нафас органлари: фиброз плеврит, иккиламчи зотилжам, нафас етишмовчилиги, оғир ҳолларда — ўнка шинни клиникаси;

— юрак-томирлар системаси: юрак уриши, нафас қисиши, бўгилиши, нисбий юрак тўмтоқлиги чегараларининг кенгайиши, артериал гипертензия, тоналар бўгиқлиги, систолик шовқини борлиги, юрак ритми ва ўтказувчалиги бузилиши, электрокардиограмма ўзгариши, перикард ишиқаланиши шовқини ва юрак етишмовчилигининг бониқа белгилари, токсик миокард, гипертензив синдром, миокардодистрофия, қуруқ ёки нам перикардит;

— меъда-ичак йўллари: анорексия, кўнгил айниши, инштаҳа ёмошлиги, оғиз қуриши ва ёқимсиз таъм, тўзи ости соҳасида оғирлик, оғриқ ва тўлиқлик ҳиссеси, қоринда оғриқ ва гино-анацид ҳолатининг бошқа белгилари, токсик гастрит, колит;

— қон яратини системаси: эритроцитлар, гемоглобин миқдори камайиши, анизоцитоз, пойкилонитоз, тромбоцитоцитозия, бурундан, бачадондан, меъда-ичаклардан қон кетинши ва анемиянинг бошқа симптомлари, геморрагик диатез, «уремик қон оқувчачлиқ»;

- сүяклар заарланиши: ҳаракат қылганда оғриқ, одимлаш бузилиши, скелетда ўзгариш белгилари ва уремик остеодистрофия, «иккіламчи подагра» нинг бошқа ҳодисалари;
- күй туби: күрүв перви диски шиши, ретинопатия, бу оғир гипертензия учун хос;
- томирлар заарланиши: шиплиқ пардаларда яралар, тери қопламлари некрози, уремик васкулит ва висцеритининг бошқа белгилари.

Касаллик айрым клиник белгиларининг юзага чиққанлық дарајаси асосий касалликнинг оғир-еңгиллигига, организмнинг резерв имкониятига ва хроник буйрак етишмовчилиги босқичига болғылғы. Униш диагностикасида құшымча лаборатория ва биохимияй вий текширилілар қўллап илади. Униш учуй лейкоцитоз, СОЭ ошиши, протеинурия, цилиндрурия, микро-гематурия, гипо-, изостептурия билан полиурия, азотемия (мочевина, креатинин, урат кислота), коптожа фильтрацияси, каналча реабсорбцияси камайинши, гипонатриемия, гипоклоремия, гипокальциемия гипофосфатемия билан, сидик билан азот, мочевина, асосий электролитлар ажралышининг камайинши хос.

Д а в о л а ш

1. Бемории касалхонага ётқизиш (зарурат бўлганда).
2. Беморларни тегишлича парваришлари.
3. Сув-туз режимига риоя қилиш; хроник буйрак етишмовчилиги босқичига болғылғы ҳолда парҳез овқатлар.

Буйрак компенсацияси босқичида bemорларнинг парҳези физиологик, 2000—3000 калорияни таъминлаш учун етарли бўлини керак, бу асли оқсилии парчалапишдан сақлайди. Щаъзан ичимлик режимини кенгайтириши тавсия қилинади, у организмни йигилган азотли шлаклардан тозалапига имкон беради. Азотемия юқори бўлган терминал босқичда оқсилисиз парҳез тавсия этилиб, ёғлар ва углеводлар ҳисобига юқори калорияли овқатлар билан бирга алиштириб бўлмайдиган аминокислоталари бўлган оқсилисиз парҳез тавсия қилинади.

4. Бошқа органлар ва системалар ҳолатини, этиология омиллар, хроник буйрак етишмовчилигининг кечини ва босқичини пазарда тутиб, буйракнинг бузилган функцияларини тиклалига қаратилган даволаш тадбирлари:

— етарли дозалардаги антибиотиклар ёқин-ёқмаслиги, қўрсатмалар ва монелик қиладиган ҳолларни ҳисобга олган ҳолда. I босқичида ёқ стрептомицин, неомицин, колимицин каби антибиотикларни, II босқичдан бошлаб, тетрациклин қаторидаги препаратларни тайинлаш мумкин эмаслигини упутмаслик лозим;

— юрак препаратлари (строфантин, коргликон, дигоксин ва б.) қўрсатмалар бўйича. Гиперкалиемия юрак гликозидлари таъсирини ницоблаши, гипокалиемия эса кучайтиришини мумкинligини ёдда сақлаш лозим;

— сийдик ҳайдайдиган дорилар (гипотиазид, фурасемид, урегит, вероширон, триамтерен, этакрин кислота ва бошқалар манинтол ёки манинит эритмалари билан бирга, күрсатмалар бўлгапида);

— гипотензив воситалар (дизазол, гипотиазид, нацаверин, эўфиллин, обзидан, индерал, анатрилин, раувольфия препаратлари ва б.) артериал босимнинг даражаси ва хроник буйрак етишмовчилигининг босқичига кўра тайинланади;

— анемия ҳолатига қарши курашга қаратилган даво тадбирлари— гемоглобин даражаси, эритроцитлар миқдори, геморрагияни ҳисобга олган ҳолда;

— ацидозга, гипер- ва гипокалиемияга қарши кураш ($1,5-2\%$ ёки 4% ли натрий бикарбонат эритмалари, 10% ли натрий лактат эритмаси, 20% ли манинтол ёки манинит эритмаси, 5% ли глюкоза эритмаси, 10 TB гача инсулини, леспенефрил, $0,9\%$ ли натрий хлорид эритмаси, етарли миқдорда мевалар, сабзавотлар, шарбатлар, сув-электролит бузилишлар даражасига кўра калийга бой ёки камбагал озиқ-овқат маҳсулотлари); баъзан меъда, ичакларни ювиш, дуоденал зопдлаш фойдали (қисқа вақтга бўлса-да) — организмнинг азотли шлаклардан буйракдан ташқари тозаланишига имкон беради;

— эҳтимол тутилган инфекцион асоратларни даволаш (буйрак функцияси бузилиши натижасида препаратларнинг нефротоксиклигини ва фармакодинамикасининг бузилишини ҳисобга олган ҳолда, нефротоксик бўлмаган антибиотиклар: левомицетин, эритромицин, олеандомицин, оксациллин, метициллин тавсия қилилади);

— уремик остеодистрофияни даволаш (фосфорга бой озиқ-овқат маҳсулотлари қабул қилишини камайтириш), ичакда фосфор сўрилишини камайтирадиган препаратлар — биринчи галда алюминий гидроксид тайинлаш. У алъмагель таркибига киради (10 ml дан қутига $3-4$ марта);

— хроник гемодиализ («сунъий буйрак») — терминал буйрак етишмовчилиги бўлган беморлар қонини буйракдан ташқари тозалашни усули. Контокча фильтрациясининг минутига 5 ml дан пастга тушиб кетиши, суткалик диурезнинг 700 ml дан барқарор пасайини, қон зардобида креатинин даражасининг $1100-1300\text{ мкмоль/л}$ гача ошиши уни ўтказиш учун кўрсатма ҳисобланади. Бироқ ҳар бир айrim ҳолда индивидуал ёндошиш зарур, баъзан гемодиализ тайинлаш учун биохимиявий ва бопша ўзгариплар эмас, балки касалликнинг клиник белгилари (перикардит манзараси, энцефалопатия, нейропатиялар ва б.) ҳал қилувчи ҳисобланади. Хроник гемодиализ соглом буйраклар функцияси ўрнини тўлиқ боса олмайди, бироқ беморларни касалликнинг оғир белгиларидан узоқ вақтгача ҳоли қиласи, беморни буйракни кўчириб ўтказишга тайёрлашнинг зарур босқичи ҳисобланади.

Хроник буйрак етишмовчилигида прогноз асосий жараённинг этиологиясига, кечишига ва авж олишига, асоратларига боғлиқ ва унинг ривожланиш суръатлари билан белгиланади, бироқ умуман олганда яхши эмас.

V БОБ

ҚОН СИСТЕМАСИ ҚАСАЛЛИКЛАРИ

Гематология — қон ва қон яратиш органлари, уларнинг нормадаги ва патологиядаги түзилиши ва функцияси тўғрисидаги фандир. Ҳозирги замон гематологияси қон эмбриогенези, морфогенези ва морфофизиологиясини, қон ва қон яратиш органларининг норма ва патологиядаги ҳолатини ўрганади. Унинг қатор соҳалари бор: морфологик, клиник, радиацион соҳаси, серологик гематология, иммун гематология ва ҳ. к.

Ҳозирги вақтда клиник ва назарий медицинанинг гематология амалий жиҳатдан қўлланилмайдиган бирорта ҳам соҳаси йўқ. Буниш боиси шундаки, қон одам организмининг «ички муҳити» ҳисобланади, у, бир томондан, ҳамма орган ва тўқималарнинг нормал ишлашини таъминласа, иккинчи томондан — улар функциясидаги ҳамма бузилишларини қўпми-озми даражада акс эттиради. Қоннинг бу турли-туман ва ғоят мураккаб функцияларини унинг шакли элеменлари ва плазмаси марказий перв системасининг доимий бошчариб борадиган таъсири остида амалга оширади. Қон системаси қон яратиш органлари ва периферик қондан иборат бўлади. Нормал қон яратилишини сувак кўмиги, талоқ ва лимфатик тугунлар амалга оширади. Шу билан биргэ сувак кўмигида допадор лейкоцитлар (базофиллар, эозинофиллар, пейтрофиллар), эритроцитлар ва тромбоцитлар, талоқ ва лимфатик тугунларда — лимфоцитлар ва моноцитлар (сўнггиси қисман сувак кўмигида ҳам) ҳосил бўлади.

Қон яратилишининг упитар, дуалистик, триалистик (полифи-лестик) ва ўртача-упитар назариялари мавжуд эди.

Батанамиздаги замонавий гематологларининг фикрича (қон яратилишининг И. Л. Чертов, А. И. Воробьев бўйича схемаси, 1971), ҳамма қон яратилиш элементларининг асосчиси ўз-ўзини чегараланмаган даражада қувватлаб туришга қодир ва қон яратилишининг ҳамма куртаклари бўйича ажrala оладиган полипотент ўзак ҳужайра ҳисобланади, яъни битта асосчи ўзак ҳужайрадан ҳамма қон ҳужайралари ҳосил бўлади.

Қон яратилишининг замонавий схемасига биноан қўйидагилар фарқ қилишади:

I. Полипотент ўтмишдош-ҳужайралар синфи. Бу асосчи ўзак ҳужайра қон яратилишининг ҳамма куртакларини бошлаб беради.

II. Қисман детерминация қилинган полипотент ўтмишдош-ҳу-

жайралар синфи. Улар фақат миелопоэз (эритроид, гранулоцитар ва мегакариоцитар куртаклар) ва лимфопоэз (лимфоцитлар ва плазматик ұужайралар) йүнәлишида дифференциация қилиниши мүмкін.

III. Унипотент ўтмишдош-ұужайралар синфи. Улар фақат бир йүнәлиштегі пролиферация ва дифференциация (гранулоцитар, эритроид, мегакариоцитар ва ҳ. к.) қодир. Фақат лимфоид қатор учун иккита унипотент ұужайра-ўтмишдошлар мавжуд:

1) В-лимфоцитлар ұужайра-ўтмишдошлари, улар плазматик ұужайраларға дифференциацияланади — сүнк күмігіда ва талоқда бұлади;

2) Т-лимфоцитлар ұужайра-ўтмишдошлары, улар Т-лимфоцитларға дифференциацияланади — айрисимон безда бұлади.

IV. Морфологик аниқланадиган пролиферация бұладиган ұужайралар синфи (миёлобласт, монобласт, эритробласт, мегакариобласт, лимфобласт, плазмобласт).

V. Етилаётган ұужайралар синфи (масалан, метамиелоцитлар, таёқча ядролилар, иормобластлар, мегакариоцитлар ва ҳ. к.).


VI. Ҳаёт цикли чекланған етилган ұужайралар синфи (масалан, сегмент ядролилар, эритроцитлар, тромбоцитлар ва ҳ. к.).

Дастлабки учта синф ұужайралари морфологик жиһатдан аниқлад бўлмайдиган, кейинги учта синфларнинг ұужайралари морфологик аниқланадиган ҳисобланади.

Гемопоэз (қон яратилиши) бешта куртакдан: эритропоэз, миело-поэз (гранулоцитопоэз), мегакариоцитопоэз, моноцитопоэз, лимфопоэздан иборат. Улардан ҳар бирининг патологияси симптомлар, синдромлар ва мустақилем касалликлар күринишида юзага чиқади. Масалан, миелоцитопатологияси симптомлар — лейкоцитоз, лейкопения, нейтрофилез, эозинофилия кабилар күринишида; синдром — лейкемоид реакциялар күринишида; мустақилем касалликлар — лейкозлар күринишида юзага чиқади. Гемопоэз айrim куртаклари патологиясининг содда схематик тасвирини көлтирамиз (1-схема).

Замонавий гематология қон системаси касалликларини ўрганишининг энг яңги методларидан фойдаланади — цито- ва гистохимия методлари, қон ұужайраларини электрон микроскоңда текшириш, фазо контраст ва флюоресцент микроскопия, гематолитик цитогенетика, иммун гематологик, спектроцитометрик, цитокинетик, радиологик методлар, молекуляр химиявий анализ. Совет ва чет эл гематология мактаблари түплаган улкан тажрибага асосласап, долзарб муаммоларни ҳал қылишга яғича ёндошиш ишлаб чиқылған ва қон касалликларининг диагностикасаси, давоен ва профилактикасаси бүйича бирмунчага чуқур текширишлар ўтказиш учун зарур жуда күп қимматли маълумотлар олинган.

Студентлар учун ички касалликлар бүйича программага (1984) фақат иккита мавзу — темир ташқислиги анемиялари ва хроник лейкоз киритилган. Студентларнинг ушбу бўлимни тўлароқ тасаввур қилишлари учун ўқув қўлланмасига ява иккита мавзу — пернициоз анемия ва ўтқир лейкоз киритилган.



1-схема. Гемопозз айрым курталлары патологиясинин схематик тасири.
Схемада күп Урайдалган ассоий симптомдар наизостолың бирликтар санаб үтілген. Айны заманда гемопоззантар неча курталлар зарастынши мүмкін — цитопеник синдромлар, гипоплазтик анемиялар, парокротемик гемобластозлар ва бир неча курталларнин бірге урайдитан патологияның үлардан касалылғандағы курталлар намиәттің мүмкіншілдегі түрлерінде.

АНЕМИЯЛАР

Анемия (камқонлик) — негизида қон ұажм бирилигінде эритроцитлар ва гемоглобин миқдори камайиши ётадиган ва муайян клиник-гематологик синдром билан یозага чиқадын патологик ҳолат. Күпгина анемиялар иккіламчы келиб чиққан, гарчи аксарият анемик синдром — клиник манзарада етакчи ва ҳатто касаллық прогностини белгиловчы бўлса-да, уларга асосий касалликинг симптомларидан бири деб қаралади.

Анемик ҳолатнинг күпгина классификациялари мавжуд. Бироқ, бизнинг фикримизча, этиологик ва энг мухим клиник-морфологик формаларни ҳисобга олган ҳолда патогенетик принцип бўйича тузилган И. А. Кассирский ва Г. А. Алексеевлар таклиф қилған классификация энг қулай ҳисобланади. Уни қисқартирилған күришида келтирамиз:

I. Қон йўқотиш оқибатида келиб чиққан постгеморрагик анемиялар:

- ўтқир постгеморрагик;
- хроник постгеморрагик;

II. Қон ҳосил бўлиши бузилишидан келиб чиққан анемиялар:

- темир танқислиги анемияси;

— темирга тўйипиши (сидероахрестик) анемияси;

— витамиин B_{12} ва фолат кислота танқислигидан бўладиган анемиялар;

- гипо- ва апластик;

— метапластик анемиялар ва б.

III. Жадал қон емирилишидан келиб чиқадиган анемиялар (гемолитик):

- эритроцитопатиялар;

— ферментопатиялар;

— гемоглобинопатиялар;

— антителолар, бевосита гемолизин ва бошқа шикастлантирувчи омиллар билан бўглиқ анемиялар.

ТЕМИР ТАНҚИСЛИГИДАН БЎЛАДИГАН АНЕМИЯЛАР

Таърифи. Клиник-апемик синдромлари турли этиологияли, организмда темир етишимаслиги асосий патогенетик омили бўлган анемиялар темир танқислиги анемиялари дейилади.

Оғирлиги 70 кг бўлган соглом одам организмидаги 4—5 г темир моддаси бўлиб, унинг асосий қисми гемоглобинда (3 г дан кўпи) бўлади. Мушакларда темирпинг жуда оз миқдори бўлади. Мушаклардаги темирнинг кўп қисмини ферритин таркибига кирадиган темир (мушаклардаги 69,1% темир), энг кам қисмини — миоглобин (24,9%) ташкил этади. Жигарда организмдаги темирнинг 7,8% (асосан ферритин ва гемосидерин) йигилади. Организм таркибига кирадиган деярли ҳамма темир турли оқсилларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Улардан энг мухими — гемоглобин бўлиб, ушинг вази-

фаси кислородни ўнкадан тўқималарга ташиш ҳисобланади. Темирнинг гемопоэзда қатнашини, хусусан гемоглобин ва айрим бошқа нафас ферментлари синтезидан қатнашини ҳаммага маълум. Организмда темирнинг катта аҳамияти унинг кислородни қон орқали ташшига ва таркибида темир бўлган нафас ферментлари ёрдамида ҳужайраларда содир бўладиган оксидланани жараёнларида қатнашишига bogлиқ.

Темир таңқислиги анемияси камқонликнинг ҳамма формаларидан 80—95 % ни ташкил қиласди жаҳонда энг тарқалган касалликлардан бири ҳисобланади. ВОЗ маълумотларига кўра ер юзида тахминан 700 млн одамда темир таңқислиги қайд қилинади. Касаллик кўпроқ кичик ёндаги болаларда, ўсмири қизларда, тугадиган ёндаги аёлларда учрайди. Иқлими мўттадил мамлакатларда темир таңқислиги анемиялари учраши катта раҳамаларда ўзгариб туради — аёлларда 10—25 % ва эркакларда 3—6 %. Ҳиндистонда болаларнинг қарийб 50 % темир таңқислиги анемияси билан касалланган. АҚШ да у эркакларнинг 1,2 % ва аёлларнинг 8,4 % ида, ГДР да қизларнинг 18,9 % ида тонилган. Нормага қараганда гемоглобин миқдори пасайини Тоҷикистонда аёлларнинг 30,7 % ва эркакларнинг 3 % ида қайд қилинган. Ленинградда темир таңқислиги анемияси аёлларнинг 7,3—11 % ида, темирнинг латент таңқислиги 20—22 % ида аниқланган.

Сўнгти йилларда темир таңқислиги анемияларининг патогенези тўғрисидаги тушупча ўзгарди. Йлгари ҳукм сурган фикрга қарама-қарши ўлароқ, меъданнинг ахилия ҳолати ҳамиша ҳам организмда темир таңқислигига сабабчи бўлмас экан. Унинг асосий сабабчиси — очикдан-очиқ ёки яширин, оз миқдорда, бироқ доимий қон ўқотинидир. Аёлларда аксарият мўл ва узоқ муддатли ҳайз кўришилардан, кўн туғнидан, болани узоқ вақтгача эмизиндан, эркакларда маҳсус текшириш усуллари ёрдамида аниқланадиган меъда-ичаклардан қон кетишни ва бавосилдаги қон кетишни ва ҳ. к.

Клиник маълумотлар ва назарий билимлар асосида студент қуийидагиларни билиши керак.

1) асосий касалликнинг тахминий диагнозини ва унинг сабабини аниқлани;

1) беморни текширишининг асосланган планини тузиши;

3) қуийидагилар асосида узил-кесил диагнозни аниқлаши:

— асосий касалликнинг бош диагностик мезонларини ва анемик ҳолатларни билиш;

— қўпимча текшириш (лаборатория) методлари натижаларини жамлашни билиш;

— шунингдек темир таңқислиги анемиялари комплекси билан ўтадиган бошқа касалликлардан фарқ қилишини билиш;

4) анемиянинг оғир-енгиллиги, умуман организмнинг аҳволи, бирга қўшилиб келадиган касалликлар ва бошқа асоратларни ҳисобга олган ҳолда асосий касалликни мақсадга мувофиқ даволаш.

Этиологияси ва патогенези. Темир таңқислиги анемияларининг келиб чиқишида қуийидагилар муҳим ўрин тутади:

— узоқ давом қиладиган ва мүл қон кетадиган ҳайзлар даврида қон ўйқотиш, бачадондан қон кетиши, меъда-ичак йўллари, буйрак касалликлари, бурун қонаши, геморрагик диатезлар ва б.;

— организмнинг темирга эҳтиёжи ошиши — тез-тез ҳомиладор бўлиш, болани узоқ вақтгача эмизиш (1,5—2 йилгача), организмда тижжа инвазиялари бўлиши, қон кетиши ва б.;

— имкон берадиган омиллар — типо-, анацид ҳолат, ориқлаб кетиши, оқсил, углеводлар, ёғлар, витаминлар, микроэлементлар етиш-маслиги.

Гемопоэтик (темир, С, В₁₂ витаминалари, фолат кислота) ва нор-мал қон яратилиши учун зарур бошқа моддалар (оқсил, баъзи бир аминокислоталар) нинг айрим иқлимий-географик шароитларда танқислигининг асосий сабабларидан бири номутаносиб овқатланишга олиб келадиган экзоген ва эндоген омиллар комплексининг танқислиги ҳисобланади, яъни бир хил (оқсили кам, углеводлар кўп) овқатланиш, овқатда кўякатлар, сабзавотлар ва меваларни номунтазам истеъмол қилиш, шунингдек тез-тез ҳомиладор бўлиш ва туғиши, болани узоқ муддат эмизиш ва б. (полидефицит анемия, Ҳамзалиев Б. Ҳ. 1977).

Л. И. Идельсон (1979) темир танқислиги анемияларини патогенетик принцип бўйича 5 гуруҳга бўлишини таклиф қилади:

- хроник постгеморрагик;
- темирниң дастлабки даражаси етарли бўлмаслиги билан боғлиқ гуруҳи (чақалоқларда ва кичик ёшдаги болаларда);
- организмнинг темирга эҳтиёжи ошишига боғлиқ бўлган гуруҳ (қон ўйқотишишисиз);
- темирниң сўрилиши бузилиши ва унинг овқат билан етарлича тушмаслиги билан боғлиқ бўлган гуруҳ;
- темир моддаси ташилиши бузилишига боғлиқ бўлган гуруҳ.

Касалликнинг клиник белгилари патогенезида тўқималарнинг кислород билан етарлича таъминланмаслиги ҳам, организм тўқималаридағи қатор ферментлар (таркибиға темир кирадиган) активигининг бузилиши ҳам аҳамиятга эга.

Клиник маиззараси

I. Субъектив маълумотлар, Шикоятлари:

- умумий беҳоллик, иш қобилияти пасайиши, уйқучаплик;
- бош айланиши, қулоқда шовқин эйитилиши, бош оғриги;
- юрак уриши, бу жисмоний ҳаракатда кучаяди;
- нафас қисиши, баъзан юрак соҳасида оғриқ;
- иштаҳа ёмонлиги, ич бузилиши;
- аёлларда ҳайз цикли бузилиши;
- таъм билиш айниши (бўр, лой, тупроқ кабиларни ейиш истаги);
- қуруқ ва қаттиқ овқат ейишнинг қийинлашуви.

II. Субъектив маълумотлар анализи (шикоятлар ва анамнез).

III. Объектив маълумотлар:

- беморниң умумий аҳволи асосий жараённинг оғир-енгиллиги ва анемик синдром даражасига боғлиқ;

- тери қопламларининг раншарлиги, хлорозда эса алебастр ёки қўқимтири тусланиши;
 - тери қопламларининг қуруқлиги, тирноқларининг мурт бўлиб қолиши, қийшайиши ва шакли ўзгариши, шунингдек койлонихияниш бошқа белгилари;
 - баъзан ориқлаш, қоқ суюк бўлиб қолини кузатилади, бу этиологик омил ва анемизация даражасига, жараёшининг оғир-ентиллигига боғлиқ;
 - тил ўзгариши: сўгонлари атрофияга учраган, тил силлиқ, ялтироқ;
 - оғиз шиллиқ пардасида ўзгаришлар: стоматит, оғиз бурчакларида бичилиши ва ёриқлар;
 - энигастрал соҳада оғриқ, меъда-ичак йўллари томонидан дистрофик ва атрофик ўзгаришлар;
 - бўйинтуруқ веналарида «пирилдоқ шовқини».
- IV. Лаборатория ва бошқа текшириш методлари маълумотлари:**
- периферик қонни текшириш: эритроцитлар, кўпроқ даражада эса гемоглобин миқдори камайиши, гипохромия, анизоцитоз (эритроцитлар ўлчамлари ўзгариши) ва пойкилоцитоз (эритроцитлар шакли ўзгариши), микроцитоз; ўртача ретикулоцитоз, зардоб темири даражаси, трансферрининг тўйиниш коэффициенти пасайини кузатилади; озод трансферрин миқдори ошиши;
 - суюк кўмигини текшириш: эритроид куртак гиперплазияси белгилари;
 - меъда суюқлигини: гистаминг чидамли ахлоргидрия, гипопапацид ҳолат;
 - рентгенологик текширишда — атрофик гастрит ҳодисалари;
 - меъда-ичак йўлларидан яширин ёки оккуль қон кетини қон ўйқотишини радиоактив хром ёрдамида миқдорий аниқлани методи билан аниқланиши мумкин; Грегерсен реакцияси мусбат;
 - гастрофиброскопия натижалари (меъда заарланишларида иатологик жараён характеристики, унинг камқонлик билан боғлиқлигини аниқлаш учун).

Темир таңқислиги анемияларининг дифференциал диагностикаси ва ацрим клиник формаларининг таърифи

1. Ўткир постгеморрагик анемия: шикастланиши, томирлар шикастланиши, яра тешилганди, турли этиологияни ўнкадан қон кетинида, кенгайиб қолган қизилўнгач веналаридан қон кетинида, ўткир ва мўл қон ўйқотилиши натижасида пайдо бўлади. Касаллик ўткир темир етишмовчилиги (гипотензия, раншарлик, совуқ терчиқиши, пульсинг тез уриши, ипсимонлиги, топларинг бўғиқлиги ва б.) симптомлари билан намоён бўлади, 1-ёки 2-кундан бошлаб периферик қонда ўзгаришлар кузатилади (компенсация фазалари: рефлектор, гидремик, суюк кўмиги фазаларини ёдда тутиш лозим).

Эритроцитлар, гемоглобин миқдори камайиши характерли, ретикулоцитоз; ўртача тромбоцитоз, нейтрофил метамиелоцитлар ва

миелоцитлар (периферик қонда) пайдо бўлиши мумкин. Ўзига хос жечиши, бемор аҳволининг оғирлиги, гематологик силжиши билан фарқ қиласди. Буларнинг ҳаммаси bemornining дастлабки аҳволи, ўйқотилган қон миқдори, қон кетиш сабаби ва қанчалик давом қилига шарнигига боғлиқ.

2. Хроник постгеморрагик анемия: бу анемиянинг ривожланиш сабаби ва патогенези номаълум. Асосий касаллик симптомлари ва ҳамма темир танқислиги анемиялари учун хос субъектив объектив ва гематологик силжишлар билан характерланади. Сабаблари — ўтқир постгеморрагик анемиядаги каби.

3. Эрта ўсмирлик хлорози — ўсмирлар, айниқса ёш қизлар касаллиги (ўғил болаларда ҳам хлороз ҳодисалари тасвирланган). Касалликнинг ривожланишида нейро-эндокрин бузилиш, жинсий безлар гипофункцияси, организмда темирнинг тугма етишмаслиги, ташқи шароит, овқатланиш кабиларнинг аҳамияти бор, деб тахмин қилинади.

Натологик жараённинг характеристи, периферик қондаги ўзгаришга кўра касаллик темир танқислиги анемияларига ўхшаш. Бу ҳолда таъм билиш айниши, тери қопламлари рангиарлиги ва кўкимтир тустига кириши, функционал характеристидаги ўзгаришлар кузатилади.

4. Кечиккан хлороз: аёлларда климакс даври олдидан ва климакс бошланиш даврида кузатилади. Кечиккан хлороз учун, эрта хлорознинг, умуман темир танқислиги анемияларининг клиник белгиларидан ташқари, яна климакс симптомлари (юзнинг бирданига қизиб кетиши, бошга қон оқиб келиш сезгиси, қўл бармоқларининг увишиши, артериал босимнинг ошиши ва б.) ва ҳайз цикли бузилиши, соchlарнинг эрта тўкилиб кетиши ва оқариши, тирноқлар, тери, меъда-ичак ўйллари томонидан ўзига хос ўзгаришлар хос.

5. Гастроген анемия. Меъда касалликлари (секретор етишмов-чилиги бўлган гастрит — ахилия) сабабчи омил бўлиб хизмат қиласди. Апацид гастрит, ахилия симптомлари ва темир танқислиги анемияси учун хос симптомлар комплекси билан юзага чиқади.

Темир танқислиги анемиясини касалликнинг етакчи белгиси анемия бўлган касалликлардан, Аддисон—Бирмер касаллиги, гемолитик, гишаапластик анемиялар, геморрагик диатез кабилардан фарқ қилиши керак.

Даволаш

1. Ўтқир постгеморрагик анемияни даволаши:

- қон оқишини зудлик билан тўхтатиш (операция, жгут солиш, қон оқиш сабабини бартараф қилиш ва б.).
- бир группали қон, эритроцитар массани томчилаб қўйиш;
- плазма, қон ўрнини босадиган суюқликлар (оқсил препаратлари, физиологик эритма, 5% ли глюкоза эритмаси) қўйиш;
- қон тўхтатувчи воситалар (кальций хлорид, желатин, аминокапронат кислота, викасол ва б.);
- умуман мустаҳкамлайдиган, томир дорилари (кофеин, меза-

тоң, адрапалип, көрдпамин), зарурат бүлганды — юрак дорилары ва ўткыр томир етишмөвчилиги билап кураш бўйича бошқа тадбирлар;

— кейинчалик — темир препаратлари, витаминалар, кучли овқатлар.

2. Темир танқислиги анемияларини даволаш:

— асосий касалликни ёки бошқа сабабларни даволаш;

— етарлича тўла қимматли овқатланиш — темирига бой озиқовқат маҳсулотлари, чала пишган жигар (темир депоси сифатида), гўшт, тухумлар, дуккаклилар, юқори калорияли овқатланиш;

— темир танқислиги анемияси бўлгани беморлар учун Ф. К. Меньников тавсия қилган шарҳез: 130 г оқспл, 90 г ёг, 350 г углевод, 40 мг темир, 5 мг мис, 8 мг марганец, 30 мг рух, 2 мкг кобальт, В, С группа витаминалари, 2 г метионин, 4 г холиндан иборат. Жами 3200 кал;

— темир препаратлари: қайтарилган темир, глицирофосфат темир, темир лактат, гемостимулин, феррокаль таблеткалари, алоэ билап темир шарбати, ферамид, фербитол, ферковен, Феррум Лек, имферон, резаферон, орферон, ферроцероп, жектофер, униферен ва б.;

— ичак бузилишларининг олдини олиши учун панкреатин, кальций карбонатни темир препаратлари билан бирга қўлланиш тавсия этилади;

— витаминалар: В группа (B_6 , B_{12} , фолат кислота), С ва б.;

— плазма, эритроцитар масса, оқсил препаратлари қўйни;

— симптоматик даволаш;

— асал тайинлапади — суткалик дозаси 10 г, қимиз — суткасига 1—1,5 л;

— диспансер кузатуви (асосий жараёнлар, перифериқ қон кўрсаткичлари устидан);

— санаторий-курортда даволаш.

Профилактикаси: хроник қон йўқотиши кузатиладиган турли хил этиологик омилларни бир вақтда даволали; болаларни тўғри эмизиш, ҳомилладор аёллар устидан кузатиб бориш, профилактика мақсадида темир препаратлари қўлланиш; тўғри овқатланиш, ички органлар, айнича меъда-ичак йўллари касалликлари, турли ипфекциялар ва интоксикацияларни ўз вақтида даволаш.

Контрол саволлар

1. Организмда темирнинг аҳамияти, темир сақлайдиган озиқовқат маҳсулотлари.

2. Темир танқислиги анемиялари этиологияси (шу жой шароитларида уларниң қай бири кўпроқ учрайди).

3. Камқонлик ва ундаги дистрофик жараёнлар патогенези.

4. Темир танқислиги анемиялари клиникаси ва диагностикаси (асосий касаллик фонида).

5. Даволаш ва профилактикаси.

B₁₂ (ФОЛИ)-ТАПҚИСЛЫГИ АНЕМИЯЛАРИ (АДДИСОН—БИРМЕР КАСАЛЛЫГИ)

Таърифи. Пернициоз анемия — витамин B₁₂ ва фоли кислотанинг эндоген етишмовчилиги билан боғлиқ бўлган хроник касаллик бўлиб, қон яратилиши системаси, меъда-ичак йўллари ва перв системасининг зарарланиши билан характерланади.

Касаллик биринчи марта 1855 йилда Аддисон ва 1868 йилда Бирмер томопидан тасвирланган, бу олим касалликка пернициоз (хавфли, ҳалокатли) анемия деб ном берган.

Ўзининг кўп сонли кузатувларига асосласиб америкалик физиолог Касл соглом одам меъдасининг шиллиқ пардасида у ички омил деб номлаган маҳсус модда ишланиб чиқади, деган холосага келди. 1952 йилда Гласс, унинг ходимлари ва бошқа олимлар Каслнинг ички омили ўз табиатига кўра безли мукопротеидларга тааллуқли эканлигини аниқладилар. Бу омил гастромукопротеин деб аталади, кейинчалик эса унинг меъда фундал қисмида ишланиб чиқиши маълум бўлди (Лазовский Ю. М., 1945). Соглом одамнинг меъда суюқлигига у ўрта ҳисобда 10—40 мг% бўлади. Ички омил ташки омил билан (хом гўшт, кепак, тухумлар, донларда бўладиган) ўзаро таъсирга киришганда актив антианемик модда ҳосил қиласди. У ичакда сўрилади, қон яратилиш органларига тушади ва нормал қон яратилишига имкон беради.

Хозирги вақтда Касл ташки омилининг табиати ҳам аниқланган. Америкалик Рикс ва инглиз Смит 1948 йилда деярли бир вақтнинг ўзида қорамол жигаридан ташки антианемик Касл омилининг ҳамма хоссаларига эга бўлган модда ажратиб олдилар. Улар бунга витамин B₁₂ — цианокобаламин деб ном бердилар. Бу кобалът атоми билан боғланган битта цианогруппа сақлаган кристалик қизил моддадир. Витамин B₁₂, C, H, N, P каби элементлар сақлади. Соглом одамнинг суткалик эҳтиёжи 3—5 мг, унинг катталар қонидаги миқдори 460—800 мкг/мл.

Витамин B₁₂ ва фоли кислотанинг ядро хроматини таркибий қисмлари ҳисобланган нуклеотидлар (ДНК, РНК) синтезида қатнашиши маълум. Нуклеотидлар, хусусан ДНК синтези бузилиши ҳужайра бўлининши ўзгаришига (кечикинига) ва ҳужайра ўлчамлари катталашувига олиб келади. Ҳужайра бўлининши — гигантова мегалобластлар, гигант полисегмент ядроли нейтрофиллар ва полисегмент ядроли мегакариоцитлар пайдо бўлади. Ҳужайра бўлининшини кечикини шупингдек паницитопения авж олишига — эритро-лейко-тромбоцитопенияга олиб келади. Шундай қилиб, бу касалликда анемизациянинг бевосита механизми асосан витамин B₁₂ тапқислиги билан боғлиқ, бу нуклеопротеидлар алмашинуви бузилишига, сўнгги ҳол эса митотик жараёнлар бузилишига (митозларнинг секинлашувига ва сонининг қисқариб кетишига) сабаб бўлади.

Аддисон—Бирмер касаллиги билан одатда 40 ёндан ошган, камдан-кам 20—25 ёндан шахслар касалланадилар. Ҳозирги вақтда

бу касаллик кам учрайди. Күпроқ пернициозсимон анемиялар күзатылади (Боткин формаси — кеңг тасмасимон гижека инвазиясида, ҳомиладорликнинг иккинчи ярмидаги анемия, жигар, мөйдә-ичак касалликларида).

Клиник маълумотлар ва пазарий билимларга асосланиб студент қўйидагиларни билиши керак:

1) касаллик, яъни анемияни, асосий ёки иккиламчи (асосий касалликнинг асорати) касаллик эканлигини аниқлаш, асосий жараённинг жойлашувини, анемия сабабини — жигар, мөйда, ичак касаллиги, инвазия, В₁₂ витаминынг экзоген ёки эндоген этишмаслиги, операция ва ҳ.к.) аниқлаш;

2) текширувчилиг асосланган планини тузиши (тахминий сабабга асосланган ҳолда);

3) қўйидагилар асосида узил-кесил диагноз қўйини:

— касаллик класик формасининг етакчи клиник ва бошқа белгиларини, уларнинг патогенезини билиш;

— пернициоз анемия классик формаси клиникасини анемиянинг пернициозсимон формаларидан фарқлашини билиш;

— бошқа этиологияли анемияни (темир таңқислиги, гемолитик ва б.) истисно қилиш учун дифференциал диагностика ўтказишни билиш;

— эритроэознинг нормобластик тики белгиларини мегалобластик тики белгиларидан фарқ қила олини;

4) анемизация даражаси, жараённинг оғир-енгиллиги, беморнинг ахволини ҳисобга олган ҳолда әтиопатогенетик, симптоматик терапия ўтказиш.

Этиологияси ва патогенези:

1) В₁₂ витамини (ички омил) ва фоли кислотанинг қон яратилиши жараёнидаги аҳамияти;

2) гастромукопротеин (ички омил) нинг касаллик ривожлавиниши патогенезида аҳамияти, унинг В₁₂ витамини билан ўзаро муносабати;

3) анемия патогенезида нуклеопротеидлар (ДНК, РНК) синтези бузилишининг аҳамияти;

4) нормал эритроэознинг (нормобластик) патологик — мегалобластик (эмбрионал) эритроэоз билан алмашинуви;

5) В₁₂ (ва фоли)-етишимаслигига анемия ривожланишининг (эндоген этишмовчилик) асосий этиологик омиллари;

6) пернициозсимон анемиялар ривожланишиниг сабаблари: сўрилиши бузилиши ва витамини В₁₂ (фоли кислота) сарфининг ошиши; суюк кўмигида утилланиши бузилиши (ахрезия); В₁₂ ва фоли кислотанинг алиментар этишмовчилиги (овқат билан етарлича тушишмаслиги); В₁₂ витаминынинг ичакда парчаланиши (гижека инвазияси); мөйда фуидал қисмишининг патологияси (шиллиқ нардаси атрофияси, ўсмалар, тутма этишмовчилик), мөйда резекцияси, мөйда-ингичка ичак анастомозлари, ичак хроник касалликлари (энтероколитлар, спру, дисбактериоз); жигар касалликлари (генатит, циррозлар ва б.); қоннинг систем хавфли касалликлари (гемобластоз-).


лар); дори ирепаратлари ва турли химиявий моддаларнинг қон яратилиши системасига токсинли таъсири.

Гастромукопротеининг B_{12} витамини (цианокобаламин) билан ўзаро таъсири масалаларида шундай фикр борки, B_{12} витамини ингичка ичак шиллиқ нардасидаги гастромукопротеин билан боғлашгандан кейин гастромукопротеин билан боғлашишдан озод бўлади ва B_{12} витамишининг ичак шиллиқ пардаси эпителиал ҳужайраларига киришга имкон берадиган оқсил табиатидаги (ичак шиллиқ пардаси безлари ишлаб чиқарадиган) модда билан беқарор бирикмага киришади. Кейин витамин B_{12} ичак капиллярлари даражасида бу оқсил модда (акцептор)дан озод бўлиб, қон плазмаси оқсиллари, асосан α_1 -глобулин билан бирмупча мустаҳкам бирикмага киришади. Шундай қилиб, қонда B_{12} -протеин (протеин+цианокобаламин) комплекси ҳосил бўлади, бу жигарда (депо) йигилади, α_1 -глобулин билан боғланмаган витамин B_{12} эса организмдан сийдик билан чиқарилади. Гастромукопротеининг каталитик адсорбцион таъсирини кўрсатадиган бу концепция шу билан тасдиқланади, пернициоз анемияли беморларга B_{12} витамини беришда гастромукопротеин витамин B_{12} қабул қилинишидан олдин ёки у билан бирга қабул қилинган тақдирдагина даво таъсирига эришилади. Бинобарин, гастромукопротеиниз витамин B_{12} ичак орқали сўрилмайди.

Юқорида баёни қилингапларга асосланиб шунни айтиш мумкинки, меъда суюқлигида безли муконротеин бўлмаслиги оқибатида B_{12} витамини овқатдан чиқарилмайди ва организм томонидан фойдаланилмайди, натижада нормал қон яратилиши жараёнлари (эритропоэз) бузилади. Витамин B_{12} пернициоз анемияли беморларга парентерал юборилганда витамин B_{12} меъда-ичак йўллари орқали ўтмаганда, яъни гастромукопротеин билан боғланмаса-да, бевосита қонга юборилганда α -глобулин билан боғланади ва антианемик модда — B_{12} -протеин комплекси ҳосил бўлади. Бу комплекс зарурат бўлганда (нормада) жигардан қон яратиладиган органларга тушади ва нормал қон яратилишига ёрдам беради 2-схемада Аддисон—Бирмер касаллигидаги асосий белгилар ва асоратлар патогенези тақдим қилинган.

Натологик анатомияси:

- тери ости клетчаткаси етарли даражада сақланиб қолгани ҳолда ҳамма органларнинг кескин камқонлиги (рангпарлиги);
- юрак, жигар, буйрак кабиларда дистрофик ўзгаришлар, ёғли айниш;
- ҳалқум, қизилўнгач, меъда, ичак шиллиқ пардасида дистрофик, атрофик ўзгаришлар;
- орқа мия орқа-ёпбош стунларидаги оқ модданинг дегенератив ўзгаришлари — фуникуляр миелоз;
- қон яратилиши системасининг заарлалаш белгилари: суюк кўмиги малинасимон қизил (яси суюкларда, найсимон суюк эпифизларида ва диафизларда);
- экстрамедулляр қон яратилиш ўчиқлари: жигар, талоқ, лимфатик тугунлар, ўпка, буйракларда ва бошқа органларда.



2-схема. Аддисон — Бирмер касаллигига асосий патологик ўзгаришлар ва асоратлар патогенези.

Клиник манзараси

I. Субъектив маълумотлар. Шикоятлари:

- бош оғриғи, баъзан юрак соҳасида стенокардия типи бўйича оғриқ;
- бош айланиши, қулоқда шовқин, оғир ҳолларда галлюцинациялар ва психика бузилишининг бошақа симптомлари;
- умумий бехоллик, иш қобилияти пасайиши;
- нафас қисини, юрак урини, бу жисмоний ҳаракатда кучаяди;
- тилда оғриқ ва ачишиш сезгиси, таъм билиш айниши, иштаҳа ўйқолини (апорексиятча);
- диспептик бузилишлар (кўпгил айниши, қусини, қоринда оғриқ, ич кетар, ёқименсиз сезги);
- уйқучанлик, уйқусизлик (айниқса тунлари);
- баданда чумоли ўрмалаш сезгиси бўлиши;
- қўл ва оёқ бармоқлари увишиб қолиши, оёқ-қўллар мадорсизланшини;
- қўзиш даврида температура кўтарилиши.

II. Субъектив маълумотлар анализи.

III. Объектив маълумотлар:

1. Умумий қўздан кечириш:

- беморнинг умумий аҳволи жараёнининг оғир-енгиллигига, яъни камқонлик даражасига боғлиқ;

— беморнинг ориқ-семизлиги, гавда түзишлиши бўзилмаган (кечиккан босқичларида апорексия ва диарея патижасида ориқиб кетиш қайд қилишади);

— тери қопламлари лимон-сариқ тусли рапид пар (агар эритроцитлар гемолизи аниқ юз берган бўлса);

— юзда «капалак» кўришишидаги жигар рапид пигментация — бурун қанотларида ва ёноқ сувклар устида;

— юз салқини, склерва тери қонламлари субктериклиги;

— тўпиқлар ва оёқ панжалари соҳасида настоъзлик (хамирсимон шинш).

2. Органлар ва системалар бўйича матълумотлар:

— меъда-пчак йўли: тил оғриқли, сўғонлари текисланган ва атрофияланган, устида ва четларида типиқ-қизил яллигланган қисмлар бор, кўзини даврида у тўқ малинасимон, ялтироқ (локланган-дек) бўлиб қолади — гунтер глоссити;

— лунж, милк, ҳалқум, қизилёнгач пардалари ҳам ўзгарган (ачишин сезгиси, ютища оғриқ ва б.);

— жигар катталанига, консистенцияси юмшоқ, оғриқсиз, кўзини даврида талоқ ҳам катталанига;

— неврологик синдром орқа мия заарланини, церебрал бузилишлар ва периферик нервларда дегенератив ўзаринилар билан юзага чиқади: фуникуляр миелоз белтилари — парестезия, спастик спинал фалажлик, псевдотабетик симптомлар, онгган рефлекслар, клопуслар, патологик рефлекслар (Бабинский, Россолимо, Бехтерев, Оппенгейм) онгган спастик парапарез, сезувчаникини бузилиши, атаксия, чаноқ органлари функцияси бузилини кузатилади, калламия первларининг заарланиши симптомлари, мушакда оғриқлар, психика бузилишлари, деменция камроқ учрайди;

— юрак-томирлар системаси: периферик қон ва сувқ кўмиги томопидан ўзарипилар кузатилади.

IV. Лаборатория ва бошқа текшириши методлари маълумотлари:

— периферик қонни — қизил қисмини; гемоглобин, эритроцитлар миқдори камайини, рапид кўрсаткичи нормадан онади (1,4—1,8 гача), эритроцитлар ўлчами (мегалоцитоз) ва шаклининг (пой-килоцитоз) катталашуви, периферик қонда мегалобластлар, эритроцитларининг дегенератив шакллари — шизоцитлар, микроцитлар, Жолли таначалари, Кебот ҳалқалари кўришишидаги ядро қолдиқлари бўлган эритроцитлар, ретикулоцитлар миқдори камайини; оқ қисми: лейкоенения, нейтропения, моноцитонения, эозинонения ёки анэозинонения, полисегментланган нейтрофиллар, камроқ метамиелоцитлар ва миелоцитлар борлиги хос, баъзан моноциттар қаторнинг ён элементлари — монобластлар, писебий лимфоцитоз, тромбоцитонения учрайди;

— ахлатни текшириши: стеркобилин кўп — 965 мг тача етади;

— сийдикни текшириши: уробилинурия, сийдик рапид ўзарипилар ва б.;

— сүяк кўмитини: сүяк кўмитининг ядро сақловчи ҳужайраларининг умумий миқдори одатда ошига, эритроноэтик куртак гиперплазияси, эритробластлар ва мегалобластлар миқдори ошиши ва ўшунинг учун сүяк кўмиги индекси 1:2 ва ҳатто 1:3 (нормада 3:1 — 4:1) ни таникил этади;

— биохимиявий симптомлар: қонда билирубин ва темир миқдори ошиши, диспротеинемия, билирубинемия, гемосидероз ҳодисалари кучайган гемолиз билан боғлиқ;

— меъда суюқлигини: гистаминг чидамли ахлоргидрия — меъда ахиляси;

— рентгеноскопик: меъда шиллиқ нардаси текислашганлиги ва эвакуация тезланганлиги;

— гастроэндоскопик: ўчоқли ёки диффуз атрофия, айрим жойларида садафесимон нилакчалар.

Диагностикаси. Касаллик асосан учала система: ҳазм, нерв ва сүяк кўмиги системаларининг заарланинги билан характерланади. Унинг тишин аломатлари (гунтер глюсити, ахиля, фуникуляр миелоз белгилари, гиперхромия, мегалобластлар, мегалоцитлар борлиги, панцитоцитози ва б.) бўлганда касалликни диагностика қилини қийинчиликка сабаб бўлмайди. Нериферик қондаги ўзгариш, ахилия ва пернициоз анемия учун хос болиқа симптомлар болиқа касалликларда ҳам кузатилиши мумкин. Ўйидаги касалликларни истисно қилиши лозим; меъдада операция қилингандаги анемия, спиру, хроник энтероколитлар, кенг тасмасимон гижжа инвазиясида анемия, сидеробласт анемия (сүяк кўмитидаги ҳалқасимон сидеробластлар); меъда раки ва полипози, ичак паразитлари (дифиллоботриоз), ҳомиладорликда (иққинчи ярмида) анемия, жигар касалликлари (гепатит, цирроз), темобластозлар (ўтқир лейкоз, эритромиелиз), дорилар анемияси (токсик).

Аеоратлари ва прогнози:

— кома (coma remittensum) — эс-ҳуни хираданиб туриши, артериал босим насайини, тахикардия, пафас қисиши, беихтиёр сийиб қўйини, чуқур анемизация. У бош миянинг чуқур анемизациясигагина эмас, балки анемиянинг ривожланиши суръатига, бош мия III қоринчаси заарланишига, оқсил алмашинувидаги чуқур силжиниларга боғлиқ ҳолда ривожланади ва боғлиқ;

— меъда раки;

— меъда полипози.

Касаллик ирогози анемизация даражасига, ҳам асосий, ҳам анемик синдром оғир-енгиллигига боғлиқ, умуман олганда эса витамины B_{12} , фоли кислота ва уларнинг пренаратлари билан замонавий усууллар ва қувватлаб турадиган воситалар қўллапиб даволашда яхши натижка билан тугайди.

Даволаш

1. Нархез билан даволаш. Майло ва Мерфи бўйича жигар парҳези: 120—140 г хом жигар, 120—140 г қайшатилган мол гўнити, ва қўй гўнити, 300 г кўк сабзвот, исмалоқ ва коҳу, 250—400 г янги мевалар, 40 г мой, 1 дона тухум ва 2 стакан сут.

2. Дори-дармонлар билан даволаш.

— витамин B_{12} касалликинг оғир-енгилиллигига кўра тайинланади 100—200 мкг дан мушак орасига ҳар куни 6—7 кун мобайнида ретиқулоцитар криз пайдо бўлгунча, сўнгра гематологик ремиссия бошлангунча кунора (периферик қон таркиби, суяқ қўмигида қон яратилиши, қон зардобида ва сийдикда витамин B_{12} даражаси нормага келгунча) тайинланади. Даво курсига — 3000 мкг гача (ва бундан ортиқ), кейинроқ қувватловчи терапия ўтказиш — 100 мкг дан ойига 2—3 марта (пернициоз анемиянинг классик формасида бутун умр мобайнида);

— оғир касаллик ҳолларида (Фуникиуляр миелоз симптомлари бўлганда) витамин B_{12} 500—1000 мкг дан ҳар куни (ёки кунора) 7—10 кун мобайнида, кейинчалик — ҳафтасига 1—2 марта барқарор ремиссия олингунча (тахминан 2 ой) қўлланилади, даволаш курсига — 10 000—25 000 мкг ва бундан ортиқ;

— бемор витамин B_{12} ни парентерал юборишни кўтара олмагандан уни гастромукопротени билан бирга ичини учун тайинланади;

— оғир камқонлик ҳолларида айни вақтда ёки ёки эритроцитар масса қўйилади — 1000 мл (беморни кома ҳолатидан чиқарини учун);

— витамин билан даволани натижка бермагандан ва аутоантителолар бўлганда иммун депрессантлар сифатида кортикостероид гормонлар тайинланади:

— хлорид кислота ёки натурал меъда шираси;

— неврологик синдром бўлганда — витамин B_1 ва бошқалар (B_6 , С);

— фоли кислота ичнинга ёки парентерал — 50—60 мг дан, витамин B_{12} билан бирга тайинлани ҳам мумкин;

— перорал қўлланиши учун препаратлар: биопар, муковит, бифактон, цитобион М ва б.;

— бошқа органлар ва системалар ҳолатига кўра симптоматик терапия.

4. Пернициозсимон анемияларда (Боткин формаси, спру, ҳомиладорлик, меъда, ўн икки бармоқ ичак, жигар касалликлари) асосий касаллик даволанади, витамин B_{12} , витамин B_{12} препаратлари ва перорал қўлланиши учун гастромукопротен тайинланади, симптоматик терапия бошқа органлар ва системалар аҳволига кўра.

5. Санаторий-курортда даволами.

6. Диспансер кузатуви (қайталанишига қарши ўз вақтида даволаш, қувватлайдиган терапия).

Профилактикаси: меъда-ичак ва бошқа касалликларнинг олдини олиш, етарли тўла қимматли овқатлар, санитария-гигиеник тадбирлар, касаллик қайталанишинг олдини олиш (қайталанишига қарши вақти-вақтида даволаб туриш), диспансер кузатуви.

Контрол саволлар

1. Касаллик классик формасининг этиологияси ва патогенези.
2. Пернициозсимон анемиялар ривожланадиган патологик ҳолаттар.
3. Касаллик клиникаси (симптомлар триадаси).
4. Пернициоз анемия диагностикаси (асосий лаборатория күрсаткичлари).
5. Периферик қоп, суяқ күмиги, ҳазм органлари, нерв системаси томонидан ўзгаришлар.
6. Аддисон—Бирмер анемияси, пернициозсимон анемияларни даволаш.
7. Симитоматик (пернициозсимон) анемиялар ривожланадиган асосий касалликларни даволаш.

ГЕМОЛИТИК АНЕМИЯЛАР

Таърифи. Паэма — юнонча қон, lysis эса — емирилиш, эриб кетиши — умумий белгиси, бир томондан, эритроцитларнинг жадал емирилишидан анемияни (гемоглобин даражаси пасайиши) ва эритроцитларнинг нарчаланиши маҳсулотларини ортиқча ҳосил қиласидиган, иккинчидаш — реактив кучайган эритроцитопоэз билан ўтадиган касалликларниң группавий номидир.

Гемолитик анемияларда (ГА) эритроцитларниң ошган гемолизи (емирилиши) билан бирга улар умрининг қисқариши кузатилади.

Агар нормада эритроцитларнинг яшаш давомлилиги 120 кунгача бўлса, гемолитик анемияда у 12—14 кунгача қисқаради. Эритроцитларнинг ошган гемолизига, одатда, қон зардобида билирубин ошиши ва гемоглобин катаболизми маҳсулотлари (ўт цигментлари) нинг сийдик ва ахлат билан жадал ажралиши қўшилиб келади. Анемияга келганда шуни айтиши керакки, эритроцитларнинг компенсатор қобилиятлари эритроцитларнинг емирилиш тезлигидан орқада қоладиган ҳолларда ривожланади.

Адабиётда гемолитик анемиянинг кечиши бўйича ўткир ва хроник турларга, гемолизининг жойлашув принципига кўра ҳужайра ичи ва томир ичи группаларига бўлининиши, шунингдек эзо- ва эндоэритроцитар омилларга боғлиқлиги баён этилган. Бироқ гемолитик анемияларнинг бундай бўлининиши уччалик матьқул эмас экан. Чунки кўрсатиб ўтилган вариантлари гемолитик анемияларниң бир хил формалари ичидаги кузатилишин мумкини ёки ГА нинг бир формасининг ўзида ҳужайра ичи ва томир ичи гемолизиг бўлиши мумкини.

Ю. И. Лорие (1969) ва Л. И. Идельсон (1975) классификацияси энг тўлиқ бўлиб, бунга кўра гемолитик анемиялар қўйидагиларга бўлинади:

- I. Ирсий (тұтма).
1. Эритроцитлар мембранопатиялари;
 - а) микросферацитар;
 - б) овалоцитар;

в) акаантоцитар;

2. Энзимшеник (ферментопеник):

а) пентозофосфат цикл ферментлари танқислиги билан бөглиқ;

б) гликолиз ферменти танқислиги билан бөглиқ;

в) глутатион ҳосил бўлиши, оксидланishi ва қайтарилишида қатнашадиган ферментлар танқислиги билан бөглиқ;

г) АТФ даш фойдаланишида қатнашадиган ферментлар танқислиги билан бөглиқ;

д) порфирийлар синтезида қатнашадиган ферментлар танқислиги билан бөглиқ.

3) Гемоглобинопатиялар:

а) сифат гемоглобинопатиялари;

б) талассемия.

11. Ортирилган.

1. Иммуногемолитик анемиялар:

а) аутоиммун;

б) изоиммун;

2. Ортирилган мембронопатиялар:

а) тунги пароксизмал гемоглобинурия;

б) штероҳужайрали анемия.

3. Эритроцитларниң механик шикастланишини билан бөглиқ анемиялар:

а) марц гемоглобинурияси;

б) Мошкович касаллиги;

4. Токсик.

Клиник жиҳатдан гемолитик анемияларда фагоцитар система ҳужайраларида қелиб чиқадиган ҳужайра ичи гемолизи (секвестрацион гемолиз) ва комплемент иштироқи билан томир ўзанида пайдо бўладиган томир ичи гемолизи (комплментар гемолиз) фарқ қилинади.

Асосан ҳужайра ичи типидаги гемолизи бўлган гемолитик анемиялар одатда клиник симптомлар триадаси — анемия, сариқлик ва спленомегалия билан характерланиб, кечиши бўйича учта формаси ажратилади: анемиясиз ва сариқликсиз ўтадиган латент формаси; озоқ сариқлик, анемия ёки бусиз ўтадиган хроник формаси; ўртача ўтқир формаси (ўтқир гемолитик криз). Ҳужайра ичи гемолизида сариқлик билан анемия бирга қелиши натижасида тери қопламлари лимон-сариқ тусга киради, ўтнинг хроник стази ва ўт билдирирубин кўп ажралиб чиқиши натижасида (плейохромия) кўпинча ўт пуфаги ва ўт йўллари тошлари, билиар гепатит ва жигар циррози пайдо бўлади.

Асосан томир ичи типидаги гемолизи бўлган гемолитик анемиялар тез-тез гемолитик криз (кескин умумий беҳоллик, гипертермия, нафас қисиши, кучли болц оғриги, бел ва қоринда оғриқ, кўнгил айниши ва қусиш, беморниң оғир ва коматоз ҳолати, раптарлик билан характерланади); тери лимон-сариқ ёки зайдун-сариқ рангли, аксарият гепатосспленомегалия; томир ичидаги диссеминирланган қояниши (ЭДВС) натижасида ўтқир буйрак етишмовчилиги ривож-

ланиши; геморрагиқ синдром ва б. Ҳемолитик анемиялар, хусусан ирсий (тұгма) ГА кенг тарқалған касаллық ҳисобланады, турли регионлар, мамлакатларда учрайди, масалан:

— ирсий микросферацитоз Еврода, Совет Иттифоқида кенг ёйилған, Африка қытъасида, Японияда камроқ тарқалған;

— ферментлар таңқислигига болғық бўлған ирсий ҳемолитик анемиялар Италия, Греция, Алжир, Эрон, Миср, Туркия, Покистон, Чехословакия, Англия, Франция, СССР (Арманистон, Озарбайжон, камроқ РСФСР, Латвия) да турли рақамларда қайд қилинган;

— гемоглобин синтези бузилишига болғық бўлған ирсий анемиялар (гемоглобинопатиялар), хусусан сифат гемоглобинопатияси ва талассемия ақсарият марказији ва асли Африка, Ўрта ер деңгизи қиргоги, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ҳиндистон, Шимолий Африка, СССР (Озарбайжон, Арманистон, Ўзбекистон ва б.) даги аҳоли орасида учрайди;

— Ф. З. Файштейн маълумотларига кўра (1987) атоиммун ҳемолитик апемиялар 75—80 минг аҳолидан биттасида учрайди.

Студент бемор анатези, объектив маълумотлар билан танишиш асосида ва ўзининг назарий билимларига таяниб, қўйидаги масалаларни ҳал қила олиши керак:

1) асосий касалликнинг тахминий диагнозини, унинг сабаблари ни аниқлаши, тахминий диагнозни асослаб бериш ёки истисно қилиши учун текширувнинг асосланган планини тузиш;

2) қўйидагилар асосида узил-кесил диагнозни аниқлаш:

— ҳемолитик апемиянинг умумап эрг ишончли клиник мезонларини, хусусан аңемик ҳолатларни билиш;

— қўнимча текшириш методлари маълумотларини яхши анализ қилиш ва жамлашини билиш (цириферик қон, суюк кўмиги пунктати, биохимиявий силжишлар ва б.);

— симтомлар комплекси ҳемолитик апемияни эслатадиган бошқа касалликлар билан дифференциал диагностика масалаларига тўғри ёндоша олиш;

3) жараённинг оғир-енгиллиги, апемия даражаси, айrim органдар ва системалар ҳолатини ҳисобга олиб, прогнозни, операция усулида даволаш имкониятини аниқлаш керак.

ИРСИЙ МИКРОСФЕРАЦЕТОЗ

Ирсий ҳемолитик апемиянинг бу формасини (микросферацитоз) биринчи марта 1890 йилда О. Минковский, 1907 йилда эса Шоффер тасвирилаган. Лорие маълумотларига кўра Минковский—Шоффер касаллиги ёки ирсий микросферацитоз (ИМ) анча кўш учрайди (ҳемолитик апемияларни турли формалари бўлан 100 нафар бемордан ҳар 83 пафари ИМ ли беморлардир).

Минковский—Шоффер касаллиги доминант тип бўйича аутосом наследи-наследла үтади, бунда асосан унинг гетерозигот формаси учраб, иккала ота-она микросферацитоз генининг гетерозигот ташувчилири ҳисобланади. ИМ йиллаб давом қиласи, ҳар қандай ёшда, бироқ кўпроқ болалик, ўсмириликда, илк гўдак ёшидаги болаларда

ҳам, кексаларда ҳам, беморниң ота-оналарида ва яқин қариндошлиарида күзатылады, яъни аксарият оиласывай харақтерга әга бўлади.

Этиологияси ва патогенези. ИМ этиопатогенези ехиригача аниқланмай келиняпти. Қўйидаги қатор тахминлар мавжуд:

— касаллик асосида эритроцитлар мембраннындағи оқсиллар нуқсони ётади, натижада унинг ўтказувчанлиги бузилади, бу ортиқча миқдорда шатрий ионлари тушишига олиб келади; бу эритроцитларнинг бўкиши, шаклан ўзгариши, умр кўриниш қисқарипнига сабаб бўлади;

— талоқнинг аҳамияти, хусусап функциясининг нормал эритроцитлари писбатан кучайши, бу кейинчалик уларнинг емирилинига олиб келади;

— суюк кўмиги функциясининг аҳамияти суюк кўмигининг талоқда осон емириладиган, тўла қимматли бўлмаган, беқарор сферик эритроцитлар ишлаб чиқарини билан боғлиқ;

— эритроцитлар суюк кўмигида эмас, балки периферик қонда сферик шаклга киради, деган далиллар борлиги. Бунинг боси шундаки, уларнинг тўла қимматли эмаслиги вақтидан илгари тез қаринши ва уларнинг микросферацитларга айланиши (шарсизон шаклдаги ўлчами кичик эритроцитлар) билан изоҳланади.

Клиник манзараси

I. Субъектив маълумотлар: умумий беҳоллик, тез чарчаб қолиш, ўзини ғалати ҳис этиш, бош айланиши, бош оғриги; қулоқларда, бошда иловқин, жисмоний ҳаракатда кучаядиган нафас қисини ва юрак уришини; тери қопламлари ва склераларнинг вақтий-вақтида ёки доимий саргайв турини; чац (спленомегалия) ва ўнг қовургалар остида ёқимсиз сезги ва оғриқ (ўт чиқарувчи йўлларда пигмент тошлари борлиги ва гепатомегалия билан боғлиқ).

II. Субъектив маълумотларни қунт билан анализ қилини (шикоятлар ва апамнез).

III. Объектив маълумотлар.

1. Умумий кўздан кечириши:

— беморниң умумий аҳволи жараённинг оғир-еигиллигига, анемик синдром даражасига боғлиқ;

— склералар, гавда шиллиқ ва тери қопламларишинг саргинилиги, лимон-сариқ тусга кириши (қўзиш даврида бу ранг-туснинг кучайши, касалликнинг ремиссия фазасида камайши ёки ҳатто йўқолиши).

— аксарият ҳар хил аномалиялар белгилари (баланд хотик танглай, минорасизон калла суги ёки гилайлик, чаноқ-сон бўгими чиқсанлиги, биринчи қовурга шакли ўзгариши);

— болдир яраси белгилари, терида пигментация типидаги ўзгаришлар, геморрагия, экзема, гемангиомалар, дистрофик силжишлар ва б.).

2. Органлар ва системаларни кўздан кечириш. Патологик силжишлар ирсий микросферацитознинг кечиши, давомлилиги ва оғир-

енгиллигига боғлиқ, күп йилларгача актив гемолиз, гемолитик криз, бинобарин бошқа органлар ва системалар томонидан тегишли функционал ўзгаришилар юз бермайдиган ҳоллар бўлади:

— ўпкада ва юрак томонидан ўчоқли жараёплар қўшилиши ёки компенсатор силжишилар юз бериши мумкин (бронхит, зотилжам, нафас қисиши, юрак уриши, гипотония, тахикардия ва миокардиострофиянинг бошқа белгилари);

— жигар ва ўт қопчаси, ўт нўйларида (огриқ спандроми, ўтниг хроник стази, пигмент тошлилар борлиги, ўт-тош касаллиги, холестатик гепатит, жигар циррози, гепатоз манзараси).

IV. Лаборатория ва бошқа текшириш методларидан олинган маълумотлар:

— периферик қон: периферик қон манзараси ҳам касалликнинг кечишига, жараённинг компенсациясига ва декомпенсациясига боғлиқ. Компенсация даврида периферик қон томонидан ўзгаришилар бўлмаслиги мумкин (эритроцитлар, гемоглобин, ретикулоцитлар, лейкоцитлар, тромбоцитлар миқдори нормал). Қўзигандада ёки оғир гемолитик кризларда анемия, ретикулоцитоз (50—100% гача), эритроцитлар микросферацитози (ўлчами ўзгарган — нормада 6,3 мкм бўлгани ҳолда ўрта ҳисобда 2,7 мкм гача; чапга сийлиши — Прейс—Жонс эгри чизиги), осмотик резистентлик пасайиши, аутогемолиз ошиши; лейкоцитоз формуласининг чапга силжиши билан, тромбоцитоз (гиперспленизмда — ўртacha лейкоцитопения ва тромбоцитопения) каби қаториз ўзига хос белгилар кузатилади. Ирсий микросферацитозда анемия нормохром характерга эга. Эритроцитда гемоглобиннинг уртacha миқдори нормал ёки ошган. Бундай ўзгаришилар гемолитик анемиянинг бошқа формаларида (аутоанемия посферацитар) ҳам бўлиши мумкин. Бинобарин, диагностикада ИМ учун характерли белгилар мажмусини ҳисобга олиш зарур;

— суюк кўмиги (массаси ошиши, унда эритро- ва нормобластлар устунлик қиласи, баъзан мегалобластлар пайдо бўлади);

— биохимиявий силжишилар: ахлатда стеркобилин, сайдикда уробилин миқдори кўп:

— эритроцитларнинг яшаш давомлилиги Минковский—Шоффер касаллиги бўлган беморларда нормага қараганда деярли 2 марта камайган.

Ирсий гемолитик анемияларнинг бошқа айрим формаларининг қисқача клиник таърифи

A. Эритроцитлар глюкозо-6-фосфатдегидрогеназа активлиги камайшига боғлиқ бўлган ирсий гемолитик анемия.

Глюкозо-6-фосфатдегидрогеназа (Г—6—ФДГ) активлиги етиш маслиги эритроцитларнинг энг кўп учрайдиган ирсий аномалиясидир.

Бу асосан моддалар — оксидловчилар, аввало дори моддаларни қабул қилиши билан боғлиқ. Улар жумласига хинолин қаторидаги беззакка қарши препаратлар (хинин, примахип, резохип ва б.), сульфаниламидлар, сульфонлар, нитрофуранлар (фуродонин, фура-

гин), 5-НОК, невиграмон, оғриқ қолдирадиган ва иситмани пасайтирадиган (амиодирин, ацетилсалцилат кислота, антидирин), антибиотиклар, силга қарши препаратлар (ПАСК, тубазид, фтивазид) киради. Айрим ҳолларда дуккакли ва құзоқли ўсимликларнинг маҳсулотлари, гепатит ва грипп вируслари, витамин К, нафталин ва бошқалар әритроцитлар гемолизини келтириб чиқариши мумкин.

Энзимдефицит гемолитик анемияларнинг дастлабки ҳодисалари безгакка қарши препаратлар қўлланилиши муносабати билан (Ўрта Осиёда безгак касалликларини даволашда), иккинчи жаҳон уруши йилларида эса профилактика мақсадида примахин қўлланилганда ўтқир гемолиз ҳодисалари юз берган.

Г—6—ФДГ етишмаслигининг кўп ўрганилган ва тарқалган вариантлари Африка (А), ва Ўрта ер денгизи (В) типлари ҳисобланади.

Одатда у клиник жиҳатдан юқорида тасвирланган турли хил ва бошқа гемолитик агентлар таъсири остида намоён бўлади, умуман олганда унинг клиник белгилари Г—6—ФДГ танқислиги даражасига, қабул қилинган препарат дозасига, инфекцион (вирус) жараённинг оғир-енгиллигига bogliq.

Касалликнинг типик ҳолларида тегишли дори моддалар қабул қилингандан сўнг (ёки бошқа гемолитик омиллар таъсири остида) 2—3-кунга келиб склералар бир оз саргайди ва сийдик «қораяди», кейинчалик (дори қабул қилиш тўхтатилмаса ёки бошқа агентлар таъсири давом қилса) гемолитик криз пайдо бўлади. Гемолитик криз оғир ҳолат ва тана температураси кўтарилиши, кескин интоксикация (бош оғриғи, кусиш, гипотония), оеқ-қўлларда, қоринда қоплами ва кўриниб турадиган шиллик пардаларда сариқлик, анемия, сийдик билан гемосидерин ажралиши, сийдик рангги ўзгариши, аксарият ўтқир буйрак етишмовчилиги билан ўтади. Касалликнинг доимий симптомларидан бири гепатомегалия ва спленомегалия ҳисобланади.

Қўшимча текшириш методлари қимматли натижалар беради:

— периферик қонни текшириш: әритроцитлар, гемоглобин миқдори кескин камайиши, ретикулоцитлар, лейкоцитлар миқдори ошиши, нормобластлар пайдо бўлиши, әритроцитларда Гейнц таначлари (денатуратланган гемоглобин), әритроцитлар осмотик резистентлиги ўзгариши, эозинофилия;

— суяқ қўмиги пунктати: әритроид куртак гиперплазияси ва эритрофагоцитоз ҳодисалари, аксарият кўп миқдорда әритроцитлар борлиги; қон биохимиявий таркиби: қон зардобида озод гемоглобин, билирубин (асосан билвосита билирубин ҳисобига — бу билирубин сувда эримайди ва сийдик билан спира чиқарилмайди, бунинг мухим диагностик аҳамияти бор) миқдори ошиши.

Г—6—ФДГ активлиги етишмаслигига bogliq гемолитик анемия кечишида бир неча клиник вариантлар кузатилади.

1. Г—6—ФДГ етишмаслиги генини симптомларсиз ташиб юриш (дорилар қабул қилишда ёки гепатит ва грипп вируси таъсири остида гемолитик эпизодлар билан намоён бўлади).

2. Фавизм: овқатдан дүккаклилар истеъмол қилинганды, тулчанги таъсири остида пайдо бўлади. Клиник жиҳатдан умумий беҳоллик, гипертермия, эт жунжикиши, кўнгил айниши, қусини, ҳоринда оғриқ, бошқа гематологик ва биохимиявий силжисилар, гемолитик криз белгилари билан ўтади.

3. Иммунологик зиддият ёки гемоглобинопатия билан бөглиқ бўлмаган чақалоқлар гемолитик сарини касаллиги.

4. Ташки омилларнинг бевосита таъсирисиз пайдо бўладиган но-сферацитар типдаги ирсий гемолитик анемия (оксидловчи моддалар қабул қилиш гемолитик криз ривожланиши билан ўтади, криз дори ичиши-ичмасликдан қатти назар бир ҳафта ўтгач тўхтайди).

5. Бу касаллика гемолитик кризлар инфекцион касалликлар фонида (грипп, сальмонелләз, вирусли гепатит), ацидоузларда (қандли диабет, буйрак етишмовчилиги ва б.) пайдо бўлиши мумкин.

6. Беморларнинг муайян қисмida дори қабул қилишга алоқадор бўлмаган доимий гемолитик анемия кузатилади.

7. Энзимпеник (туғма) гемолитик анемия Г—Б—ФДГ танқислигидагина эмас, б-фосфоглюконатдегидрогеназа, пируваткиназа каби кўнгина бошқа ферментлар активлиги етишмаганда ҳам ривожланиши мумкин.

Б. Гемоглобин синтези бузилиши (гемоглобинопатия) га бөглиқ ирсий анемиялар

Гемоглобинопатиялар миқдорий (структур) ва сифат формаларига бўлинади. Миқдорий формаси (S, C, D, E) гемоглобин структурасининг ўзгариши, шунингдек гемоглобин барқарорлиги ва функциясининг бузилиши билан ўтади.

Сифат формаларида гемоглобин структураси одатда нормал, фақат глобин у ёки бу полипептид занжирларининг синтез қилиниши тезлиги пасаяди, холос.

Хозирги вақтда клиницистлар Ю. И. Токарев модификациясидаги гемоглобинопатиялар классификациясидан (1974) фойдалана-дилар. Улар орасида 2 формаси: ўроқсимон ҳужайрали касаллик ва талассемия энг ќўп учрайди.

ТАЛАССЕМИЯ

Биринчи марта 1925 йилда Cooley ва Lee тасвирлашган, кейин чалик адабиётларда турли номлар: Ўрта ер денгизи анемияси, оиласвий миқроцитемик анемия, Кули касаллиги номи билан юритилган.

Талассемия Жанубий Италия ва Грекияда тахминан 50 000 йил муқаддам учраган.

Касаллик асосида глобин занжирлари бир тури синтези тезлигининг бузилиши ётади, бу транспорт РНК ёки генарегулятор ирсий нуқсони билан бөглиқ. Глобин турли занжирлари синтези бузилиши мумкин ва шу туғайли α -талассемия, β -талассемия ва γ -талассемия фарқ қилинади.

Касаллик насл суради ва гомозигот (кatta талассемия) ва гетерозигот (кичик талассемия) формаларда учрайди:

— кичик талассемия аксарият симптомсиз ёки касалликнинг жуда кам белгилари билан ўтади (унчалик ифодаланмаган гемолиз, вақти-вақтида енгил сариқлик, оз-моз спленомегалия, ўртача анемия, ретикулоцитоз, эритроцитлар осмотик резистентлиги ошиши, энг муҳими — мишенсимон эритроцитлар, патологик A₂ гемоглобин борлиги ва б.);

— катта талассемия: касаллик болаликдан бошланади ва оғир прогнози билап ажралиб туради (болалар вояга етмасдан нобуд бўладилар). Кўздан кечиришда рангшарлик, терининг тунгурт-сариқ рангги, бошнинг катталиги, ёнғоқларнинг туртиб чиққанилиги, тери ости клетчаткасида шиш кузатилади. Шунингдек кардиомегалия (миокардиодистрофия ҳодисаси), гепатомегалия, спленомегалия, болдириларда хроник яралар қайд қилинади. Талассемиялар диагностикасида қўшимча текшириш методлари ёрдам беради. Талассемияда анемия одатда микроцитар ва гипохром характерга эга (эритроцитларнинг ўртача ҳажми 60—70 мкм³ дан кам, пойкилоцитоз, анизоцитоз, полихроматофилия, нормобластлар). Лейкоцитоз, ретикулоцитоз, билвосита билирубин даражаси, зардоб темири, гемоглобин кичик фракциялари миқдори ошиши кузатилади.

АУТОИММУН ГЕМОЛИТИК АНЕМИЯ

Автоиммун гемолитик анемия (АИГА) орттирилган гемолитик анемияларнинг энг қўйи учрайдиган формаси ҳисобланади ва унинг асосида эритроцитларнинг ўз антигенига қарши антителолар ишлаб чиқариши ётади.

Серологик таърифга биноан аутоантителоларнинг тўртта типи ва АИГА нинг тегишли формалари ажратилади:

1. Нотёлиқ иссиқлик агглютинилари бўлган АИГА;
2. Иссиқлик гемолизинлари бўлган АИГА;
3. Совуқлик агглютинилари бўлган АИГА;
4. Икки фазали совуқлик гемолизинлари бўлган (Донат—Ландтейнер типидаги) АИГА.

Бундай анемиялар идиопатик (касаллик сабаби номаълум) ва симптоматик (АИГА маълум касаллик фонида ривожланади) турларга бўлинади.

АИГА иккала жинсдаги шахсларда кузатилади, бироқ аёлларда эркакларга ишсбатан кўпроқ учрайди. Касаллик ҳар қандай ёшда, бироқ кўпчилик эркакларда 50 ёшдан кейин, аёлларда эса 40 ёшдан кейин ривожланиши мумкин.

Этиологияси ва патогенези. Этиологияси ва патогенези масалалари охиригача ўрганилмаган, қатор гипотезалар ва тахминлар бор:

— АИГА да ўзининг ўзгармаган антигенига қарши антителолар ишлаб чиқарилади, бунда патогенезнинг биринчи босқичи турли туман омиллар (дори моддалари, инфекция вирус ва б.) таъсири остида антиген ўзариши ҳисобланади, кейинчалик эса эритроцит-

ларнинг антителолар ва антигенлар реакцияси гемолиз ва апемия ривожланишига сабаб бўлади;

— Ф. Бернет ишлаб чиқсан клонал—селекцион пазарияга биноан атоиммун гемолитик анемияга одатда эмбрионал даврда ҳайдаладиган иммун компонент ҳужайрапниг сақлашиши натижаси спфатида қаралади. Маълум бўлишича, бу ҳужайра ўз эритроцитларига қарши антителолар ишлаб чиқариш хусусиятига эга экан;

— бу жараёнда катта монопуклеар ҳужайралар — моноцитлар-макрофаглар, Т ва В лимфоцитлар, ўзак ҳужайра иштирокига муайян аҳамият берилади.

Клиникаси. АИГА пинг клиник манзараси турли-туман ва гемолиз даражасига, апемияга, асосий жараённинг кечишига, орган ва системаларнинг ҳолатига, гемолиз рўй берган жойга ва ниҳоят АИГА формасига боғлиқ:

1) нотўлиқ иссиқлик агглютинилари бўлган АИГА:

Жараённинг оғир-енгиллиги бўйича ҳам, гемолитик синдромнинг илтепсивлиги бўйича ҳам касаллик турли-туман бошлиланади (гемолиз ҳужайра ичи характеристига эга, сариқлик, қон зардобида билвосита билирубин ошиши, гемоглобинурия одатда бўлмайди, касаллик белгилариси ва анемиясиз кечиши ҳам мумкин).

Периферик қон текнирилганда апемия, ретиқулопитоз, микросферацитоз, эритроцитлар осмотик резистентлигининг ошиши (эритроцитлар қобигиннинг антителолардан шикастланиши натижаси) аниқланади; мусбат Кумбс синамаси характеристи;

2) иссиқлик гемолизинлари бўлган АИГА: кам учрайди, кислотали гемолизинлар таъсири остида томир топилсалари билан ўткір кечади;

3) совуқлик агглютинилари бўлган АИГА: касаллик манзараси совуқ таъсири остида пайдо бўлади ва периферик қон айланини бузилиши ва томир ичи гемолизи белгилари (акроцианоз, оёқ-қўл томирлари тромбози, бармоқлар гангренаси, Рейно синдроми, эшак-ем) билан ўтади. Касалликинг бу формасида периферик қон суртмаси тайёрлаш, қон группасини апиқлаш қийин, СОЭ жуда юқори. Серологик жиҳатдан тўлиқ совуқлик агглютинилари (Кумбс билвосита сипамаси) ва кислотали совуқлик гемолизинлари топилади;

4) икки фазали совуқлик агглютинилари бўлган АИГА (пароксизмал совуқлик гемоглобинурияси) умумий ва маҳаллий совқотиш (қорин, бел, оёқларда оғриқ, бош оғриғи, эт жунжиқиши, гипертремия, сийдик ранги ўзгариши — у тўқ қизил ёки жигар ранг, гемоглобинурия; сариқлик, гепатосplenомегалия; ўткір буйрак етишмовчилиги) таъсири остида томир ичи гемолизи хуружлари билан юзага чиқади.

Атоиммун гемолитик апемия қўп касалликлар фонида (гемобластозлар, коллагенозлар, юқумли касалликлар; ичак, жигарнинг атоиммун касалликлари, вирусли касалликлар), шунингдек қўп сонли дори препаратлари таъсири остида ривожланиши мумкин.

Кўрсатиб ўтилган ҳолларда АИГА бирор касаллик ёки даво препаратларининг салбий таъсири натижасида ривожланади; бино-

бария, касалликнинг клиник манзараси умуман симптомлар йиғин-дисидан, хусусан АИГА дан ташкил топади.

Гемолитик анемиялар диагностикаси

Гемолитик анемиялар диагнози бемор шикоятлари, анамнез, объектив маълумотлар анализи (улар юқорида баён қилинган) ва энг муҳими қўшимча текшириш методлари (периферик қон, суяқ кўмиги пунктатини текшириш, озод гемоглобин, ишқорий пигментлар, гемосидерин, ахлатда стеркобилин, сийдикда уробилинни, ҳонда гаптоглобинни аниқлаш, эритроцитларнинг қанча яшаши, қон ивиши системасининг, Кумбс синамаси ва бошқаларни текшириш) ва анемия, сариқлик, гемолиз ҳодисалари, гепато-сленомегалия ҳодисалари (ўткир вирусли гепатит, хроник гелатит, жигар циррози, темир танқислиги анемияси, хавфли анемия) кузатиладиган касалликларни истисно қилиш йўли билан қўйилади.

Гемолитик анемияларни даволап. Даволаши касалликнинг группалари ва клиник формаларига кўра олиб борилади.

I. Ирсий микросферацитозни даволаши

1. Сплениэктомия ишончли метод ҳисобланади. Доимий ёки кўпинча пайдо бўладиган анемия, рўй-рост юзага келган гипербилирубинемия, чап қовургалар остида оғриқ пайдо бўлиши, болаларнинг ўсишдан орқада қолиши унга кўрсатма бўлиб ҳисобланади. Операцияга қатъий кўрсатмалар бўлгандан операциядан кейин эҳтимол тутилган асоратларни (ўпка, мезентериал томирлар тромбозлари) ҳам олган ҳолда киришиш керак. Операциядан кейинти даврда, айниқса тромбоцитлар миқдори ошганда ($700--800 \cdot 10^9$ л) тромбоцитлар агрегациясини камайтирадиган препаратлар (курантил 0,05 г дан кунига 3 марта; гепарин 5000 ТБ дан кунига 2 марта мушаклар орасига) қўлланилади.

Ўт қончасида пигмент ва бошиқ тошлар бўлгандан айни вақтда холецистоэктомия ҳам ўтказиш керак.

2. Консерватив методлар кўп қўлланилади: умуммустаҳкамлайдиган (витамин В группы), аскорбин кислота, жигар препаратлари, дезинтоксикацион терапия, десенсибилизация қиласидиган, ўт ҳайдовчи ва бошиқ препаратлар; спазмолитик (но-шпа, напаверин, атропин); дуоденал зондлари (ўт стазини камайтириш учун); сурги; антианемик воситалар (темир, фолат кислота препаратлари).

II. Г — 6 — ФДГ танқислигига боғлиқ ирсий гемолитик анемияларни даволаши.

1. Операция йўли билан даволаш (спленэктомия).

2. Консерватив даволаш:

— криз қўзгатгаян дори-дармонларни шошилинч бекор қилиш ва кунига 2—3 марта 0,015 г дан рибофлавин ёки кунига 3 марта 2 мг дан мушак орасига флавинат, кунига 3 марта 5—10 г ксилит тайинлаш.

— ўткир бўйрак етишмовчилиги ривожланиши хавфи бўлгандан

(томир ичи гемолизи белгилари аниқ күрингашда) 500—1000 мл 4—5% ли натрий гидрокарбонат эритмасини венага томчилаб юбориши тавсия этилади; 10—20 мл 2,4% ли эуфиллин эритмаси венага 10% ли маннитол эритмаси 1 г/кг ҳисобидан, глюкоза билан инсулин эритмаси венага ва б.;

— бундан ташқари, гепариннинг кичик дозалари тайинланади; ҳар ҳафта меъдани ювиш ва сифон клизмалари (анурияда); «сунъий буйрак» аппарати ёрдамида перитонеал диализ ёки гемодиализ;

— симптоматик терапия, анемияларни даволаш.

III. Гемоглобинопатиялар (талассемиялар) ни даволаш:

— гемотрансфузия кенг қўлланилади;

— ортиқча темирни ҳайдаш учун суткасига мушакка 500 мг — 1 г десферал яхши ёрдам беради, десфералии аскорбинат кислота билан қўшиш мағсаддга мувофиқ (200—500 мг йчинга);

— спленомегалияда, лейкопения, тромбоцитопенияда спленэктомия қилини керак;

— қўрсатмалар бўлганда В группа витаминлари (B_6 , B_{12}), айрим органлар ва системалар функциясини яхшилайдиган препаратлар.

IV. АИГА ни касалликка сабаб бўлган омилини ҳисобга олиб даво қилинади;

— асосий жарабини даволани (дорилар қабул қилинни тўхтатиш, фон касалликни тегишлича даволани);

— гемолитик криз вақтида кортикостероид гормонларнинг катта дозаси (преднизолон суткасига 60—90 мг гача), сўнгра камайтирилади ва қувватлаб турувчи дозалар (суткасига 5—10—15 мг) тайинланади;

— енгил кечганда, субклиник вариантда ҳамда ремиссия даврида: иммун депрессантлар (хлорбутин — суткасига 2,5—5 мг, циклофосфан — 400 мг дан куиора), аминохинолин препаратлар (делагил, резохин);

— айрим ҳолларда, айниқса гормонал препаратлар тайинлашга монеликлар бўлганда азатиопирин, 6—меркаптопурин тавсия қилинади ва б.;

— ҳаётий қўрсатмалар бўлганда гемотрансфузия қилини мумкин (эритроцитар масса ёки соф қон қўйиш);

— монелик қиласидиган ҳоллар бўлмаганда спленэктомия яхши натижга беради. У 64,4% беморларда тўлиқ ремиссия берган (Л. И. Идельсон, 1978).

Бироқ айрим ҳолларда тромботик асоратлар ривожлапини хавфли. Спленэктомия АИГА нинг ҳам идиопатик, ҳам симптоматик формаларида қўлланилади.

Гемолитик анемиянинг кечини ва прогнози. Вақти-вақтида гемолитик кризлар ва ремиссия даврлари билан кўн ҳолларда хрофиик кечади. Кечини ва прогнози жарабининг оғир-енгиллигига, асоратлар бор-йўқлигига боғлиқ. Тез-тез гемолитик криз бўлиб турса, анемияда, шунингдек ўз вақтида малакали ёрдам қўрсатилмаганда прогноз бирданига ёмонлашади. Сўнгги йилларда операция усули (спленэктомия) ва бошқалар (гемотрансфузия, таъсирчан препарат-

лар) қўлланилиши туфайли беморларнинг умри узайиб бораяпти, касалликниң натижаси ҳам тобора яхшилашадиги.

Профилактикаси:

- бирламчи профилактика қилиши қўпинча мумкин эмас (этиологияси тўлиқ ўрганилмаган). Бу АИГА да энг таъсирчан;
- касаллик қайталаниши профилактикаси (диспансер кузатуви, тўлиқ ремиссиягача даволаш, ўз вақтида спленэктомия ўтказиш ва б.).

Контрол саволлар

1. Гемолитик анемиялар: таърифи, тушунчasi, классификацияси.
2. Этиологияси ва патогенези муаммолари.
3. Ирсий гемолитик анемиялар: клиник формаларига боғлиқ ҳолда клиникаси ва диагностикаси.
4. Ортирилган гемолитик анемиялар (АИГА): клиникаси ва диагностикаси.
5. ГА нинг диагностик мезонлари (клиник ва қўпимча).
6. ГА нинг етакчи симптомлари бўйича дифференциал диагностикаси масалалари (гемолиз, анемия, сариқлик, гепато-спленомегалия).
7. ГАни даволаш принциплари.
8. ГА да спленоэктомияга кўрсатма, бунда эҳтимол тутилган асоратлар.
9. ГА прогнози ва профилактикаси.

ГЕМОРРАГИК ДИАТЕЗЛАР

Таърифи. Геморрагик диатезлар (ГД) — йигма тушунча, уларга ўз-ўзидан ёки арзимаган шикастлар натижасида пайдо бўладиган ошган қон оқувчанлик асосий белги ҳисобланган ирсий ёки ортирилган касалликлар группаси киради.

Қон ивиши мураккаб жараён, бунда қон оқувчанлик ҳодисаларини келтириб чиқарадиган омилларнинг учта асосий группаси фарқ қилинади.

Қон ивиши жараёнида тромбоцитларга катта аҳамият берилади.

Тромбоцитларнинг гемостаз жараёнининг ҳамма босқичларида фаол иштирок этиши аниқланган. Гемостазнинг бошлангич босқичларида: бирламчи тромбоцитлар тромб шаклланиши жараёнида улар етакчи роль ўйнайди, улар қон ивиши плазма омилларини қон оқаётгап жойга етказишида қатнашади, микротомирлар нормал тузилиши ва девори функциясини қувватлаб туради, микроциркуляция зонасида қон оқишиши тўхтатишда асосий ўрин тутади.

Қон ивиши асосида специфик фермент — тромбин таъсири остида эриган оқсил (фибриноген) нинг эримайдиган оқсил (фибрин) га ўтиши ётади.

Фибрин ҳосил бўлиши жараёни З босқичда амалга оширилади:

— биринчи босқичда тромбин таъсири остида фибриноген молекуласидан иккита фибринопептид ажралиб чиқади — фибрин-мономер ҳосил бўлади;

- иккинчи босқич мономер полимерланишини қамраб олади ва чизиқли оралып полимерлар ҳосил бўлишига олиб келади;
- учинчи босқичда фибриннинг макондаги тармоги ҳосил бўлади, желеланиш, ивииди структураси зичлашади ва фибриннинг VIII омилдан барқарорлашуви юз беради.

Ҳозирги вақтда қон ивишининг 13 асосий омиллари фарқ қилинади. Уларнинг комплекс ёки биттасининг етишмаслиги геморрагик диатез билан юзага чиқади (23-жадвал).

Геморрагик диатезнинг ҳамма формалари учун қон оқувчанликнинг қўйидаги 5 типи хос:

1. Гематомали.
2. Петехиал-догсимон.
3. Аралаш (петехиал-гематом).
4. Қирмизи қизил васскулит.
5. Ангиоматоз.

1. Гематомали типда танапининг турли қисмларида катта, чукур, кескин оғриқли қон қўйилишлар устунлик қиласди (йирик бўғимлар, мушаклар; тери ости ва қорин пардаси орқаси клетчаткаси; фасциялар; сероз пардалар), улар кўпинча профуз (шикаст, операциядан кейинги) қон оқишилар билан бирга ўтади. Қон оқувчанликнинг бу типи А, В, С гемофилияси учун хос.

2. Қон оқувчанликнинг петехиал-догсимон хили мўматалоюқ, тери ва шиллиқ пардаларга юза қон қўйилиши, милк, бурун, бачадондан қон кетиши билан ўтади. Бу тромбоцитопения, тромбоцитопатия кабиларда қайд қилинади.

3. Аралаш ёки петехиал-гематомали тип. Юқорида кўрсатиб ўтилганлардан ташқари, бунииг сифат хусусиятлари ҳам бор:

— петехиал геморрагия одатда гематомага қараганда илгари, тез-тез ва турли-туман бўлади;

— гематомалар аксарият кам сонли, кўпинча ўлчамлари катта бўлади, тери ости ва қорин пардаси орқаси клетчаткасида жойлашади; бўғимларга қон камдан-кам қўйилади ва, одатда, чукур органик бузилишлар (артроз, деформация) га олиб келмайди;

— қорин бўшлигига, қорин пардаси орқасидаги бўшлиқда ҳосил бўлган гематомалар аксарият қориндаги ўтқир оғриқ симптомлар комплексига ўшаб кетади.

4. Қирмизи-қизил васскулит типи. Геморрагиянинг бу типи локал эксудатив-яллигланиш жараёнларида талайгина умумий иммун-аллергик ёки инфекцион-токсик бузилишларда кузатилади. Қон оқувчанликнинг қирмизи-қизил васскулит типи аксарият геморрагик васскулит бор беморларда учрайди.

5. Қон оқувчанликнинг ангиоматоз типи асосан телеангиэктазия ва бошقا ангиоматозларнинг турли формалари учун хос локал характерга эга. Бундан ташқари, унга узоқ муддат давом қилиш ва қон оқувчанликнинг тез-тез такрорланиб туриши хос.

Геморрагик диатезлар клиникасида қон оқувчанликнинг ҳар хил типлари бирга учраши эҳтимол, геморрагия эса синдром сифатида кўпгина касалликларда бирмунча кўп учрайди.

Плазма прокоагулянтлари номенклатурасы

Плазма омили	Синоними	Танқислиги
I омил	Фибриноген	Тұгма ва орттирилған гипо- ва афибриногенемиялар
II омил	Протромбин	Тұгма протромбин танқислиги, жигар касалліклари, белвосита таъсирли антикоагулянтлар би- лап даволаш, томир ичи қон ивиш синдроми
III омил	Тромбопластин	
IV омил	Кальций	
V омил	Проакцелерин, плазма- Ас-глобулини. Оврен омили, лабил омил	
VI омил	Акценерин, зардоб Ас- глобулини	Оврен парагемофиляси (тұгма V омил танқислиги). Жигарвивг оғир заарланишлари, томир ичи қон ивиш синдроми
VII омил	Проконвертин, барқарор омил	Тұгма гипопроконвертинемия, жигар касалліклари, белвосита таъсирли антикоагулянтлар билап даволаш
VIII омил	Антигемофил А глобу- лин	А гемофиляси, томир ичи қон ивиш синдроми
IX омил	Антигемофил В глобу- лин, Кристмас омили	В гемофиляси (Кристмас касал- лиги)
X омил	Стюарт-Прауэр омили	Тұгма X омил танқислиги (Стюарт — Прауэр касаллиги), жигар касалліклари, белвосита таъсирли антикоагулянтлар билап даволаш
XI омил	Плазма тромбопластиның ўтмішдопи, антигемо- фил С глобулини	С гемофиляси
XII омил	Хагеман омили, контакт омили	Хагеман тиlidаги ивиш католо- гияси
XIII омил	Фибринин барқарор- лаптирувчи омил, фиб- риназа, FSF	Тұгма XIII омил танқислиги

Классификацияси. Натогенезига күра геморрагик диатезлар амалиётида әнг күп күзатыладын қон оқыучанлық учта катта группага бүлинады:

— тромбоцитлар сони камайипи ёки уларнннг сифати бузилишига болғық геморрагик диатезлар (тромбоненик цурпур — Верльгоф касаллиги, тромбоцитонатиялар);

— қон ивиш хоссалари ёки коагуляциоң гемостаз бузилишига болғық геморрагик диатезлар (A, B, C гемофиляси; Виллебранд касаллиги, Стюарт—Прауэр касаллиги, антикоагулянтлар құлланып ва б.);

— томирлар шикастланиши ёки томирлар гемостатик функция- си бузилишига болғық геморрагик диатезлар (геморрагик васку-

лит — Шенлейн—Генох касаллиги, геморрагик телеангизктазия — Рандю—Ослер касаллиги ва б.).

Кузатув вақтида йигилган маълумотлар ёки беморни клиник таҳдил қилиш ва назарий билимларга асосланиб, студент қўйидаги саволларга жавоб бера олиши керак:

1. Тахминий диагнозни аниқлаш (геморрагик диатез).
2. Геморрагик диатез воззологик формаларини аниқлаш учун текомиришнинг асосланган планини тузиш.
3. Қўйидагилар асосида узил-кесил батафсил диагноз қўйиш:
 - умуман геморрагик диатезларнинг асосий симптомлари, синдромлари ва диагностик мезонларини, хусусан касалликнинг айrim клиник формаларини билиш;
 - қўшимча текшириш методларини жамлаш ва анализ қилиши ва билиш (лаборатория, биохимиявий, серологик);
 - касалликнинг етакчи симптомлари ва синдромлари бўйича дифференциал диагностика ўтказишни (геморрагик тошма, қон оқжоти, анемия ва б.) билиш;
4. Геморрагик диатез патогенези, тури ва уларнинг асоратлари-ни ҳисобга олиб, асосланган даволаш ўтказиш.

ГЕМОФИЛИЯ

Гемофилия тұрма коагулопатиялар групиасига киради ва қон извизитининг плазма омиллари синтези бузилишига боғлиқ бўлиб, геморрагик диатезнинг жуда қадим замонлардан маълум классик формаларидан бири ҳисобланади.

Қон оқувчанликнинг ирсий формасини биринчи марта 1784 йилда Фордайс тасвиrlаган, «гемофилия» терминини эса 1820 йилда Шевлейн таклиф этган.

ВОЗ маълумотларига кўра Фарбий Европа мамлакатларида гемофилияни касал болалар туғилиши 10 000—20 000 эркак аҳолига биттани (ёки 5000 аҳолига биттани) ташкил қиласди.

Гемофилия X-хромосома билан бириккан рецессив тип бўйича насл суради. Гемофилия билан асосан эркаклар касалланадилар (гоҳо аёлларда ҳам учрайди), гемофилия беморвинг болаларига ўтмайди. Касаллик гемофилия билан касалланган отадан фақат нағирасига соглом қизи орқали ўтиши мумкин. Аксарият гемофилияниң жинсий хромосома мутацияси натижасида пайдо бўладиган нооилавий ҳоллари учрайди.

Этнологияси ва патогенези. Гемофилиядада қон оқувчанлик асосида плазма омиллари етишмаслиги натижасида қон ивиш хусусиятинига бузилиши ётади:

— А гемофилияси (классик формаси) VIII омил — антигемофил глобулин (АГГ) бўлмаслиги ёки танқислигига боғлиқ. У ирсий коагулопатиялар ҳамма ҳолларининг 80—85—90 фоизини ташкил қиласди;

В гемофилияси — Кристмас касаллиги IX омил — тромбоплас-типпинг плазма компоненти (Кристмас омили) бўлмаслиги ёки танқислигига боғлиқ. У 10—15—20% ҳолларда кузатилади;

— С гемофилияси — Розенталь касаллиги, XI омил ёки тромбопластицнинг плазма ўтмишдоши танқислиги билан боғлиқ. У 1—3% ҳолларда учрайди, бошқа маълумотлар бўйича, қайд қилинмайди ва шунга кўра С гемофилиясини ҳозирги вақтда гемофилоид ҳолатлар группасига киритадилар.

Клиникаси. А, В ва С гемофилиялари клиник белгиларига кўра бир-биридан деярли ֆарқ қиласайди, бироқ патогенетик терапия ўткизиш учун уларни жуда пухта аниқлаш керак. Касаллик клиникаси жараённинг оғир-енгиллигига тўғридан-тўғри боғлиқ (у қонда антигемофил омиллар миқдори даражасига, яъни VIII ва IX омиллар етишмаслиги даражасига), камқонлик, бошқа органлар ва системалар ҳолатига боғлиқ.

Кўрсатиб ўтилган омиллар етишмаслиги даражаси бўйича касалликнинг оғир-енгиллиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин:

- оғир формасида — омиллар активлиги 0—3% атрофида;
- ўртача оғирликдаги формасида — 3,1 дан 5% гача;
- латент формасида — омиллар активлиги нисбатан юқори — 10% ва бундан юқори. Касалликнинг яширин формалари ҳам учрайди.

Касалликнинг оғир-енгиллиги антигемофил омиллар даражасига боғлиқлигини 24-жадвалдан кўриш мумкин.

I. Субъектив маълумотлар: оғлан қон оқувчанлик (милклардан, бурундан, оғиздан, меъда-ичакдан, лат ейиш, шикаст, инъекция, операция, типи чиқиши сабабли қон оқипи; бўғимларда оғриқ ва улар функциясининг бузилиши, ҳаракат вақтида оғриқ (гемартроз бўлганда); тез чарчаш, ланжлик, бош айланиши, юрганда нафас қисиши ва юрак уриши (анемия ва миокардиодистрофия билан боғлиқ) ва б.

II. Субъектив маълумотларга мантиқан анализ.

III. Объектив маълумотлар.

1. Умумий кўздан кечириши:

- касалликнинг оғир-енгиллигига кўра беморнинг аҳволи ҳархил;
- тери қопламлари рангпарлиги, дистрофик ўзгаришлар бўлиши эҳтимол; мўматалоқлар;
- тананинг турли қисмларига қон қуйилиши (кефалогематома; турлича жойлашган гематома; тери ости ва тери ичи; кўз косасига қон қуйилиши; думбалар соҳасига — чақалоқ болаларда);
- қон оқипи: бурундан, оғиз бўшлигидан, тишлар чиқаётганда, инъекциядан кейин, шикастлар, ийқилиш, операция сабабли; меъда-ичаклардан қон кетиши ва бошқа турлари;
- йирик бўғимларга (тизза, болдири-товори, тирсак, камданкам — панжа ва товоннинг майди бўғимларига, умуртқалараробўғимларга қон қуйилиши).

Клиник жиҳатдан: ўткир гемартроз (бирламчи ва қайталанадиган), хроник геморрагик-деструктив остеоартрозлар (артропатия), асосий жараённинг асорати сифатида иккиламчи иммуп ревматоид синдром.

**Плазмада VIII омил даражасы билан гемостаз оғир-енгиллиги ўртасидаги
богланыш**

VIII омил даражасы ўртача нормага нисбатан % ҳисобда	Гемостаз
50—200	Нормал
20—50	Ирик шикастларда қон оқишига мойиллик
5—20	Шикастлар ва операцияларда, жумладан кичик опе- рацияларда оғир қон кетиши
1—5	Ўртача гемартрозлар ва с spontaneous қон қуишишлар. Катта бўлмаган шикастлар ва операциялардан кейин кучли қон кетиши
0	Оғир гемофилия, гемартрозлар, чуқур гематомалар, мўматалоқлар

Ўтқир гемартроз — тегишли бўғимда тўсатдан оғриқ пайдо бў-
лиши ёки унинг кескин кучайиши (бўғим катталашган, устидаги
тери гиперемиялашган, ушлаб кўрилганда иссиқ, функцияси кескин
бузилган). Ёш улгайган сайин, гемофилияниң оғир-енгиллигига
кўра бўғим заарланишининг оғирлиги ва тарқоқлиги оша боради,
бўғим олди гематомалари, деформация, анкилоз пайдо бўлади ва
бошқа органик ўзгаришилар юз беради.

2. Органлар ва системалар бўйича кўздан кечириш:

— юрак-томирлар системаси: тахикардия, гипотония, юрак гипер-
трофияси чанг, 1 тон сусайиши ва учиди систолик шовқин борлиги
ва миокардиодистрофиянинг бошқа белгилари (кечиккан босқич-
ларида);

— ўпкада (ўчоқли инфекциялар қўшилиши, ўпкадан қон оқи-
ши);

— меъда-ичак йўли: қон оқиши спонтан бўлиши мумкин, акса-
рият бу дори қабул қилиш (бутадион, аспирин ва б.) ёки яширин
яралар, эрозив гастрит борлигига боғлиқ; қорин пардаси ортидаги
гематома; ичак тутқич ва ҷарвига қон қуишилиши, ичак деворига
субсероз геморрагия, бу қорин бўшлиғидаги турли ўтқир хирургик
касалликларни эслатади;

— буйраклар томонидан: аксари мўл ва узоққа чўзиладиган қон
оқиши кузатилиди; микро- ёки макрогематурия; дизурик ҳодисалар,
баъзан буйрак санчиғи хуружи билан, буйракдан қон оқиши кўпин-
ча тақрорланади ва оғир дистрофик ўзгаришиларга (пиелонефрит,
амилоидоз, хроник буйрак етишмовчилиги) олиб келиши эҳтимол;

— геморрагия ҳодисаси (қон оқиши, қон қуишилиши) ҳамма
жойда кузатилиши мумкин, гемофилияда геморрагия ҳар хил тур-
ларининг учраши З. С. Баркаган бўйича (1980) 25-жадвалда бе-
рилган.

Гемофилияда геморрагия ҳар хил турларининг учрани

Геморрагиялар	Беморлар, %
Бўғимларга қон қўйилиши	91,2
Тери ости ва мушакларга қон қўйилиши	93,1
Питоқ кесганда ва бошقا шикастларда ташқи қон оқиши	74,5
Бурун қонаши	46,1
Оғиз бўшлиғи/шиллиқ пардаларидан қон оқиши	37,3
Тиш олдирилганда қонаши	38,2
Микрогематурия	28,4
Меъда-ичақдан қон кетими	19,6
Хирургик операцияда	10,8
Ичак тутқицга ва ичак деворига	6,9
Бош мия ва унинг пардаларига	5,9
Ўнқадан қон оқиши	3,9
Калла суюгининг пай қатлами остига	2,0

IV. Қўшимча текширини методлари маълумотлари:

— периферик қони: тез ва давомли қон оқишида хроник (темир таңқислиги) постгеморрагик анемия манзараси ривожланади; қон ивии вақтининг узайиши; рекальцификация вақти узайиши; протромбин вақти қисқариши; тромбопластин генерацияси тести VIII, IX ёки XI омил таңқислигидан далолат беради; тромбоцитлар миқдори, иванди ретракцияси ва қон оқиши давомлилиги нормал, эндотелиал симптом (хивчин, чимчилаш синамалари) манфий;

— сийдикни: микро-макрогематурия, инфекция ва бошقا буйрак патологияси (пиурия, протеинурия, цилиндрурин ва б.);

— ахлатни: патологик силжишлар меъда-ичак йўлларидан қон кетганда кузатилади.

Диагностикаси. Типик ҳолларда (геморрагик синдром, гемартроз, ирсий анамнез) диагноз одатда қийинъ-шилик түгдирмайди. Ҳамма шубҳали ҳолларда, айниқса касаллик латент (яширин) кечганда, bemорларда қон оқувчанликнинг гематом типи бўлганда, таянч-ҳаракат аппарати зарарланганда, операциядан кейинги кечиккан қон оқишиларда тегишлича чуқур лаборатория текшируви ўтиказиш зарур. Геморрагик синдром, анемия, бўғимлар зарарланиши (гемобластозлар, жигар касаллклари, ГА, темир таңқислиги анемияси, бўғим касаллклари, ревматизм каби) билан ўтадиган касаллкларни истисно қилиш лозим.

Кечини ва прогнози. Касаллик айниқса болалик ёшида оғир кечади, у антигемофил омиллар даражасига, бинобарин, гемостазнинг бузилиши даражасига (геморрагик ҳодисалар) неча марта кўзишига, жараённинг оғир-енгиллигига боғлиқ. Ёш катталашган сайин қон оқувчанлик белгилари камаяди, ремиссия даврида — давомли бўлади.

Тегишли малакали ёрдам кўрсатилганда прогноз одатда яхши.

Тромбоцитопеник пурпуралар (Верльгоф касаллиги)

Тромбоцитопеник пурпуралар ёки Верльгоф касаллиги геморрагик диатезлар группасига киради, у тромбоцитлар ўзгаришига боғлиқ ва аксарият иммун келиб чиқади.

Касалликнинг биринчи клиник тасвирини 1735 йилда Верльгоф докторин геморрагик касаллик номи остида берган эди. У геморрагик диатезларнинг тури формалари орасида тарқалиши бўйича биринчи ўринни эгаллади.

Верльгоф касаллигининг идиопатик формалари билан бирга темобластоз, парапротеинемия, токсик ва дори таъсири, жигар ва буйрак касалликлари, массив гемотрансфузияга боғлиқ симптоматик тромбоцитопенияларнинг талайтина сони кузатилади.

Бу касаллик турли ёш группаларида кузатилади; бироқ кўпинча болалар ва ёш одамлар касалланадилар. Болалик ёшида касаллик ўғил ва қиз болаларда бир хил, катта одамлар ўртасида аёлларда кўпроқ учрайди.

Этиологияси ва патогенези. Бу масала узил-кесил ҳал қилинмаган;

— касаллик асосида суюк кўмиги мегакариоцитларининг тромбоцитларни кам ишлаб берипши ёки уларниг номаълум (идиопатик формаси) ёки маълум омиллар таъсири остида сифат жиҳатидан носозлиги ётади;

— организм иммун системасининг аҳамияти (иммуноген назария); бу пазарияга биноан касаллик қонда бемор тромбоцитларини емирадиган антитромбоцитар автоантителолар йигилиши натижасида ривожланади. Тромбоцитлардаги антителоларни Кумбс реакцияси ёрдамида аниқлаш мумкин, бироқ уларни ҳамавақт топиб бўлмайди. Шунга кўра иммун ва ноиммун тромбоцитопеник пурпуралар фарқ қилинади;

— инфекциялар (аксарият вирусларга), вакцинацияга, томир девори ўтказувчалиги бузилишига муайян аҳамият берилади (касалликнинг кўрсатиб ўтилган омиллар билан алоқаси аксарият болаларда аниқланади).

— ҳозирги вақтда тромбоцитар антителолар ишлаб чиқаришда талоқнинг актив иштироки аниқланган, бу уларниг ҳалок бўлишига, бинобарин, тромбоцитлар миқдорининг камайишига имкон беради.

Клиникаси. Касалликнинг кечишига (ўткир, хроник, қайталана-диган формалари), анемия даражаси, жараённинг давомлилигига боғлиқ.

I. Субъектив маълумотлар: шикаст, аксарият эса сабабсиз пайдо бўладиган қон оқишининг ҳар хил турлари (милк, бурун, оғиздан, аксари бачадондан, меъда-ичаклардан); тананинг турли қисмларида тошмалар пайдо бўлиши; анемияли bemорларга хос шикоятлар (касалликнинг кечиккан босқичларида).

II. Субъектив маълумотларни мантиқан баҳолаш.

III. Объектив маълумотлар:

1. Умумий кўздан кечириш:

- анемия белгилари бўлиши эҳтимол;
- тери ва шиллиқ пардаларда геморрагиялар, улар доғлар ёки катталиги, шакли ва бўялиши ҳар хил экхимозлар кўринишида бўлиши мумкин ва аксарият гавда, қўл-оёқларнинг олдинги юзасида жойлашади, бироқ кўкрак, қорин, орқани эгаллаши ҳам мумкин. Аксарият йирик қон қўйилишлар кузатилади;

— қон оқишининг тегишли симптоматикали ҳар хил турлари кузатилади (улар аксари спонтан, камроқ шикастлар оқибатида пайдо бўлади); бурундан, милклардан, бачадондан (тухумдонга қон қўйилиши бачадондан ташқари ҳомиладорлик манзарасига ўхшаб кетади), бўшлиқ ичига (мезда-ичаклардан, буйракдан қон оқиши, плевра бўшлигига, қорин пардасига, перикардга қон қўйилиши ва б.);

2. Органлар ва системалар бўйича кўздан кечириш:

- қўшилиб келган патология ва қон оқишилар бўлмаганда одатда ички органлар томонидан ўзгаришлар кузатилмайди: юрак томонидан (постгеморрагик анемия бўлгандан) миокардиодистрофия ҳодисалари кўрилади; беморларнинг тахминан 10 фоизида оз-моз спленомегалия кузатилади.

IV. Кўшимча текшириш методлари маълумотлари:

— периферик қон: ўзгаришларсиз (ремиссия даврида, кечиши енгил), ўткир ёки хроник постгеморрагик анемия манзараси; нейтрофил лейкоцитоз (қон оқишида) ёки лейкопенияга мойиллик (ремиссия даврида); тромбоцитопения (баъзан улар битта-иккита), пластинкаларнинг ёш ва дегенератив шакллари сонининг кўпайиши, қон ивиндиси ретракцияси бузилиши (ёки бўлмаслиги); қон оқиш давомлилиги узайиши; қоп ивиши (айниқса ремиссия даврида) нормал; тромбоцитларга антителолар борлиги (иммун формасида); эндотелиал симптом (чимчилаш, жгут) мусбат;

— суяқ кўмиги пунктати: мегакариобластлар ва промегакариоцитлар сони ошиши билан мегакариоцитар қатор гиперплазияси. Эритро- ва лейкопоз бузилиши анемия авж олганда кузатилади;

— зарурат бўлганда биохимиявий, иммунологик ва инструментал (ЭКГ, рентгеноскопия ва б.) текшириш методлари ўтказилади.

Кечиши ва прогнози. Верльгоф касаллиги кечишида ўткир, хроник (қайталанувчи) формалари ва кечиши айниган формалари фарқ қилинади.

— ўткир формаси аксарият болаларда қайд қилинади, тўсатдан бошланади, 80% ҳолларда олдин инфекция (вируслар) ёки вакцинация бўлиб ўтган бўлади;

— хроник формаси Верльгоф касаллиги белгиларининг ўртacha юзага чиқиши (қон оқиши, тери ва шиллиқ пардаларда геморрагия, анемия) билан ўтади;

— айниган формасида озроқ тромбоцитопения кузатилади, одатда яхши кечади;

— айнигаш формасида, күп қон оқмаганда ва анемия кам бўлганда прогноз, одатда, яхши. Прогноз жараённинг оғир-енгиллигига ва замонавий даво тадбирлари қўрилишига боғлиқ.

Диагностикаси. Диагноз типик анамнез, геморрагик синдром, тромбоцитопения, қон ивндиси ретракцияси бузилиши, қон оқиш давомлилиги узайиши, антитромбоцитар антителолар борлигига боғлиқ. Верльгоф касаллигини ГД нинг бошқа формалари, гипо-анастатик анемия, гемобластоз ва бошқа касалликлардан ажратиш лозим.

Геморрагик васкулит (Шенлейн—Генох касаллиги)

Геморрагик васкулит (ГВ) геморрагик диатезлар групласига киради, майдада томирлар заарланиши, улар ўтказувчалигининг ошиши билан ўтади, тери ва шиллиқ пардаларда тошмалар пайдо бўлади, аксарият эса жараёнга бўгимлар ва қатор ички органлар қўшилади.

Уни 1841 йилда Шенлейн, кейинроқ Генох нозологик форма сифатида тасвирилашган.

Этиологияси ва патогенези:

— геморрагик васкулит аутоагрессив (иммуналлертик) касалликлар групласига киради;

— Шенлейн—Генох касаллигига турли патоген омиллар (инфекция, интоксикация, дорилар, инвазия, совуқ ва б.) таъсири остида пайдо бўладиган носпецифик гиперергик томир реакцияси сифатида қаралади;

— томирларнинг гиперергик реакцияси томир девори ўтказувчалиги ошишига, плазма ва эритроцитларнинг атроф тўқимага ўтишига, бу эса шиш, геморрагия авж олишига олиб келади;

— макроорганизм ҳолати, қўшимча омиллар (ташқи муҳит, экологик вазият) аҳамияти катта.

Клиникаси. Клиникаси ғоят турли-туман (оз, юзага чиққан) ва жараённинг клиник формаларига ва оғир-енгиллигига боғлиқ.

I. Субъектив маълумотлар: тананинг турли қисмларида тошмалар пайдо бўлиб, улар қичишиш, баъзан оғриқ беради; қон оқиши, аксари бўгимларда оғриқ; қоринда оғриқ; тана ҳарорати кўтарилиши; сийдик ранги ўзариши (буйрак заарланиши); беҳоллик.

II. Бемор шикоятлари ва анамнезининг тегишлича, илмий асосланган анализи.

III. Объектив маълумотлар: касалликнинг клиник формаларига кўра. Касалликнинг 4 клиник формаси: оддий, бўгим (ревматоид); абдоминал ва яшин тезлигисимон формаси бор.

1. Оддий (тери) формаси тананинг симметрик қисмларида (оёқ-қўл, думбалар, гавда), шиллиқ пардаларида, одатда, ўлчами майдамайда геморрагик тошмалар пайдо бўлиши билан ўтади, тошмалар эритематоз, папулали ва уртикар бўлади. Улар кўпинча оғрийди ва қичишиади, Квинке тиши бўйича шиш (юзда, жинсий органларда) келади.

2. Бўгим (ревматоид) формаси ревматик ёки ревматоид артрит

(шиши, оғриқ, ҳаракат чекланиши, маҳаллий ҳарорат, күчиб юриши) симптомларини эслатади, бироқ бу ҳолда бўғим синдроми Верльгоф касаллигига хос бошқа белгилар (тошмалар) билан ўтади.

3. Абдоминал формаси ичак деворига қон қўйилиши, субсероз ҳават ва ичак тутқичда геморрагиялар бўлиши билан боғлиқ. Улар кўпинча болаларда кузатилади ва қоринда оғриқ, қусиши (қон аралаш), ахлатда малина ёки қирмизи рангли қон пайдо бўлиши, қабзият, гипертермия, лейкоцитоз билан ўтади. Бу формасида буйрак зарарланиши эҳтимол.

4. Яшин тезлигидаги формаси оғир кечади, аксарият касалликнинг бошқа формалари (бўғим, оддий, абдоминал) билан бирга учрайди, тошмалар, некрозлар ва яралар ҳосил қиласди, буйрак зарарланади.

IV. Лабораторияда текшириш методлари маълумотлари:

— цериферик қон: енгил, хавфсиз кечганда ўзгаришлар бўлмаслиги мумкин, оғир ҳолларда — анемия, лейкоцитоз чапга силжиши билан, СОЭ тезлашуви; тромбоцитлар миқдори нормага мос; ивици ретракцияси бузилмаган; қон ивиши ва қон оқиши давомлилиги нормал. Чимчилаш ва жгут симптомлари манғий.

— биохимиявий ва бошқа текширишлар; ўзгаришларсиз, баъзан жараён характеристига кўра мусбат, С-реактив оқсили; айланиб юрган иммун комплекслар миқдори ошган; диспротеинемия;

— асоратлар, геморрагик нефрит, буйрак етишмовчилиги ва қўшилиб келадиган касалликлар бўлганда бошқа ўзгаришлар ҳам аниқланади.

Кечиши ва ирогнози. Шенлейн—Генох касаллиги кечишида бир неча вариантларни фарқ қилиш мумкин:

— яшин тезлигидаги вариант оғир кечади, бемор бир неча соат ёки 2—3 кун ичida кўп қон кетиши ёки асоратлардан нобуд бўлади;

— ўткир вариантлари бир неча ҳафтадан бир неча ойтагача чўзилади.

— сурункали ёки доимо қайталанувчан вариантлари кўп ойлар ёки йилларгача давом қиласди;

— қайталанувчи хилий давомли тўлиқ ремиссия билан ўтади.

Прогнози кечиш вариантларига боғлиқ: абдоминал, айниқса яшин тезлиги формаларида, оғир постгеморрагик анемияда, буйрак зарарланганда ёмонлашади; бироқ кўп ҳолларда прогнози яхши.

Диагностикаси. Анамнези, геморрагик синдром ва касалликнинг бошқа белгилари ҳисобга олинади. Геморрагик васскулитни қорин бўшлиги органларининг хирургик касалликлари, буйрак, бўғим касаллиги, геморрагик диатезнинг бошқа формаларидан фарқ қилиш керак (26-жадвал).

Геморрагик диатезларни даволаш. Геморрагик диатезларга патогенези, нозологик формалари, жараённинг оғир-енгиллиги, асоратларини ҳисобга олган ҳолда дифференциал даво қилинади.

I. Гемофиляларни даволаш:

— гемотерапия; янги қон ва плазма қўйиш; антигемофиил плазма, криопреципитат (плазмадан ажратиб олинган оқсили концентра-

Геморрагик диатез асосий формаларининг дифференциал-диагностика тафсилатлари

Нозологик формалари	Ирсият	Геморрагиллар таърифи	Кон оқиши вақти	Ивиш вақти	Тромбоцитлар миқдори	«Жгут», «чимчилаш» симптоми
Тромбоцитопеник пурпурা	Бўлмайди	Петехия, бурун, бачадондан қон кетиши	Узайган	Нафас	Пасайган	Мусбат
Гемофилия	Бўлади	Катта гематома, гемартрозлар	Норма	Узайган	Норма	Манфий
Геморрагик васскулит	Бўлмайди	Буйракдан қон оқиши, петехиялар	Норма	Норма	Норма	Доимий эмас

ти, унда фибрин, VIII ва IX омиллар кўн бўлади) суткасига 20—40 ТВ/кг венага; VIII, IX, X омиллар концентрати; антигемофил глобулин юбориш;

— айрим ҳолларда глюокортикоидлар; преднизолон (предниizon ва б.) 20—30 мг дан (дозаси шасайтириб борилади);

— кўрсатмалар бўлганда рентгенотерапия: иммунобилизация, бўғим бўшлиғида қон аспирацияси ва гидрокортизон юбориш, маҳаллий — тромбин билан фибринли губка, илон заҳари препаратлари;

— симптоматик терапия: гемостатик, антианемик, оғриқ қолдурувчи воситалар.

II. Верльгоф касаллигига даво қилиш:

1. Силенэктомия (узоқ кечгаnda, оғир анемия, суюк кўмигида гипорегенерация белгилари бўлганда);

2. Консерватив даволаш (хроник, айнигани формаларида):

— стероид гормонлар қўлланиш: преднизолон ёки предниizon (кагта доза — 50—100 мг дан бошланади), кейинчалик дозаси камайтирилади. Гормон билан давомли даво қилиш, айниқса касалликнинг иммун формаларида узоқ вақтгача ремиссия беради ёки тўлиқ согайишга олиб келади;

— гемотерапия кенг қўлланилади (янги қон, эритроцитлар ва айниқса тромбоцит масса қўйиш), гемостатик ва томир мустаҳкамловчи воситалар аскорбин кислота, кальций хлорид, рутин, витамин К, лагохилус), кўрсатмалар бўйича (антианемик, умуман қувватлантирувчи, маҳаллий — тромбиопли тампонлар, қуруқ тромбин ва гемостатик булутча);

III. Геморрагик васскулит (Шенлейн—Генох касаллиги) га даво қилиши.

I. Патогенетик терапия:

— глюокортикоидлар: преднизолон, предниizon, гидрокортизон ва бошқалар;

— гепарин 300—400 ТБ/кг мушакка ёки тери остига; плазма-фрез;

— яллигланишга қарши, анальгетик препаратлар (натрий салицилат, пирамидон, бутадион, бруфен), айрим ҳолларда — антибиотиклар;

— томир деворини мустаҳкамлайдиган препаратлар: кальций хлорид (10% ли эритмаси 5—10 мл дан венага ёки 1 ош қошиқдан ичиш учун; рутин; аскорбин кислота (0,3 × кунига 3 марта — ичиш учун ёки 2—6 мл дан 5% ли эритмаси венага, мушакларга).

2. Кўрсатмалар бўйича: гемостатик, антианемик (темир, фолат кислота препаратлари, қон қўйиш), умум мустаҳкамлайдиган (витамин билан даволаш), седатив ва бошқа даво воситалари.

IV. Геморрагик диатезларда диспансер кузатуви стационарда бошланган давони охирига етказиши учун зарур, умуман бемор ахволи устидан, хусусан лаборатория кўрсаткичларининг ўзгариши устидан кузатиш; давомли ремиссияни қувватлаб туриш; касалхонага жойлаштириш масаласини ҳал қилиш; асоратларнинг олдини олиш.

Контрол саволлар

1. Геморрагик диатезлар этиологияси ва патогенезининг замонавий масалалари.
2. Геморрагик диатезларнинг ҳозирги классификацияси.
3. Қон оқувчанликпинг асосий типлари, уларнинг клиник аҳамияти.
4. Гемофилиялар клиникаси, диагностикаси, мезонлари.
5. Верълоғоф касаллиги клиникаси, диагностикаси.
6. Шенлейн—Генох касаллигининг асосий клиник, лаборатория ва бошқа кўрсаткичлари.
7. Геморрагик диатезларнинг дифференциал диагностик принциплари.
8. Этиопатогенетик, симптоматик терапияси принциплари.
9. Прогнози. Диспансер кузатувининг аҳамияти.

ГЕМОБЛАСТОЗЛАР (ЛЕЙКОЗЛАР)

Таърифи. Лейкоз — хавфли систем қон касаллиги бўлиб, қон яратилиш органларида авж олиб борадиган ҳужайра гиперплазияси, пролифератив жараёнларнинг қон ҳужайраларининг нормал дифференциацияси жараёнларидан устун келиши билан таърифланади. Лейкоз қон яратилишининг дастлабки ҳужайраларидан ривожланадиган патологик элементларнинг метапластик ўсиб қалинлашуви, уларнинг бу касалликнинг у ёки бу типи морфологик моҳиятини ташкил қиласидиган ҳужайраларга айланishi билан ўтади.

Илгари ишлатилиб келинган «лейкемия» термини жараён моҳиятини очиб беролмайди, периферик қон ҳолатинигина акс эттиради, холос. «Лейкоз» термини қон яратилиш органларининг оқ қон патологик элементларини ишлаб чиқарадиган систем заарланиши

сифатидаги лейкемик жараённи таърифлайди. Ҳозирги вақтда қон яратадиган тўқима (қон системаси) нинг ҳамма ўсма касалликлари гемобластозлар дейилади.

Табиати, патологик жараённинг қаерда жойлашувига кўра уларни ишқи гурухга бўлинади:

— лейкозлар — гемобластозлар, буларда мия ўсма ҳужайралари билан тўлиб тошган бўлади (суяк кўмигининг систем хавфли заарланиши);

— гемосаркомалар («хавфли лимфомалар» ёки «лимфоретикуляр ўсмалар») — гемобластозлар, буларда регионар заарланиш бўлади, ўсмалар қон яратилиш ҳужайраларидаш найдо бўлади ва бласт ҳужайраларнинг ўсиб қалилашуви рўй беради.

Лейкозлар ва гематосаркомалар ҳужайраларнинг ўзаро гистогенетик ўхшашлиги билан bogланган, бир-бирига ўтиши ҳам шундап бўлса керак;

— лейкозларда суяк кўмигидан ташқари маҳаллий ўсма қалилашуви пайдо бўлиши мумкин;

— гематосаркомалар диссеминациясида суяк кўмиги заарланиб гематологик лейкоз манзараси пайдо бўлиши мумкин (гематосаркоманинг лейкемияланиши);

Лейкозлар замонавий медицинанинг долзарб, бироқ ҳали узил-кесил ҳал қилинмаган муаммоларидаш биридир.

Халқаро статистика маълумотларига биноан улардан ўлим жаҳоннинг ҳамма мамлакатларida кўпайган ва мутахассислар ҳамда олимларнинг фикрича, лейкоз билан касалланишинг ўсишга мояйллиги бор. Лейкозлардан ўлим аҳоли ўртасида ўлимнинг ҳамма сабабларидан қарийб 1% ни ва хавфли ўсмалардан ўлимнинг қарийб 6% ни, болалар ва ўсмирлик ёшида эса 50% ни ташкил қилади, Гемобластозлар билан касалланиш ўсмаларнинг ҳар хил жойлашуви орасида 6—7-йринли әгаллайди (Файнштейн Ф. Э. ва б., 1980).


Лейкозлар билан касалланишинг ўсиши иопловчи радиация ва турли химиявий моддалар таъсири билан изоҳланади. Касаллик қишлоқ ҳўжалиги районларига нисбатан саноати ривожланган районларда кўпроқ рўйхатга олилади; аёлларга нисбатан эркаклар кўпроқ касалланадилар. Лейкозлар қишлоқ аҳолисига қарагандан шаҳар аҳолиси орасида кўпроқ кузатилади.

Ўткир ва хроник лейкозлар фарқ қилилади. Бундай ажратиш асосида у ёки бу лейкоз субстратини ташкил этадиган ўсма ҳужайраларининг морфологик таърифи ётади. Ўткир лейкозларга асосий субстрати бласт ҳужайралари деган ном олган қон системасининг ўсма касалликлари (гемобластозлар) киради. Хроник лейкозларнинг асосий субстрати морфологик жиҳатдан аниқласа бўладиган ва етилаётган ҳужайралардан иборат.

Ўткир лейкоз миело-, лимфо-, монобласт, промиелоцитар, ўткир эритромиелоз, дифференциацияланмаган ўткир лейкоз кўринишида бўлиши мумкин.

Хроник лейкозлар хроник миелолейкоз, хавфсиз сублейкемик миелоз, эритремия, хроник моноцитар лейкоз, лимфолейкоз, миелом-

жасаллиги, Вальденстрем макроглобулинемияси қабилар күринишида бўлиши мумкин. З-схемада гемобластозларниң замонавий класификацияси келтирилган.



З-схема. Гемобластозлар класификацияси.

Клиник маълумотлар ва назарий билимлар асосида студент қуидагиларни билиши керак:

- 1) патологик жараён характеристини кечиши бўйича (үткір ёки хроник), гемоноэз айрим куртакларининг кўпроқ заарланиши бўйича (миелоид, лимфоид ва ҳ. к.) тахминий аниqlаш; 2) диагностика қилинадиган касалликнинг мураккаблигини ҳисобга олиб бермочи текшириши планини тузиш;
- 3) қуидагилар асосида узил-кесил диагноз қўйиш:
 - нормал гемоноэзни билиш;
 - лейкоз типига кўра касалликнинг симптомлари, синдромлари, диагностик мезонларини билиш ва яхши тасаввур қилиш;
 - лейкознинг кечиши, турига кўра клиник ва гематологик белтилари патогенезини билиш;
 - лейкоз кечиши характеристини, касалликнинг босқичи ва оғир-өтилиллик дара жасини, асоратлар ва қўшилиб келадиган касалликлар борлигини билиш;
 - касалликнинг асосий, етакчи белгилари, периферик қон ва сүяқ кўмигида қон яратилиши кўрсаткичлари бўйича мақсадга мувофиқ дифференциал диагностика ўтказиш;

4) жараёнинг кечиши (ўткир, хроник, ремиссия ёки қўзиши), оғир-енгиллик даражаси, беморнинг умумий аҳволи, бошқа органлар ва системаларнинг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда тегинили даволаш ўтказиш.

Этиологияси ва патогенези. Лейкоз — полизтиологик, бироқ монопатогенетик касаллик. Лейкозлар этиологияси тўғрисидаги масала бир неча тахминлар (назариялар) бўлишига қарамай, ҳанузгача узил-кесил ҳал қилинмай келяпти.

Ўсма келиб чиқиш назарияси — лейкозда қон яратилиши системаси гиперплазияси худди хавфли ўсмаларга хос қонуниятлар бўйича кечади, хусусан: анатомияланган етилмаган қон ва тўқима ҳужайраларнинг типимсиз ва қайтмас пролиферацияси рўй беради, ўринбосар характердаги авж оладиган иффильтрация ривожланади — улар очиқ-ойдин ўсма характеристига эга бўлади, қўшини тўқималар ва органларга ўсиб киради. Бундан ташқари, «метастазланиши феномени» қайд қилинади, цитологик ўзгаришларда ва модда алманинниvida ўхшашлик бўлади. Маълум химиявий, саркомоген ва канцероген моддалар айни вақтда лейкозген таъсирга ҳам эга бўлади. Иккала касалликда бир қанча цитостатик моддалар бир хил терапевтик эфект беради.

Ҳамма гемобластозлар ўсма табиати бўлган касалликлар саналади. Улар қон яратадиган ҳужайранинг соматик мутацияси натижасида пайдо бўлади, у қўпайиб ўзига ўхшаш ҳужайралар наслини, яъни клон ҳосил қиласи, кейинчалик бу клон ҳужайраси бутун қон яратилиши системаси бўйича метастаз беради. Илгари лейкоз жараёни аутохтон, яъни ҳамма жойда ва бир вақтда ривожланади, деб ҳисобланар эди. Клоннинг асосчилари 2- ва 3-сиф ҳужайралари (қон яратилиши схемасидан), яъни миеленоэз ва лимфопоэзининг ўтмишдош-ҳужайралари (2-синф) ҳужайралари ёки камроқ даражада унинотент ўтмишдош-ҳужайра (3-синф ҳужайралари) ҳисобланади. Гемобластлар келиб чиқишида мутациянинг (клон назарияси) аҳамияти шу билан тасдиқланадики, лейкоз ҳужайралар клондан (битта мутацияланган ҳужайра насли) иборат, улар ўзида дастлаб мутацияланган ҳужайрадаги каби ўзгаришларни ташийди.

Қон яратилиши системаси (тўқимаси) нинг заарланиши патология характеристини ва гемобластозларда (лейкозларда) клиник белгилар хусусиятларини белгилайди. Суяк кўмиги ҳужайралари (клони) нинг диффуз ўсиб қалинлашуви нормал қон яратилиши куртакларнинг қисиб чиқарилишига олиб келади, суяк кўмигидан ташқарида ўсма ўсиши эса заарлланган ва унга қўшини органлар функцияси бузилиб, лейкознинг тегишили клиник симптоматикаси ривожланишига сабаб бўлади. Ўсма авж олиб борини феномени деярли ҳамма хавфли ўсмалар учун универсал ҳисобланади — аста-секин хавфли турга ўтади (Воробьев А. И., 1965, 1985):

- ўсма ҳужайралари генетик аппаратида қайтмас ўзгаришлар;
- ўсма ҳужайралари тобора хавфли хоссаларга эга бўлиб боради;

- илгари ўтказилган терапияга рефрактерлик юз беради;
- сүяк күмиги доирасыда ва ундан ташқарыда ўсма тез ўсади;
- гемопоэз нормал куртаклари (қон яратилиши) пасаяди.

Вирус назарияси ҳам бирмунча кенг тарқалган, ҳозирги вақтта желиб экспериментал ҳайвонларда лейкоз манзарасини ҳосил қиласиган вирусларниң күпгина турлари матълум бўлса-да, уларниң насл суриши (лейкозген вируслар) аниқланган бўлса-да, бу назарияниң далиллари ҳозирча тўлиқ тасдиқланмаган. Улар кўп ҳайвон турларида (парранда, сичқон, каламуш, оғмахон, мушук, қорамол, маймун, жумладан приматлар) одамда тасвирлангани каби ҳар хил гемобластоз формаларини келтириб чиқаради. Айрим лейкозген вирусларниң (масалан С типидаги) генетик информацияси кўпгича умуртқалиларниң нормал ҳужайраларида бўлади деб ҳисобланади, бироқ нормал шароитларда уларниң лейкозген хоссаси памоён бўлмайди. Бу онкоген (лейкозген) ёки эндоген (латент) вируслар турли ташқи ва ички омиллар билан активланади, яъни гемобластозлар (лейкозлар) ривожланишига олиб келади. Организмниң вируслага сезувчанилиги иммунологик статусга, генетик ва гормонал омилларга, алмашинув бузилишларига bogлиқ. Латент вирусларниң вертикал ўтиши аниқланган, бироқ улар горизонтал тарқалиши ҳам мумкин.

Эндоген (лейкозген) вируслар мутаген ҳаракатининг активаторлари бўлиб турли хил химиавий (лейкозген, канцероген) моддалар, доривор цитостатик препаратлар, рентген нурлари, ионловчи радиация, триントофан, тирозин метаболитлари ва бошқа омиллар хизмат қилиши мумкин. Одамда лейкоз ривожланишида рентген нурлари, ионловчи радиация ва қатор химиавий (лейкозген) моддаларниң аҳамияти, афтидан, шу билан изоҳланса керак (рентгенолог врачлардаги лейкоз, атом бомбардимонидан кейин Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарлари аҳолиси ўтасидаги лейкоз).

Инфекцион, ирсий, алмашинув, дефицит каби назариялар мавжуд бўлган. Миелолейкоз (хроник) касаллиги билан ионловчи радиация таъсири ўтасида боғланиш аниқланган: бу боғланиш 1945 йилда Хиросима ва Нагасаки шаҳарларида атом бомбардимони фожиавий оқибатларида айниқса аниқ кузатилган; турли касалликлар туфайли рентген нурлари, радийнинг катта дозалари билан даволанган беморлар устидан кўп йиллик кузатувлар натижаси; илк гўдаклик ёшида айрисимон бези нурлатилган болалар, шунингдек ҳомиладорлиги даврида абдоминал нурлатилган (диагностика мақсадида) оналари орасида лейкозлар (лимфомалар) кўп учраши шуни тасдиқлайди. Ионловчи радиация асосан ўткир лейкозлар, хроник миелоид лейкоз (камдан-кам — лимфома) келтириб чиқаради.

Химиавий моддалар ва доривор цитостатик препаратлар муайян аҳамиятга эга — бензол, учувчан органик эритувчилар билан узоқ вақт иш кўрадиган кишилар (шоферлар, пойабзал, кўн саноати ходимлари) орасида, шунингдек бутадион, левомицетин, гутандоин, мелфалан, азотиоприн, лейкоран, метотрексат, циклофосфан, миеле-

раи ва бошқа цитостатик иреинаратлар узоқ вақт қўлланилган одамлар орасида лейкоз билан касалланиш хавфи юқори бўлиши аниқланган. Кўпинча улар ўткир лейкоз қўзгатади, ревматик артрит, Вегенер касаллиги билан касалланган беморлар цитостатик препаратлар билан даво ҳилингандан лейкоз уларда иккиси чи касаллик сифатида ривожланган ҳоллар тасвириланган. Ионловчи рациация (ва рентген шурлари) ҳам, химиявий моддалар ҳам латент лейкозген вирусларни активлантиради.

Хозирги вақтда (экспериментда) триптофан ва тирозин қатор метаболитларининг юксак бластомоген (лейкозоген) хоссалари исботланган. Ароматик аминокислоталар алмашинувининг айниши натижасида организмда уларнинг ҳосил бўлиши ва йигилиши мумкинлиги апиқланган. Бу эндоген лейкозоген моддалар хромосом мутацияларни ўзига жалб қилиш, иммун депрессив таъсир кўрсатиш, лейкогенезни рағбатластириши хусусиятига эга, яъни улар шунингдек лейкозоген вирусларнинг активаторлари ҳисобланади.

Лейкозлар ривожланишида генетик омилларининг аҳамияти тўғрисидаги маълумотлар оиласи лейкозлар деб аталган лейкозлар, қариидощлар (лейкоз билан касалланган одамлар), эгизаклар ўтрасида, турли хромосом аномалиялар билан таърифланадиган ирсий касалниклари бўлган шахслар ўтрасида ўрганишга асосланади.

Оиласи лейкозининг тахминан 60% ҳолларида касаллик бир авлодда, тахминан 40% да 2—3 авлодда пайдо бўлган, жаҳон адабиётларида эса айрим оиласарнинг 4—5 аъзосида лейкоз ва лимфомаларниң ҳар хил турлари тасвириланган.

Лейкозлар пайдо бўлишида генетик омиллариниг бирмунча аҳамиятга эгалиги эгизакларда, айниқса мопозигот эгизакларда аниқланган. Бу туғма тромосома аномалиялар фонида, яъни Даун касаллиги, Блюм, Фанкоши, Клайнфельтер синдромлари бўлган шахсларда бирмунча яққол кўринади. Бирламчи иммунологик етишмовчилик бўлган шахсларда хавфли ўсмалар ва гемобластозлар иммунитети нормал шахсларга қараганда кўпроқ учрайди. Иммун депрессант ёки нур терапияси натижасида иммунитетнинг ортирилган шуқсонлиги ҳам хавфли ўсмалар ва гемобластозлар (лейкозлар) ривожланиши учун қулай фон ҳисобланади.

Патогенетик жиҳатдан лейкоз асосида қўйидагилар ётади:

- авж олиб борадиган, тинимсиз гиперплазия;
- ҳамма органлар ва тўқималарда патологик экстрамедуляр қон яратиши ўчоқларининг ҳосил бўлиши;
- пролифератив жараёнларнинг хужайраннинг нормал дифференциацияси жараёнларидан устунлиги;
- лейкемик инфильтрация натижасида қатор органлар ва системалар томонидан органик ва функционал ўзгаришлар рўй берини;
- модда алмашинувининг чуқур бузилишлари.

Патологик анатомияси

1. Ўткир лейкоз учун хос ўзгаришлар:

- суюк кўмиги тиниқ, тўқ қизил рапгли, лейкознинг муайян

формасига мувоғиқ келадиган етилмаган ҳужайралар ва бошқа элементлардан ташқил тоғган;

— касаллик формасига болғыл ҳолда лейкемик инфильтрация, гиперплазия ва метаплазия; паренхиматоз органларга қон қўйилиши, дистрофия ва дегенератив ўзгаришлар;

— милк, бодомча безлар, ичаклардаги ярати-некротик ва гангреноз жараёнлар (септиқ холат).

2. Хроник миелоид лейкозга хос ўзгаришлар:

— суюк кўмиги тўқ-қизил, кулранг-қизил рангда, баъзан қўқимтири тусли;

— талоқнинг 8—10 кг гача кескин катталашуви;

— капсуласи қалинлашган, чаандиқли ботиқлари, битинималари бор, жигар ҳам катталашган;

— меъда-ичак йўллари бўйлаб, буйрак, ўшка, моякларда миелоид инфильтрация;

— микроскопик текширишда: суюк кўмигида миелобластлар, промиелоцитлар, миелоцитлар қўплиги аниқланади.

3. Хроник лимфолейкозга хос ўзгаришлар:

— ташқи ва ички лимфатик тугунлар ўйчами ва инфильтрациясининг систем катталашуви, жигар ва талоқ катталашуви доимий эмас;

— суюк кўмигининг умумий лимфоид метаплазияси, турли органдар ва системаларнинг лимфоид инфильтрацияси, қўзишида (кризда) уларнинг лейкемик инфильтрацияси.

ЎТКИР ЛЕЙКОЗЛАР

Ўткир лейкоз асосан нағирирои ёнда учрайди. Оғир кечиш, темоноэзининг нисбатан тез ва чуқур бузилиши ва летал натижга билан тугаши бўйича фарқ қиласди. Бу ҳамма лейкозлар ўртасида энг кўн учрайдиган (қарийб 30 %) формасидир.

Клиник манзараси

I. Субъектив маълумотлар, Шикоятлари:

— юқори температура, баъзан 39—40°C га етади (қўзиши вақтида), аксарият субфебрил, ремиссия даврида — нормал;

— эт жунжикини, совқотиши (суткасига бир неча марта);

— кескин беҳоллик, теъз чарчани, терлами — температура пасайданда;

— иш қобилияти пасайдини — беморлар ногиронлик тоифасига ўтказилади;

— қон оқиши: бурундан, милждан, меъда-ичакдан, бачадондан каби;

— баданга тошмалар тошиши, геморрагия ҳодисалари, «моматалоқлар» борлиги;

— бўйимлар, суюклардаги оғриқлар (гемартрозлар);

— томоқда оғриқ, бош оғриши, бош айланиши;

— хотира, кўз, эпитетивнинг ёмонлашиши;

— у ёки бу системанинг касаллиги учун хос шикоятлар (турли органларда лейкемик инфильтратлар борлигига кўра);

II. Субъектив маълумотлар анализи.

III. Объектив маълумотлар:

1. Умумий кўздан кечириш:

- умумий ахвол кўпчилик ҳолларда оғир ёки ўртacha оғирликда;
- семиз-ориқлик, гавда тузилиши — нормал, ориқлаган, терминал даврларда қоқ суюк бўлиб ориқлаган;
- тери қопламлари ранглар, геморрагик тошмалар, катта қон қўйилшилар борлиги (айниқса инъекциялар ва майда шикастлардаз кейин);
- милж қонаши, бурун қонаши, бачадон, ичакдан қон кетиши ва бошқа қон кетишлилар (улар кўздан кечирганда кўринади ёки беморлар улардан шикоят қиласидилар);
- периферик лимфатик тугунлар — ўмров усти ва ости, қўлтиқ, чов лимфа тугунлари катталашуви (лимфоденоцатия) кузатилади, эдатда улар зич консистенцияли, оғримайди (улар кўшинча кўринмайди, аксарият пальпатор аниқланади);
- ярали-некротик ангина, гингивит, стоматит ҳодисалари.

2. Органлар ва системалар бўйича кўздан кечириш. Ички органлар ва системалар томонидан патологик силжишилар уларда лейкемик инфильтратлар бўлиши, лейкозоген интоксикация даражаси, касаллик фазаси (кўзиш ёки ремиссия) ва клиник формаларига (миеобласт, лимфобласт, монобласт) бөглиқ;

- ўртacha гепатомегалия ва спленомегалия;
- меъда ва ичак заарланиши симптомлари (диспентик ҳодисалар, ноаниқ оғриқлар), улар асосий касалликка ва ўтқир лейкозиниң асоратларига бөглиқ;

— юрак-томирлар системаси: гипотензия, тахикардия, тонлар бўғиқлиги, систолик шовқин (кўшинча юрак учida), улар анемия даражасига ва лейкемик инфильтратлар борлигига бөглиқ;

— ўзка-зотилжам, тегишли симптоматикаси бўлган геморрагик плеврит ҳодисалари (аксарият ўпкада лейкемик инфильтратлар борлати);

— бронхонульмонал лимфатик тугунларнинг катталашиш белтилари — йўтал бўғиқлиш сезгиси, кўкс оралиғи органларнинг босилиш симптомлари — касаллик қўзиган даврда, лейкемик инфильтратлар бўлганда;

— эшитув перви соҳасида (кар бўлиб қолиши эҳтимол), кўз тўрсимов шардаси (кўрлик), буйракларда (гематурия) лейкемик инфильтрация;

— перв системаси — нейролейкемия, ҳар хил фалажлик ва парезлар, кўшинча улар ўтқир лейкозларнинг бошқа симптоматологиясидан илгари юзага чиқади.

IV. Лаборатория текшируви маълумотлари:

- периферик қонни текшириш: гипер- ёки гипохром анемия белгилари (эритроцитлар, гемоглобин миқдори камайиши, пойкилоцитоз, апизоцитоз), тромбоцитонения, лейкоцитлар миқдори ошиши ($100,0-300,0 \cdot 10^9/\text{л}$) формасига (лейкомик, суб- ва алейкемик кечиш варианtlари) бөглиқ, ретикулоцитоз (ёки норма);

— етилмаган — асосчи (ўткир лейкоз формаларига борлик ҳолда миелобластлар, лимфобластлар, монобластлар ёки бундан ҳам ўшроқ формалари) ва энг етилган ҳужайралар (таёқча ядроли, сегмент ядроли) борлиги, оралиқ ҳужайралар йўқ — лейкемик очилиб қолиш (*hiatus leucaemicus*). Бу ўткир лейкоз учун патогномик белги;

— суюк кўмиги пунктатини текшириш: бласт ҳужайралар устунлик қиласиди. Бласт ҳужайралар ва етилган элементлар ўртасидаги тафовут хос, яъни бласт ҳужайралар сони кескин ортади.

Ўткир лейкоз босқичининг қисқача таърифи. Ўткир лейкоз кечишида бир неча босқичлар ажратилади:

— бошлангич — симптоматикиси кам, шикоятлар моҳияти умумий, кўпинча ретроспектив, номаълум анемияли беморларда кейинчалик ўткир лейкоз манзараси ривожланганда периферик қонни текшириб аниқлашади;

— ривожланган босқич — касалликнинг асосий клиник ва лаборатория белгилари (асоратлари) юзага чиққан;

— ремиссиялар: тўлиқ (касаллик клиникаси деярли юзага чиқмайди, суюк кўмигида бласт ҳужайралар миқдори улар периферик қонда бўлмагани ҳолда 5 % дан ошмайди, периферик қон эса нормага яқин) ва иотўлиқ (клиник ва гематологик яхшиланиш бўлгани ҳолда суюк кўмигида бласт ҳужайралар миқдори оштан бўйлиб қолади);

— касаллик қайталаниши — ўткир лейкоз ҳамма асосий клиник ва гематологик белгиларининг тўлиқ қайта пайдо бўлиши. Касаллик прогнози ҳар бир қайталанишдан кейин ёмонлашади, асоратлар миқдори кўпаяди;

— терминал — бемор ахволининг тобора ёмонлашиб бориши, озиб кетиши, ўтказилаётган терапиянинг наф бермаслиги, гемопоэзиянинг жуда пасайиб кетиши, ярали-некротик ва септический жараёнлар.

Айрим синдромларининг устунлигига кўра ўткир лейкознинг қўйидаги вариантлари фарқ қилилади: анемик, геморрагик, ўсмасимон, ривожланган (типик);

Ўткир лейкознинг ривожланган босқичи қатор симптомлар (синдромлар) комплекси борлиги билал характерланади: анемик, геморрагик, инфекцион (эт жунжикиши, юқори ҳарорат, илтоксикация), ярали-некротик (септический ҳолат, гранулоцитопения, фагоцитоз пасайиши, антителолар ҳосил бўлиши бузилиши), босқича органларда лейкемик инфильтрация белгилари (суюк кўмигидан ташқарида жойлашиш).

Ўткир лейкозларда клиник белгиларнинг юзага чиққанлиги ва уларнинг турли-туманлиги касалликнинг морфологик формаларига борлиқ;

— миелобласт формаси — ўткир бошланниши, клиник симптомларнинг тез ривожланниши, қон оқувчаплик ва анемия, тромбоцитопения, юқори иситма, шиллиқ пардаларнинг ярали-некротик заарланиши (офиз бўшлиғи, ҳалқум, кўзилўнгач, ичак шиллиқ пардаси), септицемия ривожланниши ва умумий илтоксикация;

— лимфобласт — кечиши унчалик жадал әмас: касаллик бошида лимфатик түгүнлар, жигар, талоқ катталашади, бошқа клиник симптомлар бўлмайди ёки кучсиз ифодаланган;

— миелобласт ва монобласт формаси — рўй-рост интоксикация, ярали-некротик жараёнлар. Миелобласт формадан деярли фарқ қўймайди;

— промиелоцитар формаси — рўй-рост геморрагик, ярали-некротик синдромлар ва оғир интоксикация билан кечади;

— ўткир эритромиелоз — суюк кўмиги эритробластози, нормо-ёки гиперхром камқонлик, лейко- ва тромбоцитопения, склерва тери қонламлари иктериклиги (эритроцитлар емирилиши), периферик лимфатик тугуллар, жигар ва талоқ эса катталашмага;

— ўткир плазмобласт формаси — суюк кўмигида ва периферик қонда плазмобластлар ва плазмоцитлар, парапротеин борлиги билан характерланади;

— ўткир мегакариобласт — мегакариобластлар топилади ва гипертромбоцитоз кузатилади.

Ўткир лейкозни даволашда замонавий цитостатик препаратлар қўлланилиши туфайли илгари бу касалликка хос бўлмаган янги симптомлар (ёки асоратлар) — клиник патоморфоз пайдо бўлди: қон яратилиш гипоплазияси, юқумли касалликлар, нерв системаси, жигар, меъда-ичак йўли, юрак, буйраклар ва бошқа органлар ва системалар зарарланиши;

Прогнози ёмон. Беморлар бир неча ойдан 1—2 йилгача (ҳозирги вақтда кўпроқ) яшайдилар. Ўлим қахексия, қон оқиши, инфекция қўшилиб келиши, лейкозген интоксикация, нейролейкемиядан юз беради.

Ўткир лейкозни даволаш қасаллиknинг формаси ва босқичига, кечишининг оғир-енгиллигига кўра ўтказилиши керак.

Асосий вазифалар — бласт (лейкемик) ҳужайраларни йўқотиш йўли билан давомли ремиссия ҳосил қилиш, қайталанишнинг олдини олиш (қувватлайдиган терапия тайинлаш), лейкемик жараённи тўхтатиб туриш ва bemor умрини узайтиришга ҳаракат қилиш:

— зарурат бўлганда bemорларни касалхонага жойлаштириш;

— касалхона режимига амал қилиш (парҳез, жисмоний ва психик осойишталик);

— гемотерапевтик воситалар: қон, эритроцитар масса қўйиш, кальций хлорид, кальций глюконат, витамин Р, С, рутин, тромбоцит масса юбориш ва ҳ. к.;

— иккиласмчи инфекцияга қарши курапш: антибиотиклар ва сульфаниламид препаратлар;

— гормонал терапия, — кортизон, преднизон, преднизолон ремиссия ҳосил қилиш учун етарли дозаларда.

Ўткир лейкозларни даволашнинг асосий методларидан бири химиотерапия ҳисобланади. Янги (кучли) цитостатик препаратлардан фойдаланиши туфайли муайян ютуқлар йўлга киритилди. Химиявий препаратлар ўткир лейкозларнинг морфологик формалари, қасаллиknинг босқичи ва кечишига кўра индивидуал қўлланилади.

Лейкозларни даволаш тактикаси ўзгаради,— лейкоз ҳужайраларининг ўсишини ва қўпайипини тўхтатиш тактикасидан уларни йўқотиш тактикасига ўтилди. Шу туфайли ўткир лейкозга учраган беморларнинг умр кўриши икки баравардан кўпроқда оиди.

Ўткир лейкозларнинг замонавий цитостатик терапиясига жараён кечишининг ҳамма босқичларида даволашни интенсификация қилиш, лейкозга қарпи воситалардан қўшиб фойдаланиш, зарбали циклик қўлланиши асос қилиб олинган. Лейкоз ҳужайраларини тўлиқ йўқотишга таъсир йўналиши ҳар хил препаратларни ўз ичига олган даво курслари қўлланиш йўли билан эришилади: полихимиотерапия методи шулар жумласига киради, унинг ёрдамида бирламчи резистентликни ҳам, даволаш программасига кирадиган препараторлардан бирига ривожланган иккимачи резистентликни ҳам енгиз мумкин. Лейкозга қарпи воситаларни зарбали цикл билан ишлатиш уларни ҳар куни ўртacha дозаларда қўлланишдан устунлик қиласди.

Замонавий лейкозга қарпи химиавий препаратлар лейкоз ҳужайраларига таъсири бўйича ва ҳужайра бўлинининг турли фазаларига уларнинг таъсирига кўра уч гурухга бўлинади:

- ҳужайраларни тез ҳалок этадиган фазоспецифик бирикмалар (цитозинарабинозид, гидрооксимочевина);
- ҳужайраларга бирмунча секкин таъсир этадиган фазоспецифик бирикмалар (метатрексат, 6-меркаптурин, 5-фторурацил);
- бўлинининг ҳамма босқичларида ҳужайраларни йўқотадиган фазовоноспецифик бирикмалар (циклофосфамид, дауномицин ва б.).

Таркибидаги препаратларнинг дастлабки ҳарфлари бўйича номланган турли даволаш программалари муайян интервалларда айрим курслар билан қўлланилади.

Терапиянинг 2—3-курси наф берганда тўлиқ клиник-гематологик ремиссия — ремиссия «индукияси» ривожланилини юз беради. Эришилган терапевтик нафни мустаҳкамлайдиган кейинги курс «консолидация» терапияси дейилиб, поликлиника шароитида рўёбга чиқарилиши мумкин. Даволашнинг 2- ва айнича 3-курслари ремиссия индукияси билан ўтмайдиган ҳолларда бу даволаш схемасига (программасига) резистентлик борлиги ҳақида фикр юритилиди ва бошқасидан фойдаланишга ўтилади.

Ўткир лейкозларнинг лимфоид ва тафовут қилинмаган формаларини даволашда қўйидаги схемалар қўлланилади:

ВАМП (10 кун)

Винкристин 2 mg/m^2 дан венага — курснинг 2- ва 9-кунлари;

Аметоптерин (метотрексат) 20 mg/m^2 дан мушаклар орасига ёки венага — курснинг 1-, 5-, 9-кунлари;

6-меркаптурин 60 mg/m^2 дан ичишга — ҳар куни;

Преднизолон 40 mg/m^2 дан ичишга — ҳар куни.

ЦАМП (10 кун)

Циклофосфан $200—250 \text{ mg/m}^2$ дан венага — ҳар куни;

Аметоптерин 20 mg/m^2 дан венага ёки мушаклар орасига — курснинг 1-, 5-, 9-кунлари;

6-меркаптурин 60 mg/m^2 дан ичишга — ҳар куни;

**Преднизолон 40 мг/м² дан ичишга — ҳар куни.
ЦВАМП (10 кун).**

Циклофосфан 150—200 мг/м² дан венага — курснинг 2-, 4-, 6-, 8-, 10- кунлари;

Винкристин 2 мг/м² дан венага — курснинг 2-, 9- кунлари;

Аметроптерин 20 мг/м² дан венага — курснинг 1-, 5-, 9- кунлари;

6-меркаптотурин 60 мг/м² дан ичишга — ҳар куни;

Преднизолон 40 мг/м² дан ичишга — ҳар куни.

ЦЛАМП (10 кун)

Циклофосфан 200—250 мг/м² дан венага — курснинг 1-, 3-, 5-, 7-, 9- кунлари;

L-аспарагиназа 900—1200 ХБ дан венага — ҳар куни. Аметоптерин 20 мг/м² дан венага ёки мушаклар орасига — курснинг 2-, 5-, 9- кунлари;

6-меркаптотурин 60 мг/м² дан ичишга — ҳар куни;

Преднизолон 40 мг/м² дан ичишга — ҳар куни.

L-аспарагиназа, муринетол, преднизолондан ташкил топган схемалар ҳам мавжуд (курс — 14 кун).

Үткір лейкозларниң миелоид формаларига даво қилишда қуйидаги схемалар қўлланилади.

АВАМП (10 кун)

Алексан (цитозар) 30 мг/м² дан венага аста-секин курснинг 1-, 8- кунлари;

Винкристин 2 мг/м² дан венага — курснинг 3-, 10- кунлари;

Аметоптерин 20 мг/м² дан венага ёки мушаклар орасига — курснинг 2-, 5-, 9- кунлари;

6-меркаптотурин 60 мг/м² дан ичишга — ҳар куни;

Преднизолон 40 мг/м² дан ичишга — ҳар куни.

ОДР (10 кун)

Онковин (винкристин) 2 мг/м² дан венага — курснинг 1- куни;

Алексан (цитозар) 100 мг/м² дан венага узлуксиз томчилаб — ҳар куни;

Преднизолон 100 мг/м² дан ичишга — курснинг 1—5-куни.

СОАР (4 кун)

Циклофосфан 50 мг/м² дан венага ҳар 8 соатда — курснинг 1—4- куни;

Онковин (винкристин) 2 мг/м² дан венага — курснинг 1- куни;

Алексан (цитозар) 50 мг/м² дан венага ҳар 8 соатда — курснинг 1—4- куни;

Преднизолон 60 мг/м² дан ичишга — ҳар куни.

РОМР (5 кун)

Пуринетол 500 мг/м² дан венага — ҳар куни;

Онковин (винкристин) 2 мг/м² дан венага — курснинг 1- куни.

Метотрексат 7,5 мг/м² дан венага — ҳар куни;

Преднизолон 200 мг/м² дан ичишга — ҳар куни.

Карминоцин, пуринетол ва преднизолондан (5 кун); карминоцип, алексан ва преднизолондан (5 кун): тиогуанин, александан (10 кун); тиогуанин, рубомицин, алексан ва преднизолондан иборат (5 кун) схемалар ҳам мавжуд.

Нейролейкоз клиник белгилари ривожланганда (клиник патоморфоз турларидан бири) даволаш метотрексат ва цитозарни (25 мг/м²) ҳар 3—4 кунда интратекал (ликворга) юбориб ўтказилади, даволаш курси 5—7 марта юборишдан иборат. Преднизолон (ёки гидрокортизон) ҳам қўшилади.

Даволаш комплексига иммун терапиянинг ҳар хил методлари киритилади:

—пассив метод — иммунологик ҳимоянинг тайёр элементлари (лейкоз ҳужайраларига антителолар сақлаган плазма ёки зардоб),

сўнгти вақтда эса асли лейкоз ҳужайраларига ионцитотоксик анти-телолар аниқланадиган аутологик зардоб фракцияси юборилади;

— адаптив метод — иммун компетент лимфоцитлар ёки сүяк кўмиги ҳужайралари юборилади;

— актив метод — антигенлар юборилади;

— специфик, носпецифик ва аралаш иммун терапия.

Даволаш тадбирлари комплексига касалликнинг турли асоратларини (абсцесс, оёқ гангренаси, талоқ некрози, некротик аппендицит) хирургик даволаш, геморрагик ҳодисалар, ўчоқли инфекция, юрак ва томирлар етишмовчилиги, интоксикация, аллергия ва бошқалар билан кураш киради.

Доимий диспансер кузатуви.

Даволаш самарадорлиги мезонлари: тўлиқ, потёлиқ ремиссия, резистентлик, согайини.

ХРОНИК ЛЕЙКОЗЛАР. ХРОНИК МИЕЛОИД ЛЕЙКОЗ

Хроник миелоид лейкоз (миелолейкоз, миелоз) қон системаси-нинг хавфли касалликлари (гемобластозлар) орасида бешинчи ўринни — ҳамма ҳолларининг 8,9 % ини, касалланиши эса 100 000 аҳолига 1,0—1,7 ни ташкил этади (Хохлова М. П., 1978). Болалик ва ўсмирилик ёшида нисбатан кам (3,2%) учрайди, иккала живсга мансуб шахслар бир хил касалланадилар. Унинг патогенези асосини асосан етилмаган гранулоцитлар ҳисобига миелоид сүяк кўмиги гиперплазияси ва ички органлар ҳамда бошқа системаларнинг миелоид метаплазияси ташкил этади.

Клиник манзараси. Касалликнинг клиник ва гематологик белги-лари касаллик даврларига, лейкемик инфильтрация даражасига боғлиқ.

I. Субъектив маълумотлар. Шикоятлари:

— ҳолисиэлик, тезда чарчаш, гиподинамия;

— кўп терлаш, тана ҳароратининг вақти-вақтида кўтарилиб туриши;

— ўнг ва чап қовургалар остида ёқимсиз сезгилар ва оғриқ;

— қоринда, бел соҳасида радикулит, ишиалгия типидаги оғриқ;

— ўткир лейкозга хос шикоятлар хроник миелозда учрайди, бироқ улар кам иғодаланган бўлади (хроник миелоз қўзиганда);

— турли органлар ва системаларда лейкемик (миелоид метаплазия) инфильтратлар борлигига, босқичи ва фазасига (касаллик ремиссияси, қайталаниши) кўра кўп сонли, бир хил бўлмаган шикоятлар.

II. Субъектив маълумотлар анализи.

III. Объектив маълумотлар.

1. Умумий қўздан кечириш:

— беморнинг умумий аҳволи, семиз-орицлиги ва ўриндаги вазијати жарабён даврига ва оғир-енгиллигига (нисбатан қониқарли, ўртача оғирликда, оғир) боғлиқ;

— тери қопламлари ва кўриниб турадиган шиллиқ пардалар — рангпарлик, тери остида лейкемик инфильтратлар, геморрагик

ҳодисалар, пустула, папула, гематомалар (касаллик қўзиганда ва унинг терминал босқичларида, давомли ремиссия даврида ва касалликнинг бошланғич босқичларида терида кўрсатиб ўтилган ўзгаришлар бўлмайди);

- сипилло ва гепатомегалия ҳисобига қорин катталашуви;
- периферик лимфатик тугунлар катталашуви (айниқса касаллик авж олганда), улар зич консистенцияли, одатда оғримайди.

2. Органлар ва системаларни кўздан кечириши. Мазкур ҳолда турли органлар ва системалар томонидан патологик ўзгаришлар, ўтқир лейкоздаги каби, лейкемик (миелоид гиперплазия) инфильтратлар борлиги, касаллик фазаси, камқонлик даражасига боғлиқ;

— талоқ — катталашган, қориннинг ўрта чизигидан ўнг томонга ўтади ва қовгача — кичик чаноққача тушади; доимий симиллаган оғриқ, баъзан кучайиб чап елкага, ёнбошга тарқалади, ишарктда эса коллапс, перитонит (ички қон кетиши) қайд қилинади;

— жигар — катталашган, лекин талоққа қараганда камроқ даражада, зичроқ;

— юрак-томирлар системаси — миокарднинг заарланиш белгилари (тонлари бўғиқ, систолик шовқин, гипотензия, тахикардия, ЭКГ да ўзгаришлар), ўпкада — 30 % гача ҳолларда зотилжам кузатилади;

— меъда-ичак йўли — анорексия, геморрагик ич кетар, кекириш ва бошқа диспептик ҳодисалар;

— сийдик-таносил системаси — гематурия, протеинурия ва сийдик томонидан бошқа ўзгаришлар;

— эндокрин системаси — эндокрин система патологияси Аддисон касаллиги, қандсиз диабет (камдан-кам) кўринишида юзага чиқади;

— таянч-ҳаракат системаси: полиартритлар, периоститлар, лейкемоид инфильтрацияда миозит белгилари;

— нерв системаси — бош оғриғи, полиневрит, фуникуляр миелоз, лептоменингит, компрессор параплегия, мия томирлари тромбози ҳодисалари (касалликнинг терминал босқичида иккиласмчи инфекция ва асоратлар қўшилиши билан);

— геморрагия ва инфильтрация натижасида карлик, отит, Менъер синдроми, кўрлик кабилар ривожланади (касалликнинг терминал босқичида ёки қўзишида);

— температура — аксари субфебрил, терминал даврда, иккиласмчи инфекция қўшилганда ва оғир асоратлар бўяланда юқори.

IV. Лаборатория текшириши методлари маълумотлари:

— периферик қон: эрта белгиси — ўртача лейкоцитоз билан нейтрофилез ва базофиллар, эозинофиллар миқдорининг билинарли опиши — базофил — эозинофил асоциация (касаллик прелейкемик босқичи белгилари), кейинроқ юқори лейкоцитоз (суб-алейкемик варпантлари бўлиши эҳтимол) $200,0 - 500,0 \cdot 10^9 / \text{л}$ гача ва бундан юқори, грапулоцитар қаторнинг миелоцитлар, промиелоцитлар, миелобластларгача кескин силжиши;

— лейкоцитар қаторнинг етилмаган (миелобластлар, промиело-

цитлар, миелоцитлар ва б.) ва етилган (таёқча-ва сегмент ядролилар) формаларининг нисбатлари, яъни уларнинг суяқ кўмиги индекси (нормада 0,6—0,8) муайян аҳамиятга эга, миелоид лейкозда бу индекс 2—4 гача кўтарилади;

— жарабён қўзиганда периферик қон кўрсаткичлари суяқ кўмиги пунктатидан деярли фарқ қиласайди, яъни лейкограмма билан миелограмма ўртасида фарқ йўқ (суяқ кўмиги баръер функциясининг кескин бузилиши);

— суяқ кўмиги пунктатини текшириш: миелоид тўқима гиперплазияси, базофил эритробластлар борлиги, дифференциация бузилиши, ёш миелоид шакллар кўпроқ, гранулоцитлар етилишининг супер кўмиги индекси ва мегакариоцитлар миқдори кўпаяди (800—900 гача, норма — 150—200). Суяқ кўмиги ҳужайраларида фильтельфия хромосомаси топилиши фақат катта диагностик эмас, балки дифференциал-диагностик аҳамиятга ҳам эга, чунки у фақат хроник миелоид лейкозда (95 % ҳолларда), шу билан бирга касалликнинг ҳамма босқичларида учрайди.

Хроник лейкоз кечиши. Бир неча босқичлар (даврлар) фарқ қилинади:

— прелейкемик — 1—3 йил давом қиласиди, беморлар меҳнатга қобилиятни йўқотмайдилар, шикоятлари деярли бўлмайди. Бу даврни ретроспектив аниқлаш мумкин (анамнез маълумотлари, лейкоз диагнози аниқлангувича ўтказилган қоннинг эски анализлари). Хроник миелолейкозда оз-моз нейтрофил чапга силжиш ва эритроцитоз, лимфоид лейкозда — лимфатик түгунларнинг бироз катталашуви (улар bemорларни безовта қиласайди) ва оз-моз лимфоцитоз, ўтирик лейкозда эса лимфоцитоз ва оз-моз анемия билан давомли лейкопения ёки нейтрофилез миелоцитлар силжиши билан ва тромбоцитопения қайд қилинади. Бироқ қондаги кўрсатиб ўтилган ўзгаришлар, одатда, сезилмай қолади;

— бошлангич — bemорлар ҳолсизлик, кўп терлаш, иш қобилияти пасайғанилиги (одатдаги ишда тез чарчаб қолиш)дан шикоят қиласидилар, бироқ ўзларини касал деб ҳисобламайдилар. Қон анализида эса айрим ҳолларда (миелолейкозда) лейкоцитоз (80,0—100,0·10⁹/л) билан миелоид қатор ёш ҳужайраларининг пайдо бўлиши, талоқнинг катталашуви қайд қилинади. Касаллик кескин аднамия, юқори ҳарорат, ўнг қовургалар остида оғриқ, невралгик симптомлар ва гиперлейкоцитоз билан бошланадиган касаллик кечишининг бошқа вариантлари кузатилади (энди бу ривожланган босқич);

— ҳодисалар аниқ кўринадиган (ривожланган босқич) давр — ҳамма симптомлар авж олиб ривожланади — гиперлейкоцитоз, талоқ, жигар (баъзан айрим лимфатик түгунлар) катталашуви, геморрагик синдром ифодаланмаган, камқонлик, кескин беҳоллик, bemорларнинг умумий аҳволи оғир;

— терминал (охирги давр) босқич — bemор умумий аҳволининг янада ёмонлашуви, лейкозген интоксикация белгилари кучаяди, мўл қон оқади, иккиламчи инфекциялар қўшилади, талоқ каттала-

ишиб қаттиқ оғриқ беради. Кризлар күзатилади, беморларнинг умумий аҳволи оғир.

Хроник миелолейкоз түлқинсизмон кечади — қўзишлар ремиссиялар билан алмашинади. Прогноз ҳамма ҳолларда ёмон. Қасалликнинг иисбатан «енгил» формасида bemorlarning умр қўриши 8—10 йил ва бундан кўпроқ, ўртача формасида 4—6 йил ва оғир формасида 1—2 йил. Ўлим кескин камқонлик ва лейкозоген интоксикациядан бўладиган қахексия ва иккиласмчи инфекциядан (қўшилиб келадиган қасалликлар), кўп қон оқиши ёки мияга қон қўйилиши, талоқ йиртилишидан юз беради.

Хроник миелолейкоз узоқ вақт, танаффуслар билан даволанади. Этиотрон даволаш йўқ, патогенетик даволаш эса вақтинчалик наф беради (ремиссия), зарур бўлганда симитоматик даво қилинади.

Лейкозда қўлланиладиган воситалар органотрон, токсик бўлмаслиги керак, чунки препаратлар токсик таъсири қилганда иммунитет пасаяди, аксарият иккиласмчи инфекция қўшилади, гранулоцитопения ривожланади.

Лейкозларни даволаш методларига қўйиладиган замонавий тадаблар организмининг соматик ҳолатини тиклашга, иштаҳани яхшилашга, гавда оғирлигини оширишга, адинамия йўқолишига, ҳарорат пасайишига, гемоглобин ва эритроцитлар ортиб борилишга, лейкоцитлар миқдори камайишига, талоқ, жигар кичрайишига қаратилади. Шу билан бирга қасалликнинг ривожланган босқичида даво тадбирлари (химиотерапия) бласт кризи (қўзиши) нинг олдини олишга, суюк кўмиги ҳужайралари гиперплазиясини пасайтишига, беморнинг умумий кайфиятини сақлаб қолишга йўналтирилади. Хроник миелознинг терминал босқичида даволаш ўткир лейкоздаги шундай босқични даволашдан кам фарқ қиласди (цитостатик препаратларни турлича қўшиб тайинлаш).

1. Умумий даволаш тадбирлари:

- bemorlarни қасалхонага ётқизиши (қайталаниш, умумий аҳвол ёмонлашуви);
- ўринда ётиш режими, етарлича овқатлайтириш, жисмоний ва руҳий осойишталик, bemorlarни тегишлича парваришлари (иккиласмчи инфекциядан эҳтиёт қилиш);
- гормонал воситалар қўлланиши, камқонлик ва геморрагияга қарши кураш (қон, эритроцитар масса қўйиш, темир препаратлари, В, С группа витаминлар);
- доимий диспансер қузатуви, гематолог ва участка терапевти қузатуви.

2. Химиотерапия хроник миелоид лейкозни даволашнинг асосий методи ҳисобланади. Цитостатиклар орасида миелосан (милеран, бусульфап) етакчи ўрин тутади, шунингдек миелобромол, допан қўлланилади; қўшиб тайинланадиган полихимиотерапия (ВАМП, ЦВАМП, АВАМП ва б.), нур билан даволаш, лейкаферез, спленэктомия муайян шароитларда ўтказилади:

- миелосан тўғри дозада тайинланганда нормал қон яратилишини пасайтирумайди, давомли ремиссия беради, уни амбулатор

тайинласа бўлади. Миелосан суткалик дозаси — 2—6 мг, даво курси — 250—300 мг. Терапевтиқ таъсирга эришилганда (талоқ кичрайиши, периферик қон кўрсаткичлари нормага келиши — лейкоцитлар $10,0 - 12,0 \cdot 10^9/\text{л}$ гача, эритроцитлар ва гемоглобин миқдори ошиши) препарат бекор қилинади ёки қувватлайдиган терапия тайинланади — 2—4 мг препарат 2 ҳафтада бир марта. Миелосан билан даволашда баъзан унга резистентлик юзага келади, дозаси ошириб юборилганда эса пасайиш — суяк кўмиги аплазияси рўй бериб, оғир оқибатлар юз беради;

— миелобромал (дибромманитол) одатда хроник миелознинг лейкемик формасида (гиперлейкоцитозда) тайинланади. Суткалик дозаси 150—250 мг ичишга, терепевтиқ таъсир 2—3 ҳафтадан кейин пайдо бўлади, қувватловчи дозаси 125—250 мг ҳафтасига бир марта;

— допан — суткалик дозаси (10 мг) бир марта берилади, 5—6 кун ўтгач лейкоцитлар миқдори $8,0 - 10,0 \cdot 10^9/\text{л}$ гача пасайгунча ва касалликнинг қўзиш симптомлари камайгунча тақрорланади. Қувватловчи дозаси — 6—10 мг 2—4 ҳафтада бир марта. Аксарият яхши ифодаланган спленомегалияда тайинланади;

— миелосанга резистентлик пайдо бўлганда ва бласт кризида (айниқса терминал босқичда) ўткир лейкоздаги каби полихимиотерапиянинг қўшма схемалари тайинланади: ВАМП, ЦВАМП, АВАМП. Уларга рубомицин ва бошқа цитостатик препаратлар қўшилади.

— агар химиявий препаратлар таъсири остида талоқ кичрайиши рўй бермаса, бу ҳолда кескин камқонлик, тромбоцитопения бўлмагандаги айниқса лейкоцитлар миқдори $40,0 \cdot 10^9/\text{л}$ дан кам бўлмагандаги талоқ нурлантирилади (химиотерапия танаффуслари орасида);

— хроник миелоид лейкознинг лейкемик формаларида периферик қонда патологик лейкоцитлар миқдорини камайтириш мақсадида даво лейкоферез сеанслари ўtkазилади.

ХРОНИК ЛИМФОЛЕЙКОЗ

Хроник лимфолейкоз — ўрта ва аксарият ёни улгайган одамлар касаллигидир. У 25—30 ёшдаги одамларда камдан-кам кузатилади ва болаларда деярли учрамайди. Хроник лимфолейкоз асосида лимфатик түгунлар, талоқ ва суяк кўмиги, шунингдек бошқа органлар, системаларнинг лимфоид гиперплазияси ва метаплазияси ётади.

Клиник манзараси. Касаллик аста-секин бошланади. Беморлар бир неча йиллар мобайнида ҳеч қандай шикоятлар қилмайдилар (уларнинг иш қобилияти сақланиб қолади). Касаллик бошида периферик қон томонидан билинарли ўзгаришлар кузатилмайди ёки ундан айрим сифатий силжишлар лейкоцитлар миқдори ўзгариши билан ўтмайди. Хроник лимфолейкоз диагнози аксарият тасодифан, периферик қонни текширганда (касб-корга оид қўриқ, бошқа касаллик бўйича диспансер кузатуви, санаторий-курортда даволаш вактида, курорт картаси тўлдирилаётганда) аниқланади.

I. Объектив маълумотлар: Шикоятлари:

- умумий беҳоллик, лоҳаслиқ, иш қобилияти пасайиб кетиши (касалликнинг ривожланган босқичларида);
- тери қопламлари ва кўриниб турадиган шиллик пардалар рангпарлиги, касалликнинг кечиккап босқичларида кузатиладиган камқонликда;
- нафас қисиши, юрак уриши (ҳамиша эмас) — айрим клиник формаларида иғодаланган;
- ҳаво етишмаслик сезгиси, бўғилиш (паратрахеал, парабронхиал ва бифуркацион медиастинал лимфатик тугунлар катталашганда босилиш симптомлари);
- қовурғалар остида оғриқ ва ёқимсиз сезгишлар;
- анемияли беморлар учун хос шикоятлар;
- бирор системада лейкемик инфильтратлар бўлган касалликлар учун хос ёки касалликнинг клиник-гематологик варианtlарига боғлиқ шикоятлар.

II. Субъектив маълумотлар анализи.

III. Объектив маълумотлар.

1. Умумий кўздан кечириш: умумий ахвол, ўриндаги вазият, беморнинг овқати, тери қопламлари, кўриниб турадиган шиллик пардалар ҳолати ва бошқа маълумотлар жараённинг босқичига, кечишенинг оғир-енгиллигига, қўшилиб келадиган касалликлар борлигига (юрак ишемик қасаллиги, атеросклероз, ўпка эмфиземаси) боғлиқ.

2. Органлар ва системалар бўйича маълумотлар:

— периферик лимфатик тугунлар аста-секин катталашади, улар одатда оғримайди, хамирсизон эластик консистенцияли, ўзаро ва атрофдаги тўқима билан туташмаган, яра ва йирингланиш ҳосил қўлмайди. Аксарият ўлчами йирик бўлади, ҳатто визуал аниқланади;

— ичактутқиҷ, бифуркацион, медиастинал ва бошқа лимфатик тугунлар катталашуви тегишли симптомлар (босилиш симптомлари) нафас қисиши, бўғилиши, қоринда оғриқ, гипо-анацид ҳолат, диспептик ҳодисалар, аспит синдроми, ичакдан қон кетиши, лимфатик тўқима бўлгали тери, кўз ва бошқа органлар томонидан ўзгаришлар билан юзага чиқади;

— юрак-томирлар системаси, меъда-ичак йўли, буйрак, ўпка, нерв системаси, сезги, эшитув органлари ва бошқаларнинг зараланиш симптомлари гиперплазия ва лимфоид метаплазия натижасида, камқонлик аксарият аутоиммун-гемолитик тип бўйича пайдо бўлади.

IV. Лаборатория текшириши методлари маълумотлари:

- периферик қон — камқонлик белгилари бўлиши мумкин;
- гиперлейкоцитоз (гарчи суб-ва алейкемик варианtlари учраса-да), баъзан $1000,0 - 2000,0 \cdot 10^9/\text{л}$ гача етади;
- лимфоцитоз 80—99% гача, Боткин — Гумпрехт ҳужайралари, лимфоид қаторнинг ёш элементлари — лимфобластлар, пролимфоцитлар топилади. Касалликнинг суб-ва алейкемик формаларида

лимфоцитлар миқдори 35—60 % атрофида ўзгариб туради ёки пормага мувоғиқ келади, касаллик диагностикасида сифатий сиљишілар ҳал қылувчи аҳамияттаға эга;

— тромбоцитопения (охирги босқычларда);

— сұяқ күміги пунктатини суб-ва алейкемик формаларда, ноаңық ҳолларда текшириш керак. Касаллик болаланишида сұяқ күміги пунктатидә лимфоцитлар миқдори 15—60 % атрофида ўзгариб туради, оғир ҳолларда эса 95—98 % гача, суб-ва алейкемик формаларда 50—70% бўлади;

— ноаңық ҳолларда ва дифференциал диагностика мақсадида лимфатик тугуналар биопсия билан пунктация қилинади, бу диагноз масаласини узил-кесил ҳал қиласади (энг қимматли метод).

Касалликниң клиник-гематологик вариантылари, кечиши ва прогнози:

— касалликниң кечиши жараённиң оғир-енгиллигига бөглиқ, миелоид лейкозга қараганда бирмунча яхши кечади (беморлар бир неча йилгача меҳнат қобилиятини сақлаб қоладилар);

— прогноз, оғир ҳоллардан ташқари, иисбаташ яхши. Умр күрпин 4—5 йилдан 12—15 йилгача ўзгариб туради. Лимфолейкозли bemорлар 25 йил ва бундан кўп яшаган ҳоллар тасвирланган.

Қўйидаги клиник-гематологик формалари фарқ қилинади:

— лимфатик тугуналар қаттиқ заараланган ва жигар, талоқ ўртача катталашган типик формаси — хавфсиз;

— худди шундай форма, бироқ спленомегалия билан ўтади;

— айрим регионар лимфатик тугуналарниң алоҳида катталашуви;

— касалликниң Микулич синдромини әслатадиган формаси — асосан сўлак ва қулоқ олди лимфатик тугуналарниң катталашуви (эҳтимол спленомегалия ва геморрагик ҳодисалар билан);

— бурун-ҳалқум лимфатик тугуналарниң диффуз ўсиб қалинлашуви;

— асосан паратрахеал ва бронхиал лимфатик тугуналар катталашуви билан характерланадиган формаси;

— асосан қорин бўйлиги (ичак тутқич) лимфатик тугуналарниң катталашуви билан характерланадиган формаси;

— спленомегалияли формаси — спленомегалик;

— авж олиб борадиган камқонлик ва геморрагия (сұяқ күміги) билан характерланадиган формаси;

— касалликниң меъда-ичак варианти (ич кетар, диспептик ҳодисалар);

— тери (авж олган лимфодермит — Сезари синдроми) ва кўз варианти (регионар лимфатик тугуналар ўсиб қалилашуви натижасида — кўз соққаларининг бўртиб чиқиши ва бошқа кўз симптомлари).

Диагностикаси ва дифференциал диагностикаси. Лейкоз — оқ қонининг систем хавфли касаллиги. Қол яратиш тўқимасининг гиперплазияси, метаплазияси, кўпгина органлар ва системаларининг зарарланиши билан характерланади. Аксарият лейкоз диагностика-

си муайян қийипчиликлар туғдиради. Лейкозга оз-моз шубҳа бўлган ҳамма ҳолларда периферик қонни пухта текшириш, агар ке рак бўлса, кўп марта текшириш зарур ёки суяқ қўмиги пунктати текширилади, лимфатик тугунлар, талоқ биопсияси ўтказилади.

Лейкозларни қўйидаги касалликлар: ўтирилган лейкозни хроник лейкоздан (blast кризи); хроник лейкозларни бир-биридан (миелоид лейкозни лимфоид лейкоздан); миелофиброзлардан (лейкозларнинг алейкемик вариантларидан), аутоиммун цитопения (лейко-, эритро-, ва тромбоцитопения), зотилжам (лейкоцитлар миқдори $20,0 - 30,0 \cdot 10^9/\text{л}$ бўладиган гиперлейкоцитоздан), жигар, буйрак, меъда-ичак йўли касалликларидан, оғир инфекцион ва септик ҳолларда лейкемоид реакциядан; инфекцион мононуклеоздан; ҳар хил этиологияли (биринчи галда апиқланмаган этиологияли) анемик ҳолатлардан; эритремия (айниқса қўзин даврида); миелом касаллигидан; остеомиелосклероз; ҳар хил соҳада жойлашган (жигар, ўпка каби) хавфли ўスマлардан; лимфогранулематоздан; лимфосаркоматоздан фарқ қилиш керак.

Лейкозларни диагностика ва дифференциал диагностика қилиш учун қўшимча текшириш методлари: сийдик, ахлат, балғамни умум клиник текширишлар; қон шаклли элементларига антителоларни апиқлаш; билирубин, трансаминазани текшириш ва бопцა жигар синамалари; қонни лейкоконцентрация методи, эритроцитларнинг осмотик резистентлиги, Кумбс синамаси билан текшириш, қон гематокрити ва ёпишқоқлигини, қон оқиши вақтини текшириш; зардоб оқсилларини, биохимиявий текширишлар — қонни систем қизил волчанка ҳужайраларига текшириш; цитохимиявий текширишлар, инкормий фосфатаза активлигини текшириш; чиқадиган суюқликларни цитологик текшириш, кўрсатмалар бўйича; меъда-ичак йўли рентгеноскопияси, суяклар рентгенографияси, рентгенологик ва эндоскопик текширишлар (хавфли ўスマларни истисно қилиш учун).

Диагнозни тахминан таърифлаш:

1) ўтирилган лейкоз (миелобластоз) қайталаниш босқичида, меъда-ичакдан қон кетиши. Оғир постгеморрагик камқонлик; 2) хроник миелоид лейкоз. Термипал босқич. Каҳексия, бурун қопапи; 3) хроник лимфолейкоз. Жигар, талоқ, ўпкалинг лимфоид инфильтрацияси.

Лимфоид лейкозни даволаш:

1. Умумий даво тадбирлари:

- касалхонага ётқизиш ва ўринда ётиш режими (зарурат бўлганда);
- парҳез режимига риоя қилиш — тўла қимматли овқатланиш, терини парваришлаш, беморларни ўз вақтида ишга жойлаштириш;
- умум мустаҳкамловчи, симптоматик (зарурат бўлганда), седатив препаратлар, В, С группа витаминлари ва б.

2. Химиотерапия лимфоид лейкознинг авж олиш белгилари пайдо бўлганда қўлланилади (кўп терлап, тез чарчаш, лейкоцитлар миқ-

дори ортиши, камқонлик ва тромбоцитопения ривожланини, лимфоид түгунлар, жигар ва талоқ катталашуви);

— хлорбутин (лейкеран). Суткалик дозаси — 4—15 мг (периферик қон лейкоцитлари миқдорига бөглиқ), даво курсига — 80—700 мг (гематологик — сублейкемик, лейкемик, алейкемик вариантында, лейкоцитлар миқдори камайиши суръатларында ва ҳар бир беморнинг препаратга сезувчанлигига бөглиқ). Қувватловчи терапия учун препаратнинг суткалик дозаси — 5—7 мг;

— циклофосфан — ўсмага қарши таъсирига эга, шунингдек уни касалликнинг сублейкемик вариантында лимфатик түгунлар ва талоқ катталашиши билан ўтадиган хроник лимфолейкозда тайинланади. Суткалик дозаси — 200—600 мг ҳар куни ёки кунора венага ёки мушаклар орасига, даво курси учун 8—15 г соғ препарат юборилади. Қувватловчи терапия учун 200—400 мг дозаси венага ёки мушаклар орасига, ҳафтасига 2 марта тайинланади. Асоратлари — дизурия, гематурия, кўриш қобилияти бузилиши. Жигар, буйрак функцияси бузилишларида ва касалликнинг терминал босқичида тавсия қилинмайди;

— дегранол. Бир марталик дозаси (50—75 мг) венага кунора, даво курси учун 300—1600 мг юборилади. Ремиссия (компенсация) давомлилиги — 3—12 ой.

3. Глюокортикоид гормонлар (преднизолон, триамцинолон, дексаметазон) аутоиммун келилмовчилик белгилари — гемолитик анемия ва тромбоцитопения пайдо бўлганда тайинланади. Суткалик дозаси ичишга 60—80 дан 120—150 мг гата аста-секин қувватловчи терапиягача пасайтириб борилади, препарат қонда-эритроцитларга қарши антителолар йўқолгандан кейин (бевосита Кумбс синамаси билан аниқланади) бекор қилинади. Лимфолейкознинг талоқ, жигар, лимфатик түгунлар катталашуви билан ўтадиган сублейкемик вариантында, цитопенияда (цитостатик терапия натижасида), ноиммун характердаги тромбоцитопения билан бөглиқ геморрагик синдромда, буйраклар усти бези этишмовчилиги ривожланганда глюокортикоид гормонлар 30—60 мг дан венага суткасига 3—4 марта 7—10 кун мобайнода юборилади.

4. Хроник лимфоид лейкознинг хавфли формасида («ўсма» формаси) қўшма схемалар (программалар) кўринишида цитостатик препаратлар тайинланади: ЦОП — циклофосфан, онковин, преднизолон; ЦОПП — циклофосфан, онковин, преднизолон, прокарбазин.

5. Нур терапияси бирмунча катталашган лимфатик түгунлар, талоқни нурлантириш учун қўлланилади. Аксарият уни витамин терапия, гемотрансфузия ва глюокортикоид гормонлар билан бирга қўшиб олиб борилади.

6. Патогенетик асосланган янги метод — лейкоферезни қўллашида муайян ютуқларга эришилган, унинг ёрдамида беморлар организмидан (периферик қондан) лейкоцитларда қон яратилиш органларида ҳам, бошқа органлар ва системаларда ҳам йигиладиган

натологик лимфоид (лейкоз) элементлар чиқарилади. Лейкоферез «Апіпсо» фирмасининг центрифугаси билан бажарилади. З соатлик сеанс ичидә беморлар организмдан $3,0 \cdot 10^{12}/\text{л}$ лимфоцитлар ҳайдалади. Бу интоксикациянинг, жигар, талоқ ўлчамларининг тез камайшига, қоп кўрсаткичлари (эритро- ва тромбоцитопоэз) ва беморларнинг умумий ахволи яхшиланишига (бир печа сеансдан кейин) олиб келади. Ремиссия даври 1—3 йил.

7. Таъсир доираси кенг антибиотиклар инфекцион асоратлар ривожланганда тайинланади.

8. Иммун танқислиги борлигини ҳисобга олиб, хроник лимфоид лейкозда гамма-глобулин, иммун глобулинлар, гранулоцитлар концептрати қўлланилади.

9. Ифодаланган аутоиммун келишмовчиликларда, нур ва дори терапияси кор қилмайдиган спленомегалияда, талоқ тез-тез инфарктга учраганда, талоқ ёқимсиз сезгилаш пайдо қиласидан дара-жада катталашиб кетганда спленектомия қилиши тавсия этилади.

10. Хроник лимфоид лейкозли беморлар асосан амбулатор даво (қувватловчи терапия) оладилар, улар доимо диспансер кузатуви остида бўладилар (мунтазам врач кўриги — 2—3 ойда камида 1 марта).

11. Санаторий-курортда даволап асосан беморларнинг турар жойи бўйича ўтказилади.

Контрол саволлар

1. Қон яратилишининг янги схемаси ва назарияси тўғрисида тушунча.

2. Нормада периферик қон кўрсаткичлари (лейкоформула), лейкозларнинг турли формаларида лейкоформуланинг диагностик аҳамияти.

3. Лейкозлар этиопатогенезига қарашли (мавжуд назариялар — ўсма, вирус ва клон назарияси тўғрисида қисқача фикр, ионловчи радиация, генетик омиллар аҳамияти ва б.).

4. Лейкозларнинг ҳозирги замон классификацияси.

5. Ўтирик лейкоз клиникаси ва диагностикаси (blast кризлар тўғрисида тушунча),

6. Хроник миелоз клиникаси ва диагностикаси.

7. Хроник лимфолейкоз клиникаси ва диагностикаси (кечиш хусусиятлари ва клиник формалари).

8. Лейкемик инфильтратлар тўғрисида тушунча.

9. Қўшимча текшириш методларининг аҳамияти.

10. Лейкозларнинг кечиши ва прогнози (кучли цитостатик ва хормонал препаратлар қўлланиши муносабати билан).

11. Даволап тадбирлари плани: лейкозларни ремиссия, қўзиши даврида blast кризларида даволаш, комплекс полихимиотерапия ва х. к.).

ЭРИТРЕМИЯ

Таърифи (чин полицitemия, Вакез касаллиги). Миелопоэз ўтмишдоши — ҳужайра даражасида заарланиш билан ўтадиган хроник лейкоз. Бошқа гематобластозларга қараганда нисбатан яхши кечади ва прогнози ҳам дуруст бўлади.

Чин полицitemия (эритремия) ни биринчи марта Вакез 1882 йилда бир беморда тасвирлаган эди.

1903 йилда Ослер бу касалликнинг кечишини ва симптоматикасини 8 нафар беморда ўрганган, шунга асосланиб у қатор даволаш методларини тавсия қилган (қон олиш, оксигенотерапия ва б.).

-Касалланиш 100 000 аҳолига 0,6 ни ташкил қиласди, касалликнинг оиласвий ҳоллари учрайди. Асосан 50—60 ва бундан катта кишилар, аёлларга нисбатан кўпроқ эркаклар касаллаадилар; бироқ эритремия ҳар қандай ёшда учраши мумкин.

А. В. Виноградов фикрича, «полицitemия» атамаси сўзнинг асли маъносида эмас, балки организмда эритроцитлар массаси ошиши, яъни улар ҳажмипинг гавда массасининг ҳар 1 кг га кўпайиши билан юзага чиқадиган касалликлар группасини ифодалаш учун ишлатилади. Суяк кўмигининг ҳамма куртакларининг пролиферацияси билан ўтадиган номаълум этиологияли мустақил касаллик (эритремия, Вакез касаллиги) мутлоқ полицitemия; ва организмда эритроцитлар массаси жараёнга суюк кўмигипинг бошқа куртаклари жалб қилинмасдан кўпайиши хос бўлган иккимачи ёки симптоматик полицitemия фарқ қилинади. Организмда эритроцитлар массаси ўзгармайдиган, бироқ плазма ҳажми камайиши сабабли (турли сабаблардан — кўп қайт қилиш, ич кетар, суюқлик ўйқотиш каби) қонда эритроцитлар ва гемоглобин миқдори билинارли ошадиган нисбий ёки соxта полицitemия ҳам амалиётда учраб туради.

Айрим муаллифлар лейкоцитлар ва тромбоцитлар миқдори нормал бўлгани ҳолда эритроцитлар сони танланиб кўпаядиган тұгма полицitemияни фарқ қиласдилар.

Полицitemия сабаблари ва турлари

I. Чин полицitemия (эритремия, Вакез касаллиги).

II. Иккимачи (симптоматик) полицitemия.

1. Тұгма:

- бирламчи эритроцитоз;
- ирсий гемаглобинопатия; радуктазалар етишмовчилиги;
- гемоглобин кўпайиши;
- оксигемоглобин диссоциацияси бузилиши.

2. Орттирилган:

— тоғ касаллиги;

— юрак-томир касалликлари. Юрак ва томирларнинг тұгма нұқсонлари.

— хроник юрак етишмовчилиги;

— кислород диффузияси бузилиши билан ўтадиган ўпка касалликлари;

- ўнка вентиляциясеси бузилиши билан ўтадиган нерв системаси касалликлари;
- өз босиши;
- хавфли ўсмалар;
- метгемоглобинемия ёки сульфогемоглобинемияни қўзгатадиган дори воситаларини қўлланиш.

III. Нисбий полицитетмия:

- қон плазмаси ҳажми камайини.

Субъектив, объектив маълумотлар ва қўшимча текширип методларини анализ қилинганда асосланниб, студент қўйидагиларни билиши керак:

- 1) патологик жараённинг моҳияти (системлиги), жойлашуви ва характеристики аниқлаш;
- 2) турли органлар ва системалар зааррланганлигини ҳисобга олиб беморни текширишнинг асосланган планини тузиш;
- 3) қуит билан дифференциал диагностика ўтказиб органлар ва системалар зааррланшининг асосланган планини тузиш;
- 4) эритремия классификацияси, босқичи ва оғир-енгиллигини билган ҳолда узил-кесил диагнозни таърифлаш;
- 5) эритремиянинг оғир-енгиллиги, касалликнинг висцерал ва бошқа белгиларига кўра илмий асосланган терапия ўтказишни режалаштириш. Касаллик прогнозини аниқлаш.

Ҳозирги вақтда амалда қўлланиш учун А. В. Демидова класификацияси қабул қилинган. Шунга кўра: I — бошлангич босқич; 2 «А» — талоқнинг миелоид метаплазияси бўлмай бошланган босқичи. 2 «Б» — талоқнинг миелоид метаплазияси билан ўтадиган босқичи ва 3 — нозологик форма конкрет кўрсатилган патижасида пайдо бўлади.

Этиологияси ва патогенези

1. Этиологияси. Эритремия бир қанча тахминларга қарамай, ҳали тўлиқ аниқланмаган. Иккиласми полицитетмиялар озми-кўпми ўрганилган. Улар юрак-томирлар системаси, ўнка, нерв системаси касалликларида, турли соҳаларда жойлашган ўсмаларда, шунингдек айрим дори препаратларини асоссиз қўлланиш патижасида пайдо бўлади.

2. Патогенези. Вакез касаллигининг асосий моҳияти шундан пборатки, организмда қон яратилишининг ҳар учала куртакларининг лейкоз пролиферацияси рўй беради, бунда қизил куртак пролиферацияси кўпроқ бўлиб, бу периферик қонда кўп миқдорда эритроцитлар пайдо бўлишига имкон беради. Бу қўйидагилар билан изохланади:

— қон яратилишининг экстрамедуляр ўчоқлари (жигар, талоқ ва б.) пайдо бўлиши;

— омил — ўз антиген хоссалари бўйича эритропоэтиндан фарқ қиласидиган ва эритропоэтик сезувчан ҳужайралар сони қўпайишига имкон берадиган элементлар пайдо бўлиши; ҳужайра ичидаги нуксон борлиги;

— эритроцитларда энергия алмашинуви бузилиши, эритропоэтик даражаси пасайиши, гранулоцитларда ишқорий фосфатаза активлиги ошиши, қонда гистамин, витамин В₁₂ даражаси ошиши муайян аҳамиятга эга;

— касаллик клиник белгиларининг, тромбоэмболик асоратларнинг кўплиги эритроцитлар миқдори ошганлигидан, бинобарин, айлануб юрган қон массаси ошиши, қон ёшишқоғлиги ошиши, бир томондан қон оқими секинлашуви, тромбоцитлар сони ошиши ва иккинчидан, қон ивиш системасидаги ўзгариш билан изоҳланади. Буларнинг жами ва бошқа сифат жиҳатидан силжишлар томирларнинг заарланишига ва органлар ва системаларнинг патологик ўзгаришларига олиб келади.

Патологик анатомияси: эритремиянинг патологик-анатомик манзараси жараённинг босқичига, оғир-енгиллигига ва эски-янигиллигага боғлиқ;

— ҳамма органлар ва системалар, тўқималарнинг қонга тўлиб кетиши, томирларда тромблар, паренхиматоз органларда дистрофик ўзгаришлар;

— суюк кўумиги З та куртагининг гиперплазияга учраб ёғни тўлиқ қисиб чиқариши, асосан эритроид куртак гиперплазияси;

— жигар ва талоқ тўла қонли, ўлчамлари катталашган, талоқ инфарктга учраган; миелоид метаплазия;

— тромботик синдром, геморрагик диатез, юрак ва томирлар патологияси пайдо бўлиши; урат тошлари, пиелонефрит, бужмайиб қолган буйрак учраб туради.

Клиник манзараси

Касаллик клиникаси жараённинг босқичига (бошлангич, авж олган, терминал), кечишинга, органлар ва системаларнинг қонга тў-лиқлик даражасига, ниҳоят, бирга келадиган касалликлар ва эритремия асоратлари борлигига боғлиқ.

I. *Субъектив маълумотлар.* Бонг оғриғи, бошда оғирлик, бош айланиси, қулоқда шовқин, уйқусизлик, юрак соҳасида вақти-вақтида оғриқ туриши — кўкракда оғирлик, батъзан пафас қисиши; аксарият артериал босим ошиши, тана ҳарорати кўтарилиши, чап ва ўнг қовурғалар остида, қории соҳасида оғриқ; сяякларда оғриқ, оёқ панжаси, болдири ва панжаларда лўқиллаб турадиган оғриқ; бармоқларнинг увишиб қолиши; кўрув қобилияти бузилиши, милклар ва бурун қонаши; терининг қаттиқ қичишиши, айнпӯса чўмилиш, ювниш, сузишдан кейин; ташниалик, кекириш, қабзият, эпилепсиянга ўхшаш тутқаноқ; эс-ҳушни қисқа фурсатга йўқотиш ва б.

II. *Субъектив маълумотларни мақсадга мувофиқ таҳлил қилиш.*

III. *Объектив маълумоотлар.*

1. Умумий кўздан кечириши. Аҳвол ҳар хил ва касалликнинг оғир-енгиллигига (қониқарли, ўртача оғирликда ва терминал босқичда оғир) боғлиқ. Беморнишг умумий кўриниши жуда ўзига хос:

юзи, қулоқлари, бурнининг учи, бўйни қизгиш-кўкимтири тусда, терисида эххимозлари бор; конъюнктива томирлари ва кўз склералари томири кенгайган; шиллиқ пардаларга қон қуйилган, бурун, милклар қонаб туради, диатезлар; гипертремия; бўйин веналари пульсацияси.

2. Органлар ва системалар бўйича кўздан кечириш. Кўпгина органларда патологик ўзгаришлар кузатилади:

— юрак (гипертония симптоматик гипертензия типи бўйича; гипертрофия чап қоринча ҳисобига, аорта устида II тоң акценти, I тоң сусайиши ва юрак учидаги систолик шовқин);

— меъда-ичак йўли: эпигастрал соҳада, қоринда оғирлик ва тўлуб кетганлик сезгиси, кекириш, қабзият ва 12 бармоқ ичак касаллигининг бошқа белгилари; камдан-кам — қизилўнгач, меъда ва ичакнинг варикоз кенгайган веналарида қон оқиши; мезинтериал вена ва артериялар тромбози;

— жигар: 40—68% ҳолларда гепатомегалия; жигар циррози, жигар веналари тромбози манзараси бўлиши мумкин; жигарда қатор функциялар бузилиши;

— талоқ: чап қовурғалар остида оғриқ, спленомегалия (78—90% беморларда), инфаркт, периспленит ҳодисалари;

— перв системаси: кўрувнинг ёмонлашуви, кўр бўлиб қолиш, эпилептиформ тутқаноқ, қисқа вақтга ҳушдан кетиш; хотира, ақлий иш қобилияти сусайиши, депрессия, бош мия томирлари тромбози — инсульт, кўз туби томонидан кўрув нерви сўргичи шиши, тўр парда марказий артериясининг эмболия манзараси;

геморрагик ҳодисалар (меъда-ичак, бачадондан қон кетиши; бурун, милклар қонаши; тиш олдиришдан сўнг қонаши), майдага ва йирик томирлар тромбози (панжка, юрак, мия, жигар, талоқ ва б.). Облитерацияловчи эндертериит белгилари (оёқда қаттиқ оғриқ, оқсоқлик);

IV. Кўшимича текшириш методларидан олинган маълумотлар:

— периферик қон: эритроцитлар 7—10 млн гача, гемоглобин миқдори эса 180—220 г/л гача ошган эритроцитоз. Касалликнинг оғир-енгиллигига кўра гематокрит кўрсаткичи 55/45 дап 70/30 ча ўзгариб туради. Аксарият озоқ аниzoцитоз, полихроматофилия ва базофил данадорлик; анемия белгилари; нормабластлар пайдо бўлиши, ретикулоцитоз (айнича кўп қон кетгандан кейин); лейкоцитоз чапга кескин силжиши билан, СОЭ кескин секинлашган;

— суюк кўмиги пунктати: кўпинча периферик қон билан суюланган: эритроноэз устунилик қиласидаги уч қуртакли гиперплазия, ретикулин ва ўчоқли коллаген миелофиброз бўлиши мумкин; панмиелоз;

— ҳамма беморларда бирга келадиган касалликларни истисно қилиш, дифференциал диагностика мақсадида кўрсатмалар бўйича кўшимича текшириш методлари ўтказилади (сийдик анализи, биохимиявий текширувлар — холестерин, протромбин, оқсил формулаци, фермент таркиби ва б.; ЭКГ; ФКГ; рентгенологик текшириш; сканирлаш), шунингдек ультратовуш билан текшириш.

Эритремия босқичининг қисқача таърифи

1. Бошлангич (I) босқичи: талоқ одатда катталашмаган, ўртача эритроцитоз, симптомлари камлиги билан ажралиб туради ёки органларниң қонга тўлиқлиги кузатилади, суяқ кўмигида — панмиелоз манзараси, I босқичида томир ва висцерал (айниқса юрактомуirlар системаси томонидан) белгилар, тромботик асоратлар истисно қилинмайди.

2. Эритремик (II А) босқичи: бу босқич 10—15 йил ва бундан узоқ вақт давом қиласди. Беморларниң кўп сонли шикоятлари билан бирга спленомегалия, гепатомегалия, плетора, эритроцитоз, тромбоцитоз, тромбозлар, уч куртакли гиперплазия манзараси кузатилади.

3. II Б босқичи (эритремик, авж олган) талоқнинг миелоид метаплазияси (II А да бундай бўлмайди) билан ўтади. Тромбозлар, эритроцитоз, гепатосспленомегалия, панцитоз билан лейкоцитоз чапга силжиш билан бирга, суяқ кўмиги пунктати манзараси оғирлашади, бемор озаб кетади, геморрагик ҳодисалар.

4. III босқичи (терминал ёки анемик): бу ерда ҳам анемик, ҳам тромбоцитопеник синдром ёки ҳатто панцитопения кузатилади, bemорлар ориқлаб кетган бўладилар; талоқ, жигар, миелоид метаплазияси. Эритремиянинг бу босқичи ўтқир лейкоз, хроник миелолейкоз, қон яратилишининг гипопластик ҳолати ва қийинлик билан класификация қилинадиган гематологик ўзгаришлар билан якунланани мумкин.

Асоратлари. Улар кўп сонли ва асосан томир тромбозлари, геморрагия — қон оқиши, органларда дистрофик ўзгаришлар, шунингдек модда алмашинуви бузилиши билан боғлиқ; майда томирлар тромбози (кўз, панжа, обёк панжаси), тож артериялар тромбозлари (миокард инфаркти), мия (инфсульт), буйрак (буйрак инфаркти), талоқ инфаркти, ичактутқич томирлари тромбози (ичак ва қорин бўшлиғи органлари инфаркти); қизилўнгач, меъда-ичак, геморрондал, бачадондан қон оқиши; сийдик-томи касаллиги, подагра, алмашинув-дистрофик артритлар; ўчоқли инфекциялар қўшилиши, пспихоз; юрак, томир, жигар ва буйрак етишмовчилиги ва б.

Диагностикаси. Диагностикаси bemор шикоятлари анализи, клиник белгилари, плеторик ва миелопролифератив синдромлар борлиги, периферик қон ва суяқ кўмиги манзараси (беморнинг ўзига хос кўриниши, гепатосспленомегалия, тананинг турли қисмларида оғриқ синдроми, геморрагиялар, тромботик жараёнлар, эритроцитоз, тромбоцитоз, лейкоцитоз кескин чапга силжиш билан).

Хозирги вақтда эритремияни муайян стандартланган мезонлар билан диагностика қилинади. Қизил қондаги ва периферик қондаги гематокрит кўрсаткичларининг кўлайини бўйича эритремияга шубҳа қилиш мумкин.

Эритремия диагностикаси мезонлари:

А категорияси. A₁. Айланиб юрган эритроцитлар массаси ошиши; эркаклар учун 36 мл/кг дан, аёллар учун 32 мл/кг дан кўп. A₂.

Артериал қоннинг кислород билан нормал түйиниши (92% дан юқори). Аз. Спленомегалия.

В категорияси. В₁. Лейкоцитоз 1 мкл да $12 \cdot 10^9$ дан юқори (инфекция ва интоксикациялар бўлмаганда).

В₂. Тромбоцитоз 1 мкл да $4 \cdot 10^5$ дан юқори (қон оқиш бўлмаганда).

В₃. Нейтрофиллар ишқорий фосфатазаси миқдори ошиши (инфекция ва интоксикациялар бўлмаганда).

В₄. Тўйинмаган В₁₂ — қон зардоби боғлаш хусусиятиниг ошиши.

Плектора, спленомегалия, лейкоцитоз, тромбоцитоз ва бошқа-ларда эритремия диагнози қийинчлилик туғдирмайди, бироқ эритремияли беморларнинг тахминан 30 фойзида лейкоцитоз ва тромбоцитоз кузатилмаслиги мумкинлигини ёдда тутиш зарур.

Ҳамма шубҳали ҳолларда диагностиканинг мураккаб методларини қўйланиш: ёнбаш суюқ трепанобиопсияси, айланниб юрган эритроцитлар массасини ўлчаш лозим.

Дифференциал диагностика ўтказишда қуидаги касалликлар: иккиласми мутлақ эритроцитозлар; иккиласми, нисбий ёки гемоконцентрацион эритроцитозлар; бирламчи эритроцитоз: оилавий-ирсий эритроцитоз (27-жадвал), гипертония касаллиги; атеросклероз;

27-жадвал

Оилавий-ирсий эритроцитоз ва эритремиянинг дифференциал-диагностик белгилари¹

Кўрсаткич	Оилавий-ирсий эритроцитоз	Эритремия (адабиёт маълумотларидан)
Эритроцитоз (симптом сифатида)	100 %	93 %
Лейкоцитлар миқдори	Нормал ёки лейкопения	Лейкоцитоз 45—65 % да
Нейтрофилез	Бўлмайди	75—80 % да бўлади
Тромбоцитлар миқдори	Тромбоцитопения 75 % да	Гипертромбоцитоз 63—67 % да
Ёнбон суюги трепанати	Ўртacha гиперплазия эритроид қатор етилган формалари ҳисобига Мегакарпицитар қаторининг писбий камайини	Суюқ қўмигипининг уч куртакли гиперплазияси, мегакарипоцитоз
Талоқ	Оз-моз катталашуви 12 % да	Авж олиб борадиган спленомегалия 70—80 % да
Жигар	Оз-моз катталашуви 34 % да	Гепатомегалия 40—68 % да
Артериал босим Суякларда оргирек	Гипотония 73 % да	Гипертония 32—35 % да
Тери қичимаси	Бўлмайди	30 % да бўлади
Беморларнинг ёни	Бўлмайди	43—64 % да бўлади
	72 % ҳолларда	40 ёндан ошганилар 80 % ҳолларда

¹ Ф. Э. Файнштейн монографиясидан олинган (1987).

стенокардия, миокард инфаркти, сийдик-тош касаллиги; гепатит ва жигар циррози; ўткир лейкоз; хроник миелолимфолейкоз; септич эндокардит; безгак; жигар ва талоқнинг бошқа этиологияли заарланишлари; орган ва системаларнинг метастазли ва метастазсиз ўсмалари; меъда ва 12 бармоқ ичакнинг яра касаллигидан фарқ қилиш лозим.

Диагнознинг тахминий таърифи.

1. II А босқичидаги эритремия қўзиш фазасида.

Қўшилиб келгани: хроник декомпенсацияланган тонзиллит.

Асорати: бурун қонаши. Ўткир постгеморрагик анемия. Қоллапс.

2. II Б босқичидаги эритремия, қўзиш фазасида.

Қўшилиб келгани: қандли диабет енгил даражаси.

Асорати: миокард, талоқ инфракти. Меъда-ичакдан қон кетиши. Ўткир-томир етишмовчилиги. Озиб кетиши.

Даволаш: бир неча йўналиш бўйича олиб борилади. Эритремияни даволашдан мақсад: айланиб юрган эритроцитлар массаси ва қон ёпишқоқлигини нормага солиш; гемоглобин миқдори, гематокрит кўрсаткичини нормага солиш; плеторик синдром (айланиб юрган қон ҳажми) камайиши; эритремиянинг олдини олиш ва асоратларини даволаш; орган ва системалар функциясини яхшилаш, қўшилиб келадиган касалликларни даволаш.

1. Қон олиш. Қўрсатма: кўп вақт ўтмаган эритремия, унинг яхши кечиши; соғ эритроцитемик вариант; беморнинг бола кўрадиган ёши, жараён қайталаниши. Қон олишга монелик қиласидан ҳол: ўткир босқичдаги томирлар тромбози. Қон олиш айланиб юрган эритроцитлар сони, қон ёпишқоқлигини нормал қилишга яхши таъсир кўрсатади, геморрагик ва тромботик асоратларнинг олдини олади.

Қон олиш 500 мл дан, кун ора (станционарда) ёки амбулатор даволашда 2 кун ўтказиб тайинланади. Кекса bemорларда, айниқса юрак-томирлар системасида касаллиги бўлганда 300—350 мл атрофика қон олиш тавсия қилинади. Қон олишдан олдин, олиш вақтида ва ундан кейин тромботик асоратларнинг олдини олиш учун дезагрегант терапия тайинлаган маъқул; ацетилсалацилат кислота суткасига 0,5—1 г дан, курантил суткасига 150—100 мг дан; реополиглюкин, гепарин (500 ТВ), папаверин ёки никотинат кислота препаратлари. Бир курсда 5—6 мартағача қон олинади. Даволашдан кейин ҳар 6—8 ҳафтада стационарда ёки диспансерда кузатилиди.

2. Миелопролифератив синдромда (касаллик авж олганда), эритремиянинг оғир ҳолларида цитостатик препаратлар қўлланини:

— имифос (натрий хлориднинг изотоник эритмасида 50 мл дан — 10 мл мушакка; бир курсга 400—600 мг);

— миелобромул (суткасига 250 мг дан 10—15 сутка мобайнида, сўнгра кун ора ва бундан кам, бир курсга 5—15 г) лейкоцитоз ва тромбоцитозда тайинланади;

— миелосан бошқа цитостатиклар кор қилмаганда, талоқнинг миелоид метаплазиясида қўлланилади; суткалик дозаси 4—6 мг — дастлабки 2—3 ҳафтада ҳар куни, сўнгра дозаси 2 мг гача камайтирилади, бир курсга 100—350 мг;

— хлорбутин бирмунча таъсирчан, суткалик дозаси 10—6 мг, 4—5 ҳафта мобайнида ҳар куни бир курсга кўни билан 400—350 мг юборилади;

— гидроксимочевина: 1 ҳафта 30 мг гача (сутка/кг) ичишга берилади, сўнгра қувватловчи доза 15 мг (сутка/кг) тайинланади. Ҳар ҳафтада давонинг таъсирчанлиги устидан гематологик назорат олиб борилади; лейкоцитлар сони 1 мкл да $5 \cdot 10^9$ дан ва тромбоцитлар 1 мкл да 10^5 дан пасайиб кетишига йўл қўйилмайди;

— қўрсатмалар бўйича: гипотензив; десенсибилизация қиласидан антигистамин (периактин суткасига 4 дан 6 мг гача); урат диатези бўлганда (мелурит — 0,3 дан 1 г гача); гепарин; янги музлатилган плазма қўйиш; антианемик (темир, фолат кислота препаратлари); кортикостероидлар (анемия ва тромбоцитопенияга шубҳа бўлганда) схема бўйича тайинланади;

— касалликнинг терминал (анемик) босқичида спленоэктомия қилиш керак;

— ўтқир ёки хроник лейкозга айланганда миелосан, миелобромол, гидроксимочевина тавсия қилинади;

— камдан-кам ҳолларда гемодинамик бузилишлари бўлган беморларга ошигич ёрдам қўрсатиш учун қон олиш ва цитостатиклар билан бирга рентгенотерапия тавсия этилади.

3. Диспансер кузатуви. Касалликнинг авж олишига, асоратларига қарши курашиш. Ремиссия муддатларини узайтириш, даволаш таъсирчанлигини текшириш ва гематологик назорат олиб бориш учун гематолог, участка терапевти томонидан амалга оширилади.

Контроль саволлар -

1. Эритремия тушунчаси, таърифи ва патогенези.
2. Иккиминчада ёки симптоматик полицитемия, унинг моҳияти ва сабаблари.
3. Эритремия босқичига қўра клиникаси.
4. Эритремиянинг гематологик маиззараси.
5. Касалликнинг диагностик мезонлари.
6. Плеторик ва миелопролифератив синдромларнинг моҳияти ва диагностикаси.
7. Эритремия асօратлари. Патогенези ва диагностикаси.
8. Даволаш тадбирлари плани. Цитостатик препаратлар қўллашниш.

VI боб.

БИРИКТИРУВЧИ ТҮҚИМА ВА БҮГИМЛАРИНИНГ ДИФФУЗ КАСАЛЛИКЛАРИ

Коллаген касаллуклар (коллагенозлар, бириктирувчи түқиманинг диффуз касаллуклари) бириктирувчи түқиманинг ортирилган бирламчи систем заарланишлари группасига киради. «Коллагенозлар» атамасини биринчи марта американлик патолог Қлемпейфер 1942 йилда құллаган ва у патологиянынг конкрет нозологик формаси бўлмай, клиник-морфологик группавий тушунчадир. Уларга: систем қизил волчанка, систем склеродермия, дерматомиозит, туғули периартериит, шунингдек ревматоид артрит ва ревматизм киради.

Санаб ўтилган касаллукларни бирлаштириб турадиган қатор умумий белгилар бор; аутоиммун жараёппар етакчи роль ўйнайдиган патогенезнинг умумийлиги; морфологик ўзгаришларниң ўхшашлиги (бириктирувчи түқимадаги фибринойд ўзгаришлар, васкулитлар, лимфоид ва плазма ҳужайралы инфильтратлар); тўлқинсимон ва хроник кечиши, носпективик таъсирлар остида жараённинг қўзиши; заарланишларниң кўп симптомлилиги (бўйим, тери, юрақ, буйрак, сероз пардалар), кортикостероидларниң даво таъсири.

Бириктирувчи түқимада ўзгаришлар билан боғлиқ касаллуклар бириктирувчи түқиманинг фақат битта турини шикастлаши (тери, томирлар ва б.) ёки түқиманинг бир неча турларини эталлаб (суюклар, мушаклар, сероз пардалар, ички органлар ва системалар) авж олган турга ўтиши мумкин.

СИСТЕМ ҚИЗИЛ ВОЛЧАНКА

Таърифи: систем қизил волчанка «катта коллагенозлар» группасига киради ва оғир ўтиши, тери, томирлар ва ички органларни қаттиқ заарлантириши ва ёмон прогнози билан ажралиб туради.

Систем қизил волчанка коллаген касаллукнинг классик намунаси ҳиссбланади. Биринчи марта уни дерматолог Қапози 1872 йилдаётқ тасвирлаган. Ҳозирги вақтда бу касаллик ер курраси аҳолиси ўртасида бирмунча кўпайган. У хавфли камқонлик, ўткир лейкоз, хавфли лимфографулематозга қараганда кўп учрайди.

Аёл жинсининг касалланиши 90 % нисбатда қайд қилинади. Касаллик аёлларда асосан генитал активлик даврида, 15 дан 50 ёшгача (айниқса 20 дан 30 ёшгача) учрайди.

Қуйида унинг клиник варианatlари ва кечишини тасвирлайдиган классификациясини келтирамиз (28-жадвал).

Анемнез, объектив маълумотлар билан батафсил танишип асосида, ўзининг ревматик касалликлар соҳасидаги назарий билимларига таяниб студент қуидаги масалаларни ҳал қила олиши керак:

1) асосий жараён ўрнини (юрак, буйрак, ўпка ва б.), характеристики (яллигли, аллергик ва б.), кечишини (ўткир, ўртача ўткир, хроник) тахминий аниқлап;

2) жараённинг локал ёки авж олганлигини ҳисобга олиб, беморни текшириш планини тузиш;

3) қуидагиларни назарда тутиб, узил-кесил диагнозни таърифлаш;

— касалликнинг кечиш характеристи, активлик даражаси, клиник-морфологик кўрсаткичларини билиш;

— касалликнинг диагностик мезонлари, висцерал белгилари, эҳтимол тутилган асоратларини билиш;

4) жараённинг кечиши, активлиги, оғир-енгиллиги, жараёнга тортилган органлар ва системалар ҳолатига кўра даво тадбирларининг асосланган планини тузиш;

5) прогнозини, диспансер кузатуви планини аниқлаш.

Этиологияси ва патогенези. Систем қизил волчанка полиэтиологик касаллик. Ҳар қандай заарли агент, бактериал ёки бопша сабабдан пайдо бўлган, организмда «антigen — антитело» реакциясип, унда иммунологик қайта қуришни қўзгатса оладиган ҳар қандай касаллик этиологик омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

— инфекцияларнинг аҳамияти (стрептококк, пневмококк, стафилококк ва органлар ҳамда системаларнинг улар билан боғлиқ касалликлари);

— вирусларнинг аҳамияти (қизамиқ ёки қизамиқсимон). Бу бирмунча ишончли фикр ҳисобланади: вируста қарши гуморал иммунитетнинг анчагина бузилиши, заарланган органлар ва системалар капиллярлари эндотелийсида ўзига хос вируссимон киритмалар, қол шаклии элементлари топилиши;

— дорилар ва бопша омилларнинг касаллик қўзгатувчи таъсири (антибиотиклар; сульфаниламидлар, бутадион, аспирин, оқсил препаратлари, физиотерапевтик муолажалар, ультрабинафша ва рентген нурланиши, совқотиш, чарчап; гормонал бузилишлар; орган ва системаларда хроник жараёнлар, интоксикация; иммунлаш; реиммунлаш ва б.);

Патогенези: касаллик мураккаб ва охиригача ўрганилмаган.

Ҳозирги вақтда атоиммун аллергик назарияни кўп олимлар эътироф этадилар, вирусларга катта аҳамият берилади. Вирус таъсири натижасида ирсий мойиллик фонида иммун жавоб дисрегуляцияси пайдо бўлиб, бу гуморал иммунитетнинг ортиқча реактивлигига олиб келади. Беморлар организмидаги унинг турли тўқималари, ҳужайралари, оқсилларига антителолар назоратсиз ишланиб тушади. Кейинги босқич иммун комплекслар ҳосил бўлиши ва уларнинг турли орган ва тўқималарда йигилиб, уларни шикастлантириши

**Систем үзүүлүштөрдөн кийин клиник-морфологик таърифи
ишиң классификациясы (В. А. Насонова, 1975)**

Зарарланыштардын клиник-морфологик таърифи						
Реактивлүгү	Тери	Еүрүмлар	Сероз пардалари	Юрак	Утика	Бүйрек
Болшанишига ва кейинги авж оли- шига болып холпа кечип характери	«Капалак» жессудатив эртерма дискоид волчанка, жакын жакын	Артрайтия Попиартрит Пепикар- дит, пери- висцерит:	Пописеро- зит (тиев- рит), Пепиартрит Пепикар- дит, пери- висцерит:	Миокардит; үүчкли, диффуз; эндокар- дит; митрал типитов- чукук, экс- сультли, адгезив	Дигифуз гломерулоп- нефрит Нефротик ёки араалы типпа; үүчокли неф- рит;	Менинго- энцефалит; Полиради- кулоневрит;
Үткір	Актив фаг- заси Юкори (III дара- жай)	Ургача (I даралка- ссы)	Ургача (I даралка- ссы) Менитимал (I даралка- ссы)	Миокард хроник; Кардио- склероз миокард дистрофия- си	Пневмонит: үткір Пневмонит: пифрит ёки араалы типпа;	Полиневрит
Үртчача үткір	а) Кайталовчи попиартрит ёки серозит б) дискоид вол- чанка	в) Рейно синдро- ми г) Верльгоф син- дроми д) эпилептиформ синдром	Ноактив фаза (ре- миссия)			

хисобланади. Яллигланиш ва биритириувчи түқима деструкцияси жараённада янги антигенлар озод бўлади, бунга жавобан антителолар шаклланади, янги иммун комплекслар ҳосил бўлади. Натижада касаллик хроник тус олади.

Бундан ташқари, антиген-антителолар реакциясида түқималарда гистамин, гепарин, серотонин каби биологик актив моддалар озод бўлади, улар биритириувчи түқима фермент системалари мувозанатининг бузилишига имкон беради.

Систем қизил волчанка патогенезида табий тормоз механизмларининг бузилишига муайян аҳамият берилади.

Клиник манзараси. Бизга маълум бўлдики, систем қизил волчанка биритириувчи түқима касаллиги бўлиб, унга кўп орѓанлар ва системалар тортилади ва у хроник, авж олиб кечади; бинобарин, айrim органлар ва системалар жараёнга эртами-кечми қўшилади. Касаллик клиникаси жараённинг оғир-ентиллигига, активлигига, висцерал ва бошқа белгилари борлигига боғлиқ.

I. Субъектив маълумотлар. Улар турли-туман:

— бўғим, мушакларда оғриқ, беҳоллик, ориқлаб кетиш, тана, юзга тошмалар тошиши, кўп терлаш, доҳаслик, бош оғриғи, иш қобилияти пасайиши;

— тана ҳароратининг вақти-вақтида ёки доимий кўтарилиши, баъзан эт жунжикиши; қўл бармоқлари, тирноқ ўрни қизариши, совқотиши (Рейно синдроми);

— қовурғалар остида, қоринда оғриқ, иштаҳа бузилиши, ич бузилиб туриши, бел соҳасида оғриқ, дизурик ҳодисалар бўлиши мумкин;

— юрак соҳасида ёқимсиз сезги ёки оғриқ, юрак уриши, аксарият нафас қисиши; кўпинча қуруқ йўтал;

— серзардалик, доимий «дискомфорт» ҳолат, бош айланиши, уйқу ёмонлиги ва астеновегетатив синдромга хос бошқа шикоятлар. Ҳамма шикоятларни санаб чиқиш қийин, бироқ шикоятлар бўйича кўпгина органлар ва системаларнинг касаллиги тўғрисида ўйлаб кўриш мумкин.

II. Субъектив маълумотларга мантиқан ёндошиш.

III. Объектив маълумотлар:

1. Умумий кўздан кечириш, ахвол ўртача оғирликда ёки оғир. Рангпарлик; ориқлаб кетиш; дистрофик ҳодисалар; полиморф эритематоз тошмалар; эшакем ёки аллергиянинг бошқа белгилари камроқ — моноп-олиго-полиартрит; нотўғри типдаги иситма 39—40° С гача; мушаклар атрофияси; лимфатик тутунлар катталашуви; шинши синдроми ва б.

2. Айrim органлар ва системалар бўйича кўздан кечириши:

— бўғимлар: улар 80—90% гача заарланади ва артралгия, артрит билан юзага чиқади, аксари миалгия, миозит, мушак атрофияси, эпифизар остеопороз ривожланиши, бўғим шакли ўзгариши ва вазифаси бузилиши билан ўтади. Аксарият панжа, билак-панжа, болдир-товоң бўғимлари, баъзан йирик бўғимлар ҳам заарланади;

— тери заарланниши; юзда, бурунда («каналак»), бошқа жой-

ларда эритематоз тошмалар пайдо бўлади. Тери кўп заарланиди, «каналаклар» борлиги ишончли симптом ҳисобланади;

— юрак-томирлар системаси: юракнинг деярли ҳамма қатламлари заарланади, аксарият перикардит ёки эндокардит кузатилиди; ўзоқли ёки камроқ диффуз миокардит; миокадиодистрофия; томирлар заарланиши — эндоартерийт, флебит, Рейно синдроми, тахикардия; аритмия бўлиши эҳтимол; гипо-ёки гипертония (буйрак заарланганда);

— нафас системаси: нафас қисини, қуруқ ёки балғам аралаш қопли қаттиқ йўтал, цианоз, қуий бўлакка монанд нам, кренитацияни хириллаган товушлар, ўпка тасвири шакли ўзгариши ва кучайиши, пневмонит ёки пневмонияга хос шикоятлар (иккиламчи инфекция кўшилган ҳолларда);

— сероз пардалар заарланиши, бу касаллик учун симптомлар триадаси (дерматит, артрит, полисерозит) озми-кўпми хос, айниқса плевра, перикард, камроқ қорин пардаси, одатда қуруқ ёки эксудатли серозит кўринишида заарланади;

— меъда-ичак йўллари томонидан диспептик ҳодисалар кузатилиди; анорексия, қоринда ноаниқ оғриқ (талоқ инфаркти; ичак тутқич, ичак деворининг геморрагик шиши; ярати-некротик жараёнлар, энтероколит, перитонизм, панкреатит ва б.);

— буйрак заарланиши: гломерулонефрит, люпус-нефрит кўринишида тез-тез учраб туради. Ҳар хил турлари: ҳомиладорлар нефропатияси, алоҳида сийдик синдроми учрайди; нефротик, нефротик ёки баъзан пиелонефротик синдром. Буйрак хасталигини радиоизотоп ренография, функционал диагностика, буйракни биопсия қилиб тасдиқлаш мумкин;

— жигар заарланиши: у жигарнинг ёғли дистрофияси, камроқ-генатомегалия билан гепатит, сариқлик синдроми. Оғриқ синдроми, озиб кетиш, жигар функцияси бузилиши кўринишида учрайди;

— нерв-психик сфера заарланиши: астеновегетатив синдром (бехоллик, тез чарчаш, адинация, бош оғриги, уйқу бузилиши, кўйи терлаш); эйрофия, хотира сусайиши, алаҳлаш, галлюцинация, эпилептиформ тутқаноқ кабилар кўришида юзага чиқади. Полиневрит; кўндаланг миелит, менингоэнцефалит бўлиши ҳам мумкин.

В. И. Померанцев маълумотларига кўра (1987) систем қизил волчанкали беморларда артрит ва артрангиялар 92 % ҳолларда кузатиласди; иситма (84 %), терида тошма (72 %), буйрак заарланиши (53 %), юрак заарланиши (50 %), плеврит (50 %), лимфоденопатия (54 %), жигар заарланиши (25 %), МНС (20 %), галоқ ва гемолитик анемия (10 %) учрайди.

IV. Кўшимча текшириш методлари.

Кечиши: систем қизил волчанка клиник кечишининг уч турни фарқ қилинади: ўткир, ўртacha ўткир; учинг хро尼克, клиник, иммунологик ва морфологик белгилари бўйича активлигининг учта даражаси ажратиласди (III, II ва I даражаси, 29-жадвал):

— ўткир тури учун тўсатдан бошланиши, иситма, полиартрит, серозит, тери заарланиши хос, жараёнга буйрак, МНС, ўпка каби-

лар қўшилади, лаборатория, биохимиявий, иммунологик силжишлар юзага чиққан (яъни жараён активлигининг III даражасига мос келади);

— ўртача ўткир босқичи зимдан, умумий симптомлар билан бошланади: артралгия, миалгия, бунга аста-секин ички органлар тортилади;

— хроник кечишида айрим симптомлари ва синдромлари юзага чиққади, касаллик узоққа чўзилади, симптомлари кам бўлса-да, кейинчалик кўп органлар ва системалар тортилади.

Диагностикаси. Врачнинг етарлича билими, кузатувчанлиги бўлсагина тўғри диагностика қилиш мумкин, бу йигилган информация апализларига асосланган ҳолда ёндошишга боғлиқ: жараёнинг турли-туман кечиши ҳисобга олинниб тузилган текширув пласти, касалликнилг монов- ва полисиндромлиги, унинг диагностик мезонлари шулар жумласига киради. Бу масалада бизга система қизил волчанка симптомлари комплекси билан бирга Америка ревматологик уюшмаси ишлаб чиққан мезонлар: юздаги эритема («камалак»); дискоид волчанка, Рейно синдроми; алопеция; фотосенсибилизация; оғиз ёки бурун-ҳалқум бўшлиғидаги яра-чақалар; шаклни ўзгартирамайдиган артрит; протеинурия (суткасига 3,5 г дан кўп); цилиндрuria; плеврит, перикардит, психоз, талвасалар; гемолитик камқоплик ва (ёки) лейкопепия ва (ёки) тромбоцитопепия ёрдам беради.

4 та мезон бўлганда система қизил волчанка диагнози етарли даражада ишончлиdir. Унинг диагностикасида СССР МФА Ревматология илмий-текшириш институтидаги ишлаб чиқилган диагностик мезонлар бирмунча ёрдам беради. Катта ва кичик мезонлар ֆарқ қилинади.

1. Катта диагностик мезонлар: 1) «камалак»; 2) люпус-нефрит; 3) артрит; 4) зотилжам; 5) қонда LE ҳужайралар топилиши; 6) АНФ юқори титри; 7) гемолитик камқонлик (Қумбс мусбат синамаси билан); 8) Верльгоф синдроми (аутоиммун); 9) биопсия материала (буйрақ, тери) гематоксилин таначалари; 10) талоқ ва жигарда LE ҳужайралар топилиши.

2. Кичик диагностик мезонлар: 1) иситма; 2) гавда оғирлиги пасайиши; 3) капилляритлар; 3) тери тошмаси (спецификмас); 5) полисерозит; 6) лимфаденопатия; 7) гепатоспленомегалия; 8) миокардит; 9) нерв системаси заарланиши; 10) полимиозит; 11) полиартралгия; 12) Рейно синдроми; 13) СОЭ ошиши; 14) камқоплик; 15) тромбоцитопепия; 17) гипергамма-глобулинемия; 18) Вас-серман соҳта мусбат реакцияси; 19) АНФ (антинуклеар омил) паст титрда. Тўртта катта мезон бўлганда диагпоз ишончли, фақат кичик мезонлар ёки артрит + кичик мезонлар бўлганда эҳтимолий, 2—4 та кичик мезон бўлганда диагноз шубҳали ҳисобланади.

Бундан ташқари, система қизил волчанка диагнозини клиникаси шу касалликни эслатадиган коллагенозларнинг бошқа клиник формалари ва айрим касалликларни истисно қилиб ёки тасдиқлаб аниқласа бўлади.

Систем қызил волчанка активлигі мезонлари (В. А. Насонова, 1983)

Күрсаткыч	Активлик даражаси		
	III	II	I
Тана ҳарорати	38°C ва бундан юқори Рўй-рост Рўй-рост	38°C дан паст Үртача Үртача	Нормал «—» «—»
Ориклиш Трофика бузилиши	«Капалак» ва волчанка тиидаги эритема	Эксудатив эритема	Дискоид ўчоқлар
Полиартрит	Үткир, үртача ўт-кир	Үртача ўткир	Шаклпи бузадиган артралиялар
Перикардит Миокардит	Эксудатли Диффуз	Қуруқ Ўчоқли	Адгезив Миокардиодистрофия Митрал етишмовчилик
Эндокардит	Күп клапанлар заарланиши	Битта клапан (аксари митрал) заарланиши	Митрал етишмовчилик
Плеврит Пневмонит	Эксудатли Үткир (васкулит)	Қуруқ Хроник (интерстициал)	Адгезив Пневмофиброз
Нефрит	Нефротик синдром	Нефротик ёки алоҳида	Хроник гломерулонефрит
МНС заарланиши Гемоглобин, г/л	Үткир энцефалорадикулоневрит 100 дан кам	Энцефалоневрит 100—110	120 ва бундан юқори
СОЭ, соатига/мм Фибриноген, г/л Умумий оқсил, г/л Альбуминлар	45 ва бундан юқори 6 70—80 0,30—0,35	30—40 5 80—90 0,40—0,45	16—20 5 90 0,48—0,60
Глобулинлар: альфа-2 гамма Е-хужай-ралар	0,13—0,17 0,30—0,40 5:1000 лейкоцит	0,11—0,12 0,24—0,35 1:2:1000 лейкоцит	0,48—0,60 0,10—0,11 Битта-иккита ёки бўлмайди
Антингуклеар омил	1:128 ва бундан юқори	1:64	1:32
Антителолар ДНКга писбатан (ти-трлари)	Юқори	Үрта	Паст

1. Систем склеродермия. Систем қызил волчанкадан фарқли ўла-роқ, систем склеродермияда асосан тери қоплами заарланади: Рейно синдроми аниқ юзага чиққан ва тарқалган (оёқ панжасини қамраб олган ва лаб, юз, тил учи караҳт бўлиб қолиши билан ўтади); ютиш қийинлапшади, ютишда одам қалқиб кетади, кейин оғзи-ни оча олмайди. Терида шиш, индурация ва атрофия, шиллик пардалар ортиқча қуриган; кечиккан босқичларида соchlар тўкилади,

тириоқларда яра-чақалар пайдо бўлади, шакли ўзгаради, юз тери-си зич бўлиб қолади, юз анемик («маскасимон»), меҳнат қобилияти, ўз-ўзини уддалаш йўқолади.

Бошқа коллагенозлардаги каби, систем склеродермияда айрим органлар ва системаларнинг (юрак, ўпка, буйрак ва б.) заарланиши аниqlанади.

Систем қизил волчанка ва систем склеродермия ўртасида дифференциал диагностика ўтказилганда йигилган инфомация ҳажми, заарланиши характеристи ва даражаси, уларнинг ҳар бири учун хос бошқа мезонлар ҳисобга олинади.

2. Дерматомиозит. Дерматомиозит — кўндаланг-таргил мушак тўқимаси, тери ва бўғимларнинг систем яллигланиш касаллиги.

Дерматомиозитда касалликнинг 5 асосий группаси фарқ қилинади:

- 1) бирламчи идиопатик полимиозит;
- 2) бирламчи идиопатик дерматомиозит;
- 3) ўсмали дерматомиозит (полимиозит);
- 4) болалар дерматомиозити (полимиозит) вакулит билан;
- 5) дерматомиозит (полимиозит) бошқа коллагенозлар билан бирга.

Айтилганлардан маълум бўлишича, дерматомиозитда (лоақал касалликнинг бошланғич даврларида) скелет мушаклари, тери заарланиб, кейинроқ касалликнинг висцерал ва бошқа белгилари пайдо бўлади. Дерматомиозитнинг бош белгиси скелет мушакларининг заарланиши ҳисобланади: мушаклар оғрийди, зичлашиб ва хамирсимон бўлиб қолади, пайпаслаб кўрилганда оғрийди; мушак сустлиги орта боради; беморлар ҳаракати чекланиб қолади — улар ўзларича тура, ўтира олмайдилар, зинага оёқни кўтара олмайдилар («автобус» симптоми), соч тараи, кийина олмайдилар («кўйлак» симптоми) ва б. Бундан ташқари, ҳалқум мушаклари (дисфагия), бўйин ва орқа мушаклари (бош кўқракка эгилиб тушаверади), қовурғалараро мушаклар ва диафрагма (кўқрак қафаси экскурсияси чекланиши, зотилжам қўшилиши), бошқа органлар ва системалар заарланиши мумкин, бу ҳаракатларнинг бутунлай тўхташига олиб келади. Бошқа белгилари бўйича, айниқса висцерал белгиларига кўра дерматомиозит умуман коллагенозларни әслатади.

3. Тугунчали периarterиит — асосан мушак типидаги ўрта ва майда артерияларнинг заарланиши билан ўтадиган систем томир касаллиги. Биринчи марта Куссмаул ва Лейер (1866) тасвирлашган. Асосан 30—50 ёшдаги эркаклар (аёлларга нисбатан 2—4 марта кўп) касалланадилар. Касаллик аксарият умумий симптомлар билан бошланади ва касаллик клиникаси жараён жойлашган жойга (қайси томир заарланганига) боғлиқ: тана ҳарорати ошган, бўғимлар, мушаклар, қовурғалар остида, қоринда, бел соҳасида оғриқ, тобора ориқлаш, терида тошмалар, юрак, буйрак, ўпка, мельдапчак йўли, жигар, перв системасининг заарланиши белгилари ва б. Тугунчали периarterиит учун антибиотиклар билан даволаш кор қилмайдиган «сабабсиз» иситма (кортикостероидлар наф беради).

ди); артраптия, күчиб юрадиган артрит, теридағи турли-туман за-
рарлапашлар (эрitemатоз, доғсимон-папулалы, геморрагик, уртикар,
некротик); тери остида оғрийдиган тугунчалар; тез ориқлаш, бәхол-
лик, иштаңа йўқлиги, кўп терлаш каби симптомлар хос. Диагности-
каси қийироқ. Энг кўп учрайдиган синдромлар:

- буйрак-полиневритик;
- буйрак-абдоминал — юракка тегишли;
- ўпка-юрак — буйракка тегишли;
- ўпка-полиневритик.

Келиб чиқиши номаълум иситма, сабабсиз бўшамниш, кўп тер-
лаш, артраптия, миалгия, ҳар хил оғриқ синдромида даволаш кор
қилмаса, тугунчали периартериит ва бошқа коллагенозлар тўғриси-
да фикр юритиш лозим.

4. Ревматизм, ревматоид артрит, гемобластозлар, эндокардит-
лар ва бошқалар шу касалликлар учун хос симптомлар ва силд-
ромлар борлигига асосланиб истисно қилинади.

5. Систем қизил волчанкани ички органларнинг асли, мустақил
касалликларидан ҳам фарқ қилиш зарур.

30-жадвал

Терапевтик таъсирига эришгандан сўнг преднизолон дозаларини камайтиришнинг тахминий схемаси

Преднизо- лон дозаси мг да	Ҳафталар							
	1-	2-	3-	4-	5-	6-	7-	8-
75	70	65	60	55	50			
50	47,5	45	45	42,5	42,5	40	40	
40	37,5	37,5	35	35	32,5	32,5	30	30
30	28,5	27,5	25	25	22,5	22,5	20	20

Асоратлари кўп сонли: ўпка-юрак ва юрак етишмовчилиги, хроник буйрак етишмовчилиги, қахексия, геморрагик ҳодисалар, тромбоэмболия, жигар етишмовчилиги. Кортикостероидлар (стероид психоз, яралы-некротик жараёнлар ҳосил бўлиши, тутқаноқ, қон оқиши, қандли диабет), иммунодепрессантлар (камқонлик, эндокрин бузилишлар, иккиласмичи инфекция қўшилиши, диспептик ҳодисалар), антибиотикларни (кандидамиказ) назоратсиз ёки узоқ вақт қўлланиш натижасида юқорида асотатлар пайдо бўлади.

Диагнознинг тахминий таърифи:

1. Систем қизил волчанка, ўткир кечиши, активлиги III даражада. Полиартрит, пневмонит, менингоэнцефалит. Қўшилиб келгани: хроник ўрта отит, тонзиллит. Асоратлари: нафас етишмовчилиги II даражаси, Н₁.

2. Систем қизил волчанка, хроник кечиши, активлиги I-II даражада. Нефрит, Адгезив плеврит, перикардит, полиартралгия. Қўшилиб келган: ҳомиладорликнинг 31—32 ҳафтаси.

3. Систем қизил волчанка, ўртача ўткир кечиши, активлиги II даражака. Миокардит, полирадикулоцеврят. Қўшилиб келган: чов-брғоқ чурраси сабабли операциядан кейинги ҳолат. Асоратлари: II и «А», тана огирилиги етишимаслиги. Ориқлаш.

Даволали: даволаш тадбирлари жараённинг кечиши, активлик даражаси, огири-енгиллиги, висцерал белгилар, асоратлар ҳолати, беморнинг умумий иммун-биологик ҳолати. Ўткир кечганда, жараён қўзиганда касалхонага жойлаштирилади. Сервитамин овқатлар берилади.

— даволашни (дастлабки ўртача ўткир, хроник кечини турларида) яллигланишига қарши ностероид препаратлардан (индолметацини, бруфен ва б.) бошлаб, узоқ вақт қўлланиши керак;

— асосан териг заарланиб хроник кечганда: делагил кунига 0,25—0,5 дан (10—14 кун), сўнгра тунга 0,25, плаквенил 0,2 г дан кунига 4—5 марта;

— ўткир ўртача ўткир кечганда, хроник жараён қўзиганда гормон билан даволаш (преднизон, преднизолон, полкартолон). Активлигининг III даражасида 40—60 мг, II даражасида — 30—40, I да 15—20 мг преднизолон тавсия қилинади (30-жадвал).

Гормонал терапияни қатъий кўрсатмалар бўлганда асосий жарабининг оғир-енгиллиги ва bemорнинг кўтара олишига қўра ўтказлади.

Автоинфекцияга, ўчоқли жараёнлар қўшилишига барҳам бериш учун етарли дозада антибиотиклар (суткасига 2—3 млн), зарурат бўлганда эса 500 000 ТБ дан кунига 3—5 марта инстациин ёки 500 000 ТБ дан кунига 4—6 марта леворип (7—8 кун) тайинланади. Гормонал терапиядан асоратлар пайдо бўлганда тегинли даво қилиши талаб этилади.

— иммун депрессантлар: циклофосфамид ва азотиоприн (имурин) 1—3 мг/кг ҳисобидан (кунига 100 дан 200 мг гача) преднизолон (10 дан 40 мг гача) ёки бошқа кортикостероидлар билан бирга кенг қўлланилади. Иммун депрессантлар билан даволаш курси 2—2,5 ой. Улар систем қизил волчанкада 40—80% ҳолларда наф беради;

— давони минерал ва сув алманинуви ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ўтқазни лозим: гипокалиемияда кунига 3—4 марта 1—2 г дан калий хлорид ичини тавсия қилинади; остеопороз бўлганда — анаболик стероидлар (5 мг дан кунига 3—4 марта нерабол 3—4 ҳафта мобайнида) қўлланилади;

— кўрсатмалар бўйича (астепо-вегетатив синдром, стероид психоз, талваса хуружи бўлганда) седатив воситалар (бромидлар, валериана, марваридгул, элениум, тазепам), резерин (0,25 мг дан кунига 2—3 марта, аминазин (0,025 г дан тунга, ёки 1 мл дан 2,5% ли эритмаси мушаклар орасига) тайинланади;

— умум мустаҳкамлайдиган, симптоматик ва бошқа препаратлар: 6% ли витамин В₁ эритмаси 1 мл дан (30—40 инъекция), 2,5% ёки 5% ли витамин В₆ 1 мл дан, витамин В₁₂ 200 мкг дан (10—20 инъекция), витамин В₂ 0,02 г дан кунига 3 марта, аскор-

бин кислотанинг 5% ли эритмаси 2—4 мл дан мушак орасига ёки венага 1—3 ойтагча тайинланади;

— тўғридан-тўғри кўрсатмалар бўлганда: юрак дорилари ва сийдик ҳайдайдиган (строфантин, коргликон, лантозид, фурасемид, гипотиазид), гипотензив, дезинтоксикацион (гемодез, инсулин, натрий бикарбонат) препаратлар тайинланади;

— физиотерапевтик муолажаларга одатда рухсат этилмайди, умумий ҳолат имкон берса, массажни тавсия қилиш мумкин.

Диспансерда кузатув. Доимий олиб борилади, систем қизил волчанкали беморлар ҳисобдан чиқарилмайди. Диспансерда кузатув стационарда бошланган давони охирига етказиш, ўчоқли инфекциялар қўшилишининг, асоратларнинг олдини олиш учун зарур.

Профилактикаси. Мақсад:

- 1) касаллик қўзиши ва авж олишининг олдини олиш;
- 2) касаллик пайдо бўлишининг олдини олиш (бирламчи профилактика).

1. Бирламчи профилактика: кенг согломлаштириш ва санитария-тигиена тадбирлари, ўчоқли инфекциялар ва келиб чиқиши ҳар хил бошқа касалликларга даво қилиш, «таҳдид соладиганлар» группасини аниқлаш, уларни текшириш, кузатув олиб бориш.

2. Систем қизил волчанка авж олишининг олдини олиш учун участка терапевти планли ва мақсадга йўналтирилган иш олиб бориши зарур (даво устидан кузатиш; касалликнинг клиник, лаборатория кўрсаткичлари устидаи кузатиш).

Контрол саволлар:

1. Коллагенозлар муаммосига ҳозирги қараш; систем қизил волчанка этиологияси ва патогенези.
2. Касаллик клиник вариантларининг ишчи класификацияси (1975), унинг моҳияти.
3. Систем қизил волчанканинг кечини характеристига кўра клиникаси ва диагностикаси.
4. Жараён активлиги даражаси клиникаси ва диагностикаси.
5. Касалликнинг диагностик мезонлари.
6. Касалликнинг висцерал белгилари клиникаси ва диагностикаси, систем қизил волчанка билан бошқа коллагенозлар ўртасидаги дифференциал диагностика қилиш принциплари.
7. Даволали тадбирлари, жумладан кортикостероидлар билан даволали плани ва принциплари.
8. Прогнози. Диспансерда кузатув. Касалликни бирламчи ва иккиласми профилактика қилишдан мақсад ва вазифалари.

РЕВМАТОИД АРТРИТ

Таърифи. Ревматоид артрит — бирюктирувчи тўқиманинг систем яллиғланиши касаллиги, у хроник авж олиб борадиган эрозив-деструктив полиартрит, жараёнга кўпгина органлар ва системалар тортилиши билан ўтади.

Касаллик жағондаги мамлакатларда анча кең тарқалган.

В. А. Насонова маълумотларига күра упилг турли мамлакатларда тарқалиши деярли бир хил, кечиши ва ёмон оқибатлари бүйінча эса бошқа бўғим касалликлари орасида унга тенг келадиганы йўқ.

Ревматоид артрит бўғим касалликлари умумий сонидан 40% ни ташкил этади, 15—20% ҳолларда меҳнат қобилиятининг бадар йўқотилишига олиб келади. Асосан ёш ва ўрта ёшдаги одамлар (20—50 ёш) касалланадилар. Аёллар эркакларга нисбатан 2—3 марта кўп оғрийдилар.

Кўп йилларгача биз 1961 йилда А. И. Нестеров таклиф қилган классификациядан фойдаланиб келдик, унда ревматоид артритнинг қўйидаги клиник анатомик формалари ажратилган: 1) асосан бўғим формаси; 2) бўғим-висцерал; 3) комбинация қилинган, бундан ташқари, классификацияда касалликнинг кечиши, жараённинг активлик даражаси ва бўғим функциясининг бузилиш даражаси келтирилган. Ҳозирги вақтда ревматоид артритнинг қўшимчалар киритилган янги ишчи классификацияси қабул қилинган (31-жадвал).

Анамнез, bemорни таҳлил қилишнинг клиник маълумотлари ва назарий билимлар асосида студент қўйидагиларни билиши керак:

1. Бўғимларнинг заарланиш характеристи (яллиғли, дистрофик ва б.), висцерал белгилари табиатини аниқлаш.
2. Беморни текширишнинг асосланган планини тузиш.
3. Қўйидагиларни ҳисобга олиб, замонавий классификацияга биноан диагнозни тўғри аниқлаш ва таърифлаш:
 - а) касалликнинг ишончли симптомлари, синдромлари, диагностик мезонларни билиш;
 - б) кечиш вариантлари, активлик даражаси, рентгенологик маълумотлар, бўғимлар ва bemорнинг функционал қобилиятини билиш.
4. Илмий асосланган даво ўтказиш, касаллик прогнози, натижасини санаторий-курорт ва операция қилиб даволашга кўрсатмани аниқлаш.

Этиопатогенези. Этиологияси аниқланмаган.

1. Ревматоид артритда этиопатогенез, морфологик ўзгаришларни ўрганишда ватанимиз ва чет эл олимларининг хизматлари.
2. Ўчоқли, аввало стрептококк инфекциянинг аҳамияти, шу фикрин исботлайдиган далиллар.
3. Ташқи (об-ҳаво, меҳнат, турмуш, ҳаёт таъсири) ва ички (жинс, ёш, модда алмашинуви ҳолати ва б.) омилларининг аҳамияти.
4. Ирсий, эндокрин система омилларининг аҳамияти, ревматоид артритнинг полизиологик хусусияти.

Ревматоид артрит патогенезида бирламчи инфекция (стрептококк) ўчигига катта аҳамият берилади. Ревматоид артритнинг кўпинча ўчоқли инфекцияси бўлган bemорларда, ўткир респиратор касаллик, «грипп», ангинадан сўнг, қон зардобида стрептококка

қарни антителолар бўлганда пайдо бўлиши ана шундан далолат беради. Унинг патогенезида иммун система бузилишиларига, гуморал ва ҳужайра иммунитетига катта аҳамият берилади.

Патологик анатомияси. Биринчиурчи тўқима вазифасининг издан чиқиши ва бўгимлар заарланишининг учта қонуний босқичлари мавжудлиги хос:

1) бўгимларнинг юмишоқ тўқималарида экссудатли-дистрофик ўзгаришлар;

2) грануляциян тўқима ривожланиб пролифератив ўзгаришлар юз бериши;

3) склеротик ўзгаришлар устунлик қилиб, анкилоз, суюкнинг қисман, тўлиқ чиқиши, деформацияси.

Бундан ташқари, бошқа орган ва системалар (буйрак, ўпка, юрак ва б.) томонидан яллиғли, дистрофик, склеротик ўзгаришлар кузатилади.

Клиник манзараси. Клиник-анатомик формалари, касалликнинг кечиши, жараённинг активлик даражаси ва оғир-енгиллигига кўра турли-туман бўлади.

I. Субъектив маълумотлар:

— бўгимларда оғриқ (эрталаблари кучаяди, айниқса қўл-оёқ панжасининг майдада бўлади, оғриқ ҳа деганда тўхтамайди, бўгимлар симметрик заарланади);

— бўгимларда ҳаракат чекланади;

— бўгимлар шакли ўзгариши (яллиғланиш белгилари, суюк ўсиг қалинлапуви, деформация, анкилозлар);

— эрталабки караҳатлик (ўришдан туришда, қўл панжасини мунит қилиб қисишда, кийинишида, юришда қийналиш); бўгимлардан қисирлаган товуш чиқиши;

— тана ҳароратининг вақти-вақтида кўтарилиб туриши, лоҳаслик, оғриқдан яхши ухлай олмаслик ва б.

II. Объектив маълумотлар.

1. Умумий кўздан кечиришда одатда тери қопламлари ранг-парлиги, кўн терлаш, баъзан гипертремия, ориқлаб кетиш ва б.

2. Бўгимларни кўздан кечириш: жараённинг активлиги даражасига, бўгимларнинг функционал қобилиятига кўра тегинли бўгимларда қатор патологик ўзгаришлар кузатилади: шакли ва контури ўзгариши, ҳамма белгилари билан артрит ҳодисаси юзага келади; яра-чақалар, мушак атрофияси, флюктуация, пайнаслаб кўришида крепитация, шунингдек бўгим бўшлиғида «бўгим сичқонлари» бўлиши мумкин.

3. Юрак заарланиши (эндокардит, миокардит, перикардит, юрак пороклари — аксарият митрал етишмовчилик, камроқ ҳолларда юрак етишмовчилиги);

4. Ревматоид артритнинг бошқа висцерал белгиларига:

— ўпка заарланиши (ревматоид плеврит, ўпка фибрози, ўпка ва плевранинг тугунли заарланиши, плевродиафрагмал ва плевроперикардиал битишмалар борлиги);

Ревматоид артриттіннң ишчі класификациясы

Клиник-анатомик таърифи	Клиник-иммунологик таърифи	Касалликкінг көчипши	Активлик даражасы	Артриттіннң рентгенологиялық боскочы	Беморниң функционал қобиляғаты
I. Ревматоид артрит полиартрит олигоартирит моноартрит	Серопозитив Серонегатив	1. Секин авж ола- пігін (класик) 2. Тез авж ола- пігін 3. Кам авж ола- пігін (ханфіз)	1. Ремиссия 2. Минимал 3. Урта 4. Юқори	I. Бұйым олди, А. Сақланыб қол- ган остеопорозы II. Остеопороз + бүйім ёріги торайшыи III. Остеопороз, бүйім ёріги торайшыи, күп болып сонғы пакшлар IV. Шундай + су- як анкилозлари	Ган Б. Бузилган 1. Қасб-жорға қобиляйт сақ- ланыб қолған 2. Қасб-жорға қо- бындықты 3. Ұз-ұзға хиз- мат қалыпты 4. Йүқто-
II. Ревматоид артрит висцеритлар, се- реникуло-эндотеліал система, се- рор пардалалар, ўнка, юрак, то- мирлар, жүз, бүйрак, нерв сис- темасы заразаланғанда, органдар амилоидозы билап					
III. Фелги синдромы					
III. Ревматоид артрит шактты ўз- гартирувчи остеоартроз, бирік- тирүүчі түкіманинг диффуз касалликлары, ревматизм оллан					

— бүйрак заарланиши (протеинурия, микрогематурия, бальзан цилиндурия ва ревматоид бүйрак амилоидози, гломерулонефрит, ишемонефритнинг бошқа белгилари);

— жигар заарланиши (ўнг қовурғалар остида оғриқ, кўнгил айниши, гепатомегалия, жигар турли функциялари бузилиши);

— меъда-ичак йўлларининг диспептик ҳодисалар, иштача, секретор функция бузилиши, гастрит, энтероколит, ичак амилоидози кўринишида бузилиши;

— бўғимлар бузилиши (камдан-кам ревматоид васскулит, петехиал тошмалар, тери қопламида пигментация, тери остида туғучалар);

— псевдосептик синдром (касаллик оғир кечиб, кўп органлар шикастланади, гектик ҳарорат, гараш-гараш терлаш, лимфаденит, гепатоспленомегалия билан ўтади);

— кўз (склерит, ирит, иридоциклит), нерв системаси (мононеврит, пейропатия), эндокрин ва қон яратилиш органлари ҳам заарланаади.

III. Умумий клиник, иммун-биохимиявий ва бошқа қўшимча текширув методлари:

— умумий қон анализи: эритроцитлар, гемоглобин миқдори камайинши, гипохромия ва камқонликнинг бошқа белгилари, лейкоцитоз, СОЭ тезлашуви;

— умумий сийдик анализи (протеинурия, микрогематурия ва жараёнга бўйрак тортилганининг бошқа белгилари);

— биохимиявий ва иммунологик силжишлар: диспротеинемия, гипер-альфа₁ ва альфа₂, гаммаглобулинемия, фибриногенемия, серомукоид миқдори ошиши. С-реактив протеин пайдо бўлиши, Ваалер—Розе, Латекс—тест, Грейленг—Фильчагин синамасининг мусбат натижалари ва б.;

— рентгенологик текшириш (остеопороз, бўғим ёриғи торайинши ёки йўқолиши, бўғим юзаларининг деструктив ўзгаришлари, суюк нуқсоналари, остеофильтлар. Суюк чиқиши, чала чиқиши борлиги);

— диагностикада синовиал суюқликни текшириш, синовиал нарда биопсияси, бўғим шикастларини радиоизотоп нурлантариш каби замонавий текширишлар ёрдам беради.

Диагностикаси — қийин масала ва кўяргила омилларга борлиқ, масалан:

1. Назарий тайёргарликка, bemордан йигилган информацияни батафсил анализ қилиш;

2. Ревматоид артрит бошланғич вариантларини билиш. Бу жиҳатдан СССР МФА Ревматизм институти ходимларининг ишлари диққатга сазовор. Улар 200 нафар bemорда ревматоид артрит бошлананишининг қуидаги вариантларини фарқ қиласидилар:

1) бўғимлар, аксарият қўйл ва оёқ панжаси майдага бўғимлари симметрик бадар заарланган полиартрит;

2) тизза, болдири-товои, билак-панжанинг йирик бўғимлари заарланган моно-ёки олигоартрит — 20% bemорларда;

3) инфекцион-аллергик тип бүйича ўтадиган полиартрит — 10 % беморларда;

4) иситма синдроми билан, бироқ ички органларни заарлантырмай ўтадиган полиартрит — 10 % беморларда;

5) висцеритлар билан ўтадиган полиартрит — 8 % беморларда.

3. Ревматоид артрит активлигининг диагностик мезонлариға ва активлиги даражасыга баҳо берин учун 32-жадвалдан ғойдаланип тавсия қилинади.

Хозирги вақтда Америка ревматологик ассоциациясының диагностик мезонларидаң ҳам ғойдалашылады (әрталабки караҳтлик, ҳаракатда ёки пайпаслашда оғриқ; юмшоқ түқималар шиши ёки бүгім бүшілігіда суюқлик борлиги, бошқа бүгімдеги шипп; шиппеган бүгімлар симметриктығы; тери остида тугупчалар борлиги; реңтгенологиялық ўзгарыштар; ревматоид омыл борлиги; синовиал суюқлик текширилгашаға ғовак мұзин ивицидесі борлиги; синовиал шарданиянг ўзига хос гистологик ўзгарышлари; тери ости тугунчаларининг ўзига хос гистологик ўзгарышлари).

4. Тұғри диагностика қилиш клиникасыда «бүгім» синдроми учрайдиган касалліклар билан дифференциал диагностиканы тұғри ўтказынға болғын: бу систем қызил волчанка ва бошқа коллагенозлар; ревматик полиартрит; инфекцион-аллергик полиартрит; исориатик артрит; подагра; Бехтерев ва Рейтер касаллиғи; инфекцион артритлар, Фелти, Бехчет, Шегрен синдромлари; саркаидоз, остеоартроз; хавфли ўсмалар метастазлар билан; күп сонли миелома ва б.

Диагнозны таҳминий таърифлаш:

1. Ревматоид артрит, серонегатив, секин авж олиб кечипши, активликнинг II даражаси.

2. Ревматоид артрит юрак, буйракининг амилоидоз тици бүйича заарланиши билан, серонегатив, төз авж олиб кечипши, активликнинг III даражаси;

3. Ревматоид артрит систем қызил волчанка билан, серопозитив, кам авж олиб кечиши, активликнинг I даражаси.

Даволаш. Бир неча босқында ўтказылады, активлик даражасы, жараёнлинг оғир-еңгіллігі, касаллікнинг висцерал белгилари албатта инобатта олинади.

I. Стационарда даволаш:

Ревматоид артритни актив даволаш учун ностероид, яллиғланышга қарши, десенсибилизация қыладиган воситалар, чунончи салицилат кислота упумлари (аспирин, патрий салицилат). пиразолон (бутадион, аналгин, амидопирин), индолсирка кислота (индометацин), антранил ва алкан кислоталар (ибупрофен, кетопрофен, напроксен, вольтарен) кеңг құлланилади. Секин таъсир қыладиган «асосий» воситалар (делагил, резохин), олтин препаратлари (миокризин, санокризин), Д-пеницилламин ҳам кеңг ишлатилади.

Жараён активлигининг юқори даражасыда ревматоид артрит тез авж олиб кечаетганды глюкокортикоидлар (гидрокортизон, преднизолон ва б.) оптималь дозаларда, левомизол, азотиоприн,

Ревматоид артритнинг клиник-лаборатория активлиги

Мезонлар	Активлик даражаси, балл ҳисобида			
	0	I	II	III
Клиник мезонлари: Эрталабки карахтлик	йўқ	30 мин гача	Кундузи соат 12 гача	Кундузи соат 12 дан кейин
Гипертермия (бўғимлар) соҳасида	йўқ	Оз-моз «—»	Уртacha «—»	Рўй-рост «—»
Экссудатив ўзгаришлар	йўқ			
Лаборатория мезонлари: Глобулинлар даражаси олиши, %	10 гача норма	12 гача 20 гача	45 гача 40 гача	15 дан кўп 40 дан кўп
СОЭ, соатига мм	йўқ	+	++	+++ ва бундан кўп
С-реактив оқсили				

антилимфоцитар зардоб, антилимфоцитар глобулин қўлланиши тавсия қилинади. Даво тадбирлари комплексига умум мустаҳкамловчи воситалар, симптоматик терапия, асосий жараёнга тортилган айrim органлар ва системалар фаолиятини яхшилашга қаратилган даволаш киради; физиотерапевтик муолажалар; даволаш гимнастикаси, айrim ҳолларда «локал» терапия (препаратларни бўғим бўшиғига юбориш), операция билан даволаш.

II. Даволашнинг диспансер-поликлиника босқичи:

Бу босқичда базис воситалар билан даволаш, инфекция ўчоқларини тозалаш, диспансерда кузатиш (текшириш), бўғимлар функциясини тиклаш ва жараён қайталанишининг олдини олиш, операция билан даволаш масаласини ҳал қилиш учун ортопед консультацияси, меҳнатга жойлаштириш масаласи, касалхонага такрор ётқизиш каби ташкилий даво тадбирлари ўтказилади.

III. Санаторий-курортда даволаш:

— санаторий-курортда даволашга кўрсатмалар ва монеликлар, муддатини, оптимал йил мавсумини белгилаш;

— асосий курортлар (Цхалтубо, Сочи, Пятигорск, Евпатория, Одесса ва б.). Бунда маҳаллый санаторийлардан кенг фойдаланиш, беморларни касаллик ремиссияси даврида юбориш тавсия қилинади.

Профилактикаси. Биринчидан, ревматоид артрит авж олишининг олдини олиш, иккинчидан, жараён қайталанишига йўл қўймаслик мақсадида ўтказилади.

1. Бирламчи профилактикаси (ўчоқли инфекцияга қарши курапш, социал-согломлаштириш тадбирлари, спорт машрутлари, организмни чиниқтириш).

2. Иккиласми профилактикаси (эрта диагностика, стационарда ва поликлиникада тўлиқ ремиссиягача ўз вақтида ва таъсирчан даволаш), илига камида 2 марта қайталанишига қарши даво қилиш ва плаили диспансер кузатуви.

Контрол саволлар

1. Касаллик этиологиясига замонавий ған нүқтai назаридан қараш.
2. Жараённинг кечиш варианtlарига кўра клиник симптоматика.
3. Бўгим заарланишининг тўлиқ таърифи.
4. Жараён активлиги даражасининг диагностик мезонлари.
5. Ревматоид артрит ишчи класификациясининг мезони ва моҳияти.
6. Ревматоид артритни даволашнинг замонавий жиҳатлари.
7. Ревматоид артритли беморларни диспансерлашдан мақсад.
8. Ревматоид артритни иккиламчи профилактика қилиш моҳияти ва мақсади.

ПОДАГРА

Таърифи. Подагра — қонда урат кислота миқдори ошиши, азот-и бирикмалар (пурин) алмашинуви бузилиши, тўқималарда урат кристаллари йигилиши, асосан таянч-ҳаракат аппарати ва буййрактар заарланиши, қайталанувчи ўтқир артрит билан ўтадиган авж олиб борадиган хроник касаллик.

Подагра бирламчи (мустақил касаллик ёки эссенциал шакли), иккиламчи (подагра бопқа касалликлар оқибати бўлганда) бўлиши мумкин.

Жаҳон соғлиқни сақлани ташкилоти маълумотларига биноан 100 000 аҳолига 34 та подагра ҳодисаси тўғри келади.

Подагранинг тарқалганлиги гиперурикемия даражасига боғлиқ (К. Кинев, 1980), бунда текширилган 8—20 % аҳоли қонида сийдик кислотанинг ошган миқдори аниқланади. Эркаклар подагра билан аёлларга қараганда тахминан 20 марта кўпроқ оғриб, бу ҳамма касалланганлар сонининг 85—90 фоизини ташкил қиласди.

Касаллик одатда 35—50 ёшда бошланади, бироқ ёшларда ёки ҳатто гўдак болаларда бошланиши ҳам мумкин.

Анамнезга, объектив маълумотларга асосланиб, бўгим касалликлари соҳасидаги ўз назарий билимларига таяниб, студент қўйидагиларни билиши керак:

- 1) бўгимда патологик жараён характеристини аниқлапи (ревматизм, ревматоид артрит, артроз, специфик этиологияли артритлар);
- 2) асосланган текшириш планини тузиш;
- 3) қўйидагилар асосида узил-кесил диагноз қўйиш:
 - подагранинг клиникаси ва клиник кечиш варианtlари, унинг диагностик мезонларини билиш;
 - дифференциал диагностика масаласига тўғри ёндопишни илгиси, аввало бўгимнинг бопқа касалликларидан фарқ қила олиш;
- 4) кечиш, касалликнинг висцерал белгилари ва қўшилиб кедиган касалликларни ҳисобга олиб, подаграга мақсадга мувоғиқ ғаво қилиш.

Этиологияси ва патогенези. Бирламчи (эссенциал ёки идиопатик формаси) ва иккиламчи подагра (қатор касалликларда пайдо бўладиган) фарқ қилинади.

1. Бирламчи подагра келиб чиқшида қўйидатиларнинг азамияти бор: ирсий омил — бир ёки бир неча генлар таъсирида пайдо бўладиган бирламчи идиопатик гиперурикемияга ирсий мойшлик бўлиши; организмда урат кислота синтези ошганлиги; буйрак ва бошқа органлар томонидан урат кислота ажратилиши камайиб кетиши; эндоген пуринлар синтези ошиши; пуринларнинг организма тушиши кўпайishi; глукозо-б-фосфатаза танқислиги ёки бул маслиги; глутамин реабсорцияси ошганилиги ва сийдик билан аммиак экскрецияси пасайганилиги.

2. Иккиламчи подагра кўп сонли омилларга қўра ривожланади: лейкоз, эссенциал полицитемия, гемолитик ва пернициоз камқонлик, миелом касаллиги; пурин асослари тутган дори моддаларини узоқ вақт қабул қилиши (кортикостероидлар, питостатиклар); рак ва саркома; азот ажратилиши функцияси бузилиши ва урат бирикмалар экскрецияси пасайишидан келиб чиқадиган буйрак касалликлари, бужмайтган буйрак, амилоидоз, гломерулопефритлар ва б.); дигуретикларни узоқ вақт қабул қилиши; қўргонин интоксикацияси; пур билан даволати.

Подагранинг умум қабул қилилган классификациясига биноап подагранинг метаболик, буйрак ва аралаш формалари фарқ қилинади. Метаболик формасида урат кислота синтези ошиши устунлик қиласиди; буйрак формасида — урат кислота экскрецияси пасайган; аралаш формасида урат кислота синтези ўртacha ошган ва унинг буйраклардан экскрецияси пасайган.

Ҳозирги вақтда подагра ривожланишида алиментар омилларга катта аҳамият берилади: овқатда пурин, ёғ углеводлари мўл маҳсулотларни кўп ишлатиш, ичкилик ичиши; камҳаракат ҳаёт тарзи билан бирга овқат калориясининг юқори бўлиши.

I. Касалликнинг кечиниши вариантларига қўра клиник танзараси.

Подагра клиникаси кечиниши вариантларига боғлиқ. Кечинишида 3 давр фарқ қилинади: 1) бошлапгич, преморбид ёки клиник давргача бўлган давр; 2) интермиттирловчи ёки ўтқир қайталанувчи ва 3) хроник.

1. Подагранинг преморбид ёки клиник давргача бўлган даври. Касалликнинг ўзига хос клиник белгилари бўлмаслиги билан характерланади. Бу даврда гиперурикемия, қон ва спайдикда урат бирикмалар миқдорининг ошишинига асосланиб яқин орада подагра ривожланади, деб тахмий қилиши мумкин.

2. Подагранинг интермиттирлайдиган ёки ўтқир қайталанувчан даври продромал, вақти-вақтида такрорланиб турадиган ўтқир ва хуружлараро даврларининг алмашиниб туриши билан характерланади.

1) ўтқир кечадиган подагранинг продромал даври ўтқир хуруж юз беришигача бўлган ҳолат бўлиб, унинг даракчилари қўйидагилар: адинация, ғамгинлик, безовталик, бирор хавф-хатарарни ўтиши;

инжиқлик, баш оғрғы, титраш ва чумоли юргаңдек сезги пайдо бўлиши, оёқ папжаси ва қўл папжасининг кўп терлаши, иштаҳа ёмояланувуи, нафас қисиши, кўнгил айниши, жигилдон қайнаши, қорин дам бўлиши, айрим беморларда буйрак санчиғи симптомлари, дизурик ҳодисалар кузатилади; бўғимлар соҳасида қизиш, иссиқлик, ачишиш сезилади, хуруж даракчиларсиз юз беришӣ ҳам эҳтимол.

2) ўтқир подагра яллиғланиши. У ўтқир подагра артрити ёки унинг бўғимдан ташқари формаси кўринишида кечиши мумкин:

— ўтқир подагра артрити (бўғим кризи) зааррланган бўғимда қаттиқ ачиштирадиган, босадиган оғриқлар билан бошланади, артритга хос ҳамма объектив белгилар (ўсма, маҳаллий ҳарорат, гиперемия, функциясининг тўлиқ бузилиши) бўлади. Аксарият оёқ бўғимлари зааррланади, бироқ майдада ёки йирик бўғимлар (тизаза, болдир-товор, умуртқа погонаси бўғимлари ва б.) ҳам зааррланishi мумкин.

Беморда бўғим кризи вақтида тана ҳарорати $39-40^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади, эт жунижикади, лоҳаслик, анорексия, баъзан полиурия ва никтурция кузатилади. Подагра кризи одатда 10—15 кун давом қиласиди, сўнгра ҳар $0,5-1-3$ йилда қўзиб, ҳамма ҳодисалар аста-секки нормага тушади. Ҳар гал қўзиши вақтида жараёнга янги янги бўғимлар қўшилади.

Сўнгти вақтларда подагранинг бир қадар атипик кечиши кўцироқ кузатилади:

— турли бўғимлар зааррланishi, тез-тез хуружлар бўлиб туриши;

— 18 % ҳолларда подагра учун хос бўймаган бошқа бўғимларнинг зааррланиси кузатилади — ревматоидсимон формаси;

— битта бўғимдаги оғриқ бошқасида енгиллашиб билан ўтади;

— баъзан подагра хуружи бир неча соатгина давом қиласиди (абортви формаси).

Подагранинг интермиттирловчи даврдаги бўғимдан ташқари формаларига қуйидагилар киради:

— периартритик формаси (пайлар, пай қинлари, шиллик парда чўнтаклари зааррланади);

— псевдофлегмоноз формаси (тапа ҳарорати кескин кўтарилади, тери шишади, қизаради ва тарафт тортади, флюктуация ва флегмонанинг бошқа симптомлари аниқланади,), бўғим ва перипартикуляр тўқима бир вақтда зааррланганда ривожланади;

— подагранинг мушак формаси, бунда болдир, орқа, бўйни мушакларида оғриқ қайд қилинади;

3) интермиттирлайдиган подагранинг хуружлараро даврида зааррланган бўғимлар ва тўқималар функцияси тўлиқ тикланади. Бироқ умумий беҳоллик, инжиқлик, гиперурикемия ва бошқалар сақланиб қолиши мумкин. Хуружлараро давр давомлилиги — 2 ҳафтагача, баъзан 10—20 йил.

3. Подагранинг хроник кечиши. Бунда хуружлараро давр қисқаради, бўғимлар ва перипартикуляр тўқималар подаградан

хроник яллигланади, бўгимлар, бўгимдан ташқаридағи тўқималар, органлар биргаликда заарланади. Кўп сонли бўғимлар (болдиртовон, тизза, панжа, тирсак, елка, чаноқ-сон, тўш-ўмров, баъзан эса думгаза-ёнбоп, жағ бўғимлари) заарланиб, деформация, иккиламчи артроз, бўғим функцияси бузилиши ривожланади.

Подагра хроник кечганда тоғуслар пайдо бўлиши эҳтимол. Тоғуслар — тўқималарда зич тугупчалар ҳолидаги урат бирикмалари тўпламларидир, улар 25 % дан 75 % гача ҳолларда (қулоқ супраси, склер, тирсак ўсимтасида) кузатилади, аксари уларга инфекция тушиб яралар, оқма яралар ҳосил бўлади, кейинчалик ямоқлар қолади. Тоғуслар ўлчами ҳар хил ($0,2 \times 0,2$; $2 \times 2,5$; $4,5 \times 2,5-3$ см), биттадан ёки гуруҳ-гуруҳ бўлиб жойлашиши мумкин.

Подаграда бўғимлар ва тўқималардан ташқари, кўпгина ички органлар (висцерал белтилар номини олган) заарланади, бу уларда урат бирикмалар йиғилини билан боғлиқ, бироқ улар клиник жиҳатдан деярли апиқлапмайди.

Подагра нефропатияси энг кўп ривожланади; паренхимада тоғуслар, урат тошлар аниқланади, пиелонефрит, нефрит, гломерулосклероз, буйрак етишмовчилиги пайдо бўлади. Нефропатия 57—70 % дан 73,5 % ҳолларгача учрайди; К. Кинев (1980) маълумотларига кўра подаграли беморларнинг 20 % буйрак етишмовчилигидан ҳалок бўлади.

Жараённинг эски-янгилиги, гиперурикемия даражаси ва урат атманипуви бузилишининг типига кўра хроник подагрининг енгил, ўртача оғирликдаги ва оғир кечиши фарқ қилинади;

— енгил кечиши хроник подаграли ёни улгайтан ва ўрта ёшдаги кишиларда кузатилади, бунда хуружлар кам (йилига 1—2 марта), 1,5—2 ҳафтага чўзилади, якка тоғуслар аниқланади, бўғимларда деструктив ўзгаришлар топилмайди;

— ўртача оғирликда кечиши: йилига 3—5 марта қайталанади, тахминан 21 % ҳолларда бўғимлар эпифизида деструктив ўзгаришлар қайд қилинади, гиперурикемиянинг юқори даражаси;

— подагрининг оғир кечиши: кўпинча ёшларда, тез-тез қайталаниши (йилита б ва бундан кўпроқ марта); сурункали бўғим атакаси: бўғимлар деформацияси қўшилади; кўп сонли тоғуслар борлиги; юқори гиперурикемия (666—1963 ммоль/л); рентгенологик (90 % ҳолларда) — деструктив ўзгаришлар.

II. Қўшимча текшириши методларидан олинган маълумотлар:

— периферик қон ва биохимиявий кўрсаткичлар: СОЭ, лейкоцитлар, глобулислар, фибриноген, беталипопротеiplар ва глюкопротенилар, серомукоид миқдори ошиши, альфа-липопротеин пасайини;

— сийдикни текшириш : оз-моз протеинурия, цилиндрурия; гематурия, чўқмада кўн миқдорда урат кислота кристаллари борлиги (сийдик-тош касаллиги ҳолларида); аксарият — сийдик солиштирма оғирлигигининг 1015 дан пастлиги, қонда мочевина ва креатинин миқдори ошиши, буйрак фильтрациясининг кескин пасайини, бу буйрак етишмовчилигидан далолат беради;

— сиповиал суюқликпүрек: урат бирималар миқдори ошиши, экссудат ёшишқоқлиги пастлығи, нейтрофил лейкоцитоз; сут кислота даражасы юқори ва глюкозаники — паст;

— рентген диагностикаси: подагра даврлари ва кечинш варигантларига күра ўзгаришлар турли-туман; ўткір ва ўртача ўткір артритда — бүгім ёриғининг потекис торайини; подагра хроник кечтанды — сүяқ эпифизида урат бирималар үйгілшіни ва камроқ сүяқ диафизида тухумсими шакидаги сүяқ тоғулары аниқлаңады; кейинчалик — сүяқ тұқымасы миқдори қамайини, остеоартроз ҳодисалари, остеофит белгилари; остеопороз;

— шу билан бирга текширип режасында қойындары текширип методлари: Зимшицкий ва Нечипоренко бүйіча сипама; урат кислота клиренсими аниқлаш; қоюни қолдик азот, мочевина миқдорига текширип, радиоизотоп реография, спиритография, экстракраниал урография ўтказып, бүйракда қон оқими, контокта фильтрацияси ва каналда реабсорбциясими текширип;

— подагралы беморларда атеросклероз, аксарият гипертония касаллиғи, қанды диабет, миокард инфаркті әрта ривожлациини сабаблы болық касалліларни истисно қылышын үчүн: қондаги қанды, холестерин миқдорини, протромбин, бета-липопротеидтар, триглицеридлар, билирубин, АСЛ—О, АсТ, Ваалер—Роуз реакциясими аниқлаш; ЭКГ ии текширип, күкрак қафасында рентгеноскопия қылыш.

Кечиши, патижаси. Юқорида айттылғаннанда, подагра кечиненде учта давр тағовут қылышады. Бундан ташқари, подагранынг хроник формасы жараёнининг оғир-еңгіллілігінде күра енгіл, ўртача оғирлікдеги ва оғир турларга бўлинади. Кечиши ва патижаси ўз вактида диагностика ва таъсирчан даво қылышында күйи ҳолларда яхши (ремиссия даврлари 5—10—20 ва бундан күн иш). Кечиши диагностика қилинганда, даво паф бермаганды ва болық айрим сабабларга күра касаллик хроник кечиши, тез-тез қайталаниб туриши, висцерал белгилар билан ўтиши мумкини («Клиникаси» ва «Асоратлари» мавзуларига қаралсип).

Асоратлари. Уларга: ўчоқли виғекция, шаклини бузадын артроз құшылышы, бүгімларның функционал етимовчилігі; бүйрактош касаллиғи; ишелонефрит, интерстициал нефрит, гломерулосклероз құшылышы; хроник бүйрак етимовчилігі; меҳнатта лаёқатлилікни йўқотиш.

Диагностикаси. Касаллапыннан тишик ҳолларидан диагноз қўйинп қийин эмас. Бошланғич ва преморбид даврда, ўртача ўткір ва хуружлараро даврда (бүгім функцияси түлиқ тиқланған даврда) маълум қийинчиликлар пайдо бўлади. Подагранынг класик формалари (подагра артрити, бүгім кризи, құшымча текширув методлари кўрсаткичлари) осон диагностика қылышади. Айрим клиничистлар подагра диагнозини аниқлаш учун қойындары мезонларни таклиф этганлар: мутлақ мезон — сиповиал суюқликда ёки тефус, тўқималарда патрий урат кристалларини топиш; нисбий мезонлар —

Оёқ бош бармоги типик кризи, бошқа бўғимларнинг иккита типик жризи, гиперурикемия, тугунчалар борлиги. Подагра диагнози иккита мисбий мезон бўлганда ҳам қўйилиши мумкин.

Ҳамма ҳолларда подагра диагнози характерли анамнез, бемор шикоятлари, объектив маълумотлар (муайян мушак группалари нинг зарарланиши) ва бошқа текширувларга асосланаб қўйилади. Бироқ қунт билан дифференциал диагностика ўтказиш зарур. Бунинг боиси шундаки, подагра айрим ҳолларда атипик кечини мумкин, натижада унинг диагностикаси қийинлашади.

Чунопчи, подагра ўткир даврда аксарият ревматик артрит, ревматик ёки инфекцион-аллергик полиартрит, флегмона ёки сарамас яллиғланиши, йирингли бурсит, милкак кўрининшида кечади. Подагранинг хроник формасида батъзан: хроник шаклни ўзгартирувчи артроз, қулоқ супраси атероматози, остеомиелит, милкак, ревматоид тугунчалар каби диагноз қўйилади. Кўрсатиб ўтилганлардан ташқари, специфик этиологияли артритлар (брүцеллеали, сил захм, сўзак артрити каби), шунингдек биринкирувчи тўқиманинг систем зарарланишиларида учрайдиган артритларни истисно қилиши зарур.

Подагра шаклни бузадиган артроз билан бирга учраганда ёки артроз асосий жараён бўлганда айниқса қийинчиликлар пайдо бўлади. Шунга қарамай, подагра ва остеоартроз ўртасида бир-биридан ажратиб турадиган ўзига хос белгилар бўлади.

Шаклни бузадиган остеоартроз — оёқ-қўллар ва умуртқа поғонасининг дистрофик касаллиги, асосан 40—60 ёшдаги аёллар касалланадилар. Бунда умуртқа поғонаси ва оёқ-қўлларнинг (тизза ва чапоқ-сон) ортиқча ишлаган ва йирик бўғимлари, шунингдек қўлларнинг дистал фалангаларапо бўғимлари зарарланади.

Касаллик билимай бошланади, бўғимлардаги оғриқлар ортиқча ишлани билан боғлиқ, ҳатто деформация бўлганда ҳам ҳаракат вактида оғриқ кам бўлади. Касаллик узоқ вақт, хроник кечади, қўзишларсиз ўтади, шунингдек анкилоз, суюк қалинлашуви — Геберден тугунчалари кузатилади; сон мушаклари атрофияси; юриш ўзгариши (чапоқ-сон бўғими зарарлашганда) қисирлаган товуш (тизза бўғими соҳасида) қайд қилинади. Периферик қон (СОЭ оз-моз тезланувидан ташқари) томонидан патология бўлмайди; биохимиявий ва иммунологик силжиплар одатда қайд қилинмайди; гиперурикемия, шурин алманишувида бузилиши белгилари ҳам аниқланмайди. Беморлар бўғими рентгенография қилинганда тоғай емирилганлиги, тогай ости остеосклерози, бўғим юзаси деформацияси, остеофитлар, эпифизлардаги кистасимон тузилмалар сабабли бўғим ёритининг торайганлиги аниқланади.

Даволаши. Жараённинг даври, кечини ва оғир-енгиллигини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади. У комплекс бўлиши керак. Бўғим кризи даврида (қайталаниши, интермиттирловчи ёки ўткир кечадиган формаларида) касалхонага ётқизиш, ўриппа ётиш тавсия қилинади.

1. Парҳез режимига риоя қилиши: ўткир даврида (ўткир по-

дагра хуружи) овқат рационидан урат кислота ҳосил қыладыған манба — күп миқдорда пурин сақлаган маңсулотлар: жигар, буйрак, ўнка, мия, гүйтли ва құзықоринли бульонлар, гүйтли парраңда гүшти, колбаса маңсулотлари, гүйтли, балиқли ва құзықоринли соуслар; ўткір дориворлар, ёсмиқ, күк нұхат, лўя, мурч-қалампирлар; тузланған маңсулотлар; аччиқ чой; какао, кофе, шоколад; ичкілік тұлық чиқарылышы, кейинчалиқ эса имкөп борича чегараланиши керак. Бироқ жараёпшінг кечши, даражаси, оғир-енгиллігіга боғын әрдә пархез режиминиң көнгайтиришга рухсат этилади.

Бемор организмидан урат кислотаны чиқарып учун сабзавот, мева, сут-үсімніктерден таңқыл топған пархез овқатлар тавсия қылышади. Подаграпп ұамма формаларида мұл суюқлик: сут, паъматик меваси, олма, қуруқ мевалар дамламаси, мева шарбаттары тайинланади.

2. Үткір подагра хуружи даврида қуйидагилар тайинланади:

1) шиқорлар билан 2—3 л гача етарлы миқдорда суюқлик юбориладын очлик күнін шархезега риоя қилиш;

2) дори воситаларидан:

— колхиции схема бүйіча — ұар 0,5—1 соатда 0,5—0,6 мг дан 8 мартағача сурулғасынға. Зарурат бұлғанды 2-күни бундай микро-курс тақрорланыны мумкін, 3- ва 4-күни колхиции суткалиқ дозасын 1—1,2 мг га камайтириш лозим, 5-күндан бошлаб эса уни бир печа күнгача суткасига 2—3 марта 0,5—0,6 мг дан берилади. Даволаш маңаллар ялғылданың ұодиссалари йүқолғандан кейин 3—4 күн ўтгач түхтатылади. Колхициины 3 мг дозада венага юборын мумкін;

— колхами: ұар соатда 1 мг дан бир күн мобайнида ичишга тайинланади, зарурат бұлғанда тақрорлансын;

— индометацин — суткасига 0,025 г дан 6—8 марта (150—200 мг); анальгетиклер, ялғылапшишта қаршы препараттар құлланылады: бутадион (0,15 г 3—5 марта), анальгин (0,5 г 3—4 марта), реопирип, амидопирип (0,5 г 3 марта), аспирип, бруфен вольтарен ва б.

3. Подагра хуружиниң түхтатадынан ва олдини оладынан препараттар билан биргә урикодепрессив (организмда урат кислота ҳосил бўлишини түхтатади), урикозурик ва уроколитик воситалар (бўғим кризлари ва хроник подагра ривожланишиниң олдини олади) тайинланади;

— аллануриноз: жараёп енгил кечганда 0,1 г дан 2—3 марта; ўртача оғир формасида 0,1 г кунига 3—4 марта 2—3 ҳафта мобайнида; подагра оғир кечганда суткалиқ дозани 0,6—0,8 г гача қўпайтириллади; қувватловчи дозаси (суткасига 0,1—0,2—0,3 г);

— бензидарон: аввалига 0,1 г дан кунига 3 марта, кейин қувватлаб турадын дозага ўтилади (суткасига 100—200 мг);

— антураан жуда кучли урикозурик таъсирига эга (суткасига 0,4—0,8 г дан); бенемид (0,5 —2 г дан, баъзан суткасига 3 г гача), этамид (суткасига 2,8 г).

4. Таъсири ва вазифаси ҳар хил препаратлар: румалон (0,3 мл дан мушакка, яхши кўтарса, дозани қун ора 1 мл гача кўпайтирилади); гумизоль (мушакка 1 мл дан), мисклерон, неробол (0,001—0,01 г дан қунига 1—2 марта); умум мустаҳкамлайдиган, симптоматик воситалар: витаминалар В (В₁, В₂, В₆), С, РР ва б.

5. Физпотерапевтик даво методлари: радон ва водород сульфидли ванналар; сув остида душ-массаж; балчиқ, нафталан, ультратовуш, индуктотермия, электрофорез билан даволаш, даволали гимнастикаси, массаж ва б.

6. Санаторий-курортда даволаш. Сочи—Мацеста, Сергиев минерал суви, Ёреми, Немиров суви ва б.

7. Диспансерда кузатиш. У давони охиригача етказиш, подагра авж олишига йўл қўймаслик учун зарур.

Профилактикаси:

— подагра ривожланишинга мойиллик бўлгапда парҳез режимига риоя қилиш;

— гиперурикемия, қони ва сийдигида урат бирикмалар миқдори қўп одамларни ҳисобга олиб қўйиш ва доимий кузатиб бориш;

— жараёл қайталанишининг олдини олиш (узоқ муддат патогенетик ва симптоматик терапия ўтказиш).

Контрол саволлар

1. Этиологияси ва патогенези. Бирламчи ва иккиламчи подагра нима?

2. Кечине вариантларига кўра подагра клиникаси.

3. Ўтирик подагра артритининг клиник таърифи.

4. Подагранинг диагностик мезонлари.

5. Подагра, ревматоид артрит, деформацияловчи остеоартроз ўртасидаги дифференциал диагноз.

6. Қўшимча текшириш методларининг аҳамияти.

7. Бўғим кризини тўхтатишинг доир даво тадбирлари.

8. Подаграни даволаш плани ва принциплари.

ПАРҲЕЗ БИЛАН ДАВОЛАШ (ДИЕТОТЕРАПИЯ)

Овқатлашни — организмга таъсир кўрсатадиган ташқи муҳитниш энг муҳим омилларидан бириди. Тўғри ташкил этилган ва оқилона тузилган парҳез овқатлашни организмнинг нормал ўсиш ва ривожланиши жараёнларини, одамнинг соғлигини ва меҳнат кобилиятини сақлаб қолишни таъминлайди.

Хозирги вақтда парҳез билан даволаш асосини мувозапатлашган овқатлаш назарияси ташкил қиласиди (А. А. Покровский, 1981). Соғлом одам организмнининг ёши, жисси, касб-кори ва бошқа кўрсаткичлари ҳисобга олингап нутриентларга ва энергияга физиологик эҳтиёжлари аниқлаштирилган эди. Тегишли парҳез тайинлашда патогенез хусусиятлари, касалликнинг клиник кечиши, босқичи, метаболик бузилишилар даражаси ва характеридан келиб чиқиб ўзгаришлар киритилади.

Овқатланиш характери иммунобиологик реактивлик ҳолатига ҳам, хусусан бир қанча касалликларда аллергик белгилар дара жасига жиддий таъсир қиласы. Масалап, углеводларга бой rationen аллергик реакциялар бүлишига олиб келади, уларни кескин чегаралаш эса бу реакцияның сүстөзага чиқишига имкон беради. Углеводлар чегараланған пархез таъсири остида ревматизмли беморларда аллергик реакцияларнинг камайипши күзатылади.

Ош тузы миқдориниң түғри ишлатып пархездә күтилған даво натижасини олишда муҳим аҳамиятта әга бўлади. Чунончи, гипертонияни беморлар rationonida ош тузи (натрий ионлари)ни чегаралаш асосий перв жараёнларининг бузилған нисбатини мувозанатга солишига, босимнинг пасайишига олиб келади. Ҳазм органлари касалликларини даволашда ва иккиламчи профилактика қилишда пархез терапиясининг аҳамияти айниқса муҳим.

Агар илгари диетотерапия заараланған орган ёки системани әҳтиёт қилини принципи бўйича қурилған бўлса, ҳозирги даво овқати аввало патогенетик принциплар асосида тузилған ва шуплинг учун организмнинг асосий идора қиласидаги бузилған функцияларни тузатышига қаратилған. Даволашнинг муйайян босқичида әҳтиёт қиласидаги пархез режимидан контраст кунларга ва диеталарга ва маълум вақтгача одатдаги, бироқ энергия сарфи, ёш, жинс, касб-кор ва бошқа кўрсаткичлар ҳисобга олинган овқатланышыга ўтиш касалликнинг кечишига ижобий таъсир қиласы.

Меъданнинг (ўи икки бармоқ ичакнинг) яра касаллиги бўлған беморларда жараённинг қўзиши босқичида химиявий ва механик жиҳатдан әҳтиётлайдиган пархез рационы узоқ вақтга тайинланади, у оғриқ спидроми ва бошқа белгиларнинг тез камайишига ва яранинг аста-секин чаңдиқлапишига имкон беради, бироқ терапевтик таъсир бопшланишини билан рационнинг химиявий таркибини сақлаб қолган ҳолда механик жиҳатдан әҳтиёт қиласидаги пархез қўлланишта ўтиш зарур.

Жигар касалликлари билан оғриган беморлар диетотерапияси га замонавий талаблардан келиб чиқиб, аминокислота таркиби бўйича имкон борича мувозанатлаштирилған пархез рационы ишлаб чиқилған, шу мақсадда унга оқсилларнинг енгил ҳазм бўладиган турлари полигўйипмагап ёғ кислоталарини сақлагап ёғ маҳсулотлари билан бирга қўшилған. Бинобарин, касалликнинг патогенетик механизмлари ва организм тўқималаридаги ферментатив жараёнлар ҳолатини ҳисобга олган ҳолда асосий пуртиентларни имкон борича мувозанатлаштириши пархез овқатлар билан даволашда етарлича натижা берипши мумкин.

Касалликнинг патогенетик механизмлари ҳисобга олинган ҳар қандай пархез химиявий таркиби бўйича бир хил озиқ-овқат моддаларининг устун бўлиши ва бошқаларининг чегараланиши билан характерланади, бу уни бемор учун зарур йўналишда мақсадга мувофиқ қўлланиши имконини беради.

Ҳар бир пархезни тузиш принципи, бир томондан, организм-

пинг озиқ-овқат моддаларига ва энергияга физиологик әхтиёжи, бошқа томондан эса шу касалликка хос функционал бузилишлар даражаси ва метаболик жарабёнларнинг бузилиш босқичи билан белгиланади. Агар ўртача умумий суткалик калориялилик 2800 бўлгандага рационнинг 14% калориялилиги оқсиллар, 56% углеводлар билан қопланса, озиқ-овқат моддалари нисбати оптимал ҳисобланади.

Шифобахш овқатлар тайинлашда кўпина омилларни ҳисобга олиш зарур: маҳсулотлар танлаш, уларнинг химиявий таркиби хусусияти, айрим маҳсулотлар ва озиқ-овқат моддаларининг миқдорий нисбати, уларни кулинария жиҳатидан тайёрлаш усуслари, туз ва таъм берадиган моддалар қўлланиш, механик майдалалар даражаси, овқатни ейиш мароми, рационнинг калориялилиги ва б. Овқат рационида оқсиллар, витаминалар етарли миқдорда бўлиши керак, чунки уларнинг етишмаслиги репаратив жараёнларга айниқса салбий таъсир қилади. Норманинг қўйи чегараси бемор гавдасининг 1 кг массасига 1 г. Оқсилнинг тахминан 50 фоизи ҳайвопот оқсили кўринишида тушиши керак. Бундан ташқари, бемор рационига клетчаткага бой маҳсулотларни киритиш, организмга минерал моддалар, витаминалар, микроэлементларнинг етарли даражада тушиши учун парҳез рационларига мевалар, данакли мевалар, сабзавотлар, кўкатлар ва бошқа маҳсулотларни киритиш лозим. Бизнинг мамлакатимизда СССР МФА Овқатланиш институти ишфо овқатлар клиникасида илилаб чиқилган ва СССР Соғлиқни сақламинистрлиги тасдиқлаган парҳез овқатлар ишлатилади.

Диетотерапия тайинлашда даволовчи врач беморга парҳез монҳияти, мақсади, овқатланиш режими ва унинг организмга таъсир характерини тушунтириши, парҳез қоидаларига риоя қўлмаслик ёки уларни бузилиш нималарга олиб келишини гапириб берипши шарт.

Овқатланиш режимига амал қилиш муҳим аҳамиятга эга. СССР Соғлиқни сақламинистрлиги даволаш муассасалари учун камида 4 марта овқатланиши, айрим гуруҳлардаги беморлар учун (меъда, юрак-томирлар системаси касалликлари) эса 5—6 марта овқатланишини белгилаб қўйган. Қабул қилинадиган овқат миқдорини баравар тақсимлаш мақсадга мувофиқ. Кечга яқин бериладиган овқат умумий калорияликининг 25—30 фоизидан ошмаслиги керак.

Қўйнадиги соатларда овқат ейин тавсия этилади: соат 8—9 да (номунита), соат 13—14 да (тушкни овқат), соат 17—18 да (кечки овқат), соат 21 да (туяга яқин). Суткалик рацион калориялилиги қўйнадигича тақсимлапади: номунта — 30 %, тушлик овқат — 40 %, кечки овқат — 20—26 %, туга тайинланадиган таом калориялилиги — 5—10 % ни ташкил қилиши лозим. Ҳар гал овқат ейин ўртасидаги танаффуслар 4 соатдан ошмагани маъқул. 4 маҳал овқатланишида охирги овқат ейин вақтини соат 21 га қўчирган яхши. 5 маҳал овқатланишида иккинчи номунта, 6 маҳал овқатланишида —

Иккинчи ионушта (соат 11 да) ва тушликдан кейинги овқат (соат 15 да) киритилади, бундай овқатларниң калорияларын унчалик юқори әмас, аксарият улар мевалар, паштаматак дамламаси, мева шарбатлари, сабзавот салатлари на қотирилган оқ иондан иборат бўлади. Биринчи таомлар температураси 60°С дан, иккинчи таомларни 55° С дан ошмаслиги керак. Таомлар ва умумаш рацион таъмининг мазали бўлишига эришиши лозим, чунки кўпчилик беморларниң иштаҳаси одатда наст бўлади (бу гипонатрийли парҳез таомлар — № 7, 10а диеталарга ва бошқаларга айниқса тааллуқли).

СССР Соглиқни сақлани министрлиги шаҳар ва қишлоқ касалхоналари учун битта беморга бир кунда бериладиган маҳсулотларниң қўйидаги ўртacha нормаларни граммларда белгилаган:

жавдар унидан ион	— 200	сметана	— 14
буғдой ион	— 250	сабзавот, кўкатлар	— 400
буғдой ун	— 25	янги мевалар	— 35
картошка уни	— 8	қуруқ мевалар	— 15
ёрмалар ва макарон	маҳсусу	қанд	— 70
лотлари	— 100	чой	— 1
картошка	— 400	гўшт (парранда)	— 125
балиқ	— 100	ҳайвонот ёғи	— 40
пишлоқ	— 1	ўсимлик мойи	— 5
творог	— 17	тухум (дона)	— 0,4
сут	— 365	туз	— 10

Диетотерапия этиопатогенетик ва бошқа даволали методлари билан бирга моҳирона олиб борилганда қўлланиладиган даволаш методларининг самарадорлигини оширишини ўқтириб ўтиши лозим. Шунинг учун ички органларни турли хил касалликларида терапевтик чоралар йўғиндисига диетотерапияни киритиш мажбурий ҳисобланади.

СССР МФЛ Овқатланиш институти шифобахи овқатлар клиникасида ишлаб чиқилган парҳез диеталарни келтирамиз. (А. С. Сметнев ва В. Г. Кукес таҳрири остидаги «Ички касалликлар», дарслигидан олинган. М., 1981).

1-парҳез. *Кўрсатмалар*. Меъда ва ўи икки бармоқ ичакнинг яра касаллиги кескин қўзиши даврида «татьсиранган меъда» симптомлари яққол юзага чиққанда, шунингдек бошқа касалликлар парҳез тайинлаш мақсадига бипоан.

Тайинлашдан мақсад — шиллиқ парда репарациясини нормага солиш ва меъда ҳамда ўи икки бармоқ ичак репаратор аппарати татьсиранини камайтириш, меъданинг секретор ва мотор-эвакуатор функцияларини идора қилиши йўли билан яралар ва эрозияларни битишига, меъда-ичак йўллари юқори бўлими шиллиқ пардасидаги яллигланиш жараёнини камайтиришга ёрдам бериш; ўрнидан турмай ётиш режимида организмнинг озиқ-овқат моддаларига бўлган физиологик эҳтиёжларини таъминлапи.

Ўмумий таърифи. Оқсиллар ва ёғлар миқдори физиологик, углеводлар ва опи тузи чегаралангандан, меъда шиллиқ пардаси ва меъда-ичак йўли олдинги бўлими рецептор аппаратини химиявий

ва механик таъсирловчилар ва меъдада узоқ вақт тутилиб турадиган моддалар, меъда секрецияси стимуляторлари кескин чегаралган парҳез.

Калориялилиги ва тарқиби. Оқсиллар 100 г, ёғлар 90—100 г, углеводлар 200 г, калориялилик 200—2200 ккал, озод суюқлик 1,5—2 л, ош тузи — суткасига кўни билан 8 г. Суткалик рацион массаси тахминан 2,5 кг. Овқатланиш режими бўлиб-бўлиб (суткасига 6—7 марта).

16-парҳез. Кўрсатмалар. Меъда ва ўн икки бармоқ ичакнинг яра касаллиги кескин қўзиши даврида «таъсирланган меъда» симптомлари бўлганда, шунингдек бошқа касалликлар парҳез тайинлапи мақсадига биноан.

Тайинлашдан мақсад. — шиллиқ парда репарациясини нормага солиш ва меъда ҳамда ўн икки бармоқ ичак репаратор аппарати таъсирлапини камайтириш, меъданинг секретор ва мотор-эвакуатор функцияларини идора қилиш йўли билан яралар ва эрозияларнинг битиншига, меъда-ичак йўллари юқори бўлими шиллиқ пардасидаги яллиғланиши жараёнини камайтиришга ёрдам бериш; ўринда ётиш режимида организмнинг озиқ-овқат моддаларига бўлган физиологик эҳтиёжларини таъминлаш.

Умумий таърифи. Оқсиллар ва ёғлар миқдори физиологик, углеводлар ва ош тузи чегаралганган, меъда шиллиқ пардаси ва меъда-ичак йўли олдинги бўлими рецептор аппаратини химиявий ва механик таъсирловчилардан, меъда секрецияси стимуляторларидан, меъдада узоқ тутилиб турадиган моддалар чегаралганган парҳез.

1-парҳез. Кўрсатмалар. Меъда ва ўн икки бармоқ ичакнинг яра касаллиги қўзиши даврида «таъсирланган меъда» симптомлари яққол бўлмагандан, қўзиши даврида секрецияси сақланиб қолган хроник гастритлар, шунингдек бошқа касалликлар парҳез тайинлаш мақсадига биноан.

Тайинлашдан мақсад — шиллиқ парда репарациясини нормага солиш ва меъда ҳамда ўн икки бармоқ ичак репаратор аппарати таъсирлапини камайтириш, меъданинг секретор ва мотор-эвакуатор функцияларини идора қилиш йўли билан яралар ва эрозияларнинг битиншига, меъда-ичак йўллари юқори бўлими шиллиқ пардасидаги яллиғланиши жараёнини камайтиришга ёрдам бериш; стационар, шароитларда даволашда (касалхона, профилакторий, санаторий) ёки жисмоний ҳаракат билан боғлиқ бўлмаган шида организмнинг озиқ-овқат моддаларига физиологик эҳтиёжларини таъминлаш.

Умумий таърифи. Оқсиллар, ёғлар ва углеводлар миқдори физиологик, ош тузи чегаралганган, меъда шиллиқ пардаси ва меъда-ичак йўли рецептор аппаратини механик ва химиявий таъсирловчилар, меъда секрецияси стимуляторлари, меъдада узоқ тутилиб қоладиган моддалар ўртacha чегаралганган парҳез.

Кулинария ишлови. Ҳамма таомлар қайнатилган ҳолда ёки бутда (қирилган) тайёрланади, гўшт ва балиқнинг майин навларини бўлақ-бўлақ ҳолда тўғрапга рухсат этилади.

Калориялилиги ва таркиби. Оқсиллар 100—120 г, ёғлар 100—120 г, углеводлар 400—450 г, калориялилик 3000—3500 ккал, озод суюқлик — 1,5 л, ош тузи — 8—10 г. Суткалик рацион массаси — 3 кг.

Овқатланиш режими бўлиб-бўлиб (суткасига 5—6 марта).

2-парҳез. *Қўрсатмалар.* Ўткир гастритлар, энтеритлар ва колитлар реконвалесценция даврида рационал овқатланишинг ўтиш сифатида, хроник гастритлар секретор этишмовчилик билан, энтеритлар, колитлар барқарор ремиссия даврида жигар, ўт чиқарув йўли системаси, меъда ости беzi, секреция сақлапиб қолган гастритлар қўшилиб келадиган касалликларсиз.

Тайинлашдан мақсад — тўла сифатли овқатланишни, меъда ва ичакнинг ўткир касалликларида ҳазм органларининг бузилган функцияларини нормал тиклани ва хроник касалликларида компенсацияни сақлаб қолишини таъминлаш.

Умумий таърифи. Физиологик тўла қимматли, маҳсулотлар кулинария шиловидан яхши ўтган, меъда-ичак йўли учун оғирлик қиладиган, меъдада узоқ тутилиб қоладиган, қийин ҳазм бўладиган, меъда-ичак шиллиқ пардаси ва рецептор аппаратини таъсирантирадиган маҳсулотлар ва таомлар чиқарилган парҳез.

Калориялилиги ва таркиби. Оқсиллар 100—120 г, ёғлар 100—120 г, углеводлар 400—450 г, калориялилиги — 3000—3500 ккал, озод суюқлик — 1,5 л, ош тузи — 15 г гача. Суткалик рацион массаси — 3 кг.

Овқатланиш режими бўлиб-бўлиб (суткасига 4—5 марта).

3-парҳез. *Қўрсатмалар.* Кучли бўлмаган қўзиши ва ремиссия даврида дискинезия синдроми (қабзият) устунилик қиладигай хроник касалликлар, шунингдек улар меъда, жигар, ўт чиқарувчи йўллар, меъда ости беzi заарланишини билан бирга қўшилиб келгандা.

Тайинлашдан мақсад — тўла сифатли овқатланишни ва дискинезия синдроми (қабзият) устунилик қилган ичак хроник касалликларида, шунингдек патологик жараёнга меъда, жигар, ўт чиқарувчи йўллар, меъда ости беzi қўшилганда компенсацияни сақлаб қолишини таъминлаш; ичак ва болиқа ҳазм органларининг бузилган функцияларини тикланига ҳаракат қилиши; регенерация жараёнларини рағбатлантириши, модда алмалишиувида ўзгаришиларни бартараф этишга ва ингичка ичакда ҳазм бузилишиларни пайдо бўладиган органларда дистрофики жараёнларни камайтиришга имкон бериш.

Умумий таърифи. Физиологик тўла қимматли, оқсиллар, ёғлар ва углеводлар, ош тузи, қолган ҳамма минерал моддалар, овқатнинг болиқа таркибий қисмлари бўлган, ичак мотор функциясини рағбатлантирадиган механик ва химиявий моддалар кўпроқ киритилган, бироқ ичакда бижкиши ва чириши жараёнларини кучайтирадиган маҳсулотлар ва таомлар, жигар ва ўт чиқарув органларининг функционал ҳолатига салбий таъсир қиладиган моддалар (эфир мойлари, холестериинга бой маҳсулотлар; ёғни қовуришда

ҳосил бўладиган парчаланиш маҳсулотлари — алъдегидлар ва акропленилар) чиқарилган парҳез.

Калориялилиги ва таркиби. Оқсиllар 100—200 г, ёғлар 100—200 г, углеводлар 400—450 г, калориялилик — 3000—3500 ккал, озод суюқлик — 1,5 л, ош тузи — 12—15 г. Суткалик рацион массаси 3 кг.

4-парҳез. *Кўрсатмалар.* Ичакнинг ўтқир ва хроник касалликлари профуз ич кетар ва кескин диспептик ҳодисалар даврида.

Тайинлашдан мақсад — беморнинг меъда-ичак йўлида яллигланиш жараёни кескин юзага чиққанда ва шу сабабли ҳазм бузилганда овқатланишини таъминлаш; яллиғланиш жараёнини камайтириши ва ичак функционал ҳолатини нормага солишга, шунингдек ичак касалланганда кўпинча патологик жараёнга қўшиладиган органлар (меъда, жигар ва ўт чиқарув йўллари, меъда ости бези) ишини яхшилашга имкон берishi.

Умумий таърифи. Ёғлар ва углеводлар физиологик норманинг қуёйи чегарасигача чегараланган ва оқсиllар миқдори нормал гипохлорид парҳез, ундан меъда шиллиқ пардасининг механик ва химиявий таъсирловчилари кескин чегараланади, ичакда бижгиш ва чириш жараёнларини кучайтирадиган маҳсулотлар ва таомлар, шунингдек ўт чиқарув, меъда ва меъда ости безининг кучли стимуляторлари, жигарни таъсирлантирадиган моддалар чиқарилган бўлади.

Калориялилиги ва таркиби. Оқсиllар 100 г, ёғлар 70 г, углеводлар 250 г, калориялилик — 2100 ккал, озод суюқлик — 1,5—2 л, ош тузи — 8—10 г. Суткалик рацион массаси — 3 кг.

Овқатланиш режими бўлиб-бўлиб (суткасига 5—6 марта).

4б-парҳез. *Кўрсатмалар.* Ичакнинг ўтқир ва хроник касалликлари кўзини даврида, шунингдек улар меъда, жигар ва ўт чиқарувчи йўллар, меъда ости бези заараланиши билан бирга келганда.

Тайинлашдан мақсад — беморнинг меъда-ичак йўлида яллигланиш жараёни ўртacha юзага чиққанда ва шу сабабли ҳазм бузилганда овқатланишини таъминлаш; яллиғланиш жараёнини камайтиришга ва ичак функционал ҳолатини нормага солишга, шунингдек ичак касалланганда кўпинча патологик жараёнга қўшиладиган органлар (меъда, жигар ва ўт чиқарув йўллари, меъда ости бези) ишини яхшилашга имкон берishi.

Умумий таърифи. Ёғлар ва углеводлар физиологик нормагача чегараланган физиологик тўла қимматли парҳез (ош тузи 8—10 г гача), меъда шиллиқ пардасининг механик ва химиявий таъсирловчилари ўртacha чегараланади, ичакда бижгиш ва чириш жараёнларини кучайтирадиган маҳсулотлар ва таомлар, шунингдек ўт чиқарув, меъда ва меъда ости безининг кучли стимуляторлари, жигарни таъсирлантирадиган моддалар чиқарилган бўлади.

Калориялилиги ва таркиби. Оқсиllар 100—120 г, ёғлар 100—120 г, углеводлар 400—500 г, калориялилиги — 3000—3500 ккал, озод суюқлик — 1,5 л, ош тузи — 8—10 г. Суткалик рацион массаси — тахмипан 3 кг.

Овқатланиш режими яхниси бўлиб-бўлиб (кунига 5—6 марта).

5-парҳез. *Кўрсатмалар*. Хавфсиз ва авж олиб кечадиган, жигарнинг функционал етишмовчилиги белгилари аниқ ифодаланмаган ва компенсация босқичидаги хроник гепатитлар. Хроник холециститлар, ўт-тош касаллиги. Ўткир гепатитлар ва холециститлар соғайин даврида (умумий овқатга ўтиш сифатида). Парҳезнинг мақсадига биноан бошқа ҳар хил касалниклар.

Тайинлашдан мақсад — тўла қимматли овқатланишини, жигарни имкон боригча авайланни учун шароитлар таъминлаш; компенсатор ва тикланиш механизмиларни жигарда ферментатив, оқсилни синтез қиласидиган ва ўт ажратувчи жараёнларни рағбатлантириш йўли билан активлаштиришга имкон бериш; жигар ва ўт чиқарув органлари касалникларида (меъда ости бези, меъда, ўн икки бармоқ ичак, ичаклар) патологик жараёнга кўпинча тортиладиган органлар функционал ҳолатини нормага соладиган шароитлар яратиш; холестерин алмашинувини нормага солишга ёрдам бериш.

Умумий таърифи. Физиологик тўла қимматли парҳез. Оқсиллар, углеводлар ва ёғлар миқдори организмнинг физиологик эҳтиёжлари билан белгиланади. Меъда ва меъда ости бези секрециясини кучли рағбатлантирувчилар (экстрактив моддалар, эфир мойларига бой маҳсулотлар), чала парчаланган ёғ маҳсулотлари (акролеин, альдегидлар) тутган қовурилган таомлар, қийин эрийдиган ёғлар, холестеринга, пуринга бой маҳсулотлар истисно қилинади. Парҳез ҳужайра пардалари бошқа озиқ-овқат моддаларининг ўт ҳайдаш таъсирини кучайтирадиган, ичакнинг қисқариш функциясини оширадиган, холестериннинг ахлат билан чиқарилишини таъминлайдиган сабзавотлар ва мевалар билан бойитилади.

Калориялилиги ва таркиби. Оқсиллар 100—110 г, ёғлар 80—100 г, углеводлар 400—500 г, калориялилик 2800—3300 ккал, озод суюнлик — 1,5—2 л, ош тузи — 8—10 г. Суткалик рацион массаси — 3,3—3,5 г.

Овқатланиш режими бўлиб-бўлиб (суткасига 5—6 марта).

5а-парҳез. *Кўрсатмалар*. Ўткир гепатитлар ва холециститлар, хроник гепатитлар, холециститлар ва ўт-тош касаллигининг қўзипши, шунингдек парҳезнинг мақсадига мувофиқ бошқа касалниклар.

Тайинлашдан мақсад — жигар ва ўт чиқарув йўллари функционал қобилиятининг жигар ҳужайраларида ва ўт чиқариш органларидаги яллиғланиш ёки дистрофик жараёнлар сабабли рўй-рост бузилиши шароитида тўла қимматли овқатлапишиш таъминлаш; касаллаиган органларни имкон борича авайлаш, жигар ва ўт чиқарув органлари, шунингдек патологик жараёнга тез тортиладиган органлар (меъда, ўн икки бармоқ ичак, меъда ости бези, ичаклар) функционал қобилиятини нормага солишга имкон берини.

Умумий таърифи. Ёғлар ва ош тузи, меъда-ичак йўли шиллиқ пардаси ва рецептор аппаратини механик ва химиявий таъсириловчилар ўртача чегараланган парҳез, ичакда бижкиш ва чириш жараёнларини кучайтирадиган маҳсулотлар ва таомларни, шунинг-

дек ўт ажратиш, меъда, меъда ости бези секрециясининг кучли рағбатлантирувчиларини, жигарни таъсиrlантирувчи моддаларни (экстрактив моддалар, органик кислоталар, эфир мойлари мўл маҳсулотлар, қовурилган таомлар, қийин эрийдиган ёвлар, холестерин, цуринга бой маҳсулотлар) чиқарилади.

Калориялилиги ва таркиби. Оқсиллар 100 г, ёвлар 70—80 г, углеводлар 350—400 г, калориялилик — 2500—2800 ккал, озод суюқлик — 1,5—2 л, ош тузи — 8—10 г. Суткалик рацион массаси — 3 кг.

Овқатланиш режими бўлиб-бўлиб (суткасига 5—6 марта).

7а-парҳез. Кўрсатмалар. Ўткир гломерулонефрит гуруч-олмали, картошка ёки қанд бериладиган кунлар ўтказилгандан кейин. Хроник нефрит буйрак етишмовчилиги босқичида.

Тайинлашдан мақсад — буйракни иложи борича эҳтиёт қиласидиган шароитлар яратиш; ош тузини чегаралаб гипертензия ва шишиларга таъсир қилиш.

Умумий таърифи. Оқсиллар, ёвлар ва углеводлар физиологик норма атрофида кескин чегараланган парҳез. Тузсиз, гипонатрийли парҳез (овқатни тузсиз тайёrlанади, маҳсус тузсиз ион ёшилади). Овқат маҳсулотларида натрий миқдори 400 мг ни ташкил қиласиди, бу 1000 мг (1г) ош тузига мувофиқ келади. Буйрак функцияси етишмовчилиги бўлган беморларга азотемия бўлганда даволовчи врач кўрсатмаси билан 1—3 г ош тузи қўшимча қилинади. Бу беморларга бундан олдинги сутка ичидаги қанча сийдик ажратилган бўлса, шунча миқдорда суюқлик берилгага рухсат этилади. Маҳсулотларниң кулинария ишлови механик эҳтиётлайдиган эмас. Сабзавотлар, мевалар, данакли мевалар етарли миқдорда, қисман хомлигича берилади.

Калориялилиги ва таркиби. Оқсиллар 25—30 г, ёвлар 80—100 г, углеводлар 400—450 г, 2500—2600 ккал. С витаминлари ва В группа витаминлари оширилган миқдорда киритилади.

Овқатланиш режими бўлиб-бўлиб (суткасига 5 марта).

7б-парҳез. Кўрсатмалар. Ўткир нефрит, 7а-парҳезидан кейин. Хроник нефрит қўзиши шишилар, артериал босимнинг ошиши билан, бироқ буйраклар функцияси сақланиб қолган.

Тайинлашдан мақсад — 7а-парҳез тайинлашдаги каби.

Умумий таърифи. Ёвлар ва углеводлар миқдори физиологик норма чегарасида, бироқ оқсиллар миқдори бир порция қайнатилган гўшт ёки қайнатилган балиқ ва 200 г сут ёки кефир қўшиб 45—50 г гача оширилган. Қолгани парҳездаги маҳсулотлар йигидиси ва кулинария ишлови характеристи бўйича 7а-парҳезидаги каби. Маҳсулотлардаги ош тузи миқдори 1,5 гача оширилади.

Калориялилиги ва таркиби. Оқсиллар 45—50 г, ёвлар 100 г, углеводлар 450—500 г, 3000 ккал.

7-парҳез. Кўрсатмалар. Ўткир нефрит согайиш даврида. Хроник нефрит сийдик чўкмасида кам ифодаланган ўзгаришлар билан. Гипертония касаллиги ва тузсиз парҳез зарур бўлган бошқа ҳоллар.

Хомиладорлар нефропатияси.

Тайинлашдан мақсад — буйраклар функциясиниң ўртача әхтиётлаш. Ошган артериал босим ва шишларга таъсир қилиш.

Умумий таърифи. Түзсиз, маҳсулотлар йигиндиси ва кулинария ишлови бўйича 7а ва 7б-парҳезларга ўхшаш парҳез, бироқ оқсиллар миқдори қайнатилган гўшт ёки балиқ ҳамда творог қўшилган ҳолда 80 гача оширилади.

Калориялиги ва таркиби. Оқсиллар 80 г, ёғлар 100 г, углеводлар 400—500 г, 2800—3200 ккал. Маҳсулотларда опи тузи миқдори тахминан 2 г. Оширилган миқдорда С, Р витамины ва В групни витаминалари берилади.

Буйраклар функцияси сақланган буйрак амилондози бўлган беморлар ва нефрозли беморлар учун оқсиллар миқдори 140 гача, липотроп омиллар, политүйинмаган ёғ кислоталар ва витаминалар миқдори оширилган 7-парҳез тайинланади.

10- парҳез. *Қўрсатмалар.* Юрак-томирлар системаси касалликлари: ревматик юрак пороклари (пуқсонлари) компенсация босқичида ёки қон айланиши етишмовчилигининг I босқичида; гипертония касаллиги I ва II босқичлари; перв системаси касалликлари; хроник нефрит ва ишётонефрит фақат сийдик чўкмасида ўзгаришлар билан. Ўтқир ва хроник ишелит.

Тайинлашдан мақсад — қон айланиши учун қулай шароитлар яратни; перв системасини қўзгатадиган моддаларни чиқариш; азотли моддалар чиқарилишини яхшилаш ва сийдик чиқарувчи йўлларни таъсирлантирадиган маҳсулотларни чиқарини.

Умумий таърифи. Оп тузи чегараланган (5—6 г, азотли экстрактив моддалар ва зираворларни чиқариш. Ичак ишини тартибга соладиган маҳсулотлар: дагал бўлмаган ўсимлик клетчаткаси туладиган мевалар, сабзавотлар ва давакни мевалар, шунингдек кеёнакли бугдой ион ва жавдар ундан ёнилган ион. Кулинария ишлови ўртача механик әхтиётнан билан.

Калориялиги ва таркиби. Оқсиллар 80 г (улардан ҳайвонот оқсими 50 г), ёғлар 65—70 г, углеводлар 350—400 г, 2500—2800 ккал.

Оқчаланиши режими. Қунига 5—6 марта ўртача миқдордаги овқат, кечки овқат ухланидан З соат олдин. Юрак-томирлар касалликларида озод суюқлик юборини 1000—1200 мл гача чегарарапади.

10а-парҳез. *Қўрсатмалар.* Юрак касалликлари қон айланишини етишмовчилигининг II ва II—III босқичида. Гипертония касаллиги қон айланишини етишмовчилиги ёки мияда қон айланишини етишмовчилиги билан. Мнокард инфарктни ўтқир ва ўртача ўтқир даврда.

Тайинлашдан мақсад — опи туzinи кескин чегаралаб (овқат маҳсулотларида — 1,5—1,8 г) ва парҳезни калий билан бойитиб юракни бузилиган функцияларига ва шишларга таъсир қилиш; ҳазм органларига тушидиган оғирликни камайтириш.

Умумий таърифи. Оқсиллар миқдори физиологик норманинг қўйи чегаралари атрофида, ёғ ва углеводларни ўртача чегаралаш.

Хамма овқатни түзсиз тайёрланади, махсус түзсиз ион ёшилади. Озод суюқлик юбориши чегараланади. Куллинария ишлови: ҳамма маҳсулотлар майды қилиб қирилади ва қайнатилган ҳолда ёки буғда тайёрланади.

Калориялилиги ва таркиби. Оқсилилар 70—80 г (улардан ҳайвонот оқсили 50 г), ёғлар 60 г, углеводлар 280 г, 2000—2400 ккал. Ош тузи маҳсулотларда күпі билан 1,5—1,8 г, кални 3,3—3,8 г.

Овқатланиши режими. Қунига кам деганда 6 марта, муддатлар орасыда оз-оздан овқатланиш.

10с-пархез. Күрсатмалар. Атеросклерози асосан юрақ, мия ёки бошқа органлар томирлари касалланиши билан. Миокард инфаркті чандықланиш босқичида. Гипертония касаллиги.

Тайинлашдан маңсад — атеросклерознинг кейинги ривожининг олдини олиш. Ёғ босиш бўлганда тана массасини камайтиришига имкон берини.

Умумий таърифи. Асосан енгил ҳазм бўладиган углеводлар (қанд, оқ ундан тайёрланган маҳсулотлар) ва ҳайвонот ёглари ҳисобига калориялиникни чегаралаш. Холестерин ва витамин Д га бой маҳсулотлар чиқарилади. Овқат рационига: липотрон таъсирли маҳсулотлар; политүйинмаган ёғ кислоталари миқдори юқори бўлган ўсимлик мойи; С витамины табиий манбалари бўлган ва ўсимлик клетчаткаси сақлаган сабзавотлар, мевалар ва данакли мевалар. Йодга бой деңгиз маҳсулотлари киритилади. Куллинария ишлови азотли экстрактив моддалар ва дағал ўсимлик клетчаткасидан ҳоли қилади.

Калориялилиги ва таркиби. Оқсилилар 80—100 г, ёғлар 60—70 г (жумладан ўсимлик мойлари 35 %), углеводлар 250—300 г, 2000—2200 ккал. Ош тузи ва озод суюқликни 1000—1200 мл гача чегараланади.

Овқатланиши режими. Қунига 5—6 марта ўртача миқдорда овқатланиши, кечки овқат ухлашдан 3 соат олдин.

15-пархез. Күрсатмалар. Ҳар хил касалликлар маҳсус шифобахши пархез тайинлаш учун кўреатмалар бўлмаганда ва ҳазм органлари ҳолати нормал бўлганда.

Тайинлашдан маңсад — даволашиб муассасаси шароитларида беморни физиологик нормалар бўйича овқатланишини таъминлаш.

Умумий таърифи. Оқсилилар, ёғлар, углеводлар ва калориялилик жисмоний ишда банд бўлмаган соғлом одам овқатланиши нормаларига мувофиқ келади, витаминлар эса оширилган миқдорда. Овқат турли-туман маҳсулотлардан иборат. Қийин ҳазм бўладиган ёғли таомлар: ёғли мол гўшти, қўй гўшти ва чўчқа гўшти, мол, қўй ва чўчқа ёғи истисно қилинади; ёғли хамир, зираворлар ўртача миқдорда. Куллинария ишлови одатдагича, витаминлари сақланган.

Калориялилиги ва таркиби. Оқсилилар 80—100 г (улардан ҳайвонот оқсили 50 г), ёғлар — 80—100 г (жумладан ўсимликни 20—25 г), углеводлар 400—500 г, қанд 50—100 г, 3000 ккал.

Овқатланиши режими бўлиб-бўлиб (суткасига 4—5 марта).

Контраст (енгиллаштирувчи күнлар). Айрим касаллукларда тегипли пархез фонида беморга вақти-вақтида 1—2 кунга енгиллаштирувчи күн тайинланади, бу касаллук кечинида моддалар алмашынуvida ижобий тәсісір күрсатади.

Енгиллаштирувчи күнлар қуидагиларга бўлинади:

- углеводли — қанд, мева, сабзавотли;
- оқсилли — сут, творог, гўшт ва аралаш (гўшт сабзавотлар билан);
- ёғли — сметана, қаймоқ.

Қандли күн. Жигар ва ўт йўллари касаллуклари, нефрит, хроник энтероколитда тавсия этилади. Ҳар 3 соатда 5 марта 30—40 г қанд қўшилган бир стакандан иссиқ чой берилади. Қандли күн 143,5—191 г углеводлар, 485—780 ккал сақлайди.

Олма бериладиган күн. Ёғ босишда, гипертония касаллиги, атеросклероз, хроник нефрит, хроник полиартритда тайинланади. Күнига 5 марта 300 г дан хом олма, жами 1,5 кг берилади. Юрак-томирлар системаси ва хроник нефрит касаллуклари бўлган беморларга 100 г қанд қўшиш мумкин. Олмали күн 3 г оқсил, 151,5 г углеводлар, 630 ккал сақлайди; қанд қўшилгани билан — 247 г углеворлар, 1020 ккал.

Гуруч-компотли күн. Жигар ва ўт йўллари касаллукларида, буйрак касаллукларида, гипертония касаллигида тайинлапади. Бир күнига — 1—2 кг япги ёки 240 г қуруқ мевалар, 50 г гуруч, 120 г қанд. Компот (1,5 л) б қабулга бўлинади, шу билан бирга 2 марта сувда пипирилган ширин туручли бўтқа билан берилади. Гуруч-компотли күн 8,53 г оқсиллар, 0,45 г ёвлар, 276,53 г углеводлар, 1179,5 ккал сақлайди.

Баргак бериладиган енгиллаштирувчи күн. Юрак-томир касаллуклари бўлган беморларга тавсия қилинади. 500 г бир оз ивтийлган баргакни күнига 5 марта ҳар гал 100 г дан берилади. Бу енгиллаштирувчи күн 22 г оқсиллар, 317 г углеводлар, 8585 мг калий сақлайди; 1395 ккал.

Картошка бериладиган күн. Шишилар бўлган ўткир ва хроник нефритда ва юрак етишмовчилигига тайинланади. Кўрсатмалар бўйича 1—1,5 ёки 2 кг печда пишган ва пўчоги билан қайнатилган тузсиз картошка берилади. 1 кг картошкада (30% чиқитга чиқиши ҳисобга олинниб) 12 г оқсиллар, 140 г углеводлар 0,147 мг натрий, 3974 мг калий бўлади; 620 ккал.

Салат бериладиган күн. Атеросклероз, гипертония касаллигига, буйрак касаллукларида, уратли диатезда, хроник полиартритларда қўлланилади. Япги сабзавотлар ва меваларга (1,2—1,5 кг) озроқ миқдорда сметана ва ўсимлик мойн қўшилиб, күнига 4—5 марта берилади. 200—250 ккал.

Бодринг бериладиган күн. Ёғ босиш, гипертония касаллиги, уратли диатезда тайинланади. Күн мобайнида беморга 2 кг япги бодринг берилади. Бодрингли күн 14 г оқсиллар, 54 г углеводлар, 280 ккал сақлайди.

Тарвуз бериладиган күн. Буйрак ва сийдик йўллари касал-

ликларининг субкомпенсация (қўзиш) ёки декомпенсация босқичида тайинланади. Ҳар 2 соатда кунига 6 марта 100 мл дан сут ва кечқурун ётишдан олдин 200 мл мева шарбати 20 г глюкоза ёки қанд билан берилади. 2 марта 25 г дан тузсиз бир оз қотган буғдой уни нонини қўшиб қўйиш мумкин. Нонсиз сут бериладиган кун 16,8 г оқсиllар, 21 г ёғлар, 46,1 углеводлар, 452 ккал сақлайди.

Сут бериладиган кун (1-вариант). Юрак-томирлар системаси касалликларининг субкомпенсация (қўзиш) ёки декомпенсация босқичида тайинланади. Ҳар 2 соатда кунига 6 марта 100 мл дан сут ва кечқурун ётишдан олдин 200 мл мева шарбати 20 г глюкоза ёки қанд билан берилади. 2 марта 25 г дан тузсиз бир оз қотган буғдой уни нонини қўшиб қўйиш мумкин. Нонсиз сут бериладиган кун 16,8 г оқсиllар, 21 г ёғлар, 46,1 углеводлар, 452 ккал сақлайди.

Сут ёки кефир бериладиган кун (2-вариант). Атеросклероз, полагра, ёғ боссан беморлар учун 1,5 л сут ёки кефир ҳар 2—4 соатда 250 г дан 6 қабулга. Сут бериладиган кун 42 г оқсиllар, 52,5 г ёғлар, 67,5 г углеводлар, 930 ккал сақлайди.

Творог бериладиган кун. Ёғ босип ва атеросклерозда тавсия қилинади. Творог (400—600 г) 4 қабулга 100—150 г дан ва 15 г дан сметана ҳар қабулга бўлиб чиқилади. Бундан ташқари, қандсиз 2 стакан сутли кофе ва 1—2 стакан наъмтак дамламаси берилади. Юрак-томирлар системаси касалликлари бўлган беморларга қанд қўниши мумкин. 400 г творогдан иборат қандсиз творог бериладиган кун 52 оқсиllар, 54,4 г ёғлар, 19,5 г углеводлар, 794,4 ккал сақлайди.

Гўшт бериладиган кун. Ёғ босипда тайинланади. Бир кунига 360 г. Қайнатилган гўшт (ёғсиз) сабзавотли гарнир билан 6 қабулга (соат 8,14 ва 18 да 90 г гўшт, соат 11 ва 21 да — 45 г гўшт берилади), суткасига қандсиз икки стакан сутли кофе ва 1—2 стакан наъмтак дамламаси беришга рухсат этилади. Гўшт бериладиган кун 113,5 г оқсиllар, 24 г ёғлар, 30,5 углеводлар, 813 ккал сақлайди.

ТЕРАПИЯДАН АМАЛИЙ КҮНИКМАЛАР РҮЙХАТИ

1. Антропометрик текширишлар (ички касалликлар диагностикас�다 уларнинг аҳамияти).
2. Аутогемотерапия (методикаси ва аҳамияти).
3. Банкалар, горчичниклар (ҳантал)лар, зулуклар (қўйиш техникаси ва уларни тайинлашдан мақсад).
4. Венесекция.
5. Дори воситалар қўйиши: венага, тери остига, мушаклар орасига, плевра бўйлигига, бўғим ичиға.
6. Венесекция (техникаси, қачон ва қайси мақсадда).
7. Газ ҳайдаш (техникаси ва мақсади).
8. Жѓтут (солиши техникаси).
9. Зондлаш: дуоденал, меъданни.
10. Ингаляция (организмга турли дори воситаларини пуркатилган—аэрозол холида киритиш техникаси).
11. Сунъий нафас олдириш (техникаси, кўрсатма): оғиздан оғизга; оғиздан бурунга.
12. Катетеризация (сийдикни текшириш учун олиш методи ёки сийдик тутилиб қолганда қовуқни бўшатиш мақсадидан олиш усули).
13. Кислород терапияси (кислородни ингаляция қилиш техникаси).
14. Клизмалар: тозалайдиган, эмульсион, мойли, гипертоник, сифонли, дорили, томчили, озиқли.
15. Компресслар (иситадиган, совук).
16. Қон олиш (кўрсатмалар, мақсади, методикаси).
17. Врачнинг дори тайинлаши (тарқатиш қондалари, тартиби ва эҳтиёт чоралари).
18. Юрәк массажи (техникаси, сунъий нафас олдириш билан қўшиб олиб бориш).
19. Асосий физиологик кўрсаткичларни аниқлаш: артериал ва веноз босимни, нафас, пульсни, спирометрия, тана ҳароратини.
20. Қон групналарини, резус-мансубликни аниқлаш (индивидуал мос келувчаликка синама, резус-фактор бўйича мос келувчаникка синама, биологик синама).
21. Беморни меъда, ингичка ва йўғон ичаклар, буйрак ва сийдик чиқарувчи йўлларни рентгенологик текширувларга тайёрлаш.
22. Меъдапи ювиш (техникаси, қачон ва қандай мақсадда).
23. Қовуқни ювиш.
24. Қорин бўшлигини пункция қилиш (беморни тайёрлаш ва пункция методикасига қўйиладиган талаблар кўзда тутилади).
25. Плевра бўшлигини пункция қилиш (студент пункция ўтказилаётганда ҳозир бўлиши керак).
26. Бўғим пункцияси (плеврал пунктациясидаги каби талаблар).
27. Суртмалар тайёрлаш, қон шаклли элементларини санаш, гемограммаларни ўқиши ва ҳ. к.
28. Сийдик, ахлат, балгампи, қон биохимиявий кўрсаткичларини (холестерин, қанд, протромбин, умумий оқсил ва унинг фракциялари, фермент-

лар, қолдук азот, мочевина ва б.) клиник текширип методлари, дуодепал, меъда суюқлиги, плеврал суюқликни; аспитик суюқлик ва бопиқаларни текширип методлари.

29. ЭКГ, ФКГ ва бошқа инструментал текширип методикасини қўйлаш, электрокардиографик ва фонокардиографик маълумотларни ўқип (юрак нуқсонларида, миокард инфарктида).

30. Қуйидаги ҳолларда кечикириб бўймайдиган (ошибигич) ёрдам кўрсатили:

- бронхиал астма хуружида;
- степокардия хуружида;
- бошқа этиологияни оғриқ синдромида («жигар сапчиги», «буйрак сапчиги», ўнка инфаркти, инемоторакс, панкреатит ва б.);
- юрак астмаси, ҳар хил этиологияни «бўйилиши» синдромида;
- ўнка шишида;
- кардиоген шокда;
- Морганьи—Адамс—Стокс синдромида ва б.;
- аритмияларда (титроқ аритмия, пароксизмал тахикардия, экстрасистолия);
- гипертоник кризида;
- коматоз ҳолатларда (буйрак, жигар, диабетик ҳолатларда);
- ўпкадан ва меъда-ичаклардан қон оққандা;
- гипер-ва гипогликемик ҳолатларда;
- ўткир нафас ва ўнка-юрак етишмовчилигига;
- иситма ҳолатарида (гипертермик синдром).

31. Медицина ҳужжатларини расмийлантириш:

- беморларни қабул қилиш тартиби ва жасалхонанинг қабулхона бўйими ҳужжатларини расмийлантириш;
- касаллик тарихлари (стационар bemornining медицина картаси), текширини ва тайинлаш варақалари, температура вараги ва б.;
- қундакликлар тўлғазиб бориш, эпикриз ва бошқа кўчирма ҳужжатлар ёзиш;
- рецептлар;
- участка ва цех терапевти ҳужжатлари;
- ВТЭК, ВКК га йўллашмалар.

32. Беморларга уйда ёрдам кўрсатиш, юрак-томирлар системаси, қориб бўшлиги органлари, ўпканинг ўткир патологияси бўлган bemорларни транспортировка қилиши принциплари.

ФИЗИОТЕРАПИЯДАЙ АМАЛИЙ КҮНИКМАЛАР РҮЙХАТИ

I. Сув билан даволаш (техникаси ва методикаси).

- 1) умумий сувуқ ва салғын сув муолажалари;
- 2) иссиқ сув биләп даволашу муолажалари (39°C дап юқори);
- 3) ўртача илік муолажалар:

4) душлар:

5) ванналар: чүчук сувли, ингабаргли, шалфейли, хлоридли, ипиқорли, йод-бронмли, газли (карбонат аңгидридли, радонли, сульфидли, марваридли ва б.).

II. Иссеклик билан даволаш (техникаси ва методикаси):

- 1) балчиқ-лой билан даволаш:
- 2) парафин билан даволаш:
- 3) озокерит билан даволаш.

III. Ергулгик билан даволаш:

1) күзга күриммайдыган, инфракүзим пурлар құлланини (чүгланип лампалар) ва б.);

2) ультрабинафша нурлар құлланини (симоб-кварцли нурлаттичлар, умумий, маҳаллый, группавий нурлантыриның ўтказыш методикаси).

IV. Ультратовуш.

V. Электр билан даволаш:

1) доимий ток;
а) гальванизация;
б) электрофорез (электрофорез ва гальванизация техникаси ва методикаси) — Шчербак бүйіча умумий электрофорез;

в) Шчербак бүйіча гальваник ёңа;

г) гальванизацияның Бургинъон бүйінча трансортитал методикаси;

2) паст частотали ва паст күчлапипши импульс токлар:

а) импульс түрін бурчак шакидаги ток (Ледюк токи);

б) импульслари ўтқир учыл шакидаги тетапизацияловчи ток;

в) экспоненциал ток (Лапек токи);

г) диадинамик токлар (Бернар токлары);

д) сипусоидал модельланған токлар (СМТ) — амплитульстераия;

3) юқори частотали ўзгаруучан токлар:

а) дарсанвализация;

б) индуктотермия;

в) УВЧ-терапия;

г) микротүлкүнили терапия;

4) юқори күчланишты доимий электр майдони: франклинизация (АФ-3 аппаратурасы құлланиши техникаси);

5) электр аэрозол ингаляция (группавий, индивидуал):

6) аэроопотерапия (АИР-2, АФ-3 аппаратлары).

VI. Электр ёргулғиги билан даволаш кабинетларда шипашда хавғизелик техникаси.

VII. Физиотерапевтик муолажалар ўтказышында умумий принциплари, физиотерапия бўлимни (кабинети)нинг зарур медицина ҳужжатларини расмийлаптириши.

VIII. Физиотерапевтик муолажалар ўтказышга кўрсатмалар ва рухсат этилмайдыган холлар.

IX. Беморларни санаторий-курортда даволашга тарапшы принциплари, санаторий-курорт картасини расмийлаптириши.

X. Физиотерапевтик муолажалар құлланишида кутиладиган асоратлар ва бунда физиотерапевтниң хатти-харакати.

КЛИНИК КАСАЛЛИК ТАРИХИНИНГ ЯГОНА СХЕМАСИ

Касаллик тарихининг ягона схемасини тилаб виқиянда Москва, Ленинград, Киев медицина институтларининг терапевтик кафедралари, шунингдек РСФСР қатор медицина институтлари терапевтик кафедралари колективлари иштирок этишига. Касаллик тарихининг бу схемаси СССР Соғлиқини сақлаш миистрлигигин терапия бўйича марказий мувофиқлаштирувчи ўқув-методик кенгашин томонидан тасдиqlантган. У медицина институтларининг II—VI курслари студентларига мўлжалланган. Касаллик тарихи схемасига қўйимчак қўлий стационар бемор медицина картасининг титул варагни (1-илова) илова қўлишиб, уни V—VI курселарининг студентлари ва амалий врачлар тўлдиришлари керак; системалар бўйича ва айрим қўп тарқалган касалликларда мажбурий ва қўйимчак текниприи методлари рўйхати (2-илова) — улар студентларга беморларни текниприи илосларини тузни учун зарур; организмнинг энг муҳим константалари қўрасаткичлари рўйхати — соглом одамларда асосий лаборатория қўрасаткичларининг нормал қийматлари (3-илова). Кўрсатиб ўтилган константалар СИ системаси бўйича келтирилган; тақдослаш учун эса аввалги бирликлар берилган.

I. ПАСПОРТ ҚИСМИ*

1. Фамилияси, исми, отасининг исми.
2. Жипси.
3. Еши.
4. Доимий тураг жойи.
5. Ил (ўқиши) жойи, касби ёки лавозими.
6. Келган куни.
7. Курация куни.

II. ШИКОЯТЛАРИ**

Бу бўлимга курация (кўздан кечирип) куни бемор билдирган асосий шикоятларнига киритилади ва уларнинг батафсил таърифи берилади. Асосий шикоятларга беморнилг врача мурожаат қилини учун бевосита сабаб бўлган оғриқ (безовта қиласидаги) сезгилари киради.

Саволларнинг варианatlари:

1. Бемор пимадап шикоят қиласиди?
2. Оғриқ ҳодисаларининг аниқ жойи (ва қаерга ўтиши).
3. Найдо бўлини вақти (кундузи, тупда).
4. Оғриқ сезгиларини қўзгатадиган омиллар (жисмоний ёки психик зўришини, овқат ейиш ва ҳ. к.).
5. Оғриқ ҳодисаси характеристи (масалан, оғриқ характеристи: қисадиган, санчадиган, ачиштирадиган, доимий, хуружсимон ва ҳ. к.); упинг кучи ва давомлилиги.
6. Оғриқ (безовта қиласидаги) ҳодисаси нима билан босилади?

Шу тахминий саволлар схемаси бўйича беморнинг ҳар бир асосий шикояти батафсил ўрганиб чиқлади.

III. УШБУ КАСАЛЛИК ТАРИХИ (ANAMNESIS VITAE)

Бу бўлимда ушбу касалликнинг дастлабки белгиларидан боплаб кура-тор текширган вақтгача унинг пайдо бўлиши, кечиши ва ривожланиши хронологик изчиллик билан батафсил тасвирланади.

* Бу бўлимни II—IV курселарнинг студентлари, стационар бемор медицина картасининг СССР СМ ишинг №003 формаси бўйича, титул варагни эса (1-иловага к.) — V—VI курс студентлари ва амалий врачлар тўлдирилар.

** Сўрайш вақтида беморда шикоятлар бўлмагандага студентлар бу бў-лимга беморнилг клиникага келган вақтидаги шикоятларини ёзиб қўядилар.

Саволлар варианти:

1. Үзиниң қаңондағы касал деб ҳисеобладайди?
2. Биринчи марта қаерда ва қаңдай шароитларда касаллаштып?
3. Касаллик болапланышында имекон бергандай омыллар.
4. Касаллын қаңдай белгилар билан болапланған?
5. Врачта биринчи марта мурожаат қилиніп, диагностик ахамияттың бүлгай текширишларының натижалары, касаллык диагнозы, үшінші даврда тибий ва врач ёрдами, упилиг таъсирчанлығы.
6. Кейинчалик касалликтардың кечинесі:
 - болапланғич симптомлар динамикасы, яғни симптомлар пайдо бўлганини ва касаллик ҳамма белгиларининг койинги ривожланишини;
 - неча марта қўзиши, ремиссия давомлилариги, касаллик асоратлари;
 - қўлланылган даволашни ва диагностик тадбирлар (стационар ёки амбулатория текширишін ва даволаш, дори-дармоилар, физиотерапия, сапато-рий-курортда даволашни ва бошқа методлар), ўтказилган даволашының таъсирчанлығи;
 - касаллик даврида меҳнатта лаёқат;
 - бемории врачта мурожаат қилинішінде сабаб бўлган ушбу касаллик қўзишининиң батафсил баёни.

IV. ҲАЁТ ТАРИХИ (STATUS VITAE)

Таржиман ҳолдан қисқача маълумотлар:

Туғилган йили ва жойи, қаңдай оплада туғилган, оплада нестанчи фарзанд, қаңдай ўсиб-улгайтаган. Маълумоти: потўлиқ ёки тўлиқ ўрта, маҳсус ўрта ёки олий, ўқув юрттунда қаочоп ва қаерда тамомлаган.

Ҳарбий хизматга муносабати, фронтда бўлган-бўлмагани (агар озод қилингандай ёки демобилизация қилингаган бўлса, сабаби кўрсатилсан).

Оилавий-жизнисий анатомия: аёллар учун—хайз қўриши пайдо бўлган вақти, қанча вақтда келади, ҳайз қўриши давомлилариги, ажратмалар миқдори. Никоҳ қўриши вақтидаги ёши. Ҳомиладорликлари, тутгрӯқ ва абортлари (ўз-ўзидан ёки сунъий), улар миқдори ва асоратлари. Климатик ва упилиг кечинши. Ҳайз қўриши тутгалланган вақт (мепопаузаси). Ҳозирги вақтдаги оиласи вий аҳволи. Болалари сопи.

Меҳнат анатомия: қайси ёнидан, қаңдай вазифада ва қаерда ишлай бошлиган. Кейинги меҳнат фаолияти хронологик тартибда иш жойлари ва лавозимларини кўрсатган ҳолда.

Меҳнат шароитлари ва режими, касб-корга алоқадор зарарлар омиллар.

Турмуш анатомия: турмушидаги турар жой ва санитария-гигиеник шароитлар (хоналар майдони, уларниң таърифи, кулайликлар бор-йўқлиги). Шу турар жойда истиқомат қилашаган шахслар сони.

Овқатланыш: овқат режими ва мунтазамлиги, овқат характеристи, упилиг тури-туманлигиги, калориялариги ва ҳ. к.

Зарарлы одатлар: чекиш, қайси ёнидан, қанча миқдорда чекади. Ичкилик ичиши, қайси ёнидан, қанча миқдорда. Наркотиклар қабул қилиши. Аччиқ чой, кофени систиммол қилиши.

Бошдан кечирган касалликлари: бошдан кечирсанынг ҳамма касалликлар, операция, яралашын, шикастларын, контузиялар хронологик тартибда бемор ёшини, бу касалликлар, шикастларында асоратларининг давомлилариги ва оғир-енгиллигини ва даволашни кўрсатган ҳолда баён қилинади. Бошдан кечирсанынг юқумли, венерик касалликлар, сип, сариқ касаллиги алоҳидан кўрсатиб ўтилади. Илгари қон ёки қон ўрнинин босадиган суюқликлар қуёйларни, уларни қўйишда реакциялар бўлганни — ҳаммаси кўрсатилсан. Сўнгги 6 ойда парентерал дори киритилгани-йўқлиги кўреатилсан.

Аллергологик анатомия: озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳар хил дори-дармонлар, вакцина ва зардоларни кўтара олмаслик. Аллергик реакциялар (вазомотор ривит, эшакем, Қвянке шиши) борлиги, бу реакцияларнинг сабаблари, уларниң мавсумийлиги.

Ирсият: ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, болалари; уларнинг соғлиқ ҳолати, касалликлари, ўлим сабаблари (печа ётда ўлгаалиги). Ирсиятдаги нуқсонлар: яқин қаришмаларпда хавфли ўсманар, юрак-томирлар (миокард инфаркти, степокардия, артериал гипертензия, инсультлар), эндокрин (қанды диабет, тиреотоксикоз ва б.) ва рухий касаллуклар, геморрагик диятезлар, алкоголизм борлиги, яқин қаришмалар анатомесизда сил ва захм борлиги.

Сугурта анатомеси: охирги касалхона варагаси давомлилиги, охирги календарь йили учун шу касаллик бўйича касалхона варагаларининг умумий давомлилиги. Ногирошлик (қайси ёшдан, сабаби, группаси).

V. ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ (SATUS PRAESENS) УМУМИЙ КЎЗДАН КЕЧИРИШ (INSPECTIO)

Беморнинг умумий аҳволи: қониқарли, ўртача оғирлиқда, оғир.

Эс-хуши: жойида, бузилган — ступор, сопор, кома, алаҳлаш, галлюципациялар.

Беморниг вазияти: актив, пассив, мажбурий.

Гавда тузилиши (*habitus*): : конституционал тип (пормостеник, гиперстеник), бўйи, тана оғирлиги. Қад-қомати (тик, энгашган), одимланиши (тез, секин, атақтик, спастик, царетик).

Тана температураси: доимий иситма (*febris continua*), типикни қуриладиган (*f.remittens*), тоҳуқ кўтарилиб, тоҳуқ пасайиб турадиган (*f.intermittens*), қайталанадиган (*f. recurrens*), тўлқинисимон (*f.indulans*), ҳолдан тойдирадиган (*f.nectica*), нотўғри (*f. irregulare*), айнитган (*f.inverta*) иситма. Температуранинг литетик ва критик тушшиб кетиши. Температура эрги чизигининг босқичли көсими: дастлабки босқичи (*stadium incrementi*), юқори ортиб борилинг босқичи (*s. fastigii*) ва туштиши босқичи (*s.decrementi*).

Юз қиёфаси: тинч, бефарқ, маскасимон, қайгули, изтиробли, қўзгалган, чарчаган ва ҳ. к. Корвизар юзи, *facies febris*, *f.neprhilitica*, *f.mitralis*, *f.hypostatica*, *f.Basedowica* ва б.

Тери қопламлари: ранги (одатдаги, пушти ранг, қорача, қизил, кўкимтири, саргини, рангпар, ерсимон). Пигментация ва денигментация (лейкодерма), уларнинг жойлашуви.

Тошималар: тошима шакли (розсола, папула, пустула, везикула, эритема, дөг, иситма тошималари — *herpes*), тошималар жойлашуви; якка-якка ёки кўп сопи (қўшилиб кетган).

Томирлардаги ўзгаришлар: телсангиётазия, «томир ўлдузчалари», уларнинг жойлашуви ва миқдори.

Қон қўйилишилар: жойлашуви, ўлчами, миқдори, юзага чиққанлиги.

Чандиқлар: жойлашуви, рангги, ўлчамлари, ҳаракатчалиги, оғрикли бўлиши.

Трофик ўзгаришлар: яралар, ётоқ яралар, уларнинг жойлашуви, ўлчами, юза характеристи.

Кўришиб турадиган ўсмалар: миома, ангиома, атерома ва бошқалар, уларнинг жойлашуви, ўлчами.

Тери памлиги. Тери тургори. Жүн босими типи.

Кўришиб турадиган шиллиқ пардалар: рангги (pushти ранг, рангпар, кўкимтири, саргини, қизил), шиллиқ пардалардаги тошималар (эпантема), уларнинг жойлашуви ва юзага чиққанлиги, шиллиқ пардалар памлиги.

Тирпоқлар: шакли («соат ойнаси», койлонихия ва б.), рангги (pushти ранг, кўкимтири, рангпар), кўндаланг ёки бўйлама чизиқлар тушганилиги, тирпоқлар мўртлиги.

Тери ости ёғ клетчаткаси: ривожлапганилиги (ўртача, суст, жуда ривожланган); ёғ кўп иғрилган жойлар (қорип, қўллар, сонлар), шишлар (*oedema*), уларнинг жойлашуви (обён-қўллар, бел, қорин), тарқалганилиги (маҳаллий ёки умумий—анасарка), юзага чиққанлиги (настозлиги, ўртача ёки кескин ифодаланган), улар конисстенцияси.

Тери ости ёғ клетчаткасини пайнаслаб кўрнишда оғриқ борлиги, крапилиция борлиги (тери ости клетчаткаси эмфиземасида).

Лимфатик түгүнлар: пайнасланадиган лимфатик түгүнларининг жойлашуви (энса, қулоқ яқыннандағы, жағ ости, бүйин, ўмров усти ва ўмров ости, құлтиқ, тирсак, чов, тақым). Уларнинг қатталиғи, шақли, консистенциясы, орниши, ҳаракатчалығы, ўзаро ва атрофдаги түкімалар билап құпилиб кетпеп, улар устидаги терининг ахволи.

Мушаклар: ривожлапашты дарајасы (қоппикарлы, яхши, күтсиз, мушаклар атрофиясы ва гипертрофиясы).

Тонус: сақланған, пасайған, онғап (мушаклар ригидлігі),

Мушаклар күчи. Пайнаслаб күрілғапта орниши ва зияткышлар анықланады.

Суяклар: суяклар шаклы, шаклида ўзгарыштар борлығи, пайнаслаб құралғанда, уриб құралғанда орниң борлығи, құл ва обей бармоқлары охирги фалангаларининг ахволи («ногора бармоқлар» симптомы).

Бұғымлар: конфигурациясы, шишиб чиққаплиғи, пайнаслапта орниши, бұғымлар устидаги терининг гиперемиясы ва маҳаллый ҳарораты. Бұғымлардаги ҳаракаттар: уларнинг орниши, ҳаракат қылғанды қырсыллаты, бұғымларда актив ва пассив ҳаракаттар ҳажми.

НАФАС ОРГАНЛАРЫ СИСТЕМАСИ

Шикоятлари

Йұтал (tussis): уннег күчи, характеристи (куруқ әки балғам ажратылғанда билан), пайдо бўлинш вақти (куидузи, тупда, эрталаб), давомлилігі (доимий, вақти-вақтида, хуружсимон), йұтал пайдо бўлинш ва тўхташ шаротлари.

Балғам (sputum): характеристи, рангги ва консистенциясы (сероз, шимлиминиқ, шимлиминиқ-йирингли, йирингли), бир мартада ва бир суткада ажраладиган балғам миқдори: қон аралашыб келиши: балғамнинг яхши күчимига имкон берадиган ҳолат.

Қон туфлани (haemoptoe): қон миқдори (қон иппир-иппир, лаҳтаси ёки соғ қон), қон рангти (қыл-қызыл, түқ рангли, зангерсимон ёки малина рангидаги), қон туфлани пайдо бўлинш учун шароитлар.

Кўкрап қафасида орниң (dolor): жойлашуви; орниң характеристи (ұтқир, спимиллаган, санчықли); күчи (кученз, ўртача, кучли); давомлилігі (доимий, хуружсимон), орниңнинг пафас ҳаракатлари билап боғлиқлиги; орниңнинг бериллиши (иррадиацияси).

Нафас қисиши (dyspnoe): пайдо бўлинш шароитлари (тинч турганда, жисимотт ҳаракатда, йұталда ва х. к.); нафас қисиши характеристи (инспиратор, экспиратор, аралап).

Бўғилті (asthma): пайдо бўлинш вақти ва шароитлари, хуружларнинг давомлилігі, уларнинг тўхтани.

Испитма (febris): ҳарорат ошиши ва сутка мобайнида уннег ўзгариб туриши чегаралари. Ҳароратнинг ошиши тезлигиги ва ишитма даври давомлилігиги. Терлаш, эт жупжикини. Ҳароратни пима туширади?

Кўздан кечириш

Буруп: буруп орқали нафас олини (бемалол, қийипланған). Бурупдан чиқадиган ажралма, уннег характеристи ва миқдори. Буруп қонаши.

Хиқалдоқ: хиқалдоқ шакли ўзгариниш ва шинни. Товуши (қаттық, паст, тинқ, бўйылған), товуши чиқмай қолини (афония).

Кўкрап қафаси: шакли--нормостеник (кошумсимон), гиперстеник, астеник, патологик шакллары (эмфиземали ёки боткасимон, параптик, қайнекимон, рахитик, воронкасимон). Ўмров усти ва ости чуқурчаларининг юзага чиққанлиғи (бўртиб чиққан, ичига ботган, ботиб кетган); қовургалараро оралыптарнинг көчлигиги (ўртача, сербер, тор); эннегастрал бурчак қатталиғи (тўғри, ұтқир, тўмтоқ), қураклар ва ўмровларнинг ҳолати (чиққи турмайди, ўртача, аниқ чиққи туради, қапотсимон қовургалар), кўкрап қафаси олдинги-

орқа ва ёилама ўлчамларининг нисбати; кўкрак қафасининг симметриклиги (иккала ярмидан бирининг катталашуви ёки кичрайши, локал бўртиб чиқилиш ва ичига ботиши).

Умуртқа ногонаси қийшайишлари: кифоз, лордоз, сколиоз, кифосколиоз.

Кўкрак қафаси айланаси, нафас олишда ва нафас чиқаришда кўкрак қафаси экскурсиясин.

Нафас олиш: типи (кўкрак орқали, қорин орқали, аралаш). Нафас ҳаракатларин симметриклиги (кўкрак қафаси ярмининг пафас актида орқада қолилиши). Унда қўпимча мускуллар иштироки. Минутига пафаслар сони. Нафас чукурлиги (юза, чукур, жумладан — Куссмауль нафаси). Мароми (ритмик, аритмик, жумладан Чайн—Стокс ва Биот нафаси). Нафас олиш ва қийинлашишининг объектив белгилари (инспиратор, экспиратор ва аралаш нафас қисиши).

Пайнаслаш. Аниқлаш:

- оғриқли қисмларни, уларнинг жойлашувини;
- кўкрак қафаси резистентлиги (эластиклiği);
- симметрик участкаларда товуш титраши (бир хил, бир томонлама кучайган ёки сусайган).

Ўпка перкуссияси

Қиёсий перкуссия — перкутор товушнинг кўкрак қафаси симметрик участкалари устидаги характеристи (товуш апиқ, ўпка товуши, тўмтоқлашган, тўмтоқ, қутисимон, тимпаник, тўмтоқлашган-тимпаник) ҳар бир товуш чегарасини қўвурғалар ва топографик чизиқлар бўйича аниқлаш билан.

Топографик перкуссия

Ўпқанинг юқори чегараси: ўпгдан чапдан

учлариппинг туриш баландлиги олд томондан
учлариппинг туриш баландлиги орқадан

Ўпқанинг қуйи чегараси қуйидаги чизиқлар бўйича:

тўш суюги яқинидаги	Аниқлашмайди
ўрта-ўмров чизиги	Аниқлашмайди
олдинги қўлтиқ	
ўрта қўлтиқ	
орқа қўлтиқ	
курак	
умуртқалар яқинидаги	

Ўпка қуйи чеккасининг нафас экскурсияси қуйидаги чизиқлар

бўйича:
ўрта-ўмров
ўрта қўлтиқ
курак

Лускультация

Асосий нафас шовқинлари

Ўпқанинг симметрик бўлимлари устидаги асосий нафас шовқинларининг характеристи (везикуляр, сустлашган, кучайган, қаттиқ, бронхиал, амфотик, нафас шовқини бўлмаслиги).

Құнипмача нағас шовқаплары: хирадлап (қуруқ ёки пам), крепитация, плевра инцаланип шовқани, уларнинг жойлапшви ва таърифи.

Бронхофопия: ўнқашт симметрик участкалари устида бронхофопияни аниқлаш (иккала томондан бир хил, бир томонда кучайган ёки сустлапшган).

ҚОН АЙЛАНИШИ ОРГАНЛАРИ СИСТЕМАСИ

Шикоятлари

Юрак соҳасида оғриқ: жойлашуви (түш орқасида, юрак учи соҳасида, түш сүягидай чан томонда II—V қовургалар сатқида ва ҳ. к.), характеристи (қисадиган, санчийдиган, босадиган, симиллаган ва ҳ. к.); кучи: доимий ёки хуружсиз, оғриқ давомлилиги, пайдо бўлиш шароитлари (жисмоний ҳаракатда, эмоционал зўриқинча, тинч турганди); нима билан босилади (валидол, пироглициерин, седатив воситалар, паркотиклар).

Бўғилти (dyspoe): пайдо бўлиш вақти ва шароитлари (қундузи, тутида, тинч турганди ёки жисмоний ҳаракатда); хуружлар давомлилиги, уларнинг неча марта қўзиб туриши, пайдо бўлиш сабаблари, нима билан босилиши.

Юрак уришин palpitatio cordis aisthma): юракнинг иотекис уриши: аритмия характеристи (доимий, хуружсиз, эпизодик), хуружлар давомлилиги, уларнинг неча марта қўзиб туриши, пайдо бўлиш сабаблари, нима билан босилиши.

Шипплар (oldema palpitation): уларнинг жойлапшви (оёқ-қўлларда, бел, юз, қорина); тарқалғанлиги (маҳаллий ёки апасарқанинг умумий типи), юзага чиққанлиги (настозлик, ўртача юзага чиққан, кескин юзага чиққан); пайдо бўлиш вақти ва шароитлари (ин куни охрида, жисмоний ҳаракатдан кейин, доимий).

Кўздан кечириш

Юрак соҳасини кўздан кечириш: юрак соҳаси бўртиг чиқини (gibbus cordis) Кўринадиган пульсациялар (юрак учидағи туртки, юрак турткиси, эпигастрал пульсация, юрак соҳасида атиник пульсация); уларнинг таърифи (жойлапшви, тарқалиши, кучи, юрак фаолияти фазаларига муносабати).

Пайнаслаш

Юрак учидағи туртки: упинг жойлапшви (қовургалар ораси ва чап ўрта-ўмров чизигига муносабати кўрсатилсиз); кучи (сустлапшган, нормал, кучайган, кўтарилиб турдиган); майдони (чегаралапган, тутапи).

Юрак турткиси: унинг жойлапшви, куни, майдони.

Эпигастрал пульсация: упинг характеристи (қорин аортаси, юрак, жигар пульсациялари билан алоқаси); кучи, тарқалғанлиги (чегаралапшган ёки тутапи).

Юрак соҳасидаги титроқ (fremitus): упинг жойлапшви, юрак фаолияти фазаларига муносабати (спистолик ёки диастолик).

Пальпатор оғриқли ва гиперестезияли зоналарни апиқлати.

Перкуссия

Юракнинг нисбий тўмтоқлиги — упинг чегаралари:

ўнг
чап
устки

Юрак нисбий тумтоқлиги кўпдалапшган (см да)
Томир дастаси эни (см да).

Юрак конфигурацияси (пормал, митрал, аортал).

Юракнинг мутлақ тўмтоқлиги — упинг чегаралари:
ўпг

чап
усткни
Юракнинг мутлақ эни (см да).

Аускультация

Тонлари: юрак қисқаришилари ритми (ритми ёки аритмик — аритмия формаси кўрсатилган ҳолда — нафас аритмияси, титроқ аритмия, экстрасистолия, юрак қисқаришиларининг тушиб қолипши). Юрак қисқаришилари сони.

I топ, баландлиги (жараңгдорлиги нормал, секундланига, кучайган, акцентли); II тоннинг иккига бўлинини.

Қўшимча тонлар: пресистолик ёки протодиастолик «сакраш» ритми, бедапа ритми, систолик «сакрапи».

Шовқиплар: юрак фаолияти фазаларига муносабати (систолик, диастолик, пресистолик, протодиастолик, мезодиастолик ва ҳ. к.).

Шовқин энг яхши эпитетидаган жой. Шовқипни эпитетини.

Шовқини характеристири (юммоқ, пулфловчи, тимдаловчи, дагал ва ҳ. к.), унинг тембрни (юқори, наст); кучи (кучиз, кучли); давомлилиги қисқа, узун, ортиб борадиган, камайиб борадиган).

Шовқиплининг тана вазиятига, нафас олини ва нафас чиқарипда нафасни тутуб турнига ва жисмоний ҳаракатга боялиқ ҳолда ўзгаринилари.

Перикард ишқалалини шовқини: энг яхши эпитетидаган жой, шовқин характеристири (дагал ва қаттиқ, наст, майн).

Томирларни текнириши

Артерияни текнириши: чакка, сон, билак, тақим артерияларига ва оёқ паниаси усти артерияларини кўздан кечиринг, пульсацияларнинг ифодалапланлиги, эластиклиги, артериал деворининг силлиқлиги артерияларнинг бурајмалиги. Бўйинтуруқ чуқурчасида пульсацияни аниқланни. Уйку ва сон артерияларини энитиб кўрини (Траубе қўшталоқ топи, Випоградов—Дюровъе қўшталоқ ишвекини).

Билак артерияларнда артериал пульс: иккала қўлдаги пульсни таққослап, ритми (аритмиялар ва пульс таққислиги борлиги), тўлиқлиги, таранглиги, катта-кичиклиги, пульс шакли (тезлиги).

Артериал босим: елка артерияларда симоб устуннинг мм хисобида (Кортков методи бўйича систолик ва диастолик босим аниқланади).

Веналарни текнириши: бўйин веналарини кўздап кечиринг ва пайласлаб кўрини, уларнинг бўртници, пульсацияси кўришини, манфий ёки мусебат вена пульси борлиги.

Бўйинтуруқ венами энитиб кўрини («биэбизак шовқини»).

Кўкрак қафаси, қорин девори, оёқ-қўллар веналарида кенгаймалар борлиги, унинг жойи ва кепгайини даражаси кўрсатилган ҳолда.

Веналарнинг қаттиқланувини ва оғриқли бўлнини, қайси вена ва унинг қашна қисми қаттиқланганлиги ёки оғришини кўреатган ҳолда.

ҲАЗМ ОРГАНЛАРИ СИСТЕМАСИ

A. Мөъда-ячак йўли

Шикоятлари

Корина оғриқ: жойлапнуви, иррадиацияси, кучи, давомлилиги, пайло бўлиш шароитлари ва овқат ейилишига алоқаси (эрта, кечиккан, оч оғриқлар); оғриқ характеристири (доимий, хуружсимон, ўтқир, зирқираган, симплаган); оғриқ қолипши (ўз-ўзидан ёки овқат ейилгандан иссиқлик, совуқ, дори-дармон қўллапинидан, қусинидан кейин).

Дисептич ҳодисалар: ютишининг ва қизилўнгач бўйлаб овқат ўтишининг қийиниашуви (*dysphagia*) Кўнгил айниши (*nausea*) қусини (*vomitus*), кекириши, зарда бўлини, қорин дам бўлини (*meteprismus*). Батафсиш таърифи, бу ҳодисаларниң юзага чиққанлик даражаси, овқат ейинига, унинг сифатига ва миқдорига алоқаси, дисептич ҳодисаларниң шима билан тўхтани.

Интаҳа: сақланган, пасайган, оғган (*polyphagia*) Мутлақо бўлмайди (*anorexia*, *айнигаи*). Овқатдан юз ўтириш (ёғли, гўштили).

Ич кезини: суткасига неча марта, миқдори (мўл, ўртача, кўп эмас), ахлат консистенцияси (шаклланган, суюқ, бўтқасимон, қаттиқ, «қўй қийи»), ахлат ранги (жигар ранг, саргина-жигар ранг, сарин, кул ранг-оқ, қатронсимон).

Қон кетини: қизилўнгач, меъда, ичак ва геморроидал қон кетини — қон қусини, кофе қуйқасига ўшиши, қора, қатронсимон ахлат (*melena*), ахлатда тоза қон бўлини.

Кўздан кечириш

Оғиз бўйлиги: тил (рангги, намлаци, сўргичсимон қавати ҳолати, карашлар, ёриқлар, яралар борлиги).

Тишлар аҳволи. Милклар, юмитоқ ва қаттиқ ташглай (рангги, карашлари, геморрагияси, яра-чақалари).

Томоқ (рангги, қизиллиги, шиншаб чиққанлиги, карашлари). Бодомча безлари (катталиги, қизиллиги, шиншиб чиққанлиги, пардалари).

Қорин: қорин шакли, симметриклиги, пафас актида қатнапшиши, меъда ва ичак перистальтикаси, веноуз коллатераллар. Кинидик ҳолати.

Қорин айланаси кинидик сатҳида.

Перкуссия

Шеркутор товуни характеристи. (Қорин бўйлигидан озод ёки халтачаля суюқлик борлиги.)

Пайпаслаш

Юза тахминий пайпаслани: оғриқли соҳалар, қорин дөвори мушаклари таранглиги (мушак ҳимояси — *defence muscularia*), қорин тўғри мушакларининг айрӣ бўлиши ва оч чиззиқ чурралари борлиги, перитонеал симптомлар (Мендель симтоми, Шчеткин — Блюмберг симтоми).

Образцов — Стражеско бўйича чуқур сирпапувчан методик пайпаслани: сигмасимон, кўричак, кўйдаланиш чамбар ичак, юқорига кўтариладиган, пастга тушадиган чамбар ичак юзаси, ҳарақатчалиги, жойлангуви, оғриши, ўлчамлари, шакли, консистенцияси, юзаси характеристи, ҳарақатчалиги ва булдиришини аниқлани; меъда, пилорусининг пастки чегараларити (меъда пастки чегарасини перкуссия, перкутор пальпация методи билан олдиндан аниқлаш — чайқалини иновқинини ва аускультацони перкуссия методи билан аниқлаш).

Шунингдек ўлчамлари, консистенцияси тасвирланади; оғриши, сурнукчанлиги, жойланганлиги ва қорин бўйлигининг у ёки бу органи, ўсма тузилмалари билан алоқаси бўлишини мумкинлиги баёп қилилади.

Аускультация

Ичакда энитиладиган перистальтика таърифи.

Қорин пардаси инцизалиши шовқини.

Томир шовқинлари.

Б. Жигар ва ўт қопчаси

Шикоятлари

Үнг қовургалар остида оғриқ: оғриқ характери (хуружсимон ёки допмий, ўткір, зирқираган, симиллаган, үнг қовургалар ости соҳасида оғирлиқ сезиси); оғриқ ўтиши (ирадиацияси); пайдо бўлиш шароитлари (овқат ейипга, танаа вазиятини ўзгартиришга, жисмоний ҳаракатга боғлиқ ва б.); нима билан босилади.

Диспептик ҳодисалар: кўнгил айници, қусини (қусуқ массаларни характери, уларниң миқдори), кекириш. Диспепсия ҳодисалари пайдо бўлиш шароитлари. Овқат ейини билан боғлиқлиги, пима билан босилини.

Сариқлик: үнг қовургалар остидаги оғриқлар ва диспептик ҳодисалар билан алоқаси; тери қицииши.

Иситма: ҳарорат кўтарилиши ва унинг сутка мобайнида ўзгариб туриш чегаралари. Ҳароратниң кўтарилиши тезлиги ва иситма даври давомлилиги, үнг қовургалар остидаги оғриқ, диспепсия ҳодисалари, сариқлик билан алоқаси. Ҳароратни пима пасайтириши. Кўп терлаш. Эт жунижкилии.

Кўздан кечириш

Үнг қовургалар ости соҳасида чегаралангап бўртма борлиги, бу соҳанинг нафасда чекланганлиги.

Перкуссия

Курлов бўйича жигар чегаралари.*

Жигар абсолют тўмтоқлигининг юқори чегараси:

Үнг ўрта ўмров чизиги бўйича (нечанчи қовурға бўйича эканлиги кўрсатилсин).

Жигар абсолют тўмтоқлигининг пастки чегараси:

Үнг ўрта ўмров чизиги

олдигиги ўрта чизик

чап қовурға равоги бўйича.

Үнг қовурға равогини тукиллатиб урини: Ортнер симптоми борлиги.

Пайнаслаш

Жигар: жигар пастки чегараларини ўрта-ўмров ва олдинги ўрта чизик бўйича аниқлаш.

Жигар чети таърифи (ўткір ёки юмалоқлангап, юмиюқ ёки қаттиқ, оғриқли ёки оғриқсиз).

Жигар юзаси таърифи (у катталашгандо): юзаси силлиқ, донадор, эгрибурги.

Курлов бўйича жигар ўлчамлари: *

Үнг ўрта ўмров чизиги бўйича (см да),

олдигиги ўрта чизик бўйича (см да),

чап қовурға равоги бўйича (см да).

Ўт қопчаси: ўт қопчаси таърифи, унинг пайнасланини, оғрини, шунингдек Курвуазье симптоми ва френікус-симптом борлиги.

Аускультация

Үнг қовургалар ости соҳасида қорин ишқаланини повқини борлиги.

* Жигар чегараларини Образцов — Стражеско методи бўйича перкутор аниқлашада жигар ўлчамлари үнг олдинги қўлтиқ, ўрта-ўмров, тўйн олдидаги ва олдигиги ўрта чизигилар бўйича ўлчанади.

В. Талоқ

Шикоятлари

Чап қовургалар остида огриқ: огриқ характери (доимий ёки хуружсимон, ўткир ёки симиллаган), огриқ күчи: унинг давомлилиги, иррадиацияси, пайдо бўлиш шароитлари (тана вазиятини ўзгартиришга, жисмоний ҳаракатга, овқат ейинига алоқаси ва ҳ. к.).

Кўздан кечириши

Чап қовургалар ости соҳасида чегаралангани бўртма борлиги, бу соҳанинг пафасда чекланганлиги.

Перкуссия

Талоқ бўйлама ва кўпдаланг ўлчамини аниқланиши (см да).

Пайпаслаш

Талоқни ёнбоида ва чалқанча ётипи ҳолатида ушлаб кўриш. Талоқ пастки чети таърифи (ўткир ёки думалоқланган, огриқли ёки огриқсиз). Талоқ юзаси таърифи (апча катталашган): юзаси силлиқ ёки эгри-бугри, огриқли ёки огриқсиз.

Лускультация

Чап қовургалар ости соҳасида қорин пардасида пипқаланиши повқуни борлиги.

Г. Меъда ости бези

Шикоятлари

Огриқ: жойлапуви (қорининиг юқори ярмида), иррадиация (ўраб оладиган огриқлар), огриқ характеристика (ўткир, симиллаган, доимий, хуружсимон), пайдо бўлиш шароитлари (овқат ейиш, ичқилик ичини, жисмоний ҳаракат кабилага алоқаси), нима билан босилади.

Диспепсия ҳодисалари: иштаха, кўнгил айниши, қусим, қорин дам бўлиши, ич кетар, қабзият. Уларнинг батағсил таърифи.

Пайпаслаш

Меъда ости безида огриқ, катталаниши ва қаттиқланиши.

СИЙДИК АЖРАТИШ ОРГАНЛАРИ СИСТЕМАСИ

Шикоятлари

Огриқ: унинг жойлашуви (бел соҳасида, қорип пастида сийдик йўллари бўйича); иррадиацияси, огриқ характеристика (ўткир ёки симиллаган, доимий ёки хуружсимон); огриқ давомлилиги; огриқ пайдо бўлиш шароитлари (жисмоний ҳаракат, тана вазиятини ўзгарини, кучли овқат ейиш, ичқилик чини, сув нагрузкаси); огриқ пима билан қолади.

Сийдик чиқарип: сутка ичидаги чиқариладиган сийдик (полиурпя, олитурпя, апурия ёки сийдик тутилиши — интурия борлиги).

Дизурек бұзилепілар: қийпалиб сийини (ингичка оқим биляп, томчилаб, узиқ-узиқ); беихтиёр сийдик акратини, спипшага сохта истак: сийдик чиқарыш вақтида ачишини, қызеб кетини, сийини вақтида оғриқ бўлиши (сийини бошида, охирида ёки бошидан охиригача); сийдик чиқарыш тезлашиши поллакиурия).

Сийдик: ранги (похолсімон-сариқ, түйинган сариқ, түқ рангли, «пиво» рангіда, қызил, «гүйт чайшпидис» ранги ва ҳ. к.); сийдик типиқлариги. Сийдикда қоң аралашымалари борлиги. (сийдик чиқарыш бошида ёки охирида, ҳамма порциннеларида).

Шишилар: жойланувуи; пайдо бўлиши вақти (эрталаб, кечқурун, сутка мобайніда); шиншининг пайдо бўлиши ёки қучайини шароитлари (кўп ичимлик ичини, тузин ортиқча истөтмол қилиши ва ҳ. к.); шиншининг орта бориш тезлиги, шини камайишига ёки йўқолипига имкон берадиган омиллар.

Кўздан кечириш

Бел соҳаси: тери гиперемияси, бир оз шини, бел соҳаси контурлари текислашуви борлиги.

Қов усти соҳаси: қов усти соҳасида чекланган бўртиб чиқсан соҳа борлиги.

Перкуссия

Бел соҳаси: Пастернацкий симптомини аниқлапи.

Қов усти соҳаси: қов устидаги перкутор товуш характери, қовуқ каталашгандан — қовуқ тубининг жойланшини сатҳи.

Пайпаслаш

Буйраклар: ётган ва тиқ турган холатда буйракларнинг пайпаслаб кўрилиши; буйраклар каталанигандан уларнинг оғрини, консистенцияси, каталиги, инакли, ҳаракатчалигиги, баллотирлалини симитомни борзинги.

Қовуқ: қовуқнинг пайпаслаб кўрилиши, у каталанигандан — қовуқ тубининг жойланшини дараражаси, пайпаслашида оғриқ.

Оғриқ нуқталари: пайпаслашида қовурга-умуртқа нуқтасида ва сийдик йўллари бўйлаб (сийдик йўли нуқталари) оғриқ борлиги.

ЖИНСИЙ ОРГАНЛAR СИСТЕМАСИ

Микоятлари

Оғриқ: қорини пастидан, чов, бел, думгаза, ёргоқ, тапиқи жинсий органлар соҳасида оғриқлар борлиги. Оғриқ характери, жойланувуи, иррадиацияси, пайдо бўлиши шароитлари, нима билан босилиши.

Хайз кўрини цикли: мунтазамлиги; хайз кўришилар орасидаги вақт, уларнинг давомлилиги, хайз ажратмаларини миқдори, оғрини. Бачадондан қоң кетиши, бошқа ажратмалар (бели).

Жинсий функция: нормал, ошган, насайган, йўқ.

Кўздан кечириш ва пайпаслаб кўриш

Иккимачи жинсий белгилар: жуп босини типи (эркакка, аёлга хос), қўлтиқларда, юзда, қоринда, қов соҳасидаги соч қоплами. Гипекомастия. Товуш (баланд, паст). Гирсутизм, евниҳоидизм, вирилизм, феминизм белгилари.

Сут безлари: ривожланши даражаси, тери қопламлари ҳолати, ингентациясеп, «лимоп шўстя» кўришиндаги локал шини, ичга тортилиб турини. Безларнинг симметриклигиги. Кўкрак учининг шакли, эрозия, яралар борлиги, без деформацияси. Қаттиқлапуввлар, безларни пайпаслагандага тортматлар ва ўса тузијмалари борлиги.

Ташқи жинсий органдары (эркақларда): ёргоқ, мояклар ўлчами, ёргоқ инши, мояклар пайнаслаб күрілганды оғриқ, ўса тузилмалари борлығи, Моякларшың үсіб етілмаганлығы (апорхизм, крипторхизм). Жинсий олат ерзіншілік шағарлардың аялары. Жинсий олат пүсқонлары ва гайри нормаллығи.

Простата безін (эркақларда): ўлчами, консистенциясы, ректал текширувуда простата безиннін пальпатор оғриши.

Гипекологик текшириши (аёлларда): ташқи жинсий органлар, қин, бағадон ортиқларының күзгуда күздан кечиришінде ва бимануал пайнаслашдагы ҳолаты.

ЭНДОКРИН СИСТЕМАСИ¹

Шикоятлары

Ұсаш, гавда тузилишпен бузилиши, гавда массасы опиши, ориқлаб кетиш, ташиталиқ, очлик сезгиси, доимо қызыб кетишінің ұсаш қылыш, күп терлаш, эт жүнжиккішін, талваса тутиши, мушаклар бұшашыши, тапа ҳарорати күтарилиши. Бұ шикоятларнинг батағсил таърифи.

Күздан кечириш ва пайнаслаш

Ұсаш, гавда тузилиши ва гавда айрим қысмалари мутаносиблигининг бузилиши.

Ег босип: ифодалапғанлық даражасы, ёг қайсы соҳада күпроқ йигилгаплиғи. Ориқлаб кетиш, кахексия.

Тери қолпамлары ҳолаты: намлығи, іюпта тортынің ёки дагалланыпты; тери, тери бурмалары гиперпигментациясы (жойлашуви): стриялар борлығи, типик жұп босиши; ойсімон юз.

Тил, бурун, жаглар, қулоқ чигапоқлары, құл ва оёқ папіжаларипептегатталашуви.

Қалқонсімой безін пайнаслаш: жойлашуви, катталағы ва консистенциясы оғриқли бўлиши, ҳаракатчанлығи.

НЕРВ СИСТЕМАСИ ВА СЕЗГИ ОРГАНЛАРИ²

Шикоятлары

Бош оғриғи: жойлашуви, кучи, даврийлиғи, бош оғриғи харakterи, пайдо бўлиш характери ва сабаби, нима билан босилади.

Бош айланиши: характери, пайдо бўлиш шароитлари (юрганда, гавда ва бош вазияти ўзгартирилганда ва ҳ. к.). Қўшилиб келадиган ҳодисалар.

Психика ҳолати: иш қобилияты, хотира, дикқат, уйқу, унинг чуқурлиғи, давомлиліги, уйқусизлик.

Эмоционал-ирода ҳолати: кайфият, характер хусусиятлари, тез жаҳз чиқиши, ланижлик, лояқайдлик, хавотирланиши, депрессия, эйфория. Суницидал (ўзини ўлдириш) ҳаёллар ва истаклар.

Ҳаракат доғраси: оёқ қўуллар бўшашыши, қалтираш, талвасалар, бошқа ихтиёрсиз ҳаракатлар.

Сезигилар доғраси: тери сезувчанлиғи бузилишлари (гипертерзия, гиперестезия, парестезия), нерв ўзаклари ўйли бўйлаб оғриқ, нерв илдизлари оғраги. Кўриш, таъм билиш, ҳид билиш, эшитиш.

Күздан кечириш

Психика ҳолати: эс-хұш, жой, вақт ва шароитни пайқап (ориентировка) Ақл (интеллект): ривожланиши даражасига мөс келади ёки мөс келмай-

¹ Эндокрин органлар ҳолатини студентлар эндокринология курсы ўтилгандан кейин тасвирлайдылар.

² Нерв системасы ҳолатини нерв қасалликлари циклидан кейин тасвирланади.

ди. Ақыл функцияларининг системалариниң (диккәт пасайиши, хотира пасайиши, ташқидий күз билап қарашиб бузилиши, қызығыш камайиши). Беморниң клиникадаги хатти-харакати, одамга киришимли бўлиш даражаси, ваз-мислик, беҳжаловатлик, бир жойда қўним топмаслик.

Калла-мия нервлариниң текшириши: қўриш ўткирлиги, піарсаларниң қўшалоқ қўринини (дипломия), штоz, кўз соққалари ҳаракати ҳажми, қораочиқларниң ёргулилганга реакцияси. Тишлар очиб турилганда бурун-лаб бурмаларининг симметриклиги. Ютиш бузилиши. Дисфония. Тил чиқарилганда упиниг ҳолати.

Менингейл симптомлар: энса мушаклари ригидлиги, Керниг ва Брудзинский симптоми.

Ҳаракат доираси: кўз очиқ бўлганда ва юмилганда одимланиш харакети (одатдаги, атактик, паретик, бошқа шакллари), кўз очиқ бўлганда ва юмилганда барқарор тик туриши (Ромберг сипамаси).

Бармоқ-бурун ва тизза-тобон синамалари.

Талвасалар, клоник ва тоник, фибрилляр учиш, титратш (тремор) ва бошқа беихтиёр ҳаракатлар. Мушаклар контрактураси (жойланувуи). Оёқ-кўл ҳаракатлари ҳажми ва кучи.

Сезгилар доираси: нерв ўзаклари ва илдизлари йўли бўйлаб пальпатор оғриқ. Теридағи ва чуқур сөзувчанликнинг бузилишлари (жойланувуи).

Тортилини симптомлари, Лассег симптоми.

Рефлекслар: мугуз, ютиш рефлекслари.

Пай рефлекслари: тизза, ахилл рефлекси.

Патологик рефлекслар: Бабинский ва Россолимо симптомлари.

Нутқ: афазия (мотор ёки сенсор), дизартрия.

Вегетатив нерв системаси:

Кўз симптомлари: кўз ёриғи, эни, қораочиқ эни, экзофталм ёки энотальм. Горпер симптоми.

Тери: дермографизм тури, ҳарорат асимметрияси, гипертрихоз, сочтуклиб кетини, трофик яралар, тер ажралипи бузилиши.

VI. ДАСТЛАБКИ ДИАГНОЗ ВА УНИ АСОСЛАБ БЕРИШ

Дастлабки диагноз берор шикоятларини анализ қилип, анамнез мать-лумотлари ва объектив физикал текшириши натижалари асосида тақдилана-ди. Дастлабки диагнозини асослаш якуплари келтирилиб, унда врач берорни бирламчи текширгандаги ҳамма патологик симптомлар ва синдромлар анализи ўз ифодасини топилиши керак.

Дастлабки диагнозни таърифланда қўйидагилар алоҳида ажратилиши лозим.

- асосий қасаллик диагнози;
- асосий қасаллик асортатипинг диагнози;
- қўшилиб келган қасаллик диагнози.

VII. ТЕКШИРУВ ПЛАНИ

Беморни текширув плани дастлабки диагноз асосида узлл-кесил клиник диагноз қўйини ва дифференциал диагноз ўтказилиши мақсадида ишлаб чиқилиди. Зарур лаборатория ва инструментал текширувлар, шунингдек мутахассисларниң консультациялари рўйхати кўрсатилади. Диагностик излазнинг тахминий схемалари, баъзи бир энг кенг тарқалган қасалликларда албатта ўтказиладиган ва қўшимча текширув методлари 2-иловада келтирилган.

VIII. ЛАБОРАТОРИЯ, ИНСТРУМЕНТАЛ ТЕКШИРИШ МЕТОДЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИНИНГ КОНСУЛЬТАЦИЯЛАРИДАН ОЛИНГАИ МАЛЪУМОТЛАР

Ҳамма қўпимча ва албатта ўтказиладиган лаборатория ва инструментал текширув методларининг натижалари, шунингдек мутахассис-консультант-

ларнинг хулосалари ёзилади. Организмнинг энг муҳим константаларининг норматив кўрсаткичлари СИ системаси бўйича З-иловада келтирилган.

IX. КЛИНИК ДИАГНОЗНИ АСОСЛАШ

Клиник диагнозни асосланти (асосий касаллик, унинг асоратлари ва қўшилиб келдиган касалликлар) сўраб-сурштириш, объектив тикишириш методлари билан тақъослаш ва анализынига ўз ичига олади. Дастребки диагнозни тасдиqlани ёки инкор қилиш тўғрисидаги фикр келтирилади.

X. КЛИНИК ДИАГНОЗ

Клиник диагноз қўйидагиларни ўз ичига олади:

- асосий касаллик диагнози (батафсил этиологик, патогенетик, морфологик ва функционал);
- асосий касаллик асоратлари диагнози;
- бирга қўшилиб келган касаллик диагнози

XI. ДИФФЕРЕНЦИАЛ ДИАГНОЗ

Ушбу бўлимда шу беморда тошилган асосий етакчи симптомлар ва синдромларнинг дифференциал диагнози келтирилади. Шу мағсадда касалликнинг клиник манзарасида:

- энг яққол ва характерли патологик симптомлар ва синдромлар ажратилади;
- шундай синдромлар кузатиладиган қатор ўхшаш касалликлар сабаб ўтилади;
- ушбу бемордаги клиник манзара кўрсатиб ўтилган касалликларнинг клиник белгилари билан тақъослаш кўрилади. Шундай тақъослашга асослантиб касалликнинг ҳақиқий характеристири ва қўйилган клиник диагнознинг тўғрилиги тўғрисида хулоса қилинади.

XII. ЭТИОЛОГИЯСИ ВА ПАТОГЕНЕЗИ

Бу бўлимда мазкур касалликнинг пайдо бўлиш сабаблари ва ривожланниши тасвириланади. Асосий касаллик этиологиясига замонавий қарашлар кўрсатилади. Бундан ташқари, беморни тикишириш маълумотлари асосида шу беморда касаллик ривожланишига олиб келган конкрет этиологик омилилар келтирилади.

Патогенезни тасвириланади шу касаллик ва унинг асоратлари патогенезининг умумий қабул қилилган пазариялари келтирилади, шунингдек даво қилинаётган бемордаги энг кўп эҳтимол тутилган патогенетик механизмлар тасвириланади. Худди шу бўлимда шу беморда аниқланган ҳамма клиник симптомлар ва синдромлар механизми тушунтириб берилади.

XIII. ДАВОЛАШ ПЛАНИ ВА УНИ АСОСЛАБ БЕРИШ

Бу бўлимда шу касалликни даволаш ва профилактика қилишининг мақсади, вазифалари, асосий принциплари, замонавий методлари ва воситалари (режим, парҳез, дори-дармонлар ва физик воситалар, санаторий-куроортда даволаш) у ёки бу терапияшиг самараодорлигини кўрсатган ҳолда баён қилилади.

Шундай кейип касаллик кечишининг ипдивидуал хусусиятлари, органларни морфологик ва функционал ҳолати тўғрисидаги тасаввурларга асослантиб, шунингдек беморнинг социал ва психологик статусини ҳисобга олиб, ушбу бемор учун конкрет, энг маъқул даво ва профилактика тадбирлари (режим, парҳез, дори-дармонлар ва физик воситалар, санаторий-куроортда даволаш) давомида тасвириланади.

рортда даволани) ишилаб чиқылади. Ҳамма дори-дармоп воситалар рецентга ёзилади (номи, дозаси, юборини усули, суткада печа марта юборилиши). Ҳамма тайинланадиган терапевтик воситалариниң эҳтимол тутилган ёқимсиз (қўшимча) таъсирини ҳам алоҳида қайд қилини зарур.

XIV. КУНДАЛИК

Кундалик даволовчи врачниң беморни ҳар куни қўздан кетиришда олингани натижаларни акс эттиради. Олингани ҳамма маълумотлар ишлари баён қўлишган системалар бўйича ўша изчиликда, бироқ бирмунча қиска ва мақсадга йўналтирилган ҳолда келтирилади, асосий патологик жараёниларга учраган системалар ва органилар тасвиринг алоҳида ўрин берилади. Буиди касаллик ҳамма белгиларининг кундалик динамикасинга алоҳида эътибор берилади.

Кундаликда шунингдек янги клиник симптомлар ва лаборатория ва инструментал текниниши натижалариниң динамикадаги врачлик талқини, дори воситалариниң таъсирчанлиги ва қўшимча таъсири бўйича холоса, шунингдек даволаш тактикасидаги турли хил ўзгаринилар (даволани методлари, дозалари, дори пренаратларини юбориш усуслариниң ўзгарини) акс эттирилади.

«Тайинланилар» деган бандда: режим, парҳез, дори воситасиниң номи дозаси билан (бир марталик ва суткалик) ва юборини усули, шунингдек физик воситалар ёзилади; шу бандга беморни павбатдаги лаборатория ва инструментал текниниши методларига тайинланган қўрсатилиши керак.

XV. БЕМОР АҲВОЛИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВАРАҚАСИ

Курация (кузатни) даври ичida врач бемор аҳволининг асосий қўрсаткичлари маҳсус варақасида (температура варагида) температура ёғри чи-зигини ва пульс частотасини, артериал босимини график тасвирини, нафас харакатлари сонини, бемор гавдаси массасини ва зарурат бўлгандан -- сутка ичida ичишган суюқлик ва ажратилган спайдик (диурез) миқдорини, шунингдек дефекация ва ўтказилган гигиеник ванна сони ҳақидаги маълумотни қайд қиласди.

Бу вараққа шунингдек асосий даво тадбирлари, этиологик ва патогенетик даволани воситалари ёзилади.

XVI. БОСҚИЧЛИ ЭПИКРИЗ

Босқичли эпикризлар врач (ёки V ва VI курслариниң студенти) томоппидан бемор стационарда бўлган ҳар 10 кунда, шунингдек бемор аҳволи кескин ўзгарган тақдирда ёки врачниң клиник диагноз тўгрисидаги тасаввурларини ва (ёки) беморни бундан кейинги даволаш тактикасини ўзгартириб юборадиган янги диагностик белгилар аниqlашганда ёзилади.

Босқичли эпикризда беморниң стационардаги клиник диагнози тўгрисида, касалникиниң кечини хусусиятлари ва асоратлар борлиги ҳақида врачниң қиска холосаси келтирилади. Шунингдек беморни даволанининг бу босқичида қўлланилган даво воситалари рўйхати келтирилади. Касалникиниң асосий белгилари динамикаси, жумладап лаборатория ва инструментал текниниши натижалари динамикаси, хусусан беморда ўтган давр ичida аниqlанилган электрокардиографик, рентгенологик ва бошца параметрлар айниксана батағиши баён қилинади. Даволашниң шу босқичида қўлланилган ҳамма қўшимча таъсирлар тасвирланади. Шунга асослапиб, тайинланган терапияниң монандиги ва унинг таъсирчанлиги тўгрисида холоса чиқарилади. Беморни бундан кейинги даволани ва текниниши ишлани асослаб берилади.

Бемор аҳволи оғирланганда врачниң бушинг эҳтимол тутилган

¹ Бу бўлимни IV—V курслариниң студентлари ўқув касаллик тарихидагина баён қиласидилар.

саабблари тұғриспедаги мұлоҳазалары (режим, диета бузилінің, асосий касалликнің авж олини, тайиплашпәтеранияннің ғойда бермеганнің ёки мос көлмаслығы) ва бемории бундан кейинги даволаш илани баён қылышады.

Агар касаллик диагнозын унчалық апик бұймаса, диагнознің шүндай апик әмаслығын, у ёки бу гипотезаға ва дифференциал диагнозта таалымдағы хамма врачлар мұлоҳазаларин айниңса батафсил тасвиrlаши лозим. Ҳолосада шүннингдек касаллик диагнозиниң апиклаш мақсадыда бемории кейинги текнірнің илани ҳамда даволаш илани көлтирилады.

Агар ұтған давр ичіда беморда дастлабки клиник диагнозын қайта күриш чиққанда мақбур өтадынан клиник, лаборатория ёки инструментал маълумоттар апиклашынан қоялтарда клиник диагнознің ўзгаришинің, шүннингдек бемории даволашнің кейинги боеқицида резжалаптириладынан терапевтик тадбирларни батафсина асоелаб берни лозим.

XVII. ЯКУНЛОВЧИ КЛИНИК ДИАГНОЗ

Якунловчи клиник диагноз бемор стационардан чиқарылаётганды, уни боңша даволаш мұрасасасынан үтказылаётганды ёки ўлым содир бұлғанды расмийлаштырилады. Якунловчи диагноз қүйидегиларни ўз ичига олади: асосий диагноз, асосий касаллик асорати, құпилиб келадынан диагноз.

XVIII. ЭПИКРИЗ

Якунловчи эпикриз (стационардан чиқарып, болыңа касалхонага үткәзин, ўлым содир бұлғандан кейинги) якунловчи клиник диагноз өзиладынан қояларда расмийлаштырилады. Үнда қүйидеги бўлимлар бўлади:

1. Бемориңнің фамилияси, иеми, отасыннан пеми, касалхонага келган ва чиқарылган (ёки ўлган) вақти (зарурат бўлғанды соати). Якунловчи клиник диагноз.

2. Касалхонага келган вақтидаги асосий ишкоятлари (қисқача).

3. Касаллуклар ва улар асоратлариниң қаюон пайдо бўлғандығи, характеристери ва кечиш хусусиятлари тұғриспен тасаввур берадынан асосий анамнестик маълумотлар (қисқа). Шуннингдек болыңа кечирилган болыңа касаллуклар тұғриспидаги маълумотлар.

4. Касалхонага келган беморин бирламчи текнірнің системалари бўйича қасқача объективтік статуси. Умумий ҳолати, эс-хүнні, гавда тузилиши, тері қопламлари, рангги, шинилар борлиги, мазкур беморда апиклашынан боңша ўзгаришилар.

Кўкрак қафаси шакли, нафас ҳарақатлары сопи. Ўнка устидаги иеркутор тувиш характеристи, нафас, қўнимчы нафас ишвқишилари.

Бўйни томирларни, юрак соҳасидаги пульсацияларни. Юрак чигаралари (нормал ёки чапга, ўнга ёки юқорига силжиган). Юракни аускультация килип; юрак қисқаринилари ритми ва сони, юрак тоилари ва шовқинилари таърифи, билак артериясидаги пульс, унинг ритми, частотаси, тарағанлығи. Пульс тапқыслиги. Артериал босим.

Тыл (рангги, намлана, қаралып). Қорин: нафас актида қатнашуви, мұннаклар тарағанлығи, оғриқ борлиги. Қорин пардасининг таъсирларни симптомлари, ічаклар ван мөдденинг пайпасланадынан бўлмлари. Жигар: ўлчамлари, у катталашганды оса — концептенцияси, оғриқ борлигини, жигар чети ва унинг юзаси ҳолатини тасвиrlаши. Үз қончаст. Талоқ.

Буйраклар соҳаси. Пастернацкий симптоми. Буйракмарининг пайпасланыши. Қовуқ перкуссияси.

5. Лаборатория ва инструментал текнірнің методларыда олинган маълумотлар (касалхонага олиб келинганды ва чиқарылганда ёки ўлым юз берганды): қоп, сийдик, ахлат, балгамниң клиник анализи, ЭКГ, рентгенологик текнірнің маълумотлари, қоп биохимияси, болыңа текніриш методлари маълумотлари, шуннингдек мутахассис-консультантларнинг ҳолосалары.

6. Клиник диагноз ва дифференциал диагнознің асосланыны (қайсы касаллуклар билан дифференциал диагностика үтказылған) қисқача баён қылышады.

7. Стационарда ўтказилган даволаш: режим, пархез, дори-дармонлар (уларнинг дозалари ва қабул қилиши давомлилиги). Даволашпинг физик методлари, операциялар ва ҳ. к.

8. Бемор стационарда бўлган вақтдаги касаллик динамикаси қисқача тасвирилаади: касаллик етакчи симптомларининг йўқолилиши, камайини ёки авж олиши; янги симптомлар ва асоратлар пайдо бўлинни, лаборатория ва инструментал қўрсаткичларнинг мусбат ёки мағфий динамикаси. Касалхонадан чиқарилаётган bemоринг аҳволи.

9. Прогнози ва тавсияномалар. Шу bemорнинг ҳаёти, соғлиги ва иш кобилиятига доир прогноз. Мехнатга тавсияломалар, ишга жойдантиришини рўёбга чиқарашпинг эҳтимол тутилган йўллари, ногиронлик. Ишга (мехнат режими, чеклашлар), поликлиникага ёзиб берилганини, бошқа стационарга ўтказилиши, санаторийда охирига етказиб даволашни кабилар қўрсатилсин.

Режим, пархез ва турмушда жиҳомий активликка доир тавсиялар. Дори воситаларини қўлланиши (дорилар номи, дозаси, қабул қилиши давомлилиги, таъсирчанлитигини назорат қилиши воситалари) ва бошқа даволаш методлари жиҳатидан тавсиялар. Санаторий-курортда даволаш.

XIX. ПАТОМОРФОЛОГИК ДИАГНОЗ

Патоморфологик диагноз касалхона патологоанатоми томонидан bemор ўлган тақдирда уни патологоанатомик ёриш патижалари бўйича расмий лаштирилади. Патоморфологик диагноз қўйидагиларни ўз ичига олади: асосий диагпоз, асосий касаллик асоратлари, қўшилиб келган диагноз.

XX. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ*

Шу касаллик тарихини, жумладан «Этиологияси ва патогенези», «Дифференциал диагнози», «Бемори даволаш плани» бўлимларини ёзипда фойдаланилган ватанимизда ва хорижда нашр қилинган адабиётлар рўйхати жойтиради.

* Бу бўлимни IV ва V курс студентларигина расмийлаштирадилар.

Муассаса номи

Медицина ҳужжатлари СССР
Соглиқни сақлаши министрлиги
1980 й. 4 октябрда тасдиқлагап
форма № 003/у

ТИББИЙ КАРТА №

стационар бемор _____

Келган куни ва вақти _____

Чиқарылган куни ва вақти _____

Бўлим _____ Палата № _____

Бўлимга ўтказилди _____

Койка-кунлар ўтказилди _____

Транспортда олиб келиш тури: каталкада, креслода, юра олади _____

Қон групнаси _____ Резус-мансублик _____

Дориларниң ёқимсиз таъсири (кўтара олмаслик) _____

1. Фамилияси, исми, отасининг исми _____

2. Жинси _____

3. Ёни _____

4. Доимий турар жойи: шаҳар, қунилоқ _____

5. Иш жойи, касби, лавозими _____

6. Беморни ким юборган _____

7. Стационарга шопилинч кўрсаткичлар бўйича келтирилган:
Ха, йўқ — орқали, касаллик бопшагандан, шикаст еттапдан қейип;
шлапли тартибда касалхонага ётқизилган (тагига чизилсин).

8. Юборган муассаса диагнози _____

9. Келган вақтидаги диагноз _____

10. Клиник диагноз _____ Қўйилган вақти _____

11. Яқунловчи клиник диагноз:

а) асосий _____

6) асосий диагноз асорати: _____

в) құшилиб келган диагноз: _____

12. Шу йили шу касаллик сабаблы касалхонага ётқизилған:

бириңчи марта, тақроран, жами _____ марта.

13. Хирургик операциялар, оғриқсизлантириш методлари ва операциядан кейинги асоратлар

Операция номи _____ вақти, соати _____ Оғриқсизлантириш методи

Асоратлари

1. _____

2. _____

3. _____

Операция қүлгән _____

14. Даволашнинг бошқа турлари: _____

15. Мөхнатта лаёқатсизлик варақаси берилгани түгристіда белги

№ _____ дан _____ гача № _____ дан _____ гача

№ _____ дан _____ гача № _____ дан _____ гача

16. Касаллик патижаси: касалхонадаи чиқарылған _____ согайинш билан, ақволи дуруст ҳолда, ўзгарыпсыз, ақволи ёмоналашиб, бошқа муассасага ўтказилған.

Үлгап _____

17. Мөхнат қобилияты түлиң тикланған, пасайғап, вақтінча йүүқотилған, бадар йүүқотилған, шу касаллик сабаблы, бошқа сабабларга күра

18. Экспертиза—хulosага келгайлар учун _____

19. Махсус белгилар _____

Даволовчи врач (куратор)

Бўлим мудири (ўқитувчи)

_____ имзо

_____ имзо

Баъзи бир касалларларда беморларни текшириш методларининг ТАХМИНИЙ РЎЙХАТИ

Ҳамма bemорлар, касаллик характеридан қатъи пазар, қўйидаги текни-
рувлардан ўтишлари керак:

1. Кон клиник анализи.
2. Сийдик клиник анализи.
3. Вассерман реакцияси.
4. Электрокардиография 12 усулда.
5. Кўкрак қафаси органлари рентгеноскоопияси.

Бонца текширишлар касаллик характерига кўра ўтказилади, бундай
салаб ўтилган методларнинг ҳар биридан фойдаланиш имконини кўрсат-
маларни ва текшириш вақтидаги bemор аҳволини ҳисобга олган ҳолда бел-
гилапади:

I. Нафас органлари системаси касалларни

1. Рентгеноскоопия, шубҳали ҳолларда кўкрак қафаси органлари рент-
генографияси, томографияси.
2. Бронхография, бронхоскопия ва бронх шиллиқ нардаси бионсияси.
3. Балганинг клиник анализи.
4. Балғанинг флорасипшиг антибиотикларга сезувчанилтига текшириши.
5. Спирография.
6. Илеврал бўйниш суюқлигини биохимиявий ва цитологик анализ
қилини.
7. Ўзикани радиоизотоп сканирлами.
8. Манту синамаси.

II. Кон айланниши органлари системаси касалларни

1. Электрокардиография дипамикада
2. Фолокардиография.
3. Ўйқу артерияси сфигмографияси.
4. Поликардиография.
5. Оспиллография.
6. Реовазография, тетраполяр кўкрак реографияси.
7. Эхокардиография.
8. Радиокардиография.
9. Юрак рентгенографияси.
10. Ангиокардиография (вентрикулография).
11. Электрокимография
12. Юракни радиоизотоп сканирлами.
13. Коронарография.
14. Конийиг ившин ва ивнига қарши системаси ҳолатини аниқлаштириш.
15. Липид ва оқсил алманинг кўрсаткичларини аниқлаштириш.
16. Гиперферментемия.
17. Венофлорметрик синама.
18. Умурутқа погонаси кўкрак ва бўйин бўлимларининг рентгенографияси.

III. Артериал гипертензия

1. Сийдикни Kakovskий—Ладис бўйича, Нечипоренко бўйича анализ
қилини
2. Радиоизотоп реография.
3. Буйракларни сканирлами.
4. Эксекратор урография.
5. Калла суги рентгенографияси (турк эгари).

6. Қон ва сийдикда катехоламиниларпи текшириши.
7. 17-кетостероидларни текшириши.
8. Альдостеронни текшириши.
9. Қон электролитларини текшириши.
10. Қонда ренинни текшириш.
11. Зимницацкий синамаси.
12. Қон мочевинаси ва креатинини.
13. Липид алмашынуви күрсаткичлари.
14. Құз тубини текшириши.

IV. Меъда-ичак йўллари касалликлари

1. Меъда ширасини фракцион метод билан текшириши.
2. Дуоденал зондлаш.
3. Ахлат анализи (конромогик текшириши), ахлатни яширии қонга анализ қилиш.
4. Сийдик диастазаси, қон амилазаси.
5. Меъда ва ичакларни мўлжалга олинган рентгенография билан рентгеноскопия қилиши.
6. Ирригоскопия.
7. Эзофагоскопия.
8. Гастродуоденооскопия биопсия билап.
9. Ректороманскопия.
10. Ацидотест.

V. Жигар ва ўт йўллари касалликлари

1. Дуоденал зондлаш.
2. Қон биохимияси (билирубин, холестерин, протромбин, ишқорий ва кислотали фосфатаза, чўқма синамалари, умумий оқсил ва фракциялари, липопротеидлар, трансаминаза, альдолаза, мочевина ва креатинин).
3. Сийдикни уробилин ва билирубинга текшириши.
4. Ахлатни стеркобилинга текшириши.
5. Холецистография, холангиграфия.
6. Жигар ва талоқни радиоизотоп ва ультратратовуш билап сканирлапи.
7. Меъда ости безини сканирлап.
8. Жигарни пункцион биопсия қилиш.
9. Лапароскопия.
10. Радиогенатография.
11. Эхипококк антигени билан Казони реакцияси.

VI. Сийдик ажратиш органлари системаси касалликлари

1. Сийдикни Нечипоренко бўйича, Аддис—Каковский, Зимницацкий бўйича анализ қилиши.
2. Сийдик бактериограммаси.
3. Буйрак рентгенографияси (обзор).
4. Эксекратор уорография.
5. Буйракларни сканирлаш.
6. Буйраклар биопсияси.
7. Қон биохимияси (оқсил ва фракциялари, холестерин, мочевина ва креатинин, қон липидлари).
8. Кислота-асос ҳолатини аниqlами.
9. Қон электролитлари.
10. Сийдик ва қонни иммунологик текшириши.
11. Радиоизотоп ренография.
12. Конго қизили ёки метилен кўки билан сипама (амилоидозни истисно қилиш учун).

VII. Қон системаси касаллуклари

1. Стернал шунктиратиң цитологик текшириші.
2. Лимфатик түгүп, талоқ биопсияси.
3. Коагулограмма.
4. Тромбоэластограмма.
5. Эритроцитлар резистентлігі.
6. Гематокрит.
7. Румисел—Лееде—Кончаловский синамаси.
8. Ретикулоцитлар, тромбоцитлар.
9. Ясси сұяқлар ва найсімөн сұяқлар рентгенографиясы.

VIII. Коллаген тұқыма системаси касаллуклари

1. Иммунологияк текшириш (С-реактив оқсил, иммун глобулинылар, активацияның гемагглютинация, лимфоцитлар бласттрансформациясы).
2. Синовиал парда, тери, мұннаклар, буйраклар пункцион биопсияси.
3. LE-хужайралар, антинуклеир омыл. Баалер—Роузе реакциясында қолданылғандағы.
4. Бұғымлар рентгенографиясы.
5. Стрептогиалуронидаза, стрептокипаза ва ботқалар активділігі.

IX. Эндокрин система касаллуклари

1. Углевод алмапишувины текшириш: қон ва сийдик глюкозасы, гликемик этри чизигүү, сийдиктә ацетон.
2. Асосий алмапишуви текшириш.
3. Қалқонсімөн безни радиоизотоп текшириші.
4. Қалқонсімөн без шункциян биопсиясы.
5. Қон ва сийдикни кортикостероидлар, катехоламинлар ва альдостеронга текшириш.
6. Қон ва сийдикни электролитларға текшириші.
7. Қалла сұяғы, буйраклар рентгенографиясы, супрапенография.

Асөсий лаборатория күрсаткычларининг нормал қийматлари

1. Соғлом кишиларда қон күрсаткычлари

Күрсаткычлар	Алништирилиши керак бўлган бирликлар	СИ бирликлар
Гемоглобин Э	13,0—16,0 г%	130,0—160,0 г/л
А	12,0—14,0 г%	120,0—140,0 г/л
Эритроцитлар Э	1 мкл да 4,0—5,0 млн	4,0—5,0·10 ¹² /л
А	1 мкл да 3,9—4,7 млн	3,9—4,7·10 ¹² /л
Рангли күрсаткич	0,85—1,05	0,85—1,05
Ретикулоцитлар	2—10%	2—10%
Тромбоцитлар	1 мкл да 180—320 минг	180,0—320,0·10 ⁹ /л
Лейкоцитлар	1 мкл да 4—9 минг	4,9—9,0·10 ⁹ /л
Нейтрофиллар	1—6%	1—6%
таёқча ядролилар	1 мкл да 40—300	0,040—0,300·10 ⁹ /л
сегмент ядролилар	47—72%	47—72%
	1 мкл да 2000—5500	2,000—5,500·10 ⁹ /л
	20,5—5%	0,5—5%
Фазинофиллар	1 мкл да 20—300	0,020—0,300·10 ⁹ /л
	0—1%	0—1%
Базофиллар	1 мкл да 0—65	0—0,065·10 ⁹ /л
	19—37%	19—37%
Лимфоцитлар	1 мкл да 1200—3000	1,200—3,000·10 ⁹ /л
	3—11%	3—11%
Моноцитлар	1 мкл да 90—600	0,090—0,60·10 ⁹ /л
Эритроцитлар	соатига 2—10 мм	соатига 2—10 мм
Чўкинг тезлиги	соатига 2—15 мм	соатига 2—15 мм

2. Суяқ кўмигининг (миелограмма) нормадаги ҳужайра таркиби (%) күрсаткычлари (А. П. Грибовадан, 1979)

Миелограмма күрсаткичи	Хуртала қиймат	Нормал тебрак-нишлар чистагалари
Ретикуляр ҳужайралар	0,9	0,1—4,6
Бластлар	0,6	0,1—1,1
Миелобластлар	1,0	0,2—1,7
Нейтрофил: промцелоцитлар	2,5	1,0—4,4
миселоцитлар	9,6	7,0—12,2
метамиелоцитлар	11,5	8,0—15,0
таёқча ядролилар	18,2	12,8—23,7
сегмент ядролилар	18,6	13,1—24,1
Ҳамма нейтрофил элементлар	60,8	52,7—68,9
Эозинофиллар (ҳамма генерациялари)	3,2	0,5—5,8
Базофиллар	0,2	0—0,5
Эритробластлар	0,6	0,2—1,1
Пропорибластлар	0,6	0,1—1,2
Нормобластлар: базофил	3,0	1,4—4,8
полихроматофил	12,9	8,9—16,9
окси菲尔	3,2	0,8—5,6
Ҳамма эритроид элементлар	20,5	4,5—26,5
Лимфоцитлар	9,0	4,3—13,7
Моноцитлар	1,9	0,7—3,1

Мислограмма күрсаткычы	Үртатаң қиймат	Нормал төбәннишлар чөгөндөрлөрдө
Ізлазматик ұжықайралар	0,9	0,1—4,8
Мислекариоцитлар миқдоры (1 мкл да минг ұсабыда)	118,4	41,6—195,0
Лейкоэритробластик мүносабат	3,3	2,1—4,5
Етически индекси: эритрокариоцитлар нейтрофиллар	0,7 0,8	0,5—0,9 0,7—0,9

3. Қон зардобининг нормал химиявий күрсаткычлари

Күрсаткыч	Алиштирилиши керак булған бирліктер	СИ бирліктер
Билирубин (Ендравин бүйінчі)	0,5—1,2 мг %	8,55—20,52 мкмоль/л
Зардоб темири	70—140 мг %	12,53—25,06 мкмоль/л
Умумий оқсиген	6—8 г %	60—80 г/л
Альбуминлар	56,3—68,8 %	56,3—68,8 %
Глобулинылар:	32,0—43,0 %	32,0—43,0 %
α_1	3,0—5,8 %	3,0—5,8 %
α_2	6—9—10,5 %	6,9—10,5 %
β	7,3—12,5 %	7,3—12,5 %
γ	12,8—19,2 %	12,8—19,2 %
Альбумин-глобулин коеффициенті	4,2—2,0	1,2—2,0
Глюкоза	80—120 мг %	4,4—6,6 ммоль/л
Умумий холестерин	150—200 мг %	3,9—5,2 мкмоль/л
Умумий липидлар	340—600 мг %	3400—6000 мг/л
α -липопротеидлар	25—30 %	25—30 %
Э	125—425 мг %	1250—4250 мг/л
А	250—650 мг %	2500—6500 мг/л
β-липопротеидлар	65—75 %	6,9—10,5 %
Қолданылған азот	20—40 мг %	14,28—28,56 ммо/л
Мочевина	20—40 мг %	3,23—6,46 ммоль/л
Креатинин	1—2 мг %	0,088—0,176 ммоль/л
Спіндинк кислота	2—7 мг %	0,118—0,413 ммоль/л
Индикал	0,02—0,08 мг %	0,68—5,44 мкмоль/л
Аспартатаминотрансфераза (ААТ)	0,1—0,45 мкмоль/л	0,1—0,45 ммоль/л
Аланинаминотрансфераза (АЛАТ)	0,1—0,68 мкмоль/л	0,1—0,68 ммоль/л
Креатининфосфоркиназа (КФК)	10—110 ХБ	
Умумий лактатдегидрогеназа (ЛДГ)	0,8—4,0 мкмоль/л	0,8—4,0 ммоль/л
Ишкөркін фосфатаза (ИФ)	1,0—3,0 мкмоль/л	1,0—3,0 ммоль/л
Кислотали фосфатаза (КФ)	0,025—0,12 мкмоль/л	0,11—2,0 мкмоль/л
Амилаза	12—30 мг/мл	12—30 г/л
Натрий	138—148 мэкв/л	138—148 ммоль/л
Калий	3,8—5,2 мэкв/л	3,8—5,2 ммоль/л
Кальций	1,5—5,4 мэкв/л	0,75—2,75 ммоль/л
Магний	1,5—2,8 мэкв/л	0,75—1,4 ммоль/л
Хлор	95—105 мэкв/л	95—105 ммоль/л

4. Қоннинг ивиш ва ивишига қарши системаларининг айрим күрсаткичлари

1. Қон оқишининг давомлилиги (Дюке бўйича)	4 мин гача
2. Ивиш вақти (Ли—Уайт бўйича)	5—10 мин
3. Тромбоэластограмма:	
R	9—14 мин
K	5—8 мин
та	50—60 мин
4. Рекальцификациянинг активланган вақти	60—70 с
5. Плазманинг фиброполитик активлиги	3—4 соат
6. Плазма фибриногени (Рутберг бўйича)	2—4 г/л
7. Протромбин индекси	80—100%
8. Антипротромбин активлик	90—110%
9. Протромбин вақти	28—30 с
10. Плазманинг гепаринга толерантлиги	7—11 мин
11. Қон ивииндиси ретракцияси	44—65 % (ретракция индекси 0,3—0,5)
12. Протромбин сарфи	80—100%

5. Соглом одамларда сийдик күрсаткичлари

Суткалик миқдори
Рангги

Сийдик pH	1—2 л
Нисбий зичлиги	Сомондек сариқдан қаж- рабо-сариққача
Оксиген	4,5—8,4
Глюкоза	Бўлмайди ёки юқлари (0,066 г/л)
Билирубин	1,005—1,028
Уробилин	Бўлмайди
Ацетон	Бўлмайди
Эпителиал ҳужайралар	Апиқланмайди
Лейкоцитлар	Бўлмайди
Эритроцитлар	Кўрув майдонида 0—3
Цилиндрлар	Кўрув майдонида 0—2
Шилимшиқ	Препаратда бир-иккита
Тузлар	Бўлмайди
	Бўлмайди
	Уратлар ва оксалатлар- нилиг бир-иккита крис- таллари

6. Сийдикни Нечипоренко бўйича анализ қилиш (1 мл да)

Лейкоцитлар	4000 гача
Эритроцитлар	1000 гача
Цилиндрлар	20 гача

7. Соглом кишилардаги асосий гемодинамик күрсаткичлар

Юракнинг минутлик ҳажми	2—7
Юракнинг зарбали ҳажми	0,05—0,1 л
Юрак индекси	2—4 л/м ²
Айлапиб юрган қон ҳажми	0,07—0,8 л/кг
Гематокрит Э	40—48 %
А	36—42 %
Катта доирадаги қоп оқими тезлиги (магнезијал вақт) — пессијлик сезизи:	
огизда	7—8 с ўтгач
қўйл бармоқларида	22 с ўтгач
оёқ бармоқларида	34 с ўтгач

АСОСИЙ АДАБИЕТ

- Абдуллаев Р. А. Избранные главы клиники внутренних болезней. — Ташкент: Медицина, 1985. — 432-бет.
- Белоусов А. С. Дифференциальная диагностика болезней органов пищеварения. — М.: Медицина, 1984. — 288-бет.
- Блюгер А. Ф. Клинические проблемы хронического гепатита / Клиническая медицина. — 1980. — № 9. — 16—23-бетлар.
- Блюгер А. Ф. Итоги и перспективы развития современной гепатологии / Изв. АН Латв. ССР. — 1981. — № 3. — 27—32-бетлар.
- Болезни почек / Под ред. Г. Маждракова, П. Понова. — София, 1980. — 805-бет.
- Василенко В. Х., Грекцов А. Л. Болезни желудка и двенадцатиперстной кишки. — М.: Медицина, 1981. — 342-бет.
- Василенко В. Х., Фельдман С. Б., Могилевский Э. Б. Пороки сердца. — Ташкент: Медицина, 1983. — 366-бет.
- Василенко В. Х. Введение в клинику внутренних болезней. — М.: Медицина, 1985. — 256-бет.
- Виноградов А. В. Дифференциальный диагноз внутренних болезней. — М.: Медицина, 1980. — 532-бет.
- Виноградов А. В. Дифференциальный диагноз внутренних болезней. — М.: Медицина, 1987. — 591-бет.
- Выговская Я. И., Логинский В. Е., Мазурок А. А. Гематологические синдромы в клинической практике. — Киев: Здоровье, 1981. — 295-бет.
- Гаврилов О. К., Файыштейн Ф. Э., Турбина Н. С. Депрессии кроветворения. — М.: Медицина, 1987. — 256-бет.
- Гасилин В. С., Сидоренко Б. А. Степокардия. М.: Медицина, 1987. — 240-бет.
- Григорьев П. Я. Диагностика и лечение язвенной болезни желудка и двенадцатиперстной кишки. — М.: Медицина, 1986. — 224-бет.
- Грициук А. И. Пособие по кардиологии. — Киев: Здоровье, 1984. — 560-бет.
- Грициук А. И. Неотложные состояния в клинике внутренних болезней. — Киев, 1985. — 592-бет.
- Дубилей В. В., Кокосов А. Н., Холодный М. Д. Лекарственная терапия в пульмонологии. — Ростов-на-Дону, 1980.
- Дунаевский О. А. Дифференциальная диагностика заболеваний печени. — Л.: Медицина, 1985. — 264-бет.
- Идельсон Л. И. Гипохромные анемии. — М.: Медицина, 1981. — 192-бет.
- Климов А. И. Некоторые вопросы патогенеза атеросклероза с позиции современных биохимических исследований / Кардиология. — 1980. — № 8. — 5—11-бетлар.
- Клиническая нефрология / Под ред. М. Тареева. — М.: Медицина, 1983. — Т. 1—2-томлар.

Козловская Л. В., Николаев А. Ю. Учебное пособие по клиническим лабораторным методам исследования. — М.: Медицина, 1985. — 352-бетлар.

Кушаковский М. С. Гипертоническая болезнь и вторичные артериальные гипертензии. — Л.: Медицина, 1983. — 288-бет.

Лазовский И. Р. Справочник клинических симптомов и синдромов. М.: Медицина, 1981. — 512-бет.

Маколкин В. И. Приобретенные пороки сердца. — М.: Медицина, 1986. — 256-бет.

Маколкин В. И., Овчаренко С. И. Внутренние болезни. — М.: Медицина, 1987. — 448-бет.

Мухарлямов Н. М., Мареев В. Ю. Лечение хронической сердечной недостаточности. — М.: Медицина, 1985. — 208-бет.

Мухин Н. А. Клинические проблемы амилоидоза почек / Клиническая медицина. — 1983. — № 10. — 12—17-бет.

Мухин Н. А., Тареева И. Е. Диагностика и лечение болезней почек. — М.: Медицина, 1985. — 240-бет.

Насонова В. А., Бронзов И. В. Ревматизм. — М.: Медицина, 1978. — 192-бет.

Новогородцев Г. А., Демченкова Г. З., Полонский М. Л. Дисансеризация населения в СССР. — М.: Медицина, 1984. — 360-бет.

Орлов В. Н. Руководство по электрокардиографии. — М.: Медицина, 1983. — 526-бет.

Основы пульмонологии / Под ред. А. И. Кокосова. — М.: Медицина, 1976. — 320-бет.

Палеев Н. Р., Царькова Л. И., Барохов А. И. Хронические неспецифические заболевания легких. — М.: Медицина, 1985. — 240-бет.

Подымова С. Д. Болезни печени. — М.: Медицина, 1984. — 480-бет.

Померанцев В. П., Турсунов С. Ю., Мамасалиев И. С. Руководство по диагностике и лечению внутренних болезней. — Ташкент, 1987. — 296-бет.

Пронедствика внутренних болезней / Под ред. В. Х. Василенко, А. Л. Гребенева. — М.: Медицина, 1982. — 527-бет.

Редкие и атипичные синдромы и заболевания в клинике внутренних болезней / Под ред. И. М. Ганджи. — Киев: Здоровье, 1983. — 540-бет.

Руда М. Я., Зыско А. П. Инфаркт миокарда. — М.: Медицина, 1981. — 248-бет.

Руководство по врачебно-трудовой экспертизе / Под ред. Ю. Д. Арбатской. — М.: Медицина, 1981. — Т. 1—2.

Руководство по кардиологии / Под ред. Е. И. Чазова. — М.: Медицина, 1982. — Т. 1—4

Руководство по пульмонологии / Под ред. Н. В. Путова, Г. Б. Федосеева. — Л.: Медицина, 1984. — 456-бет.

Руководство по гематологии / Под ред. А. Н. Воробьева. — М.: Медицина, 1985. — Т. 1—2.

Рысс Е. С. Современная классификация, основы диагностики и принципы лечения больных циррозами печени / Клиническая медицина. — 1983. — № 8. 142—146-бетлар.

Рысс Е. С. Современные представления о хроническом гепатите // Клиническая медицина. — 1983. — № 7. 15—24-бетлар.

Рябов С. И. Болезни почек. — Л.: Медицина, 1982. — 432-бет.

Спильвестров В. П. Затяжные пневмонии. — Л.: Медицина, 1981. — 288-бет.

Сметнев А. С., Петров Л. И. Неотложные состояния в клинике внутренних заболеваний. — М.: Медицина, 1977. — 224-бет.

Современная нефрология: Пер. с англ. / Под ред. С. Клара, С. Г. Массри. — М.: Медицина, 1984. — 512-бет.

Специальная физиотерапия / Под. ред. Л. Николовой. — София, 1983. — 539-бет.

- Справочник по гастроэнтерологии / Под ред. В. Х. Василенко.** — М.: Медицина, 1979. — 384-бет.
- Справочник по оказанию скорой и неотложной помощи / Под ред. Е. И. Чазова.** — М.: Медицина, 1975. — 672-бет.
- Справочник. Неотложные состояния и экстренная медицинская помощь / Под ред. Е. И. Чазова.** — М.: Медицина, 1989. — 608-бет.
- Справочник по пульмонологии / Под ред. Н. В. Шутова и др.** — Л.: Медицина, 1988. — 222-бет.
- Справочник терапевта / Под ред. Ф. И. Комарова.** — М.: Медицина, 1980. — 656-бет.
- Справочник по ревматологии / Под ред. В. А. Насоновой.** — Л.: Медицина, 1983. — 240-бет.
- Справочник по дистотерапии / Под ред. А. А. Покровского, М. А. Самсоновой.** — М.: Медицина, 1981. — 701-бет.
- Сумароков А. В., Моисеев В. С. Клиническая кардиология.** — М.: Медицина, 1986. — 368-бет.
- Триптический Ф. П. Фармако-терапевтический справочник.** — Киев: Здоровья, 1988. — 640-бет.
- Туберкулез органов дыхания. Руководство для врачей / Под ред. А. Г. Хоменко.** — М.: Медицина, 1988. — 576-бет.
- Файнштейн Ф. Э., Козинец Г. И., Бахрамов С. М., Хохлова М. П. Болезни системы крови. 2-е изд.** — Ташкент: Медицина, 1987. — 582-бет.
- Чазов Е. И., Климов А. И. Дислипоидемия и ишемическая болезнь сердца.** — М.: Медицина, 1980. — 314-бет.
- Чучалин А. Г. Бронхиальная астма.** — М.: Медицина, 1985. — 160-бет.
- Щуцяну Шт., Виктория Ионеску — Бляжа, Моангэ М. Клиника и лечение ревматических заболеваний: Пер. с румынск.** — Бухарест: Мед: изд-во, 1983. — 628-бет.
- Юлдашев К. Ю., Житницкая А. Е. Клинические лекции по ишемической болезни сердца.** — Ташкент: Медицина, 1987. — 199-бет.

МУНДАРИЖА

Сүз боли	3
Кириш	4
I боб. Нафас органлари касаллуклари	5
Бронхитлар	6
Үткір бронхит	7
Хроник бронхит	8
Үткір пневмониялар	18
Крупоз пневмония	20
Үчоқли пневмониялар	26
Үпка йирингланишлари (үпка абсцесси ва гангренасы)	34
Бронхиал астма	40
Хроник пневмония	51
Плевритлар	58
Үпка-юрак (Cor-pulmoroles)	66
II боб. Қои айланиши органлари касаллуклари	76
Ревматизм	77
Эндокардитлар	86
Ұртаса үткір (сурункали) септик эндокардит	87
Миокардитлар	94
Орттирилган юрак пороклари	103
Митрал юрак пороклари	106
Икки тавақали (митрал) порок етишмовчилеги	107
Чап бўйма-қоринча (атриовентрикуляр) теникканинг торайини .	112
Кўшилиб келган митрал юрак пороги	119
Лортал юрак пороклари	120
Аорта клапанлари етишмовчилеги	121
Аорта оғзи степози	125
Биргаликда келган аортал юрак пороги	131
Юрак ритми ва ўтказувчанинг бузилиши — юрак аритмиялари .	133
Гипертония касаллiği	143
Симптоматик артериал гипертониялар	152
Нейроциркулятор дистония	163
Атеросклероз	170
Юракнинг ишемик касаллiği	177
Стенокардия	180
Миокард инфаркти	186
Юрак ва томирлар етишмовчилеги (қои айланиши етишмовчилеги) .	194
III боб. Ҳазм органлари касаллуклари	204
Гастриглар, меъда раки	204
Меъда ва ўн икки бармоқ ичакнинг яра касаллiği	215
Хроник энтероколит ва ичак ўсмалари	221
Холециститлар	232
Хроник гепатит	238
Жигар циррози	244
Хроник панкреатит. Меъда ости бези ўсмалари	252
IV боб. Буйрак касаллуклари	261
Иммун нефропатиялар Гломерулонефритлар (идиопатик турлари) .	262
Үткір диффуз гломерулонефрит	263
Хроник диффуз гломерулонефрит	272
Хроник пиелонефрит	277
Метаболик нефропатиялар. Буйраклар амилоидози	287
Буйрак етишмовчилеги	296

V боб. Қоп системаси касалліктер	304
Анемиялар	304
Темир ташқислигидан бұладыған анемиялар	304
B ₁₂ (фоли)-ташқислиги анемиялари (Аддисон—Бирмер касаллиги)	310
Гемолитик анемиялар	317
Ирсий микросферацетоз	319
Талассемия	323
Аутоиммун гемолитик анемия	324
Геморрагик диатезлар	328
Гемофилия	331
Тромбоцитопеник шурнура (Верльгоф касаллиги)	335
Геморрагик ваккулит (Шейнлейн — Генох касаллиги)	337
Гемобластозлар (лейкозлар)	340
Үткір лейкозлар	352
Хроник лейкозлар. Хроник миелоид лейкоз	356
Хроник лимфолейкоз	362
Эритремия	370
VI боб. Бириктирувчи тұқима ва бүтімларнинг диффуз касалліктер	370
Систем қызил волчанка	370
Ревматоид артрит	380
Подагра	387
Шархөз билан даволаш (диетотерапия)	394
Терапиядан амалдай қўнижмалар рўйхати	407
Физиотерапиядан амалдай қўнижмалар рўйхати	409
Клиник касаллик тарихи ягона схемаси	410
Асосий адабиёт	435

Учебное издание

На узбекском языке

КАМАЛОВ НУРИДДИН МИРЗАЕВИЧ
Заслуженный врач УзССР, профессор
КУЙЛИЕВ МУРАДИЛЛО УМАРОВИЧ
доцент

ВНУТРЕННИЕ БОЛЕЗНИ

Муҳарририят мудири А. Камолов
Мухаррир Б. Мансуров
Бадний муҳаррир О. Аҳмаджонов
Тех. муҳаррир Л. Жихарекаев
Мусаҳид М. Кодирова

ИБ № 1709

Босмахонага 04.01.91 берилди. Босишга 21.08.91 да рухсат этилди. Бичимиг 60×90%.
Коғоз № 1. Юқори босма. Оддий янги гарнитура. Шартли босма табоб 27,5. Шартли-бүёй отт. 27,5. 102—90 рақами шартнома. Жаъми 22000 нусха. 47 рақами буюртма. Баҳоси 4 с. 70 т.

Издательство имени Ибн Синя, 700129, Ташкент, Навои, 30.

Узбекистон ССР Давлат матбуот комитети Тошкент «Китоб» нашриёт-матбаза ишлаб чиқарниш бирлашимасининг З-босмахонаси, 700194. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кӯчаси, 1.